

Қ. ҲУСАНБОЕВА,
Ш. ДЖАМАЛДИНОВА,
И. РАХИМОВА

МУАММОЛИ
ТАЪЛИМДА
АДАБИЁТ
ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ

ТОШКЕНТ


**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**Қ.ҲУСАНБОЕВА,
Ш.ДЖАМАЛДИНОВА, И.РАХИМОВА**

**МУАММОЛИ ТАЪЛИМДА
АДАБИЁТ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**

Монография



Тошкент – 2021

УУК:371.3
КБК:74.268.5
Х 84

Хусанбоева Қ., Джамалдинова Ш., Рахимова И.
Муаммоли таълимда адабиёт ўқитиш
методикаси /Монография/. – Т.: «Иновацион
ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021, 368 б.

ISBN 978-9943-7393-9-0

Ушбу «Муаммоли таълимда адабиёт ўқитиш методикаси» номли монография миллий тарбияшунослик илмида муаммоли таълим бўйича алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган мутахассислар томонидан яратилган бўлиб, у ўқитувчиликни яхши кўрган, бу туйғуни талабалар – бўлажак тарбиячи-ўқитувчилар учун ўқув ва миллату мамлакат олдида ўз бурчини чуқур ҳис қилган, дарсларини кундан-кунга яхшироқ, қизиқарлироқ, самаралироқ бўлишини истаган ҳамда гоёларини ўз тарбияланувчиларига «оқтириш»ни хоҳлаган амалиётчи ўқитувчилар учун такдим этилади.

Масъул муҳаррир

Қ. Йўлдошев

Педагогика фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Р. Ниёзметова

Педагогика фанлари доктори, профессор.

М. Ҳазратқулов

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, СамДУ.

Самарқанд давлат Тиббиёт институти илмий кенгашининг
2021 йил 24 февралдаги 7-сонли баённомаси билан нашрга
тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7393-9-0

© Хусанбоева Қ., Джамалдинова Ш., Рахимова И., 2021.
© «Иновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021.

**“МАКТАБДА ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ ЎЗГАРМАСА,
ТАЪЛИМ СИФАТИ ҲАМ, МАЗМУНИ
ҲАМ, МУҲИТ ҲАМ ЎЗГАРМАЙДИ”.**

Ш. Мирзиёев

КИРИШ

Ўқувчини интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлади.

Бу эҳтиёж унинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан тўғилади.

Ҳар қандай фаннинг тараққиёти ва умрбоқийлиги асосида ўша фанни ўқитиш методикаси ётади. Илмдаги янгиликлар ўз йўналиши амалиётига етиб бормас экан, ҳаётга татбиқ этилмас экан, бу кашфиётлар қоғозларда қолиб кетаверади. Уларни амалиётга етказадиганлар эса ўқитувчи-профессорлар, методика илмидан хабардор мутахассислар бўлишади.

Миллий тарбияшуносликда методика илмига бармоқ орасидан қараш, уни иккинчи даражали фан деб билиш чуқур илдиз отиб кетган. Сабаби – соҳа таълими методикасини олий ўқув юртларида унинг назарий асосларидан беҳабар, амалий хусусиятларини билмайдиган, ҳаммасига юзаки қарайдиган, методикани фан сифатида менсимайдиган, тан олмайдиган ва уни яхши кўрмайдиган кишилар ўқитишади. Ва натижа ҳам, талабаларнинг методика фанига муносабати ҳам шунга яраша бўляпти. Энг ёмони, бу қараш авлоддан-авлодга ўтиб, илдиз отиб бормокда.

Гап шундаки, ҳар хил соҳа бўйича изланишлар олиб бораётган кишилар томонидан кашф этилган янгиликлар ўша мутахассиснинг ўзида, унинг диссертацияси, монография ва мақолалари мазмунида қолиб кетмокда. Улар бўлажак мутахассисларга, бу қарашларнинг давомчиларига етиб бормаяпти. Буни етказиш методика илмининг, методист олимнинг вазифаси. Миллий методика илми эса бу вазифани эплаб бажара олмаяпти.

Чунки унинг кўли калта, ўзи назардан қолган. Бу муаммо мамлакат Президенти томонидан кўтарилмагунча ўз ечимини кутиб, эътиборсиз ётаверди. Умид шулки, энди методика илмига мамлакат илм аҳлининг эътибори қаратилади. Унинг мавқеи, ҳурмат-эътибори бошқа фанлар даражасига кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари» тўғрисидаги Фармони лойиҳасида таъкидланганидек, мамлакат таълим тизимида сўнгги йилларда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, болалар боғчалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, олий таълим муассасалари талаба-ёшларида замонавий билим ҳамда кўникмаларни шакллантириш, таълим тизими билан илм-фан соҳаси ўртасида интеграцияни, таълимнинг узвийлиги-узлуксизлигини таъминлаш борасида маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Айни замонда, миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар қилиб тарбиялаш, таълим муассасалари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш ҳам тақозо этилмоқда.

Бу жараёнда «янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқа билладиган, ўз ғояларини амалга оширишга қодир, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак кадрларни тайёрлаш, таълим муассасалари битирувчилари учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш, дунё миқёсидаги рақобатга бардош бера оладиган» авлодни тарбиялашда методика илмининг ўрни бекиёсдир.

Таълим тизими амалиётида ўқувчи-тарбияланувчиларни ўқитувчи айтганларини бажарадиган иштирокчилардан ўқиш-ўзлаштириш кечимининг ижрочилари даражасига кўтариш, билимларни устозидан тайёр ҳолда олиб, фақат хотираси ҳисобидан иш юритиш кўникмаларини шакллантиришдан воз кечиб, илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни ўзи меҳнат қилиб, ўзини ҳам ақлан, ҳам руҳан зўриктириб англаш ҳамда ўзлаштиришга йўналтириш – методика илмининг зиммасида. Жамият бугун таълим тизимидан маънавий комиллик сари юз тутган авлодни

тарбиялаб беришни талаб қилаётган экан, бу талабни амалга ошириш учун аввал, ўқитувчи-тарбиячининг ўзини маънавий комиллик йўлига солиш лозим. Чунки ўқитувчи-педагог маънан кўтарилмас экан, миллат кўтарилмайди. Миллат кўтарилмас экан, мамлакат кўтарилмайди. Бугун ўқитувчи-тарбиячининг зиммасида ана шундай масъулиятли юк бор.

Мустақиллик даври миллий таълимидаги муаммолардан яна бири шуки, методика илми, хусусан, адабиёт ўқитиш методикасида ҳам бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинган. Гап сонда эмас, албатта, лекин шу сон орасидан сифат ажралиб чиқишидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бир қатор тадқиқот ишларида яхшидир, ёмондир ғоялар, ўқитиш самарадорлигини ошириш, шахс шакллантириш билан боғлиқ салмоқли фикрлар ҳам мавжуд. Лекин бу қарашлар таълим амалиётига етиб бормаяпти. Миллий тарбияшуносликда илм билан амалиёт орасида боғланиш йўқ. Илм ўз йўлида, ўз имкониятлари доирасида, гарчи жуда секинлик билан бўлса ҳам кетиб, ривожланиб борапти. Амалиёт эса жойида депсиниб турибди. Ўқитувчи-тарбиячилар дарс жараёнида ҳар хил технология ва интерфаол методлардан кўр-кўрона, уларнинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифаларидан беҳабар ҳолда фойдаланмоқдалар. Амалий натижа ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Шу маънода муаммоли таълим ҳам ўзлаштириладиган билимларни тарбияланувчи олдига муаммо шаклида қўйиш ғояси билан методика илмида алоҳида ўринни эгаллайди ва бу масала билан жаҳон педагогикасида ўтган асрнинг олтмишинчи, етмишинчи йилларида В. Оконь, М. Махмутов, В. Кудрявцев, В. Маранцман, Н. Мочалова, А. Матюшкин, И. Ильницкая ва бошқа бир қатор методист олимлар алоҳида шуғулланишган. Улар ўқувчини интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлишини, бу эҳтиёж унинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан туғилишини асослаганлар. Бу методист олимлар ўқувчи муаммоли вазиятда бутун қобилияти, бор имконияти ва ҳаётий тажрибасини тўлиқ сафарбар этган ҳолда фаолият юритишини илмий-амалий жиҳатидан исботлаб берганлар. Уларнинг тадқиқотларида ўқувчи фаоллигини ошириш орқали билимларни ўзлаштириш самарадорлигини кўтариш мақсади

етакчилик қилган.

Маълумки, ҳар қандай инсон ўз олдида кўндаланг турган ҳаётий ёки илмий муаммони ҳал этиш учун ўйланади, изланади, билганларини тафтиш қилади, зўриқади, машаққат чекади. Бу руҳан соғлом одамга хос бўлган табиий хусусият. Таълим жараёнида шундай вазиятга солинган ўқувчи ҳам таълимий муаммони ҳал қилиш орқали билим олиш йўлида меҳнат қилади. Ўқувчи-тарбияланувчининг бу жараёндаги меҳнати ҳар жиҳатдан самарали бўлишини таъминлаш муаммоли таълимнинг асосидир. Кўлингиздаги ушбу монографияда шу масаланинг назарий асосларини миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаб беришга, бу назарий қарашларнинг амалиётга татбиқини аниқ асарлар мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. У педагогик йўналишдаги олий ўқув юртлири талабалари, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг амалий фаолиятига методик кўмак бериш мақсадида яратилди. Кўлланмадан олий ўқув юртлирининг профессор-ўқитувчилари ҳам ўз иш фаолиятида фойдаланишлари мумкин.

1-БОБ. МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

§1. МУАММОЛИ ЎҚИТИШ КЕЧИМИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРБИЯШУНОСЛИК ИЛМИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ.

Режа:

1. Муаммоли таълим ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Болалар боғчалари тизимида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг аҳамияти.
3. Муаммоли таълимда тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг асосий вазифалари.
4. Бадий асарлар билан танишиш машғулотларини муаммоли ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўзлар: муаммоли таълим, мантиқий усуллар, ижодий фаолият, махсус йўллар, билимларни ижодий ўзлаштириш, ҳаётий вазиятга кўра мавжуд билимлардан ижодий фойдаланиш кўникмасини тарбиялаш, ижодий фаолият.

Муаммоли таълимнинг характерли хусусияти тарбияланувчини билимларни мустақил ўзлаштириш фаолиятига йўналтиришдир.

Миллий тарбияшунослик илми ва амалиётида бугун ҳам ўқувчининг билимларни ўзлаштириш борасидаги меҳнати, бу меҳнат орқали билимларни ўзлаштириш, таълим жараёнини фаоллаштириш, уни қизиқарли ҳамда ёқимли машғулотга айлантириш, шу асосда ўқитиш самарадорлигини таъминлаш масаласи иккинчи планда турибди. Замонавий тарбияшунослик илмида таълим-тарбиянинг вазифаси ўқувчини зарур билимлар йиғиндиси билан таъминлаш доирасидан чиқиб кетяпти ва унинг олдида ўқувчи маънавиятини шакллантириш ҳамда бойитиш, ўқувчида билимларни изчил равишда тўлдириш, билишга бўлган ички эҳтиёжни қондириш, мустақил, мантиқий, ижодий фикрлай олиш кўникмасини шакллантириш каби сифат жиҳатидан янги талаблар қўйиляпти. Мактабдан ўқувчи ўз маънавий камолотини таъминлаш учун мустақил равишда китоб ўқиш малакасини

шакллантириш, билим олиш йўлида бор имкониятларини кўллаган ҳолда ижодкорлик кўникмаларини қарор топтириш талаб қилиняпти.

Таълимга бундай ёндашув, ўз навбатида, ўқувчини тақлидчилик, кўчирмачилик, тайёр андозалар, белгиланган қолиплар асосида фикрлашдан узоқлаштиради. Шу маънода муаммоли таълим мустақил, мантикий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир. У ўқув материалининг ўзлаштирилганлик даражасини яққол ва тез намойиш этади, уни мустаҳкам қилади, билимларни қатъийлаштиради. Ўқувчида ўқишга ижобий ҳиссий муносабат уйғотади, билим олишга ички эҳтиёжни шакллантиради ва кучайтиради. Бундай таълимда бугунги тарбияшуносликнинг асосий вазифаси – ўқувчида шахслик сифатлар шаклланиши, ривожланиши муваффақиятли амалга ошади. Шу маънода, аввал муаммоли таълим ҳақида аниқ тасаввур шакллантириш ўринлидир.

Педагогик адабиётларда муаммоли таълимга таъриф бериш борасида бир-бирини тўлдирадиган қатор қарашлар мавжуд. Муаммоли таълим масаласи билан илк шуғулланган польшалик олимлардан бири В. Оконнинг фикрича, муаммоли таълим: *«муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммонинг шаклланиши, бу жараёнда ўқувчиларга кўрсатиладиган ёрдам, муммо ечимининг текширилиши, бу жараёнда ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш сингари фаолиятлар йиғиндисидир»*¹.

И. Я. Лернер муаммоли таълимнинг моҳиятини: *«ўқувчи учун янги бўлган назарий ва амалий билимларни таълимнинг мақсад ва вазифаларига монанд равишда ўзлаштиришида ўқитувчи раҳбарлигидаги изчил фаолияти»*² да кўради.

Т.В.Кудрявцевнинг таъкидлашича, муаммоли таълим жараёнининг мазмуни: *«ўқувчиларнинг муаммоли масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ билимларга йўналтирилиши ва муаммо ечими билан боғлиқ тамойилларни ўзлаштиришлари»*³ дан иборатдир.

¹Оконъ В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998. – С. 28.

²Лернер И. Я. Проблемное обучение. – Москва: Просвещение, 1974. – С. 67.

³Кудрявцев В. Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. – Москва: Знание, 1991. – С. 9.

Муаммоли таълимнинг нисбатан мукаммал таърифини М.И.Махмутов куйидагича ифодалаган: «муаммоли таълим – ривожлантирувчи таълим турларидан бири бўлиб, унда ўқувчининг илмда қатъий белгилаб қўйилган билимларни ўзлаштириши билан мунтазам изланишга йўналтирилган фаолияти, қўйилган топширқининг муаммолилик даражасидан келиб чиқиб унинг мақсади ва ечими тамойилларини белгилашдаги методлар тизимини аниқлаши; таълим-тарбия жараёнининг билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилганлиги, бунда фикрий қобилиятларнинг қатъий мотивлари ва фаолият турларини билишини англатади»⁴.

Ўзбек миллий педагогикасида Қ.Хусанбоева адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида муаммоли таълимдан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратган ва унга куйидагича таъриф берган: «...ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг иштирокида, уларнинг кучи, тафаккури, билими ва меҳнати билан ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида болалар олдига муаммо шаклида қўйиш йўли билан амалга ошириладиган ўқитиш жараёнини муаммоли таълим деб аташ мумкин»⁵.

Тадқиқотчи Л.Узоқованинг фикрича эса: «Муаммоли таълим – бу ўқитувчининг ўқувчиларни кетма-кет муаммоли вазиятлар тизимини олдиндан ўйлаб қўйилган яратиш йўли билан муаммоли ўргатиш шартларини таъминлаш ва уларни ўқувчилар томонидан ечиш жараёнини бошқариш бўйича фаолиятидир»⁶.

Муаммоли ўқитиш технологиясидан бошланғич синфларнинг ўқиш дарсларида фойдаланиш мақсадида фойдаланган И.Рахимова унга куйидагича таъриф берган: «Таълим жараёнининг ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши лозим деб топилган билимларни, ҳаётий ва бадиий ҳақиқатларни унинг ёши, иқтидори, мавжуд билимлари, қизиқиши ва интеллектуал имкониятларини инобатга олган ҳолда муаммо шаклида қўйилиши назарда тутилган ўқитиш тизими – муаммоли таълим дейилади»⁷.

⁴ Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1992. – С. 55.

⁵ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

⁶ Узоқова Л. П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013. – 46-б.

⁷ Рахимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)дисс. – Т., 2020. –51-б.

Ўқув фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари излаган И.А.Ильницкая муаммоли таълимни ўқувчиларнинг мактаб таълим-тарбия мақсадларига мос муаммоларни ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари учун янги бўлган илмий-амалий бир тизимда ҳал этишда иштирок қилишдан иборат фаолияти, деб ҳисоблайди⁸.

Яна бир рус методисти Т. Кудрявцев муаммоли таълимнинг моҳиятини ўқувчининг олдида дидактик муаммо қўйиш, ўқувчилар уларни ечиш асносида билимларини умумлаштириши ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш тамойилларини ўзлаштиришида кўради⁹.

А. Матюшкиннинг фикрича эса муаммоли таълим – ўқитишнинг билимларни қизиқарли йўллар билан беришга таянадиган тури¹⁰.

Тадқиқотчи Л. Узоқова муаммоли таълимнинг етакчи вазифасини «...муаммоли ўқитиш талабалар томонидан билимлар тизими ва ақлий ҳамда амалий фаолиятлари усулларини самарали ўзлаштиришга ҳамкорлик қилиш, уларда янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш, билиш мустақиллиги ҳамда ўқув ва тарбия муаммоларини ҳал қилишдан иборатдир», - деб билади¹¹.

Муаммоли таълимнинг асосий вазифалари сирасига қуйидагиларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини мустақил ва ижодий йўналишга чиқариш.
2. Ўқувчининг янги билим ва фаолият усулларини ўзлаштиришини таъминлаш.
3. Тарбияланувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ўстириш.
4. Шаклланаётган шахсда билимларни ўзлаштиришнинг илмийлиги даражасини ошириш.
5. Ўқувчида илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш.
6. Шаклланиб келаётган шахсда ҳиссий-иродавий сифатларни ривожлантириш, унинг кўнглида одам ва олам сирларини

⁸ Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1985.

⁹ Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: Высшая школа, 1968.

¹⁰ Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – Москва: Педагогика, 1972.

¹¹ Узоқова Л. П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013. – 44-б.

билишга ички иштиёқни уйғотиш.

Бундан ташқари, муаммоли таълимнинг махсус уқта вазифаси ҳам бор:

1. Мантиқий усуллар ёки ижодий фаолиятнинг махсус йўлларида фойдаланиб ўқувчиларда билимларни ижодий ўзлаштириш кўникмасини тарбиялаш.

2. Ҳаётий вазиятга кўра, мавжуд билимларни ижодий равишда қўллаш кўникмасини тарбиялаш.

3. Ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш.

Юқоридаги вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ўқувчининг амалий ва назарий-интеллектуал фаолиятида намоён этилади ҳамда бу муаммоли таълимнинг қуйидаги хусусиятларига боғлиқ бўлади:

1. Муаммоли таълим ўқувчининг янги тушунчани муаммо йўли билан мустақил ўзлаштиришдаги хусусий интеллектуал фаолияти бўлиб, у билимнинг онгли, чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди.

2. Муаммоли таълим шахс дунёқараши шаклланишида энг самарали усул саналади. Чунки муаммоли таълим жараёнида тўпланган билимлар мустақил, танқидий, ижодий тафаккур кўмагида амалий фаолиятда қўлланиб, қатъий ишончга айланади.

3. Муаммоли таълимда ўқув ва амалий муаммолар ўртасидаги қонуний алоқадорлик юзага келади. Ҳаёт билан алоқадорлик ўзлаштирилган билимларни ҳар хил амалий фаолиятда қўллашга хизмат қилади.

4. Муаммоли таълимда ўқувчиларнинг ҳар хил мустақил ишларини тизимли равишда ва самарали қўллаш имконияти яратилади.

5. Муаммоли таълимнинг индивидуаллиги ўқув фанини ўзлаштириш учун ўқувчида билим, кўникма ва малакаларнинг маълум даражаси олдиндан мавжуд бўлишини талаб этади. Бу жараёндаги муаммонинг ҳар хил шаклда бўлиши фаразлар хилма-хиллигини тизимга солади ва натижаларга ҳар хил йўллар билан эришилишини таъминлайди.

6. Муаммоли таълимнинг навбатдаги хусусияти унинг жўшқинлигидир. Бу жўшқинлик муаммо ҳар бир болага ўзига хос тарзда таъсир кўрсатишидан келиб чиқади.

7. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига асосланади. Чунки муаммоли вазиятнинг ўзи ақлий зўриқишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқувчининг фикрлаши узлуксиз тарзда, унинг руҳий-ҳиссий фаолияти билан табиий алоқада бўлади. Тадқиқот шаклида бўлган ҳар қандай фикрлаш ўқув муаммосининг индивидуал қабул қилинишини, шахсий туйғуларни, эмоционал фаоллигини таъминлайди.

8. Муаммоли таълим билимларни сермахсул ва ижодий ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчи ижодий фаолиятини кучайтиради, унинг ўзига ишончини орттиради.

Муаммоли таълимга ўқитиш жараёнидаги барча камчиликларни бартараф этадиган универсал восита деб қараш ҳам унчалар тўғри эмас. Муаммоли таълим ҳамيشа ҳам юқори даражада самара бераверадиган ҳодиса эмас. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар, айрим ҳолларда камроқ куч ва вақт сарфлангани ҳолда, анъанавий методлар ёки бошқа интерфаол методлар орқали ҳам максимал даражада қабул қилиниши мумкин. Бунда ҳамма нарсани ўзлаштириладиган материалнинг табиати, ўқитувчининг билимдонлиги ва маҳорати ҳал қилади. Ўқитувчининг раҳбарлик роли муаммоли таълимда ҳам сақланиб қолади. Айнан ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий ва индивидуал тараққиёти, эгаллаган билим, кўникма, малакалари даражаси, қўйилган муаммонинг умумий мақсадга қанчалик мослигидан келиб чиқиб, зарур материал танлайди.

Таниқли рус педагоги М. Махмутов муаммоли таълим билимларни ижодий ўзлаштириш ва фаолият йўллари қонуниятларига асосланган, илмий изланишнинг асосий жиҳатларини ўзида жамлаган, ўқитиш ҳамда ўқиш методлари, усулларини уйғунликда қамраб олган дидактик тизимни ўзида акс эттиришини¹² айтган.

Қ. Хусанбоева муаммоли таълимнинг хусусиятлари ҳақида гапириб: «...мустақил, мантикий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир. У ўқув материали ўзлаштирилганлигининг исботини таъминлайди, уни мустаҳкам қилади, билимларни қатъийлаштиради. Ўқувчида

¹² Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1992.

ўқишга ижобий-ҳиссий муносабат уйғотади, унда билим олишга бўлган ички эҳтиёжни шакллантиради»¹³, - дейди.

Булардан ташқари яна шуни айтиш мумкинки, муаммоли таълимнинг асосий хусусияти – унда ўқувчи олдида билим беришга йўналтирадиган масалаларни кўйишда ҳам, унинг маънавиятини шакллантириш йўлида ҳам муаммоли саволлар муҳим ўринни эгаллайди. Улар муаммоли вазият ҳосил қилишнинг асосий шарти саналади. Муаммоли таълимда билим беришга қаратилган савол ўқувчи учун маълум қийинчилик туғдирадиган даражада бўлиши, тарбияланувчи аввал эгаллаган билимларга мос келиши, айти замонда, унинг имкониятлари доирасида шакллантирилиши лозим. Яъни муаммоли вазиятлар боланинг ҳаётий тажрибаси ва назарий билимини ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак. Бундай масалалар қизиқарли бўлиши ҳам шарт. Бу ҳам муаммоли таълимдан билимларни ўзлаштириш жараёнида фойдаланишнинг асосий талабларидан биридир. Бу нарса, айниқса, қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун катта аҳамият касб этади.

Қизиқишнинг мавжудлиги шахс психологик фаолиятига ижобий таъсир этади, уни юкори поғонага кўтаради. Тафаккур жараёни, хотира, диққат, тасаввур фаоллашганда инсонда кўпроқ ва чуқурроқ билим олиш имконияти пайдо бўлади. Бундай вазиятларда ўқитувчи томонидан кўйиладиган савол-топшириклар ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини талаб қиладиган, уларни қизиқтирадиган, туйғуларини жунбушга келтирадиган, руҳиятини кўзготадиган, безовта қилиб қўядиган бўлиши керак. Бундан ташқари, муаммоли йўл билан ўзлаштириладиган маълумотлар янгилиги, бугунги илм-фан, ҳаёт ва бола шахси учун долзарблиги билан ажралиб туриши, дарсда фикрлар тортишувига, у ёки бу ҳодисанинг ҳаётий ҳамда назарий жиҳатларини таққослашга, атрофдагиларнинг қарашларини қиёслашга қаратилган бўлиши, болани ҳайратга солувчи, ақлига сиғмайдиган жиҳатларга эга бўлиши керак.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг билим олишдаги фаоллиги ва мустақиллиги ривожини таъминлайди, руҳиятига, ақлий ривожланиши ҳамда дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир

¹³ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. – 40-б.

кўрсатади. Ўқувчиларнинг ўз фикри ва дунёқарашига эга, қарашларини асослай оладиган ва принципларида қатъий турадиган соғлом маънавийлиги шахс сифатида шаклланишини таъминлайди. Муаммоли таълимда ўқувчи олдида муаммо қўйиш қийин кечади. Уни топиш ўқитувчидан кўп изланиш ва меҳнат талаб қилади. Муаммоли таълимдан узлуксиз равишда фойдаланиш дастурдан ортда қолиш ҳолларини ҳам келтириб чиқаради. Буни муаммоли таълимнинг ўзига хос камчилиги дейиш мумкин. Инсоннинг интеллектуал имкониятлари муаммоли вазиятга тушиб қолганда қилган хатти-ҳаракатларида тўлиқ намоён бўлади. Бундай ҳолатларда ўқувчилар ўзларини ҳар хил тутишлари мумкин.

Муаммоли таълимдаги етакчи хусусиятлардан яна бири бирор муаммоли масаланинг ечимига бағишланган ҳолат ёки вазиятни ташкил қила билишдир. Бу ҳақда ҳам мутахассисларнинг фикрларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади: *«Дарсларда анъанавий методлар билан ўзлаштирилиши қийин бўлган ёки моҳиятига чуқурроқ кириш лозим деб топилган бирор мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан атайлаб ташкил қилинадиган дидактик вазият муаммоли вазиятдир»*¹⁴.

Таниқли педагог В. Оконь муаммоли вазиятни муаммони бирор масала юзасидан ташкил қилиш, уни шакллантириш ва ҳал этиш жараёнида ўқувчиларга зарур кўмак бериш, бу жараённинг изчиллигини таъминлаш ва уни бошқариш, олинган натижаларни текшириш ҳамда билимларни мустаҳкамлаш каби фаолиятларнинг йиғиндиси сифатида баҳолайди¹⁵.

Муаммоли вазият – объект (муаммо)нинг субъект (ўқувчи) томонидан ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатларини очиш усуллари, унинг аниқ (эксплицит) ёки яширин (имплицит) хусусиятларини фарқлашдаги руҳий ва интеллектуал қийинчиликлари ҳамда муаммо ечимининг ташкил этилиши жараёнидир¹⁶.

Муаммоли вазият яратиш билан ўқитувчи ўқувчиларни тафаккур жараёнининг таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаш-

¹⁴ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

¹⁵ Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1968.

¹⁶ Рахимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)дисс. – Т., 2020. –51-б.

тириш, тизимга солиш сингари жиҳатларидан бири ёки бир нечасидан фойдаланишга йўналтиради. Яъни улар ўқув материални шунчаки эслаб қолмай, балки тушунчалар юзасидан муайян ақлий операцияларни ҳам амалга оширади. Шундай ташкил этилган муаммоли вазиятлардан чиқиш баъзан воқеа, ҳодиса, тушунча ёки қоида таҳлил қилинишини талаб қилса, иккинчи ҳолат, асосан синтезни – далилларни умумлаштиришни, бошқаси воқеа, ҳодиса ва тушунчаларни таққослашни, яна бири фактларни таснифлашни тақозо этади. Муаммоли вазиятда бундай шакллар муаммоли савол, муаммоли топшириқ тарзида юзага келтирилади. Бунинг учун ўқитувчи муаммоли топшириқларга нафақат далиллар билан исботлаш, балки мантикий асослаш, фактларни таққослаш, маълумотларни умумлаштириш каби талабларни ҳам киритиши мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли вазиятларнинг бундай турлари мавжудлиги шартли, албатта. Амалда, бирор мавзунини ўрганишда муаммоли вазиятдан чиқишнинг бир неча туридан бирваракайига фойдаланиш ҳам мумкин. Муаммоли вазиятдан чиқишда ҳам уни ташкил қилишда қўлланилган усуллардан фойдаланилади. Таққослаш ва умумлаштириш бирор муаммоли масalani ҳал этишга кириш сифатида қўлланилади ва улар ўқувчиларни мавзуга қизиқтиришнинг дастлабки босқичи ҳам саналади. Кўтарилган масала муаммо сифатида ўқувчини қизиқтириб қолса, уни янги фикрий фаолиятга ундайди.

Муаммоли вазиятда қийинчилик ўзлаштирилиши лозим бўлган номаълум билимнинг янгилиги ва умумлаштирилиши зарурлиги ҳамда ўқувчи интеллектуал имкониятлари даражаси билан характерланади. Ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари қанча тор бўлса, бирор масalani ҳал қилишда муаммоли вазиятнинг қийинлиги шунча кенг туюлади. Ўқитувчи дарс бошида муаммони қўйиш билан бирга бутун дарс давомида унинг муаммолик даражасини узлуксиз тарзда сақлаб тура олсагина, бирор мавзунини мукамал тарзда ўрганиш мумкин бўлади. Бутун дарс давомида муаммони ечиш билан шуғулланганидагина ўқувчининг билим олишдаги фаоллиги ва мустақиллиги таъминланади. Аслида бу масалалар ечимининг ўзи мақсад эмас, ўқув материални онгли равишда ўзлаштириш ва ўқувчи қобилиятларини ўстириш воситасидир.

Муаммоли вазиятларни таҳлил қилишда ўқувчиларнинг интеллектуал хусусиятлари, ўз хатти-ҳаракатини қўйилган мақсад сари йўналтира олиш, ақлий фаолиятини онгли равишда бошқариш билан боғлиқ индивидуал сифатлари юзага чиқади. Шахснинг интеллектуал хусусиятлари ўз фаразини илгари суриш ва уни назорат қилишда кўзга ташланади. Бундай ҳолатларда тафаккурнинг кўпқирралилик даражаси, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта ақлий фаолиятни амалга ошира билиши ёрқин намоён бўлади. Фикрнинг серқирралиги фаразларнинг ҳар хил режалар ҳамда турли нуқтаи назарлар асосида илгари сурилишида кўринади.

Маълумки, дарсда муаммоли вазият ҳосил қилишда ўқув предметининг мантиғига, тафаккурнинг қонунлари ва шаклларига риоя қилиниши лозим. Ўқув фани мантиғи уни ўзлаштиришнинг муаммолилиги ва изчиллигини таъминлайди. Маълумки, фанларнинг ўзи ҳам ҳаёт ва амалиёт илгари сурган муаммолар асосида ривожланади.

Муаммоли таълимнинг асосий дидактик ашёси муаммо бўлиб, у ҳақида мустаҳкам тушунчага эга бўлиш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, муаммо: *«муаммоли таълим асосида ўрганиладиган, муаммоли масала тарзида фойдаланса бўладиган, муаммоли вазият ҳосил қилишга асос бўладиган, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқара оладиган тушунчадир»*¹⁷.

Муаммо – *қарама-қаршиликлар тизими, моддий ва гоъвий ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган, инсон ва жамият тараққиёти ривожли билан боғлиқ бўлган мазмун ва жараён бирлиги*¹⁸.

Муаммо уч таркибий қисмдан иборат бўлади: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (ўқувчиларнинг тажрибаси). Улар номаълумни топишга йўналган кидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало, ўқувчига номаълум бўлган ўқув муаммоси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум

¹⁷ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. – 214-б.

¹⁸ Рахимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020. – 51-б.

бўлади, шунда ўқувчилар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб кутилган натижа ёки ечим йўллариини излашга тушади.

«Муаммоли масала» тушунчасига ҳам адабиётларда таъриф берилган: «...муаммо тарзида ўзлаштирилиши лозим деб топилган, ўқувчи олдида муаммо шаклида қўйса бўладиган масала (муаммоли савол ёки муаммоли топшириқ) умумий ҳолда муаммоли масала саналади»¹⁹.

Муаммоли масала – муаммоли вазият яратиш маҳсули – махсус шаклга солинган воқеа ёки ҳодиса бўлиб субъект (ўқувчи)нинг имкониятлари ва эҳтиёжсига таянадиган материал²⁰.

Ўқув материални муаммолаштирилиш, яъни муаммога айлантириш эса маълум муаммоли масалага айлантирилган, субъект томонидан очилишига асосланган механизмдир.

Муаммоли таълимда ўқитувчи ўқувчилар билан индивидуал ишлайди. Бу ундан касбий маҳоратни талаб қилади. Гап шундаки, у ёки бу ўқув топшириқлари бир бола учун қийин, иккинчиси учун осон. Ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир ўқувчи дарс жараёнида ўзининг кучи даражасидаги масалани ҳал қилиш билан шуғулланишига эришиш лозим. Фақат шундагина ҳар бир ўқувчининг билим олишга бўлган кизиқишини сақлаб қолиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчиларнинг олдида ҳамisha қийин дидактик масала кўндаланг туради. У дарс мавзусида нафақат ўқув-билув муаммосини ечиши, балки қандай йўллар билан бу мавзу мазкур синфдаги ўқувчиларнинг барчаси томонидан ўзлаштирилиши мумкинлиги билан боғлиқ чораларни олдиндан кўриши керак.

Муаммонинг қўйилиши ва уни ечиш жараёни узилмас бир занжирдир. Муаммо кўтарилиши биланок унинг ечими устида ўйланади ва бу, ўз навбатида, янги муаммоларни келтириб чиқаради. Шу тарика, табиий равишда, узлуксиз тарзда янги билимларни ўзлаштириш жараёни амалга ошади. Таълим амалиётида, одатда, ўқитувчининг синфга олиб кирадиган

¹⁹ Хусанбосва Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. – 214-б.

²⁰ Рахимова И. Бошлангич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли топшириқларнинг таълимий амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори дисс. – Т., 2020. – 151-б.

маълумотлари ўқувчилар тайёр билим сифатида қабул қиладиган ёки улар ўзлари меҳнат қилиб ўзлаштирадиган шаклда бўлади. Таълимнинг дастлабки босқичларида биринчиси кўпроқ қўлланиши табиийдир. Ўқиб жараёнининг иккинчи босқичида билимларни меҳнат қилиб ўзлаштириш шакли қўлланилиб, уни ташкил этишда қуйидаги меъёрларга амал қилинади:

1) ўқувчилар мустақил равишда ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар уларнинг имкониятларига мос мураккабликда бўлиши;

2) берилажак материалнинг ечими дастурда белгиланган вақт оралиғида амалга ошириши;

3) ижодий йўл билан ўзлаштирилган билимлар мустақамлиги ва даражаси репродуктив йўл билан олинадиган билимлардан баланд бўлиши.

Бундан ташқари, шахснинг ҳаётий тажрибаси, рухияти ва тафаккури мустақиллигининг қай даражада ривожланганлиги, ташаббускорлиги ҳам тафаккур серкатламлигида намоён бўлади. Инсон тафаккурининг асосий вазифаси одамни янги билим ва фаолият билан таъминлашдир. Одамнинг ўз ҳаёти мобайнида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари унинг тафаккури маҳсули саналади. Унинг билими фикри натижаси сифатида намоён бўлади, шу билан бирга билишнинг асосий воситаси саналади. Инсон янги билимларни унга аввал маълум бўлган билимлар асосида ўзлаштириб, юқори даражага кўтарила боради. Кишининг билимлари қанчалик қатъий бўлса, фаолияти шунчалик пишиқ, мукамал, меҳнати шунчалик самарали бўлади. Одамнинг билими унинг хулки ва фаолиятининг турли шакллари билан белгилайдиган асослардан бири саналади. Зарур билимларга эга бўлмаган инсон маълум бир ишни муваффақиятли тарзда амалга оширолмайди, у ёки бу шароитда қандай йўл тутишни билмайди. Айнан шунинг учун ҳам инсон тафаккурининг даражаси кўпинча унинг билимларига қараб ўлчанади. Инсоннинг билими тафаккурининг якуний натижаси, асосий маҳсулидир.

Таълим жараёни, энг аввало, ўқувчиларнинг мустақил билим олиш ва мустақил фаолиятни ўзлаштириши учун зарур бўлган шарт-шароит билан узвий боғлиқ. Таълим жараёни самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири тафаккур саналади.

Тўғри, таълим мазмунини ўзлаштириш фикрлаш жараёнида ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. У фикрлайдиган шахс ва унинг хулқига хос бўлган ички омиллар бўлмиш қобилият, қизиқиш, эҳтиёж билан боғлиқ. Шахснинг маънавиятини тарбиялаш таълимдан ажралган, унга алоқаси бўлмаган алоҳида жараён эмас.

Поляк олими В. Оконь таъкидлаганидек, таълимда сушт, ахборот берувчи методлар лоқайд шахсиятни, белгиланган йўналишдагина иш кўрадиган кишини шакллантиради. Ўқувчига янги натижаларга эришишда кўмак берадиган методларни қўллаш каттагина ижодий имкониятларга эга бўлган шахсни тарбиялайди²¹. Бошқача қилиб айтганда, билим олишда, мавзунини ўзлаштиришда ўқувчининг ўзи бевосита иштирок қилса, уларни ўзи учун ўзи кашф этса, олган билимлари эътиқодга, дунёқарашининг бир қисмига айланади. Бу эса унда муайян шахслик сифатлари қарор топганлигидан далолатдир.

Ўқитувчига жавоб бериш ва баҳо олиш учунгина ўзлаштирилган билим ўқувчининг интеллектуал мулки бўла олмайди, айти замонда унинг шахсияти шаклланишига хизмат этмайди. Муаммоли таълим тарбияланувчининг шахсини шу вазиятнинг ядроси сифатида ўз ичига қамраб олади. Субъектдан, шахсдан ташқарида муаммоли вазият йўқ. Муаммоли вазият ўқувчининг мотивлари ва эҳтиёжларини ўз зарурий қисми сифатида қамраб олади. Айтиан шунинг учун ҳам таълим жараёнида муаммоли таълим ўқувчининг тарбияси, билимларни ўзлаштириши, дунёқарашини шаклланишининг асоси деб қаралади. Муаммоли таълимда муаммони ҳал этиш жараёни алоҳида ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги мулоқотдан иборат бўлмай, бутун синф жамоасининг фаол ақлий ишига айланиши зарур. Бу синфдаги ҳар бир бола шахсининг индивидуал хусусиятларини максимал даражада инобатга олинишини назарда тутати. Фақат шундагина синфдаги жамоанинг барча аъзолари, бутун ўқув жараёни давомида том маънодаги ижод кишисига, фикр одамига айлана борадилар.

Муаммоли таълимдаги фикрлаш жараёни ўқув фанини қайта кашф қилиш фаолиятини, яъни унинг янги хусусиятлари ва муносабатлари каби назарий ҳамда амалий жиҳатларни қамраб

²¹ Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1968. – С. 82.

олади. Муаммоли таълимда қўйилган масалани ҳал этишда, муаммоли вазиятнинг асосий унсури бўлмиш номаълум нарса ўқувчида етишмайдиган билимлардан ташкил топади. Муаммоли вазиятларда номаълумлик иккита асосий кўрсаткич билан характерланади:

1) янгилик даражаси (ўзлаштирилган билимларга ва мавжуд ҳаракат йўлларига нисбатан);

2) ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш даражаси ёки ҳаракат йўллари (умумлаштиришнинг эришилган даражасига нисбатан).

Бу икки кўрсаткич муаммоли масаланинг қийинлик даражасини белгилашда катта аҳамият касб этади. Муаммоли таълимда ўқувчининг билишга бўлган эҳтиёжи қўйилган мақсадга эришиш йўлида маълум амалий ёки назарий билимлар, фаолиятнинг шартлари ва усулларига муҳтожликнинг ҳис этилишидир. Билишга бўлган эҳтиёж муаммоли вазиятнинг зарурий қисми бўлиб, янгиликни кидиришга, ўзлаштириладиган билимга фикрий фаолликни талаб қилади. У фикрлаш жараёнида боланинг ўз-ўзини бошқаришида муҳим аҳамият касб этади. Билишга бўлган эҳтиёж таълимда ўзлаштириш жараёнини бошқаришнинг зарурий шартлардан саналади. Муаммоли таълимда ўқувчилар қийинчиликларга дуч келишлари, табиий.

Ўқувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида, қўшимча, турли метод ва усуллар ёрдамида шуғулланиш, бу йўлда зарур бўлган инсоний-рухий хусусиятларни инобатга олиш бугунги таълим амалиётида кўнгилдагидек эмас. Адабиётларда қадимги грек олими Гиппократнинг кишилар мизожи билан боғлиқ қарашлари ва инсоннинг аклий фаолиятига асосланиб одамлар қуйидаги тўрт гуруҳга бўлингани айтилади:

1. Кучли (тез ва кучли кўзғолувчан ҳамда тез ўзини қўлга ола биладиган); енгил, беқарор, тийиқсиз, тез таъсирланадиган.

2. Кучли, вазмин, кам ҳаракат.

3. Кучли, вазмин, ҳаракатчан.

4. Заиф (доим ғамгин, дилгир) одамлар²².

Шу каби ҳар хил типдаги одамларнинг ўқув материални деярли бир хилда ўзлаштиришларига эришиш учун уларнинг

²² <https://ru.wikipedia.org/wiki>. Википедия. Свободная энциклопедия.

шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолдаги иш услуби белгиланиши лозим. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг типологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндашувни амалга ошириш зарур. Ўқувчилар фикрлаш фаолиятидаги индивидуал хусусиятларни, фарқларни билиш ўқитувчига уларнинг ижодий тафаккурини маълум мақсад сари йўналтиришда кўл келади. Бу бугунги таълимнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда интеллектуал зўриқишга эҳтиёж ва қизиқиш уйғотишдир. Бунинг учун аввал қийинчиликлар чамаланади. Ўқувчига ҳамма муаммоли масалалар ҳам қизиқ бўлавермайди. Тарбияланувчини масаланинг шунчаки ечими эмас, балки ундан интеллектуал зўриқиш, зехн, онглилик талаб қиладиган масалани ҳал этиш жараёни қизиқтиради. Қийинчиликларни чамалаганда, ўқитувчи ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Айрим ўқувчилар учун масала қанча қийин бўлса шунча қизиқарли бўлади. Бошқасининг эса дарров ҳафсаласи пир бўлиб қолади. Шунинг учун масаланинг объектив қийинлигидан ташқари, ечувчининг субъектив имкониятлари ҳам ҳисобга олиниши зарур. Гап фақат ўқувчиларнинг ҳар хил тайёргарлик даражаси ҳақида эмас, улар аклий фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ҳақида ҳам кетяпти. Секин-секин ўқувчи мустақил равишда муаммони ўзи шакллантира олишига эришиш муаммоли таълимнинг мақсадларидан биридир. Бу ўқувчининг шундай ишларни бажаришга бўлган эҳтиёжи даражаси билан асосланади. Ўқувчидаги ҳаёт ҳодисаларини ҳиссий тушуниш унинг эътиборини янги ҳодиса билан ўзининг илгариги билганлари орасидаги кўринмас табиий алоқадорликни излашга йўналтиради. Бу билим олишга ва янги билимларни ўзлаштиришга кўзгатувчи омил саналади. Миллий педагогикада ўқиш-ўзлаштириш жараёнининг ўқувчи меҳнати билан мутаносиблиги, суст ишланган. Дидактикада шу кунгача ўқувчи меҳнатидан фақат билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш ўрганилган, холос.

Муаммоли таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ўқувчининг тажрибаси унинг билим олишга қизиқишини, эҳтиёжини уйғотувчи восита бўлишини таъминлайди. Муаммоли вазият нечоғли табиий чикса, ҳаётий реал ҳодисалар билан қанчалик

яқинлашса, ўқувчининг диққати ва аввалги билимлари шу муаммога қаратилиб, уни ечиш йўллари танланади. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ҳамиша дидактиканинг асосий талабларидан бири бўлиб келган. Бу талаб муаммоли таълимнинг ҳам зарур хусусиятларидан ҳисобланади. Чексиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши таълимда ўқитувчининг айтиб туриши эмас, ҳаётнинг талаби муҳим эканини англаш имкониятини яратади.

Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, муаммоли таълимда ўқитиш ишларининг ҳаёт билан алоқадорлиги саноатдан, қишлоқ хўжалиги ва ҳк.лардан олиб берилган мисолларда эмас, балки ўқув материали билан ўқувчи шахси орасидаги табиий алоқани англашда намоён бўлиши лозим. Муаммоли таълим ўқитувчининг педагогик тажрибасидан ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатадиган, уни интеллектуал фаол шахс сифатида шакллантирадиган самарали метод тарзида ўрин олиши керак. Муаммоли таълимда ҳаёт билан алоқадорлик нафақат мавжуд борлиқни ва унинг объективлигини назарий тушуниш, балки ўқувчининг тажрибасида, реал ҳаётий вазиятларда муаммонинг манбаини аниқлаш ва уни бартараф этиш йўлини топишда кўринади. Ўқувчи шахсий ҳаётида юз берадиган қатор муаммоларнинг назарий асосини тайин этишни ўрганиши лозим бўлади. Бу таълимда ўқувчининг мустақиллиги ва фаоллигини талаб қилади. Шу аснода, уларнинг билими ҳам ортиб боради. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигига эришиш ўқувчи олдида қўйилган муаммога унинг бутун диққат-эътиборини тортади. Инсон бутун куч-ғайрати билан шу қийин ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилади.

Маълумки, ҳар қандай катта таълимий муаммо замирида турли кичик-кичик муаммолар мавжуд бўлади ва улар ўқув материалининг маълум қисмини ташкил этади. Умумий муаммонинг ечилиши, одатда, ана шу майда муаммоларни ҳал қилиш орқали амалга ошади. Муаммони ҳал қилишнинг асосий йўли ечимга доир фаразни илгари суриш, унинг исботи ва амалий назоратидир. Файласуфларнинг таъкидлашича, бир қарама-қаршилиқнинг ечилиши, ўз навбатида, кейингисини келтириб чиқаради. Шундан ҳам муаммоли таълимнинг ўзгаришларга жуда бой эканлигини англаш мумкин. Таълимий муаммонинг ўзи эса

қарама-қаршиликларга бой ўзгаришлардан келиб чиқади. Муаммоли таълимнинг ривожланишида бир вазиятдан иккинчи ҳолатга табиий равишда ўтилади. Бир-бирини айнан такрорламайдиган бундай вазиятлар ўқувчини ўзига тортади. Таълим жараёнини муаммоли ташкил этиш ўқитиш жараёнини тарбиявий, таълимий, қизиқтирувчи, ривожлантирувчи имкониятлар билан таъминлайди.

Кўпинча илмий адабиётларда муаммо қўйиш билан сўраш учун берилган савол аралаштириб юборилади. Бир қатор олимлар муаммони ҳар қандай саволдан ажратиб турадиган белги ҳал этилиши керак бўлган масаланинг муҳимлиги ёки кийинлигида, деб биладилар. Аммо муҳимлик ҳам, кийинлик ҳам муаммонинг асосий хусусиятини билдирмайди. Чунки ўта муҳим ва мураккаб саволлар ҳам муаммо даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. Мантиқли савол билан муаммоли савол ўртасида анчагина тафовут бор. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида саволнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагича акс эттирилган: савол – жавоб талаб қиладиган мурожаат; ўрганиладиган, муҳокама қилинадиган предмет, ечимини талаб қиладиган масала деб кўрсатилган²³.

Саволда ифодаланган билмаслик илмий изланиш натижасида маълумга, ўрганилган нарсага айланса, бундай савол муаммо бўлолмайди. Агар савол янги қонуниятларни кашф этиш имкониятлари ҳақидаги тахминлар билан уйғунлашиб кетса, уни муаммо дейиш мумкин. Кўп муаммоларни қисқалик мақсадидан келиб чиқиб савол тариқасида қўйиш ҳам мумкин. «Муаммоли савол» илмийлик касб этган бўлиб, у бир неча ечимга эгаллиги билан оддий саволдан фарқланади. Муаммонинг ечимига хос бўлган жавобларнинг ҳар бири салмоқли асосга эга бўлади.

Таълимда оддий саволдан муаммоли саволнинг фарқ қиладиган жиҳати шундаки, саволда, одатда, жавоб учун зарур бўлган деярли барча маълумотлар мавжуд бўлади. Савол уни сўраётган одам жавобини биладиган, соддарок фикрлашни талаб қиладиган, бутун вазиятнинг етишмаётган қисмларини тўлдиришдан иборат бўлган ҳодиса. Буни ўқувчи саволни тушуниб, унга жавоб бериш учун керак бўладиган фактлар орасида шундай алоқа ўрнатади, деб тушуниш мумкин. Баъзан саволга жавоб

²³ ЎТИЛ. – Т.: ЎЗМЭ, 416-б. /Электрон манба: www.ziyouz.com/kutubxona.

бериш учун қандайдир бир фактни эслашнинг ўзи кифоя. Уқувчи йўналтирилган фикрлаш усуллари, одатда, авваллари фойдаланилган бўлади ва у шу андаза бўйича ҳаракат қилади.

Муаммода, муаммоли саволда эса жавоб учун зарур бўлган тайёр маълумотлар йўқ. Энг аввало, муаммони жавоб бера оладиган даражада тиниклаштириш учун фикрлаш жараёни ёрдамида мос келадиган маълумотларни топиш талаб қилинади. Муаммони ечмоқчи бўлган одам, аввал унда нималар етишмаётганини аниқлаши ва ўша фактларни қандай топишни белгилаб олиши керак бўлади. Шундай экан, муаммода ечим тўлиқ шакллантирилмайди. Ўқитувчининг вазифаси маълум муаммоли вазиятни ташкил этиш экан, бунинг учун у, аввало, ўқувчига муаммо нимадан иборат эканини тўғри аниқлаши, унда шу муаммони ҳал этишга хоҳиш-қизиқиш, ички эҳтиёж уйғотиши зарур ҳисобланади. Қўйилган масаланинг муаммолик даражаси уни ҳал этиш учун қандай фикрий операциялар амалга оширилиши билан ўлчанади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ўқувчининг тайёрлик даражаси, билими ва умумий ривожланиши билан ҳам боғлиқ.

Муаммоли масала ечими, айрим ҳолатларда, ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга масалани ҳал этиш учун зарур тавсиялар бериш, уларни билим олишга йўналтириш, масалани мустақил ечишига, бунга ижодий ёндашишига туртки бериб туришдан иборат. Муаммоли таълимда дастлабки ҳолат ўқувчида маълум назарий ёки амалий муаммони ечишга омил бўладиган муаммоли вазиятни ташкил қилишдан иборат. Ўқувчи муаммога шунчаки ўзлаштириш лозим бўлган ўқув материали деб эмас, унинг учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлган, ҳар хил қарашларни солиштириш, таҳлиллаш, аниқлаш асосида ўз нуқтаи назари бўлишини талаб қиладиган, уни ечиш бўйича режалар тузишни тақозо этадиган, тўғри ҳал этиш учун етишмайдиган билимларни ўзлаштиришга ундайдиган зарур масалага ёндашгандай муносабатда бўлиши керак. Бу ерда гап ўқувчига етказилиши лозим бўлган шунчаки топшириқ ёки ўқув материали ҳақида кетаётгани йўқ. Гап шундаки, муаммо билан қизиқиб қолган бола мақсад сари ўзи йўл қидиради. Ўқувчини борлик ҳодисаларига ёндашишга ўргатишда уларнинг ички қизиқишини уйғотиш ўқитувчининг

асосий вазифаси ҳисобланади. Бундай ҳолатни бирданига, бир ёки бир неча дарс давомида шакллантириб бўлмайди. Унга аста-секинлик билан, баъзида йиллар оша эришилади.

Муаммоли вазиятни ташкил этиш бутун таълим жараёнини бошқариш билан боғлиқ бўлиб, у ўқув материалнинг дастлабки таҳлили, мавзулар орасидаги алоқадорлик, таълимга муаммоли масалаларни олиб кириш шартлари ва уларни муваффақиятли ҳал этиш йўлини аниқлашни талаб қилади. Ўқувчиларда мавжуд тажрибаларни инобатга олиш, уларнинг уйда ўқишлари учун керак бўладиган қўшимча адабиётларни ажратиш, зарур дидактик материалларни тайёрлаш каби заруриятлар назарда тутилади.

Муаммоли таълимдаги кейинги масала бевосита муаммонинг ечилиши билан боғлиқ фаолиятдир. Бу жараённи қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Муаммонинг таҳлили ва асословини илгари суриш. Муаммо маълум қийинчиликлар бор жойда пайдо бўлади ва унинг ечими учун ўқувчида мавжуд бўлган билимларнинг ўзи етарли бўлмай қолади.

2. Масаланинг ечимини қидириш ва уни ҳал этиш. Муаммони текширишда унинг янги алоқалари ва илгари маълум бўлмаган сифатлари аниқланади. Шу тариқа аста-секинлик билан объектга доир янги билим тўпланади. Ҳар сафар унинг янги жиҳатлари ва хусусиятлари очила боради. Бу босқични масалани ҳал этиш юзасидан фаразларнинг шаклланиш босқичи деб аташ мумкин. Унда уринишлар ва хатолар, аввалги тажрибаларга таяниш, ечимнинг тахминий йўлларини белгилаш, ечиш тамойилларининг исботи ва фикрларни асослаш ишлари амалга оширилади.

3. Ечиш йўллариининг тўғрилигини текшириш ва олинган натижани баҳолаш. Ҳар бир босқич маълум умумий жиҳатлар, ўқувчининг муаммони ечиш йўллариини қидириши ва топшидан иборат фаолияти билан характерланади.

Ўқувчи хато қилишдан чўчимай, ўз изланишлари асосида масалани ҳал этишнинг режасини тузади. Бу жараёнда муқобил йўллариини ҳам кўзда тутаяди. Масалани англаш билан унинг ечимигача бўлган йўл қийин ва узок бўлиши ҳам мумкин. Масаланинг ҳал этилишида ўқувчи учун энг муҳим жиҳат унинг ечими ҳақида ўз тасаввурига эга бўлишидир. Бу тасаввурга аста-

секинлик билан самарасиз уринишлардан кейин, кутилмаганда эришиш ҳам мумкин.

Мураккаб муаммоли масалани ҳал этишда қўлланиладиган фикрлаш жараёнига одатда ақлнинг таққослаш, таҳлиллаш ва умумлаштириш каби ишлари киради. Бу ўринда гап фақат фикрий жараённи муқояса қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Энг аввало, масалани ҳал этишда инсон ақлий фаолиятининг йўналиши назарда тутиляпти. Маълумки, таълим жараёнида ўқувчи айрим қийинчиликларга дуч келади. Аммо улар маълум изчилликдаги ақлий фаолият ёрдамида ечилиши мумкин бўлган мантиқий характердаги қийинчиликдир. Ўқувчи мана шу изчилликни, ечиш алгоритмини топгунча изланади, мустақил, маҳсулдор фикрлашни амалга оширади. Ўқувчи масалани ҳал қилиш йўлини ўзлаштириши билан унинг фикрлаши оддий фикрлашга айланади.

Муаммоли масалани ҳал этишда аввал ўқувчилар масала ёки матннинг дастлабки шартларини таҳлил қилишга ўргатилади. Айнан шулар ўқувчига муаммоли вазиятда мўлжалга олиш ва унинг муҳим жиҳатларини топишга имкон беради. Берилган масаланинг шартлари ва талабларини таҳлил қилишда дастлаб нотўғри йўл белгиланиши ечимни қийинлаштиради. Муаммоли вазиятнинг қийинлик даражаси унинг таркиби ва мазмуни талаб қиладиган билим билан белгиланади, қўйилган шартлар тизими билан ўлчанади. Шартлар канча кўп бўлса, муаммо ўқувчи учун шунчалик қийин бўлади. Муаммоли таълим жараёнини бошқаришда шу нарса назарда тутилади. Баъзан вазиятга қараб айрим шартларни мураккаблаштириш ёки соддалаштиришга тўғри келади. Шу жиҳатдан топширикни бажаришдаги мустақиллик ўлчови ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзида ўқувчиларга уларнинг изланишини тўғри йўлга солиб юборадиган маълумотлар кўмаклашиши мумкин. Ўқувчилар қиёслашга киришишлари учун аввал уларга қиёсланадиган умумий асосни топиш ўргатилиши лозим. Бу бир вақтнинг ўзида вазифа ечимининг тизимини аниқлашга, мавжуд фактларни таққослашга кўмаклашади, улар орасидаги ички алоқани топиш ва боғлиқ жиҳатларни англашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, қийинликнинг даражаси муаммоли топширикда қўйилган савол билан унга бериладиган жавоб ўртасидаги

масофа, яъни ечимга олиб борадиган ораликдаги ишлар сони ва мураккаблик даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Муаммоли топшириқнинг қийинлигини унинг ечимида келтириладиган хулосалар сонидан ҳам аниқлаш мумкин. Одатда муаммоли масалаларни мустақил равишда ҳал этишда ўқувчилар ўзлари танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлашлари учун қатор далилларни келтиришда, уларни асослаш учун зарур билимларга эга бўлсалар ҳам, қийинчилик сезадилар. Бу шундан далолат берадики, уларнинг тафаккури тезкорлик сифатига эга эмас. Фикрнинг тезкорлиги маҳсулдор ақлий жараённинг муҳим жиҳатидир. Топшириқларни аста-секинлик билан қийинлаштира бориш орқали ўқувчиларни билганларини қўтилмаган шароитларда қўллай олишга ўргатиш мумкин. Масаланинг объектив қийинлик жиҳатлари билан бирга ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг интеллектуал ва умумий ривожланишлари билан боғлиқ субъектив характердаги қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Масаланинг ўқувчи учун қийинлиги унинг шакллантирилганлик даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун муаммо матни аниқ ифодаланиши лозим.

Ўқувчи катта ҳажмдаги умумлашмаларни талаб қиладиган муаммоларни ечишда қийналиши мумкин. Ўқувчиларнинг ижодкорлиги фақат муаммоли масалаларни ҳал этиш жараёнидаги мустақил фикрлаш асосида ўсиб, ривожланиб боради. Ўқувчи шахсига хос бўлган ижодкорлик тафаккур мустақиллигидан моҳиятан ажралмайди. Айнан ижодкорлик фақат бир шахс эмас, балки бутун жамият учун янги ва муҳим масалаларни ҳал этишнинг, мустақил фикрлаш ҳамда мустақил фаолиятнинг тимсоли бўлиши мумкин. Бундай катта ва мураккаб масалаларни ҳал этиш ижтимоий ҳаётга янгича назар, илмий кашфиётлар, санъат асарларининг яратилишига замин тайёрлаши ҳам мумкин.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши билан бирга ижодкорлиги ривожланишига ҳам кўмаклашади. Ижодкорлик алоҳида бир нарса эмас ва у инсон фаолиятининг ҳар қандай жабҳасида намоён бўлиши мумкин. Ҳар қандай руҳан соғлом одам ижодкорликка кодир. Ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида маълум даражада ижодкорликнинг қирраларини намоёниш этиши мумкин. Ижодкорлик қобилият билан бир нарса эмас. Кишининг ақлий имкониятлари ҳаминша ҳам ижодкор-

ликнинг баланд ривожига мос келавермайди. Ижодкорлик инсон шахсининг сифати.

Таълим жараёнида ижодий қобилиятни тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодга ўргатиш мумкин. Ижод эса мустақил фикрлаш маҳсулидир. Педагогикада ижод жараёни муаммонинг ғайриоддий йўллар билан ҳал этилиши, деб изоҳланади. Шунинг учун ҳам ижодий жараён муаммони ҳал этишда нафақат фантазиянинг, балки маҳсулдор мустақил фикрлашнинг натижаси сифатида ҳам ўрганилади ва шарҳланади. Ижодий жараёнда билишнинг барча жиҳатлари – эслаш, маълумот тўплаш, таққослаш, таҳлиллаш, умумлаштириш каби фикрий фаолият амалга оширилади. Мактаб болаларни мустақил фикрлашга қатъий ва тинимсиз тарзда йўналтириш билан ижоднинг дастлабки унсурларини шакллантиришга қодир. Мактабнинг вазифаси мустақил фаолият орқали болаларда дунёни билиш ва ўзгартиришга интилишни тарбиялашдир.

Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини самарали бошқариш учун ўқитувчи таълим мазмуни, методлари ва ўқувчиларнинг ривожланиш хусусиятларига мос мотивация (ички қизиқиш ва эҳтиёж)ни таъминлайдиган шароит яратиши лозим. Мотивация таълим жараёнининг узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминловчи доимий унсур ҳисобланади. Таълимда маълум қийинликдаги ўқув материални ўзлаштиришда ўқувчиларда кўрқув, хато қилиш ҳадиги, ўз имкониятларига ишончсизлик ҳукмрон бўлади.

Бундай вазиятларда ўқитувчининг қўллаб-қувватлаши ва рағбатлантириши баландроқ натижаларга эришишга имкон яратиши мумкин.

Муаммоли таълимда ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ўқувчида ўқув материалга, уни ўзлаштириб олишга қизиқиш уйғотишдир. Бунинг учун ўқитувчи, бир томондан, ўқувчининг эътиборини ўқув материални ўзлаштиришга рухлантирадиган вазият яратиши зарур. Иккинчи томондан, ўқувчи диққатини унинг шахси учун характерли бўлган мотивацияга қаратиши керак бўлади. Ўқув материалининг жозибадорлигини, ўқувчини ўзига тортиш даражасини мавжуд дидактик усуллар ёрдамида ошириш мумкин. Унга материалнинг ўзлаштирилувчанлиги, аниқ ва тушунарли баёни, аҳамиятли жиҳатларнинг ажратилиши, муаммоли вазиятни ташкил этиш-

нинг эмоционал лаҳзалари ва ҳк.лар киради.

Ўқитувчи таълим жараёнини, ўқув материални ўқувчи ўзининг шахсий ишидай қабул қилишига йўналтириши, ўқувчи эса ўша ўқув фанини ўзининг билиш фаолиятидаги энг муҳим нарса деб қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Олинган натижаларнинг тўғри ва вақтида баҳоланиши топширик бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқ. Баҳо ҳамيشа таълим жараёнида руҳлантирувчи муҳим унсур саналади. Ижтимоий муносабатлар тизимида кирган ўқувчи ҳар қандай баҳога эмоционал муносабатда бўлади. Баҳо ўқувчининг топширикларни яхши бажариш хоҳишини кучайтиради ва мустаҳкамлайди, шу билан бирга унинг фаоллигини ҳам оширади. Баҳо ўқувчи ва ўқитувчи, шу билан бирга ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Муаммоли таълимда ҳар бир янги топширик ўқувчи қатор ақлий хатти-ҳаракатлардан фойдаланиб ҳал этиши лозим бўлган ўқув-билув масаласи сифатида тақдим этилади. Дидактикада таълим масалаларига ёки муаммога доир умумий талаблар ишлаб чиқилган. У:

- олам ва одам ривожини мантиқидан келиб чиқишини;
- ўрганиладиган объектнинг ўзигагина хос қарама-қаршилиқларга боғлиқ маълум қийинчиликни акс эттирган бўлишини;
- қисмларга бўлиш, саволларга айлантириш имкониятининг изчиллигини мавжудлигини ўз ичига олиши.

Буларнинг ҳар бири ўз ўрнида масаланинг ечими сари бир босқич бўлади. Бундан ташқари, бу талаблар ўқувчиларни унинг ечими учун зарур бўлган билимларга йўналтириши, уларни фаол изланишга ундайдиган ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва тайёргарлик даражасига мос бўлиши лозим. Муаммоли таълимни таъкил этишда энг муҳим жиҳат билим ва кўникмаларнинг онгли ўзлаштирилишига эришишдир. Ўқувчиларнинг ишини таъкил қилишда дарснинг бошида унинг асосий босқичларини тавсифлаш, уларнинг ҳар бирига қанча вақт керак бўлишини билдириш, дарснинг муҳим жиҳатларини ажратиш ва топширикнинг танланиш сабабларини асослаш лозим. Ўқув меҳнатининг ўқувчилар томонидан аниқланиши рағбатлантирувчи аҳамият касб

этади. Муаммоли таълим вазифаларига ўқувчиларнинг муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқот ишлари, турли маънавий кадрларни туйишлари, интеллектуал билиш ва амалий фаолияти ҳам киради. Ўқитишнинг бу жиҳати ўқувчилар имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда борликни бутун турфалиги билан билиш ва қайта кашф этишда асосий йўналиш ҳисобланади.

Мактаб амалиётида ўқувчилар хотирасини ривожлантиришга эътибор ҳамон устуворлигини миллий мактаб тизимида янгиликларнинг суст жорий этилиши сабаби сифатида кўрсатиш мумкин. Бу сабаб ўзининг анча чуқур икки илдизига эга. Бу илдизлардан бири ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга бориб тақалади. Ўқитувчининг ўқувчи хотирасини ўстиришгагина уриниши унда қотиб қолган нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Ўқувчи ёзилганларга, ўқитувчининг айтганларига кўр-кўрона ишониш йўлидан боради. XX аср мактаби ўз табиатига кўра, ўқувчилар тафаккурининг мустақиллиги ва улардаги қизиқувчанликка эътиборсизлиги билан характерланарди.

Иккинчи илдиз эса, ўқитиш психологиясининг суст ривожланганлигига бориб тақалади. Билимларни ўзлаштириш мустақил илмий талқин эмас, уни шунчаки эслаб қолиш шаклида тушунилган. Ўқитиш иши билан тайёр ўқув материалларини эслаб қолишни бир нарса, деб қараш таълим назарияси ва амалиётини узок йиллар бир жойда депсиниб туришига олиб келди. Бизнинг мустақил жамиятимизга тафаккур уфқи тор, нимани ўргатишса ўшани такрорлайдиган кишилар эмас, мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишга қодир, ўз қарашларини илмий асослай биладиган, илмий билимларга асосланиб иш кўрадиган ижодкор одамлар керак. Бу камчиликлардан қутулиш учун анъанавий таълим йўсини ўқувчилар тафаккури фаоллигини афзал биладиган дидактикага алмаштирилиши керак. Бу дидактика ҳам хотира имкониятларидан фойдаланишни бутунлай рад этмайди, албатта. Хотира ҳар қандай таълимда ўзига яраша аҳамият касб этади. Фақат хотирага асосланган дидактик тизимни ўзгартириш керак. Унда шу пайтгача яқка ҳокимлик қилган хотира ўз ёнидан ўқувчининг мустақил фикрлаши ва ижодий меҳнатига жой бериши лозим. Янги дидактик тизимда хотира ўз аҳамиятини тафаккурга бўйсунган ҳолда сақлаб қолади. Бундай ўзгаришга билиш назарияси,

дидактика ва психологиянинг ривожланиши асос бўлди. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши анъанавий таълим тизимидаги ёрдамчи унсурдан асосий дидактик усулга айланиши кўп ўзгаришларни талаб қилади.

Аввало, ўқитувчилар тафаккурини сабот ва изчиллик билан қайта шакллантириш керак бўлади. Бугунги мактаб, ўқитувчининг йўналтирувчи раҳбарлигида ўқувчилар тафаккурига таянган ҳолда уларнинг фаоллигини таъминлаши, ўқувчилар тафаккурини оддийдан олий шаклгача ундаши зарур. Билимларни ўзлаштириш маълум даражада хотирага мурожаат қилишга, аввал бир марта ўйланган нарса юзасидан қайта мулоҳаза қилишга асосланади. Ўқиш бу ўринда қайта ишлаш характерида бўлади ва бир марта ўтказилган фикрларни янгилаш ёки унутилганларини қайта тиклашни назарда тутади. Билимларни топиб ўзлаштириш ҳам мустақил фикрлашнинг ўсишида муҳим ўрин тутади. У ўқувчи фикрининг чуқурлигини таъминлайди. Шундай мақсад йўлида таклиф этилган муаммоли дидактик топшириқларни бажаришда ўқувчи зиммасига кўпроқ вазифа юкланади.

Анъанавий таълимга хос бўлган шароитда, моҳияти ўзига маълум бўлмаган масалани ҳал қилиш жараёнида, ўқувчининг тафаккури бошқача ҳаракатланади. Бундай вазиятлар чинакамига аклий зўриқишни, тасаввурнинг дадил ва ижодий ишлашини, чуқур кузатиш, жиддий эътибор ҳамда кучли хотирани талаб қилмайди. Ўқувчининг топшириқни бирор киши кўмаги билан бажаришига асосланган анъанавий ўқитиш тизими жаҳон педагогик амалиётида бугун ўз аҳамиятини йўқотиб бўлди. Чунки у ўқувчини борлиқ билан чинакам алоқадан маҳрум этади, натижада мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатиш учун шароит яратилмайди.

Тафаккур мустақиллигини ўстиришнинг асл моҳияти янги билимларни қўйилган муаммони ҳал этиш орқали ўзлаштиришдан иборатдир. Бу ўринда сўз билим ва боланинг фанга киритадиган янгиллиги ҳақида эмас, балки унинг ўзи учун янги бўлган муаммони мустақил ечиши ҳақида боряпти. Фикр ва фаолият мустақиллиги муаммо ечимининг текширилишида ўзганинг иштироки билан боғлиқ бўлади.

Ўқувчи ўз олдига ўзи муаммо қўйиб, уни мақсадга мувофиқ тарзда еча билган ва махсус йўллар билан унинг сифатини текшира олгандагина фикрнинг тўлиқ мустақиллиги ҳақида

гапириш мумкин. Тўғри қўйилган муаммо кишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Агар ундаги қийинлик бартараф этилса, индивидга хос қандайдир эҳтиёж қондирилади ва масалани ҳал этиш истаги пайдо бўлади. Муаммони ечиш билан тугайдиган маълум интелектуал зўриқиш содир бўлади.

Мустақил мулоҳаза юритишга ўргатилмаган, ақлий дангаса кишилар бундай зўриқишлар ва унга боғлиқ безовталиқдан ўзини тортади. Аммо муаммони ҳал қилишнинг мазасини тотган кишилар бу фаолиятдан завқ оладилар.

Ўзгалар томонидан қўйилган муаммони кўриш ва тушуниш мустақил фикрлашнинг дастлабки бўғини. Қўйилган муаммо олдин ўтилган мавзу юзасидан бўлса, унинг ҳал этилиши осонлашади. Ўқувчида мазкур муаммога тегишли аввал шакллантирилган билим ва тажрибалар уни ҳал этиш ҳамда янги фикрлар туғилишининг асосий шарти саналади. Бундай шартлар етарли бўлмаганда ўқувчи ўз билимини зарур тажриба, амалий ишлар қилиш, мазкур муаммо билан боғлиқ адабиётлар ўқиш билан тўлдиради. Муаммони ҳал этиш учун мавжуд билимларнинг қайта ишланиши ва тўлдирилиши ечимни осонлаштиради. Етарли материал жамлангач, қайта ишланиб, тўлдирилган фикр масала ечимининг фаразига айланади. Фаразнинг шаклланиши ва унинг текширилиши махсус тафаккур усуллари ёрдамида амалга оширилади. Тафаккур мустақиллигининг моҳиятини муаммони қўйиш, ечимини топиш ва хулосанинг тўғрилигини текширишдангина иборат қилиб қўйиш ҳам ўқувчи фаолиятидаги мустақилликни чегаралаб қўяди. Билим олишга эҳтиёж, унга мустақил ёндашув инсонда эркин фикрлаш бўлганда шахснинг ақлини ривожлантиришдан ташқари, унинг ирода ва туйғуларни ҳам тарбиялайди. Шу тариқа ўқувчида шахслик сифатлари пайдо бўлади. Ўрганилаётган билимга ўқувчининг муносабати ижобий бўлса, болада ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо, унинг ечими ва натижаларига қизиқиш уйғонса, фикрлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу эҳтиёжнинг заиф ёки кучли бўлиши муаммонинг қизиқарлилиқ даражасига боғлиқ. Тафаккур мустақиллигини тизимли равишда шакллантириш билан ўқув фанига чуқур қизиқиш уйғотилади. Фикр мустақиллигининг шаклланиши ирода ва ҳаракатнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Тафаккур эркинлиги қийинчиликларни бартараф

қилишда катта куч сарфлаш ҳисобига қўлга киритилади. Бу жараёнда бир вақтнинг ўзида қатъийлик ва бошлаган ишни охирига етказиш одатлари шакллана боради. Шу билан бирга, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ва уни ҳимоя қилишга қодирлик, хусусий дунёқараш тараққий этади. Ўқувчининг мустақил бўлмаган ҳаракати тақлидга асосланади ёки кимнингдир раҳбарлиги остида амалга оширилади. Тақлидда киши учун кимнингдир иши ёки ҳолати намуна бўлади. Таълимда тақлид ўқувчилар ўз ишларини бошқаришда етарли даражада мустақилликка эришмаган ҳолатларда, яъни бошланғич синфлар босқичида ижобий аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, тақлид қилинадиган намунанинг ўзи имкон қадар мукамал бўлиши керак. Ўқувчилар ўқитувчининг шахсий, амалий, жисмоний, ақлий қобилиятларига, сифатларига ёки ўртоқлари, асар қаҳрамонлари ёхуд таниқли кишиларга тақлид қилишади. Бундан ташқари, тайёр ечим намуналарига ҳам тақлид қилиш мумкин. Лекин бу узок давом этмайди. Чунки унда ўқувчида ўз йўлини белгилашга интилиш, мустақил фаолият кўрсатишга уриниш сифатлари пасайиб кетади. Ўқувчилар вазиятни мустақил равишда баҳолаш усулларига ўрганишлари учун анчагина ақлий зўриқиш талаб қилинади. Уларнинг тажриба ва билими етарли бўлмаганда қайси ишни қандай бажариш, қай тарзда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини белгилай олмайдилар. Ўз фаолиятини қандай ташкил этиш кераклигини билмайдилар. Бундай ҳолат ишни бажариш учун зарур ашёларни тўплашда ҳам юз беради.

Баъзида уларнинг топган йўллари муаммога мос келмаслиги ёки уни ҳал этиш учун етарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчида ўқувчини мустақил фаолиятга ундай олиш маҳорати бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бажарилаётган ишни назорат қилиш, одатда, ўқитувчи ҳокимлиги аломати ҳисобланади. Ўқувчиларни ўз фаолиятини текшириб кўриш имкониятидан маҳрум қилиш уларнинг мустақил фикрлашини жиловлаб қўяди. Ўқувчининг ўқитувчи томонидан зарур тарзда ташкил этилган ўз-ўзини назорат қилиши аста-секинлик билан ривожланиб бориши, ишни режалаштириш ва бажариш унинг ўзи томонидан амалга оширилиши керак.

Ўқувчилар мустақил фаолиятининг барча босқичларида муаммо қўйиш билан улардан барча ишларни мустақил равишда

тўлик режалаштириш, бажариш ва текширишни талаб қилиш унчалик ҳам тўғри эмас. Бу жараёнда қийинчиликлар изчиллигига амал қилиш тақозо этилади. Ўқувчиларни мустақил фаолиятга аста-секинлик билан ўргата бориш керак бўлади.

Масалан, ўқувчилар мустақил фаолиятнинг айрим турларига ўқитувчисига тақлид орқали ёки унинг кўрсатмаларини бажариш воситасида ўтишлари мумкин. Булар зарур даражада ўзлаштириб олингандан сўнг нисбатан қийинроқ топшириқларни бериш мумкин бўлади. Адабиётнинг инсон шахси шакллантирилишига таъсири бебаҳо эканлигини алоҳида таъкидлаш шарт эмас. Гап шундаки, бадиий асарларнинг мазмуни бевосита инсон ҳаётининг моҳияти бўлмиш ўзаро ижтимоий муносабатлар, инсон фаолиятининг ютуқ, мағлубият, парвоз ва қулашлари билан боғлиқ. Тарбияланувчилар ҳаётдан ўз ўринларини излар эканлар, таълим жараёнидан ўзларига керакли билимни, маънавий сабоқни олишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотлар асосида муаммоли таълим ва унга хос бўлган назарий билимларни чуқур ўзлаштириб, яхши эгаллаб олган ўқитувчи ҳар қандай ўқув фани ёки предметни ўқитиш амалиётида бу билимларидан самарали фойдаланиши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Муаммоли таълимнинг мақсади ва вазифалари, унинг ўзигагина хос бўлган жамики етакчи жиҳатларни ажратинг ва ёзиб олинг. Сўнгра уларнинг ҳар бирини алоҳида шарҳланг. Ютуқ ва камчиликларини фарқланг.

2. Таълимнинг бу тури билан махсус шуғулланган олим (В.Оконь, М.Махмутов, И.Ильницкая, Т.Кудрявцев, А.Матюшкин)ларнинг муаммоли таълим билан боғлиқ қарашларидаги алоҳида жиҳатларни ажратиб ёзинг ва таққосланг. Ухшаш ва фарқли томонларини аниқлаб уларни таҳлилга тортинг.

3. Муаммоли таълимда «...тарбиячининг асосий вазифаларидан бири ўз тарбияланувчиларида интеллектуал зўриқишга эҳтиёж ва қизиқиш уйғотишдир», деган қараш мавжуд. Сиз, бўлажак тарбиячи, бунга қандай қарайсиз? Нима деб ўйлайсиз, инсон бирор масалани ҳал этишда ўзини ихтиёрий равишда зўриқтириши, яна бунга қизиқиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, тарбиячи буни қандай амалга оширади, Сизнингча?

4. Оддий савол билан муаммоли савол орасида қандай тафовут бор? Бирор бадиий асар матни юзасидан оддий ва муаммоли савол тузинг. Орадаги фарқни мисоллар асосида шарҳлаб кўрсатиб беринг.

5. Адабий таълимда муаммо ечимини ташкил этиш йўлларига эътибор қаратинг. Бу жараёндаги муҳимларни ажратинг. Ҳар бирига алоҳида тўхталиб шарланг.

6. Адабий таълим босқичларида муаммоли ўқитишдан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини ажратиб ёзинг ва изоҳланг. Топилмаларингизга таянган ҳолда ўзингиз танлаган бирор асар устида муаммоли ишлаш йўлини ишлаб чиқинг.

§ 2. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Режа:

1. Адабиёт ўқитишда муаммоли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Таълим босқичларида бадий асарлар устида ишлашда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг аҳамияти.

3. Муаммоли таълимда тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг асосий вазифалари.

4. Бадий асарлар билан танишишни муаммоли ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўзлар: муаммоли адабий таълим, муаммоли савол, муаммоли вазият, ижодий фаолият, махсус йўллар, билимларни ижодий ўзлаштириш, дидактик таҳлил, ҳаётий вазиятга кўра мавжуд билимлардан ижодий фойдаланиш кўникмасини тарбиялаш, ижодий фаолият.

Ҳар қандай катта таълимий муаммо замирида турлитуман кичик муаммолар мавжуд бўлади ва улар ўқув материалининг маълум қисмини ташкил этади.

Умумий муаммонинг ечилиши, одатда, ана шу майда муаммоларни ҳал қилиш орқали амалга ошади.

Мустақиллик даври педагогик тафаккур шароитида адабий таълим маънавиятли одам тарбиялашга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Мактаб адабиёт дарсларида бадий асарлар таҳлил қилинар, адабий қаҳрамонларнинг шахси, хатти-ҳаракатлари муҳокамага тортилар, ўқувчи одам ва олам сирларини ўрганар, асар муаллифи ҳамда адабий қаҳрамонлар тимсолида инсонни кашф этар экан, бу билан у ўзлигини англашга юз тутди. Аллоҳнинг гўзал ва бетакрор яратиғи бўлмиш ўз шахсини, сийратини ўргана боради. Илғор одамларга хос сифатлар бевосита руҳият билан боғлиқ бўлгани учун ҳам маънавият тарбияси бугун мамлакат миқёсидаги муаммога айланди.

Соғлом маънавиятни тарбиялаш, кўпроқ, мактаб адабий таълими зиммасига тушади. Тўғри, маънавиятни шакллантириш

вазифаси мактабдаги барча ўқув фанлари зиммасида ҳам у ёки бу даражада мавжуд. Лекин адабий таълим бу борада карвонбошилиқ қилади. Чунки унинг асосий ашёси – инсон. Адабиёт дарсларида одамга хос туйғу, кечинма, қувонч ва изтироблар ўрганилиб, таҳлил қилинади. Ўқувчилар асар қахрамонлари билан бирга хурсанд бўлишади, йиғлашади, изтироб чекишади, хулоса чиқаришади. Адабий таълимда ўқувчининг бутун эътибори инсонни ўрганишга қаратилади. Бугунги адабий таълим ўқувчида шахслиқ сифатларини тарбиялашга, уйғоқ руҳият кишисини шакллантиришга, шу билан бирга, санъат асарларининг ҳар қандай турини тушуниш, уни таҳлил қила билиш ҳамда ўзлаштиришни таъминлашга йўналтирилган. Адабиёт дарсларида, биринчи навбатда, адабий асарларнинг ўқувчи шахсига қандай таъсир этишига эътибор қаратилади. Асар устида ишлаган ўқувчи ундан ўз олдида турган ижтимоий, ахлоқий, эстетик саволларга жавоб топиши керак. Эгаманликнинг илк давридан то бугунга қадар мактабнинг вазифаси ёшларни олий мактабга тайёрлаш бўлиб келди. Ўқитувчи ҳам, дастур ҳам, дарслиқ ҳам шу вазифани бажариш йўлида хизмат қилди. Энди, бугунги адабий таълимда ўрганилиши лозим бўлган асарлар талқини ўсиб келаётган авлод маънавий камолотини таъминлашга йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда мактаб, ўқитувчи, дарслиқ ва ўқувчининг ўзи шу мақсад йўлида фаолият юритиши лозим.

Бугунги адабиёт дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири – ўқув материали билан, айримлари парча ҳолида бўлса-да, бевосита танишиш инсон маънавияти шаклланишида фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асарни биринчи марта ўқиш ёки моҳир мутахассис ижросида тинглаш ўқувчи аклигагина эмас, балки руҳиятига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Асар билан биринчи учрашув ўқувчида унутилмас таассуротлар қолдиради. Унинг ўқувчи шуурига нечоғлиқ чуқур ўрнашиб қолишини ҳал қилади ва тарбияланувчининг китобхонлик биографиясида, ахлоқий ривожланишида алоҳида ҳодисага айланади.

Адабиёт дарсларида ўқитувчининг мутолаасида ҳамиша поэзиянинг нафаси ва бадиий сўзнинг жозибаси сезилиб туриши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчининг ўзи табиатан шу хусусиятларга мойил бўлиши, ёзувчининг ўрганилаётган асарда акс

этган фикри ва ундаги тимсоллар билан шахсан қизиқиши, бадий асарда кўтарилган муаммолар, тасвирдаги ўзига хосликлар уни безовта қилган бўлиши, улар ҳақида гапирганда кўнглидаги дард, муҳаббат ёки нафрат, изтироб ёки хурсандчиликнинг самимий ифодаси билан ўқувчиларни ишонтириши, уларда фикр уйғотадиган, кўзқарашлари шаклланишига фаол таъсир кўрсатадиган бўлиши лозим. Адабий таълимнинг инсон шахси ва маънавий камолоти йўлидаги самарадорлигини таъминлаш учун ўқувчилар фаоллигини, уларнинг индивидуал ривожланиш даражаси ва ёш хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур.

Дарсда ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи уларнинг шахси, қобилияти, имконияти, қизиқишлари, аклий ва руҳий фаоллик даражасини пухта билиши тақозо этилади. Ўқувчилар таълимнинг ҳар бир босқичида асар матни устида ўзига хос тарзда ишлашга ўргатилса, тимсоллар бадийиёти, сўзнинг қудрати чуқурроқ ҳис этилади. Асар устида ишлаш жараёнида ўқувчи қаҳрамоннинг ички дунёси, шахси ва характери унинг хатти-ҳаракатлари, фикрлари, нутқи, юз-кўзида намоён бўлишини ўрганади. Шундай белгиларга қараб одамни баҳолашга одатланади. Бадий асарлардаги бундай ифодалар адабиёт ўқитишда белгиланган мақсадни амалга ошириш йўлида асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, асар қаҳрамони ўқувчилар томонидан ҳамيشа тирик инсон сифатида ҳис қилиниши керак.

Бутун фожиа шундаки, кўпчилик ўқитувчилар асар устида ишлаш давомида адабий қаҳрамоннинг тирик одамлигини унутиб қўядилар. Асар қаҳрамонларини ижобий ёки салбий образ тарзида ўрганадилар. Ҳолбуки, асар таҳлили ўқувчининг адабий қаҳрамонни кўп қиррали, жонли инсон сифатида қабул қилишига кўмаклашиши керак. Бадий асар ўқувчига одамни билишга ёрдам беради. Адабиётнинг гуманитар йўналишдаги бошқа предметлардан асосий фарқи ҳам унинг борлиқни билишда ўқув материалининг образлилиги ва ҳиссиётга асосланганлигидадир. Адабий асарнинг бундай хусусиятлари ўқувчининг ёшига хос жиҳатларни қатъий ҳисобга олишни тақозо этади. Мактаб адабиёт дарслари ўқувчи дунёқарашининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. У ўқувчининг одам ҳақидаги тасаввурини кенгайтирган ҳолда тажрибаларини чуқурлаштиради, тартибга солади, кузатувчанлигини ўткирлаштиради, инсон табиатини

англашни ўргатади. Маълумки, ўқувчига хос бўлган қобилият ва кўникмаларнинг тезкорлиги (интенсивлиги) ўқувчининг бажарилаётган ишга қизиқиши ва тафаккур жараёнининг эмоционал хилма-хиллиги билан боғлиқ. Мактабдаги бошқа ўқув фанларининг кўпчилиги эмоционал таъсири жиҳатидан адабиёт билан тенглаша олмайди. Ўқувчиларнинг асарда ёзувчи томонидан қўйилган масалани қанчалик қизиқиш билан ечишлари, адабий қаҳрамон атрофидаги қайноқ тортишувлари барчага аён. Бадиий асарни ўқишнинг ўзи ўқувчи тасавури ва тафаккурининг фавқулодда фаоллигини оширади. Асарни ўрганиш эса, у муаммоли тарзда бўладими, бадиий таҳлил шаклидами, суҳбат кўринишидами, ўзига хос тарздаги фикрий фаолият асосида амалга ошади. Бу ўринда ўрганилаётган тимсолнинг таҳлили ҳам, ўқув материални ажратиш ва ўзлаштириш ҳам, мазкур қаҳрамонни бошқа тимсоллар билан таққослаш, киёслаш ҳам назарда тутилади. Ўқувчи асарни ўқиш ва ўзлаштиришда ақлий фаолиятнинг бир қанча турлари билан баравар иш кўради.

Бадиий адабиёт ижтимоий-ташкilotчи куч саналади. Ёзувчининг сўз ва тимсолларга асосланган фикрлаш хусусияти ҳамisha ҳиссий бўлади. У ўқувчининг нафақат тасавури ёки интеллектига, балки ахлоқи ва руҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мактаб адабий таълимида адабиёт фақат ўқув фани эмас, балки санъат, ижод сифатида ҳам ўрганилади. Адабиётнинг билим беришдаги вазифаси унинг эстетик функциясидан кейин туради. Адабиётни чинакам ўзлаштириш бадиий сўз гўзаллигини ҳис қилиш ва ундан завқланиш орқали содир бўлади. Санъатнинг ҳар қандай туридан завқ олиш учун бадиий билимдонлик зарур, албатта. Лекин, бадиий билимдонликнинг ўзи ҳам мақсад эмас. Бундай билим санъатдан завқ олиш билан ахлоқий баркамоллик, ўз-ўзини тарбиялаш, маънавий камолотни таъминлаш йўлидир.

Бугунги ўзбек адабий таълим методикасида бу масала ўз илмий-методик асосини топган. Яратилган адабий таълим концепцияси ва стандарти, дастур ва дарсликлар ёрдамида таълим-тарбия амалиётига кириб бормокда. Лекин, афсуски, мактаб амалиётида кўпчилик ўқитувчилар шу кунгача ҳам адабиёт дарсларига бошқа ўқув предметларига хос бўлган талқинни бермокдалар. Шунинг учун адабиёт дарсларида ҳам таълимий масалалар биринчи планда турибди. Таълимнинг

тарбиядан айри эмаслиги ҳаммага маълум. Лекин бу ҳолатда ниманинг нимага бўйсунishi катта аҳамиятга молик. Адабиёт ўқитишнинг чинакам мақсади ўқувчига гўзалликни ҳис этиш, бадий асардан, сўздан завқ ола билишни ўргатиш орқали ёшлар маънавиятини шакллантиришдан, уни тоза қалб эгаси қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бундай сифатга эга одам фақат яхшиликка, ташаббусга, яратишга қодир бўлади.

Методик адабиётларда поэзияда лирик қаҳрамон билан шоир шахси муносабати ҳақида кўп гапирилган. Муаллиф лирик қаҳрамонда ўзининг шахси, шодлик ва қайғулари, ҳаётий тажрибасини акс эттиради, деган фикр мавжуд. Лирик асарлар таҳлилида ўша қаҳрамон ўрганилади. Лирик қаҳрамон адибнинг у ёки бу муаммолари, изтиробларини субъектив тарзда илгари суради. Айни вақтда, адабиётшуносликда лирик қаҳрамон муаллифнинг ўзига тўла тенг эмас, деган қараш ҳам мавжуд. Бугунги адабий таълимда ўқувчига лирик қаҳрамонни шеърга сингдирилган туйғулардан йироқ, жонсиз образ эмас, асарни яратган инсоннинг дарду кечинмаларини намоён этадиган ҳиссиёт кишиси сифатида тушунтириш маъқулроқ кўринади. Чунки адабиёт ўқитиш – ижодий иш. Адабиёт дарслари унинг иштирокчи ва ижрочилари учун ҳам ижодий жараён бўлиши керак. Ижодий жараён эса илоҳий ҳолат бўлмиш илҳом билан, ўзлик билан холи қолишдир. Бу жараёнда ёлгон ва носамимийликка ўрин йўқ.

Бадий адабиётни сўз санъати сифатида англаш, ундан завқ олиш қобилияти ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У мактабда, хусусан, адабиёт дарсларида шакллантирилади. Аммо адабиёт дарслари бошқа предметлардан чарчаганда дам олиш воситаси эмас, балки жиддий меҳнат натижасида ўқувчиларни руҳлантириш, ҳиссиётларини юксалтириш, маънавиятининг камолот сари юз тутишини таъминлаш машғулотлари бўлиши керак. Бадий сўз санъатини пухта ўзлаштириш, ундан тўлиқ ва чинакам завқ ола билиш учун инсонга табиатан берилган руҳий ҳисни, ўқилган асарлар ва интеллектуал ривожланиш жараёнида етилган туйғуни бадий дид даражасига кўтариш зарур.

Маълумки, тўлиқ англаш бўлмаган жойда завқланиш ҳам бўлмайди. Санъат асарини тушуниш оддийгина мулоқот эҳтиёжидан бошланади. Бу ўзгани тушуниш истаги, унинг

дунёсини очиш билан ўз дунёсини бойитиш эҳтиёжи ҳисобланади. Бадиий сўз санъатида бу мулоқот эҳтиёжи ғоят кучли. Санъат асари нафақат уни яратувчи инсондан, балки истеъмолчидан ҳам тўлиқ рухий берилишни талаб қилади. Таълим тизимида адабиёт ўқитишнинг вазифаларидан бири асар устида ишлаш мобайнида, уни ўзлаштириш ва ҳис этишда ўқувчида билим ҳамда ҳиссиёт бирлигини таъминлашдан иборат. Бадиий асарларни ўрганиш самарадорлиги ўқувчи туйғуларининг самимийлиги билан бевосита боғлиқ. Асар устида ишлаш бир вақтнинг ўзида ўқувчини янги билимлар билан бойитади, адабий-назарий ривожини таъминлайди.

Мактабда адабиётдан дарс бериш, адабий асарлар устида ишлаш ўқитувчидан юксак адабий ва педагогик билимдонлик, ижодий мустақиллик, топқирлик, ёш китобхон руҳиятини яхши билиш, уни ўзига хос инсон сифатида чуқур ҳис этишни талаб қилади. Ўқувчининг руҳияти – мураккаб дунё. Жамиятнинг бугунги тараққиёт шиддати туфайли ҳаётдаги ўзгаришлар, болалар руҳиятининг бойиши ва шахсининг ривожланиши ўта даражада тез бўлмоқда. Ўқувчининг замон билан ҳамнафас тарзда фаоллашуви, рухий оламининг мураккаблашуви методика илми олдига бадиий асар устида ишлаш йўлларини бойитиш ва кенгайтириш талабини қўйяпти, санъатнинг ўқувчи ривожига кучли таъсир кўрсатувчи усулларини топишни тақозо қиляпти.

Ҳар қандай чинакам бадиий асарда ҳамиша ўқувчига қизиқарли жиҳатлар бўлади. Мана шу қизиқ жиҳатни топиб олиш ва уни ечиш жараёнида ўқувчини саволларга жавоб топиш билан бирга асарда тасвирланган қаҳрамонлар руҳиятини англаш, уларга ўз муносабатини билдириш лозим бўлади. Бунинг учун, энг муҳими, ўқувчини асар матни таҳлилига тортишдир. Асар устида ишлашнинг ҳар қандай усулида ҳам матндан узоклашмаслик тақозо этилади. Бунингсиз китоб ўқишга доимий эҳтиёж сезадиган ва бадиий асар билан ошно бўлишдан завқланадиган китобхонни тарбиялаш мумкин эмас. Ўқувчиларни бадиий асар ўқишга жалб қиладиган усуллардан бири унинг олдида ижодий характердаги, муаммоли тарздаги масалаларни қўя билишдан иборатдир.

Синфда бадиий асар лоқайдлик билан ўқилмаслиги ва лоқайд тингланмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчиларни асар билан таништириш жараёнида улардаги лоқайдликни йўқотишга бор

кучини сарфламоғи лозим. Санъат асари билан мулоқотга киришганда бевосита эстетик завқнинг йўқлиги бошқа барча тадбирларнинг самарасизлигига сабаб бўлади. Айниқса, мумтоз адабиёт намуналари ўрганилаётганда, синфдаги ўқувчиларнинг махсус тайёргарлиги ва интилишларисиз асарни таҳлил қилишга уриниш бефойда. Кўпчилик адабиётшунослар мойил бўлган насрий баён ҳам бу ҳолатда самара бермайди. Ўқувчилар ўрганиладиган мумтоз асарнинг бошқачалигини, ғайриоддийлигини ҳис қилишлари лозим. Бунинг учун ўқитувчининг фавқулодда қизиқарли, илмий асосларга бой, ўқувчи диққатини ўзига тортадиган кириш сўзи керак бўлади. Шу билан бирга матнни ўқишга киришиш кўп вақтни олмаслиги ҳам керак. Ҳар бир асарни ўрганишда қатъий мақсадни белгилаш ва аниқ йўналишга таяниш лозим.

Адабиёт ўқитиш вазифаларидан бири ўқувчини асарнинг такрорланмас бадиий оламига олиб кириш, бу ижодий оламни имкон қадар кенгроқ ва чуқурроқ аниқлаш учун шароит яратиш, уни бугуннинг руҳи билан ўзлаштиришга кўмаклашишдир. Ўқувчи асарнинг ўзига хос жиҳатларини тушуниши, уни яратилган тарихий шароити билан бирга ҳис қилиш ва баҳолашга ҳаракат қилиши лозим. Бадиий асар ёзувчининг тафаккури маҳсулигина бўлмай, унинг ҳаёт ҳақидаги ҳулосаси ҳамдир. Асар сюжетининг ривож, характери, тили, қисмлари ўзаро алоқадорликда ўқувчига муаллиф фикрлари ривож, тафаккур жараёнини очиқ беради. Асарни уқиб ўқиш, китобхоннинг муаллиф бадиий фикрларини ўзлаштириш билан ўз ички дунёсини бойитадиган ижодий фаолиятидир. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни асар муаллифи бадиий тафаккурини тушуниш ва ҳис қилишга ўргатиш ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Маълумки, ҳар бир ёзувчи бадиий тафаккурининг ривожланиш мантиғи ва мазмуни ўзига хос. Шу маънода, ҳар хил адибларнинг асарларини ўқиш, улар ҳақида мулоҳаза қилиш ўқувчининг бадиий тафаккури ривожланишига кўмаклашади, тасаввурини сўз санъати намуналари ҳамда ҳаёт ҳодисалари билан бойитади.

Методика илмида қўлланиладиган жами усуллар бадиий асарларни чуқурроқ ўзлаштиришнинг омили саналади ва ўқувчилар тафаккури сифатларини ўстиради. Ўрганиладиган ҳар қандай асар ўз хусусиятларига кўра ўқувчи кўз олдида бадиий

кашфиёт бўлади. Ўқитувчи матн устида ишлаш жараёнида ўқувчиларни асарнинг бадиий хусусиятларини мустақил равишда англаш сари етаклаши лозим. Бугунги адабий таълимда ўқувчиларни ёзувчи дунёсига олиб кириш, унинг образли тафаккури, бадиий муаммосини тушуниш сари етаклаш талаб этилади. Бу масаланинг педагогик жиҳати бўлиб, у ўқувчининг ёзувчи бадиий тизимидан кучли таъсирланишига олиб келади.

Асарни ўқиш унинг таҳлили ва ўзлаштирилиши учун биринчи босқич саналади. Ўқиш давомида китобхон кўнглида у ёки бу қаҳрамонга нисбатан муайян ҳиссиёт туғилади, уларнинг характери ва асар воқеалари ривожини ўртасидаги муносабат тўғрисида ўйлайди. Асарга ўзининг дастлабки баҳосини беради. Ўқитувчи асар устида иш бошлашдан олдин ўқувчилар асарни қанчалик ўзлаштирганликларини, яъни уларга нима етиб борди-ю, нималар англашилмай қолгани, нима нотўғри тушунилгани, нималар умуман илганмаганини кичик суҳбат асносида аниқлаб олиши лозим бўлади. Бу ўқитувчига асар устида ишлашни қизиқарли ташкил этиш, вақтни тежаш, бусиз ҳам тушунарли бўлган нарсаларга вақт сарфламаслик имконини беради. Тушунарсиз қолган ёки ўқувчилар эътибор қилмай ўтиб кетган жиҳатларга кўпроқ тўхталиш ва уларни қизиқтириш учун ўша ўринлар билан боғлиқ жумбоқли саволларни ўртага ташлаш ўқувчиларнинг эътиборини тортади. Асарнинг дастлабки ўқилиши қанчалик тўлиқ, тўғри ва қизиқарли бўлганлиги, ўқувчиларнинг ёзувчи услуби, асар сюжети, муаллифнинг ҳаётга муносабатдаги ўзига хосликларини илғаш даражаси, тимсоллар ва ходисалар орасидаги алоқа қанчалик анланганлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг асар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билиш учун «Асардан ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган лавҳаларни сананг», «Бадиий матндаги қайси тимсоллар қандай аҳамиятга эга?» сингари топшириқ ва саволларга ёзма жавоб олиш ҳам мумкин.

Ҳар бир адабиёт дарсини эмоционал тўйинган ва мазмунли қилиш учун бугунги ўқувчи билан асар яратилган давр оралиғидаги вақтни инобатга олиш керак. Шу билан бирга, 13–14 ёшли болани катта ёшли китобхонларга, такомиллашган онг кишиларига мўлжалланган асар билан таништираётганда, ўқувчининг ёши билан боғлиқ хусусиятларни ҳам унутмаслик мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, бир ёзувчи ва давр

учун ўта долзарб бўлган воқеа бугунги ўқувчига жуда яхши маълум ва оддий бўлиб кўриниши мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчининг асосий вазифаси ижодкор поэтик ғояларининг жиддийлиги ва чуқурлигини ўқувчига очиб беришдан иборат бўлади.

Асарга борлиқнинг образли ифодаси, шу билан бирга аниқ шахс – муаллифнинг руҳий олами тасвири деб қараш ўқувчи эстетик ривожда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи аввал ўқувчилар нима учун асарда ёзувчини кўра олмаётганликларини аниқлаб олиши керак бўлади. Буни аниқлагач эса, эстетика ва адабиётшунослиқнинг муҳим масалаларидан бири бўлган адабиётнинг борлиқни билиш йўлидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўйлаши лозим бўлади. Ёзувчи шахсига хос хусусиятларни билишга қизиқмаслик ўқувчининг ёшига эмас, савияси ва билимдонлик даражасига боғлиқ. Ёзувчининг ички оламига кириш одамнинг ёшига мутаносиб равишда ўзгариб боради. Бугунги адабий таълим методикаси талабларига биноан 5–8-синф адабиёт дарсларида ёзувчи умрбаёни алоҳида ўрганилмайди. Яъни, у ҳақда дарслиқда тақдим этилган таржимаи ҳолни ўрганиш учун деярли вақт ажратилмайди. Уни ўқувчининг ўзи, агар қизиқса, албатта, уйда ўқиб кўяди. Ўқитувчининг дарслиқдаги маълумотларга кўшимча қизиқарли гаплари, янгиликлари бундан мустасно, албатта. Адибнинг шахси ўрганилаётган асар замиридан, ундаги қахрамонлар руҳияти тасвиридан кидирилади. Фақат 9-синфдагина ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ўргатишга алоҳида вақт ажратилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзгани ҳис қилиш, тушуниш, туйиш, ҳамдard бўлишига асар қахрамонлари кечирган ҳисларни уларга «юқтириш» орқали эришади. Бунинг учун ўқитувчининг асарларга муносабати, хатти-ҳаракатлари, ўйлари, кечинмалари рост ва самимий, бадий адабиётга муҳаббати баланд бўлиши шарт. Бундай туйғулар уйғунлигига эришиш билан ўқувчининг ҳиссиёт оламига таъсир кўрсатилади. Ишонч ҳисси гўзалликни туйиш ва билим олиш туйғуси билан мустаҳкам боғлиқдир. Инсоннинг туйғулари унинг тафаккури, иродаси, ахлоқи, билими, маданияти ва дунёқараши билан ҳамоҳанг. Ўқитувчининг маҳорати кўмагида ўқувчиларда тафаккур ва туйғулар, ақл ва кўнгил уйғунлигига эришилади.

Бадий асардан олинган таассуротлар янада чуқурроқ, самаралироқ бўлиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг кузатувчанлигини ошириши, тасаввурини тиниклаштириши, тафаккурини фаоллаштириши, мулоҳаза юритишга ундаши учун уларга «...сабаби нимада деб ўйлайсиз?», «...нимага асосланган бўлиши мумкин?», «...ни ҳақ деб ўйлайсизми?» сингари савол-топшириқлар билан мурожаат қилиш керак бўлади. Бу топшириқларни бажариш учун ўқувчи бир неча саҳифа орқага қайтиши, ёки бир муддатга тўхтаб, ўқиганлари ҳақда ўйлаши, сўзлар ёрдамида чизилган ҳолатни кўз олдига келтириши ва шу вазиятдан таъсирланиши мумкин бўлсин. Улар болани ўқиётган нарсасидан икки-уч дақиқага чалғитса-да, матннинг чуқурроқ ўзлаштирилишига кўмаклашади. Бундай ишлар ўқувчини адиб билан мулоқот қилишга, ўрни келса, муаммоли мулоҳазалар айтишга ўргатади.

Методика илмида ўқувчи мустақиллигини таъминлашга доир «ўқувчи методикаси» деган қараш мавжуд. Унинг тарафдорларидан бири Л. Рыбак ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашишга алоҳида эътибор қаратади. Унинг таклифи бўйича, ўқувчилар асар матни билан биринчи марта танишгандан кейинок турли қийинликдаги топшириқларни бажаришга йўналтирилиши керак. Ўқитувчи ижрони текшириб, асар ўқувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаши, шу тариқа унинг устида қандай ишлашни белгилаб олиши мумкин бўлади. Л. Рыбакнинг фикрича, бу усулнинг ютуғи шундаки, бадий асарни ўзлаштиришда ўқувчи доимий равишда ўз мустақил фикрига таянади. Дарсдаги кейинги фаолият – бадий асарнинг дидактик таҳлили жараёнида ўқувчи томонидан билдирилган ёки билдирилиши лозим бўлган фикрларни савол ва топшириқлар кўмагида аниқлаш, ривожлантириш, тўлдиришдан иборат бўлади. Шунда ўқитувчининг айтганлари ёки китобдаги фикрлар ўқувчи томонидан такрорланмайди. Ўқувчи саволларга жавоб бериш, топшириқларни бажариш асносида у ўз билимларининг тўлдирувчисига айланади. Айни замонда, ўқувчиларда тафаккур ва фаолият мустақиллиги ҳам мустаҳкамлана боради²⁴.

²⁴ Рыбак Л. А. Проблема индивидуального подхода в процессе формирования самостоятельного мышления учащихся. // Проблемы формирования личности и индивидуальный подход к учащимся. – М.: Просвещение, 1964. – С. 279.

Олим томонидан тақлиф этилаётган бу тизимда ўқувчининг тафаккурдаги ва фаолиятдаги мустақиллигига адабий асар билан ишлашнинг дастлабки босқичида амал қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни ўқувчининг асар билан танишувдан сўнг чиқарган хулосалари дарснинг кейинги босқичида – асар устида ишланганда тўлдирилади, тасдиқланади, мустаҳкамланади. Ўқувчиларнинг илк таассуротлари дарсда ўқитувчи томонидан қилинган йўналтирувчи савол ва топшириқлар кўмагида ривожлантирилади. «Ўқувчи методикаси»да ўқитувчи бадиий матннинг дидактик таҳлили асосида ўқувчиларнинг дастлабки таассуротларини бойитишга кўмаклашади. У таҳлил жараёнида ўқувчиларни ўз билимларидан максимал даражада фойдаланишга ўргатмайди, балки бунга шароит яратади. Йўналтирувчи савол ва топшириқлари билан ўқувчиларни асарни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичига кўтаради.

Бугун миллий адабий таълим амалиётида ҳукумронлик қилиб турган ўқувчи таассуротларининг ўқитувчи томонидан мунтазам тўғриланиб туриши билан боғлиқ ҳолатлар боланинг мустақил фикри ва қарашларининг йўққа чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Дарс жараёнидаги етакчи, ҳоким шахс бўлган ўқитувчининг хулосаси ўқувчилар қарашларига ҳокимлик қилиб, уларнинг фикрини ўзи истаган йўналишга солмоқда. Бу билан ўқувчиларнинг асар ҳақидаги мустақил қарашлари ҳам, шахсий муносабатлари ва хулосалари ҳам ўз кучини йўқотиб бормоқда.

Бундай бўлмаслиги учун, аввал, ўқитувчи билан талашиб-тортишиб ўз қарашларини исботлай ва асослай биладиган аудиторияни, шунга йўналтирувчи муҳитни шакллантириб олиш керак бўлади. Бундай ўқувчилар аудиторияси шу тарзда муттасил равишда ишлаш натижасида тайёрланиши мумкин, албатта. Шундан кейингина миллий адабий таълим жараёнига «ўқувчи методикаси»ни олиб кириш кутилган самарани бериши мумкин.

Бадиий ва илмий тафаккурнинг ўзаро ҳамкорлиги чинакам реалликка айланиши учун маълум даражада юксак эстетик савия талаб қилинади. Бадиий асар ўзида жуда кўп сирли, қутилмаган, қизиқарли жумбоқларни яширганки, улар матнга қайта-қайта мурожаат қилингандагина очилади. Фикрлар «жанги»да ўқувчилар бир-бирларини эшитишга, ўртоғининг мулоҳазаларида

ўзи қандайдир сабаблар билан кўрмаганларни кўришга ўрганади. Асар ҳақидаги таассуротлар дастлабки шовқинли муҳокамалар, етарлича ўйламай чиқарилган хулосаларнинг ҳақлиги учун кураш, ўз қарашларининг чекланганлигини тушунишга мажбур бўлиш, ўзгаларни англаш орқали ўз маънавий оламини бойитиш йўли билан такомиллашиб боради.

Ўқувчини мунтазам равишда матнга мурожаат қилишга, унинг устида ишлашга ундаш керак. Булар бадиий таҳлил, асар мазмуни ёки унинг қахрамонлари билан боғлиқ адабий иншолар ёзиш ва қайта муҳокамаларда ўз аксини топади. Асар мутолаасига иккинчи марта киришганда ўқувчи дастлабки фикрларига таянган ҳолда унинг бадиий мантигини илғай бошлайди. Ўқувчининг асарни бадиий ўзлаштириши унинг тафаккури даражасидан айри эмас. Ўқувчи билан асар қахрамонлари орасидаги муносабат ва алоқадорлик қанчалик самимий, яқин бўлса, ўқувчи шахсияти ўзлигини шунча тўла намойиш этади. Асардаги бадиий ҳодисаларни таққослаш қобилияти, ҳар қандай нуктаи назарнинг тубига етиш истаги, муҳокамаларда ҳақиқатнинг сабабларини топишга интилиш жараёнида шакллана боради.

Маълумки, қарама-қарши фикрлар ўртасида тайёр ҳақиқат эмас, ечилмаган муаммо ётади. Ўқувчининг шу муаммони ҳис қилиб, уни шаклга солиши ҳақиқатни излаш бошланганидан далолатдир. Санъат асарини тушуниш йўлидаги тўсиқлар унинг эстетик табиатини билмасликдан пайдо бўлади. Қуйи синфлардаги адабий таълимда кўп қўлланиладиган оддий ўқиш ва қайта ҳикоялаш усули туфайли ўқувчи бадиий асар билан ишлаш ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиб қолади. Бу, ўз навбатида, акли ва кўнгли учун озуқа ололмаган ўқувчида қизиқишнинг йўқолишига сабаб бўлади. Кўпинча, санъат асарини ўзлаштиришга ноқобиллик бола ҳаётининг у ёки бу босқичида санъатга, бадиий асарга бўлган қизиқишнинг йўқолишига олиб келади. Бунинг асосий сабабчиси ўқитувчи бўлади.

Ўқитувчи ҳамма ва ҳар бир ўқувчини бирдай эшита ва ҳис қила билиши керак. Дарсда ўқилган асарларга янгича ёндашув туфайли ўқувчи билимларни тайёр ҳолда олишда яроқсиз амалиётдан сақланади. Бу ҳолда ўқувчиларга имкон қадар кенгрок мустақиллик берилади. Синфда асар матни устида

ишларда суҳбатлар, мустақил ишлар, ижодий изланишлар, муаммоли вазиятлар яратишга катта эътибор қаратилади. Шунда ўқувчилар асардан жонли таассурот оладилар ва ўзлари мустақил мулоҳаза юритиб, ўз хулосаларини чиқарадилар. Асарлар устида ишлаш мобайнида ўқувчи тафаккури фаоллиги ва мустақиллиги уларни намойиш этишига қулай имконият яратилганда амалга ошади. Ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирилган билимларига таянган ҳолда уларни ҳамيشа мустақил фикрлашга йўналтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тарбияланувчиларни мантиқли саволлар ва муаммоли топшириқлар билан мушкул вазиятларга солиш ва улардан чиқишга ундаш, уларда кийинчиликларни енгилда ўзига ишонч ҳиссини тарбиялаб боради. Бундай ишлар ўқувчи тафаккурининг ҳамيشа фаолиятда бўлишини тақозо этади. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги дарсда ўқув материални имкон қадар кенг ва чуқур баён этишга, ўқувчиларнинг хотирасига мустаҳкам жойлаб қўйишга уринадилар. Бунинг учун қўшимча материаллардан фойдаланадилар, билимларни ўқувчиларга тайёр ҳолда имкон қадар яхшироқ ва кенгроқ тарзда етказиб беришга ҳаракат қиладилар. Уй вазифасини сўраш жараёнида эса ўқувчиларни ўзининг айтганларини қайта гапиртириш билан чекланадилар. Афсуски, бу усул ҳали ўқитувчилар руҳияти ва иш тутумидан чиқиб кетганича йўқ. Бундай бир хилликка асосланган машғулотларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга, таҳлилга, муҳокамага, муносабат билдиришга, хулосалар чиқаришга йўналтирувчи топшириқлар, саволлар берилмайди. Билимларни муаммо шаклида ўзлаштириш ташкил этилмайди. Кўпчилик ўқитувчилар янгича ишлашнинг моҳиятига киролмаяпти, бунинг йўлларини ҳам билмайди. Мазкур таълимда ўқувчи руҳиятига хос хусусиятлар инобатга олинмайди. Маълумки, ўқувчилар мустақил ишлашни хуш кўрадилар. Ўқув ишларининг фаол турлари уларга ёқади. Улар мураккаб муаммоларни ҳал этиш, имкониятларидан баландроқ вазифаларни бажаришни хуш кўрадилар. Ўқитувчилар бу ҳолни англашлари, таълим амалиётида шунга таянишлари, ўз фаолиятларини ўқувчиларнинг табиий хусусиятларига мослаштиришлари, ўқувчиларни ижодга ундайдиган топшириқлар бера билишлари керак. Фақат улар ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари доирасида бўлмоғи лозим.

Янги асар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар ақлий фаолиятининг ҳаракатчан ва тезкорлиги материалнинг қандай тақдим этилаётганига, уни тушунтиришда ўқитувчи томонидан берилаётган саволларда ўқувчининг аввалги билимлари қай даражада ҳисобга олинганлигига ҳам боғлиқ. Асар устида ишланар экан, ўқитувчи барча ҳолат ва хулосаларни тайёр ҳолда тақдим этмай, билимлар пардасини аста-секинлик билан очмоғи мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи бундай йўлдан борганда ўқувчини қиёслаш, таққослаш, исботлаш каби мустақил ақлий фаолиятга ундайди ва шу йўл билан уларнинг муайян хулосага ўзлари келишларига кўмаклашади.

Янги асар устида ишлашнинг саволлар қўйилмайдиган монологик турида ўқитувчилар янги материални имкон қадар кенг ва чуқур тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар. Бу билан улар ўқувчиларнинг аввалдан билганлари ва шу дарсда ўзлаштирган янги билимларини мустақил фикрлаш фаолияти билан боғлашлари кераклигини назардан қочирадилар. Маълумки, ўқувчи тафаккурининг мустақиллиги, ўқитувчи айтганларини ўзлаштиргандан кўра, ўртага ташланган саволнинг моҳиятини ўзи тушуниб етгани ва ўз билганлари асосида жавоб берганида кўпроқ юзага чиқади. Янги асар устида ишлаш давомида ўқитувчи ўқувчиларни аввал ўзлаштирган билимлари билан янгисини қиёслаш орқали эстетик кашфиётлар қилишга ундайдиган саволлар бериш йўли билан мустақил ишлатади. Бундай ҳолларда саволларнинг қўйилиши ўқувчи тафаккури фаоллигини оширадиган, янги асарнинг кенг ва чуқур ўзлаштирилишини таъминлайдиган бўлиши лозим. Агар ўқувчилар фикр қилишга йўналтирилса, ўз жавобларининг тўғрилигини исботлаш учун ўқитувчи талабларидан келиб чиқиб қатор далилларни излаб топишлари, жуда кўп нарсаларни эслашлари мумкин бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтиради. Ўқитувчи имкон қадар ўқувчиларининг фаол ва мустақил фикрлашига, фаолиятдаги эркинлигига эришиши лозим. Фикрлашга ундаган ўқитувчининг айтганларини ўқувчилар ҳамини диққат билан эшитадилар. Улар ўрганилаётган бадиий асар замиридаги мураккаб масалаларни ҳал қилишда бажонидил қатнашадилар. Янги дарсда ўртага ташланган саволлар мавзунини ўзлаштириш жараёнида нафақат ўқувчи

тафаккурини фаоллаштиради, балки матннинг тушунилиши қийин қисмини ҳам мустаҳкам ўзлаштириб олинишини таъминлайди. Амалиёт шуни кўрсатдики, дарснинг бутун тизими ўқувчилар фикрлаши фаоллашгандагина кутилган натижани беради.

Ўқитувчининг асар матни юзасидан қўйилган мантиқли ва муаммоли савол-топшириқлари ўқувчиларнинг фақат у ёки бу масалаларни ҳал қилганларидагина эмас, балки муаммога жавоб тополмай қолганларида ҳам фойдали бўлади. Агар ўқувчилар муаммо ечимини топишса, улар матндаги қонуний алоқаларни осон тушунган бўлишади. Акс ҳолда эса, қўйилган масала изланишлар жараёнида ҳал этилади, ўзлаштириш ҳам бошқачароқ, ўзига хос бўлади. Ўқувчилар материални ўзлаштириш учун онгли ва фаол ишлайдилар, уларда муаммони мустақил равишда янгича йўллар билан ечиш истаги пайдо бўлади.

Бугунги миллий адабий таълимда барча ўқувчиларнинг келажакда ёзувчи ёки шоир бўлишлари учун эмас, балки, уларни санъат асарини тушуниш ҳамда бадиий сўзни ҳис қилишга одатлантириш орқали маънавий дунёсини бойитиш мақсадида уларда ташқи ва ички кўриш, эшитиш ҳисси ривожлантирилиши керак. Бадиий асарни теран ўзлаштириш айнан ўзгача кўриш ва эшита билишни талаб қилади. Кузатувчанликнинг ўсиши – ўқувчи маънавий ривожланишининг бир томони.

Маълумки, қуйи ва ўрта синфларда ўқувчилар ўз таассуротлари ёки расмлар асосида кўп иншо ёзадилар. Бундай ишларда табиат тасвирланган расмлар ҳам учрайди. Лекин натижа ҳамisha ҳам кутилганидай бўлавермайди. Бу ерда гап сўз бойлигининг камлигида эмас, балки табиатнинг жилваларини кўриш ва эшитишни билмасликда, бунга ўргатилмаганида. Ҳар бир кишининг қарашини ўзганинг назаридан фарқлаши лозим бўлган субъектив рангин ифода, кайфият ва фикрнинг қашшоқлигида. Адабий пейзажлар таҳлили, ўқувчиларнинг бу борадаги мустақил ижодий ишлари, кузатиши ва тасаввур этиши унинг нутқи, сўз бойлиги ривожи билан ҳам боғлиқ, албатта. Кузатиш ва тасаввурни баён этиш муайян даражадаги сўз бойлигини ҳам талаб қилади. Кузатишга ўрганиш ва кўргани ёки тасаввур қилганини ифодалайдиган зарур сўзни топа билиш – ўқувчи адабий ривожланишининг асосий жиҳатларидан саналади. Бу

ерда тараккиётнинг асосий йўли – жонли таассуротлардан бадий сўзга, китоблардан яна ёзувчининг тажрибаси, билими, маҳорати билан бойитилган шахсий таассуротларга ўтиш, ижодий ишларида ёзувчи услуби ёрдамида ўткирлашган тилдан фойдалана билишдан иборат бўлади. Ўқувчининг адабий-эстетик ривожига куйи синфлардан бошлаб юқори синфларгача, аста-секинлик билан ҳаётининг тажриба ва адабий-назарий билимларининг мураккаблашиб боришига мувофиқ равишда содир бўлади. Бу хусусият ўқувчиларнинг адабий дидини шакллантиради. Уларнинг борлиқ ҳодисалари ва инсоний туйғулар тасвири нафосатини, бадий сўз гўзаллигини ҳис қилишга ўргатиш билан бирга уларнинг дунёқараши шаклланишига хизмат қилади.

Адабий асарни ўзлаштириш ўқувчиларнинг тасаввури, ҳис қилиш маданияти, эстетик туйғулари қанча юқори бўлса шунча чуқур ва тўғри бўлади. Адабий таълимда самарага эришиш учун ўқитувчи, даставвал, ўқувчиларнинг ўзида эстетик безовталиқ уйғонишига эриша билиши керак. Агар кўзгатишган эстетик туйғу чин ва чуқур бўлса, у катта маънавий имкониятга эга бўлади. Ўқувчида нозик эстетик кечинма ва рангин туйғуларни тарбиялаш ўқитувчидан катта меҳнат талаб қилади, албатта.

Асарнинг мазмуни ва жанридан қатъи назар, ўқувчиларни уни ўзлаштиришга тайёрлаш билан боғлиқ юмушлар:

- ўқитувчининг ёзувчи шахси ва ҳаётининг тартиби асар матнига дахлдор асосий эпизодларни қамраб оладиган кичик кириш сўзи;
- ўқувчиларнинг асар ҳақидаги мулоҳазалари;
- уларнинг олдига фикр айтишга ундайдиган савол ёки топшириқлар қўйиш сингари ишлардан иборатдир.

Ўқитувчи ишларининг асосий йўналиши айтиш учун адибнинг ўзигагина хос бўлган жиҳатларга ўқувчилар диққатини торттириш, тил, тимсол, нутқ оҳангдорлиги хусусиятларига эътибор қаратишдан иборатдир. Янги асар матни ва унинг муаллифи билан танишиш ўқувчи учун жуда кизик номаълум совғани кутиш каби қувонарли бўлиши керак. Адабиёт ўқитувчиси асар матни жозибаси ва ёзувчи шахси ҳақида дарсликда бўлмаган, адиб болалиги ва ёшлиги билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар воситасида ўқувчиларда унинг ижодига кизиқиш ҳамда меҳр

уйғотиши, адиб шахсига хос эзгу сифатлар билан уларни тўлқинлантириши лозим. Ўқувчининг ёзувчи билан экстат даражадаги, яъни каттиқ ва ҳаяжонли қизиқиши унда мустақил фикрлаш ҳамда ижодга жонли муносабат уйғотади. Бу эса ўқувчиларни асарни ифодали ўқиш, сахналаштириш, ҳикоя, шеър, такризлар битишга, унинг таъсирини кундаликларига битиб қўйишга ундайди.

Бадий асарнинг муаммоли таҳлилидаги яна бир муҳим жиҳат асар устида ишлаш билан ўқувчи бадий тафаккурининг ривожланиши орасидаги боғлиқликдир. Асар сюжети, ундаги характерли муаммолар, адибнинг услуби ҳақида мулоҳаза юритиш жараёнида ўқувчининг бадий тафаккури ривожланиши ва камол топиши зарур. Масала шундан иборатки, ўқувчилар маълум асар, ёзувчи, жанр, образ ва йўналишнинг бадий мантиғини англаб етишлари керак. Маълумки, инсон ўзга бир одамдаги ўзига хуш келган бирор сифат ёки фазилатни ҳамиша эслайверса, ўзлаштиришни истаса, ўша нарса унинг табиатига ўтади, сингиб қолади. Адабиёт ўқитувчиси мана шу ҳақиқатни ҳисобга олиб иш юритиши ўринли бўлади.

Ўқувчиларнинг қизиқувчанлиги ва қизиқишлари ҳам ўқитувчи иш фаолиятининг марказида бўлмоғи лозим. Билишга интилиш ҳар доим ҳам қизиқишдан бошланади. Шу қизиқиш ва мавжуд шарт-шароит кишини илмли ҳамда маърифатли бўлишга ундайди. Қобилиятли ва истеъдодли кишиларнинг хислатлари рўёбга чиқиши учун зарур шароит керак. Акс ҳолда у сўнади. Киши камолотида уч нарса: ирсият, муҳит, тарбия асосий ўринни эгаллайди. Ўқувчилар учун зарур ижтимоий-индивидуал шароит яратиш ва уларга керакли йўналишда тарбия бериш мактабнинг, хусусан, адабиёт дарсларининг зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Бунинг учун ўқитувчидан синфдаги ҳар бир ўқувчининг қобилияти, истеъдоди, ирсий белгиларини, интеллектуал имкониятларини билиши ва шунга қараб иш юритиши талаб қилинади. Маълумки, инсон руҳи табиатан тартибга туширилган нарсани суйиб қабул қилади. Шунинг учун ҳам у шеърга кўпроқ мойил бўлади. Негаки, шеър интизому тартиб ичидаги яратикдир. Шеърят борлиқни образли-эмоционал ўзлаштириш ва айни вақтда ўқувчи шоир мулоқотининг ҳиссий-эстетик шаклидир. Асарнинг ўқувчига эмоционал-эстетик таъсир кўрсатиши уни

Ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асарни ўзлаштириш ҳар қандай руҳий жараён каби миянинг аналитик-синтетик фаолияти саналади. Бу жараёнда ҳам таҳлил, таққослаш, умумлаштириш каби инсоннинг онгли фаолиятлари силсиласи амалга ошади. Яхши тапширилган адабиёт дарсларида ўқувчилар бадиий тимсолларни нафақат чуқур ва тўлиқ ўзлаштирадилар, балки асар устида ишлашга, ҳаётдан олган тажриба ҳамда билимини жалб қилган ҳолда у ҳақда ўйлашга ўрганадилар, фикрини оғзаки ёки ёзма равишда саводли баён қилишга одатланадилар. Асардаги бадиий лавҳаларни таққослаш асар ва характер мантиғини топишга ёрдам беради. Бу билан тарбияланувчининг мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади.

Адабиёт дарсларида ўқувчи ички дунёсига кириш учун ўқитувчи қўлида ажойиб қурол – бадиий сўз бор. У китобхон кўнгил мулки, туйғулари, ҳаётий қизиқишларига у ёки бу даражада дахлдор бўлгандагина таъсирли бўлади. Бунга эришиш учун муаллим ёзувчи ва асар қаҳрамонларининг фикру туйғулари олами билан ўқувчилар руҳий дунёси ўртасида алоқа ўрната билиши керак. Асар муаллифи ёки қаҳрамоннинг шахсий сифатлари, туйғулари, шодлик ва изтиробларининг ўқувчилар томонидан илғанишига имкон яратиш учун уларнинг диққатини айна шунга қаратадиган савол-топширикни ўртага ташлаши керак. Масалан, «Матндан Раънонинг изтироблари ифодаланган ўринларни қайта ўқинг ва бунинг сабаблари ҳақида фикрингизни айтинг», ёки «Бўри полвоннинг даврада Насим полвонни кўргандаги ҳаяжони сабаблари ҳақида нима дея оласиз?», ёхуд «Тоғай Муроднинг Бўри полвон тилидан айтган чинакам эркак ва асл аёл ҳақидаги фикрларига таяниб унинг шахси ҳақида ўйлаб кўринг» ва ҳк.

Асар қаҳрамони ёки муаллифи шахсига хос сифатлар ўқувчи томонидан англашилганда у ўзига ҳам шу назар билан қарай бошлайди. Орада табиий боғлиқлик пайдо бўлади ва бу алоқа бола шахсининг шаклланишига хизмат қилади. Адабий таълим олдида турган малакали китобхонни тарбиялашда вазифани бажариш, кўпинча, ўрганилаётган бадиий асарни иккинчи марта ўқишни тақозо этади. Бунда асарнинг биринчи ўқилиши мустақил равишда амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Шунда ўқувчининг мустақил ўқув топшириқларини бажариши

ёки лавҳалар устида ишлай олиши унинг китобхонлик даражасини белгилайди, кейинги иш жараёни эса асар устида ишлаш ҳисобланади.

Ўқувчининг асар матнини қайта ҳикоялашга жалб қиладиган топшириқлар ёки дарс жараёнида ўқитувчининг айтганларини бажаришига таянибгина унинг фикрлашидаги мустақиллик даражасини аниқлаш мумкин эмас. Бунинг учун ўқувчини муносабат билдиришга, фикр айтишга ундовчи: «Мазкур асарни ўқиш сизда қандай туйғуларни уйғотди?», «Асарнинг сизга ёққан ёки ёкмаган жиҳатлари ҳақида фикрингизни билдиринг» сингари саволлар ва ечилиши зарур жиддий муаммо қўйиш орқали амалга оширилади. Бундай топшириқларни бажариш ўқувчидан ўқилган бадиий матнга ўз шахсий муносабатини билдиришни талаб қилади. Шу тариқа, бундай жавобларда бадиий асарнинг ўқувчига эмоционал-эстетик таъсири ўз аксини топади. Ўқувчи олдида адабий масала қўйиш мустақил мутолаанинг ўқитувчи томонидан назоратини талаб қилади, бадиий асарни ўйлаб ўзлаштириш даражасига фаол таъсир кўрсатади. Қандайдир сабаблар билан топшириқни бажаролмаган (матнни тушунмаган, таҳлил йўлларини билмаган ва ҳк.) ўқувчи ўзининг хатосини англайди, навбатдаги таҳлилга каттароқ қизиқиш билан астойдил тайёрланади.

Ўқувчиларнинг биринчи, журъатсиз қадамлари ҳам мустақил фикрлаш фаоллиги бошланиб, жонланиб бораётганини кўрсатади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари уларнинг мустақил фикрлаш ва фаолиятга ундовчи муаммоларни ечишдаги кучли ёки заиф жиҳатларида кўринади. Ўқувчиларнинг бу хусусиятларини инобатга олиш ўқитувчига, бир тарафдан, маълум ўқувчилар орасида сермахсул усулларни қўллаш, иккинчи томондан, мустақил таҳлил, мустақил фикрлашга йўналтирувчи усуллардан фойдаланиш имконини беради. Дарсларда адабий муаммоларни ҳал этиш ўқувчини шахс сифатида намоён этиб, унинг индивидуал хусусиятларини очиқ беради. Шундай қилиб, адабиёт ўқитишда ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва фаолиятга ўргатиш ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғуллана билишни талаб қилади.

Топшириқлар индивидуаллашгани сари ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритишдаги ва эркин фаолиятдаги имкониятлари кенгая боради. Бугунги адабий таълим амалиётида ўқитувчи «Қандай ёзишаётганига, ўйлашаётганига қара ва ўз имкониятининг

доирасида бор кучинг билан ишла» тамойилига амал қилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчига ўзгаларнинг ишини намуна қилиб кўрсатиш, улардан андаза олишга ундаш орқали эмас, балки бошқаларнинг ишларига қараб, уларни танқидий ўрганиб ва таҳлил қилиб, шулар асосида мустақил ишлашни ўргатиш керак. Бадиий асар устида шу тарика ишланганда адибнинг бадиий тасвирлаш маҳоратини аниқлаш ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтиришдаги асосий тадбирлардан бири бўлади. Чунки муайян шахснинг бадиий-эстетик тафаккури бадиий асарлар устида ишлашда тезроқ шакллантирилади. Аёнки, ҳар қандай миллатнинг руҳий-маиший хусусиятлари унинг бадиий асарларида яхлит тарзда намоён бўлади.

Адабий таълим амалиётини юқорида талаб қилингандек ташкил этишда, шубҳасиз, муаммоли таълимнинг ўрни катта. Мактаб адабий таълимидаги муаммоли вазиятлар масаласи замирида ҳам, барча ўқув фанларидагидек, ўқувчига кўпроқ билим бериш, билимларни мустақил равишда ўзлаштиришга ички эҳтиёж ва қизиқишни уйғотиш, билим олиш жараёнида эркинлик бериш асосида дарс самарадорлигини таъминлаш ва малакали мутахассис тайёрлаш мақсадига қаратилган. Жумладан, В. Маранцман, Д. Сладкова, Т. Кудрявцев, Н. Кудряшов, М. Лесохина, Л. Айзерман ва бошқалар адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишда бирор мавзунини имкон қадар чуқурроқ тушунишни таъминлаш ва таълим жараёни фаоллашишига эришишни назарда тутишган. Айтиш керакки, бошқа ўқув предметлари учун муаммоли таълимни худди шу мақсадда татбиқ этиш бугун ҳам етарли бўлиши мумкин. Лекин адабиёт дарсларида муаммоли таълим маънавий шакллантиришга, ўқувчи шахсида ўзликни кашф қилишга, ички «мен»ни англашга, улардан баркамол одам тарбиялашга хизмат қилишга йўналтириши шарт. Мактаб адабий таълимида муаммоли вазиятларни ташкил этиш бошқа ўқув фанлариникидан жиддий фарқ қилади.

Чунки адабиёт дарсларида бирор қоида ёки тенглама ўзлаштирилибгина қолмай, инсон туйғулари, ўйлари, ҳиссиёти тадқиқ қилинади. Одамни ўрганиш эса, муаммолар ичра мураккаб муаммодир. Адабиёт дарсларида яратилажак муаммоли вазиятларнинг дастлабки босқичида бошловчилик роли ўқитувчида бўлади, аста-секинлик билан бу вазифа ўқувчиларга ўта

боради. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришга мактаб давридан ўргана бориши керак. Адабиёт дарсларида ташкил қилинган муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритиши ва адабий асарларни баҳолаши асосида таълим самарадорлигини ошириш, ўқитишда таълим методларининг хилма-хиллигига эришишдан ташқари, ўқувчиларнинг онгли фаоллигини ошириш, уларда шахслик сифатларини шакллантириш сингари маънавий мақсадлар ҳам ётади. Шу билан бирга, дарсда ҳам, синфдан ташқари ишларда ҳам ўқувчиларда мустақил фикрлашни тарбияловчи, мустақил фаолиятга ундовчи, уларда бадиий асарни англаш, сўздан таъсирланиш кўникмасини шакллантирувчи махсус таълим усулларидан фойдаланиш лозим. Чунки мустақил фикрлаш ва мустақил фаолият шахс шаклланишининг бош мезонидир. Адабий асарлар устида ишлашда, у дидактик таҳлил шаклида бўладими, муаммоли тарзда амалга ошириладими, ўқувчиларда ҳиссиёт ва тафаккурни таркиб топтириш биринчи, адабиётга доир назарий билим бериш иккинчи ўринда бўлиши керак.

Адабиёт ўқитиш методикаси илмидаги қонуниятлар қанчалик кенг қамровли бўлмасин, ҳеч қачон ўқитувчининг ижодий иши ўрнини босолмайди. Мактаб таълим-тарбия жараёнининг умумий тамойиллари қанчалик чуқурлаштирилмасин, асар устида ишлашнинг методик йўллари ва усуллари қанча хилма-хил бўлмасин, ўқитувчи ҳамisha асарни ўрганиш учун мазкур синф ҳамда ўзининг индивидуал хусусиятларига мос келадиган бирор усул ёки йўналишни танлаши лозим бўлади. Адабиёт ўқитиш жараёнига муаммоли таълимни олиб кириш ҳам ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири. Мактабда бадиий асарлар устида муаммоли ишлаш ўзида адабий асар табиатига мос хусусиятларни, унинг умумий ва доимий қонуниятларини ҳам, аудиториянинг синфдан—синфга, йилдан—йилга ўтиш билан ўзгарадиган хусусий жиҳатларини ҳам қамраб олади.

Юқори синфлар адабиёт дарсларидаги муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг диққати, қизиқиши фақат қаҳрамонлар шахси билан чегараланиб қолмай, муаллифга ҳам қаратилиши, ўқувчи адибнинг фикрлари йўналишига ҳам назар ташлаши ҳамisha ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи лозим. Асарда муаллифни кўриш ва уни эшитиш, аслида, ўқувчиларга бошланғич синфлардан бошлаб ўргатилиши керак. Бунинг учун асарни

ўқувчига яқинлаштириш лозим, токи асар ўқувчини тўлқинлантирсин. Шунда қаҳрамонлар хатти-ҳаракати тушунарли бўлади, ўқувчи руҳини безовта қилади, баъзан кулдирса, баъзида даҳшатга солади. Шу ўринда, адабиёт ўқитиш тизимига муаммоли таълимни олиб кириш йўллари ҳақида гапиришдан олдин, муаммоли адабий таълим тушунчасига ҳам аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Дарсларда ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг кучи, тафаккури, билими ва меҳнати билан ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида болалар олдига муаммо шаклида қўйиш йўли билан амалга ошириладиган адабий таълим жараёнини муаммоли адабий таълим деб аташ мумкин.

Муаммоли таълим асосига қўйиладиган, бадиий асардаги бирор адабий ҳодисадан муаммоли масала тарзида фойдаланса бўладиган, ўқиш жараёнида адабий муаммоли вазият ҳосил қилишга, ўқувчилар орасида тортишув ва фикрлар баҳсига асос бўладиган, қарашлар хилма-хиллигини келтириб чиқаришга арзийдиган адабий-таълимий масалани адабий-бадиий муаммо дея номлаш мумкин.

Бундай адабий-бадиий муаммо нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчининг ўзи учун ҳам бир қадар муаммоли бўлиши керак. Масалан, Ч. Айтматовнинг 6-синф «Адабиёт» дарслигидан ўрин олган «Олтовлон ва еттинчи» афсонасида бир миллатга мансуб етти ўғлон муносабатининг асл моҳияти, хатти-ҳаракати ва бунинг сабаблари нафақат ўқувчи, балки анча-мунча катталар учун ҳам ўйлантирадиган масала. «Асардаги бир миллатга мансуб етти ўғлондан иккитаси – Жухадзе ва Сандроларнинг қай бирини ватаннинг душмани деб ўйлайсиз?» саволини ўқувчилар олдига адабий-бадиий муаммо шаклида қўйиш мумкин. Бу топшириқ нафақат ўқувчи, балки адабиёт ўқитувчисининг ўзи учун ҳам анчагина фикрий зўриқишни, изланишни талаб қилади. Ўқувчи бу муаммони ҳал этиш учун матнга таяниб, ҳар икки қаҳрамонни ўрганиши, хатти-ҳаракатлари, гаплари, бир-бирига муносабатда ўзини тутишини тафтиш қилиши керак бўлади. Уларнинг Ватанга муносабатини таҳлил қилади. Ҳар бирини шахс сифатида ўрганади. Шу жараёнда ўсмир руҳиятида ҳар икки қаҳрамонга нисбатан ўз муносабати пайдо бўлади. Мана шу муносабат унда шахслик сифатлари қарор топа боришига олиб

келади. Ўқувчи олдига муаммо шаклида қўйилган, уни асар матни устида ўйлашга, изланишга ундайдиган, унинг замиридаги маъноларни тушуниш учун ҳаётий тажрибаларига қайта-қайта муурожаат қилишга мажбур қиладиган савол ёки топшириқ муаммоли адабий таълимнинг самарадорлигини таъминлайди, дейиш мумкин.

Бундан ташқари, Х. Тўхтабоевнинг олтинчи синф дарслигида берилган «Сариқ девни миниб» асари бўйича: «Ҳошимжоннинг билимсизлик туфайли қилган шунча қилмишларидан хабардор бўлгандан кейин ҳам китобхон уни ёмон кўриб қолмайди. Бунинг сабаблари ҳақида нима дейсиз?» тарзидаги савол ўқувчилар олдига қўйилса, бу улар учун муаммо бўлади. Ўқувчилар бу масалани ҳал қилиш учун асардан Ҳошимжон шахси тасвирланган, унинг қилмишлари ёритилган ўрнларни қайта-қайта ўқишга, ўз кўнгилларида унга нисбатан пайдо бўлган туйғуларни, муносабатни тайин этишга мажбур бўлишади. Ўқувчилар ўзларининг руҳий ҳолати, сийратидаги асосларга таяниб, Ҳошимжонни ёмон кўриб қолмаганларини англайдилар ва бунинг сабабларини қидирадилар, топганлари асосида муносабат билдирадилар.

Масалан, 7-синф «Адабиёт» дарслигидаги Ҳ. Олимжоннинг «Ғазал» шеъри юзасидан берилган «Ғазалнинг иккинчи ва учинчи байтлари ўртасидаги маъно боғлиқликларини аниқланг. Шамол тимсоли ташиётган шеърий маънони топинг» топшириғини бажариш пайтида ўқувчи тушган қийин вазият, дарсдаги умумий ҳолат муаммоли вазият саналади. Ўқувчилар ошиқнинг тонг чоғи гунчани ўпиб очаётган шамолга ҳавас қилиши, шамол гуллар хидини оламга ёйгани сингари маъшуқасининг бўйини таратиб оламини «масту-мустағриқ» қилишни истагани, агар у шу ишни қилолса, ўз санъатига лол бўлиб ҳавасланиши каби мураккаб ҳолатларни кашф қилиш йўлидаги изланиш жараёни ўқувчи учун муаммоли ҳолат, вазият саналади. Қўйилган масаланинг нечоғлик мураккаблиги муаммоли вазиятнинг даражасини белгилайди.

Адабиёт дарсларида муаммоли дарс ёки ҳолат ҳосил қилишнинг умумий талаблари қуйидагилардан иборат:

- адабий таълим амалиётида муаммоли вазиятни ташкил қилиш учун шундай амалий ёки назарий масала қўйилиши керакки, унинг ечилиши давомида ўқувчи ўзлаштириши лозим

бўлган янги билимларни ўзи ўрганиб олсин. Муаммоли вазиятни ҳосил қилувчи масалани қўйишда қуйидаги асосий шартларга амал қилинади:

1. Адабий муаммо ўқувчиларда шакллантирилган мавжуд билим, кўникма ва малакаларга таяниши лозим. Ўқувчилар топшириқнинг шартларини тушуниб олиш ва уни бажаришга астойдил уринишлар натижасида мазкур адабий муаммонинг ечимига мустақил равишда етиб келишлари керак. Масала таркибига ўқувчи уни ҳал қилиш давомида аниқлаши зарур бўладиган битта номаълум масала (фаолиятнинг йўллари, шартлари ёки муносабат), қўйилган бўлиши керак.

2. Ўқувчи олдига қўйилган адабий муаммони ҳал қилиш учун шу каби масалаларга доир умумий қонуниятни, шу хилдаги топшириқларни бажаришнинг умумий йўллари ёхуд айрим шартларини ўзлаштирган бўлиши лозим.

3. Адабий муаммони ечиш ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотиши керак. Адабиёт дарсларида муаммоли вазиятлар яратиш учун юқорида айтилганлардан ташқари маънавий-ахлоқий масалалар ҳам қўйилади;

- адабиёт дарсларида ўқувчига таклиф этилаётган адабий муаммо унинг интеллектуал имкониятларига мос тушиши лозим. Қўйиладиган адабий муаммо мураккаблигини ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материалнинг янгилиги ва умумлашганлик даражасига қараб ҳам аниқлаш мумкин. Ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари қанча катта бўлса, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг янгилиги ва умумлашганлиги даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Адабий муаммони ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳаракат турлари ва ечиш йўллари ҳам шу даражада юқори бўлади;

- адабиёт дарсларида қўйилган адабий муаммо ўрганилиши лозим бўлган билимлардан олдинда бўлиши керак. Агар ўқувчиларда ўрганиладиган ҳодиса ҳақида етарли даражада маълумот бўлмаса ёки ўқувчи мустақил фаолиятининг дастлабки белгилари аниқ бўлмаса, уларга шундай тушунчаларни берадиган босқич ташкил қилиниши лозим. Ёки улар ҳосил қилинган муаммоли вазиятда фаолият юритишга махсус тайёрланишлари керак. Муаммоли вазиятда ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалини тўғри ажрата билиш зарур. Ўқув материалини

тайёрлаш жараёнида ўқувчилар ўзлаштирадиган материал билан улар ижодий ўрганиши ва ўзлигига сингдириши даркор, деб топилган сифатлар аниқ белгиланиши керак. Ўқув материалининг биринчи турига далилий маълумотлар ва зарур кўникмалар киради. Иккинчи турига эса фаолиятнинг умумий қонуниятлари, ҳаракат йўллари, ўзлаштириладиган билим ва маънавий фазилатларнинг умумий шартлари киради;

- адабиёт дарсларида адабий муаммо сифатида адабий-назарий масалалар, мулоҳаза юритишга йўналтирадиган саволлар, амалий ишларни ҳам санаш мумкин. Аммо муаммоли вазият билан адабий муаммони аралаштириб юбормаслик керак. Адабий муаммо ўз-ўзидан муаммоли вазият ҳосил қила олмайди. Юқоридаги шартларга тўлиқ амал қилингандагина муаммоли вазият вужудга келиши мумкин. Адабиёт дарсларида ўқитувчи томонидан қўйилган ҳар қандай адабий-мантиқий савол ўз-ўзидан муаммоли вазиятни пайдо қилавермайди;

- ўқувчиларнинг олдига қўйилган амалий ёки назарий масала уларда муаммоли ҳолатни пайдо қилса, мазкур ҳолат муаммоли вазият кўрсаткичига айланиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи томонидан адабий муаммога айлантирилган адабий ҳодиса ўқувчилар кўнглидаги саволларга мутаносиб бўлиши талаб қилинади. Агар ўқитувчи томонидан шакллантирилган ҳар қандай адабий муаммо ўқувчиларнинг шахсий муаммоларига мувофиқ келмаса, бу муаммоли таълим талабларига мос тушмайди ва ўқувчиларда ижодий ҳолат уйғотишга хизмат қилмайди;

- адабиёт дарсларида ташкил қилинган битта муаммоли вазият ҳар хил турдаги топшириқлар бўйича ҳам яратилиши мумкин. Муаммоли вазият тушунтириш, маълум воқеа-ҳодисани олдиндан айтиш талаб қилинадиган назарий масалалар бўйича ҳам чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатларда муаммоли адабий-назарий масала зарур фактлар ҳақида маълумот беришга хизмат қилиши керак. Муаммоли вазиятни талаб қиладиган адабий-назарий масала муаммоли масалани ечиш шартларига мос келадиган фактларга асосланиши лозим. Муаммоли вазиятни амалий масалалар юзасидан ҳам ташкил этиш мумкин. Бундай муаммоли вазият ўқувчи олдига қўйилган назарий масаласини бажара олмаган ҳолатларда вужудга келтирилади. Ўқувчига

олдиндан маълум йўлларга таяниб, масалани ечиш мумкин бўлмаган ҳолларда табиий равишда муаммоли вазият пайдо бўлади, ўқувчига ҳаракат ва фаолиятнинг янги, номаълум йўллари топиш керак бўлади;

- адабиёт дарсларида муаммоли вазиятни ўқитувчи масалани бажаришда йўл қўйилган хатоликларнинг сабабларини аниқлаш ёки бирор далилни бу йўлда тушунтириб бўлмаслигини кўрсатиш учун ҳам ташкил этиши мумкин.

Муаммоли таълимга бағишланган методик адабиётларда муаммоли вазиятда ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришга доир қатор талаблар қўйилган. Шуларга асосланган ҳолда бутунги адабиёт дарсларидаги муаммоли вазиятларни бошқаришга қуйидаги талабларни қўйиш мумкин:

1. Адабиёт дарсларида ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материали яратилдиган муаммоли вазиятга асос бўлиши ва улар ўқувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжга мувофиқ келиши керак. Анъанавий усулларда ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни ўқувчилар ўқитувчи, дарслик ёки бошқа таълимий воситалар орқали ўрганади. Муаммоли таълимда эса ўқув материали муаммоли вазият орқали ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ўзлаштирилишига йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Адабиёт дарсларида ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган маълумотларни етказиш баъзан ўсмирларнинг ҳар хил ижодий имкониятларидан фойдаланиш йўли билан ҳам ташкил этилиши мумкин. Ўқувчиларнинг маълум қонуниятларни мустақил равишда аниқлашлари, зарур йўллар ёки ҳаракат шартларини белгилашлари, айрим ҳолларда, улар катта тайёргарликни талаб қилса, баъзан кичикинагина туртки ҳам етарли бўлади. Баъзи бир ҳолатларда ўқувчига ўзлаштириш қонуниятларини ўрганишда кўмаклашиш, унга ҳаракат йўллари кўрсатиш, вазият талаб қилганидек иш тутишни ўргатиш керак бўлади.

3. Адабий таълим амалиётида ўқувчи адабий муаммони ҳал қилишнинг дастлабки босқичида аввал олган маълумотларидан ёки талаб қилинган фаолият йўналишидан фойдаланади. Баъзи ҳолларда ўзлаштирилган маълумотлардан фойдаланиш айрим

фактларни тушунтиришдангина иборат бўлади, бошқасида зарур хатти-ҳаракатлар тизимини амалга ошириш талаб қилинади. Адабий муаммони шакллантиришда мана шуларни ҳисобга олиш ўринли бўлади.

4. Адабиёт дарсларидаги ўқув топшириқлари нисбатан қийин бўлган ҳолларда у ўқувчи томонидан ҳозир ечилиши зарур бўлган хусусий муаммоли масала сифатида умумий номаълумликлар тизимининг изчил давоми бўлиши мумкин. Битта адабий муаммо бир ёки кетма-кет келадиган икки адабий муаммонинг давоми сифатида ҳам тақдим этилиши мумкин. Дарсларда ташкил қилинган муаммоли ҳолатларда ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган адабий-назарий билим ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлар уларнинг онгли иштироки ва меҳнати билан амалга оширилади. Келтириб чиқариладиган муаммоли вазиятга номаълум билимларни ўзлаштириш, олдин туйилмаган инсоний кечинмаларни туйиш ва одамни ҳис қилишга эҳтиёж уйғотадиган, ҳаракатнинг тўғри бажарилишига хизмат қиладиган, ўқувчини адабий таълим мақсади сари етаклайдиган назарий-амалий, маънавий-ахлоқий масалалар асос бўлади.

Адабий таълимда ўқитувчи томонидан маълум мавзу юзасидан уюштириладиган дидактик муаммоли вазиятдаги фикрлаш жараёни субъект ва объектнинг ўзаро махсус фаолият тури саналади. У ўқувчи руҳий ҳолатининг шундай турики, унда субъект (ўқувчи)га аввал маълум бўлмаган янгилик бўлмиш билим ёки маънавий хислат (объект)ни кашф қилиш ва ўзлаштириш муаммоли топшириқни бажариш ҳисобланади. Муаммоли вазиятнинг психологик тизими инсонни интеллектуал фаолиятга ундовчи билим олишга бўлган эҳтиёж, эришиладиган номаълум билим ёки фаолият тури ва инсоннинг интеллектуал имкониятларига қўшимча унинг аввалги тажрибаси ҳамда ижодий қобилияти каби жиҳатларни қамраб олади. Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши тафаккурнинг икки босқичи: тафаккур жараёнининг қуйи чегараси, яъни ўзлаштирилган билимлар муаммонинг ҳал этилиши учун етарли экани, тафаккурнинг юқори босқичи эса ўзлаштирилган билимлар етарли бўлмаслиги билан характерланади. Таълимий муаммо тортишувлар, баҳс-мунозарага, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқаришга арзийдиган, фаолиятнинг номаълум йўллари, қонуниятларини

белгилайдиган, ўзлаштирилган билимлар асосида аниқланиши мумкин бўлган ҳодисадир.

Адабий таълим жараёнида амалга ошириладиган муаммоли дарс синфдаги яхши ўқийдиган бир неча ўқувчининг иштироки билан чекланмаслиги, унда синфдошларнинг барчаси иштирок этиши керак. Мунозара эркин суҳбат, ҳар хил фикрлар тўқнашуви асосига қурилиши лозим. Муаммоли дарсни ташкил қилган ўқитувчи ҳам унинг ҳокими эмас, иштирокчиси бўлиши, бошқарувчисидан кўра кўпроқ қузатувчи-йўналтирувчиси бўлгани маъқул. Ҳамсуҳбатлар бир-бирларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда мунозарани ўзлари юргизганлари фойдалироқ. Мунозарадан ҳар бир ўқувчи бизнинг миллий-маънавий ўлчовларимизга мос келадиган ўз ҳақиқатига, ўз фикрига, ўз хулосасига эга бўлса, бу фикр қатъийлашиб, унинг ички «мен»и шаклланишига ҳисса қўшса, мақсад сари дадил бир кадам босилган бўларди.

Адабиёт дарсларидаги адабий муаммони Саид Аҳмаднинг 8-синф «Адабиёт» дарслик-мажмуасига киритилган «Уфқ» романидан келтирилган парча бўйича: «Қочоқ» парчаси бўйича «Ёзувчи Турсунбойга нисбатан ноҳолис муносабатда бўлган»; Абдулла Қодирийнинг 9-синф дарслигида берилган «Ўткан кунлар» романи асосида «Кумуш ўз худбинлигининг қурбони»; Тоғай Муроднинг 6-синф дарслигида тақдим этилган «Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси юзасидан «Бўри полвон яхши қурашчи-ю, ёмон ота»; Одил Ёқубовнинг 6-синф дарслигида тақдим этилган «Музқаймоқ» ҳикояси асосида «Эгамберди Ёқубов даврнинг эмас, ўз ўжарлигининг қурбони»; Пиримқул Қодировнинг 6-синф дарслигида берилган «Авлодлар дово» романи асосида «Хумоюн уқувсиз, билимсиз, ношуд шахзода. Шунинг учун ҳам жангда мағлубиятга учради» сингари ўқувчиларда дарҳол қарши муносабат уйғотадиган, уларни мувозанатдан чиқарадиган, туйғуларини жунбушга келтирадиган, қаҳрамонлар ҳимоясига отилиб чиқишга йўналтирадиган муаммоли савол-топширикларни тавсия этиш мумкин.

Умуман, шунини айтиш мумкинки, инсон маънавиятининг соғломлашуви унинг фикрлари ва хатти-ҳаракати тозаришида акс этади. Шунини англаган ҳолда ўқувчиларни таълимнинг дастлабки босқичидан тўғри тарбиялашга эришмоқ лозим. Тўғри тарбия –

тарбияланувчида табиатан мавжуд бўлган сифатларни уйғотиш ва уларнинг ривожланиши, маълум мақсад сари йўналишига кўмаклашиш, шу жараёнга монанд равишда билим ҳамда тарбия беришдан иборат. Адабиёт ўқитиш жараёнида бериладиган тарбияда ҳиссиёт, бадиийлик ва самимийлик ўзаро уйғунликда бўлади. Бадиийлик ўқувчида билим, кўникма, малака шакллантириш билан бирга унга ҳаётнинг ранги, оҳанги, моҳиятини очиқ беради. Тарбия жараёнидаги ҳиссиёт ва самимият эса, тарбиявий тадбирларнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Болаларни билимдон қилиш йўлида бериладиган билимлар ҳам ҳиссиёт билан суғорилгандагина уларнинг руҳиятига кириб, чуқур ўрнашади.

Бирор нарсага эришиш учун курашаётган инсон ўз руҳиятида уни курашга ундовчи кучни аниқ ҳис қилиб туриши керак. Нимагадир қарши курашиш учун ҳам киши кўнглида унга нисбатан муносабат – нафрат бўлиши керак. Мана шу муносабат ҳиссиёт ҳисобланади. Фақат завқ-шавқ ва оҳ-воҳлар билан янгилик яратиб бўлмайди. Бунинг учун яратилажак янгиликни севиш керак. Мана шу севги – ҳиссиёт саналади. Хуллас, ҳиссиётга қоришган фаолиятгина кишини курашга, интилишга, изланишга ундайди.

Маълумки, баъзан саводли, дарсда ўзгаларнинг фикрини жуда чиройли қилиб такрорлайдиган ўқувчи ўз фикрини ифодалаш керак бўлганда қийналади, ҳатто, бирор мулоҳаза айтишга кўрқади, эҳтиёткорлик қилади. Одатда, бундай ўқувчи ё асар матни мазмунини қайта ҳикоя қилади, ёки дарслик муаллифи хулосаларини такрорлайди. Афсуски, кўпчилик ўқувчилар ўз мустақил мулоҳазаларини, фикрларини ичларида сақлаб қолишга мойил бўлишади. Бу ҳолга ўқувчиларни эркин фикрлашга одатлантира олмаган дарсликлару ўқитувчилар айбдор. Болага меҳнат қилиб билимларни ўзлаштиришдан маънавий завқ олиш мумкинлигини, меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши унинг маънавий қарамликдан қутқариши мумкинлигини аңлатиш керак. Тарбия жараёнида ўқувчи меҳнатини ташкил қила билиш, дарсда уни билим олиш йўлида ишлата олиш замонавий педагогиканинг муҳим вазифаларидандир. Мактаб даврининг ҳар бир босқичида ўқувчи жисман ҳам, руҳан ҳам ўзига хос тарзда ривожланади. Шу нуқтаи назардан,

бошланғич синфда тарбияланувчини мустақил фикрлашга ўргатиш ўрта ва юқори синфларга нисбатан фарк қилади. Бу ёшдаги боланинг ҳаётий тажрибаси кам ва у хулоса чиқаришни билмайди, кўпроқ таклид қилади. Бошланғич синф она тили, ўқиш, математика, табиат дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш учун ташкил қилинган ишлар уларнинг ёши ва интеллектуал имкониятлари доирасида бўлиб, улар хулоса чиқаришга эмас, фикр айтишга, муносабат билдиришга қаратилган бўлиши керак. Шу сабаб бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси дарсда масалани тўғри кўя билиш, ўқувчини қизиқтира олиш, боланинг туйғуларини безовта қилишдан иборат.

Бола ўз билими ва тажрибасида кўрилмаган вазиятга дуч келганда ҳамда бу вазият уни қизиқтириб қолганда ихтиёрий равишда мустақил фикрлай бошлайди. Маълумки, нимагадир қизиққан одам масала моҳиятига киришга, ўз интеллектуал истакларини қондиришга уринади. Мактабда ўқувчини бундай ҳолатга солишдан аввал индивидуал хусусиятларини чуқур ўрганиш лозим. Таълим-тарбия жараёнининг босқичлари юқорилагани сари ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ва дарсликдаги асарлар матнидан хулосалар чиқара олиш имконияти ортиб боради. Шу тариқа, ўқувчи китоб билан мустақил ишлашга, уқиб ўқишга, асарларда ифодаланган фикрларни илғай олишга, борлиқни, инсонни, унинг туйғулари оламини кузатишга ва тушунишга ўргана боради. Оламни, одамни ва ўзлигини кашф қилади. Ўз сийрати шаклланишида иштирок этади.

Ўқитувчи зиммасига юкланаётган вазифаларнинг бажарилишида унга энг катта кўмакчи дарсликлар саналади. Лекин дарсликлар кўпинча ўртача ўқувчига мўлжалланадики, бу жуда нотўғри ва зарарли ёндашувдир. Бундай йўл билан миллий тарбияшуносликнинг бош мақсади – маънавий баркамол инсонни тарбиялаб бўлмайди. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари синфдаги нафақат илғор болага мослаб, балки уни ҳам бир неча поғона баланд кўтаришга олиб келадиган тарзда тузилиши, ўқувчиларнинг ҳар бири дарсликдан ўз имконияти даражасидаги билимни ола билиши керак.

Дарсликлар синфдаги тез фикрлайдиган, тез ишлайдиган, эртага миллатнинг «тули» бўладиган ўқувчиларни ўртачаларнинг қурбони бўлишига йўл қўймаслиги керак. Яна шуни алоҳида

таъкидлаш зарурки, дарсликларда тақдим этилган ўқув материаллари, уларнинг дастурий талқини таълим-тарбия жараёнининг бугунги мақсадларига мутаносиб бўлиши лозим. Афсуски, бугун амалда бўлган бошланғич синф ўқиш китобларининг деярли барчаси бундай талабларга жавоб беролмайди. Бошланғич синфлар «Ўқиш китоби» дарсликларини тузишда бу ёшдаги ўқувчилар руҳияти, жисмоний имкониятлари, техник кашфиётлар уларнинг интеллектуал ривожланишига кўрсатаётган таъсир етарли ўрганилмаган. Бугуннинг боласи муаллифлар тасаввур қилганидан кўра билимлироқ, тажрибалироқ, ақллироқ. Бошланғич синф ўқувчисидан инсоний сифатларни шакллантиришда унинг кучи, ақли ва имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Дарсликларда ўрганиш учун тақдим этилган ўқув материалларининг деярли барчаси, айниқса, 1-, 2-, 3-синфлар дарсликларида, сунъий, ҳаётий ҳақиқатдан узоқ ва жўн. Матнларнинг асосий қисми насихатга қурилган. Ўқув материалларининг кўпчилиги руқнага мослаштирилиб муаллифлар томонидан «тўқилган»га ўхшайди. Асарлар матни юзасидан тузилган: «Нима учун она-Ер деймиз? Жавобни матндан топиб ўқинг ва ўқиганингизни ёд олинг», «Навоийнинг истаги ифодаланган мисраларни ўқинг», «Якшанба кунини қандай воқеа юз берди?», «Ота-она ўз фарзандига нисбатан қандай иборани ишлатади?» каби матн мазмунини такрорлашга ундовчи, ўқиган кишининг ғашини келтирадиган, қуруқ, ҳиссиз, мақсадсиз савол-топшириқлар ўқувчини бадиий сўздан, китоб ўқишдан, билим олишдан бездириб қўйиши мумкин. Асар устида шундай ишлаган болада бадиий адабиётга муҳаббат бўладими? Дарсликда тақдим этилган мавзулар юзасидан: «Асар сизда қандай таассурот қолдирди?», «...ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас...» деганда нимани тушуниш мумкин?», «Нима деб ўйлайсиз, Широқ нега қўйини боқиб юравермай, қабила бошлиқларининг олдига келди? Уни бунга ундаган куч нима эканини айта оласизми?», «Эй дўстларим, иззат ва саодатни фақат бахт ва толедан кутиб, ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир...» тарзидаги тасвирни ўз сўзларингиз билан ифодалашга уриниб кўринг» каби ўқувчини фикрлашга йўналтирадиган, матннинг моҳиятига киришга, ундан маънавий озуқа ва бадиий завқ олишга ундайдиган, ўз қарашларини айтишга жалб қиладиган савол-

топшириқлар учрамайди.

Дарс жараёнида матн юзасидан тузилган мантикли, ўйлантирадиган саволларга ўқувчиларнинг барчаси жавоб бериши шарт эмас. Муҳими – савол билан уларни безовта қилиш. Агар ўқитувчи узлуксиз равишда матн устида ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга, бадиий сўз сеҳрини, кудратини англашга, сўздан таъсирланишга йўналтира борса, аввал бошда саволларга жавоб беролмаган болада ҳам аста-секин исталган кўникма ҳосил бўлади, у бунга ўрганиб боради, фикр кишиси бўлиб етишади. Матн устида ишлаш – асарни дидактик таҳлил қила билиш, унинг бадиий, мантиқий, эстетик мазмунини англаш, битикдаги асосий ёки иккинчи даражали жиҳатларни ажрата билиш, улар орасидаги алоқани илғай олиш, шу билан бирга, бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазасига, ўз қарашларига эга бўлиш, фикрини асослай билиш ва ҳимоя қила олиш демакдир. Таълим тизимида бола мактабга келган кундан бошлаб унда шундай кўникмаларни шакллантириш йўлидан бориш таълим-тарбия муассасалари олдига қўйилган энг муҳим вазифадир.

Айтиш керакки, ҳозирда бошланғич мактабда адабиёт ўқитиш билан 5–9-синфлар адабий таълими ўртасида узвийлик йўқ. Бошланғич синфларда юқорида айтилгандек, таълим олган бола 5-синфга келганда қўйилган талабларга мослашиб олгунча, ўқув йилининг ярми ўтиб кетади. «Адабиёт» дарслиқларига материал танлаш, у қайси синфларга мўлжалланганидан қатъи назар, ёзувчининг мавқеи, олган унвонларига қараб эмас, асарларнинг инсон камолоти йўлида нечоғлик аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади. Бадиий ижод намуналари дунёсидаги энг зўр асарларнинг барчасини дарслиқка киритиб бўлмагани сингари, энг яхши деб топилган адибнинг асарлари ҳам, агар у миллат келажаги маънавиятини шакллантиришга ҳисса қўшишга боп бўлмаса, адабий таълим мақсадига мос тушмаса, «Адабиёт» дарслиқларига киритилмайди.

Дарслиқлардаги дидактик ашёларнинг вазифаси ўқувчини ўша энг зўр асарни мустақил равишда кидириб, топиб ўқийдиган маънавият эгаси сифатида шакллантиришдан иборатдир. Афсуски, бугун мактабда адабиётдан дарс бераётган ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам буни англаб етганича йўқ. «Адабиёт» дарслиқларида ҳеч нарса муаллифлар қолипига солинмаслиги,

уларнинг хулосаларини такрорлашга асосланмаслиги керак. Адабий таълимга хизмат қиладиган дарсликларда ўқувчига таълим жараёнининг ўқитилиши керак бўлган, берилиши лозим билимлар миқдорини миясига жойлаб қўйиладиган объект деб эмас, балки дарснинг ўқитувчи билан тенг мақомдаги ижрочиси ва эгаси, деб қаралиши лозим. Ўқувчилар дарснинг тингловчисидан, интизомли иштирокчисидан бу жараённинг субъекти – ижрочиси мартабасига кўтарилиши зарур.

Амалдаги «Адабиёт» дарсликларининг айримлари асосида ўқувчилар мустақил фикрлаш даражасини ўстириш, уни ривожлантириш мақсадида мактабларда тажриба-синов ишлари олиб борилди. Айтиш керакки, ҳозир адабиёт бўйича дарсликлар яратиш юзасидан тендер ўтказиш жараёни тинимсиз равишда ўтказилаётгани учун айрим дарсликлар айна дамда истеъмолдан чиққан бўлиши ҳам мумкин. Бу илмий тадқиқот учун унчалик муҳим ҳам эмас. Чунки тавсиялар беришдан кўра, масаланинг илмий-назарий моҳиятини кўрсатиш муҳимроқ.

Маълумки, одамнинг оғзаки нутқи унинг ҳаётий эҳтиёжлари асосида жуда вақтли шакллана бошлайди ва ривожланади. Гўдакликдан она алласи, овқатланиш ва бошқа табиий эҳтиёжлар уни сўзга ошно қилади. Кейинчалик мулоқот ва фикр ифодалаш зарурати туфайли унинг оғзаки нутқи мактабга келгунга қадар деярли тўлиқ шаклланган бўлади. Мактабда, асосан, унинг ёзма нутққа бўлган эҳтиёжи қондирилиши мақсадга мувофиқдир. Боланинг кўнгли, шахсий эҳтиёж ва имкониятлари билан кўпам ҳисоблашавермайдиган мактаб ўз қонунлари асосида болага бошқа билимларни сингдириш билан бирга унинг ёзма нутқини шаклантириш ва ривожлантириш устида ҳам ишлайди. Бу борадаги вазифа қанчалик уддаланаётганлигини мактаб ўқувчиларининг ёзма ишларида кўриш мумкин. Уларнинг битиклари шу даражада саводсиз ва палапартишки, кишини ваҳима босади. Бир жумлада ўн саккизталаб хатолар мавжуд.

Тўғри, қоғоз билан юзма-юз қолиш, миядаги фикрларни, кўнглидаги туйғуларни унга тўкиш осон иш эмас. Бу борада катталар ҳам, бевосита сўз билан ишлайдиган шоир ёки ёзувчилар ҳам анчагина машаққат чекадилар. Баъзан биттагина зарур сўзни тополмай узок қийналишга тўғри келади. Лекин ёзма саводхонлик болаларда мактабнинг дастлабки давридан

шакллантирилиб борилса, мактаб ўз вазифасини масъулият билан бажарса, миллат саводхонлиги масаласи кўнгилдагидай ҳал бўлар эди. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, адабий таълимда ўқувчи шахсининг бош кадриятга айланиши ва унинг ўз маънавиятини шакллантириш йўлида бевосита иштирок этишига эришиш маънавий баркамол авлод тарбиялашни тезлаштиради. Адабиёт дарсларини таълимнинг барча босқичларида ўқувчилар қобилияти, қизиқишлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш тарбияланувчида мустақил фикрлаш ва фаолиятдаги эркинлиги қобилиятини ўстиради. Адабий таълимда мустақил фикрлашга устувор эътибор қаратиш ўқувчининг ўзини-ўзи тарбиялашига, ўз шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига омил бўлади. Уни тарбияламайдилар, балки у ўқитувчилар, катталар ва дарсликлар кўмагида ўзини-ўзи тарбиялайди.

Мустақил фаолиятга йўналтириш адабий таълимнинг бош мақсади бўлмиш маънавий баркамол инсонни тарбиялашга асос бўлади. Ўз фикри, ўз қарашига эга бўлиш комил шахснинг муҳим белгиси ҳисобланади. Ўқитувчи билан ўқувчиларнинг адабий таълим жараёнидаги муносабати субъект-объект кўринишидан педагогик ҳамкорлик даражасига кўтарилиб, ўқувчи дарс жараёнининг ижрочисига – субъектига айланса, таълим олиш қизиқарли бўлади, бадиий адабиёт ўқувчи учун ҳаётий эҳтиёжга, адабиёт дарслари эса комилликка элтиш воситасига айланади. Ўқувчи учун қизиқ ва ёқимли бўлган ҳар қандай фаолият унинг шахси тараққиёти ва маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатади. Адабиётдан ўзлаштириш керак бўлган билим, кўникма, малака ва инсоний сифатларнинг ўқувчи томонидан ўзини фикран зўриқтириб, меҳнат билан ўзлаштирилишини йўлга қўйиш, ҳар бир адабий қаҳрамонга ижобий ёки салбий образ ёхуд жонсиз бадиий қаҳрамон деб эмас, инсон деб қарашга йўналтириш, уни ўрганиш тарбияланувчиларда фикр мустақиллиги билан бирга маънавий сифатларнинг юқори бўлишини таъминлайди. Ўқувчининг дарслик ёки ўрганилаётган бадиий асардаги ҳақиқатларни ўқитувчисидан тайёр ҳолда олмай, ўзи кашф этиб ўзлаштириши унда яратувчилик қобилиятини уйғотади. Ўқувчи кашфиёт лаззатини туяди ва бу уни янги изланишлар сари етаклайди.

Адабиёт ўқитишда ҳиссиётга ҳам эътибор қаратиб, барча дидактик ашёларни тайёрлаш ва методик ёндашувни белгилашда шу ҳолатни ҳисобга олиб иш кўриш ўқувчиларни лоқайдликдан халос этади ҳамда адабиёт машғулоти уларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш имкониятига айланади. Ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва фаолиятга йўналтиришда таълим методларидан, хусусан, муаммоли методдан оқилона фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Негаки, таълим методлари ўқувчи билан ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятини меъёрга соладиган илмий тушунчадир. Киши фикри ва фаолиятининг эркин ва мустақиллиги унинг айна жараёндаги бевосита иштироки даражасига боғлиқ. Адабий таълим жараёнида таълимнинг суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индукция, дедукция методлари билан бирга муаммоли методдан ҳам самарали фойдаланиш ўқувчиларда мустақам билим ва эзгу инсоний сифатлар ўқитувчи билан фикр алмашиш, биргаликда кузатишлар олиб бориш орқали амалга оширилади.

Бугунги миллий педагогик амалиётга «интерфаол методлар» номи билан кириб келган методлар ҳам ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида катта натижаларга эришишни назарда тутди. Чунончи, «Фикрий ҳужум» методи ўқувчининг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир хил фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашишни таъминлайди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг тафаккур мустақиллиги ортади. «бхбхб» методида эса қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан қатор фикрлар билдирилади, ҳам бу фикрларнинг асосли экани уларнинг ўзлари томонидан текширилади. Бу жараёнда ўқувчи ўз-ўзидан мустақил мулоҳаза юритишга, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга мажбур бўлади. Мазкур методларнинг ҳар иккаласидан фойдаланишда ҳам муаммоли таълимни асос қилиб олиш мумкин.

Ўқувчиларни адабий ижодга ундаш улардан ёзувчи, шоир ёки адабиётшунос тайёрлаш учун эмас, балки уларнинг барчаси эркин фикр, мустақил фаолият соҳиби бўлишлари учун зарур. Адабиёт ўқитишнинг бошланғич босқичида болаларни эртак,

шеър, топишмоқ ва ҳикоялар тўқишга ундаш, таълимнинг ўрта босқичида ҳаётий мавзуларда ижодий ишлар ёздириш, қаҳрамонлар шахсига муносабат билдиришга ўргатиш, юкори синфларда асар матни таҳлилни унга адиб шахсияти қанчалик сингдирилганини аниқлаш билан қўшиб олиб бориш, ўсмирларни ўз хатти-ҳаракатларини муаллиф ва адабий қаҳрамонларнинг амалларига солиштириб баҳолашга ўргатиш, туйғуларини сўз билан ифодалашга ундовчи мавзуларда иншолар ёздириш ўқувчини мустақил фикрлашга, мустақил фаолиятга одатлантириб, унда эзгу шахслик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, муаммоли таълим нафақат адабиёт ўқитиш жараёнида, балки таълимнинг барча босқичлари ва турларида тарбияланувчи, ўқувчи ва талабани мустақил фикрлаш ва шу асосда мустақил фаолиятга ўргатишнинг энг муҳим дидактик воситасидир. Адабиёт дарсларида ўрганилиши лозим бўлган тушунча ва таҳлил қилиниши керак бўлган матнга хос жиҳатларни ўқувчилар олдига муаммо шаклида қўйиш уларни нафақат мустақил фикрлаш ёки эркин фаолиятга, балки маънавий камолот сари юз буришига, руҳиятининг соғломлашувига йўналтиради.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиёт дарсларидаги муаммоли таълимнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

2. Адабий таълимдаги муаммоли ўқитишнинг ўзигагина хос бўлган жамики етакчи жиҳатларни ажратинг ва ёзиб олинг. Сўнгра уларнинг ҳар бирини алоҳида шарҳланг. Ютуқ ва камчиликларини фарқланг.

3. Муаммоли адабий таълимда бирор масалани ҳал этишда ўзини ихтиёрий равишда зўриқтириш, яна бунга қизиқтириш мумкинми? Агар мумкин бўлса, ўқитувчи буни қандай амалга оширади, Сизнингча?

4. Адабий таълимдаги оддий савол билан муаммоли савол орасида қандай тафовут бор? Бирор бадиий асар матни юзасидан оддий ва муаммоли савол тузинг. Орадаги фарқни мисоллар асосида шарҳлаб кўрсатиб беринг.

5. Адабий таълимнинг ҳар босқичида муаммо ечимини ташкил этишнинг ўзига хос йўллариغا эътибор қаратинг. Бу жараёндаги муҳимларни ажратинг. Ҳар бирига алоҳида тўхталиб, шарҳланг.

§3. МУАММОЛИ АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТУВЧИ КОМПЕТЕНТЛИЛИГИ.

Режа:

1. Шахс компетентлилиги.
2. Компетентлилик тармоқлари.
3. Муаммоли таълимда педагогнинг касбий компетентлилиги даражаси.
4. Муаммоли адабий таълимда мутахассисларга қўйиладиган талаблар.

Таянч сўзлар: *компетентлилик, мустақил билиш фаолияти компетентлилиги, ижтимоий-фуқаролик компетентлилиги, ижтимоий-меҳнат компетентлилиги, маиший компетентлилик, маданий ва дам олиш компетентлилиги, касбий компетентлилик.*

Ўқитувчи томонидан қўйилган муаммо дарсда фикрлар тортишувига, у ёки бу ходисанинг ҳаётий ҳамда назарий жиҳатларини таққослашга, атрофдагиларнинг қарашларини тафтиш қилишга қаратилган бўлиши, болани ҳайратга солувчи, унинг ақлига сиғмайдиган жиҳатларга эга бўлиши керак.

Жаҳон миқёсида иқтисодий шарт-шароитнинг меҳнат бозорида ҳар қандай мутахассис ўзига муносиб ўринни эгаллаб туриши учун ундан рақобатбардошлик талаб қилинади. Бу барча соҳа ходимларидан касбий компетентлиликни тақозо этса, ўқитувчидан, айниқса адабиёт муаллимидан мавжуд билим, кўникма, малака ва тажрибага қўшимча равишда икки қарра маънавий мукамаллик ҳам талаб қилинади. Ўқитувчининг ўқувчилар олдида обрў-эътибори баланд бўлиши учун унинг шахсиятида бу хусусиятлар уйғунлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки ўқитувчи инсон кўнгли билан ишлайди. Адабиёт дарслари ҳам, бошланғич синфлардаги ўқиш дарслари ҳам ўқувчиларнинг кўнглини тарбиялашга хизмат қилади. Фақат билим билан қалбга кириб бўлмайди.

Мамлакат таълим тизимида ўқув фанлари дастурлари ва бошқа шу йўналишдаги давлат аҳамиятига молик бир қатор

педагогик хужжатлар қанчалар мукамал бўлишидан қатъи назар, ўқитувчининг савияси ва билимдонлиги, саводи ва маънавий сифатлари кўтарилмас экан, қоғозларда қолиб кетаверади. Умумлаштириб айтганда, буларнинг барчаси, бевосита ўқитувчи шахсига, унинг компетентлиги даражасига боғлиқ. Ўқитувчи савиясининг кўтарилиши миллатнинг, миллатнинг кўтарилиши эса мамлакатнинг кучли бўлиши гаровидир.

Мамлакат Президенти Ш. Мирзиёевнинг: «Биз қабул қилаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга билим асосларини, энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиганлар юқори малакали тарбиячи ва мураббийлардир»²⁵, тарзидаги қарашлари юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ўзбек миллий тарбияшунослиги тараққиётидаги ўзгаришлар ҳар қандай педагогдан ўз касбий маҳоратини тинимсиз ошириб боришни тақозо этмоқда. Бугун давлат, жамият ва давр таълим тизимидан маънавий баркамол, ҳар томонлама камолотга интилган, ҳар қандай жамиятда ижтимоий мослашув қобилиятига эга бўлган, меҳнат фаолиятини бошлашга, мустақил таълим олиш ва ўз-ўзини ривожлантира боришга қодир шахсларни тарбиялаб беришни тақозо этмоқда.

Эркин фикрлай оладиган, ўз фаолияти ва унинг натижаларини таҳлил қила билладиган, таълим жараёнини моделлаштириш кўлидан келадиган ўқитувчи кўйилган бу талабларнинг гарови ҳисобланади. Айнан шу маънода бугун шахс тарбиялашга қодир педагогга, компетентли ўқитувчига талаб катта.

Шу маънода, миллат ва мамлакат тақдирига масъул бўлган шахсларга хос бу тушунчанинг моҳиятига кириш ўринли бўлади. Компетенция (ингл. «competence» – «қобилият») – ҳар қандай фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий кўникма ва малакага, маҳорат ва иқтидорга эгалик демақдир²⁶.

Компетентлилик – яъни компетенцияга эгалик ҳар қандай шахснинг ўз соҳасида, оилада, маданий-маиший ҳаётда, ижтимоий жараёнда самарали фаолият олиб бориш учун зарур

²⁵ /Электрон манба: <https://kun.uz/news/category/uzbekiston>

²⁶ Муслимов Н., Усмоибоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: Sano-standart, 2015. –5-бет.

бўладиган билим, кўникма, малака ва тажрибага эгалликни, айна замонда бу сифатларнинг шахслик фазилат (юксак маданиятлилик, кенг дунёқараш, баланд савия, мустақил фаолият ва ҳк.)лар билан уйғунлиги, бирлигини англатувчи тушунчадир.

«Компетентлилик» атамаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Бу тушунча руҳшунослар наздида ҳар қандай мутахассиснинг ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда вазиятга мос мулоқот йўлларини топа билиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги усулларни қўллай олиши, мураккаб топшириқларни бажаришда зарур маълумотлардан билгичлик билан фойдаланиши, узлуксиз равишда ўз устида ишлаши, билим, кўникма ва малакаларини изчил равишда такомиллаштириб боришини англатади.

Шахс компетентлиги одамнинг кундалик тирикчилик ўтказиш, касби бўйича фаолият кўрсатиш ёхуд ижтимоий турмушда ўз ўрнига эга бўлишга доир ҳаётий муаммоларни ечишга яроқли билим, кўникма, малака ва тажрибаларни эгаллаганлик ҳолатига кўра муайян таркибий қисмлардан иборат бўлади. Бу тушунча шахснинг мустақил билиш фаолиятидаги, ижтимоий-фуқаролик соҳасидаги, ижтимоий-меҳнат тармоғидаги, маиший турмушдаги ва маданий ҳамда дам олиш соҳасидаги компетентлиги сингари бир қатор тармоқларни ҳам ўз ичига қамраб олади:

– *мустақил билиш фаолияти компетентлиги* (когнитив тармоқ). Унда мутахассиснинг турли йўллар билан, жумладан, таълим муассасаларидан ташқари манбалардан билим олиш малакасини эгаллаши;

– *ижтимоий-фуқаролик компетентлиги* (ижтимоий тармоқ). Шахснинг фуқаролик, сайловчилик, истеъмолчилик ва бошқа бир қатор вазифаларни бажариши;

– *ижтимоий-меҳнат компетентлиги* (меҳнат тармоғи). Одамнинг ўз касбига доир меҳнат бозори маълумотларидан хабардор бўлиши, ундаги вазиятни таҳлил қила олиши, ўзининг профессионал имкониятларини тўғри баҳолай билиши, ўзаро муносабатлардаги ахлоқий қоидаларни ҳисобга олиши ва амал қилиши;

– *маиший компетентлилик* (оила тармоғи). Шахснинг ўзи ва оила аъзоларининг саломатлиги, оиладаги турмуш тарзи,

бурчлари ва вазифалари ҳамда бошқа оилавий масалаларни билиши;

– *маданий ва дам олиш компетентлиги* (маданий тармоқ). Одамнинг бўш вақтдан тўғри фойдаланиш, ўз шахсини маданий-маънавий жиҳатдан ривожлантиришига доир фаолияти назарда тутилади.

Бугунги ўқитиш тизими ўз ишини ҳар бир ўқувчининг мактаб давридаёқ юқорида санаб ўтилган компетентлилик хусусиятларига эга бўлишини кўзда тутган ҳолда фаолият кўрсатишини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Касбий компетентлилик эса мутахассис томонидан ўзи фаолият олиб бораётган соҳада самарали иш юритиш учун зарур бўладиган *билим, кўникма, малака ва тажрибага* эгалликни, айтилишига, бу сифатларнинг бир қатор *ижобий инсоний фазилатлар* (юксак маданиятлилик, кенг дунёқараш, баланд савия, мустақил фикрлай олиш, мустақил фаолият олиб бора билиш ва ҳк.лар) билан уйғунлиги, бирлигини англатади.

Ҳар қандай одамда, у қайси соҳанинг ходими бўлишидан қатъи назар, унда уйғотиладиган ва маҳсулдор имкониятлар мавжуд бўлади. Таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган мутахассисларга монанд компетентлилик педагогдан ўқувчи шахсига хос бўлган мана шу уйғотиладиган имкониятларни мувозанатдан чиқариб маҳсулдор имкониятга айлантира олишни, одамга хос бўлган бор имкониятдан унинг ўзи учун оқилона фойдалана билишни тақозо этади. Янада соддароқ қилиб айтиладиган бўлса, компетентлилик шахснинг бирор ишни қилишга ярайдиган яширин, ички, яъни уйғотиладиган имкониятининг воқеликка айлантирилиши, амалий фаолиятга татбиқ этилиши демакдир. Адабиёт ўқитувчисининг компетентлиги ўқувчилардаги мана шу уйғотиладиган имкониятларни ҳар хил йўллар билан ҳаракатга келтира олиш ва улардан ўқувчиларнинг шахси шаклланиши йўлида тўғри ва самарали фойдалана билишидир.

Ўқитувчининг, хусусан, адабиёт муаллимининг касбий компетентлиги унинг ўз педагогик фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги малака ва шахсий сифатлари уйғунлигини назарда туттади. Ўқитувчининг профессионал даражадаги компетентлиги унинг педагогик фаолият ва ўқувчилар билан

мулоқотда, таълим-тарбия жараёнида мунтазам равишда юқори натижаларга эришишини англатади.

Адабиёт ўқитувчиси касбий компетентлиги ижодий интеллектининг ортиб бориши, ўз соҳасидаги инновацияларни ўзлаштиришга мойиллиги, ўзгарувчан педагогик вазиятларга мослашувчанлиги билан белгиланади. Ўқитувчи касбий компетентлигининг даражаси тўғридан-тўғри жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўқувчилар билан ишлайдиган кишининг касбий компетентлигига хос бўлган асосий белгиларни бошқа соҳа мутахассисларига кўйиладиган талабларга таянилган ҳолда қуйидагича санаб кўрсатиш мумкин:

- ўқувчилар билан ишлаш жараёнини уларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига таянган ҳолда ташкил эта олиш;
- ўқувчиларнинг ёш психологияси, педагогик имкониятларини англаган ҳолда тадқиқот ишларини ташкил эта билиш;
- амалий фаолиятида инновацион ғоялардан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни яхши ўзлаштириш;
- таълим-тарбия жараёнида педагогик қўллаб-қувватлашнинг ҳар хил шаклларида фойдалана билиш;
- ўқитувчилик фаолияти билан боғлиқ ташкил этилган ҳар хил танлов, фестиваль ва мусобақаларда иштирок этиш;
- ҳар қандай педагогик шарт-шароитда ҳам ўз касбий маҳоратини намоёниш эта билиш;
- мамлакат даврий матбуотида ҳамкасблари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиш ва ҳк.

Адабиёт ўқитувчиси компетентлигига хос бўлган бу сифатларнинг бирортаси ўқитувчида ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун у касбий маҳоратини оширишга эҳтиёж сезиши, бунга интилиши, тинимсиз изланиши ва ўз устида мунтазам ишлашини тақозо этади. Ўқитувчининг касбий компетенцияси шаклланиши ва ривожланиши босқичларини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин:

- касбий маҳоратини оширишнинг ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниши ва англаниши;

- ўз-ўзини ривожлантириш (мақсад, вазифа ва ҳал этиш йўллари)нинг режалаштирилиши;

- ўз-ўзини намойиш қила билиш, фаолиятини таҳлил ва таҳрир қила олиши.

Ўқитувчи касбий компетентлигининг шаклланиши ва ривожланиши узок ҳамда узлуксиз тарзда амалга ошадиган жараён. Яъни педагогик фаолиятда тинимсиз равишда ўз устида ишлаш, соҳа янгиликларидан хабардор бўлиш, дарсдан-дарсга ўзида янги сифатларни шакллантира бориши тақозо этилади.

Адабиёт ўқитувчиси касбий компетентлиги мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланилишинигина эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интерактив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳам қамраб олади. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни ҳам назарда тутди.

Ўз касбий компетентлигини оширишга интилган ўқитувчи:

- билимларини изчил равишда бойитиб боради;

- соҳаси бўйича янги ахборотларни ўзлаштиради;

- давр талабларини чуқур англайди;

- янги билимларни қайта ишлайди ва амалий фаолиятида самарали қўллайди;

- мураккаб жараёнларда, муаммоли ёки ноаниқ вазиятларда бир-бирига зид маълумотлардан оқилона фойдаланади;

- ҳар қандай кутилмаган вазиятларда ҳам ҳаракат режасига эга бўла олади.

Педагог кадрлар касбий компетентлиги ва креативлигини тадқиқ этган Н. Муслимов ва бошқалар томонидан таъкидланган компетентлик²⁷ка ижодий ёндашган адабиёт ўқитувчилари эгаллаши назарда тутилган мазмунни куйидагича акс эттириш мумкин:

- психологик компетентлик – педагогик амалиётда соғлом муҳит ярата олиш, ўқувчилар билан ижобий мулоқотни йўлга қўя

²⁷ Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик воссларв. –Т.: Sano-standart, 2015. – 6–7-б.

билиш, турли зиддиятли ҳолатларни вақтида пайқаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф эта билиш;

- методик компетентлилик – бошланғич таълим жараёнини методик жиҳатдан билимли ташкил этиш, таълимий ёки тарбиявий фаолият учун зарур метод, усул ва воситалардан мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиш;

- информацион компетентлилик – минглаб ахборотлар оқими орасидан ўз соҳаси учун зарур, муҳим ва самарали маълумотларни тоғиб саралай олиш, уларни қайта ишлаб педагогик амалиётида оқилона қўлай билиш;

- креатив компетентлилик – педагогик амалиётга танқидий ва ижодий ёндоша билиш, иш фаолиятида ижодкорлик малакаларига эғалигини намойиш эта олиш;

- инновацион компетентлилик – ўз фаолиятини ҳар бир синфда вазиятга мослашган ҳолда такомиллаштира бориш, таълим-тарбия сифатини яхшилаш, бу жараён самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илғари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ эта олиш;

- коммуникатив компетентлилик – дарс жараёнида ҳар бир ўқувчи билан самимий мулоқотда бўлиш, уни тинглай билиш, унга ижобий таъсир кўрсата олиш, ҳар бирига хос бўлган характер-хусусиятларга мос муомалани, ёндашувни топа билиш;

- шахсий компетентлилик – ўзининг кийиниш, муомала маданиятини кузатиб бориш, дунёқарашини, бадиий дидини, маънавий фазилатларини бойитиб, юксалтириб бориш;

- технологик компетентлилик – педагогик билим, кўникма ва малакаларни бойитадиган илғор технологияларни изчил ўзлаштириб бориш, ахборот коммуникатив техника воситаларидан, технологиялардан самарали фойдалана олиш;

- экстремал компетентлилик – ўқувчилар орасида ўзаро, ўзи билан тарбияланувчилар ўртасида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда, табиий офатлар юз берган ҳолатларда, технологик жараён ишдан чиққанда тез ва усталик билан қарорлар қабул қилиш, тўғри хулоса чиқариш ҳамда шу асосда ҳаракатланиш малакасига эга бўлиш;

- баҳолаш компетентлиги – айтилган фикрлардаги ўзига хослик, бетакрорлик, содда, қисқа, лекин маълум асосларга эга

бўлган пишиқ-пухта жавоб, муносабатнинг танкидийлиги даражасидан келиб чиқиб муносиб баҳолай билиш ва ҳк.

Кўринадикки, узлуксиз таълим тизимининг ҳар бўғинида фаолият олиб борадиган ўқитувчининг бундай сифатларга эга бўлиши, аввало, унинг маънавий комиллик сари юз буришини тақозо этади. Қолаверса, умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига қўйиладиган талаблар таълимдаги узлуксизлик ва узвийликнинг таъминланишига асос бўлади.

Адабиёт ўқитувчиси касбий компетентлигини аниқлашда уларнинг:

- ўқувчилар билимини муаммоли вазиятлардаги иштирокини тўғри ташкил эта билиш;
- тарбияланувчиларни узлуксиз равишда мустақил фиклаш ва мустақил фаолиятга йўналтира бориш;
- ўқувчилар тафаккури, муносабати ҳамда фаолиятининг мустақиллик даражасини аниқлаб, муносиб баҳолай билиши катта аҳамият касб этади.

Муаммоли вазиятларда ўқувчилар тафаккури ва фаолиятининг мустақиллигини назорат қилиш ва шу асосда уларни баҳолаш, бир қараганда, педагогик жиҳатдан анча мураккаб жараёндек туюлади. Лекин бу ҳам мутахассислар томонидан нисбий тарзда белгилаб берилган.

Узлуксиз таълим тизимининг ўрта босқичи адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш ишлари билан шуғулланган мутахассислар ўқувчилар тафаккури мустақиллиги даражасини ўлчашнинг тахминий мезонини қуйидагича белгилаб беришган: *«Маълум вақт оралигида мустақил равишда бажарилган ақлий иш кўлами ва сифати (ишнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги) – тафаккур мустақиллиги даражасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади»²⁸.*

Бу мезонни шарҳлаб шуни айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг, бу таълимнинг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай бадиий асар, тасвирий санъат намуналари таҳлили асносида айтган фикрларидаги ўзига хослик, ўзгаларнинг қарашларидан холи бетакрорлик, содда, қисқа бўлсада маълум

²⁸ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методикасослари. Пед. фан. доктори... дисс. – Т., 2007. –24–б.

асосларга эга бўлган пишиқ-пухта жавобини муносабатининг танқидийлиги даражасидан келиб чиқиб баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Бадий асарлар дидактик таҳлили жараёнидаги муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил фаолият ва тафаккур кўлами (билирилган муносабатнинг батафсиллиги) ва сифати (хулосаларнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги)ни – кичик ёшидаги ўқувчининг муаммоли вазиятлардаги ақлий фаолияти даражасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади»²⁹.

Кўринадики, адабиёт дарсларида адабий муаммоларнинг ечимини топишда муаммоли вазиятга тушиб қолган ўқувчилар фаолиятини баҳолашда фикр ва муносабатларнинг кўлами ҳамда сифати асос бўлади. Шу икки асоснинг мавжудлиги ва қанчалар бадастирлиги ўқитувчи учун таянч ҳисобланади.

Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, адабиёт дарслари жараёнида – бадий адабиёт намуналари устида ишлашдаги муаммоли вазиятларда ўқувчилар тафаккури ва фаолиятининг мустақиллиги даражасини аниқлаш ҳамда уни муносиб баҳолай билиш учун ўқитувчининг ўзидан мустақил фикр, шахсий муносабат соҳиби бўлиш тақозо этилади. Чунки ўз мустақил қарашларига эга бўлмаган ўқитувчи тарбияланувчиларини мустақил фикрлашга, муаммоли вазиятлардан оқилона ва билгичлик билан чиқиб кета олишга, ўқув муаммоларини ечишга ўргатолмайди, уларни баҳолашга ҳам қодир бўлолмайди.

Ўзининг мустақил нуқтаи назари бўлмаган педагог ўрганилаётган объект (адабий матн)даги ўқувчилардан мустақил мулоҳаза юритишни талаб этадиган деталларни илғамайди. Уларни мантиқли, муаммоли савол ёки топшириққа айлантира билмайди. Натижада ўқувчилар бадий асар мазмунини қайта ҳикоялаб бериш, тасвирий санъат асарлари бўйича кўриниб турган юзаки тасвирларни санаш билан чегараланадилар ва уларнинг ақлий, маънавий тараққиёти ҳам шу атрофда бўлаверади. Тўғри, адабий таълимнинг дастлабки босқичида ўқувчиларнинг ҳар хил жанрлардаги асарларнинг ташқи, яққол кўриниб турган жиҳатларини ажратиб айтиб беришлари етарли ҳисобланиши мумкин. Лекин ҳар синфда ҳаммага ўхшамайдиган,

²⁹ Рахимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Пед. фан. фалс. докт. (PhD) ... дис. авторсф. – Т., 2020. – 17-б.

ўз интеллектуал имкониятлари билан атрофдагилардан ажралиб турадиган ўқувчилар бўлади. Гап шундаки, узлуксиз таълимнинг дастлабки босқичидан бошлаб иқтидорли ўқувчиларнинг ўртачалар қурбони бўлиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Адабиёт ўқитувчиси таълимнинг ҳар босқичи адабий таълимини имкон қадар юқори савияда ташкил эта олиши, уни болаларнинг ҳар бири ўз имкониятлари даражасида қабул қилишлари учун зарурий шарт-шароитни ярата билиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, дунё миқёсида мактабгача таълим муассасаларида ҳам болаларга ота-оналари билан биргаликда бажаришлари лозим бўлган уй вазифалари берилади. Масалан, бирорта эртак матни билан уйда танишиб келиш (уйда ўқилиши керак бўлган китоблар рўйхати ота-оналарга олдиндан бериб қўйилган бўлади), бирорта тасвирий санъат намунасини уйда ота-онаси билан биргаликда «ўқиш», машғулотларда ўрганган бирор мавзу юзасидан уйда бирорта қаҳрамон ёки эпизоднинг суратини чизиб келиш сингари ишлар топширилади³⁰.

Бошланғич ва юқори синфлар адабий таълимида ҳам уйда ишлаш учун бериладиган вазифаларни синфда ўтилганларни такрорлашга эмас, балки уларни такомиллаштириш мақсадида берилиши мақсадга мувофиқдир. Компетентли ўқитувчи уй вазифаси сифатида ўқувчиларининг дарсда ўрганганларини айнан такрорлашлари эмас, балки билимларга ижодий ёндашган ҳолда уларни ўз маънавий комилликлари йўлида изланишга ундовчи топшириқларни беради. Албатта, бундай вазифаларни ҳаммадан бирдай ва қатъий талаб қилиш методик жиҳатидан унчалар тўғри бўлмайди. Лекин бошланғич синфда ҳам, юқори синфларда ҳам таълим олаётган фарзанди уларнинг ёрдамига муҳтож эканини англаган масъулиятли ота-оналар уйда болалари билан биргаликда ишлашга ҳаракат қиладилар. Адабий таълим жараёнида маълум мақсад асосида ташкил этилган уй вазифалари ота-оналарни ҳам қизиқтириб қолиши мумкин. Уйга берилган муаммоли топшириқларни бажариб келган ўқувчиларни рағбатлантириш, уларнинг билимини юқори баҳолаш лозим, албатта. Бу

³⁰ Бердалиева Г. А. Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш машғулотларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш. Пед. фан. фалс. докт. (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2019. – 20-б.

рағбат ва юқори баҳолар бошқаларни ҳам бефарк қолдирмайди. Улар ҳам аста-секинлик билан уйга берилган мантикли, муаммоли топшириқларни бажаришга ўзларида мойиллик сеза бошлайдилар. Бу ишлар, айна замонда, ўқитувчининг компетентлилик даражасини намоёиш этиш билан бирга ўқувчиларнинг маънавий камолотига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Адабиёт ўқитувчиларининг касбий компетентлиги даражаси мураккаб вазиятлар вужудга келганда, фавқулодда вазифаларни бажаришда, бир-бирига зид маълумотлардан ўрни билан оқилона фойдаланиш каби ҳолатларда яққол намоён бўлади.

Кейинги пайтларда жаҳон таълим амалиётида ўқувчиларни компетентли қилиб тайёрлаш асосий вазифалардан бирига айланди. Негаки, компонентлилик ўзида:

– таълимнинг интеллектуал ва амалий жиҳатларини уйғунлаштиради;

– ўқитиш кечимида таълим мазмунини ўзлаштиришнинг стандарт бўйича қандай натижага олиб келишини билдирувчи кўрсаткичларни акс эттиради;

– шахс фаолияти ва маданиятининг бир ёки бир-бирига яқин қатор соҳаларни қанчалик умумлаштирилганлигини намоёиш этади.

Булардан ташқари, дунёнинг глобаллашуви мутахассисларнинг энди биргина мамлакат ҳудудида эмас, балки дунёнинг исталган мамлакатада яшаб, фаолият кўрсатиши, рақобатбардош бўлиши учун ҳар жиҳатдан компетентли бўлишини тақозо этмоқда. Адабиёт ўқитувчилари ҳам таълимнинг дунё микёсидаги талабларига мослашган ҳолда профессионал компетентлиликка эга бўлишлари замирида педагогик фаолият ва болалар билан мулоқотда, таълим-тарбия жараёнида мунтазам равишда юқори натижаларга эришишлари мақсадга мувофиқдир. Шаклланиб келаётган шахслар билан шуғулланадиган адабиёт ўқитувчисининг касбий компетентлиги – ижодий интеллектининг ортиб бориши, ўз соҳасидаги инновацияларни ўзлаштиришга мойиллиги, ўзгарувчан педагогик вазиятларга мослашувчанлиги, асарларнинг дидактик таҳлили кўникмаларини эгаллаганлиги, ўқувчиларни мустақил, мантиқий ва танқидий

фикрлашга йўналтира билиши, матн мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммоларини ярата билиши ҳамда ўқувчиларини унинг ечимини топишга йўналтира олиши билан ҳам белгиланади. Адабиёт муаллимининг касбий компетентлилик даражаси тўғридан-тўғри жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётига ўз таъсирини кўрсатади.

Ўқув жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланиш ва уни янада такомиллаштиришнинг асосий мақсади таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришдир. Шу мақсадга кўра муаммоли таълимда ўқитувчининг фаолияти, энг аввало, материални шунчаки баён қилмаслик ва ўқувчиларга тайёр хулосалар ҳамда умумлашмаларни айтиб бермасликдир. Таълимнинг бу турида ўқитувчи ўқувчиларнинг фикрини ўрганилаётган объектга жалб этиши шарт. Демак, ўзининг тарбияланувчиларига олган билимларини кузатилган ҳаётий фактлар ва воқеалар билан қиёслашни, шу асосда тўғри хулосалар ва умумлашмалар чиқаришни ўргатиши даркор. Мана шуларнинг ҳаммаси биргаликда таълим жараёнига замонавий тус беради. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди. Бошланғич таълимда муаммоли вазиятнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфлар ўқитувчилари болаларда қизиқиш ва қизиқувчанликни таркиб топтирадиган топишмоқларни, зеҳни ўткирлаштирадиган масалалар ва тегишли жумбоқларни кўп вақтлардан буён қўллайдилар. Бундай ҳолларда муаммоли вазият топишмоқлар мазмунининг ўзида, шунингдек, болаларда саволни ва шу саволга жавоб топиш истагини вужудга келтирадиган йўсинда тузилган масалаларда берилади.

Бундай вазиятларда ўқувчи тўғри жавоб учун ўзидаги билимлар етарли эканини тушунади. У масалани ҳал қила олишини ҳис қилади, бунинг учун нима ҳақида гап бораётганини тасаввур этиш ва фикрлашнинг тўғри йўналишини топиш кераклигини англайди. Зеҳн ва топкирликни ўстирадиган топишмоқлар ҳамда масалалар болаларни мантиқан тўғри фикрлашга, ўзлари учун тушунарли фактли материал юзасидан фикр юритишнинг қизиқарли тизимини топишга ўргатилади.

Ўқитишнинг ҳар қандай методи боланинг онгида муаммоли вазиятларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай ҳоллардагина педагогика ва муаммоли таълим ҳақида гап бўлиши мумкин. Аслида ҳар қандай таълим ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ва жамият учун ҳам муаммодир.

Муаммони «илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шакли» деб ҳисоблаган педагоглар «муаммоли вазиятни жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган зиддият»³¹ деб ҳисоблайдилар ва уни икки турга ажратадилар. Уларнинг фикрича, «илмий муаммо» шахсдан билимларнинг мазкур соҳасидаги номаълум нарсаларни ёритишни талаб қилади. Шунингдек, ўзининг ҳал қилиниши учун фанда маълум бўлмаган анчагина янги билимларнинг ўзлаштирилишини тақозо этади. «Амалий муаммо» эса ҳал қилиш учун амалда куч сарфланиши, олдинги билимлар, кўникмалар ва малакалар янгитдан ташкил этилишини тақозо қилади. Ўқув муаммосида объектив янгилик бўлмайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдида ҳар қандай ўқув муаммосини эмас, балки фақат улар тушуна оладиган ва субъектив муаммо сифатида қабул қилиши мумкин бўлган муаммоларни қўйиши керак, деб ҳисоблайдилар. Муаммоли вазиятни «ўқувчининг маълум психик ҳолати» деб баҳолайдилар. Уларнинг фикрича, бундай ҳолат маълум топширикни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш ўқувчиларда предмет тўғрисидаги, ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

Хуллас, адабий таълимни унинг мақсадига мувофиқ ташкил этишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги унинг савияси, дунёқараши, билими, кўникма ва малакаларини такомиллаштирилишини, айти замонда, ўзининг маънавий соғломлиги учун қайғурилишини ҳам тақозо этади.

³¹ Мавлонова Р., Тўраева О., Холқбердиев К. Педагогика. (Олий ўқув юрларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик). – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 282-б.

Савол ва топшириқлар:

1. Сиз «компетенция» ва «компетентлилик» тушунчаларини қандай англадингиз? Уни ўз сўзларингиз билан тушунтириб беришга ҳаракат қилинг.

2. Нима деб ўйлайсиз, «компетентлилик» билан «маънавий баркамоллик» тушунчалари ўртасида фарқ борми? Бўлса, у, сизнингча, нималарда кўринади?

3. Шахс компетентлигига хос бўлган «билим, кўникма, малака ва тажрибага эгаллик ҳамда шахслик сифатлар»га алоҳида тўхталинг: илм нима-ю билим нима? «Кўникма» ва «малака» сингари тушунчаларни изоҳланг. «Шахслик сифатлар» деганда нималарни тушунади?

4. Аввало, «уйғотиладиган» ва «маҳсулдор» имконият нима экани ҳақида ўқиганларингизни хотирланг. Сўнгра «Ҳар қандай мутахассисга хос бўлган уйғотиладиган имкониятнинг маҳсулдор имкониятга айланиши»ни изоҳлашга ҳаракат қилинг. Ҳар иккала имконият орасида, сизнингча, қандай фарқ бор?

5. Компетентлиликнинг тармоқларига диққат қилинг. Уларнинг қайси бири сизда қай даражада шаклланганлиги ҳақида ўйлаб кўринг, ўзингизга ўзингиз баҳо беринг.

6. Ҳар қандай мутахассисга хос бўлган компетентлиликнинг тармоқларини алоҳида таҳлилга тортинг. Ўзлаштирганларингизни тушунчангиз доирасида изоҳланг. Қарашларингизни мисоллар билан асосланг.

7. Умумий компетентлилик билан муаммоли таълимдан фойдаланишда ўқитувчига хос бўлган компетентликка хос бўлган тафовутни аниқланг. Уларни таҳлилга тортинг. Моҳиятини очинг.

2-БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММО.

Ростгўй бола (эртак).

Муаммоли таълим шахс дунёқараши шаклланишида энг самарали усул саналади. Чунки муаммоли таълим жараёнида тўпланган билимлар мустақил, танқидий, ижодий тафаккур кўмагида амалий фаолиятда қўлланиб, қатъий ишончга айланади.

Мактабгача таълим муассасалари «Илк қадам» дастурида ўрта гуруҳ тарбияланувчилари учун «Ростгўй бола» эртаги ўрганиш учун тақдим этилган³². Мазкур эртақда ростгўй бола ижобий қаҳрамон қилиб олинган ва ундаги мана шу фазилатни болаларга «юктириш» назарда тутилган. Шу мақсаддан келиб чиқиб тарбиячи, эртакни ўқиб беради ва бола рост гапиргани учун подшоҳ уни ўзига ўғил қилиб олганини намуна қилиб кўрсатади, тарбияланувчиларига ростгўй бўлиш кераклигини таъкидлайди ва шу билан эртак устида ишлаш тугайди.

Лекин эртақда тарбиячиларнинг назаридан четда қолаётган жуда катта иккита ҳақиқат мавжуд. Ёш авлоднинг маънавий камолоти йўлида иш олиб бораётган уларга тарбияланувчилари диққатини қаратиши, биргалиқда бу масалаларнинг ечимини топишлари мактабгача таълим муассасаларида бадиий матн устида ишлаш методикасининг мақсадига мувофиқ бўлади.

Тарбиячи аввал эртакни ифодали қилиб ўқиб эшиттиради:

«Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Подшоҳнинг фарзанди йўқ экан. Шунинг учун у доимо хомуш бўлиб юрар экан. Подшоҳ вазирнинг маслаҳати билан болаларга гул уруғи таркаттирибди. Кимнинг гули чиройли бўлса, ўшани подшоҳ фарзанд қилиб олмоқчилигини айтишибди.

Орадан бирмунча вақт ўтибди. Подшоҳ гул ўстирганларни кўриш ниятида шаҳар айланибди. Кўп болалар ва улар ўстирган гулларни кўриб ўтаверибди. Бир кўчага етганда подшоҳнинг кўзи

³² <http://kutubxona.adu.uz/kutubxona/3ilkgadamozbek240818pdf.pdf>

гулсиз тувак ушлаб, йиғлаб ўтирган болакайга тушибди. Болакайнинг олдига бориб:

– Сен ўстирган гул қани? – дея сўрабди.

Шунда болакай гул уруғи ўсиб чиқмаганлигини айтибди.

Подшоҳ:

– Мен фарзандликка олиш ниятида ахтарган бола мана шу бўлади, – дебди. Чунки подшоҳ гул уруғларини қайнаттирган экан» .

Сўнгра тарбияланувчилар диққатини матн мазмунига қаратиш, унинг мазмуни болалар томонидан қанчалик англаганлигини аниқлаб олиш мақсадида қуйидаги бир қатор саволлар билан мурожаат қилади: 1. Айтингчи, эртанинг бош қахрамонлари кимлар экан? 2. Подшоҳ одамларга хос бўлган қайси фазилатни яхши кўраркан, нима деб ўйлайсиз? Сиз буни қандай билдингиз? 3. Нима деб ўйлайсиз, Сизнингча, подшоҳ яхши одамми ёки ростгўй болакайми? Нега шундай деб ўйлашингизни асосланг. 4. Айтингчи, бола нима учун йиғлаб турган эди? Гули униб чиқмай қолгани учунми ёки подшога ўғил бўлолмай қолгани учунми? Нега шундай деб ўйлайсиз? 5. Ўйлаб кўрингчи, нега ҳамма болалар подшоҳга ўғил бўлишни исташяпти? Бунинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг ва ҳк.

Тарбиячи бу савол ва топшириқларни аудиториянинг даражасига мослаштирган ҳолда, уларнинг умумий мазмунини сақлаб қолган тарзда қайта шакллантириши, соддалаштириши ҳам мумкин.

Асар таҳлили жараёнида тарбияланувчилар ўз имкониятлари доирасида бу саволларга жавоб берадилар. Жавоблар қандай бўлишини тахминан тасаввур қилиш мумкин, албатта, лекин улар қандай бўлишидан қатъи назар тарбиячи: «Нега шундай деб ўйлаяпсан?» деган савол билан болалардан фикрларини асослашни талаб қилиш лозим бўлади. Чунки адабий таълимда, у ўқитиш тизимининг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, фикр мустақиллиги қанчалик аҳамиятли бўлса, унинг асосланиши, далиллар билан исботланиши мустақил фикрдан, шахсий муносабатдан кам қадрланмайди.

Тарбиячи машғулот мақсади ва вазифаларини белгилашда қуйидаги икки масалани ўзи учун муаммо шаклида белгилаб олиши лозим бўлади: 1. Ёлғон гапирмайдиган болани қидириб

ўзи бутун мамлакат болаларини алдаган подшо. 2. Ўз оиласи ва ота-оналаридан воз кечиб подшоҳга фарзанд бўлишни истаган болалар. Тарбиячи бу иккита муаммоли масалани болаларга маълум қилиши ёки бугунги машғулот муаммоли бўлишини айтиб ўтириши шарт эмас ва мактабгача ёшдаги болалар учун бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Буни тарбиячи машғулот шакли мисолида расмийлаштириб қўйишининг ўзи мактабгача адабий таълим учун етарли ҳисобланади. Муаммоларнинг ечими эса тарбиячи томонидан қўйилган, мантқиқли жавоблар талаб қиладиган саволлар ва топшириқларга болаларнинг жавоблари асносида топилаверади. Тарбиячининг савол ва топшириқлари қўйидагича бўлиши мумкин:

Нима деб ўйлайсиз, «Кимнинг гули чиройли бўлса, ўшани фарзанд қилиб олмоқчилигини» айтган подшо нега чиройли гул ўстирган болалардан бирини фарзандликка танламади?

1. Ўйлаб кўрингчи, подшоҳ нима учун гулларнинг уруғини қайнатиб қўйган эди?

2. Гулларнинг уруғи қайнатилса, нима бўлади?

3. Уруғлар қайнатилган бўлса, болалар қандай қилиб бундай чиройли гулларни ўстиришди? Нима деб ўйлайсиз?

4. Болалар етиштирган чиройли гулларни кўриб подшо нега хурсанд бўлмади?

5. Сизнингча, подшо тўғри иш қилдимиз? Нега шундай деб ўйлаяпсиз?

6. Подшоҳнинг хатоси нимадан иборат деб ўйлайсиз? Нега унинг бу ишини хато деб ўйлаяпсиз?

7. Подшоҳ ёлғон гапирмай фарзанд танлаб олишнинг бошқа, тўғри йўллари топиши мумкинми? Бу иш, сизнингча, қандай бўлса, тўғри бўларди? Нима учун?

8. Мамлакатнинг фуқаролари, яъни болалар ўз подшоҳларидан нимани ўрганишлари мумкин? Бу тўғрими ёки нотўғрими? Нима учун?

9. Болалар нима мақсадда бундай иш қилишди деб ўйлайсиз? Сизнингча, уларнинг бу қилган ишлари тўғрими, нотўғрими? Нима учун?

10. Болаларнинг ишларини қандай номлаш мумкин: тадбиркорлик дебми, ишбилармонлик дебми ёки ёлғончилик дебми? Нега шундай деяпсиз?

11. Ўз ота-онаси, оиласидан кечиб подшоҳга ўғил бўлиш истаги яхшими ёки ёмонми? Нега шундай деб ўйлайсиз?

12. Ростгўй боланинг йиғлаб турганига муносабат билдириг. Сизнингча, у нега йиғлаяпти?

13. У боланинг ўртоқларига ўхшаб бошқа уруғ экиб гул ўстирмагани сабаблари ҳақида ўйлаб кўриг.

14. Ўзи ёлғончи бўлган подшо нима учун ростгўй болани фарзандликка танлади, сизнингча? Ўзига ўхшаган болалардан биттасини танласа бўлмасмиди?

15. Тасаввур қилиб кўриг: Сиз шундай вазиятга тушиб қолсангиз, қайси боланинг ишини қилган бўлардингиз? Нима учун?

Тарбияланувчилар «боғча опа»ларининг саволларига жавоб бериш асносида ҳар иккала муаммоли масала устида ўз имкониятлари доирасида бош қотиришади, фикрлашади, жўнгина, баъзан мантиқли, гоҳо мантиқсиз бўлсада, ўз хулосаларини чиқаришади. Улар, аввало, подшо (мамлакат ҳукмдори, катта одам бўлишига қарамай) болаларни нима учун алдаганини, бунинг яхши ёки ёмон эканлигини ўзлари учун ўзлари аниқлаб олишади. Ундан кейин мамлакат подшоси гапирган ёлғоннинг фуқаролари фаолиятига қандай таъсир қилгани (улар ҳам подшоҳни алдамоқчи бўлишгани)ни ўйлаб кўришади. Айни замонда, мазкур муаммоларнинг ечими сари борадилар. Улар подшонинг нима учун ёлғон тутум қилганини асослашга, уни оклашга уринишар, балки уларнинг бу фикрларида ҳам ўзига хос мантиқ бордир. Агар улар бу мантиқни очиб бериша олса, нур устига аъло нур бўлади.

Бундан ташқари, тарбияланувчилар саволларга жавоб бериш асносида ўз ота-оналаридан воз кечиб подшога ўғил бўлишни истаган болалар ҳақида ҳам ўйлаб кўрадилар, уларнинг бу тутумларига ҳам ўз муносабатларини билдирадилар. Бу яхшими ёки ёмонми? Болаларнинг қилган ишини яхши деган тарбияланувчилар ҳам, ёмон деб билган болалар ҳам нима учун шундай деб ўйлаганларини асослаб беришларини талаб қилиш керак бўлади. Тарбияланувчилар чиройли гулларни ўстирган болаларни ҳам, гули униб чиқмагани учун йиғлаб ўтирган болақайни ҳам тушунишга уриниб кўришлари, бунга ўз муносабатларини билдиришлари мактабгача адабий таълим

мақсадига мувофиқ бўлади. Бунга тарбиячи юқоридаги йўналтирувчи савол ва топшириқлар кўмагида эришади.

Вазият қандай кечишини машғулот жараёни кўрсатади, албатта, ҳозир бу ҳақда фол очиш нотўғри, лекин ҳамкорлар – тарбиячи ва тарбияланувчилар тўғри йўлдан адашмасликлари: ёлғон қандай мақсадда айтилиши ёки қилинишидан қатъи назар ёмон эканини биргаликда кашф этишлари, масаланинг ечимини ҳамкорликда топишлари мақсадга мувофиқдир. Болалар ўзларидан-ўзлари ёлғончи бўлиб қолмайдилар. Уларни катталар, ўзлари билиб-билмай, истаб-истамай ўз хатти-ҳаракатлари, тутумлари билан ёлғончиликка ўргата борадилар. Бу эртакдан нафакат болалар, ҳатто катталар ҳам сабоқ олишлари, мақсадга мувофиқдир.

Эртак матнидан кўриниб турибдики, жуда кўп болалар нотўғри иш қилишди, ёлғон хатти-ҳаракат қилишди. Уларни бунга ким ёки нима мажбур қилди? Подшонинг боласи бўлиш улар учун шунчалар муҳимми? Ростгўй бола ҳам шунинг учун йиғладими? Бунинг сабаби нимада? Тарбияланувчилар шу ҳақиқатлар ҳақида ўйлаб кўришлари асносида ўз шахсиятларини шакллантириш йўлида изланадилар. Тарбиячи уларни тайёр хулосаларнинг қулига айлантirmай аңгланиши керак бўлган, болалар руҳиятида шакллантирилиши лозим бўлган бу ҳақиқатларни улар ўзлари учун ўзлари кашф этишларига йўналтиради. Шу тарика муаммонинг ечимини ҳам топадилар. Ўзларига ўхшаган жўнгина бу ечимлар уларни маънавий камолот сари етаклаши тайин.

Ташқаридан қараганда бу саволлар мактабгача ёшдаги болалар учун кийиндек туюлади. Бугунги тарбияланувчилар орасида бу саволларга у ёки бу даражада жавоб берадиганлари ҳам, уларни аңгламаганлари ҳам бор бўлади, албатта. Фақат моҳир тарбиячигина тарбияланувчиларининг ичларидаги ҳақиқатларни чиқара билишга кодирдир.

Бугунги ахборотлар оқими даврида катта бўлаётган, компьютер, телефон, айпад ва бошқа бир қатор АКТлардан ўз манфаати йўлида қойилмақом фойдаланаётган, баъзи қилиқлари ва гап-сўзлари билан катталарни хайратга солаётган болаларнинг диққати тўғри йўналтирилса, улар бу саволларга албатта жавоб берадилар. Агар жўяли жавоб бўлмаган тақдирда ҳам, улар бу

ҳақда ўйлайдилар. Диққат-эътибори шуларга қаратилади. Баъзилари ота-оналари, уйдаги бошқа катталарни ҳам бу ҳақда ўйлашга мажбур қиладилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам бу масала болаларнинг кўнглида қолади. Қачонлардир унга жавоб ҳам топилади. Лекин ҳозир энг муҳими – тарбияланувчиларнинг фикр кишиси бўлиб шаклланишига шароит яратиш, уларни маънан боридан юқорироққа кўтарилишига интилишдир.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини кичиклигидан оқ-қорани, ҳалол-ҳаромни, тўғри-нотўғрини фарқлашга фақат насихатлар ва талаблар билан эмас, балки бадиий асарлар, уларнинг қаҳрамонлари хатти-ҳаракати, ўй-фикрларини шу тарика дидактик таҳлилга тортиш асносида йўналтириш нисбатан фойдалироқ, ёқимлироқ, қизиқарлироқ ва «юқумли»роқдир.

А. Обиджон. “Ажойибхона қоплони”

Муаммоли таълимда йўналтирувчи савол-топшириқлар билан тарбияланувчиларни қизиқтирадиган, туйғуларини жунбушга келтирадиган, руҳиятини кўзготадиган, ҳаётий ҳақиқатларни ўзлари англайдиган вазиятга сола билиш асосий вазифалардан биридир.

Таниқли ўзбек болалар шоири Анвар Обиджоннинг «Ажойибхона қоплони» номли шеъри болаларда одамликка хос бир қатор ижобий сифатларни шакллантириш ва мулоҳаза юритишга ундовчи асардир. Асарда ҳайвонот боғида яшовчи қоплоннинг тилидан унга хос бўлган фазилатлар очиб берилган. Машғулотга тайёрланиш асносида тарбиячи ҳайвонот боғида кафасда турган қоплоннинг суратини топиб тасвирини экранда намойиш этади ёки дарстахтага ёпиштириб кўяди³³. Мазкур асарни ўрганишга режалаштирилган машғулот бошланганда, аввал тарбиячининг ўзи шеърни ифодали қилиб ўқиб беради:

*Бобом тутқун ўтмаган,
Тугилганман мен озод.
Сендан йироқ юрсам ҳам,
Тинч қўймадинг, одамзод.*

³³ <https://ru.dreamstime.com/стоковое-фото-тигр-в-к-етке-image57189520>

Мени зўрлаб қафасга
Сола олдинг сен фақат.
Бироқ руҳан ўлмадим,
Сўрамадим ҳеч шафқат.
Фуруримга содиқман,
Орзумандман эркимга.
Тўқлик ваъда қилсанг ҳам,
Туфлагайман циркиннга.
Дунёда кўп ювош Ит,
Насаб-насли наст Айиқ.
Ўшаларни ўйнатсин
Эрмакталаб халойиқ.
Мен зотимни фахр-ла
Эсларман ҳар нафасда...
Зўрдирманки, хавфсираб –
Сақлашяпти қафасда³⁴.

Маълумки, ҳар қандай бадий асар, у қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, таҳлилга, муҳокамага тортилмас, матннинг моҳиятига кирилмас экан, у тарбияланувчининг маънавиятига ҳеч нарса бермайди. Шу маънода мазкур шеър матни устида ишлаш учун таълимнинг дидактик таҳлил методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда ҳам муаммоли таълимга таяниш мумкин. Мазкур асар мазмуни юзасидан тузиладиган муаммони «**Эркинлик ва мустақиллик одамга нима беради?**» тарзидаги савол шаклида қўйиш мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун бадий асарлар дидактик таҳлил методида ўрганиладими ёки муаммоли методдан фойдаланган ҳолда ўзлаштириладими, ҳеч қандай аҳамияти йўқ, албатта. Бу мактабгача адабий таълимнинг мақсади, жамият ва ҳукуматнинг таълим-тарбия тизими олдида қўйган вазифаларини амалга ошириш учун муҳимдир. Бу, ўз-ўзидан, тарбиячининг бурчи ва вазифаси ҳам ҳисобланади.

Шеър ўқиб берилгач, болаларнинг туйғулари совимасдан унинг муҳокамасига ўтилиб, тарбияланувчиларнинг эътибори

³⁴ ijod.uz/?cat=17

асарнинг дастлабки икки мисрасига қаратилади ва қайтадан ўқиб берилади:

1. «Бобом тутқун ўтмаган, Тугилганман мен озод». Болалардан бу икки мисрада илгари сурилган фикрнинг мазмуни, унда нима дейилаётгани сўралади. Маълумки, ёввойи ҳайвонлар уй ҳайвонларидан фаркланади. Улар ўрмонларда, тоғларда туғилишади ва ўша ерларда эркин яшашади. Қафасдаги қоплон ҳам қачонлардир худди ота-боболари сингари эркин бўлиб ўрмонда туғилган, озодликда яшагандир. У, гарчи бугун тутқунда бўлсада, эрк ва озодликнинг нима эканини яхши билади. Тарбиячи ва тарбияланувчилар суҳбати, тахминан, шу йўналишда боради.

2. «Сендан йироқ юрсам ҳам, Тинч қўймадинг, одамзод» мисраларини қандай тушундингиз? Мазкур вазиятга икки хил назар билан қараш мумкин. Бири – қоплоннинг, иккинчиси одамзоднинг назари. Қоплон инсон зотидан норози. Одам унинг эркинга, мустақиллигига дахл қилди. Уни қафасга солди. Тутқунга айлантирди. Қоплоннинг одамзоддан йироқ юришини, сизнингча, қандай тушуниш мумкин? Одамзоднинг қоплонни тинч қўймагани нималарда акс этади? Болалар шу саволлар устида ўйлаб кўриши ва ўз тушунчалари доирасида жавоб беришлари тақозо этилади.

3. Хаттахтага ёпиштирилган ёки экранда тасвирланган қоплон суратига болаларнинг диққати қаратилади ва: «Қоплоннинг вазиятига ва кўзларидаги мунгга таяниб айтингчи, у нимадан норози?» Одамзоднинг қоплонни ўз масканида тинч қўймаганининг сабаблари хақида ҳам болаларни ўйлаб кўришга ундаш лозим. Бу тарбиячининг кейинги саволида ўз аксини топади.

4. «Нима деб ўйлайсиз, одамлар нима учун қоплонни тутиб келтириб қафасга солиб қўйишган? Бу кимга яхшию кимга ёмон? Нимаси билан яхшию нимаси билан ёмон?» Одамларнинг кўнгилочар масканларда, ҳайвонот боғларида ҳар хил ҳайвонларни қафасларда саклаши замирида маълум мақсад мавжуд, албатта: болалар бу ҳайвонлар билан танишади, уларни маълум даражада ўрганишади ва ҳк. Лекин бу ҳолатга иккинчи томондан – ўша ҳайвон ҳолатидан туриб қаралса, бу Худонинг иккинчи бир яратигига зулм қилиш демакдир. Ёввойи ҳайвонлар табиатига Аллоҳ томонидан сингдирилган сифатлар – уларнинг

яшаш тарзини белгилаган. Бу уларнинг табиий хусусияти. Одамзоднинг ёввойи ҳайвонларга Яратувчи қудрат белгилаб берилган ҳаётига дахл қилиши табиатнинг, табиий мезонларнинг бузулишига олиб келади. Тарбиячи қандайдир йўллар билан, балки яқунловчи суҳбатида болаларга шу ҳақиқатларни сингдириб қўйса, болалар ҳайвонот боғига борганда қафасдаги жонзодларга албатта бошқача назар билан, раҳмдиллик ҳиссила, мантикий тафаккур асносида ёндашадиган бўлади.

5. «*Бироқ руҳан ўлмадим, Сўрамадим ҳеч шафқат*» мисраларига тарбияланувчилар диққати тортилади: «Бу нима дегани?» Болалар билганларича жавоб беришади, фикрларининг йўналиши ёввойи ҳайвонлар бир умр қафасда сақланса ҳам ўз феъл-атворига хиёнат қилмаслиги, бунинг сабаблари, қоплон ҳам ўз эрки ва қудратига путур еткизмай яшаб келаётгани, шу боис уларни кўрганда томошабинлар руҳиятида ҳамиша кўркув ҳисси пайдо бўлиши атрофида кечса, уларни рағбатлантириб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда, болаларнинг диққатини яна бир марта қоплоннинг кўзларига қаратиш яхши самара беради. Кўз кўнгил калити. Болалар қоплоннинг кўзларидаги ростни, ғурурни илғашга уриниб кўрганлари маъкул. Ким нима кўради, болалар бирор руҳий ҳолатни илғайдиларми, йўқми, буни вазият кўрсатади. Агар ҳеч ким ҳеч нарса илғамаган, топширик жавобсиз қолган тақдирда ҳам тарбияланувчиларнинг бунга йўналтирилганлиги адабий таълимнинг катта ютуғидир. Бу кейинчалик ўз самарасини бериши аниқ.

6. «*Ғуруримга содиқман, Орзумандман эркимга*» мисраларидаги «ғурур» сўзига диққат қилинг. Бу қандай туйғу эканини биласизми? Бу қоплоннинг қайси хатти-ҳаракатида кўринади? Қоплоннинг ўз ғурурига содиқлигини Сиз қандай тушунасиз? «Эрка орзуманд»лик ҳақида ўйлаб кўрингчи, бу нима дегани? Бу саволларга болалар жавоб топа олмасликлари мумкин. Бундай вазиятларда тарбиячининг берган саволига ўзи жавоб бериши, методик жиҳатидан энг нотўғри тутум бўлади. Бу риторик савол эмас. Жавоб бўлмаган тақдирда тарбиячи саволни очик қолдириши, болаларни уйда бу ҳақда ўйлаб кўришга йўналтириши мақсадга мувофиқ бўлади. Кимлардир уйда ота-онаси, ака-опасини бу саволнинг жавобига жалб қилар, кимларнингдир эсидан ҳам чиқиб кетар. Лекин тарбиячи эртасига бу

саволни болаларга қайтадан эслатиши, агар жавоб бўлмаса, шундагина ўз фикрини айтиши ўринли бўлади.

7. Шундан сўнг болаларнинг диққати: «*Тўқлик ваъда қилсанг ҳам, Туфлагайман циркиннга*» сатрларига қаратилиб қайта ўқиб берилади. Сўнгра уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилинади: «Бу гаплар кимнинг тилидан айтиляпти? «Тўқлик» ваъдаси билан циркнинг нима алоқаси бор? Бу ваъдани қоплонга ким беради? Қоплон нега циркка «туфлаяпти»? Бу унга хос бўлган қандай сифатдан далолат беради? Айнан шу вазиятда «туфлаш» яхшими ёки ёмонми? Нима учун?» Мисраларга сингдирилган фикрни англаган болалар мантиқли-мантиқсиз нималарнидир айтади. Чунки улар боғча опасининг ҳамма саволларга жавоб беришлари керак деб ўйлашади. Боғча опа эса шу жавоблар орасидан нисбатан тўғрироғини, асослисини танлаб ола билиши керак. Шундай фикр соҳибларини рағбатлантириш зарур. Бу тутум, албатта, ўз ижобий натижасини беради.

8. «Нима деб ўйлайсиз, нега қоплон циркда ўйнашни ёқтирмаяпти? Ахир, кафасда ўтиргандан циркда томоша кўрсатган яхши эмасми?» Сатрлардан маълум бўладики, қоплон мағрур, ёввойи ҳайвон. У ўз эркинлигини, мустақиллигини ҳамма нарсадан устун қўяди, жамики қоплонларга хос бўлган мағрурлик унинг ҳам қонида бор ва у ҳамيشа қонидаги мана шу ҳисга содик қолади. Тўғри, у циркда ўйин-томоша кўрсатса қорни тўқ бўлади, иссиқ жойда яшайди. Лекин у одамзоднинг қўлида ўйинчокка айланади. Бу ҳаёт қоплон учун ҳайвонот боғидаги кафасдан баттар. Бундай турмуш тарзига унинг табиати йўл қўймайди. Тарбияланувчилар шу атрофда ўз даражаларида нималарнидир гапиришар, тарбиячи болаларнинг фикрларини тўлдириб мисраларнинг моҳиятини шу тарзда очиб тушунтириб бергани, сўнгра шу тўртликни қайта ўқиб бергани тузук. Бу болаларнинг руҳиятидан ўрин олиши лозим бўлган туйғу. Тарбиячи буни унутмаслиги мақсадга мувофиқдир.

Шеърдаги тарбияланувчиларнинг диққатини қаратиш керак бўлган яна бир тўртлик бу унинг охириги сатрларидар.

9. «*Мен зотимни фахр-ла эсларман ҳар нафасда*»ни қандай тушуниш мумкин, Сизнингча?» Тарбиячи бу сатрларни алоҳида ажратиб яна бир марта ўқиб бергани дуруст. Сўнг болалардан уни қандай тушунганликларини сўрайди. Чуғур-чуғур қилиб

айтилган жавоблар орасидан ҳақиқатга яқинини ажратиб олишга ҳаракат қилиши керак боғча опа. Яъни қоплон ҳеч қачон зотига, қоплонлигига хиёнат қилмайди. Айиқ ёки маймун бўлолмайди. Ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини ҳеч қачон унутмайди. Охирги икки мисра кимга қаратилгани ҳақида ҳам болалар ўйлаб кўришлари керак.

10. *Зўрдирманки, хавфсираб – Сақлашяпти қафасда*»ни қандай тушунасиз? Бу даҳшатли фикр. Болалар билганларича шарҳлашсин аввал, албатта, кейин тарбиячи: зўр, қудратли, ёввойи ҳайвонлар бўйсунмас бўлганликлари учун ҳам одамлар улардан хавфсираши, қафасда сақлашини маълум қилади. Одамзод руҳиятида зўрдан кўркиш ҳисси бор. Бу табиий туйғу. Лекин қанчалик тутқунликда сақланишидан катъи назар, зўр барибир зўр. Бундан ҳеч ким кўз юмолмайди. Тарбиячи болаларнинг кўнглига мана шу ҳақиқатларни – ақли ва билими билан зўр бўлишни жойлаб кўйгани мактабгача адабий таълимнинг мақсади амалга ошди, дегани. Қолганини катта бўлганда болаларнинг ўзлари англаб олаверишади.

Муҳокама сўнгида тарбиячи болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилади: «Қоплоннинг эрки ўзида бўлганда, сизнингча, у нима қилган бўларди? Унга мустақиллик берилишини сиз қандай тушунасиз?» Боғча опа мазкур саволларга олинган жўнгина жавобларни баҳолаб, машғулот бошида белгилаб кўйгани муаммога болаларнинг диққатини қаратади: **«Эркинлик ва мустақиллик ҳисси одамга нима беради?»**

Тарбияланувчилар қоплонга хос бўлган бу икки сифатни одамларга кўчиришга ундалади. Бу муаммоли саволга болалардан мантиқли жавоб чиқмаслиги ҳам мумкин. Бу, ҳақиқатга яқинроқ ҳам. Лекин уларнинг кичик ёшидан шундай ҳақиқатлар ҳақида ўйлашга, изланишга йўналтириш, аввало, уларнинг ақлини пешлайди, интеллектуал имкониятларини фойдали нарсаларга йўналтиришга ундайди. Бу савол, гарчи жавоб бўлмасада, болалар шу ҳақда ўйладиларми, уларнинг руҳияти пучмоқларида қолади. Кейинчалик ўз мевасини беради.

Уй вазифаси сифатида ўқувчиларга ҳайвонот боғида қафасда турган ёки ўрмонда эркин юрган қоплоннинг суратини чизиб келишни топшириш мумкин. Тарбияланувчиларнинг сурат чизишлари бир тараф, лекин чизган суратларини ўқиб беришлари

уларнинг маънавий камолотлари учун катта аҳамият касб этади. Шу боис кейинги дарсда боғча опа болаларнинг чизиб келган суратларини шарҳлаб беришини талаб қилиши шарт. Бу фаолиятга тарбиячининг: «Чизган қоплонингизнинг кўзларида нима акс этган? У нима учун қафасга солиб қўйилган? У хафами, хурсандми? Нимадан хафа ёки хурсанд? Унинг хафалиги ёки хурсандлигини сиз нималарда кўряпсиз? У кимга қараб турибди? Қафасдаги қоплон кучлими ёки эркинликдагисими? Нега бундай деб ўйлайсиз? Иккала қоплонни таққосланг. Қайси бирида нималарним кўряпсиз?» ва ҳк. йўналтирувчи ёрдамчи саволлар билан муурожаат қилгани тарбияланувчига «асар»ини ўқиб беришга кўмаклашади.

Зумрад ва Қиммат (ўзбек халқ эртаги)

Муаммоли таълим тарбияланувчиларнинг билиш фаоллиги ва мустақиллиги ривожини таъминлайди, руҳияти, ақлий ривожланиши ҳамда дунёқараши шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

«Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир чол бўлган экан. Унинг Зумрад исмли қизи бор экан. Чолнинг кампири оламдан ўтган экан. У бир қизи бор аёлга уйланибди. Қизининг исми Қиммат экан. Ўғай она Зумрадни ёқтирмас экан. Энг оғир ишларни унга буюрар, қаргаб, ураркан. Ўзининг қизини жуда яхши кўраркан, доим уни мақтагани мақтаган экан. Зумрад ақлли, чиройли ва мулойим қиз экан. Қиммат эса унга ҳеч ҳам ўхшамас экан. У тантиқ, қўпол ва дангаса экан.

Кун бўйи овқат ер, ўйнар ва булар-бўлмасга хархаша қилавераркан.

Ҳар тонг қушлар ҳам, гуллар ҳам Зумрадни қўшиқ кўйлаб, олқишлаб кутиб олар, Қимматни эса ёқтирмас эканлар, чунки у гулларни юлиб ташлар, тепкилар, қушларга тинчлик бермас экан. Ўғай она буларни кўриб, гаши келиб юраркан. Бир куни Зумраддан қутишмоқчи болиб чолига:

– Агар қизингизни йўқотмасангиз, сиз билан бирга яшамайман!

Уни ўрмонга олиб бориб ташлаб келинг! – деб қичқарибди.

Чол иккиланиб, нима қиларини билмай қолибди. Кампир эса унга ҳеч тинчлик бермабди. Охири чол Зумрадни ўрмонга олиб боришга мажбур бўлибди.

Улар узоқ юришибди, ўрмоннинг ичкарасига киришибди.

– Шу ерда ўтириб тур, қизим. Мен ўтин кесиб келаман, — дебди чол ва узоқроққа бориб, болтасини дарахтга осиб қўйибди. Болта «Тақ! Тақ!» этиб шамолда дарахтга уриша бошлабди. Зумрад тақиллаган овозни эшитиб, «отам ўтин кесяпти» деб ўйлабди ва гуллар билан суҳбатлашиб, қушлар билан чақчақлашиб, қуён ва оҳулар билан қувлашиб ўйнаб юраверибди.

У отасини узоқ кутибди, лекин дарак бўлмабди. Тақиллаган овоз ҳам тиниб қолибди. Отасини қидириб юриб бехосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Қараса, отаси йўқ эмиш.

Зумрад кўрққанидан йиғлаб юборибди.

У ўрмонда узоқ юриб, адашиб қолибди. Ўрмон ичи кўрқинчли тусга кира бошлабди. Анча кеч бўлиб қолган экан-да. Ниҳоят узоқдан бир ёруғлик кўришибди. Зумрад ўша томонга қараб юра бошлаган экан, бир кичкина уйча ёнига келиб қолибди. Деразадан мўраласа, ичкарида бир кампир ўтирган экан. Эшикни тақиллатиб, ичкарига кирибди. Салом берибди. Кейин бошидан кечирган воқеаларни айтиб берибди. Кампир Зумрадни илиқ, меҳрибонлик билан кутиб олибди.

– Хафа бўлма, қизим, мен сенга ёрдам бераман, - дебди.

У Зумрадни овқатлантирибди, овутибди, эркалабди.

– Мени ўз онамдек қабул қилдингиз, сизга қандай қайтарсам экан, мен шидан қочмайман, ишларингизни жон-дилим билан бажараман, — дебди Зумрад.

Зумрад кампирга жуда ёқиб қолибди. Уни эркалаб, қўғирчоқлар берибди, эртақлар айтиб берибди, қизиқ-қизиқ китоблар ўқиб берибди. Биргалликда тинч ва хотиржам яшай бошлашибди.

Бир куни кампир Зумрадга сомса пишириб бермоқчи бўлибди ва унга томдан ўтин олиб тушишни буюрибди. Қиз томга чиққанда узоқдан ўзларининг уйларини кўриб қолибди ва йиғлаб юборибди.

Кампир нега йиғлаётганини сўраган экан қиз:

– Уйимизни кўриб қолдим, отамни соғиндим, — дебди.

Кампир уни юпатибди, сомса ейшибди, кейин эртақ айтиб берибди.

Қиз ухлаб қолибди. Эрталаб турганда:

– Қизгинам, уйинчоқларингни йиғшитир. Сени уйингга жўна-таман, — дебди кампир. — Томда қизил ва оқ сандиқ бор. Оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб туш.

Ўзи эса ўрмонга кириб кетибди. Зумрад нарсаларини

йигиштиргунча, у саман от қушилган аравани етаклаб келибди. Аравага қизил сандиқни жоїлабди, Зумрадни ўтқазиб:

– Калитни ушла. Уйингга борганингдан кейин сандиқни очасан, – дебди.

Қиз кампирга миннатдорчилик билдириб, хайирлашибди-да, йўлга тушибди. Уйига борса чол қизини соғиниб, остонада хафа бўлиб ўтирган экан.

– Салом, отажон! – деб отасининг бағрига отилибди Зумрад.

Қизининг соғ-саломат эканлигидан ва уйга қайтиб келганидан хурсанд бўлган чол,

анчагача кўз ёшларини тўхтатолмабди:

– Оптоғим, мен нодон чолни кечир! – дея қизидан узр сўрабди.

Улар уйга киришибди. Кўни-қўшилар йиғилибди. Зумрад калит билан сандиқни очибди.

– Вой-бў!!! – ҳайрон бўлганликларини яширолмабдилар атрофдагилар.

Сандиқ қимматбаҳо кийимлар, шойи матолар ва тақинчоқларга лиқ тўла эмиш.

Зумрадининг бутун умрига етиб, ортар эмиш.

Ўгай она буларни кўриб, безовта бўлиб, титирчилаб қолибди. Шу ондаёқ Қимматни ҳам ўрмонга олиб боришни буюрибди. Чол тезда отланиб, Қимматни ҳам қалин ўрмонга олиб бориб ташлаб келибди.

Кеч кирганда Қиммат чолнинг болтаси осиб қўйилган дарахт тагига келибди. Болтанинг дарахтда осиглиқ турганини кўриб бақариб, ҳўнг-ҳўнг йиглаб юборибди. Ваҳимага тушиб, югура бошлабди, ниҳоят, у ҳам сеҳргар кампирнинг уйи ёнига келиб қолибди.

– Хафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман, – дебди кампир ва уни овқатлантирибди, илиқ сўзлар айтибди. Лекин Қиммат яхши сўзлар топиб, кампирга миннатдорлик билдирмабди. Кампир ундан хафа бўлибди, кўеирчоқ ва расмли китоблар ҳам бермабди, эртак ҳам айтиб бермабди. Кунлар, ҳафталар ўтаверибди. Қиммат эртадан кечгача ялқовланиб ўтираверар, уйни йиғиштирмас, кампирга ҳам ёрдам бермас экан. Уй ҳам ифлос ва чанг бўлиб кетибди. Бир кун кампир Қимматга:

– Томга чиқиб, ўтин олиб туш, қизим, сенга сомса қилиб бераман – дебди.

– Сизга керак бўлса, ўзингиз олиб тушинг, – деб жавоб қайтарибди Қиммат қўполлик билан. Кампир уни томга чиқишига

зўрға кўндирибди. Қиммат томга чиқиб, утин олиб тушиши ўрнига, утириб олиб йиғлай бошлабди.

– Нега йиғлаяпсан, қизим? – деб сўрабди кампир.

– Уйимни кўриб қолдим, кетгим келяпти, – деб йиғисини давом эттирибди Қиммат.

– Ҳа, майли, борақол. Томдаги сандиқни ўзинг билан олиб туш, дебди кампир. Қиммат хурсанд бўлиб кетибди, сандиқни томдан олиб тушибди.

– Сандиқни уйингга борганда очасан, – дебди, қизга калитни берибди.

Лекин кампир Қимматга от-арава бермабди, у сандиқни орқалаганча, уйига ниёда кетибди.

Қимматнинг қайтаётганини Олапар ит сезибди. Ит жаҳлдор кампирнинг олдига бориб:

– Вов, вов, вов! Опам келаётир! Илон тўла сандиқни орқалаб келаётир, – деб огоҳлантирибди.

Кампир газабланиб, таёқ билан итни уриб, оёғини синдирибди.

– Менинг ақлли қизим келяпти, қимматбаҳо моллар келтиряпти, –

дея ўзида йўқ хурсанд бўлибди кампир.

Қиммат уйига зўрға-зўрға етиб келибди. Қўшнилари йиғилишибди. Қиммат онаси билан сандиқни очмаслик учун устига утириб олишибди. Кечқурун ҳамма тарқалгач сандиқни ичкари хонага олиб кириб, эшикларни маҳкам ёпишибди-да сандиқни очишибди. «Вой, дод, қутқаринглар! Аждар! Ёрдам беринглар!» — деб чақиршига тушибди. Сандиқдан иккита каттакон аждар чиқиб, кампир билан қизни ютиб, деразадан чиқиб кетишибди.

«Дод-вой!»ни эшитиб қўни-қўшнилари ёрдам бериш учун йиғилишибди, эшикни бузишиб ичкарига киришса, кампир ҳам, қизи ҳам йўқ эмиш. Роса қидиришибди, топишолмабди. Чол Зумрад қизи билан шод-хуррам яшай бошлашибди».

Мазкур эртак минг йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб, ҳамма болалар жуда кичиклигидан у билан танишган ҳолда катта бўлишган. Богча ёшидаги болаларнинг деярли ҳаммаси уни тўлиқ қайта айтиб ҳам бера олишади. Ҳар даврда эртакнинг мазмун-моҳиятига жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжидан келиб чиқиб ёндашилган ва матннинг таҳлили ва талқини ҳам шу асосда чиқарилган. Бугун ҳам мактабгача таълим тизимида «сийқаси чиққан» мана шу «Зумрад ва Қиммат» эртакини муаммоли таълим

шаклидан фойдаланган ҳолда ташиқил этиши учун тарбиячи ҳар иккала қизнинг фазилатлари ва иллатларини аниқлашни муаммо шаклида белгилаб олиши мумкин.

Гап шундаки, Аллоҳнинг алоҳида яратилган бўлиши одамзоднинг идеал даражада яхши бўлиши ҳам, том маънода ёмон бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир одамда фазилатлар билан бирга иллатлар, иллатлар устувор бўлган ўринларда ҳам у ёки бу даражада фазилатлар мавжуд бўлиши аниқ. Буни ташиқаридан қараган зехни ўткир одам албатта англайди. Болаларда кичиклигидан мана шу сифатни – ўткир зехни шакллантиришида Зумрад билан Қимматга ўхшаган тимсоллар характери ва тутумларини дидактик таҳлилга тортиши орқали эришилади. Чунки улар ҳам худди шу бозча болалари сингари қизларнинг типик тимсоли. Болаларнинг ҳар иккала тимсолни англаш йўлидаги изланишлари уларнинг ўзларини ўзлари англашлари ва тарбиялашлари борасидаги ҳам ақлий, ҳам руҳий изланишларидир. Демак, муаммо: 1. «Зумрад бунча яхши қиз бўлгани ҳолда унинг характерида қандай салбий сифатлар мавжуд?» 2. «Қиммат характеридаги иллатлар билан уларнинг панасида қолиб кетган фазилатлар».

Юқорида айтилганидек, бу икки масалани эълои қилишнинг болалар учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бу тарбиячининг ва мактабгача адабий таълимнинг мақсади. Биринчи бу жараёни ташиқил этишга масъул бўлса, иккинчиси уни амалга оширишнинг вазифаларини белгилаб бериш учун жавобгар.

Тарбиячи шу мақсадда болаларни матн мазмуни билан таништиргач, мактабгача адабий таълимнинг вазифаларини амалга ошириши йўлида болаларнинг таассуротлари совимай дастлаб жўнгина жавоб талаб қилинадиган савол ва топшириқларни ўртага ташлайди: «Сизга қайси образ кўпроқ ёқди? Зумрад тимсолими ёки Қиммат образими? Нимаси билан ёқди? Қай жиҳатлари ёқмади? Бу ҳақда ўйлаб кўриб жавоб беринг» ва ҳк.

Албатта, ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам Зумрад ва чолга ижобий, кампир ва Қимматга салбий муносабат билдиришади. Боиси, одамнинг тийнатида заиф, синик, итоаткор ва муте одамларга нисбатан раҳмдиллику, ачиниш ҳисси кучли бўлади. Зумрад ёққанини, у яхши қиз эканини айтишади. Қимматни дангаса, иш ёқмас ва кўпол бўлгани учун ёқтиришмайди ва ҳк. шунга ўхшаш гаплар. Чунки, аввало, саволларнинг ўзи болалардан шундай жавобларни талаб қилмапти, қолаверса, улар

бундан бошқача жавоб бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайдилар. Улар айтишлари керак бўлган гапларни, ота-она, бобо-буви ва тарбиячилари уларнинг руҳиятига сингдириб юборган фикрларни айтадилар, ўзлари ўйлаганларини эмас. Ўзлари ҳали бошқача ўйлашга ўргатилмаган. Уларни бошқачароқ мулоҳаза юритишга ўргатишни ҳали тарбиячиларнинг ўзлари ҳам билишмайди.

Маълумки, Аллоҳнинг мунтазам назоратида турадиган ҳар бир инсон, жумладан, уларнинг типик тимсоли бўлган бадиий асарлар қахрамонларининг баъзиларида ижобий фазилатларнинг, яна бировлар табиатида салбий сифатларнинг ортиқроқ бўлиши, аввало, улар шаклланган ва яшаб ўтаётган муҳитнинг, томирларида оқаётган қоннинг, айна замонда, олаётганлари тарбиянинг ҳам маҳсулидир. Кўринадики, ҳар кимнинг табиатида ўзига яраша «плюс»лар ва «минус»лар мавжуд.

Болаларни бу ҳақиқатларни фарқлашга йўналтиш учун уларнинг олдига саволларни бошқачароқ шаклда: «Зумраднинг феълида қандай яхши фазилатлар мужассамланган? Аввало, шуларни санаб беринг. Улар Зумрада қачон, қандай қилиб шакллантирилган? Диққат билан ўйлаб кўрингчи, Зумраднинг феълида ҳам салбий жиҳатлар борми? Уларни нималарда кўриш мумкин? Қимматнинг феълида қандай ижобий сифатлар назарга ташланади? Улар нималарда кўринади, сизнингча? Қимматдаги эринчоклик, кўполлик, ишёқмаслик сифатлари унда қачон, қандай қилиб пайдо бўлган? Бунинг сабабчиси ким ёки нима деб ўйлайсиз?» тарзида қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда болалар уларнинг онгида автоматлашиб қолган жавобларни эмас, балки вазиятга бошқачароқ ёндашган ҳолда, ўзлари кашф этган ҳақиқатларни, жавобларни беришга мажбур бўлишади.

Бу саволлар моҳиятидаги ғоялар нафақат болалар, балки «боғча опа»ларнинг ўзлари учун ҳам қизиқ, албатта. Улар бу саволларга биргаликда жавоб топадилар.

Навбатдаги савол: *«Гуллар, қушлар ва ҳайвонлар нима учун Зумрадни яхши кўришади? Нега улар Қимматни ёқтириш-маяпти?»*га ҳам болаларнинг жавоби жўнгина ва автоматлашиб улгурган жавоблар – қизларнинг бири гулларни яхши кўриб парварishi қилгани учун ва иккинчиси уларни пайҳон қилгани учун эканлиги айтилади. Бу саволларга болалар ўз мустақил

жавобларини айтишлари учун уларни: «Нима учун Зумрад гулларни яхши кўради-ю Қиммат уларни ёқтирмайди? Бунинг сабаблари нимада, сизнингча? Нима деб ўйлайсиз, гулларни яхши кўрмаслик айбми? Яхши одам бўла туриб гулларни яхши кўрмаслик мумкинми ёки гулларни ёқтирмайдиган одамларнинг ҳаммаси ёмон одамлар бўладими? Нега шундай деб ўйлайсиз? Умуман, гуллар, қушлар, ҳайвонларда яхши кўриш хислати борми? Сиз буни қандай аниқладингиз?» шаклида бериш керак бўлади. Бу каби мустақил мулоҳазани талаб қиладиган саволларга болаларнинг кўпчилиги жавоб бера олмаслиги ҳам мумкин ва кўпчилигининг ёшида бу табиий ҳол ҳамдир. Аммо, мактабгача таълим муассасалари адабий таълими учун, болаларни кичиклигидан мустақил фикрлашга йўналтириш йўлида жавобнинг ўзи унчалик ҳам муҳим эмас, балки, болаларнинг шу каби алоҳида ҳодисалар ҳақида ўйлай бошлаши етакчи аҳамият касб этади.

Жуда кўпчилик тарбиячилар, ота-оналар, мактабгача тарбия педагогикаси билан шуғулланаётган мутасаддилар ҳам «бундай саволлар болаларга оғирлик қилади», деб ўйлашлари мумкин, албатта. Лекин шундай ҳақиқат ҳам мавжудки, бугуннинг болалари – ахборотлар оқими тезлашган жамиятда яшаётган болалар дунёқараши бизнинг бу даврдаги савиямиз, билимлилик даражамиздан анча кенг ва юқори. Таълим-тарбия жараёнидан давлат ва жамият болаларнинг бор даражасига мослашишни эмас, балки ҳозирги интеллектуал имкониятларидан уларнинг ўзлари учун оқилона фойдаланиб, эришган даражаларидан юқорига кўтаришни талаб этмоқда. Таълим-тарбия жараёни тарбияланувчиларнинг мавжуд ҳолатидан олдинроқда бўлиши, уларни янада олға етаклаши мақсадга мувофиқдир. Машғулотдан-машғулотга шу тарзда мушоҳада юритишга ундалган тарбияланувчилар аста-секинлик билан мустақил фикрлашга, ҳар қандай масалада ўзининг муносабатини билдиришга ўрганиб борадилар, ўзларида шахслик сифатларини шакллантиришда фаол қатнашадилар.

Болалар: «Сеҳргар кампир Зумрадни нима учун мукофотлади? Унинг сеҳргарлигини сиз нималарда кўрдингиз? Сандиқларнинг бирига зебу зийнат, иккинчисига аждарларни солиб қўйиш, сизнингча, сеҳрми? Қимматни дангасалиги ва ишёқмаслиги учун бирданига шу даражада жазолаш ўринлими, нима деб ўйлайсиз? Сизнингча, Зумрадга ўхшаш осонми ёки қийинми? Буни қандай билдингиз? Нега Қимматга ўхшашни истамаяпсиз? Унга ўхшаши

осонми, қийинми? Буни қандай билдингиз? Бу осонлик (ёки қийинлик)ни қандай тушунасиз, гапириб беринг. Қимматнинг дангаса, шиёқмас, эринчоқ ва инжсиқ қиз бўлиб қолишига нима сабаб бўлган деб ўйлайсиз? Зумраднинг ақлли, меҳрибон, меҳнатсевар қиз бўлишига нималар сабаб бўлган бўлиши мумкин? Ўзил болалар, Қимматга ўхшаган ўртогингиз бўлишини истайсизми? Нима учун?» каби саволларга жавоб беришаркан, тарбиячи уларнинг матн мазмунини такрорлашга чалғиб кетишларига йўл қўймаслиги, ҳар бир болани, иложси борича, ўз фикрини айтишига, бир-бирини такрорламасликка йўналтириши, алоҳида фикр айтган болаларни рағбатлантириб туриши мақсадга мувофиқдир.

Саволлар асосида суҳбат тугагач, маълум бўладики, ҳамма қизлар Зумрадга ўхшашни исташади. Ўзил болалар ҳам Зумрадга ўхшаган ўртоқлари бўлишни хоҳлашади. Энди болаларнинг диққати Зумрадга ўхшаши уларнинг ҳаётларида нималардан иборат эканини аниқлашга қаратилади ва болаларга Зумрадга ўхшашнинг замирида нималар ётишини аниқ тасаввур қилишлари учун уларни бунга йўналтирувчи саволлар ўртага ташиланади:

«Қани, менга айтингчи, ким эрталаб боғчага бориши учун ойиси уйготмасдан аввал, ўзи туради?»

Ётган ўрнини ўзи йиғиштирадиган болалар қўлини кўтарсин.

Эрталаб нонушта тайёрлашга ойисига ёрдам берадиган болалар борми орамизда? Бу ёрдам нималардан иборат бўлади?

Эрталаб ойисига хархаша қилмай нонушта қиладиган болалар қўлини кўтарсин-чи! Бу қандай бўлади?

Ойиси ишга шошилиб турганда у берган кийимни инжсиқлик қилмай киядиган қизлар қўлларингизни кўтаринг! Уйда ҳамиша ойисининг ёрдамисиз ўзи кийинадиган қизлар борми орамизда? Бу фаолият нималардан иборат бўлади?

Ким совга сўрамай, эрталабда ойиси ва адасининг асабини бузмай боғчага келади?

Боғчадан боргандан кейин мультфильм кўргиси келмай, уйларни йиғиштиргиси келадиган қизлар борми орамизда?

Кўчада ўртоқлари ўйнаб юрганда ойисига идишларни ювишга ёрдам бергиси келадиган қизлар, қўлингизни кўтаринг.

Ким телевизорда мультıklar кўрмай, айпад ва телефонда ҳар хил ўйинларни ўйнамай укаси (ёки сингиси)га қараб тургиси келади?» ва ҳк.

Бу каби саволлар болаларни зийрак торттириши аниқ ва

уларга жавоб бериши асосида болалар ўзларига таъқаридан назар ташлайдилар, кундалик ҳаётларини кузатадилар, хатти-ҳаракатларидоги яхши ва ёмон сифатларини тафтиши қиладилар. Тўғри, болалар орасида ўйлаб-ўйламай, саволларнинг мазмунига эътибор қилмай мақтанаверадиганлари ҳам бўлади, улар бола. Бу фаолият нимадан иборат бўлади? Шундай вазиятларда: «Бу фаолият нимадан иборат бўлади?» тарзидаги қўшимча саволлар уларни зийрак торттиради.

Тарбияланувчилар шу тариқа қаҳрамонлар шахси таҳлили асосида ўзларини ўзлари тарбиялаб борадилар. Зумрадга ўхшаган яхши қиз бўлиши осон эмаслигини, бунинг учун анчагина ҳузур-ҳаловатдан кечишга тўғри келишини, меҳнат қилиши кераклигини англашади. Дангасалик, эринчоқлик, ишёқмаслик, инжиқлик ёқимли сифатлар эканини, улар қанчалик ёқимли бўлса, шунчалик зарарли эканлигини болаларга аниқлаши керак бўлади. Қимматнинг ёмон қиз бўлиб қолишига, гуруҳларидаги ҳамма болалар уни ёмон кўриб қолгани сабабларига болаларнинг диққатини қаратиши ўринли бўлади.

Эртак мазмунидаги болаларнинг диққатини қаратиш лозим бўлган образлардан яна бири – бу чол тимсоли. Хўш, Зумраднинг отаси қандай одам? Оилада унинг ўрни, роли қандай? Тарбияланувчилар, айниқса, ўғил болалар бу ҳақда мулоҳаза юритиб кўришлари керак. У шундай қилмаслиги, яъни қизини адаштириб келмаслиги мумкинми? Чол нима учун бу ишни, кейин ўзи хафа бўладиган ишни қилди? Бу унинг характеридаги қандай сифатлардан далолат беради? Ўғил болалар бу ҳақда ўйлаб кўришининг ўзи, гарчи жавоб бера олмаганларда ҳам, шахслик, эркаклик сифатларининг илк куртаклари пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Болаларнинг диққатини ўгай она тимсолига ҳам қаратиш асарнинг дидактик таҳлили мукамаллигини таъминлашга хизмат қилади. Бу борада тарбиячининг савол ва топшириқлари қуйидагича бўлиши мумкин: «1. Зумраднинг маеҳнатсевар, ақлли қиз бўлишида ўгай онанинг қандай хизмати бор деб ўйлайсиз? 2. Қимматнинг дангаса, ишёқмас ва инжиқ қиз бўлиб қолишида ўгай онанинг хизмати, хатолари нимадан иборат, Сизнингча? 3. Ўгай она ўз қизи Қимматни яхши кўргани ҳолда унинг ҳам яхши қиз бўлишини истаса, нима қилиши керак эди? 4. Ўгай она иккала қизнинг ўрток, бир-бирига меҳрибон бўлиб катта бўлишини хоҳлаганда нималар қилиши мумкин эди? 5. Ўгай она ва

Қимматнинг фожеасида кимни айбдор деб биласиз? Нима учун? Фикрингизни асосланг ва ҳк.». Бу саволларга жавоб бериш асносида болалар ўгай она тимсоли моҳиятига ҳам чуқурроқ қирадилар. Катталарнинг ҳам хато қилишлари мумкинлигини, бунинг сабаблари ва оқибатларини элементар шаклда илғайдилар.

Сеҳргар кампир тимсолида ҳам болаларни ўйлашга ундайдиган жиҳатлар бор. Буни тарбиячи қуйидаги савол-топшириқлар мисолида амалга оширади: 1. Сеҳргар кампир Қимматни дангасалиги, инжиклиги учун жазолашга, уни онаси билан бирга ўлимга маҳкум қилишга қанчалик ҳақли? У тўғри қилдими ёки нотўғри қилдими? Нима учун шундай деб ўйлайсиз? 2. Сеҳргар кампир Қимматга ҳам меҳр кўрсатишда давом этса, унга ҳам зебу зийнатга тўла сандиқ берса, Қиммат ҳам яхши қиз бўлиши мумкинмиди, нима деб ўйлайсиз? 3. Айтингчи, сеҳргар кампир нима учун Қимматни тарбиялашга уринмади? Унга насиҳатлар қилмади? Яхши қиз бўлса қимматбаҳо совғалар беришини айтиб уни яхшиликка чақирмади? ва ҳк.».

Мана шулар ҳақида батафсил фикр алмашингандан сўнг тарбиячи болаларни Зумрад характеридаги салбий жиҳатлар ҳақида ўйлаб кўришга йўналтиради:

1. Ўйлаб кўрингчи, Зумрад синглиси Қиммат билан муносабатда қандай хатога йўл қўйган?
2. У синглиси билан ўртоқ бўлиши мумкинмиди? Буни у қандай амалга ошириши мумкин эди, Сизнингча?
3. Агар опа-сингил ўртоқ ва иноқ бўлишганда нималар бўлиши мумкин эди-ю, нималар бўлмаслиги мумкин эди?
4. Қимматнинг дангаса, ишёқмас бўлиб қолишида Зумраднинг ҳам айби борми? Сиз бу хатоликни нималарда кўрасиз?
5. Яхшилаб ўйлаб кўринг-чи, Қимматнинг бирорта бўлса ҳам яхши иши борми?
6. У онасини яхши кўрадими? Сиз буни қандай аниқладингиз? У онасининг айтганларини қиладими?
7. Қимматнинг сеҳргар кампир берган сандиқни оғир бўлса ҳам уйигача ўзи кўтариб келгани ундаги қандай сифатдан далолат беради?

8. Қимматнинг қизиқиб кетиб сандиқни йўлда очмагани, уни кампир айтгандек уйига борганда очганида бирор фазилат кўриш мумкинми?

9. Ўйлаб кўрингчи, Қимматни Зумрад опаси ўзи билан иш қилишга ўргатса, у опасига ёрдам бериши мумкинмиди?

10. Айтинг-чи, Қиммат қандай қилса, уни ҳам ҳамма яхши кўрадиган одобли қиз бўлиши мумкин? Сиз унга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Бу саволларга жавоб бериш асносида болалар муаммонинг ечимини келтириб чиқарадилар. Кўринадикки, муаммоли таълим жуда ҳам узок ҳодиса эмас экан. Болалар бу кашфиётларини ўзлари англамасликлари аниқ. Бу бевосита тарбиячининг вазифаси. У болалар тақдим этган ҳақиқатларни илғаш ва билимдонларни рағбатлантириб қўйиши ўринли бўлади.

Эртақдаги барча тимсоллар: Чол, Ўгай она, Сехргар кампир, хусусан, Зумрад ва Қимматга хос бўлган барча сифатлар таҳлили, одам характериға хос бўлган фазилатлар ва иллатларни, уларнинг келиб чиқиши сабабларини ўзларининг кичкинагина тасаввурлари ва тафаккурлари доирасида муҳокамага тортган болалар эртага фикр кишилари бўлиб шаклланишлари, одамларни, ҳаёт ҳодисаларини зийраклик билан ўрганишлари аниқ.

Бундан ташқари, тараққиётнинг мазкур босқичида адабий қаҳрамонлар шахси, хатти-ҳаракати, фаъл-атворини шу тарих таҳлил қилиб ўрганган болалар таълимнинг кейинги босқичларида бадий асарлар устида ишлаганда ҳам, ўз ҳаётлари давомида юз берган воқеа-ҳодисаларга ҳам ўзларича мустақил ёндаша бошлайдилар. Аста-секинлик билан оқ-қорани, тўғри-нотўғрини, ҳалол-ҳаромни фарқлаб, яхшиларини ўзига сингдириб, ёмонлардан қочиб шаклланадилар. Ўз маънавий камолотлари йўлида ўзлари бевосита иштирок этадилар.

Т. Адашбоев. Мерч шафтоли ва резина нок хангомаси.

Муаммоли таълимда тарбияланувчининг билишга бўлган эҳтиёжси қўйилган мақсадга эришиш йўлида маълум амалий ёки назарий билимлар, фаолиятнинг шартлари ва усуллариға муҳтожликнинг ҳис этилишидир.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мустақил мулоҳаза сохиби бўлиб шаклланишлари, яхши ёки ёмонни маълум билимларга, мустаҳкам асосларга таяниб фарқлашга ўргатишда таникли болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг «Мерч шафтоли ва резина нок ҳангомаси» номли шеърдан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи аввал шеърдаги барча қушлар образини Олаҳакка (сурати экранда намойиш этилади), Қораялок (бу қушнинг ҳам тасвири тақдим этилади), Олақанот билан Ҳакка (болаларга бу қушларни ҳам таниб олиш имконияти яратилади)нинг суратини тайёрлаб қўяди. Агар уларнинг тасвирини экранда намойиш этиш имкони бўлмаса, ҳар бир қушнинг расмини хаттахтага ёпиштириб қўйиш ҳам мумкин. Бу асарни методика илмида ўзига хос ўринни эгаллаган индуктив методидан фойдаланилган ҳолда муаммоли тарзда қуйидагича ташкил этиш мумкин. Тарбиячи аввал шеърни ифодали ўқиб беради. Сўнгра бу қушлар мажлиси эканини, унда мажлис раиси Олаҳакка, унинг котиби Қораялок эканини, Олақанот билан Ҳакка асосий маърузачилар эканини айтади. Ҳар бир қушни суратлари асосида болаларга таништиради. Ҳар бирига хос бўлган индивидуал хусусиятларни болалардан сўрайди. Болалар кўриб турганлари суратлар асосида тарбиячининг йўналтирувчи саволлари кўмагида қушларнинг ташқи жиҳатини ва уларнинг кўринишдаги фарқларини аниқлаб оладилар. Бу индуктив методнинг иш тури ҳисобланади.

Мерч шафтоли ва резина нок
хангомаси³⁵

Олаҳакка.
Қораялок
Бўлди котиб.
Олақанот
Бутун нотик:
– Турнақатор
Келар мошин,

Етолмайди
Унга Лочин.
Мевали боғ,
Шинам пакка.
Давра боши
– Турнақатор
Келар мошин,
Етолмайди
Унга Лочин.
Тар мевалар,
Ҳар мевалар,
Лол қоласан

³⁵ <http://ijod.uz/?p=11485>

Кўриб чиндан.
– Юклар қайдан?
– Чин Мочиндан.
Олма, ноклар,
Шафтолилар
Мевали боғ,
Шинам пакка.
Давра боши Татиб
кўрмай
Шарт олинар.
Дориланган,
Товланади,
Харидорлар
Довланади.
Ризвон хола
Олган нок ҳам,
Шафтолилар
Эди кўркам.
Ҳасанбойнинг
Кўзи ёнди,
Битгасини
Секин олди.
Жуда қизик
Бўлди ишлар:
Нокка ўтмас
Курак тишлар.
Чандирликда
Ўзинар нок,
Резинадай
Чўзилар нок.
Сўнг ирғитди
Олапарга,
Чўкимади
Ҳатто қарға...

Дон тўкилар
Сарагидан,
Қовун, тарвуз
Палагидан.
Шафтоли мерч,
Кўчмайди ҳеч
Данагидан.
Хусан шартта
Отди томга,
Мўлжал оғиб,
Тушди жомга.
Тўқол эчки
Қарамади,
Ҳатто уни
Яламади.
Ҳакка сўзлар:
– Азиз дўстлар,
Дехқон бобом
Омон бўлсин,
Доруломон
Замон бўлсин.
Боғда ўтар
Ҳар чоғимиз,
Ёзилади
Чарчоғимиз.
Билмаймиз-да
Ҳаммамиз ҳам,
Қуртлар еган
Олмамиз ҳам
Четдан келган
Асаллардан
Жуда ширин
Азаллардан.

Болаларда шеър мазмуни хақида озгина тасаввур пайдо қилгач, тарбиячи биринчи «маърузачи» Олаканотнинг сўзларини қайта ўқиб эшиттиради: «Турнақатор Келар мошин, Етолмайди Унга Лочин. Тар мевалар, Ҳар мевалар, Лол қоласан Кўриб чиндан. — Юклар қайдан? — Чин Мочиндан. Олма, ноклар, Шафтолилар Татиб кўрмай Шарт олинар. Дориланган, Товланади, Харидорлар Довланади. Ризвон хола Олган нок ҳам, Шафтолилар Эди кўркам. Ҳасанбойнинг Кўзи ёнди, Биттасини Секин олди. Жуда қизиқ Бўлди ишлар: Нокка ўтмас Курак тишлар. Чандирликда Ўзинар нок, Резинадай Чўзилар нок. Сўнг иргитди Олапарга, Чўқимади Ҳатто ҳакка... Шафтоли мерч, Кўчмайди ҳеч Данагидан. Ҳусан шартта Отди томга, Мўлжал оғиб, Тушди жомга. Тўқол эчки Қарамади, Ҳатто уни Яламади».

Сўнгра баъзи сўзларнинг изоҳи берилади: тар – сара, сархил; Чин Мочин – Хитой; довланмоқ – хурсанд бўлмоқ, кайфияти кўтарилмоқ.

Шундан кейин болаларга қуйидаги йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилинади: «Турнақатор машиналар қаёқдан келаётган экан? У юк машиналарида нималар олиб келинаётганини билдингизми? Одамлар Хитойдан келтирилган бу меваларни татиб ҳам кўрмай нимасига қизиқиб олишяпти? Ризвон хола олган нок, олма ва шафтоли қандай экан? Буни ким аниқлади? Нега шундай «кўркам» меваларни Олапар ҳам, Ҳакка ҳам, ҳатто Тўқол эчки ҳам емади?» ҳар бир саволга болалар матндан англаганлари, ўз тушунчалари асносида жавоб берадилар. Саволларни бериш асносида тарбиячи Хитойдан келтирилган, бизнинг бозорларимизда сотиладиган катта-катта, чиройли, ялтироқ нок, олма ва шафтолиларни стол устига қўяди. Болалар шеърда ифодаланган ҳақиқатларни ўз кўзлари билан кўрадилар. Сўнгра уларга: «Ўйлаб кўрингчи, бу мажлисда котиб Қораялоқ нима иш қилган бўлиши мумкин?» деган саволни ўртага ташлайди. Тарбиячининг бу саволи тарбияланувчиларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Бу саволга жавоб бериш учун ўйланаётган айрим болаларнинг фантазияси уйғониши ҳам мумкин. Буни, албатта, вазият кўрсатади. Шу ўринда тарбиячи жуда зийрак бўлиши, фавқулодда фикрни фарқлаб олиши ва рағбатлантириши болаларни руҳлантиради.

Бу муҳокамадан кейин тарбиячи иккинчи маърузачи Ҳакканинг «маъруза»сини ўқиб беради: «— Азиз дўстлар, Деҳқон бобом Омон бўлсин, Доруломон Замон бўлсин. Богда ўтар Ҳар чоғимиз, Ёзилади Чарчоғимиз. Билмаймиз-да Ҳаммамиз Қуртлар еган Олмамиз ҳам Четдан келган «Асал»лардан Жуда ширин Азалардан...» ва ўз боғларимизда етиштирилган олма, нок, шафтолиларни стол устига қўяди.

Энди Ҳакка нутқидаги ҳақиқатлар савол-топшириққа айлантирилади: «Нима деб ўйлайсиз, меваларнинг асилини кимлар яхши биларкан? Ризвон холами ёки кушларми? Улар буни қачондан билишади? «Четдан келган «Асал»лар» деганда сиз нимани тушундингиз? Улар ростдан ҳам «асал»ми? Жуда ширин Азалардан...» деганда нималар назарда тутиляпти деб ўйлайсиз? ва ҳк.». шу ўринда «импорт» ва хонаки мевалар ташқи жиҳати билан таққосланади. Ризвон хола нима учун «Татиб кўрмай Шарт ол»гани ҳақида болаларнинг фикри сўралади. Жавоблар эшитилади, салмоқли фикр айтган болалар баҳоланади.

Сиртдан караганда бу ҳазил шеърдек, болалар учун битилгандек кўринади. Шу каби савол-топшириқлар билан унинг моҳиятига кирилса, шеърда катта ҳаётий муммо ўз аксини топганлигини пайқаш мумкин. Бу муаммони фарқлаш ва унинг ечимини болалар билан бирга топиш учун тарбиячи қуйидаги муаммоли саволни ўртага ташлаши мумкин: «Ташқи гўзаллик ва ички мазмун. Сиз учун қайси бири муҳим?»

Тарбиячи тарбияланувчилари билан биргаликда бу муаммоли саволнинг ечимини топишга киришади ва бир қатор йўналтирувчи, мангикли савол-топшириқлар билан болаларга муурожаат қилади. Аввал қуйидаги сатрларни қайта ўқиб беради: *Ҳасанбойнинг Кўзи ёнди*» сўнгра бунинг сабабини сўрайди: «Нима деб ўйлайсиз, Ҳасанбойнинг кўзларини «ён»дирган нарса нима? «Тар мевалар, Ҳар мевалар, Лол қоласан Кўриб чиндан». Бу фазилатлар қайси меваларнинг қай жиҳатига тегишли? Ташқи кўринишидан жуда чиройли бўлган шафтолининг асл мазмуни, ички хусусияти: «Шафтоли мерч, Кўчмайди ҳеч Данагидан» бундай. Сиз қайси шафтолини еган бўлардингиз? Нима учун?»

Муаммонинг ечими йўлида давом этиб тарбиячи шеърдаги мазкур сатрларни қайта ўқиб беради: «Олма, ноклар, Шафтолилар Татиб кўрмай Шарт олинар. Дориланган, Товланади, Харидорлар Довланади». Шоирнинг фикрига диққат қилинг. Чет элдан келтирилган меваларнинг товланиши, чиройлилигининг сабаби нимада экан?

Ўйлаб кўрингчи, Ҳасанбой нима учун шафтолини ўзи емай уни Олапарга берди? Нега шундай чиройли шафтолини «Чўқимади Ҳатто қарга?» Нега уни тўқол эчки ҳам емади, ҳатто ялаб ҳам кўрмади? Ўйлаб кўрингчи, Хитойдан келтирилган мевалар нима учун бундай чиройли экану, ўзи бемаза экан?

Сухбат якунига етгач тарбиячи ҳар бир меванинг иккала турини ҳам тозалаб, тарбияланувчиларнинг сонига қараб бўлаклайди, ёнма-ён қўйиб тахлайди ва болаларни меваларни еб кўришга таклиф этади. Импорт ва хонаки меваларни еб кўриб таққослашларини сўрайди. Болалар шеърда илгари сурилган ҳаётий ҳақиқатларга амалий намуна асосида амин бўладилар.

Болалар саволларга жавоб бериш, мазасини татиб, солиштириб кўриш асосида шеърдаги ҳаётий ҳақиқатларни англаб оладилар. Ризвон холани алдаган, ҳатто татиб ҳам кўрмай олишга ундаган, невараси Ҳасанбойнинг ҳам «кўзларини ёндирган» ташқи гўзаллик қанчалар алдамчи эканини, ҳар нарсанинг моҳиятан гўзали чин маънода яхши бўлишини анлаб етадилар.

Шу тариқа муаммонинг ечими ҳам топилади. Болалар учун ёзилган кичкинагина бир шеърда ифодаланган ҳаётий ҳақиқат унинг таҳлили асосида шаклланиб келаётган кичик шахснинг руҳиятида ташқи гўзаллик алдамчи экани, ҳақиқий гўзаллик мазмунда, моҳиятда бўлиши ҳақида тасаввур шаклланишига кўмаклашади.

«Тошбақа билан чаён» масали

*Муаммоли вазият нечоғли табиий чиқса,
ҳаётий реал ҳодисалар билан қанчалик яқинлашса,
тарбияланувчининг диққати ва аввалги
билимлари шу муаммога қаратилиб,
уни ечиш йўллари танланади.*

Тошбақа бирла бўлиб ўртоқ чаён,
Аҳд этишиб дўст бўлишиб жонажон.

Бир куни қилмоқчи бўлишди сафар,
Боғлашубон чикди икови камар.

Йўлда чаён тошбақага лоф уруб,
Дедики: «Боқсам агар ўйлаб туриб,

Манча санга суйгули йўқ меҳрибон,
Сен тану гўё анга мен мисли жон».

Бул арода йўл тушиб анҳорга,
Қолди чиён ҳайрати душворга.

Тошбақа боқиб деди: «Эй ошно?
Нега кўринди юзингда жофа?»

Деди чиён «Сузмоқа йўқ одатим,
Қолмоқа ажраб яна йўқ тоқатим.

Тошбақа деди: «Ема ғам, мин мени,
То кўтариб сувдан ўтарман сени».

Тошбакани минди чиён ётқизиб,
Тошбақа кетди сув ичига сузиб.

Йўлда чиён тошбақадек дўстига
Урди бир-икки нишини пўстига...

Тошбақа билди, деди: «Феъли ёмон,
Не ҳаракатлар қиласан бу замон?»

Деди чиён: «Заҳар солув одатим,
Одатими таркига йўқ тоқатим.

Гарчи турубсан менга хизмат этиб,
Мен соламан захрими фурсат топиб.

Тошбақа деди: «Бу на фосид хаёл
Қайт бу ишингдан, бали, нишингни ол.

Дўст дебон, душманнинг қилма ишин!
Ўйла сенам, оқибатинг келмишин!

Деди чиён: «Бўлмаса ўз хоҳишим,
Бошқа насиҳатга мени йўқ ишим.»

Тошбақа ҳам билдики, бўлмас боқиб,
Шўмғиди бир, кетди чиён ҳам оқиб.

Ҳисса: кими ғайрни улфат этар.
Ўз-ўзича бошига кулфат етар

Муаммо: «Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин»

«Тошбақа билан чаён» масалининг наср варианты ҳам мавжуд. Лекин Ҳ. Ҳ. Ниёзий қаламига мансуб мазкур масал³⁶ шеърий жанрда ёзилгани билан диққатга сазовор. Чунки тизимга солинган сўзнинг одамга ижобий таъсири кучлироқ экани назарда тутилса, мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар учун масалнинг шеърий варианты ёқимлироқ бўлади. Масал устида иш олиб бориш учун аввал унинг мазмуни, масалда илгари сурилган ғоя бор мазмун-моҳияти билан тарбиячи томонидан яхшилаб англаб олиниши, сўнгра боғча опа матннинг ифодали ўқилишини бир қарра машқ қилиши, мақсадга мувофиқдир. Мактабгача адабий таълим жараёнида тарбияланувчиларни бадиий асар матни билан таништирганда ҳар бир тимсолга унинг характер хусусиятидан келиб чиққан ҳолда овоз танлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масални ўқиб бериш учун ҳам тарбиячи тошбақанинг овозини оғир-босиқ, салобатли, мўйсафидона чиқишини, чаённинг эса енгил, қалбаки оҳангда гапиришини таъминлашни аввалдан машқ қилиши керак бўлади.

Тарбияланувчиларга икки оғиз масалларга хос бўлган хусусиятлар ҳақида (қуйидаги назарий маълумот асосида)

³⁶<http://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/6-mart-hamza-hakimzoda-niyoziy-1889-1929-tugilgankun.html>

қисқача, болаларга тушунарли тилда маълумот бериб ўтиши ҳам фойдадан холи бўлмайди. Масал (арабча – намуна, мисол) – дидактик адабиёт жанри. Масал таълимий характердаги, аксарият кичик шеърӣ, баъзан насрий шаклдаги асар. Масалда инсонга хос хусусиятлар, жамиятга хос ижтимоий ҳодисалар, муносабатлар қушлар, ҳайвонлар орасидаги муносабатлар ва табиат ҳодисалари воситасида акс эттирилади. Мазмуни мажоз асосига қурилади, комиклик ва киноянинг, ижтимоий танқид мотивларининг устунлиги масалга ҳажвий руҳ бағишлайди. Масалнинг ҳикоя қисми ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, новелла ёки латифаларга яқин бўлиб, хотимаси, таълимий хулосаси мақол, ҳикматли сўз ва иборалар тарзида бўлади. Масал материаллари аксарият эртақ, новелла, латифа ва бошқаларда ҳам қўлланилиши мумкин. Рамзли ҳикоядан фарқли равишда масалнинг ўз анъанавий образлар ва мотивлар доираси мавжуд бўлади (ҳайвонлар, ўсимликлар, қушлар, муайян тизимдаги одамлар ва ҳк.)³⁷.

Тарбиячи тошбақа ва чаён тимсолларида ҳам одамларга хос бўлган хусусиятлар акс эттирилганини баён қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир одамнинг ўзига хос фазилатлари ва иллатлари мавжудлигини, оқил одам ҳамisha мукамаллик сари интилишини, комиллик сари юз бурган одам Аллоҳнинг рағбатлари-ю марҳаматларига сазовор бўлишини тарбиячи, аввало, ўзи чуқур англаб олиши мақсадга мувофиқдир. Чунки у ҳар бир асарни ўзи қандай англаса, тарбияланувчиларини ҳам шу ҳақиқатларга йўналтиради. Яъни, ўзининг даражасида тарбиялайди.

Асар матни билан танишилгандан сўнг болалар билан биргаликда масалдаги етакчи фикр аниқлаб олинади: «Ўйлаб кўринглар-чи, масал нима ҳақда экан?» Болалар асарнинг дўстлик ва дўст танлаш ҳақида эканини айтадилар, албатта.

Сўнгра болалар билан биргаликда аввал тошбақага хос бўлган фазилатлар «огир-босиқ; ўзига ишонган; зийрак; доно; чаённинг феълени билади; ҳаммани ўзидек яхши деб билади; ҳаммага бирдек яхшилик қилади; дўстга содиқ; ерда ҳам юра олади, сувда ҳам суза олади»га, кейин унинг табиатидаги иллатлари: «дўст танлашни билмайди; ҳаммани ўзидек яхши деб билади; ҳаммага бирдек

³⁷ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Masal>

яхшилик қилаверади»га алоҳида эътибор қаратилади. Сўнгра ва чаёнга хос бўлган фазилатлар: «*дўст танлашни билади; ўзининг заиф томонларини билади; дўстини йўқотишни истамайди; ўзининг табиий хусусиятига ҳиёнат қилмайди*» ва иллатлар: «*мақтанчоқ; енгилтабиат; дўстликни асрашни билмайди; қилмишлари оқибатини ўйламайди; сузишни билмайди; айёр; тор доирада фикрлайди; вазиятга қараб иш тутишни билмайди*» аниқлаб олинади. Ҳар бир сифатнинг моҳиятига биргаликда кирилади. Яъни: «Оғир-босиқ» деганини қандай тушуниш мумкин? «Зийрак» сўзи нимани англатади? «Енгилтабиат» дегани нима дегани? ва ҳк. Фазилат нима, иллат нима экани ҳақида ҳам ўқувчиларнинг фикрлари сўралади. Тошбақа ва чаён образлари мисолида кимнинг фазилатлари кўп бўлса бу – яхшиликнинг белгиси экани, табиатида иллатларнинг устувор бўлиши кишиларни жазоларга маҳкум этиши ҳақида суҳбатлашишади. Одамзодга хос бўлган шундай сифатлар борки, улар барча учун умумий бўлиши ҳам мумкин. Тошбақа билан чаёнга хос бўлган умумий сифатларга ҳам тарбияланувчилар диққати қаратилади: «*иккаласи ҳам дўсти бўлишини истайди; сафарни хуш кўришади*». Шундан сўнг масал матни юзасидан тақдим этилган савол ва топшириқларга мурожаат қилинади.

Уларни тарбиячи бирма-бир ўртага ташлайди ва тарбияланувчиларнинг жавобларини эшитади. Жавоблардаги етакчи, оригинал фикрлар, асосли, мустақил қарашлар соҳибини рағбатлантириб бораверади. Болаларга насиҳат қилишни эса тарбиячи масалнинг ўзига қолдирган маъқул. Яъни у: «Яхши одам бўлиш керак. Чаёнга ўхшаб ўртоғига ёмонлик қилиш керак эмас» ва ҳк. сингари «ақлли» гапларни айтиши табиий тарбиявий жараёнга ҳалақит беради. Улар болаларнинг масал таҳлили асносида олаётган завқи ва ўз-ўзини тарбиялаш ишига путур етказилади. Болалар савол ва топшириқларга жавоб бериш учун бу масалалар ҳақида ўйлашганда, ҳар иккала қахрамоннинг хатти-ҳаракатига муносабат билдиришганда табиий равишда ўзларини ўзлари тарбиялаб бораверадилар. Тарбиячи бу табиий жараённи ўз ҳолига қўйиши, бадий асрнинг ўз ишини бажаришига имкон бериши шарт.

Масал мазмунидан, тимсолларнинг ўзаро муносабатидан англаш мумкинки, тошбақа қари, ҳаётий тажрибаси катта, ҳеч нимадан кўркмайди. Узоқ умри давомида орттирган тажрибаси,

Аллоҳ томонидан берилган хусусиятларини яхши билиши унинг ўзини тутишдаги оғир-босиқлиги, донолиги, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини йўқотмаслигида кўриниб туради. Тошбақа ўзининг чаёндан кучли эканини, унинг қалқони олдида чаённинг ниши ва захари ҳеч эканини жуда яхши билади. Ҳеч қачон ортиқча ҳаяжонланмайди. Шунинг учун чаённинг «феъли ёмон» эканини билса ҳам унга дўст сифатида ўз садоқатини кўрсатиб устига минишни таклиф этади.

Чаён эса ёш, ҳаётий тажрибаси ҳам кам, ақли ҳам калта, шу боис калта ўйлайди. Икки оғиз ширин сўзи: *«Боқсам агар ўйлаб туриб, Манча санга суйгули йўқ меҳрибон, Сен тану гўё анга мен мисли жон»* билан доно «тошбақани лақиллатдим» деб хаёл қилади. Атрофидагиларни ҳам ўзидек бефаросат деб ўйлайди. Тошбақанинг оқил ва доно эканини тасаввур ҳам қилолмайди. Ўзини устига чиқарганини тошбақанинг аҳмоқлиги деб тушунади. Чаён ўзини ақли фахмлайди ва ҳеч қачон, ҳеч кимни устига чиқармайди. Чунки у бошқаларга ўзидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Чаённинг бефаросатлиги, билимсизлиги шундаки, у ўзининг сузиш борасида укувсизлигини била туриб (*Сузмоқа йўқ одатим, Қолмоқа ажраб яна йўқ тоқатим*) ҳам тошбақага нишини уради. Кўриб турибди, тошбақа сувда сузиб кетяпти, мободо уни захарлай олган тақдирда ҳам нафақат тошбақа, балки ўзи ҳам ҳалок бўлиши мумкинлигига фаросати етмайди. Тошбақанинг ҳаяжонланиб айтган: *«Бу на фосид хаёл Қайт бу ишингдан, бали, нишингни ол. Дўст дебон, душманнинг қилма ишин! Ўйла сенам, оқибатин келмишинг!»* тарзидаги огоҳлантиришига қарамай ишини давом эттираверади. Чаён озгина мулоҳаза қила олганда, тошбақанинг оқилона фикрига кулоқ солишга фаросати етганда бу кўргилик бошига тушмаган бўларди. Шу ҳолатни «Агар чаён ақлли-фаросатли бўлганда нима қилган бўларди?» тарзида саволга айлантириб болаларнинг эътиборига ҳавола қилиш ўринли бўлади.

Тарбиячи тарбияланувчиларни қиссадан масалдагидан бошқачароқ, ўз тушунчаси доирасида ҳисса чиқаришга йўналтириши мақсадга мувофиқдир. Қиссадан муаллиф: *«Ҳисса: кими гайрни улфат этар, Ўз-ўзича бошига кулфат этар»* тарзида хулоса чиқарган. Бу хулоса, мантиқан масал мазмунига тўлиқ мос келмайди. У бадийят тақозосидан чиқарилган ҳисса. Гайрни ошно этгани учун тошбақанинг бошига ҳеч қандай кулфат етгани йўқ. Чаённинг кулфати эса ғайр тошбақани ошно этгани учун эмас,

балки ўз бефаросатлиги, билимсизлиги, калта ўйлаши, енгилтаклиги туфайли келди. Болалар мана шу дидактик ва ҳаётий ҳақиқатларни англаган ҳолда шу йўналишда ўз фикрларини айта билсалар, масал ҳам, мактабгача адабий таълим ҳам ўз мақсадига эришган бўлади. Гуруҳда шундай хулоса чиқара олган битта бола бўлса, адабий таълим ўша бола учун ишлаши, қолганларни унинг ортидан ўз имкониятлари даражасида эргашишини таъминлашга хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар боғчаларида, умуман, таълим тизимида адабиётнинг бу тарзда ўқитилиши, яъни Ж. Родари айтмоқчи: «...сўзга эркин эгаллик қилиш – барчанинг санъаткор бўлиши учун эмас, балки ҳеч ким қул бўлмаслиги учун зарур»дир.

Боғча опа масал мазмуни билан боғлиқ мана шу ҳақиқатларни ўзи яхши англаб олса, машғулот жараёнини ҳам шунга қараб бошқаради, савол ва топшириқлари билан болаларни шу ҳақиқатларни англашга йўналтиради. Бу фаолиятини муаммоли машғулот шаклида ташкил этиш учун у ўзича: «Дўст бўлиш осон, лекин уни сақлаш қийин» тарзида муаммо қўйган. Машғулот сўнгида мана шу ҳақиқатнинг болалар томонидан англанишига эришишга ҳаракат қилади.

Маълумки, дўст бўлиш фазилат. Ҳар кимнинг ўзига содиқ, ҳамфикр, ҳамдард ва ҳамкор дўсти бўлиши – унинг катта ютуғи. Ҳатто чаёндек зараркунанда яратик ҳам дўсти бўлишини истайди. Лекин бундай дўст билан дўстликни сақлаб қолиш осон иш эмас экан. Шу ўринда муаммонинг ечими сари интилган ҳамкорларига тарбиячи яна бир қадар савол ва топшириқлар билан мурожаат қилади:

1. Нима деб ўйлайсиз, одамга дўст нима учун керак?
2. Тошбақанинг дўстига садоқати унинг қайси хатти-ҳаракатларида намоён бўлган, сизнингча?
3. Чаённинг қайси тутумлари унинг дўстликни асрашни билмаслигидан далолат беради?
4. Чаён Тошбақа билан дўстлигини асраб қолиш учун нималар қилса тўғри бўларди?
5. Нима деб ўйлайсиз, Чаёнга бу дўстлик керакми? Фикрингизни асосланг.
6. Ўйлаб кўрингчи, кимнинг дўсти кўп бўлади? Нега?
7. Дўстлар билан муносабатни сақлаб туриш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз? ва ҳк.

Тарбиячи тарбияланувчилари билан мана шу каби мантиқли саволларга жавоб бериш асносида юқорида кўйилган муаммонинг ечими сари борадилар. Дўст, дўстлик, дўстликни асраш сингари тушунчаларнинг моҳиятига кирадилар. Бу жараёнда назоратчи ва баҳоловчининг зийраклиги ва одиллиги болалар англаган ҳақиқатларнинг руҳиятида ўрнашиб қолишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Уйга вазифа сифатида масалнинг иккинчи тугабини, яъни Тошбақа билан Чаённинг дўстлиги сақланиб қолган ҳолатини эртак шаклида яратиб келишни топшириш мумкин. Эртакчи болаларнинг масал матнини қайси ўрнидан кесиб олиб янги эртак яратганлари муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи бунга алоҳида эътибор қаратмоғи мақсадга мувофиқдир. Гарчи бу топшириқ бажарилмай қолган тақдирда ҳам кимнингдир бу вазифани бажаришга уринганлигининг ўзи ҳам бесамар кетмайди. Боланинг шу йўналишда изланганининг ўзи ижодкорлик фаолиятининг бошланишидир.

Ёки Тошбақанинг, Чаённинг расмини алоҳида-алоҳида чизишни, ёхуд иккаласининг сувда сузиб кетаётгани тасвирини чизиб келишни ҳам уй иши шаклида топшириш мумкин. Бу уй вазифалари ихтиёрий бўлиб уни ҳар ким ўз иқтидори, қобилияти ва имкониятидан келиб чиқиб бажаради. Кейинги дарсда чизилган суратлар ҳам, яратилган эртаклар ҳам муаллифлари томонидан «ўқиб» берилади. Суратлар шарҳланишига, эртаклар эса мазмун-моҳиятига ва асл матннинг қаеридан кесиб олиниб давом эттирилганига қараб баҳоланади, рағбатлантирилади.

Боғча опа, аввало, ўзи ўйлаб кўриши ва жавоб бериши, қолаверса, соддалаштирган, болаларга мослаштирган ҳолда машғулот жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган савол ва топшириқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Масалнинг ҳар иккала қаҳрамони фазилатларини такрорланг. Сиз билан биз ёмон деб билган Чаён тимсолида ҳам қандайдир фазилатлар мавжудлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

2. Тошбақа билан Чаён образларига хос бўлган сифатларни одамларга кўчиринг. Идеал даражада яхши одам бўлмагани сингари том маънода ёмон одам бўлмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг. Фикрингизни масалдаги ҳар иккала тимсол мисолида асосланг.

3. Тошбақанинг зийраклиги, оқиллиги ва донолигини унинг қайси хатти-ҳаракатида кўриш мумкин, сизнингча?

4. Тошбақанинг қайси тутумларида унинг ўзига ишончи намоён бўлган деб ўйлайсиз?

5. Тошбақанинг қайси гапи унинг Чаён феълидан хабардорлигини кўрсатади?

6. Чаённинг дўст танлашни билишини нималардан англаш мумкин деб ўйлайсиз?

7. Чаённинг ўз заифликларини билиши масалнинг қайси ўринларида акс этган?

8. Чаёнга хос бўлган «дўстни йўқотишни истамаслик» фазилатини унинг қайси гапларида англаш мумкин, сизнингча?

9. Нима деб ўйлайсиз, чаёнга хос бўлган табиий хусусият нима? Ўйлаб кўрингчи, Аллоҳ томонидан чаёнга берилган бу сифатнинг фойдали томонлари ҳам борми?

10. Масалдаги Чаён тилидан айтилган «*Бўлмаса ўз хоҳишим, Бошқа насиҳатга мени йўқ ишим*»да унга хос бўлган қандай фазилат акс этган?

11. Чаёнга хос бўлган чақиш ва захарлаш сифатининг иллатлик жиҳатлари ҳам борми? Бор бўлса у нималарда ўз аксини топган?

12. Эътибор қилдингизми, Тошбақага хос бўлган: «*ҳаммани ўзидек яхши деб билади; ҳаммага бирдек яхшилик қилаверади*» тарзидаги икки сифат унга хос бўлган фазилатларда ҳам, иллатларда ҳам кўрсатилган. Бу ҳақда ўйлаб кўринг. Бу икки сифатнинг фазилатлиги нимада-ю иллатлиги нимадан иборат?

13. Табиатидаги бу камчилигидан тошбақа жабр кўрдими йўқми? Нима учун шундай деб ўйлайсиз? Фикрингизни матн мазмунидан келиб чиқиб асосланг.

14. Чаёнга хос бўлган мақтанчоклик масалдаги қайси сатрларда ўз аксини топган?

15. Нима деб ўйлайсиз, масалдаги ҳар иккала образга хос бўлган умумий сифатлар: «*дўсти бўлишини исташ*» ва «*сафарни хуш кўриш*» фазилатми ёки иллатми? Фикрингизни асосланг.

16. Мазкур масалда қиссадан чиқарилган ҳиссани таҳлилга тортинг: «*Ҳисса: кимки гайрни улфат этар. Ўз-ўзича бошига кулфат етар*». Ўйлаб кўрингчи, бу ўринда «*гайр*» ким? Чаённинг қайси иллатлари унинг бошига кулфат келтирди? Гайрни ошно этган тошбақанинг бошига қандай кулфат етди, сизнингча?

Албатта, бу савол ва топшириқларнинг кўпчилиги болалардан кўра боғча опаларга йўналтирилгандек. Боғча опаларнинг шу ҳақиқатларни, яъни савол ва топшириқларда назарда тутилган

масалаларни ҳал этиш учун асар матнига қайта-қайта муурожаат қилиб ўзлари учун англаб ва фарқлаб олишлари уларнинг амалий фаолиятида ҳам, ўзларининг маънавий камолотида ҳам маълум самарасини беради.

Шарл Перро. Қизил шапкача

Муаммоли вазиятнинг қийинлик даражаси унинг таркиби ва мазмуни талаб қиладиган билим билан белгиланади, қўйилган шартлар тизими билан ўлчанади.

Шартлар қанча кўп бўлса, муаммо шунча қийин бўлади.

Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт билан танишиш машғулотларида француз болалар ёзувчиси Шарл Перро қаламига мансуб «Қизил шапкача» эртагини ўрганишни муаммоли таълим асосида ташкил этмоқчи бўлган тарбиячи аввал болаларни эртақ матни³⁸ билан таништиради ёки ҳаволадаги мультфилмини³⁹ тақдим этади.

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир қишлоқда жажжисигина бир қизча бор экан: у дунёда тенги йўқ, жуда ёқимтой қиз экан. Ойиси уни жонидан ҳам яхши кўрар экан, бувиси бўлса ундан ҳам яхши кўрар экан. Бувиси неварасининг тугилган куни муносабати билан қизчага битта қизил шапкача совға қилибди. Ўшандан бери қизча қаёққа борса, шу чиройли, янги қизил шапкачасини кийиб борар экан.

Шунинг учун кўни-кўшинлар уни кўрганда:

– Ана, Қизил Шапкача келяпти! – дер эканлар. Бир куни ойиси сомса пишириб, қизчага айтибди:

– Қизил Шапкача, мана бу сомса билан кувачадаги ёғни бувингга обориб бергин, эсон-омонлигини билиб келгин.

Қизил Шапкача кийиниб, бувисини кўргани нариги қишлоққа кетибди. У ўрмондан ўтаётса, олдидан бир Бўри чиқиб қолибди. Бўри Қизил Шапкачани ямлаб юборгиси келибди-ю. лекин ботинолмабди, чунки шу яқин орада ўтинчилар дарахт кесиб юрар, болталарининг тарақ-туруқ овози эшитилиб турар экан. Қиздан:

– Қизил Шапкача, қаёққа кетяпсан? – деб сўрабди.

³⁸. ertaklar.uz «Bosh_sahifa» Жаҳон_халқлари_эртақлари

³⁹. <https://www.youtube.com/watch?v=w0cA6v-udCI>

Қизил Шапкача бўлса, ўрмонда тўхтаб, Бўри билан гаплашишининг қандай қўрқинчли эканини билмас экан. Шунинг учун ҳам у Бўри билан саломлашибди-да, кейин:

– Бувимни кўргани кетяпман, бувимга мана бу сомсалар билан қувачада ёғ олиб боряпман, – дебди.

– Бувингнинг уйи узоқдами? – деб сўрабди Бўри.

– Ҳа, анча узоқда, – деб жавоб берибди Қизил Шапкача,

– Тегирмон орқасидаги қишлоқ бор-у, ҳов ана, энг чеккадаги уйини кўряпсанми – уша.

– Яхши, – дебди Бўри, – мен ҳам бувингни кўриб келаман. Манави йўлдан бораман, сен бўлсанг анави йўлдан бор. Кўрамиз, ким олдин бораркан. Бўри энг яқин йўлдан гизиллаб чопиб кетибди. Қизил Шапкача бўлса, энг узоқ йўлдан кетибди. Қизча йўлма-йўл тўхтаб, гуллар терибди, гулдаста ясабди. Қизил Шапкача ҳали тегирмон йўлига етмаган экан, Бўри кампирнинг уйига етиб келиб, эшикни тақиллатибди.

– Ким? – деб сўрабди кампир.

– Мен неварангиз Қизил Шапкачаман, – деб жавоб берибди. Бўри, овозини ингичка қилиб. – Сизникига меҳмон бўлиб келдим, сомса билан қувачада ёғ олиб келдим. Кампир бу вақт тўшақда касал бўлиб ётган экан. У чиндан ҳам Қизил Шапкача келгандир деб ўйлаб, шундай дебди: – Жонгинам, итни торт, эшик очилади!

Бўри итни тортибди – эшик очилибди. Бўри чопиб бориб, кампирни бир ямлаб ютиб юборибди. Бўри жудаям оч экан, негаки у уч кундан бери овқат емаган экан-да. Кейин Бўри эшикни ёпиб, кампирнинг тўшагига кириб ётибди-да, Қизил Шапкачани кута бошлабди.

Тезда Қизил Шапкача келиб, эшикни тақиллатибди.

– Ким? – деб сўрабди Бўри. Қизил Шапкача Бўрининг хунук овозини эшитиб, аввал қўрқибди, кейин: бувим тумов-пумов бўлгандир, – деб ўйлаб, жавоб берибди:

– Мен неварангиз Қизил Шапкачаман. Сизга сомса билан қувачада ёғ олиб келдим.

Бўри йўталиб олиб, ингичка овоз билан:

– Итни торт, жонгинам, эшик очилади, – дебди.

Қизил Шапкача итни тортган экан эшик очилибди.

Қизча уйга кирибди. Бўри бўлса кўрпага бурканиб олиб дебди: – Сомсани столга, қувачани тоқчага қўй, ўзинг ёнимга келиб ёт! Жуда чарчагандирсан?

Қизил Шапкача бӯри билан ёнма-ён ётиб, ундан сўрабди:

– Вой, бувижсон, қўлларингиз бунча узун?

– Сени маҳкамроқ қучоқлаш учун, жонгинам!

– Бувижсон, оёқларингиз бунча катта?

– Тезроқ чопиш учун, жонгинам!

– Бувижсон, қулоқларингиз бунча катта?

– Яхшироқ эшитиш учун, жонгинам!

– Бувижсон, кўзларингиз бунча катта?

– Сени яхшироқ кўриш учун жонгинам!

– Бувижсон, тишларингиз бунча катта?

– Сени тезроқ еб қўйиш учун жонгинам!

Қизил Шапкачанинг дод-войлашига қарамай, очкўз Бӯри уни шиппаги ва қизил шапкаси билан қўшиб ютиб юборибди. Бахтни қарангки, шу вақт уй ёнидан ўтинчилар ўтиб қолишибди. Улар шовқин-суронни эшитиб, уйга бостириб кирибдишар ва бӯриши ўлдирибдишар. Кейин унинг қорнини ёрсалар, ичидан Қизил Шапкача билан бувиси эсон-омон чиқишибди.

МУАММО: «Қизил шапкача ландовур, лакма ва бефаросат киз». «Қизил шапкача» эртаги матни билан танишган болаларга дастлаб: «Нима деб ўйлайсиз, нега ҳамма кизалокқа Қизил шапкача деб мурожаат қилади?» деган оддийгина, эртакнинг матнини такрорлашга қаратилган савол билан мурожаат қилинади. Табиийки, болаларнинг хотираси кучли, улар: «Бувиси неварасининг тугилган куни муносабати билан қизчага битта қизил шапкача совға қилади. Ўшандан бери қизча қаёққа борса, шу чиройли, янги қизил шапкачасини кийиб борарди. Шунинг учун ҳамма уни Қизил шапкача деб чақиради», тарзидаги жавобни ўз сўзлари билан имкон қадар батафсил айтиб беришади.

Болаларни машғулот олдига қўйилган муаммо атрофида мулоҳаза юритишга йўналтирадиган навбатдаги: «Қизил шапкачанинг ўрмонда тўхтаб Бӯри билан гаплашиш хавфли эканини билмаслиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Сизнингча, бу нимадан далолат беради?» саволи – болаларни асар матнига ёндашишда ўзгачаликни талаб қилади.

Эртак матни мазмунига диққат қилинса, унда ҳеч қандай етакчи ғоя ҳам, тингловчи маънавиятига у ёки бу даражада таъсир кўрсатадиган ижобий жиҳат ҳам, мантиқ ҳам (балки бу таржима жараёнида тушириб қолдирилгандир) йўқ. Боғча

опаси томонидан қўйилган саволга жавоб беришга уринаётган болалар Қизил шапкачани «бефаросат» деб айтиша олмайди, албатта, лекин ўрмон чеккасида яшайдиган, ўрмондаги ёввойи ҳайвонлар ҳақида ҳеч нарса билмайдиган кизалок ҳақида яхши гап айта олмасликлари ҳам аниқ. Чунки бугуннинг болалари бу қадар билимсиз эмас. Асар қаҳрамонига хос бўлган билимсизлик мана шу саволга жавоб бериш асносида маълум бўлади.

«Ўйлаб кўрингчи, нега бўри яқин йўлдан ўзи юриб Қизил шапкачани узок йўлдан боришга ундади?» саволи кўмагида болалар бўри айёрлик қилганини, кизалокни лақиллатганини пайқайдилар ва ўз фикрларини айтадилар. Бўри кўзичокни алдаши мумкиндир, лекин унинг инсонни, ақл соҳиби бўлган яратикни алдай олиши мумкинлиги бугунги болаларнинг ақлий мезонларига сиғмайди. Тарбиячи томонидан бериладиган бундай мантиқли саволлар тарбияланувчиларни шу каби ҳақиқатларни ўзлари кашф этишларига йўналтирганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Болаларга тақдим этиладиган навбатдаги савол-топшириқлар: «Қизил шапкача бўрининг гапига кириб узок йўлдан кетгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. У ақлли кизми, лакмами ёки кўрқокми? Буни қандай аниқладингиз?» – уларни ўйлантиради. Асар қаҳрамонининг қилиб турган иши ақлли одамнинг қилмиши эмаслигини болалар жуда яхши тушунишади. Ҳар ҳолда, мазкур саволдан кейин уларда бу қарашнинг куртаклари пайдо бўлади. Лекин ҳали уни бирданига «у лакма, ўйламасдан иш қилади» ёки «кўрқок, шунинг учун бўри айтган йўлдан кетди» ёхуд «унинг ўз фикри йўқ, ким нима деса шунини қилиб кетаверади» дейишга журъат қилишолмайди. Чунки кўнгилларида кизалокка нисбатан ачиниш ҳисси бор. Қизчанинг ўзлари сингари кичкиналиги, «*йўлма-йўл тўхтаб, гуллар териб, гулдаста яса*»ши болаларда ўзига нисбатан ижобий муносабат уйғотган. Шу боис бирданига унга нисбатан салбий фикр айтолмайдилар. Қолаврса, кизалок бўридан кўрққани ҳам йўқ. Болалар бу саволга қандай жавоб беришлари машғулот асносида маълум бўлади, албатта.

«Қизил шапкачанинг Бўри ёнига бориб ётиб олиши Сизга ёқдими йўқми? Нега?» тарзидаги саволга ҳамма болалар

«ёқмади» деб жавоб беришлари аниқ. Чунки бундай вазиятда ақли бор бола ҳеч қачон бўрининг ёнига бориб ётиб олмайди ва бугунги болаларнинг ақллилигидан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Тўғри, «қизалок унинг бўри эканлигини билмади», деган фикр келиши мумкин. Лекин эртак матнида: «*Қизил шапкача Бўрининг хунук овозини эшитиб, аввал кўрқибди*» деган жумла бор. Шу жумланинг ўзи қизалокни зийракрок бўлиши кераклигини таъкидлайди. Чунки кўнгилдан кечган илк туйғу рост ва одамзод буни илғаши, ҳамиша унга эргашиши кераклигини билгани маъқул. Кўнгил инсондаги Аллоҳнинг мулки. Ундаги ҳисларга эргашган одам ёмон бўлолмайди.

Лекин, афсуски, эртакда воқеа-ҳодисалар бу асосга таяниб ривожланмайди. Бу эртак билан бугунги 5–6 ёшли болаларни ҳайратга солиб бўлмайди. Воқеалар ривожидан келиб чиқиб тарбиячи кичик тарбияланувчиларга қуйидаги савол билан мурожаат қилишга мажбур бўлади:

«Бувисининг тўшагида ётган бўри билан Қизил Шапкача ўртасидаги суҳбат асосида қизалокка баҳо беринг. У ақллими ёки эси йўқ қизми? Буни қандай билдингиз?» Тарбияланувчиларнинг бу саволга қандай жавоб беришларини вазият кўрсатади, албатта, лекин жун босган қўллар, одамникига ўхшамаган оғиз, катта-катта оёқлар, кўзлар ва тишларни кўра-била туриб бўрига «бувижон» деб мурожаат қилиш зийрак тингловчининг ғашини келтиради. Эртак қаҳрамонининг бу тутуми болаларни ҳайратга солмаслиги ҳам мумкиндир, балки. Фақат улар буни ҳозирча ифодалаб бера олмасликлари аниқ. Лекин тарбиячининг вазифаси тарбияланувчиларни бадий асарлардаги, ҳатто эртакларда бўлса ҳам, тўғри билан нотўғрини, ҳатто бадий ёлғонда ҳам қандайдир мантик бўлиши лозимлигини йўналтирувчи савол-топшириқлари орқали аниқлаб боришдан иборатдир: «Нима деб ўйлайсиз, Қизил шапкачанинг бўрини кўра-била туриб унга берган саволлари нимани аниқлатади?»

Маълумки, ўзбек халқ эртакларида ҳам, адабий эртакларда ҳам панд-насихат, яхшиликка, тўғрилиқка, ҳалолликка, мардликка ва ҳк. ижобий ҳисларга йўналтириш устуворлик қилади. Дунё миқёсига чиққан, жуда кўп тилларга таржима қилинган «Қизил шапкача» эртакидан

Ўзбек болалари бунчалар лакма, аҳмоқ ва фикрсиз бўлмасликни, агар шундай бўлса, айёр, ақлли яратиклар қурбони бўлиб кетиш мумкинлигини англаб оларлар, деган умид бор. Мазкур эртак замирида одам қанча содда бўлса, беғубор бўлса уни Худонинг ўзи асрайди, деган ғоя бўлиши ҳам мумкин. Агар шундай бўлганда, одамга хос бўлган ақллилик, зийраклик, фикр қилиш ва ҳк. фазилатлар ижобий ҳислат сифатида баҳоланмаган бўларди. Аллоҳ инсонга юқтирган бу сифатлар унга бекорга берилмаган.

Мактабга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларини ўйлаб фикр айтишга ундовчи кейинги савол-топшириқлар:

«Бўрининг Қизил шапкача ва унинг бувисини еб кўйганига ишонасизми? Нима учун?»

Ўтинчилар Бўрининг қорнини ёрганига ва у ердан Қизил шапкача билан бувисининг эсон-омон чиққанига қандай қарайсиз? Нима учун?

Сизнингча, эртак қахрамонларидан қайси бири ақлли? Буни сиз нималарда кўрдингиз?

Мазкур эртак мазмуни асосида ўзингиз янги эртак ярата оласизми? Бир уриниб кўрингчи!

Бу саволларга ҳам тарбияланувчилар ўз билганларича жавоб берадилар. Албатта, Қизил шапкача ва бувисининг бўри қорнидан эсон-омон чиққанлари ижобий ҳол. Эртакларда бу ўринли. Мазкур лавҳа болаларнинг кўнгилларини ёриштиради. Чунки улар табиатан ҳамиша яхшилиқнинг, айниқса, эртаклар яхшилиқ билан тугашининг тарафдори. Лекин ақллилик, зийраклик ва фикр юритиш масаласида уларнинг хулосаси ҳеч ҳам Қизил шапкача томонда бўлмаса керак, яна ким билади...

Мана шундай дидактик таҳлил асносида болалар муаммонинг ечимига қараб борадилар. Қизил шапкачага муносабатлари ҳам ўзгаради. Уни 2–3 ёшли болалардек кўр-кўрона яхши кўравермайдилар.

Янги эртак яратиш масаласини тарбияланувчиларга уйда, ота-оналари кўмагида бажаришни топшириш мумкин. Кичик ёшдаги эртакчиларнинг боғча опасидан олган бу топшириғи, уларнинг назарида, бошқа ҳар қандай ақлли одамнинг қарашларидан баландроқ. Шу маънода уларнинг айримлари эртаси куни янги эртак билан келишлари, ишонса

бўладиган ҳақиқат. Шундай бўлган тақдирда болаларнинг эртагини диққат билан эшитиш, «тушунмаган» ўринларига аниқлик киритиб олиш, бошқа болаларни янги эртани диққат билан эшитишга жалб этиш, кам деганда, маънавий озук беради кичик эртақчига. Уни бундай туйғулардан маҳрум қилмаслик, тарбиячининг бурчидир.

«Эртақдаги бирор эпизоднинг суратини чизишга уриниб кўринг. Чизган расмингизни гапириб беринг» тарзидаги топшириқни гуруҳдаги ҳос болалар бажаришса керак. Лекин улар қандай чизишларидан қатъи назар, тарбиячи тарбияланувчисининг меҳнати маҳсулини рағбатлантириш билан бирга уни шарҳлаб беришни ҳам талаб қилиши шарт. Тарбияланувчи ўзи чизган суратининг ҳар бир деталини изоҳлашга уриниб кўрсин. Нима учун шу детални суратига киритганини асослаб берсин. Суратида нималар акс этганини боғча опаси ва ўртоқларига тушунтириб бериш, ҳар иккаласи уни диққат билан тинглаётгани болага завқ беради. Унинг кўнглини кўтаради. Шу тариқа, аввало, шахс шаклланиши йўлидаги тараққиётнинг самарадорлиги таъминланади. Қолаверса, иқтидори бор болани тасвирий санъат намуналарини ўқишга йўналтиришдек маърифий иш амалга ошади.

Нуруллоҳ Остон шеърини ва муаммоли таълим.

Муаммоли таълимнинг навбатдаги хусусияти унинг жўшқинлигидир. Бу жўшқинлик муаммонинг ҳар бир болага ўзига ҳос тарзда таъсир кўрсатишидан келиб чиқади.

Ўзбек адабиётининг болаларга бағишланган қисми анча оқсаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Негадир, адабиётшунослик ҳам бу борада анча пассив. Кўпчилик мутахассисларнинг диққат-эътибори катталарга бағишланган асарлар таҳлили ва бир қатор «изм»лар муҳокамасига қаратилгани ҳолда, болалар адабиёти вакиллари Х. Тўхтабоев, Т. Адашбоев, А. Обиджон каби оз сонли ижодкорлар фаолияти тадқиқи, соҳадаги ютуқ ва камчиликлар, унинг келажак авлод тарбиясидаги ўрни ва роли сўзшунослар назаридан четда қолаётир. Бу, ўз навбатида, бошланғич синфлар «Ўқиш китоби», юқори босқичнинг дастлабки синфлари «Адабиёт» дарсликларининг мазмунан саёзлашувига, бундай дарсликлар билан

ишлаётган ўқувчиларнинг маънан бир жойда депсиниб қолишларига, болалари келажаги учун қайғураётган она-оналарнинг эътирозларига ҳам сабаб бўлмоқда.

Маълумки, болаларга бағишлаб асар ёзиш – ўзига яраша мураккаб иш. Бунинг учун ижодкор, ўзи неча ёшда бўлишидан қатъи назар, қалбан бола бўлиши, ҳамма нарсага болаларча назар билан қарай олиши, энг муҳими, кўрган-билганлари, айтишни истаганларини болаларнинг бадиға урмайдиган, уларни қизиқтира оладиган, эътиборини тортадиган тарзда ифодалай билиши лозим. Болалар адиблари ўқувчиларига шунчаки бола деб эмас, ўзининг кичрайтирилган «мен»и, олам ва одам сирларини билишга интилаётган, шаклланиб келаётган Шахс, кичкинагина фикр кишиси деб қараши, ёзганларида тарбия ёки насихатни устувор қўймай, мақсадини сатрлар қатига беркита билиши шарт. Акс ҳолда унинг битиклари болалар қалбидан ҳам, адабиёт олаmidан ҳам ўрин ололмайди. Шундай иқтидорга эга бўлган болалар шоирларидан бири Нуруллоҳ Остондир.

Н. Остон ижоди, асосан кичик ҳажмдаги ашъорлардан иборат. Уларнинг маълум қисми топишмоқсимон шеърлар бўлса, бир қисмида ҳайвонлар, ҳар хил сабзавот ва меваларнинг хусусиятлари, фойдали жиҳатлари ифодалаб берилган. Шоир Аллоҳнинг ҳар бир яратигига боланинг назари билан қарайди, уларни содда, тушунарли тилда таърифлайди. Масалан, шоир қаламига мансуб «Чучмомога хат» шеърини олайлик:

*Тугаб қолди сиёҳим,
Энди қайдан оламан?
Шериклардан сиёҳранг
Дарров излаб қоламан.
Тополмасдан қаламда
Сўнг ёзаман хушинома:
-Менга жиндек бериб тур,
Сиёҳингдан Чучмома!*

Сарлавҳасининг ўзи билан шеърхон кўнглини «қитиклайдиган» бу сатрлар мактаб ўқувчиси тилидан битилган. Маълумки, бугунги ўқувчилар сиёҳ ишлатишмайди. Болаларни матн моҳиятига олиб киришдан аввал тарбиячи уларни сиёҳ ҳақида тасаввурга эга бўлишларини (сиёҳ нима экани, таълим жараёнида ундан қандай фойдаланилгани ва ҳк.лар ҳақида гапириб бериши) таъминлаши, мазкур асар устида иш бошлашдан аввал эса Чучмомонинг

суратини экранда ёки хаттахтада намоиш этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина тарбияланувчилар сиёҳ билан чучмомо ўртасидаги мутаносибликни, матнда акс этган ҳаётини ҳақиқатни англаб етадилар.

Шеър, кичкинагина бўлишига қарамай ўз ўқувчисини ўйлашга, изланишга ундайди. Муаллифнинг мақсади ҳам шу – кичик шеърхонни фикрлашга ундаш, дунёқарашини кенгайтириш, билиминини ошириш. У сиёҳнинг ўзига хос жиҳатлари, чучмоманинг ботаник хусусиятлари ва ранглар ҳақидаги билимларни чучмомога ёзилган икки мисра хат: «-*Менга жиндек бериб тур, Сиёҳингдан Чучмома!*»га жойлай билган. Шоир ўқувчисидан ўқишни талаб қилаётгани йўқ, билим олишнинг зарурлиги ҳақида насихат ҳам сўқаётгани йўқ. Ота-она, тарбиячи ёки ўқитувчи кичик шеърхонни матннинг моҳиятига киришга йўналтирса, бўлди, бола унинг замирига беркитилган билимни ўзи қизиқиб излайверади. Бу Аллоҳ томонидан ҳар бир боланинг тийнатиغا сингдирилган табиий хусусият – олам ва одам сирларини билишга бўлган интилишдир. Айни замонда бу таълим ва тарбиянинг уйғунлиги ҳамдир.

Тарбиячи шу шеър устида ишлашни муаммоли таълим асосида ташкил этишни истаса, унинг мазмуни юзасидан шундай муаммо қўйиши мумкин: «**Атиргулга мактуб**».

Болачалар атиргулга нима деб мактуб ёзган бўлардилар? Бунинг учун тарбиячи ва тарбияланувчилар аввал атиргулнинг хусусиятларини аниқлаб олишлари керак бўлади. Хўш, бу гулнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат: хиди ёқимли; ранги ҳар хил ва чиройли; тикани бор; унга қараганда кўзлар қувонади, хидлаганда кўнгил баҳра олади ва ҳж. Биргалашиб шу хусусиятларни аниқлаб олишгач, боғча опа: «Сиз атиргулдан нима сўраган бўлардингиз? Нима учун?» каби йўналтирувчи саволларни ўртага ташлайди. Бу муаммоли савол болалар учун жуда қизиқарли бўлади. Ҳар бир бола табиий равишда ўз фантазиясини ишга солади ва ким атиргулдан нима сўрашини, айнан нега ундан шу нарсани сўраганини айтиб беради. Шугина савол билан болаларнинг ҳар бири қўйилган муаммони ўз даражасида ҳал этади. Мухими – улар атиргулдан нима учун айнан шу нарсани сўраганини асослаб бериши. Айни замонда тарбияланувчиларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш кўникмалари ҳам шакллана боради. Болаларни уйда ота-она ёки ака-опалари

ёрдамида атиргулга мактуб ёзиб келишга йўналтириш ҳам боғча опанинг касбий маҳоратини намоиш этади.

Шоир Нуруллоҳ Остоннинг бир қатор шеърларидан мактабгача адабий таълимда чистон-топишмоқ сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг қаламига мансуб: «Кунгабоқар», «Кўзичок», «Қовоғари», «Метрода», «Бурун», «Соатга», «Туя», «Аччиқ калампирга», «Самоварда», «Тахтамушук» каби шеърлар шулар жумласидандир. Бу шеърлар ўз мазмун-моҳияти билан болаларнинг олдига муаммоли топишмоқлар шаклида кўйилади. Машғулотларнинг навбатдаги бирида шоирнинг шу йўналишдаги шеърларидан муаммоли таълим асосида фойдаланиш мумкин. Қуйидаги сатрлар ниманинг тилидан айтилаётганини англаш учун шеърхон, аввал унинг мазмунига диққат қаратиши, сўзловчига – «Мен»га хос бўлган хусусиятларни аниқлаши керак бўлади:

*Қаранг бунча ям-яшил,
Қизгалдоқранг далалар.
Бунда бунча кўп экан,
Менга ўхшаш барралар.
Дикирлатиб чопаман,
Тўрт оёғим – йўргамни.
Йўқолмасин деб чўпон
Тақиб қўйди сиргамни.*

Тарбиячи болаларга шеърни ифодали ўқиб бергач уларнинг олдига: «**Бу баррача ким?**» деган муаммоли савол-топишмоқни кўяди. Тарбиячи аввал болалар билан бирга шеърдаги «Мен»га хос бўлган дастлабки хусусият – барралик; иккинчиси – тўрт оёқлилик; учинчиси – дикирлаб чопиш; тўртинчиси – йўқолиб қолиши мумкинлиги; бешинчиси – сирғаси борлиги; олтинчиси – унинг эгаси чўпон эканини аниқлаб олади. Боғча опа кўзичокқа хос бўлган бу хусусиятларни кичик кашфиётчиларнинг ўзларига топтириши (бу болаларнинг ёши ва билгичлиги билан боғлиқ, албатта) керак бўлади. Шу жиҳатларнинг ҳаммаси матндан топилгач ўзи уларни дарстахтага ёзиб боради. Ва охирида биргаликда умумлаштиришади, ҳамда бу жиҳатлар нимага тегишли эканини аниқлашни кичик шеърхонлардан талаб қилиш билан тарбиячи бир вақтнинг ўзида ҳам машғулотнинг самарадорлигини таъминлайди, ҳам тарбияланувчиларини мустақил мулоҳаза юритишга ундайди, ҳам фикрлаш орқали билимларни ўзлаштиришга йўналтиради.

Шеърнинг дастлабки икки мисраси: «Қаранг бунча ям-яшил,
Қизгалдоқранг далалар»да, бир қараганда қарама-қарши фикр
ифодалангандек туюлади. Лекин диққат қилинса, муаллиф фикр
ифодалашда кўзичокнинг кўзқарашини назарда тутгани маълум
бўлади. Узоқдан қаралганда далалар кўзичокқа ҳам қизгалдоқ
билан қопланган бўлиб кўринади. Лекин шоир яқиндан қараган
кичкинагина кўзичок уларни пастдан, ўз бўйи даражасида
кўришини ва кўзичок учун муҳим бўлган нарса – ям-яшилликни
эътибордан четда қолдирмагани маълум бўлади. Асли
қизгалдоқзор, лекин пастдан қараганда ям-яшил. Тарбиячи бу
ҳолатни саволга айлантириши ва болаларни кашфиётга
йўналтириши мактабгача адабий таълимнинг асосидир: «Ўйлаб
кўриятми, қизгалдоқзор қандай қилиб ям-яшил бўлиши мумкин?
Ахир қизгалдоқли далалар кип-қизил кўринади-ку!» Бу фикрнинг
исботи сифатида экранда қизгалдоқзор намойиш этилади. Болалар
ўйлаб кўрадилар, кузатадилар. Тасвирга кўзичокнинг назари билан
қарайдилар ва ҳақиқатни албатта топадилар.

Шоир Н. Остон қаламига мансуб бир қатор чистон-топишмоқ-
лардан машғулотларда, яъни нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт
билан танишиш машғулотларида шу тарика фойдаланиш мумкин.

Қаламкаш Н. Остон ўзининг ҳайвонлар, мева ва сабзавотлар
тилидан айтган бир қатор шеърларида кичик ўқувчисига уларнинг
хусусиятлари ҳақида билим беради. Масалан:

*«Ҳап сеними, дедиму,
Чўчитмоқчи эдиму,
Қазиб саҳро қумини
Ташлаб қочди думини!»*

сатрлари калтакесакнинг ўзига хос жиҳатини ифодалашини,
унинг мазмуни асосида «Думини ташлаб қочган чопагон»
тарзидаги муаммони;

*«Сув ичмайди ҳафталаб,
Ҳеч қилмайди наф талаб.
Бир қондирса чанқоқни,
еяверар янтоқни!»*

мисралари туянинг хусусий фазилати эканини, унинг мазмуни
юзасидан: «Саҳро султони» шаклидаги муаммони кўйиш ва бир
қатор савол- топшириқлар кўмагида болаларни шу ҳақиқатларни
ўзлари учун ўзлари кашф этишларига йўналтириш мумкин.

Катталарнинг кичик шеърхонларни бу каби битиклар билан таништирганда улар эътиборини ҳайвонлар, ўсимлик ва сабзавотларга хос бўлган мана шундай алоҳида хусусиятларига қаратиши билим беришнинг қизиқарли ва табиий йўлидир. Бу йўсинда ўзлаштирилган билимлар бир умрга боланинг руҳиятида ўрнашиб қолади.

Н. Остон тарбиявий аҳамият касб этган шеърларининг кўпчилигида тарбия ҳақида яланғоч фикр айтмайди. Набиралари характерига сингдиришни истаган барча сифат-фазилатларни сатрлар замирига беркитиб кўядики, шеърни ўқиган ёки эшитган кичик шеърхон кўнглида шу жиҳатларга мойиллик пайдо бўлади. Масалан, «Туянинг бўталогʻи» шеърида эл орасидаги «Туя ҳаммомни орзу қилган экан» иборасида илгари сурилган қараш туянинг орзуси сифатида осонгина амалга ошгани Она туя тилидан оддий ҳол тарзида баён этилган:

*Бўталогим арзанда,
Ҳаммомни қилмас канда.
Ёзми-қишми тўрт фасл,
Бориб турар муттасил.
Ким ювинса йўл очиқ,
Тайёр совун ва сочиқ!*

Аслида, туянинг қишин-ёзин муттасил ҳаммомни канда қилмаслигини нафақат кичик шеърхон, ҳатто катталар ҳам ақлига сиғдиролмайди. Лекин болаларнинг шуурига, руҳиятига сингдирилиши керак бўлган бир ҳақиқат бор: туяки тинимсиз ҳаммомга қатнаб, танасининг тозалигига эътибор берар экан, болалар учун бу – танани тоза сақлаш энг катта эҳтиёжга айланиши, бу тозалик замирида соғлом, бақувват бўлиб ўсишдек эҳтиёж ётишига ишора бор.

Болаларга тоза юриш ҳақида катталар тинимсиз равишда эслатиб турадилар, талаб қиладилар, насиҳатлар берадилар. Улар бундай насиҳат ва талабларни кўп ҳам хушлайвермайдилар. Шоир мана шу ҳақиқатни илғагани ҳолда насиҳат бермай, ақл ўргатмай тозаликка ишора қилаётир. Бўталокнинг муттасил ҳаммомга тушиб туриши уларнинг лабига майин табассум чақиради ва катталарнинг талабларида жон бор эканини бўталок мисолида англайдилар. Ҳамма гап катталар – ота-оналар ва тарбиячиларнинг маҳоратига боғлиқ. Мазкур шеърни ўрганишга бағишланган машғулоти янада

қизикарлироқ қилиш учун тарбиячи болалар олдига фавқулодда қизик бир муаммони қўйиши мумкин: «Мен ва бўталок». Болалар ўзларининг кундалик гигиенасини бўталокнинг ҳаммомталаблиги билан таққослашади. Қайси бири озодароқ юришини аниқлашади. Ҳазиллашишади, кулишади. Елкасига сочиқ ташлаб олиб ҳаммомга кетаётган бўталокнинг суратини чизидириш ҳам жуда ёқимли, қизикарли ва мустақил фаолият бўлади.

Тарбиячи қатор машғулотлардан яна бирини шоир қаламига мансуб «Бетоқат» шеърини муаммоли ўрганишга бағишлаши мумкин:

*Жамалаксоч тантиқ қиз,
Жанжали бир сандиқ қиз.
Доим юрар ўпкалаб,
Ювмас тишини чўткалаб.
Оч қолса йўқ тоқати,
Мураббодир овқати!*

Мазкур шеър мазмунидан келиб чиқиб болаларни мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, тозалikka йўналтириш мақсадида тарбиячиси уларнинг олдига: «Мен «жамалаксоч дангаса» эмасман!» тарзидаги муаммоли масалани қўяди. Болаларнинг ҳар бири ўзини жамалаксоч қизалок билан таққослашади. Аввал қизалокнинг табиатидаги салбий сифатларни аниқлаб оладилар: «Қани, айтингчи, жамалаксоч қизалок қанақа экан?» Бу саволга жавоб бериш асносида болалар қизалокнинг тантиқлиги, жанжалкашлиги, ҳаммаша кимлардандир ўпкалаб-аразлаб юриши, тишини ювмаслиги ва жуда кўп ширинлик ейиши ҳақидаги ҳақиқатларни санаб берадилар. У қилган хатоларнинг ўзларига қанчалик даҳлдор экани ҳақида ўйлашади. Гарчи овоз чиқариб тан олишмаса-да, бу эркаликлар уларга ҳам хос бўлсада, ўзларини тартибли, одобли қилиб кўрсатишса-да, бу таққослаш уларнинг маънавиятида ижобий из қолдиради.

Шеърда муаллиф жамалаксоч қиз феъллидаги иллатларни санаш билан бошқаларни бундай камчиликлардан ҳимоя қилишга уринади. Шоир айтилган сифатларнинг бирортасини иллат деб атамаган, қизчани ёмон қиз ҳам демаган. Ўқувчисини тарбиялашга, унга насиҳат суқишга урғу бермаган. Қизалокқа хос сифатларнинг оқибатини кашф этишни болаларнинг ўзларига ҳавола қилган. Тантиқлик, жанжалкашлик, ҳаммаша қовоқ солиб, кимлардандир аразлаб, ўпкалаб юриш, тиш ювмаслик, тоқатсизлик ва

ширинликни кўп ейиш яхши сифатлар эмаслигини, буларнинг оқибати қандай бўлишини болаларнинг ўзлари ҳам жуда яхши билишади: буни катталар айтавериб меъдаларига тегиб кетган. Муаллиф бу йўлдан бормоқчи эмас. Фақат катталар шеър матни устида ишлаганда қизалокқа хос бўлган бу феъл-атворнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги саволни ўртага ташлаши муаллиф мақсадининг амалга ошишига имкон яратади: кичик шеърхонни ҳар бир сифатнинг оқибати ҳақида ўйлашга, мулоҳаза юритиб, муносабат билдиришга ундаш керак холос. Шоирнинг катталардан талаби шу.

Шоир Нуруллоҳ Остон ўзбекнинг боласини жаҳон болалар адабиёти намуналари билан таништиришда ҳам катта ишлар қилган. Шоирнинг айрим таржималари шу қадар тугал чиққанки, агар муаллиф уларнинг таржима эканини айтмаса, ўқувчи аслият деб билиши аниқ. Масалан, Дроган Лукич қаламига мансуб «Ёмғир ёғар» шеъридаги қуйидаги сатрларни олайлик:

Булутларга осмон тор,

Ҳеч қаерга сизмайди.

Жанжаллашади аввал,

Кейин бирга йиғлайди.

Таржимон булутларнинг ёмғир ёғишидан олдинги ҳолати ва ёмғир ёғишини шунчалар инжа тасвирлаганки, бу парчадан нафақат ёш шеърхон, балки катта ёшли ўқувчи ҳам сўзнинг таъсир кучига тан беради, кўнгли мувозанатдан чиқади, хузурланади. Ўқувчининг шу лаззати мукаммал бўлиши учун унга:

1. Булутлар нима учун жанжаллашади, сизнингча? Улар жанжалининг бошқача номини биласизми? Шеър матнига таяниб жавоб беринг.

2. Уларнинг ҳеч қаерга сизмаслигини Сиз қандай тасаввур қиласиз? Шунча катта осмон булутларга қандай қилиб торлик қилиши мумкин? Шу ҳақда ўйлаб кўринг-чи!

3. Булутларнинг жанжаллашишини қандай тасаввур қиласиз? Буни нималарда кўриш ёки эшитиш мумкин?

4. Булутлар қандай қилиб йиғлайди? Буни сиз қандай тасаввур қиласиз?» ва ҳк. савол ва топшириқлар билан мурожаат қилиш кифоя. Қолганини болаларнинг ўзлари аниқлаб олаверадилар.

Агар тарбиячи мазкур шеърни болаларга муаммоли методда ўргатмоқчи бўлса, бунинг ҳам йўли осон: «Жанжалкаш булутлар ва бунинг оқибати» тарзда муаммо қўйиши мумкин. Бу

муаммонинг ечими учун болаларга қуйидаги савол ва топшириқлар билан муурожаат қилади.

1. Булутларнинг жанжали қачон кўпаяди?
2. Ўйлаб кўрингчи, нима учун булутлар баҳорда кўп «жанжаллашишади»?
3. Булутларнинг «йиғлаш»и сизга ёқадими, йўқми? Нима учун?
4. Булутларнинг жанжалидан одам ёки табиат учун бирор фойда борми?
5. Булутларнинг йиғисидан кимга кўп фойда қилади? Нима учун? ва ҳк.

Бу саволларга жавоб бериш асносида болалар ўзлари англаб-англамай муаммонинг ечими сари борадилар, айти замонда анчагина билимга ҳам эга бўладилар. Агар саволларга жавоб топилмаса, болаларни уйда шу ҳақда китоблар қараб, яъни катталарга «хархаша қилиб» билиб келишни топшириш мумкин. Бу кичикликдан билимларни мустақил ўзлаштиришга асос бўлади.

Хуллас, болалар шоири Нуруллоҳ Остоннинг ижод намуналари болалар боғчалари тарбиячилари, бошланғич синф ўқитувчилари, педагогик олий ўқув юртларида шу икки йўналиш бўйича таҳсил олаётган талабалар учун яхшигина билим манбаи, ўқув материали бўлиши аниқ.

Одамнинг яратилиши ҳақида ривоят

Муаммони ҳал қилишнинг асосий йўли ечимга доир фаразни илгари сура билиш, унинг исботи ва амалий назоратидир.

Мазкур ривоятни ўрганишга бағишланган машғулотда Боғча опа аввал болаларга уни ўқиб ёки айтиб беради, албатта. Бундан олдин эса у ривоят матни ва ундаги етакчи фикр-ҳақиқатлар ҳақида ўзи тўлиқ тасаввурга эга бўлиб олиши керак. Ўзининг илк аждоди бўлмиш Одам алайҳиссаломнинг яратилиши нафақат болаларга, балки боғча опанинг ўзига ҳам қизик бўлса керак. Ривоят матни билан танишиб бўлгач, тарбиячи болалар тушуниши қийин бўлган сўзларни ажратиб олади ва уларнинг изоҳини тайёрлаб қўяди:

- 1) одам учун яралган ўн саккиз минг олам – тупроқ, ер, сув, осмон, тоғлар, ҳаво, ой, қуёш, коинот, ҳайвонот олами, ўсимликлар

дунёси ва хоказо барча яратикларни Аллоҳ Одам учун, у фойдаланиши учун яратган;

2) яратик – Аллоҳ томонидан яратилган жамики нарсалар;

3) кибр – манманлик, ўзига бино қўйиш, мақтанчоклик;

4) маҳобатли – қудратли, жуда катта кўриниш;

5) мағрур – қадди тиклик, эгилмаслик, букилмаслик;

6) камина – мен;

7) самимийлик – ҳамиша, ҳамма нарсада тўғри бўлиш, рост гапириш;

8) синиклик – ховлиқмаслик, шошилмаслик, мақтанмаслик, камтар бўлиш;

9) камтарлик – мақтанмаслик, камгаплик;

10) тажалли – акси, одамнинг ойнадаги акси (яъни Аллоҳ одамни ўзининг акси шаклида ясаганлиги);

11) қайғу-ғам – хафагарчилик, сиқилиш;

12) махлуқ – яратик, Аллоҳ томонидан яратилган барча нарсалар, жумладан, Одам ҳам махлуқ;

13) қимтинибгина келмоқ – тортиниб, ерга қараб, Яратганнинг кўзига тик қарамай келиш;

14) руҳ – одамнинг ички дунёси, кўнгли;

15) суюмли – яхши кўрадиган.

Бу сўзларни машғулот жараёнида вазиятга қараб, яъни ёки болаларни матн билан таништиришдан олдин ёхуд матн бир марта ўқиб берилганидан кейин тушунтирилиши ёинки ривоятни айтиб бериш асносида тўғридан-тўғри бу сўзларнинг изоҳи ишлатилиши ҳам мумкин.

Машғулотни, яъни ривоятни ўрганишни муаммоли таълим асосида амалга оширишни ихтиёр этган боғча опага муаммонинг қуйидаги вариантлари тақдим этилади. У гуруҳнинг ялпи имкониятидан келиб чиқиб бирини танлайди:

1. «Мен Одам Ота авлодиман. Унга ўхшаб Аллоҳга суюмли бўлишни истайман».

2. «Одам Отага хос бўлган камтарлик, самимийлик, ростгўйлик каби фазилатларга қандай эришилади?»

3. «Одамлардаги Аллоҳга ёкмайдиган сифатлар ва уларнинг болаларда пайдо бўлиши сабаблари».

Боғча опа тақдим этилаётган муаммоли савол ёки топшириқлардан бирини танлаб олгач бутун машғулот жараёни режасини, ривоят матни мазмуни асосида болаларга бериладиган

савол ва топширикларни шунга асосланган ҳолда, шу йўналишда тузиб олади.

Демак, ривоят матни:

Ривоят қилишларича, одам учун ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳ унинг ўзини нимадан ясаш ҳақида ўйланиб турса, олдига Тоғ келиб: «Ё Раббим, мени шундай қудратли қилиб яратдингки, ким кўрса ваҳима босади, хавфи келади. Мен бой ва саодатлиман. Сенинг суюмли яратиғинг мендан ясалгани керак, токи у мендай маҳобатли, мағрур бўлсин», – дебди. Аллоҳга тоғнинг ўзига бино қўйгани ёқмай таклифни қабул қилмабди.

Ундан сўнг Сув келиб: «Аллоҳим, сен мени шундай бино қилдингки, ёруғ оламда менга тенг келадиган куч йўқ. Бир оғиз ҳукм қилсанг бутун ер юзини йўқ қилишга қодирман. Бунинг учун сенга беадад шукурлар бўлсин. Сен Одамнинг мендан ярат. У ҳам мендай қудратли бўлсин,» – дебди. Кибрга ўралган бу фикр ҳам Яратганга хуш келмабди.

Ул кетгач, олдин Олов, ундан сўнг Олтин келибди. Улар ҳам ўзларини кўз-кўз қилиб, фазилатлари билан мақтанибди. Уларга барча юксак сифатларни берган Аллоҳга улардаги кибр маъқул келмабди.

Энг сўнгида Яратганнинг ҳузурига қимтинибгина бўлиб Тупроқ келибди: «Аллоҳим, сен мени шундай яратгансанки, камина барча яратиларининг оёғи остида хорман. Шунга қарамай, уларнинг ризқ-насибасини ҳам менга бергансан. Бунинг учун сенга ҳадсиз шукурлар айтаман. Лекин Одамни мендан яратма. Энг олий яратиғинг мендай хор, ҳаммага оёқости бўлишини истамайман. Ахир Одам Сенинг тажаллинг. У олий нарсадан яратилмоғи даркор,» – дебди.

Ернинг самимийлиги, синиқлиги, камтарлиги, ростгўйлиги Яратганга хуш ёқиб: «Мен Одамни сендан ясайман. Токи менинг тажаллим сендай самимий, оқкўнғил, камтар ва рост бўлсин», – дея Азрошга ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиришни буюрибди. Тупроққа ўттиз тўққиз йил қайгу, бир йил шодлик ёмғирини ёғдириб, лой қорибди ва шу лойдан Одам алайҳис-саломнинг жисмини ясабди. Жисм тайёр бўлгач, Аллоҳ уни бошқа яратиларидан қандай фарқлаш йўллари ҳақида ўйлай бошлабди. Маълумки, Аллоҳнинг айрим маҳлуқларида фақат жисм бор (тоғ, ой, юлдузлар, ва ҳк.). Иккинчи бир мавжудотларида жисм ҳам бор, жон ҳам бор (ҳайвонлар, ўсимликлар). Жами оламнинг

яратилишига сабаб бўлган Одам ҳаммадан ажралиб туриши учун Аллоҳ ўйлаб-ўйлаб унга бошқа яратиларида бўлмаган нарса – ўз нафасини нуфлаб киритибди. Одамнинг ичига кирган Аллоҳнинг нафаси руҳ деб номланиб, у инсондаги Аллоҳнинг мулки ҳисобланаркан. Шу мулкни тоза сақлаган бандаларини Аллоҳ хуш кўраркан ва ҳаммиса рағбатлантириб юраркан.

Ривоят матни юзасидан болаларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи савол ва топшириқларни тарбиячи гуруҳдаги тарбияланувчилари интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда ўзи тузиши ҳам ёки қуйида тақдим этилган савол ва топшириқларни болаларнинг имкониятларига мослаштириб шакллантириши ҳам мумкин. Лекин, аввал бу савол ва топшириқларнинг барчасига ўзи жавоб бериши, ўзи учун мавжуд ҳақиқатларни англаб-аниқлаб олиши мақсадга мувофиқдир. Бу тарбиячини машғулоти оғишмай, бир тизимда ташкил этишига асос бўлади.

1. **Биринчи муаммо:** «*Мен Одам Ота авлодиман. Унга ўхшаб Аллоҳга суюмли бўлишни истайман*»нинг ечимига йўналтирувчи савол ва топшириқлар:

1) Аллоҳга хуш келмаган Тоққа хос бўлган сифатларни сананг. Нима деб ўйлайсиз, Тоғнинг қайси сифати нима учун Аллоҳга ёқмади?

2) «*Тоғнинг ўзига бино қўйиши*»ни қандай тушундингиз? Сизнингча, бу нима дегани?

3) Сувга хос бўлган: «*Кибрга ўралган бу фикр*»нинг нима эканлигини тушунтириб бера оласизми? Ўйлаб кўриб жавоб беринг.

4) Айтингчи, Олов ва Олтиннинг кўз-кўз қилган фазилатлари қандай бўлиши мумкин?

5) Нима деб ўйлайсиз, Тоғ, Сув, Олов ва Олтин ўзларидаги сифатларни қаердан олишган? Уларга ким берган? Нима учун берган деб ўйлайсиз?

6) Бу оламларнинг ҳар бирига ўзи берган фазилатлар Аллоҳга нима учун ёқмади? Ёки бунинг бошқа сабаби борми?

7) Аллоҳ тупрокқа ҳам бир олам фазилатларни берган экан. Ўйлаб кўрингчи, бу қандай фазилатлар?

8) Тупрокнинг Аллоҳ ҳузурига энг охири келганлиги сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Нега у бошқа оламларга ўхшаб шошилиб келмади?

9) Тупрок ҳам ўзининг фазилатларини айтиб мақтаниши мумкин эди-ку? Нега у мактанмади, бу ундаги қандай фазилатдан далолат беради деб ўйлайсиз?

10) Ўйлаб кўринг, Тоғ ҳам, Сув ҳам, Тупрок ҳам ўзларидаги сифатлар учун Аллоҳга шукурлар айтишяпти. Лекин нега Яратувчи қудрат айнан Тупроқнинг шукрини қабул қилди? Бунинг сабаблари, Сизнингча, нимада бўлиши мумкин?

11) Аллоҳ номидан айтилган: *«Токи менинг тажаллим сендай самимий, оқкўнгил, камтар ва рост бўлсин»* тарзидаги жумлага диққат қилинг. Бу сифатлар тупроқдан бошқа яна кимга тегишли бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

12) Аллоҳнинг яратиғи бўлган Тоғ, Ой, Қуёш ва Юлдузларнинг жони йўқлигини нима билан исботлаш мумкин? Шунини айтиб бера оласизми?

13) Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг жони борлигини нималар билан асослаш мумкин? Нима деб ўйлайсиз?

14) Одамнинг ўсимликлар, ҳайвонлар, Ой, Қуёш, Тоғ ва Олтиндан ортиқ нимаси бор?

15) Нима деб ўйлайсиз, Аллоҳ Одамни нима учун бошқа ҳамма маҳлуқларидан ортиқроқ яхши кўради экан?

Охириги савол ўз мазмун-моҳияти билан муаммонинг тўғридан-тўғри ечимини таъминлайди. Яъни Аллоҳ қадрлайдиган камтарлик, самимийлик, ростгўйлик, оқиллик сингари барча фазилатлар унинг ўзига ҳам хос ва одамзод учун ҳам фойдали. Бу сифатлар Одамга Аллоҳнинг нафаси билан ўтган. Табиатида шундай хусусиятларни асраб қола билган бандасини ўзлигига хиёнат қилмагани учун қадрлайди, умри давомида рағбатлантиради. Ҳамкорлар – тарбиячи-тарбияланувчилар бу саволга жавоб топиш асносида биргаликда фикрлашиб Аллоҳга суюмли бўлиш нималарга боғлиқ эканини ўз даражаларида англаб оладилар.

2. **Иккинчи муаммо:** *«Одам Отага хос бўлган камтарлик, самимийлик, ростгўйлик каби фазилатларга қандай эришилади?»*нинг ечимига йўналтирувчи савол ва топшириқлар.

Мазкур иккинчи муаммонинг ечимига бориш учун ҳам биринчи муаммога тегишли бўлган савол ва топшириқларнинг деярли барчасидан фойдаланилади. Охирида мазкур муаммонинг ечимига бевосита дахлдор бўлган қуйидаги етакчи савол ва топшириқлар ўртага ташланади:

1) бандаларга хос бўлган, унинг яратувчиси томонидан кадрланадиган самимийликни, оққўнгилликни, камтарлик ва ростгўйлик каби фазилатларни сиз билан бизга ким ўргатади?;

2) ўйлаб кўринг-чи, камтар бўлиш учун нималар қилиш керак? Тасаввур қилинг: дадангиз сизнинг туғилган кувингизга сиз анчадан бери орзу қилиб юргангиз энг зўр, ўзи юрадиган, сизни бутун ҳовли бўйлаб айлантирадиган машина совға қилди. Сиз уни боғчага олиб келгингиз, ёки кўчага олиб чиқиб ўртоқларингизга мақтангиз келяпти. Нима қиласиз? Ўртоқларингизга мақтанасизми? Ўзингиз учиб ўртоқларингиз сизнинг орқангиздан югуриб юришларини истайсизми ёки уларга ҳам учиш учун беришни хоҳлайсизми?;

3) нималар қилсак бизда самимийлик шаклланади? Тасаввур қилинг, сизга боғчага келаётганингизда онангиз иккита «Киндер-сюрприз» олиб берди. Унинг биттасини ўртоғингизга бергингиз ҳам келяпти. Лекин иккаласини ҳам ўзингиз егингиз, ичидаги ўйинчоғини ҳам ўзингиз олгингиз келяпти. Нима қиласиз? Нима қилсангиз сизда самимийлик шаклланади?;

4) болаларга ҳар қандай вазиятда ҳам ростгўй бўлиш осонми? Бу қийинчиликлар нимада деб ўйлайсиз? Масалан, сиз, албатта, беҳосдан чойнакни синдириб қўйдингиз. Ростини, яъни чойнакни сиз синдириб қўйгангизни айтсангиз Онангиз хафа бўлади, Сизни уришади. Индамасангиз ёки «билмадим» десангиз, олам гулистон. Лекин ростини айтсангиз, гап эшитасиз. Шундай вазиятда нима қиласиз?;

5) Худога хуш ёқадиган «Оққўнгиллик» (ҳамма нарсани тўғри тушуниш, ҳеч нарсадан ёмонлик қидирмаслик) сифатини сиз қандай тушунасиз? Масалан, сизнинг энг яхши кўрган ўйинчоғингиз боғчада йўқолиб қолди. Энг биринчи уни кимдир олган деб ўйлайсизми ёки бирор жойда тушиб қолгандир деб ўйлайсизми? Уни аввал ўртоқларингиздан «Сен олдингми?» деб сўраб-суриштирасизми ёки энг аввал уни ҳар тарафдан қидирасизми?

Мазкур бешта савол ўзида акс эттирган мантиқли мисоллари билан болаларни тупроққа хос бўлган фазилатларни ўзида сақлаб қолиш ва уларни ривожлантира бориш осон эмаслигини кўнгилларининг бир тубида англаб етадилар. Мақтанишга бўлган мойилликни енгиш, қизғанмасликка куч топа билиш, ҳамиша, ҳамма нарсада ўзгаларни айбламаслик ва ўз хатти-ҳаракатларига

танқидий назар билан қарай олиш ҳисси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди болада. Буни боғча опа ва ота-оналар аста-секинлик билан, болаларни бу ҳақда ўйлашга ва тўғри фаолиятга йўналтириш асносида мисқоллаб шакллантириб борадилар.

3. Учинчи муаммо: «*Одамлардаги Аллоҳга ёқмайдиган сифатлар ва уларнинг болаларда пайдо бўлиши сабаблари*»нинг ечимига йўналтирувчи савол ва топшириқлар.

Бу муаммонинг ечимини топишда ҳам биринчи масалага қўйилган умумий савол ва топшириқлардан максимал даражада фойдаланилади. Ривоятнинг моҳиятига чуқур кириб олингач, учинчи муаммонинг ечимига йўналтирувчи қуйидаги савол ва топшириқларга ўтилади:

1) Тоғ, Сув, Олов ва Олтинга хос бўлган сифатлар нимаси билан Худога хуш келмади? Нега Аллоҳ Одамни улардан ясамади?

2) Нима деб ўйлайсиз, болалардаги Худога ёқмайдиган мактанчоклик, қизғанчоклик, дангасалик уларда қачон ва қандай қилиб пайдо бўлади? Сиз янги кўйлагингиз ёки яхши кўрган ўйинчоғингизни эсланг.

3) Боғчадан боргандан кейин дангасалик қилмай уй ишларида ойингизга ёрдам берасизми ёки телевизорда мульттик кўришни, телефонда ҳар хил ўйинлар ўйнашни яхши кўрасизми?

4) Ўйлаб кўринг, болалардаги мактанчоклик, қизғанчоклик ва дангасалик одатлари Худога ёқадими йўми? Нега шундай деб ўйлайсиз?

5) Одамларни Худо яхши кўриши учун нималар қилиши керак деб ўйлайсиз? Одамларни Худо яхши кўрса нима бўлади-ю, ёқтирмаса нима бўлади?

Албатта, ривоят матни дидактик таҳлилини ташкил этишда тақдим этилаётган бу савол ва топшириқларнинг ҳаммасини боғча ёшидаги болалар (ҳатто мактабга тайёрлов гуруҳи аъзолари ҳам)нинг барчаси тушунади, дейиш қийин. Болаларнинг маълум қисми уларнинг баъзиларини тушунган тақдирда ҳам балки жавоб бериша олмас. Лекин ривоятнинг мазмун-моҳияти шу савол-топшириқлар асносида ишлашни ва ундаги тушунилиши керак бўлган етакчи ғоялар, илоҳий ва ҳаётий ҳақиқатларнинг аянглигини тақозо этади. Тарбиячи уларни болаларнинг интеллектуал имкониятларига қараб соддалаштириши-жўнлаштириши мумкин, албатта. Гарчи жавоб беролмаган тақдирда ҳам бу ғоялар, ривоятдаги етакчи фикрларга болаларнинг диққати

қаратилиши уларнинг руҳиятида маълум из қолдиради, маънавий камолотига ўз ҳиссасини қўшади. Ҳар қандай насихатбозликдан кўра кўпроқ самара беради.

Аслини олганда, бу ривоят ўз мазмун-моҳияти билан нафақат мактабга тайёрлов гуруҳи вакиллари, балки бошланғич ва 5–6-синфлар ёшидаги болалар учун ҳам қизиқарли бўлади. Ўқитувчилар исташса, ундан адабий таълимнинг бу босқичларида ҳам фойдаланишлари мумкин. Албатта, савол ва топшириқлар ўқувчилар интеллектуал имкониятларига мослаштирилади. Тақдим этилган муаммоларнинг биттаси танлаб олинади ва шу йўналишда иш олиб борилади. Мазкур ривоят ўз мазмун-моҳияти билан адабий таълимнинг қайси босқичида ўрганилишидан катъи назар таърбияланувчиларнинг маънавий камолотига хизмат қилади. Ҳар босқичда ўзига хос ва мос натижани беради, дейиш мумкин.

3-БОБ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ

§3.1. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММО.

Ҳакка ва унинг болалари (эртак)

Муаммоли таълим мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф «Ўқиш китоби» дарслигидаги «Мустақил ўқиш учун» рукнидан ўрин олган бир ўқув материали – «Ҳакка ва унинг болалари»⁴⁰ эртаги мисолида бадиий асарнинг дидактик таҳлилини муаммоли тарзда ташкил этишни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

«Бир куни ҳакка болаларини далага олиб борибди-да:

– Энди сизлар катта бўлиб қолдингиз, овқатингизни ўзингиз топиб ейишингиз керак, – дебди.

Она ҳакканинг бу гаплари болаларига ёқмабди.

– Одамлар бизни тутиб олса нима қиламиз? – дейишибди болалари.

– Бундан қўрқмасаларинг ҳам бўлади, – дебди она ҳакка. – Одамлар сизни тутуш учун олдин тузоқ қўйишади. Тузоққа дон сепишади. Сизлар ўша текин донга учмасаларингиз, одамлар сизни тута олишмайди.

– Шундайку-я, – дейишибди ҳакка болалари, – агар одам бизни тош билан уриб туширса-чи?

– У тош олиш учун ерга энгашади-ку! – дебди она ҳакка.

– Қўлида тоши бўлса-чи? – яна эътироз билдиришибди болалари.

– Ўҳ-ҳў, сизнинг ақлингиз шунчага етар экан, демак, душмандан сақланишининг ҳам уддасидан чиқа оласизлар, – дебди-да, она ҳакка болаларини далада қолдириб, ўзи учиб кетибди».

⁴⁰ G'afforova T. va boshq. O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. –T.: Sharq, 2017. – 113–114-b.

Дарсликнинг ушбу рукнида такдим этилган ўқув материаллари ҳам шунчаки ўқиб қўйилаверилмайди. Уларни ҳам дидактик таҳлилга тортиш, матн мазмунидаги ўқирман кўнглида қолиши лозим бўлган сифатларни ўқувчиларга аниқлаш тақозо этилади. Шу мақсадда, мазкур эртак матни асосида ҳам муаммоли вазият яратиш мумкин.

Бунинг учун, аввал, матн ўқитувчи томонидан ифодали тарзда ўқиб эшиттирилади. Ундаги етакчи ғоя аниқланади ва шу ғоя муаммога айлантирилади. Бу эртакдаги етакчи фикр – мустақиллик ҳадиги; бурч ва масъулият ҳисси. Эртакда илгари сурилган мана шу фикрлар муаммога, яъни муаммоли савол ёки муаммоли топшириққа айлантирилиб ўқувчиларга такдим этилиши жоиз. Токи ўқувчилар бу ҳақиқатларни ўзлари англасинлар, меҳнат қилиб, айнаи замонда, ўз ихтиёрлари билан табиатларига сингдириб олсинлар. Зеро, адабий таълимнинг, у ўқитиш тизимининг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар вазифаси – шу.

Эртак матни юзасидан ўқувчиларнинг тафаккурини «қитиклайдиган» муаммо яратиш керак бўлади.

Эртак ўқитувчи томонидан ифодали қилиб ўқиб берилгач, бугун шу эртак асосида пайдо бўлган бир муаммони биргаликда ҳал этишлари кераклиги маълум қилинади ва хаттахта (ёки экран)да «*Ақлли дангасалар*» деб номланган муаммо намоёиш этилади. Шундан сўнг ўқувчиларни муаммо устида ўйлашга йўналтириш мақсадида уларга қуйидаги савол ва топшириқлар билан мурожаат қилади:

1. Ўйлаб кўрингчи, ҳаққа болалари қачон катта бўлишади?
2. Она ҳаққа болаларининг катта бўлиб қолганини қандай билди экан, нима деб ўйлайсиз?
3. Она ҳаққанинг: «...*овқатингизни ўзингиз топиб ейшингиз керак*» деганини сиз қандай тушундингиз?
4. Фикр қилиб кўрингчи, она ҳаққанинг бу гапи нима учун болаларига ёқмадийкин?
5. Она ҳаққанинг қуйидаги гапига эътибор беринг: «*Сизлар ўша текин донга учмасаларингиз...*» Ўйлаб кўрингчи, бу гапдаги асосий сўз қайси? Бу сўзнинг асосийлиги нимада? Айтганларингизни исботлаб беринг.

6. Она ҳаққа: «У тои олиш учун ерга энгашади-ку!» деганда нимани назарда тутгани ҳақида ўйлаб кўринг. Бундан ҳаққа болалари қандай хулоса чиқариши керак эди, Сизнингча?

7. Нима деб ўйлайсиз, ҳаққа болаларининг: «Қўлида тоиши бўлса-чи?» дегани улар табиатидаги қандай сифатдан далолат беради?

8. Ўйлаб қарангчи, ҳаққа болаларининг дангасалигини улар айтган қайси гаплардан пайқаш мумкин? Сиз буни қандай билдингиз?

9. Ҳаққа болаларининг ақллигини сиз қайси ўринлардан англадингиз? Гапингизни асардан мисол келтирган ҳолда асосланг.

10. Яхшилаб ўйлаб кўрингчи, ҳаққа болалари, асосан, нимадан кўркишяпти: одамларданми, оч қолишданми ёки мустақил бўлишданми? Нега шундай деб ўйлаяпсиз?

11. Сизнингча, ҳаққа болалари ақллими ёки дангасами ёхуд кўрқокми ёинки журъатсизми? Уларни ишбилармон дейиш мумкинми? Ўйлаб кўрингчи, улар нимадан ҳадиксираяптилар? Нима учун шундай деяпсиз? Буни нима билан исботлайсиз?

12. Нима деб ўйлайсиз, одам боласи қачон мустақил бўлади? Қачон ота-оналар ўз болаларини ҳаётга мустақил қўйиб юборадилар? Нега шундай деб ўйлайсиз?

Ўқувчилар шу савол ва топшириқларга жавоб бериш асносида аста-секинлик билан муаммонинг ечими сари борадилар. Айниқса, 11-саволга, аниқроғи, шу банддаги саволларга жавоб беришлари асносида муаммонинг ечими топилади. Бу ечим ҳар синфда ҳар хил бўлиши ҳам мумкин. Ечимнинг битта ёки бир хил бўлмаслиги муаммоли таълимнинг асоси, албатта. Мухими – ечимни акс эттирган жавобларнинг асосланганлиги, яъни асоснинг қай даражада мантиқлилиги ва кучлилигидир. Бундан ҳам муҳимроғи – ўқувчиларнинг шу масалалар устида фикрлагани, муносабат билдиргани, ўз ҳақиқатларини асослаш кўникмасини эгаллаб бораётганларидир. Бошланғич синфлар адабий таълимнинг бош мақсади ҳам мана шу – ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз ҳақиқатлари учун кураша оладиган ва уларни ҳимоя қила билладиган Шахсни шакллантиришга хизмат қилишдир.

Уйга вазифа сифатида Ҳакканинг интернетдаги ҳаққа чизиш машғулотлари асосида суратини чизиш, ёки болаларининг мустақил ҳаёти тасвирини қоғозга тушириб келишни топшириш мумкин. Кейинги дарсда суратлар «Ўқиб» берилади, албатта.

Т. Адашбоев. «ҚИШ»

Маълум вақт оралигида мустақил равишда баъжарилган ақлий иш кўлами ва сифати (ишнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги) – тафаккур мустақиллиги даражасининг мезонидир. Тафаккурнинг мустақиллиги эса муаммоли таълим асосидир.

Эътибор қилинса, тақдим этилаётган барча дарс ишланмалари ёки бадий матнларнинг таҳлили, асосан, ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва тафаккури тараққиётига йўналтирилганлигини пайқаш мумкин. Болаларни мустақил фикрлашга йўналтиришни мактабгача тарбия муассасалари машғулотларидан бошлаб амалга ошириш мақсадга мувофиқ экани аён. Таълим-тарбиянинг дастлабки босқичида бу йўналишда эришилган муваффақиятлар бошланғич синфларнинг дастлабки бўғинида ҳам, юқори босқичида ҳам, ўрта синфлар, юқори синфлар ва ҳатто олий таълимда ҳам изчилликда давом эттирилиши маънавий камолот йўлига тушиш гаровидир.

Биринчи синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Ўқиб китоби» дарслигида таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев қаламига мансуб «Қиш» шеърини ўрганишга қаратилган биргина: «Қиш фасли сизга нимаси билан ёқади?» деган савол қўйилган. Бу савол ўқувчиларни асар мазмунига мутлақо мурожаат қилдирмайди. Бир сўз билан жавоб берилиб қўя қолинади. Бу бўйича иш тугилса, шеър ўқилган жойида қолиб кетаверади. Унинг ўқувчи маънавиятига ҳеч қандай таъсири бўлмайди. Ахир бу шеър маълум мақсад асосида ёзилган. У шу мақсадга хизмат қилмоғи учун ўқитувчи ва ўқувчилар унинг моҳиятига чуқурроқ киришлари, табиат тасвиридан, қиш фасли гўзалликларидан баҳра олишлари мақсадга мувофиқдир.

Мазкур шеър устида ишлашни муаммоли таълим методидан фойдаланган ҳолда ташкил этишдан аввал доска (ёки экран)га

киш фасли тасвирланган суратлар осиб кўйилади (суратларда пийма кийган болалар тасвири бўлиши мақсадга мувофиқ). Бундай суратларни ўқитувчи интернет саҳифаларидан истаганча топиши мумкин. Сўнгра ўқитувчи шеърни ифодали қилиб ўқиб беради. Ўқитувчи ўқувчиларидан асар матнини у билан биргаликда ўз дарсликларидан ичда ўқишларини талаб қилади. Бундай иш тури, аввало, ўқувчиларни матнни ўқитувчи раҳбарлигида ифодали ўқишга йўналтирса, иккинчидан, болаларнинг қулоқлари шеърнинг ифодали ўқилиши оҳангига ўрганади, учинчидан эса, ўқувчилар ўқитувчисига эргашган ҳолда кўзлари билан матнни тез ва ифодали ўқишга кўникиб борадилар. Айни замонда, улар матн моҳиятига мустақил равишда киришга ҳам ундалади.

Шудгор узра увуллар

Аёз бобо бўрони.

Меҳмон бўлди қиш фасли

Оқ чойшабга ўраниб.

Бундан буён кўча-кўйда

Пийма, этик гарчиллар.

Тиним бермас чаналарга

Шоқир, Раъно, Барчинлар⁴¹.

Ўқувчилар матн мазмуни билан таништирилгач, уларнинг диққати хаттахта (ёки экран)даги суратларга қаратилади. Аввал ўқувчиларнинг эътибори кишки кийимлар ва ўйинларга қаратилади. Қишки табиат тасвири, дарахтлар ва қушларга болаларнинг диққати қаратилади. Муносабати сўралади. Ўқувчилардан пийма суратини топиш ва у ҳақда билганлари сўралади. Бу масала ҳал бўлгач, болалар қандай ўйинлар ўйнаётгани ҳақида савол берилади. Ўқувчилар бу саволларга кўп ўйлаб ўтирмай жавоб берадилар, албатта. Савол ва топшириқлар аста-секин кийинлаштириб борилади:

а. Шудгор нима экани ҳақида ўйлаб кўринг. Уни қачон ва қаерда кўргансиз?

⁴¹. O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. /Muallif-tuzuvchilar: T. G'afforova, E. Shodmonov, G. Eshturdiyeva. – T.: «Sharq», 2017. – 11-b.

б. «Аёз бобо» кимлигини биласизми? Унинг бўрони нимадан бошланади, сизнингча?

в. Аёз бобонинг бўрони шудгорда увиллашини қандай тасаввур қиласиз? Фикрингизни тушунтириб беринг.

г. Нима деб ўйлайсиз, нега шеърда қиш фасли «меҳмон» дейиляпти? Сизнингча, унинг меҳмонлиги нимадан иборат?

д. Қишнинг «оқ чойшабга ўраниб» келишини сиз қандай тушундингиз? «Оқ чойшаб», сизнингча, нимани англатади?

е. Шеърдаги: «Пийма, этик ғарчиллар» деган гапни, сизнингча, қандай тушиниш мумкин? Пийма қандай тайёрланишини биласизми? Билганларингизни ўртоқларингизга ҳам айтиб беринг.

ж. Яхшилаб ўйлаб кўрингчи, қишда пийма ва этиклар ғарчиллайдими? Бу ғарчиллаган нарса оёқ кийимларими ёки бошқа нарсами?

з. Шоқир, Раъно ва Барчинлар нима учун чаналарга тиним бермаслиги сабабларини тушунтириб беринг.

и. Шеърга нима учун «Қиш» деб сарлавҳа қўйилганини биласизми? Билганларингизни бизга ҳам айтиб беринг.

к. Сиз унга қандай ном берган бўлардингиз? Шеърнинг мазмунидан келиб чиқиб жавоб беринг.

Кўриниб турибдики, «Қиш» шеъри мазмуни юзасидан болаларга тақдим этилган бу савол ва топшириқларнинг бирортасига матнда тайёр жавоб йўқ. Ўқувчилар ўзлари мустақил мулоҳаза юритиб фикр айтадилар. Шу тариқа бадий асарнинг моҳиятига кирадилар. Ундаги табиат тасвири билан боғлиқ гўзалликларни илғайдилар, қишги ўйинларни тасаввур қиладилар. Мустақил мулоҳаза юритиб муносабат билдирадилар. Шу тариқа бадий матнларнинг моҳиятига кириб сўздан, пейзаж (табиат тасвири)дан завқ оладилар. Бу завқ уларнинг маънавий камолотига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бу савол ва топшириқлар устида ишлаш асносида ўқувчилар шудгор нима эканлигини, нега шамол айнан у ерда увиллашини, қишдаги шамол-бўрон бадий адабиётда «Аёз бобо» шаклида қўлланилишини, қишда оёқ кийимлари эмас улар билан босилган қор ғарчиллашини, у қуруқ бўлгани учун босилганда шундай овоз чиқаришини, нам қор ғарчилламаслигини, ўз билимлари

доирасида, албатта, айтадилар. Ўқувчиларнинг жавобларини ўқитувчи тўлдириб бориши ҳам мумкин.

Ўқувчиларнинг қиш ҳақидаги тасаввурлари тиниқлаштириб олингач, ўзларига ишончи ортиб, асар матнига кизиқиб қолишганларидан сўнг уларнинг олдига қуйидаги муаммоли масалалардан бири (вақтга қараб иккаласидан ҳам фойдаланиш мумкин) танлаб эълон қилинади:

1. «Ўйлаб кўрингчи, қишда нима учун совуқ бўлади? Сизнингча, болалар нима учун қишда ҳам терлаб кетадилар?»

2. «Қишда қалин кийимлар ўзидан иссиқ чиқарадими ёки кийимларнинг қалинлиги одам танасидан чиқадиган иссиқликни сақлаб турадими?»

Тарбияланувчилар олдига қўйилган мазкур иккала муаммонинг ҳам ечими ўқувчилардан маълум билимларни тақозо этади. Ўқитувчи яхши биладики, Ер ўз ўқи атрофида тинимсиз айланиб туради ва шу боис ер юзида фасллар ҳам, кун билан тун ҳам алмашилиб туради. Шу айланиш натижасида қишда Ерга қуёш нурлари қиялаб тушади. Натижада қуёшдан ерга етиб келадиган иссиқлик ва ёруғлик камаяди. Иссиқликнинг камайиши асносида ерда қишда совуқ иқлим пайдо бўлади, ёруғликнинг камайиши туфайли эса кунлар қисқа бўлади. Ўқувчиларнинг кўпчилиги буни билмаслиги мумкин, албатта. Шунинг учун ўқитувчи ўқувчилар олдига ернинг ўз ўқи атрофида айланиши макетини қўйиши (у география хонасидан олинади) мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ёғини ўқувчилар ўзлари ҳал қилишлари учун уларга қуйидаги савол ва топшириқлар билан мурожаат қилинади:

1. Ер шарининг айланишига диққат қилинг: ўйлаб кўриб айтингчи, қиш фаслида у қаерда туради?

2. Қуёш нурларига диққат қилинг: улар қай томонга йўналтирилган? Фасллар алмашинуви нимага боғлиқ экан? Қуёшгами ёки Ергами? Ненга шундай деб ўйлаяпсиз?

3. Ўйлаб кўрингчи, осмондан ёғадиган ёғин нима учун баҳор ва кузда ёмғир шаклида бўладию қишда қор шаклида бўлади?

4. Сизлар учун ҳар фаслнинг ўз ўйинлари бор. Ёзда ўйнаганингизда, маълум, кун иссиқ бўлгани учун терлаб кетасиз. Ўйлаб кўрингчи, нима учун қишда, совуқда чана учганда ёки қор

ўйнаганда ҳам терлаб кетасиз? Бунинг сабаби, сизнингча, нима бўлиши мумкин? ва ҳк.

Иккинчи муаммоли саволнинг ечимини топиш асносида эса куйидаги билимларга таянилади: маълумки, одамнинг танаси ҳамиша 36,6 градус даражада иссиқ бўлиб туради. Иссиқ кийим одамни иситмайди, балки унинг танасидан чиқаётган мана шу табиий иссиқлик энергиясини ўз қалинлиги билан узокрок муддатга ушлаб туради. Қишда одамлар танасидан чиқаётган иссиқликни асраб туриши учун иссиқ кийимлар киядилар. Болалар қишда ҳар хил ўйинларни ўйнаш асносида кўп ҳаракат қиладилар ва шу тариқа таналаридан кўпроқ иссиқлик энергияси ажралиб чиқади. Устиларидаги қалин кийимлар бу иссиқликнинг ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймайди ва улар исиб, терлаб кетадилар. Маълум вақт ўтгач инсон организми ҳаракати сусайгач, танадан ажраб чиққан тер туфайли ҳўл бўлган кийимлар энергиянинг етишмаслиги ва ташқи совуқ туфайли совий бошлайди ҳамда танага акс таъсир кўрсатади. Натижада шамоллаш юз беради. Ўқувчилар бу ҳақиқатларни илмий асослари билан билмаслиги мумкин, албатта. Лекин умумий тарзда тасаввур қиладилар ва муаммонинг ечими сари йўналтирувчи савол ва топшириқларга шу тасаввурлари асносида жавоб берадилар:

1. Ўйлаб кўрингчи, нега ҳамма одамлар қишда қалин кийим кийишади-ю ёзда юпқа кўйлақларда юришади?

2. Иссиқ кийимлар ўзидан иссиқлик энергиясини чиқарадими? Одамлар қишда юпқа кийим кийишгани учун совқатишадими? Бунинг кийимлар ҳал қиладими?

3. Ўйлаб кўрингчи, нега одамлар ёзда юпқа кийим кийишса ҳам исиб кетишади? Уни ҳам кийимлар қиладими?

4. Одамнинг танасида неча градус иссиқлик мавжуд? Сизнинг танангиздаги иссиқлик ҳарорати қачон ва нима учун кўтарилади деб ўйлайсиз?

5. Соғлом одамнинг тана ҳарорати қишда қанча бўладию ёзда қанча бўлади? У ўзгариши мумкинми? Нима учун?

6. Ўйлаб кўринг-чи, қишқи қалин кийимларнинг вазифаси нималардан иборат? Ўзидан иссиқлик чиқаришми ёки одам танасидан чиқаётган иссиқликни асраб туришми?

Ўқитувчи ўқувчиларининг фикрларини эшитади, ҳамкорлик асосида, биргаликда муаммонинг ечимини топишади. Хулосаларни умумлаштиради. Бундай иш турлари ўқувчиларни кичик ёшдан мантиқли мулоҳаза юритишга, хулосаларини ҳам амалий, ҳам назарий асослашга ўргатиб боради.

Уйга вазифа сифатида шеърни ёд олишни топшириш мумкин. Синфдаги чизишга қобилияти бор болаларга қиш билан боғлиқ суратлар чизиб келишни топшириш ҳам ўринли бўлади. Сўз билан ишлашга мойиллиги бор болалар учун ўзига хос топширик – қиш ҳақида шеър ёки ҳикоя ёзиб келишни ҳам топшириш мумкин. Кейинги дарсда «сураткаш»лар чизганларини, «шоир» ёки «ёзувчи»лар ўз асарларини ўртоқларига ўқиб беришларини талаб қилиш шарт. Бу билан ўқитувчи қобилият эгаларини рағбатлантирган бўлади.

А. Авлоний. “АҚЛЛИ ҚАРҒА”

Муаммоли топшириқлар энгил бўлмаслиги, яъни ўқувчилар уларни аввалдан маълум билимларига таянган ҳолда еча олмаслиги, ва айни замонда, улар еча олмайдиган даражада қийин бўлмаслиги, ўқувчилар уларни мустақил равишда таҳлил қила биладиган ва еча оладиган, номаълумни аниқтай оладиган даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги биринчи синф «Ўқиш китоби»дарслигида Абдулла Авлоний қаламига мансуб «Ақлли қарға» номли ҳикоя ўрганиш учун такдим этилган⁴²:

Ёз фасли жазирамасида ҳамма ёқда сувлар қурибди. Бечора қарға сув йўқлигидан чанқаб, жуда қийналибди. Ҳар тарафдан сув ахтарар экан, бировнинг олдида турган кўзани кўриб қолибди. Кўзанинг ёнига келиб қараса, ичида сув бор экан. Лекин бўйнини суқиб ичай деса, бўйи етмабди. Шунда у тумшуги билан тошларни йиғиб, кўзанинг ичига ташлай бошлабди. Бироздан сўнг кўзанинг ичидаги сув устига чиқибди. Ақлли қарға сувдан ичиб, ташналик балосидан қутулиб, учиб кетибди».

⁴². O'qish kitobi. 1-sinf uchun darslik. /Muallif-tuzuvchilar: T. G'afforova, E. Shodmonov, G. Eshturdiyeva. – T.: «Sharq», – 2017. 53–54-b.

Бу асарни ўрганиш биринчи синф ўқувчиларига кизиқарлироқ бўлиши учун компьютердан қарғаларнинг ҳар хил ҳолатдаги сувратларини топиб экранда намойиш этилади. Рус ва ўзбек тилларидаги «Википедия»да қарғаларнинг ташқи кўриниши, озиқланиши (ҳатто болаларга қарғанинг овозини ҳам эшиттириш мумкин), яшаш тарзи ҳақида илмий маълумотлар берилган⁴³. Қарғанинг ақллилигини ҳаётий ҳақиқатлар мисолида ҳам ўқувчиларга маълумотлар берилади:

«...Биология ва зоология фани мутахассисларининг таъкидлашларича, қарға қушлар орасидаги энг зийрак ва шу билан бирга энг маккор қуш экан. Бунга сабаб қарғанинг мияси бошқа қушлар миясига нисбатан каттароқ ҳажмга эга эканлигидир. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бошқа қушлардан фарқли ўларок, қарғалар оиласида ўзига хос суд, маҳкама жараёни бор. Бу маҳкамада оила ва жамоа низомига бўйсунмаган ахлоқсиз қарға суд қилинади. Қизиғи шундаки, бу суд Аллоҳнинг марҳамати билан адолат асосида олиб борилади.

Қарғалар жамоасида ҳар бир жиноят учун муайян жазо белгиланган. Масалан, бирор қарғанинг ёш полапони оғзидаги лўқмасини тортиб олган қарғага суд томонидан ўша қарға то учолмайдиган бўлиб қолгунича битта қўймай патларини юлиш жазоси тайинланади. Жабрланган томон жиноятчи қарғанинг патларини шу қадар юлиб ташлашадикки, натижада жиноятчининг ўзи ҳам ҳалиги полапон каби учолмайдиган, заиф бўлиб қолади.

Қарғалар инини золимларча эгаллаб олган ёки уни бузган қарғага адолатли суд томонидан жабрланган қарға учун янги ин қуриб бериш вазифаси юклатилади.

Бошқа қарғанинг урғочисига тажовуз қилган, тегажоғлик қилган қарға ўлимга маҳкум этилади. Урғочи қарғанинг қариндошлари жиноятчи қарғани тумшуклари билан то у ўлгунича уриб, чўқишади.

Қарғалар маҳкамаси, одатда, бирорта экинзор далада ёки кенгроқ майдонда олиб борилади. Аввалига маҳкама ҳайъати аъзолари белгиланган жойга келишади ва шундан кейин айбланувчи қарға кўрикчилар ҳамроҳлигида ва қаттиқ назорат остида майдонга келтирилади. Суд бошланганда айбдор қарға

⁴³. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Ворона>, <https://zamin.uz/hayot-tarzi/63915-nima-u-chun-qargalar-eng-aqlli-qush-hisoblanadi.html>

бошини қуйи солиб, қанотларини тушириб, айбини тан олгани учун қағилламай жим туради. Агар маҳкама томонидан жиноятчи қарғага ўлим жазоси тайинланса, ҳамма қарғалар уни ўткир тумшуклари билан чўкиб, уриб ўлдиришади. Ўлгандан кейин қарғалардан бири уни кўмиш учун жасади бемалол сиғадиган қилиб ер қазийди. Кейин ҳаммалари бирлашиб жасадни эҳтиёткорлик билан қабрга тортишади. Сўнг уни хурмат қилгандек, тупрокни ҳам устига аста-секин тортишади. Шундай қилиб, инсон боласи кўпинча жорий қилолмайдиган илоҳий адолатни улар қойиллатиб ўрнига қўйишади. Бундан ташқари, олимларнинг маълумотларига кўра, бошқа қушлар орасида фақатгина қарғалар қабр кавлаб, ўлганларини ерга кўмишар экан. Шу боис Аллоҳ таоло инсонга вафот этганларни дафн қилишни ўргатиши учун қарғани юборган экан»⁴⁴.

Ўқувчилар қарға ва унинг ақллилиги ҳақида умумий тасаввурга эга бўлганларидан сўнг юқоридаги матн ўқиб эшиттирилади. Дарсликда мазкур матн мазмуни юзасидан: «Қарға жазирамада нега қийналибди?» ва «Сарлавҳа нега «Ақлли қарға» деб номланган?» тарзидаги иккита савол берилган. Ўқувчиларни Абдулла Авлоний назарда тутган сифатларни кашф этишга ўқитувчи қўшимча савол ва топшириқлар кўмагида йўналтиради.

1. Яхшилаб ўйлаб кўрингчи, ёз фасли жазирамасида сувлар нега ва қандай қилиб қурийдими?

2. Қарғалар ҳақида ҳозир эшитганларингиз илмий маълумотларни эсланг. Улар Ўзбекистонда асосан қайси фаслда яшашади?

3. Ҳикоядаги қарғанинг ақллилигини Сиз нимада кўрдингиз?

4. Қарғанинг бўйни сувга етмагани сабабини унинг расмига қараб асослаб беринг.

5. Ўйлаб кўрингчи, кўзачага қарға ташлаган тош билан сув кўтариладими? Истасангиз буни амалда текшириб кўринг.

6. Кўзага тош ташланганда сув қандай қилиб кўтарилади, деб ўйлайсиз?

7. Ўйлаб кўринг, қарға кўзачадаги сувни ичиш учун яна қандай ақлли хатти-ҳаракатлар қилиши мумкин эди?

⁴⁴ <http://quran.uz/qurani-karim/mojizalar/1371-maqola.html>

8. Қиссадан ҳисса чиқаришга уриниб кўринг. Авлоний бобо бу хикояси билан сизга нималарни тушунтирмоқчи бўляпти деб ўйлайсиз?

9. Асарга сиз қандай сарлавҳа кўйган бўлардингиз? Нима учун эртаски шундай номлаганингизни асослаб беринг.

10. Шу ақлли қарга билан ўзингиз янги эртаск тўқинг.

Ҳамкорлар асарнинг дидактик таҳлилини амалга ошириб бўлишгач, ўқитувчи уларнинг олдида: «Ўзбекистонда ёзда қарга бўлмайди. У фақат қишда, қор ёққанда келади» деган муаммоли масалани қўяди. Бу билан ўқувчилар олдида ўқитувчи ҳақми ёки Авлоний бобоми, аниқлаш масаласи қўйилади. Ва унинг ечими, яъни қим, қанчалик ҳақ эканини аниқлаш учун ҳар бир бола уйда интернет, энциклопедик луғатлар, хуллас, китоб қарайдилар. «Тадқиқотчи»ларнинг ҳар бири топиб келган билимлари, маълумотлари асосида кейинги дарсда синфда бу масаланинг ечими биргаликда топилади. Ҳар бир ўқувчи топиб келган ҳақиқатларини асослайди.

Шу тариқа ишланиб, интернет, қомусий адабиётлар материалларидан оқилона фойдаланиб аниқланган ҳақиқатлар биринчи синф ўқувчиларининг дунёқарашини бойитади, билимини орттиради, савиясини кўтаради, мустақил ва мантиқли мулоҳаза юритишга, мустақил фаолиятга ўргатади. Акс ҳолда ҳар қандай бадиий матн ўқилган жойида қолиб кетаверади.

ТАНДИР (ривоят)

Муаммоли вазият – объект (муаммо)нинг субъект (ўқувчи) томонидан ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатларини очиш усуллари, унинг аниқ (эмплицит) ёки яширин (имплицит) хусусиятларини фарқлашдаги руҳий ва интеллектуал қийинчиликлари ҳамда муаммо ечимининг ташкил этилиш жараёнидир.

Иккинчи синф ўқувчилари учун яратилган «Ўқиш китоби» дарслигидаги «Тандир» ривояти⁴⁵ устида муаммоли ишлаш

⁴⁵ G'afforova T. va boshq. O'qish kitobi. 2-sinf uchun darslik. – T.: Sharq, 2018. – 9-12-b.

қуйидагича бўлиши мумкин. Аввал ривоят ўқитувчи томонидан ифодали қилиб ўқиб эшиттирилади:

«Алишер Навоийнинг Муҳаммад ота деган қўшиниси бўлган экан. Унинг биргина уйи бор экан, холос. Бир куни Муҳаммад ота Навоийнинг ҳузурига келибди-да:

– Ҳазрат, сизга айтадиган бир илтимосим бор, – дебди. – Мен бу дунёдан кўз юмган кунимоқ ўғлим Худойберди кулбани сотадиган кўринади. Нима бўлса ҳам уни сотишга йўл қўймасангиз. Мендан кейин Худойберди бундай уйни тиклаб олишга ҳеч ишонмайман. Кулбасиз кўчаларда қолиб, ҳалок бўлади, – дебди-да, кўзига ёш олибди. Навоий:

– Айтганингиз бўлади, менга ишонинг, – деб юпатибди.

Муҳаммад ота уйига келиб ўғлини ёнига чақирибди:

– Болам, – дебди, – мабодо куним битиб, қазо қилсам, уйни асло сота кўрма. Борди-ю жудаям сотгинг келса, Навоий ҳазратларининг олдиларидан бир ўтиб, кейин бу ишга қўл ур. Ҳазрат сенга тўғри йўлни кўрсатадилар.

Муҳаммад ота оламдан ўтибди. Худойберди уйни сотмоқчи бўлибди. «Отам, уйни сотадиган бўлсанг, Навоийнинг олдидан ўт, деган эди. У қандай йўл кўрсатар экан», дебди-да, шоирнинг ҳузурига келибди. Навоийга мақсадини айтибди. Шунда Навоий:

–Яхши. Аммо тандиринг бироз эски. Бузиб, янгисини қур. уйнинг нархи оша-ди, – дебди.

Худойберди уйига келиб, тандирига қараса, ҳақиқатан ҳам тандир жуда эски эмиш. «Навоий тўғри айтди», – дебди-да, тандирни бузибди. Тандирфурушдан тандир сотиб олибди-да, орқага қайтибди. Йўлда чарчаб, дам олмоқчи бўлибди. Шунда тандир ерга қаттиқ тегиб, синиб кетибди. Худойберди орқага қайтиб, устадан яна битта тандир сотиб олибди. уйига етай деганда уни ҳам синдириб қўйибди. Бир иложини қилиб, учинчи тандирни уйига олиб келибди-да, эскисининг ўрнига қурибди. устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб қараса, тандир тушиб ётган эмиш. Худойбердининг жаҳли чиқиб: «Навоий нега мени бунчалик овора қилди?» – дебди-да, шоирникига йўл олибди.

– Ҳазрат, – дебди Худойберди Навоийга қараб, – тандирни қуролмадим. Майли, арзонроқ бўлса ҳам уйни тандирсиз сотавераман.

– Сўзимни эшит, – дебди Навоий. – Биргина тандирни элаб қуролмайсан, аммо уйни сотмоқчи бўласан. Уйингни сотиб қўйиб, янғисини қура олмай, кўчада қолиб кетишни уйламадингми? Бор, ҳунар ўрган, ишла, уйинг ҳам ёнга қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади...

Навоийнинг доно сўзларига тан берган Худойберди ҳунар ўрганиб, яхши кун кечира бошлабди».

Дарсликда асар матни юзасидан такдим этилган саволлар (Ривоят нима хақида? Муҳаммад ота нима учун Навоийнинг олдига келди? Ривоятни ўқиганда кўз олдингизда нималар намоён бўлди? Алишер Навоий тўғри йўл тутдими?) билан унинг моҳиятига адабий таълимнинг мақсадига мувофик тарзда кириб бўлмайди. Шунинг учун ўқитувчи асар сюжети юзасидан ўзи мантиқли савол ва топшириқлар тузишига тўғри келади. Ёки бирданига ўқувчилар олдига муаммони қўявериши ҳам мумкин. Муаммонинг ечимини топиш асносида ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда матн моҳиятига кириб борадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари қўл келади. Муаммони ўқитувчи «Нодон ўғил ва келажакни кўра билган ота ёки ёшликнинг бебошликлари» шаклида қўйиши мумкин.

Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликда фаолият юритиб қуйидаги бир қанча савол ва топшириқлар кўмагида муаммонинг ечими сари борадилар:

1. Ўйлаб кўрингларчи, нима учун Муҳаммад ота илтимос билан маҳалла оқсоқолига, қози ёки имомнинг олдига эмас, айнан Навоийнинг олдига келди?

2. Нима деб ўйлайсиз, Муҳаммад ота ўғли Худойберди унинг уйни сотиб юборишини қаердан билдийкин?

3. Отанинг қуйидаги гапларига диққат қилинг: «Мендан кейин Худойберди бундай уйни тиклаб олишига ҳеч ишонмайман». Нима деб ўйлайсиз, отанинг бундай гапни айтишга қандай асоси бор? У нима учун бундай ишонч билан гапиряпти?

4. Ўйлаб кўрингчи, Худойберди нима учун отасининг гапини қулоғига олмади, уйни сотмоқчи бўлди?

5. Навоий Худойбердига нима учун опхона, молхона ёки пешайвонни эмас, айнан тандирни янгилашни буюрди, Сизнингча?

6. Тандир янгиланса, ростдан ҳам уйнинг нархи ошадими, Сиз нима деб ўйлайсиз?

7. Ўйлаб кўрингчи, Навоийнинг мақсади, Сизнингча, нима бўлиши мумкин?

8. Тандирнинг синиб қолиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Асарнинг шу бандини қайта ўқинг. Сизнингча, бу кимнинг айби билан бўлди? Нега шундай деб ўйлайсиз?

9. Тандирнинг иккинчи марта ҳам синиб қолишига қандай қарайсиз? Шундай бўлиши мумкинми? Бу, Сизнингча, нимадан далолат беради?

10. Ривоятдаги «Устига кўп лой бостириб юборган экан, эрталаб караса, тандир тушиб ётган эмиш» деган жумлага диққат қилинг. Бу кимнинг хатоси? Бу хатонинг асл сабаби нимада деб ўйлайсиз?

11. Худойбердининг «Навоий нега мени бунчалик овора қилди?» деган гапига диққат қилинг. Сизнингча ҳам уни Навоий овора қилдими ёки Сиз бошқача ўйлайсизми?

12. Худойбердининг эътирофига диққат қилинг: «Ҳазрат, – дебди Худойберди Навоийга қараб, – тандирни қуролмадим...». Бу нимадан далолат беради, Сизнингча?

13. Навоийнинг қуйидаги гапларини диққат билан қайта ўқинг: «Биргина тандирни эплаб қуролмайсан, аммо уйни сотмоқчи бўласан. Уйингни сотиб қўйиб, янгисини қура олмай, кўчада қолиб кетишни ўйламадингми? Бор, хунар ўрган, ишла, уйинг ҳам ёнга қолади, тирикчилигинг ҳам ўтади...» Унга муносабат билдириг.

14. Ўйлаб кўрингчи, Худойберди нима учун отасининг гапига кирмади-ю, Навоийнинг гапини қулоғига олди? Бу тутумнинг замирида, Сизнингча, қандай ҳақиқат бор?

15. Сизнингча, Худойберди қандай бола? Унинг хатолари нималардан иборат-у, қайси ишларини тўғри деб ҳисоблайсиз? ва ҳк.

Шу тариха ҳамкорлар биргаликда суҳбатлашиб муаммонинг ечимини топадилар: яъни Худойбердининг ношуд ва эрка ўғил бўлиб ўсганини, оилада тилаб олинган ёлғиз фарзанд бўлгани учун (бу унинг номидан англашилиб турибди) ота-она уни асраб-авайлаб катта қилганини, ишга ёки бирор хунар ўрганишга боланинг бўйни ёр бермагани, шу боис тандир

қуришни ҳам эглолмаганини, яхши ва осон яшашга ўрганиб қолганини, Муҳаммадjon ота ўғил тарбиясида хатога йўл қўйганини англаганини, ёлғиз фарзанди ўзидан кейин хор бўлишини ўйлаб эзилгани ва нажотни Навоидан топганини умумий шаклда муҳокама қиладилар.

Худойбердини ҳам, унинг отасини ҳам маълум даражада ҳис қиладилар. Ҳаёт ва унинг берган сабоғини мурғаккина қалблари билан ҳис қиладилар. Бу туйғу кичик ўқувчиларнинг кўнглида қолади ва қачонлардир ўз мевасини беради.

Уй вазифаси сифатида «Худойбердининг ҳовлиси» номли сурат чизиб келишни топшириш мумкин. Истаган ўқувчилар «Худойбердининг кейинги ҳаёти» мавзусида бир асар яратишлари ҳам мумкин. Ҳар иккала уй ишини ҳам ўқиш ва муҳокамага тортиш кераклигини ўқитувчига эслатиб ўтиш шарт эмасдир...

Миртемир. Уйғон

Муаммоли масала – муаммоли вазият яратиш маҳсули – махсус шаклга солинган воқеа ёки ҳодиса бўлиб субъект (ўқувчи)нинг имкониятлари ва эҳтиёжига таянадиган материал.

Иккинчи синф «Ўқиш китоби» дарслигидан Миртемир қаламига мансуб «Уйғон» номли шеърий бир матнни ҳам муаммоли шаклда ўрганишнинг қуйидаги намунасини кўриб чиқиш мумкин. Албатта, буни синфдаги ўқувчиларнинг умумий интеллектуал имкониятларига қараб ўқитувчининг ўзи белгилайди. Агар вазият кўтармаса, асарни оддий дидактик таҳлил асосида ҳам ўрганиш мумкин:

Uyg'on, erkam, ko'zing och,
Tong yoydi zart'in quloch.
Bosh ustringda aylanib,
Uchib o'tdi qaldirg'och.

Allaqachon botdi oy,
Tur, yotmagil, erkatoy.

Qanot yozib osmonda,
Kuy boshladi bo'zto'rg'ay.

Uyg'on, erkam, tur, erkam,
Ko'z sol, olamga – ko'rkam!
Sen uchun bog'cha, bog'lar,
Olamlar bermish o'lkam!

Uyg'on, qo'zim, yuzing yuv,
Tong o'zingday sof, suluv...
Shoshil, erkam, maktabda
Kutadi seni o'quv!⁴⁶

Китобда асар матнидан келиб чикиб берилган биринчи: «Шеър кимнинг номидан айтилган?» савол диққатга сазовор. Уни куйидаги савол ва топшириқлар билан тўлдириш, давом эттириш мумкин:

1. Сиз буни (у кимнинг тилидан айтиганини) нималардан англадингиз?

2. Нима деб ўйлайсиз, Оталар ўғилларини қандай уйғотишади?

3. Тонг ёйган «заррин қулоч»ни Сиз қандай тушундиргиз?

4. Шеърнинг иккинчи мисрасини қайта эшитинг: «Бош устингда айланиб, Учиб ўтди қалдирғоч». Шунга асосланиб айтингчи, бола қаерда ухляпти? Бу қайси фасл?

5. Ўйлаб кўрингчи, Ой қачон ва қаёққа ботади? Сиз Ойнинг ботишини кузатганмисиз?

6. Бўзтўрғай қандай қуш? Уни кўрганмисиз? Билмасангиз интернет орқали у ҳақда кейинги дарсда маълумот олиб келинг.

7. Шеър матнига диққат билан қаранг. Унда «эркам» сўзи неча марта ишлатилган? Ўйлаб кўрингчи, бу нимадан далолат беради, Сизнингча?

8. Ҳеч кузатганмисиз, эрталаб оламнинг кўркамлиги нималарда акс этади?» ва ҳк.

Шу савол ва топшириқлар асносида шеърнинг дидактик таҳлили амалга оширилганда ҳамкорлар биргаликда матн

⁴⁶ G'afforova T. va boshq. O'qish kitobi. 2-sinf uchun darslik. – T.: Sharq, 2018. – 34–35-б.

моҳиятига кирадилар ва ўқувчилар олдида куйидаги муаммоли саволни кўйиш мумкин: «Нега болаларнинг мактабга борадиган кунлари эрта тургиси, бормайдиган кунлари эса ухлагиси келмайди?»

Ўқитувчи-ўқувчилар ҳамкорликда мазкур ҳолатнинг физиологик ва психологик сабабларини кашф этадилар. Ўқувчилар ўзлари билан юз берадиган бу табиий ҳолатни муҳокамага тортадилар, унинг сабаблари хақида ўйланадилар, фикрлашадилар, бир-бирларини эшитадилар, муносабат билдирадилар. Шу тариқа инсонга хос бўлган хусусиятларнинг умумий жиҳатларини кашф этадилар. Педагогик томондан қаралганда бу таълим-тарбиянинг ҳаёт билан алоқадорлиги тамойилининг амалга ошганлигидан ҳам далолат беради. Ўқувчилар ўқиганлари ва ўзлаштирганларининг амалий мисолини ҳам ҳис этадилар.

«Чўпон йигит Широқ» афсонаси.

Муаммоли таълимнинг вазифалари: ўқувчиларда билимларни ижодий ўзлаштириш кўникмасини тарбиялаш; бу кўникмани ўқув муаммоларини ечиш малакасига айлантириш; ижодий-мустақил фаолият тажрибасига эга бўлишни таъминлашдир.

Муаммо: «Широқни муқаррар ўлимга ўз ихтиёри билан боришга ундаган туйғу, Сизнигча, нима: иродами, ватанга, она тупроққа муҳаббатми ёки фарзандларга меҳрми ёхуд эркак соҳибликми?»

3-синф «Ўқиш китоби»да ўрганилиши кўзда тутилган «Чўпон йигит Широқ» номли афсона такдим этилган:

«Эрон шоҳи Доро Ўрта Осиёга ҳужум қилди.

Массагет, сак ва сугд қабила бошлиқлари Дорони енгиш тўғрисида маслаҳатлашмоқда эдилар. Шунда улар ҳузурига оддий чўпон – Широқ келди ва мақсадини айтди, у ўз жонидан кечиб, ҳийла билан душманни қириб ташламоқчи эди...

Широқ ханжари билан ўз қулоқларини, бурнини кесди ва душман турган жойига йўл олди.

- Шоҳим, мен, қулингиз Широқ, қабила йиғилишида Сизга таслим бўлишни айтган эдим, мени шу аҳволга солишди. Улардан ўч олиш ниятида ҳузурингизга келдим.

- Мен уларнинг қаерда лашкар тўплаганини биламан. Сизларни ўзим бошлаб бораман. Етти кунлик озиқ-овқат гамланг, – деди.

- Доро Широқнинг сўзларига ишонди. Широқ уларни етти кун деганда чўл-у биёбоннинг ўртасига бошлаб борди. Саккизинчи кун очлик, тўққизинчи кун ташиналик бошланди.

Ана шундагина Доро алданганини билди.

- Бизни қаерга олиб келдинг? Қани саклар?! – деб сўради шаҳаншоҳ.

- Мен бир ўзим қудратли шаҳаншоҳни енгдим, – деди Широқ.

- Ғазабланган лашкарбоши қиличини чиқарди. Лекин Доро уни тўхтатди. Доро ёнидаги олтинларни, олмос қадалган тоғжи, забаржадлар тақилган қиличини Широқнинг олдига ташлади:

- Ҳамма олтин чўпонга! - ҳайқирди шоҳ. Тезда Широқ рўпарасида улкан олтин тоғи пайдо бўлди. У эса:

- Бутун душман лашкарини мағлуб қилдим. Қабиламни, она тупроғимни душмандан сақлаб қолдим, – деди мағрур туриб.

- Лашкарбоши ғазаб билан Широқнинг бўйнига қилич солди. Эрон лашкарини эса иссиқ қуёш, сувсизлик, очлик кутмоқда эди⁴⁷.

Аввало, айтиш жоизки, дарсликдаги матн анча жўнлаштириб юборилган. Бундан ташқари, матн мазмуни юзасидан тақдим этилган «Эрон шоҳи Доронинг мақсади нима эди? Широқ ким? У нима учун жонидан кечишга рози бўлди? Доронинг алданишини сўзлаб беринг. Шоҳ саволига Широқнинг берган жавобини ёд олинг» тарзидаги савол ва топшириқлар ўқувчилардан мустақил мулоҳаза талаб қилмайди, уларни матн мазмунини қайта ҳикоя қилишга ва фақат хотира ҳисобидан ишлашга ўргатади.

Мазкур афсона дарсликка ўқувчилардаги ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш мақсадида киритилгани аниқ, албатта. Лекин Ватанга муҳаббат ҳисси бундай ахборот тарзидаги, бадинияти қашшоқ матнлар асосида шаклланмайди. Ватанни севишга, унинг

⁴⁷ O'qish kitobi. 3-sinf uchun darslik. /M. Umarova, X. Hamroqulova, R. Tojiboyeva. – T.: „O'qituvchi“, 2016. – 79-b.

учун жондан кечишга қаратилган чақириклар, шу йўналишдаги чиройли сўзлар ёки шеърларни ёдлаш билан ҳам ўқувчи Ватанни севиб қолмайди. Бу туйғу инсон тийнатида табиатан мавжуд бўлади. Бошланғич синфлар адабий таълими дарслари ўқувчи руҳиятидаги мана шу ҳисни унинг ўзи томонидан кашф этилиши ва такомилени зиммасига олган ўқув фанидир.

Маълумки, ҳар қандай инсон онгли-онгсиз равишда киндик қони тўкилган тупроқни ота-онаси, жигарлари, қондош-қариндошлари билан қўшиб суяди. Бошпанаси – уйини ҳам кичик бир Ватан фахмлайди. Ўқувчиларга хос бўлган бундай табиий туйғуларнинг кўзини очиш, уларни юзага чиқариш ва соҳибига буни англатишга бадиий етук асарлар, уларнинг мазмун-моҳияти юзасидан болалар олдига муаммолар қўйиш ёки махсус йўналтирувчи савол-топшириклар бериш асносида эришилади. Муаммо ёки савол ва топширикларни тўғри тузиш ўқитувчидан ҳам, дарслик муаллифидан ҳам анчагина ақлий зўриқишни тақозо этади. Лекин одамнинг руҳиятида мавжуд бўлмаган туйғуларни ҳеч қандай таълим ёки тарбия, муаммо ёхуд савол билан бор қилиб бўлмаслиги ҳам ҳақиқат.

Ўқитувчи афсонанинг нисбатан ширалироқ, қаҳрамон фазилатлари яққолроқ ифодаланган матнини, масалан, М. Осим талқинидаги варианты⁴⁸ни топиб ўқиб бергани, ёки интернет орқали мультфильми⁴⁹ни кўрсатгани ҳам маъқул бўлади. Гап шундаки, 3-синф ўқувчиси тўққиз ёшли бола. У ўзидаги туйғуларни фарқлай биледи. Бирор воқеа-ҳодисага, ҳатто инсонга муносабат ҳам билдира олади. Ўз фикрини ўзининг даражасида асослай ҳам биледи. Фақат уни туйганлари ва билганларини ифодалашга йўналтира билиш керак.

Ўқитувчи бадиий матнни ўқишдан олдин Марказий Осиё, Эрон, Сўғд ва Шак қабилалари, Яксарт (Сирдарё), Ўқуз (Амударё) ҳақида болаларнинг билганларини сўраб олиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Улар орасидан кимдир, нимадир айтар. Агар акси бўлган тақдирда ўқитувчи ўзи тушунча беради, қадимда Ўрта Осиёда яшаган қабилалар бизнинг аجدодлар экани ҳақида қисқача маълумот беради. Харитадан Ўрта Осиёни кўрсатади.

⁴⁸ e-adabiyot.uz/Кутубхона/Наср

⁴⁹ https://www.youtube.com/watch?v=iasUcay_4zE

Бундан ташқари, матнни ўқишдан олдин ўқитувчи ҳар бир тимсолга хос овозни танлаб олиши ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан: Широқнинг овозини оғир-босиқ, дадил, оқилона; Доронинг овозини дағалроқ ва кўполроқ, ҳукмона; оқсоқолларнинг овозларини эса салобат билан ифодалаш асарнинг таъсир кучини оширади. Матн ифодали ўқиб бўлингач, болаларни озгина ўз ихтиёрларига қўйган маъқул. Токи, улар туйғулари билан ҳоли қолиб, эшитганлари ҳақида ўйлаб кўрсинлар.

Болалар безовта бўла бошлагач, ўқитувчи асар матни ҳақида болаларни ўйлантирадиган, фикр айтишга, мулоҳаза юритишга чорлайдиган, билишга иштиёқини кўзгайдиган мантиқли саволларни ўртага ташлаши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўйлаб кўринг: нима учун Широқ ўлими муқаррар эканини билган ҳолда бу йўлни танлади? Оддий чўпон бўлса, тинчгина қўйини боқиб юраверса бўлмасмиди?

2. «Нима деб ўйлайсиз, қабилада Широқдан бошқа мард йўқмиди? Нега Ватан ҳимоясига у бир ўзи чиқди?»...

Дастлаб бу саволларга болалар ўйлаб-ўйламай, туйиб-туймай оғзиларига келган жавобни бериб юбораверишлари мумкин. Шунда ўқитувчи ўқувчиларини Широқнинг фидойилиги моҳиятини чуқурроқ ҳис қилишга йўналтириш мақсадида улар бетоб бўлиб қолиб укол олганларида ёки бехосдан бирор жойларини кесиб олишганда ёхуд кутилмаганда бирор фалокатга учраб жароҳат олганда туйганлари оғриқларни эслашга ундаши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар бир-бирларига сўз бермай, шундай ходисаларни эслаб, санаб кетадилар, албатта. Шунда уларга:

3. «Ўз хоҳишингиз билан ўзингизни ана шундай оғриққа, азобга сола оласизми? Шу оғриқни ўзингиз ихтиёрий равишда қайта туйишни истайсизми?» сингари йўналтирувчи саволлар билан мурожаат қилиш керак бўлади. Бу саволлар ўқувчиларни зийрак торттириши аниқ. Уларга ҳам биров ўйлаб, биров ўйламай, таваққалига жавоб беравериши мумкин, албатта. Шундан сўнг қўйилган саволнинг биринчиси: «Ўйлаб кўринг: нима учун Широқ ўлими муқаррар эканини билган ҳолда бу йўлни танлади? Оддий чўпон бўлса, тинчгина қўйини боқиб юраверса бўлмасмиди?»нинг моҳиятини очишга йўналтирувчи:

4. «Ўйлаб кўрингчи, Широқ оқсоқоллар олдига келишдан олдин нималар ҳақида мулоҳаза қилган бўлиши мумкин?

5. Нега бундай ўй оқсоқолларнинг ёки қабиладаги бошқа йигитларнинг хаёлига келмади, сизнингча?

6. Широқнинг оқсоқоллар олдига қўйган шартига муносабат билдиринг. Унинг ўз кулоқ-бурнини кесдириб душман олдига бориш гоёси тўғрими, сизнингча? Бунинг тўғрилигини нима билан асослайсиз?

7. Доронинг Широққа ишониши, сизнингча, асослими? Шоҳ Широққа ишонмаслиги мумкинмиди? Нега шундай деб ўйлайсиз?

8. Ўйлаб кўрингчи, Широқнинг иродали йигит эканлигини нималардан пайқаш мумкин?

9. Унинг фарзанд ва набираларига муҳаббатини қайси хатти-ҳаракатида кўрдингиз?

10. «Эрка соҳиблик», деганда нимани тушунасиз? Умуман, одамга хос бўлган эркинлик ва мустақилликни қандай тушунасиз?

11. Она тупроққа, Ватанга муҳаббат ҳисси ҳақида ўйлаб кўринг. У қандай бўлади? Фикрингизни асослашга уриниб кўринг.

12. Широқнинг ўз ўлими сари боришида фарзандларига бўлган муҳаббатнинг қандай даҳли бўлиши мумкин?

13. Афсона сизни нимага чакириши мумкин, нима деб ўйлайсиз?» ва ҳк. тарзидаги ёрдамчи саволлар кетма-кет ўртага ташланиб борилади. Бу билан болалар матнга қайта-қайта мурожаат қиладиларлар, асар қаҳрамони ҳиссиётларини туядилар, унинг тимсолида чин инсонни кўрадилар, фазилатларини таҳлил қиладилар. Асар қаҳрамони туйғуларини кўнгилларидан ўтказадилар.

Бу саволларнинг барчасига ҳамма болаларнинг жавоб бериши шарт эмас, албатта. Улар «бўладиган» болаларнинг ўртачалар қурбони бўлиб қолмасликлари учун зарур. Агар ўқитувчи болалар билан авваллари шундай ишлаб юрган ва уларда кўникма ҳосил қилинган бўлса, ўқувчиларнинг кўпчилиги жавоб бериши аниқ. Акси бўлган тақдирда ҳам бундан чўчимаслик, болаларнинг ҳар бирини ўз имконияти даражасида жавоб беришга ундаш ва уларни бундай суҳбатларга тайёрлаб бориш керак бўлади. Шу тариқа ўқувчилар кичиклигидан жиддий

таҳлилларга, мазмунли суҳбатга ўрганиб боришади. Бу, ўз навбатида, уларни ўқиганларини тушуниш, тушунганлари ҳақида ўйлаш, ўйлаганларини гапириш, ўзгаларни ҳис қилиш, уларга муносабат билдиришга ўргатади.

Бу жараёнда, яъни саволларга жавоб бериш ва топшириқларни бажариш асносида тарбияланувчилар ўзлари англаб-англамай юкорида белгилаб қўйилган муаммонинг ечими сари борадилар. Буни ўқитувчи ташқаридан назорат қилиб боради. Муаммо мазмунидаги қайси тушунча очилмай қолган бўлса у асосда қўшимча савол тузади ва болаларнинг эътиборини шунга жалб қилади. Уларни шу масала ҳақида ўйлаб кўришга, фикр айтишга йўналтиради. Хулосаларни умумлаштиради. Чунки у – болаларда шундай сифатларни шакллантиришга масъул шахс.

Ўқувчилар олдига қўйилган: «Нима деб ўйлайсиз, қабилада Широқдан бошқа мард йигит йўқми? Нега ватан ҳимоясига у бир ўзи чиқди? Агар бошқа шундай йигитлар бўлса, воқеалар ривожини қандай бўлиши мумкин эди, сизнингча?»ни саволлар асосида шакллантирилган муаммоли масала дейиш мумкин. У ҳам ҳар бир ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга, Широқнинг ҳолатини тасаввур қилишга, бу борада ўз фикрини айтишга ундайди. Натижада турфа фикрлар пайдо бўлади. Ўқувчилар орасида ўз фикри, ўз ҳақиқати учун курашиш асносида мунозаралар келиб чиқиши мумкин. Бундай вазият муаммоли таълимнинг асоси. Фикрлар тўқнашуви асносида муаммонинг ечими топилади. Ечим ҳар синфда ҳар хил бўлиши ҳам мумкин. Буни вазият кўрсатади, албатта.

Маълумки, бошланғич синф ёшидаги болаларнинг кўпчилиги, ҳатто мактабгача ёшдаги тарбияланувчилар ҳам ёмон ва яхши сифатларнинг фарқига боришади. Қилиб қўйгани ёмон ишнинг оқибатларини ҳам, яхши иши учун катталардан рағбат олишини ҳам жуда яхши ҳис этишади. Шу боис ёмон хатти-ҳаракатларини уйда ота-онаси, мактабда устозидан яширишади. Одамзотда, жумладан, бошланғич синф ўқувчиларида ҳам бир хусусият – ўзини боридан яхшироқ кўрсатишга ҳаракат қилиш ҳисси мавжуд. Кўпчилик ҳамisha руҳиятидаги салбий ҳисларни атрофдагилардан пардалайди ва ўзида мавжуд бўлмаган фазилатларни бор қилиб кўрсатишга тиришади. Айни фазилатни хатти-ҳаракатда кўрсатиш вақти келганда эса секингина орқага

чекинади. Шундай туйғулари рост бўлган одамгина мураккаб вазиятларда борини боридек намойиш қилади. Унинг фазилати тутумларида акс этади. Ўқитувчи бу саволлар устида ишланаётганда ўқувчиларга Широққа хос бўлган сифатларни алоҳида аңглата билиши керак. Унинг тимсолида одам ҳамиша боридай бўлишга, яъни хатти-ҳаракатида кўнглидаги рост туйғуларга монанд иш тутиши кераклиги борасидаги ҳақиқатни тарбияланувчилар руҳиятига сингдириб бориш бошланғич адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ бўлади. Буни амалга ошириш ўқитувчининг олий вазифасидир.

Қабила оқсоқолларини безовта қилган нарса шуки, агар Доро юртни босиб олса, халқ ўз эркидан, мустақиллигидан маҳрум, қулликка маҳкум бўлади. Бу – эркин яшашга ўрганган кўчманчи қабила аҳли учун ўлимдан баттар. Буни ҳамма қатори Широқ ҳам яхши тушунади. Доронинг бостириб келаётгани хабарини эшитган Широқ қалбидаги қулликка қарши исён туйғуси бош кўтарди. У ўзининг, айниқса, фарзандларининг қулликда яшашини тасаввур ҳам қилолмасди. Ватанга муҳаббат туйғуси замирида фарзандларга муҳаббат ҳисси ётади. Эрк учун курашиш ҳисси устувор келган пайтда, агар у инсон руҳиятида мавжуд бўлса, албатта, ҳар қандай касб-кор ёки амал, мартаба ёки лавозим орқага чекинади. У чин инсоннинг руҳиятида топ-тоза ҳолда мавжуд бўлади. Қалбида Ватанига чинакам муҳаббат ҳисси бўлган одам «мен ватанни севаман» деб ҳайқирмайди. Чиройли чакириқлар қилмайди. Муҳаббатини хатти-ҳаракатида, тутумларида намойиш этади. Широқни – оддий чўпон йигитни – қабила бошлиқлари олдида етаклаб келган туйғу мана шу – ўз эрки, фарзандлари мустақиллиги, қолаверса, халқи ҳамда юртига бўлган муҳаббат ҳиссидир. Қўйилган мантиқли саволларнинг ечими жараёнида болалар мана шу ҳақиқатни ҳис қилишлари керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, чўпоннинг кулок-бурнини кесдириш билан боғлиқ оғриқни, унинг ортидан келадиган муқаррар ўлимни ўз ихтиёри билан танлашига сабаб бўлган нарса фарзандларига бўлган оталик, юртига бўлган фарзандлик бурчи эди. Чўпон болалари фақат ўз халқи орасидагина озод яшаш мумкинлигини жуда яхши биларди.

Дарс сўнгида ўқувчиларга афсона матни асосида сурат чизиш келиши уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Чизилган суратлар гўзал ёки профессионал асарларга яқин бўлиши шарт эмас. Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Улардан ҳеч ким ялпи рассом бўлишни талаб ҳам қилмайди. Мухими, болаларнинг асар матнидаги маълум вазиятни тасаввур қилишлари ва уни қоғозга тушира билишлари. Кейинги дарсда тасаввури асосида яратган битигини ўқиб бериши бошланғич адабий таълимнинг мақсади амалга ошиши гаровидир.

Бадиий матн устида ишлаш шу каби таҳлиллар билан унинг моҳиятига кириш, асарнинг мантикий ва бадиий-эстетик мазмунини англаш ҳамда муҳокама қилиш, асосий ёки иккинчи даражали фикрларни ажрата билиш, улар орасидаги алоқани илғай олиш, шу билан бирга, бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазасига, ўз қарашларига эга бўлиш демакдир. Адабий қаҳрамонлар тимсоли кўмагида ўқувчи инсон ҳаётининг моҳиятини англаш билан бирга ўзини-ўзи тарбиялаб ҳам боради.

М. Юсуф. “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор...”

Тарбияланувчи тушган муаммоли вазият ўқувчи таниш бўлган маълумотлар билан янги фактлар, ҳодисалар ўртасидаги зиддиятдир.

Учинчи синф «Ўқиш китоби»да шоир Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор» шеъри қисқартирилган (иккинчи ва бешинчи бандлари тушириб қолдирилган) ҳолда ўрганиш учун такдим этилган⁵⁰. Дарсликда ягона топширик: «Шеърни ифодали ўқинг» берилган холос. Шу боис мазкур шеър таҳлилинини амалга ошириш учун ўқитувчи унинг мазмуни асосида ўзи савол ва топшириқлар тузиши керак бўлади.

*Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб огрийди жоним,
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.*

⁵⁰. O'qish kitobi. 3- sinf uchun darslik. /M. Umarova, X. Hamroqulova, R. Tojiboyeva. – T.: „O'qituvchi“, 2016. – 193-b.

*(Bag 'rim o 'rtar bir o 'y bahor ayyomlar,
Oy botgan yoqlarga termulib shomlar.
Aybin bilmay ketgan Akmal Ikromlar,
Fayzullodek mardi maydonlaring bor...)*

*Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Юлдузни йиғлатган дostonларинг бор.
Осмонларингда ҳам дийдорингга зор,
Жайрондек термилган Чулпонларинг бор.*

*Кўлинг қадогига босай юзимни,
Онамсан-ку, огир олма сўзимни.
Қайинбарглар ётиб қаро кўзини,
Олисларда қолган Усмонларинг бор.*

*(Alhazar, alhazar, ming bor alhazar,
Ana, yurishibdi kiyganlari zar.
Qodiriyni sotib shoir bo 'lganlar –
Mehrobingdan chiqqan chayonlaring bor...)*

*Курбонинг бўлайин, эй онажоним,
Сенинг фарёдларинг – менинг фигоним,
Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним,
Айтсам адо бўлмас армонларинг бор.*

Муаммо: «*Юрт армони – миллат армони – шоир армони.
Бу уччаласига хос бўлган армон нима? Бу армоннинг сабаблари
нималардан иборат бўлиши мумкин?»*

Аввало, шунини айтиш жоизки, мазкур асар учинчи синф ўқувчиларига ўрганиш учун такдим этилган экан, ўқитувчи унинг тўлиқ матни билан ишлагани дуруст. Чунки тушириб қолдирилган бу икки бандда юрт бағрида тошдек қотган адо бўлмас армонларнинг сабаблари ўз аксини топган. Уларсиз шеърнинг таъсир кучи етарли бўлмайди. Бу икки тўртликда ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати мисраларга моҳирлик билан жойланган. Бу ҳаётини ҳақиқатларни учинчи синф ўқувчилари билишга қодир ва шеърнинг дидактик таҳлили асносида уларнинг шууридан

ўтиши, маънавиятига ўрнашиб қолиши керак бўлган бу армонлар, худди шоир дилини оғритганидек, ўқувчиларнинг ҳам кўнгилларини мувозанатдан чиқариши керак.

Шеърнинг тўлиқ матнини ўқитувчи шоирнинг сайланмасидан⁵¹ ҳам олиши мумкин. Муаллим шеърнинг электрон вариантини экранга катта қилиб тушириб қўйиши ҳам таҳлил самарадорлигини таъминлашга ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Ўқувчиларга бугунги дарс мавзуси ва режасини маълум қилгач, ўқитувчи шеърни аввал ўзи ифодали қилиб ўқиб беради. Ўқувчиларнинг кулоқлари шеърнинг ўқилиш оҳангига кўникиши учун уларни ҳам мутолаага жалб этиб, матнни биргаликда, жамоа бўлиб (ёки ўқувчилар ичдан) ўқийдилар. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларни шеърни ифодали ўқишга, бунинг асносида бадиий сўзни туйишга йўналтиради. Шеър ўқиб бўлингач, биргаликда сатрма-сатр унинг дидактик таҳлили амалга оширилади. Бу жараёнда ўқитувчига қуйидаги савол ва тошириқлар ёрдам беради. Айни замонда, шу савол ва топшириқлар устида ишлаш асносида биргаликда қўйилган муаммонинг ечими сари ҳам борилади:

1. «Шоир Муҳаммад Юсуф хақида нималар биласиз? Унинг шеъри асосида яратилган кўшиқларни эшитганмисиз?» саволлари асар таҳлиliga кирувчи калит вазифасини ўтайди. Уларга билган ўқувчилар жавоб беришади, билмаганларига эътибор қилинмайди. Чунки бу, шунчаки, ўқувчиларни асар устида ишлашга йўналтирувчи-тайёрловчи саволлар, холос. Сўнгра бевосита матн мазмуни билан боғлиқ:

2. «Ўйлаб кўрингчи, армон қандай туйғу? «Армон» сўзининг маъносини биласизми? Биринчи бандни қайта ўқинг. Унда юртга армон бўлган нима бор, сизнингча?» саволлари ўртага ташланади. Уларга ўқувчилардан бири бўлмаса бири жавоб беради. Ушалмай қолган орзулар армонга айланишини, армон ҳиссини инсон ҳеч қачон унутолмаслигини, у бир умр одамни тарк этмаслигини, кўнглини зимдан оғритиши мумкинлигини ўзларининг савиялари даражасида оча оладилар. Биринчи банднинг тўртинчи сатридаги «шаҳид ўғлонлар» юртнинг армони эканлигини ҳам болалар илғайдилар. Шу ерда болалардан

⁵¹. nuhammad Yusuf.uz/sites/default/files/Muhammad%20Yusuf.%20Saylanma.pdf

«шаҳид» сўзининг маъносини сўраш, агар жавоб бўлмаса, бу сўзни ўқитувчининг ўзи изоҳлаб бергани тузук бўлади. Шаҳид – урушда, дин ёки мазҳаб йўлида, Ватан химояси ёки ҳақиқат йўлида қурбон бўлган, жонини фидо қилган одам эканини тушунтиради. Сўнгра:

3. «Шеърнинг биринчи бандидаги иккинчи мисрани қайта ўқинг: *«Тошларни йиғлатган дostonларинг бор»*ни қандай тушундингиз?» Бу савол ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилади. Унга ўқитувчи жавоб ололмаслиги ҳам мумкин. Чунки у нафақат учинчи синф ўқувчиларини, балки ўқитувчининг ўзини ҳам ўйга толдириши аниқ. Шунинг учун ўқитувчи мазкур дарсга тайёрланиш жараёнида ўқувчиларига беражак ҳар бир саволи устида ўзи ўйлаб кўриши, уларга жавоб бериши, шу тариқа шеърнинг дидактик таҳлилига ўзи ҳам тайёр бўлиши шарт.

Мазкур шеър ўз мазмун-моҳияти билан катталарга мўлжалланган бўлгани учун шундай муаммоли вазиятларда мураккаб саволларига ўқитувчининг ўзи жавоб беришига тўғри келади. Шеърнинг умумий, хусусан, биринчи банди мазмунидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, юрт тарихида Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир сингари яқин ўтмишда Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган ўғлонларнинг тарихи дoston қилинса, яъни айтиб берилса, нафақат одам, тош ҳам йиғлаши мумкин. Юртнинг, миллатнинг армонларидан бири шундай жонкуяр, ватанпарвар ва миллатпарвар ўғлонларини асролмаганидан пайдо бўлган ва ҳк.

Бу сатрларда туркий халқларнинг тошбитиклари: 5–7 асрларда қадимги турк тили ва ёзувида тошларга битилган Ўрхун-Энасой обидалари назарда тутилган бўлиши ҳам мумкин. Бу тошбитиклар Мўғулистондаги Ўрхун ва Жанубий Сибирдаги Энасой дарёлари соҳилларидан топилгани учун ҳам шундай номланади. Мўғулистондан Шимолий денгизгача, Уралдан Сахалинга қадар давом этган ҳудудда шу ёзувдаги ёдномалар топилган. Шимолий Кавказда IV асрда ҳам Ўрхун ёзувидан фойдаланилган. Ўзбекистон ҳудуди (Фарғона, Сурхондарё в.б. жойлар)дан ҳам йигирмадан ортиқ туркий-рун ёзувидаги тошбитиклар топилган.

Бу битикларда Култигин, Билга хоқон, Тўнъюқ ва бошқа тарихий шахсларнинг қаҳрамонликлари ҳақидаги маълумотлар

адабий манба сифатида қисса ва дostonларга мазмунан яқин келади. Култигин битиктоши 732 йил Турк хоконлиги (551–745)нинг лашкарбошиси шарафига ўрнатилган ва ҳк. Бу маълумотлар ўқитувчига билим манбаи сифатида вазиятга қараб керак бўлиб қолиши мумкин.

Ўқувчиларнинг эътибори:

4. «Мазкур тўртликда юрт ўтмишидаги шоирнинг жонини оғритган армон нима бўлиши мумкин?» саволи кўмагида яна матнга қаратилади. Ўқувчилар унга жавоб беришда тўртинчи мисрага сингдирилган тарихий ҳақиқатни асос қилиб кўрсатишлари мумкин: *«Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор»*: шаҳид кетган ўғлонлар нафақат шоирнинг, балки юрт ва миллатнинг ҳам армони. Жавоблар миллатнинг шаҳид кетган фарзандлари ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлади. Албатта, учинчи синф боласининг бу борадаги билимлари чуқур бўлмаслиги мумкин. Лекин жавоб учун ҳозирча, бор билимнинг ўзи етарли. Бу ҳақдаги билимлар кейинги синфларда бойитиб борилади.

Шундан сўнг ўқитувчи баҳор айёмлари шом пайтида «Ой ботган ёқларга», яъни, Кунботишга термулиб бағри ўртанган шоир номларини санаган одамлар: Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевлар ҳақида ўқувчиларнинг билганлари сўралади. Бу саволига ҳам, ўқитувчининг ўзи жавоб берса керак, ҳойнаҳой. Ўзбекнинг шаҳид кетган ҳар иккала ўғлони юрт озодлиги, Ватан мустақиллиги йўлида ўзлари билган ва англаган ҳақиқатлари учун жонларини фидо қилганларни⁵² айтиб ўтади.

Асарнинг дидактик таҳлилини давом эттириб ўқитувчи ўқувчиларининг диққатини унинг учинчи бандига қаратади: *«Осмонларингда ҳам дийдорингга зор, Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор»* ва савол беради:

5. «Юрт дийдорига зор бўлиб термулган Чўлпон одамми ёки юлдузми? Бу ерда гап Чўлпон юлдузи ҳақида кетяптими ёки шоир Чўлпон тўғрисидами? *«Дийдорингга зор»* дейилганда, кимнинг дийдори назарда тутиляпти, сизнингча?» Агар ўқувчилар гап шоир Чўлпон ҳақида кетаётганини англаган бўлсалар, жавобларида буни ифодалай билсалар, «Ўйлаб

⁵² <https://kh-davron.uz/vangiliklar/tarixiy-sana/fayzulla-xojayev-akmal-ikromov.html>

кўрингчи, нега гап шоир ҳақида кетаётган бўлса, муаллиф уни осмонда деяпти?» саволини ўртага ташлаши мумкин. Зийрак ўқувчилар бу саволларга ҳам тўғри жавоб бера олишлари аниқ. Яъни шоир Чўлпоннинг руҳи осмонларда ва у юртни, миллатни худди Чўлпон юлдузи сингари юқоридан кузатиб юрибди.

Ўқувчиларнинг диққати навбатдаги тўртликка қаратилади:

6. «*Кўлинг қадогига босай юзимни, Онамансан-ку, оғир олма сўзимни*» мисраларида муаллиф кимга мурожаат қиляпти деб ўйлайсиз? «Кўли қадоқ»лар кимлар, Сизнингча? «Онамансан-ку» деганда ким назарда тутиляпти деб ўйлайсиз? Бу мисраларда асосий фаолияти деҳқончилик бўлган ва кетмон дастидан кўллари қадоқ бўлган она халқ назарда тутиляётганини болалар англашар. Агар илғашмаса, яна ўқитувчининг ўзи кўмакка шай турмоғи лозим бўлади.

7. Қора кўзларини қайинбарглар ёпган Усмон ким бўлиши мумкин, Сизнингча? «Қайинбарглар»ни қандай тушундингиз? Усмон Носир ҳақида нима биласиз? Бу саволлар ҳам ўз мазмун-моҳияти билан риторик саволларга айланади. Яъни уларга ҳам яна ўқитувчининг ўзи жавоб беради. Россия ўрмонларида отиб ташланган шоир Усмон Носир ҳақида қисқача билганларини айтиб беради.

8. Навбатдаги тўртликда қўлланилган «Мехробингдан чиққан чаёнларинг бор» сатрига диққат қилинг. Бу иборани шоир қаердан олгани ҳақида ўйлаб кўринг. «Мехробдан чиққан чаён»лар билан Қодирийнинг қандай алоқаси бор, Сизнингча? Жавобда Абдулла Қодирий ва унинг «Мехробдан чаён» романи назарда тутилганлиги, ўқувчилар юқори синфларга ўтганда ёзувчи ҳамда унинг шу асари билан танишишлари айтиб ўтилади.

9. Ўйлаб кўрингчи, шоир айтиб адо қилолмаётган армонлар кимга тегишли? «Онажоним», деганда ким назарда тутилган бўлиши мумкин?

10. Шоир ва халқнинг қандай армонлари бор? Шеърда илгари сурилган ғояларга таяниб ҳар иккаласига хос бўлган армонларни номма-ном сананг.

Ўқитувчи томонидан дарс бошида белгилаб олинган муаммо: «*Юрт армони – миллат армони – шоир армони. Бу уччаласига хос бўлган армон нима? Бу армоннинг сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин?*»нинг ечимига етиб келишда асосан

ўқитувчи ишлайди, ўқувчилар эса иштирок этадилар. Ўқувчилар ижрочилар эмас, айнан иштирокчилар бўлишади. Чунки бу шеърнинг дидактик таҳлили учун анчагина билим талаб қилинади. Учинчи синф ўқувчиларида эса ҳали бундай билим йўқ. Мазкур шеърнинг дидактик таҳлили ўқувчиларда тасаввур шакллантиради, холос.

Муаммонинг тугал ечими учун ўқитувчи халқнинг армонлари шоирнинг армонларига айланганини ва улар нималар эканини ўқувчилардан сўрайди. Уларнинг жавобларида тутиб олиш мумкин бўлган кичкинагина ҳақиқатни илғаб, ўзи давом эттиради. Кўринадики, миллатнинг армонлари: Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир ва бошқа бир қатор ўзбекнинг эрки, халқнинг яхшироқ яшаши учун курашган ўғлонларининг, шаҳид кетган фарзандларининг ҳалокати. Улар қайтиб келмайди – уларнинг ҳар бири халқнинг алоҳида-алоҳида армонига айланишган. Уларнинг ўзлари ҳам ичларида бир олам армонлари билан кетдилар. Адолатсизлик қурбонлари бўлдилар. Қатағон қурбонлари бўлдилар. Жувонмарг бўлдилар. Ватанни, миллатни озод ва фаровон кўриш билан боғлиқ Орзулари ушалмади. Орзулар армонларга айланди. Миллат улуғларининг армонлари – юртнинг армонлари – миллатнинг армонлари – шоирнинг армонлари бўлиб қолди.

Ўқитувчи мана шу ҳақиқатларни болаларнинг мурғаккина кўнгилларига жойлай билса, шоир ҳам, ўқитувчи ҳам, бошланғич адабий таълим ҳам ўз вазифасини ўтаган бўлади. Тарбияланувчилар кўнглидан жой олган ачиниш ҳисси келажакда хатолар қилмасликка, кўнгилларда армонлар қолдирмасликка асос бўлса, не ажаб...

А. Обиджон. Одобли бўлиш осонми?

Ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг иштирокида, уларнинг кучи, тафаккури, билими ва меҳнати билан ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида болалар олдига муаммо шаклида қўйиш йўли билан амалга ошириладиган ўқитиш жараёни муаммоли таълимдир.

I қисм. Миттигина, қувноққина, ебтўймасгина бир Сичқонча бор экан. У суюкли онажониси билан бирга қишлоқдаги энг баланд, энг кўркем уйнинг ковагида яшар экан. Бир куни онажониси тўлоқ Сичқончанинг бурнига бурнини ишқаб эркалатибди-да:

– Мана, тилинг анча бурролашиб, таиқарига ўзинг чиқиб ўйнасанг ўйнагудек каттагина бўлиб қолдинг, энди сал эсингни йиғиб ол, одобли бўл, – деб насиҳат қилибди.

– Эсим-ку жойида, чунки қайси овқат ширинлигини яхши биламан, – дебди Сичқонча ўзини ўзи мақтаб. – Аммо одобли кўриниши учун нималар қилишим керак, ойижоним?

– Кичкинтойларнинг одоби, биринчи навбатда, қандай салом беришидан билинади, – дея жавоб қайтарибди онажониси. – Ўзингдан каттароқларни учратганда, чиройли жилмайиб:

«Ассалому алайкум», – десанг, улар ҳам сенга очиқ юз билан боқиб: «Ваалайкум ассалом», – дейишади. Кейин ичларида: «Ниҳоятда одобли экан, ота-онасига минг раҳмат», – деб ҳавас қилишади.

Буни эшитиб, Сичқончанинг завқи жўшиб кетибди. Қойилмақом салом бериб, бировлардан тезроқ раҳмат эшитгиси келибди-ю, шоша-пиша таиқарига йўл олибди.

Ковакдан чиқибоқ, унга чақчайганича тикилиб турган бўғирсоқсимон Мушукка дуч келибди. Сичқонча шум бароққа жилмайиб қараб: «Ассалому алайкум, Миёвпочча!» – деган экан, унинг кўзидаги ёвузлик бирданига сўнибди ва сал тамшаниб қўйиб: «Ваалайкум ассаломув-в... Умринг узоқ бўлсин. Ўтавер», дебди. Биринчи дуодан кўнгли тоғдек кўтарилган Сичқонча қувончдан ирғишлаб-ирғишлаб бораётганида, олдидан серсоқол қари эчки чиқиб қолибди.

– Ассалому алайкум, эчкивой бува! – деб олдинги ўнг оёгини кўксига босибди Сичқонча.

– Ме-е, ваалайкум ассалом, – дея қироат билан алик олибди эчки. – Кам бўлма, бўтам. Отанга раҳмат. Агар қорнинг оч бўлса, кел, манави думбулнинг четидан озгина кемириб ол.

Ёш-у кекса ўртасида қандайдир тенглик, ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирига яхшилик тилаш ҳолатини юзага келтирувчи «салом-алик» Сичқончага ёқиб қолибди. У тобора кўнглини яшнатиб,

янгидан янги танишлар орттириши, самимий чехраларни кўпроқ кўриши орзусида олдинга қараб бораверибди.

II қисм. Макканоя тугаб, уватдаги ўтлоққа чиқиб келганида ўсиқ шўралар орасида косасига беркинволиб ухлаётган Тошбақага кўзи тушибди. Сичқонча заррача иккиланмай, ўша ширали овозда: «Ассалому алайкум, Тошбақа тога!» – дебди. Тошбақа эса уйгонмабди. Сичқонча Тошбақанинг боши қайси томондалигини билолмай, косанинг теварагида уч-тўрт марта айланиб чиқибди. Охири таваккалига бир тарафда туриб олиб: «Ассалому алайку-у-м, Тошбақа тога! Қачон алик оласиз? Юрагим гаши бўп кетяпти, тогажон!» – дея худди эшикни қоққандек Тошбақанинг косасини тақира-туқур муштираб жаврайверибди. Бир пайт Тошбақа косанинг нариги ёғидан бошини чиқариб, уйқусираганича вайсаб берибди:

– Оббо-о, бу дунёда тинчроқ жой қолмабди шекилли... Ҳов, ким у ҳадеб салом бераётган?

Шўрлик Сичқонча хижолат бўлиб, лип этганича ўзини ўтларнинг бағрига урибди. Ялангликка етиб бориб, зўр томошанинг устидан чиқиб қолибди. Шу ҳовлида яшовчи Тўрткўз қўшни Олапар билан суяк учун жанг олиб бораётган экан. Сичқонча уларга яқинроқ бориб, ёқимтой товушида: «Ассалому алайкум, паҳлавон Тўрткўз!» – дебди. Итлар унга парво қилмай, жангни давом эттиришибди. Сичқонча ҳам бўши келмабди, чангга беланган кўйи уларнинг атрофида пириллаб, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан бақириб-чақириб салом бераверибди.

Шунда Тўрткўз Олапарнинг елкасидан тишлаб узоқроққа отиб юборибди-да, то душмани ўзини ўнглаб олгунча, орада Сичқончага ўқрайиб: «Вов алайкум! Кўнглинг тинчидими? Қутулдимми? Бор, йўқол энди», – деб ириллабди, сўнг қайтадан олишувга киришибди.

Кутилмаган бундай совуқ муомаладан Сичқонча донг қотиб қолибди, кейин тўсатдан хўрлиги келиб, юраги тўлиқиб кетибди. Юм-юм йиғлаганича ортга қайтибди.

Ярим йўлда яна эчкига тўқнаш келибди. Эчки бу йиғи-сигининг сабабини эшитгач дебди:

– Хафа бўлма, бўтам. Кейинги сафар қулайроқ вақтда учрашиб қолсанг, улар саломингга албатта алик олишади, сендан хурсанд бўлишади, мақташади. Ўзгаларга биринчи бўлиб салом

бериш жуда хосиятли нарсa. Аммо саломлашиш шарт бўлмаган вазиятлар ҳам учраб туради. Ота-онанг юмушлардан бўшаб, хотиржамроқ турган чоғда, буни секин сўраб, билиб олсанг зарар қилмайди.

«Ўзгаларга салом бериш шарт бўлмаган ҳолатлар ҳам булар эканми?»— деб ўйлаб қолибди Сичқонча⁵³.

Тўртинчи синфлар «Ўқиш китоби» дарслигидан ўрин олган мазкур эртак икки қисмдан иборат бўлиб унинг биринчи бандини ўрганиш режалаштирилган дарс асарни ўқитувчи томонидан ўқиб берилиши билан бошланади. Сўнгра ўқитувчи бирданига «Одобли бўлиш нимаси билан қийин?» деган муаммоли саволни ўртага ташлайди ва Сичқончанинг кечмишлари таҳлили асносида бу масаланинг ечими сари биргаликда борилади. Бунинг муаммоли савол эканини, унинг ечимини биргаликда топишлари кераклигини ўқувчиларга айтиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, бизнингча. Мухими – ўқувчилар шу бош масала ҳақида ўйлашлари ва ўз фикр-мулоҳазаларини айтишлари, биргаликда унинг ечимини топиш. Шаклланиб келаётган шахснинг бу масалада, яъни одобли бўлиш ва бунинг мураккаблик жиҳатларини кашф этиши адабий таълимнинг бош мақсадидир. Бу мақсадга эришиш учун ўқитувчи мазкур асар матнидан фойдаланади. Яъни эртак мазмуни юзасидан қуйидаги савол-топшириклар билан ўқувчиларга мурожаат қилади:

1. Эртакдаги жониворларни одамлар деб тасаввур қилинг. Шунга асосланган ҳолда айтингчи, Сизнингча ҳам Сичқончанинг: «... қайси овқат ширинлигини яхши билиш»и эси жойидалиқни белгилаш мезони бўла оладими? Ўйлаб кўрингчи, сизнинг назарингизда «эси жойида»лик нималар билан белгиланади?

2. Она сичқоннинг гапларини қайта ўқинг: *Кичкинтойларнинг одоби, биринчи навбатда, қандай салом беришидан билинади. Ўзингдан каттароқларни учратганда, чиройли жилмайиб: «Ассалому алайкум», – десанг, улар ҳам сенга очиқ юз билан боқиб: «Ваалайкум ассалом», – дейишади. Кейин ичларида: «Ниҳоятда одобли экан, ота-онасига минг раҳмат», – деб ҳавас*

⁵³ Matchonov S. va boshq. O'qish kitobi. 4-sinfi uchun darslik. – T.: Yangiyo'lpoligrafservis, 2017. – 107–110-b.

қилишади». Унинг гаплари тўғрими? Буни нима билан асослайсиз?

3. Она сичқоннинг: «*Кичкинтойларнинг одоби, биринчи навбатда, қандай салом беришидан билинади*» деган фикрига қўшиласизми? Сиз ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитганмисиз? Уларни сизга ким, қачон ва нима муносабат билан айтган?

4. Сизнингча, «одобли кўриниш» билан «одобли бўлиш» бир-биридан нимаси билан фарқланади? Нима деб ўйлайсиз, «одобли кўриниш» яхшими «одобли бўлиш»ми? Сизга қайси бири маъқул ва нима учун?

5. Дунё мусулмонлари учун саломлашиш одобига айланган «Ассалому алайкум!» сўзининг маъносини биласизми?

6. Берилган саломга қайтариладиган «Ваалайкум ассалом!» ибораси, Сизнингча, нимани англатиши мумкин?

7. Сиз ҳам катталарга ҳамиша салом берасиз, тўғрими? Бундан буён салом берганингизда катталарнинг алик олиш оҳангига диққат қилинг. Алик оҳангида қандай туйғу акс этганлигини фарқлашга уриниб кўринг: виқор, салом берувчига ҳурмат-эътибор, самимийлик, ҳавас, бепарволик ва ҳк.

8. Ўйлаб кўрингчи, сичқонча салом берса, алик олвчилар нима учун унинг ўзига эмас, ота-онасига «рахмат» дейишади? Саломни у берди-ку!

9. Мушук билан сичқоннинг бир-бирига муносабати қандай эканини биласиз, тўғрими? Ўйлаб кўрингчи, нима учун сичқон мушукни кўрганда қочиб қолмади? Унда бундай журъат қайдан пайдо бўлиб қолди?

10. Мушукнинг «*кўзидаги ёвузлик бирданига сўнибди*»,— деган жумлага диққат қилинг. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Яна ўйлаб кўрингча, Миёвпочча нима учун «*сал тамшаниб қўй*»ди? Сиз буни қандай тушундингиз?

11. Саломнинг қудрати ҳақида мулоҳаза юритинг. Аввало, Мушукнинг табиатида Сичқонга нисбатан бўлган ёвузликни сўндирган, қолаверса, душманини дуо қилишга мажбур қилган куч ҳақида ўйлаб кўринг: бу саломданми ёки сичқончада шакллантирилган ишончданми?

12. Эчкининг «*қироат билан алик олиш*»ини қандай тасаввур қиласиз? Сизнинг саломингизга шундай алик олганларини пайқаганмисиз? Айтингчи, бу қандай алик олиш бўлди?

13. Эртақдаги: «Ёш-у кекса ўртасида қандайдир тенглик, ўзаро меҳр-оқибат, бир-бирига яхшилик тилаш ҳолатини юзага келтирувчи «салом-алик» ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз бу ўринда кекса ва ёш ўртасидаги «тенглик»ни, «меҳр-оқибат»ни, иккала томоннинг бир-бирига «яхшилик тилаши» белгисини нималарда кўряпсиз?

14. Катталарга салом берганда ўзингизни кузатинг. Сизда ҳам шундай ҳислар пайдо бўладими ёки шунчаки, ҳиссиз салом бериб ўтиб кетаверасизми? Салом-аликнинг Сичқончага бунча қаттиқ таъсир қилгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг.

15. Диққат қилингчи, Сичқонча атрофидагиларга салом беришда қандай қийинчиликка учради? Салом бериш одобининг қандай қийинчиликлари бўлиши мумкин? ва ҳк.

Адабий эртақнинг биринчи қисми мазмуни юзасидан шу тариқа суҳбатлашиб олингач, бу жараёнда ўз мантикли жавоблари билан фаол қатнишган ўқувчилар баҳоланади, бир қисми рағбатлантирилади. Сўнгра, бундан буён ўзини кузатиши, салом ва алиқ оҳангидаги ўзига хосликларни кузатиш топширилади.

Кейинги дарсда эртақнинг иккинчи қисми ўқиб эшиттирилади. Бунда ўрганиб қолинган анъанавий жараёндан воз кечилиб, дарс тўғридан-тўғри асарнинг иккинчи қисмини ўқиш билан бошланади. Эртақ матни ифодали ўқиб берилгач, ўқитувчи ўқувчиларини асар моҳиятига олиб кириш мақсадида қуйидаги бир қатор савол-топшириқлар билан мурожаат қилиши мумкин:

1. Нима деб ўйлайсиз, Сичқонча нега фақат атрофдагиларга салом бериш билан шуғулланыпти? Унинг қиладиган бошқа иши йўқмиди?

2. «Ўйлаб кўрингчи, Тошбақа нима учун Сичқончанинг саломига алиқ олмади? Сиз буни нима билан исботлайсиз?

3. Сичқончанинг Тошбақа тоғаси олдида хижолат бўлгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг.

4. Тошбақанинг нега ҳаётдан норози бўлиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Буни Сиз нималарда кўрасиз?

5. Тошбақанинг: «Оббо-о, бу дунёда тинчроқ жой қолмабди шекилли...» деган гапини қандай тушуниш мумкин? Нима деб ўйлайсиз, тошбақа нимадан норози бўляпти?

6. Сизнингча, Сичқонча нима учун хижолат бўлди? Салом

бергани учунми ёки Тошбака нолигани учунми? Ёки бунинг бошқа сабаби ҳам борми?

7. Жаъжаллашаётган итларни кўрган Сичқончанинг: «...чангга беланган кўйи уларнинг атрофида пириллаб, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан бақуриб-чақуриб салом беравериши»га ўз муносабатингизни билдиринг. Бу тўғрими ёки нотўғрими? Нима учун?

8. Сичқончага берган жавобига, яъни саломига Тўрткўзнинг олган алиги: «Вов алайкум! Кўнглинг тинчидими? Қутулдимми? Бор, йўқол энди» – сизда қанай таассурот уйғотди? Ўйлаб кўрингчи, Сичқончанинг ёқимтой товушда берган саломига у нима учун бундай кўпол жавоб олди?

9. Мазкур вазиятнинг одобли бўлиш қийинчиликларига қандай алоқаси борлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

10. Эчкининг қуйидаги гаплари қайта ўқиб берилади: «Аммо саломлашиш шарт бўлмаган вазиятлар ҳам учраб туради. Отананг юмушлардан бўшаб, хотиржамроқ турган чоғда, буни секин сўраб билиб олсанг зарар қилмайди». Эчкининг бу гапларига муносабат билдиринг. У тўғри айтяптими? Нега шундай деб ўйлайсиз?

11. Сичқончани ўйлангирган: «Ўзгаларга салом бериш шарт бўлмаган ҳолатлар» ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз буни қандай тушундингиз?

12. Одобли бўлиш қийинчиликлари билан мазкур вазият ўртасида қандай алоқа бор, Сизнингча? Салом бериш одобининг қийинчиликлари нималардан иборат экани ҳақида ўйлаб кўринг ва фикрингизни асосланг.

13. Одобли бўлишнинг яна қандай турларини биласиз? Уларнинг қийинчиликлари, Сизнингча, нималардан иборат бўлиши мумкин?» ва ҳк.

Шу тариха асарнинг моҳиятига кирган, ундаги ҳаётий ва бадий ҳақиқатларни англаган ўқувчилар 12–13-бандлардаги саволларга жавоб бериш асносида юқорида олдиларига қўйилган муаммонинг ечимини топишга уринадилар. Ўқувчиларнинг фикрлари орасидан ўқитувчи муаммонинг ечимига хизмат қилиши мумкин бўлганларини алоҳида ажратиб олиши, жавоблар соҳибларини рағбатлантириши, фикрларни умумлаштириб

якуний хулосани: одобли бўлишнинг қийинчилиги – ҳар қандай яхши ишда ҳам қандайдир меёрларга амал қилиш лозимлиги; бу жараёнда вазият ва шарт-шароитга қараб иш тутиш кераклиги; ўз манфаатини бошқаларнинг манфаатларидан устун қўймаслик зарурлигини; ҳар қандай ҳолатда ҳам маълум чегара бўлиши мақсадга мувофиқ экани ва ҳк.ларни тарбияланувчилар руҳиятига жойлаб қўйиш ўринлидир.

Х. Тўхтабоев. “Ниҳолларнинг ноласи”.

Муаммоли таълим – ривожлантирувчи таълим турларидан бири бўлиб, унда ўқувчининг илмда қатъий белгилаб қўйилган билимларни ўзлаштириши билан мунтазам изланишга йўналтирилган фаолияти, қўйилган топширқининг муаммолилик даражасидан келиб чиқиб унинг мақсади ва ечими тамойилларини белгилашдаги методлар тизимини аниқлашдир.

Х. Тўхтабоев қаламига мансуб «Ниҳолларнинг ноласи» номли ҳикоя матни юзасидан дарсликда икки дона савол: «1. Ниҳоллар нима учун нола чекишди? 2. «Нола чекди» иборасини қандай тушунасиз?» дидактик материал сифатида тақдим этилган. Ҳикоя яхши танланган. Асар ўз мазмун-моҳияти билан бу ёшдаги болаларга мос ва ундаги етакчи ғоя тарбияланувчиларда маълум сифатларнинг шаклланишига хизмат қилади. 4-синфда бу ҳикояни ўрганишдан мақсад–тарбияланувчиларда ачиниш, масъулият, бурч, ўзгани англаш ва аяш ҳиссини шакллантиришдан иборат. Лекин дарсликдаги икки савол билан бу мақсадга эришиш амри маҳол. Шаклланиб келаётган болалар руҳиятида бу туйғуларни қарор топтириш учун уларнинг олдига: «*Дарахтлар нима учун тик туриб жон беради?*» тарзидаги муаммоли масалани қўйиш ва бутун дидактик таҳлил жараёнини мана шу ҳақиқатни кашф этишга йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Шаҳарда кўкаламзорлаштириши ойлиги бўлиб ўтганди. Шу ойлик давомида кўчалар чеккасига, ариқларнинг бўйига, хиёбонларга нақ уч юз мингга яқин мевали ва манзарали кўчатлар

ўтқазиди. Қийқиришиб кўчат эккан ўқувчилар бири кетмонини асфальт йўлда даранглатиб судраб, бири белкуракни елкасига тескари қўйиб, яна биттаси бўш челақни чилдирма қилиб чалиб жўнаб кетилигач, чинорлар бир-бирларига маъноли қараб қолишди.

Эрталаб қуёш чиқиши билан икки юз ниҳолча бирдан уйғониб энгил-енгил чайқалишиб, бир-бирларига салом бергандек бўлишди, сўнгра тунлари қандай ўтганлигини айта бошлашди.

– Менинг томирчаларим тунни билан сув ахтариб чиқишди, – деди битта нозиккина ниҳолча.

– Мен бўлсам танам-у шохчаларим билан шабнам сўрдим, – деди бошқаси.

– Мен йўлда карахт бўлиб қолган эканман, ҳалиям ўзимга келолмаяпман, – деб қўйди учинчиси...

Ниҳоллар болалар сув тўла челақларини кўтариб, бир-бирларини қувлашиб, қийқиришиб келиб қолишар, деб кутишди.

Ниҳоллар сабр-у бардошлари зўр, анча-мунча қийинчиликка парво қилмайдиган, қуёш тафтига, сувсизликка ўргатилган эди.

Бир кунни қуёш ҳаддан ташиқари қиздириб юборди, ўзи тўкаётган мўл-кўл ҳарорат эвазига ниҳолчаларнинг барг-у шохчаларидаги энг сўнгни намликни ҳам сўриб ола бошлади.

Ниҳолчалар бирданига: «Сув!!!» – деб бақиршига тушишди. Қадди-қомати келишган новча ниҳолча тўсатдан қўрқиб кетди: йўқ, ўзи учун эмас! Майда ниҳолчаларга – укаларига ачиниб кетди. Бобокалонлари айтган сув учун, озуқа учун бўладиган жангларнинг энг оғир палласи бошланганга ўхшайди. Бундай пайтларда одамлар ёрдамга келишмаса, нозик ниҳолчаларнинг кўпчилиги нобуд бўлиб кетиши мумкин-ку, ахир! Наҳотки, наҳотки шундай бўлса! Ахир улар тоғ бағридаги серсув, баҳаво адирларда маза қилиб ўсишаётган эди, ўз ҳолларига қўйиб беришганда, бу ерларга мажбуран кўчириб келишмаганда, қандай соз бўларди-я!

– Сув!!! – деган фарёд ҳаммаёқни қоплаб кетгандек бўлди яна. Новча ниҳолча шошиб қолди, нима қилишини, бир томчи сувга зор бўлиб жон бераётган нозик ниҳолчаларга қандай ёрдам беришни билмасди у.

Эртасига эрталаб ниҳолчаларнинг кўплари уйғонмади, тунги шабнамга етолмай намозгар палласидаги димликда бирин-кетин

нобуд бўлишган экан...

Қадди-қомати келишган новча ниҳолча бу жудоликдан даҳшатга тушиди-ю, лекин ўзини йўқотмади. «Йўқ, – дея чайқалиб кетди новча ниҳолча, – мен ўлмаслигим керак, мен яшайман, яшайман!»

– Сув! – деб чинқириб юборди...

Кўчадан шошилиб машиналар ўтиб борарди. Чоллар, кампирлар ўтяпти. Йигитлар, қизлар ўтяпти. Болалар, қизчалар ўтяпти...

Новча ниҳолча ҳамон ажсал билан олишиб ётибди. У кимдандир ёрдам кутгандек жовдираб атрофига қарай бошлади. «Мени бу ерга экиб, кетмонини асфальтда даранглатиб судраб кетган болалар келиб қолмасмикан», – деб яна бир бор кўча бошига кўз ташлади, ёмғир томчиларидан умидвор бўлиб, булут бўлмаса ҳам кўкка тикилиб, узоқ қотиб турди... Қадди-қомати келишган новча ниҳолча аста-секин ўзидан кетиб, аллақандай сеҳрли хаёлот нашьаси билан маст бўла бошлади, кейин ўша кун – ҳаддан ташқари қиздириб юборган 19 июнь куни кундуз соат олтиларда жон берди⁵⁴.

Ўқувчиларни асар матни билан таништирилгандан сўнг уни дидактик таҳлилга тортиб қуйидаги савол ва топшириқлар билан мурожаат қилиш юқоридаги мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Аввало, айтингчи, қандай дарахтни манзарали деб биласиз? «Манзарали» сўзини изоҳлашга уриниб кўринг. Уларнинг мевали дарахтлардан фарқи нимада? Манзарали ва мевали дарахтларнинг қай биридан одамларга қандай наф бор? Ўйлаб кўриб жавоб беринг.

2. Ўқувчиларнинг «... бири кетмонини асфальт йўлда даранглатиб судраб, бири белкуракни елкасига тескари қўйиб, яна биттаси бўш челақни чилдирма қилиб чалиб...» тарзидаги кетишига диққат қилинг. Ўзингизга ўхшаган болаларни танияпсизми? Сизнингча, бу яхшими ёки ёмонми? Нимаси, нега яхши-ю нимаси нега ёмон?

3. Нима деб ўйлайсиз, нима учун болалар кетишгач «чинорлар бир-бирларига маъноли қараб қолишди?» Ўйлаб

⁵⁴ Matchonov S. va boshq. O'qish kitobi. 4-sinfi uchun darslik. – T.: Yangiyo'lpoligrafservis, 2017. – 208–210-b.

кўрингчи, бу қарашда, сизнингча, қандай маъно бўлиши, дарахтлар нимани ўйлаган бўлишлари мумкин?

4. Иккинчи ниҳолнинг гапига диққат қилинг: «*Мен бўлсам танам-у шохчаларим билан шабнам сўрдим...*» Бу ҳолатни қандай тасаввур қиласиз? Таассуротларингиз билан ўртоқлашинг.

5. Қуйидаги жумлага диққат қилинг: «*Ниҳоллар сабр-у бардошлари зўр, анча-мунча қийинчиликка парво қилмайдиган, қуёш тафтига, сувсизликка ўргатилган эди*». Шундай экан, ниҳоллар нега нобуд бўлишди? Сизнингча, ҳар иккала ҳолатнинг бир-бири билан қандай алоқадорлик жойи бор, ўйлаб кўринг.

6. Ниҳолларнинг «Сув!» деб бақриб юборганига ишонасизми? Сиз шундай чақирикни эшитганмисиз? Бундай овозни эшитиш, кўриш ёки туйиш мумкинми? Қайси бири ҳаётий ҳақиқатга яқин, Сизнингча?

7. Қадди-қомати келишган новча ниҳол ўзи учун қайғурмай укаларини ўйлаб қийналгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Бу унинг табиатидаги қандай сифатдан далолат беради? Нима, унинг ўзига сув керак эмасмиди?

8. Ҳикоя матнида шундай жумла бор: «*Ахир улар тоғ бағридаги серсув, баҳаво адирларда мазза қилиб ўсишаётган эди, ўз ҳолларига қўйиб беришганда, бу ерларга мажбуран кўчириб келишмаганда, қандай соз бўларди-я!*» Сиз бу фикрга қандай қарайсиз? Уларни ким мажбурлаган деб ўйлайсиз? Нега?

9. Ҳикоядаги: «*... бир томчи сувга зор бўлиб жон бераётган нозик ниҳолчалар*» ҳақида ўйлаб кўринг. Уларни қандай тасаввур қиласиз? Мазкур ҳолатнинг изтироблари ҳақида суҳбатлашинг.

10. Асар матнидан олинган қуйидаги жумлага эътибор қилинг: «*Эртасига эрталаб ниҳолчаларнинг кўплари уйгонмади, тунги шабнамга етолмай намозгар палласидаги димликда бирин-кетин нобуд бўлишган экан...*». Шабнам нима ва унинг дарахтлар ҳалок бўлмаслигига қандай алоқаси бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? Ниҳоллар агар номозгардаги димликдан нобуд бўлишмаганда, шабнамга етиб боришганда омон қолармидилар, нима деб ўйлайсиз? Улар нега тунги шабнамга етиб боролмадилар? Бунинг сабаби нимада, Сизнингча? Ичингизга, руҳиятингизга диққат билан бир қарангчи, кўнглингизда қандай ҳислар пайдо бўлди? Бу туйғуларнинг номини топишга уриниб кўринг.

11. Қадди-қомати келишган ниҳолнинг куйидаги гапларига диққат қилинг: «Йўқ, – дея чайқалиб кетди новча ниҳолча, – мен ўлмаслигим керак, мен яшайман, яшайман!» унинг бу гапи характеридаги қандай сифатдан далолат беради? Сизнингча, бу ниҳолнинг характерида хос хусусият нима?

12. Ўйлаб кўрингчи, нима учун кўчадан ўтаётган одамлар ниҳолнинг қичқириғини эшитмади? Бу одамларга хос бўлган қандай сифатдан далолат беради, биласизми?

13. Ниҳолчанинг ҳолати тасвирланган куйидаги жумлани қайта ўқинг: ««Мени бу ерга экиб, кетмонини асфальтда даранглатиб судраб кетган болалар келиб қолмасмикан», – деб яна бир бор кўча бошига кўз ташлади...» энди ўз руҳиятингизга диққат қилинг. У ерда нималар кечаётганини кузатинг.

14. Ҳикоядаги охириги жумлани қайта ўқинг: «Қадди-қомати келишган новча ниҳолча аста-секин ўзидан кетиб, аллақандай сеҳрли ҳаёлот нашъаси билан маст бўла бошлади, кейин ўша кун – қуёш ҳаддан ташқари қиздириб юборган 19-июн куни кундуз соат олтиларда жон берди». Ҳеч нарса деманг. Фақат дарахтнинг ҳолатини тасаввур қилинг.

15. «Дарахтлар тик туриб жон беради»,- деган фикрни шарҳлашга уриниб кўринг. «Қаддини Тик тутиб жон таслим қилиш»нинг асл ва кўчма маънолари ҳақида фикрлашинг.

16. Ҳар қандай ишга қўл уриш масъулияти, жавобгарлиги ва одамга хос бўлган бурчлилик ҳақида эссе ёзинг.

Мазкур дидактик материалнинг 15-си ўқувчиларни юқорида белгиланган муаммоли саволнинг ечими сари етаклайди. Ўқувчиларини ечим сари ундаётган ўқитувчи уларга куйидаги ёрдамчи саволлар билан мурожаат қилади: 1. Ўйлаб кўринг-чи, тик туриб жон берган дарахтни қачон, қаерда кўргансиз? Бу дарахтларнинг мағрурлигиданми ёки иложсизлигиданми? Агар иложи бўлганда улар қандай қилиб жон таслим қилишлари мумкин эди, сизнингча? Сиз буни қандай тушунасиз? 2. «Тик туриб жон таслим қилиш»ни одамларга кўчириб тасаввур қилинг. Буни кўчма маънода қандай изоҳлаш мумкин, Сизнингча? 3. «Тик туриб жон берган» жасур ва мағрур кишиларни биласизми? Улар ҳақида гапириб беринг. 4. «Тик туриб жон таслим қилиш» ва «мағрурлик» тушунчаларини такқосланг. Ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқланг. 5. Дарахтларнинг қайси ҳолатига ачин-

дингиз ва қайси ҳолатига ҳавас қилдингиз? Нима учун?

6. Дарахтларнинг ҳалокатида кимни айблайсиз: жазирама қуёш-ними ёки иссиқ кунда дарахтларни ўрмондан келтириб экишга буйруқ берган катталарними ёхуд дарахтларни экиб қўйиб улардан хабар олмаган болаларними? Фикрингизни асосланг ва ҳк.

Мазкур ҳикоя матнининг дидактик таҳлили асносида дарахтларнинг кечинмаларини ҳис қилган ўқувчилар бундан буён йўл бўйидаги дарахтларни мунтазам, диққат билан кузатиб юрадилар, уларни ҳис қиладилар, атроф-муҳитга безътибор бўлмайдилар. Шу каби савол ва топшириқлар кўмагида муаммонинг моҳиятига киришга, ундаги етакчи ғояларни англашга ундалган болалар ўз мустақил тафаккури кўмагида ўз маънавиятини бойитиш, тозалаш ва уни соғломлаштириш учун ишлайдилар. Бу фаолиятини улар фарқламаслиги табиий ҳол. Тарбияланувчилар ҳозир бу ҳақда ўйламайдилар. Бунини ўқитувчи ташқаридан кузатади, илғайди ва дарсдан-дарсга бадий асарлар кўмагида, адабий қаҳрамонлар мисолида такомиллаштириб боради.

Айримлар «4-синф ўқувчилари бундай савол ва топшириқларга жавоб беролмайди», деб ўйлашлари мумкин. Бу нотўғри. Шу нарса аёнки, ўқувчилар нимага йўналтирилса, ўшани ўзлаштирадиган ёшда. Бугуннинг болалари – чексиз-чегарасиз ахборотлар оқими орасида улғаймокда. Уларнинг ақли ҳам, дунёқараши ҳам шунга мос тарзда ривожланиб бормокда. Фақат таълим амалиёти уларнинг тараққиётидан ортда қолаётгани ачинарли, холос. Қўл учидан тузилган дарсликлар, болаларнинг бугунги интеллектуал имкониятларини инобатга олишни истамаётган муаллифлар ва АКТлардан ортда қолган ўқитувчилар бу тараққиётни тормозлаб турибдилар, холос.

Юқоридаги ўн олтинчи топшириқни уй вазифаси сифатида топшириш ҳам мумкин. Ижодий ишга мойиллиги бор ўқувчилар бу топшириқни бажонидил бажарадилар. Кейинги дарсда меҳнатларининг маҳсулини оладилар.

А. Обиджон. “Бўрининг табиб бўлгани хақида эртак”

Муаммоли таълим – таълим-тарбия жараёнининг билим-ларни мустақил ўзлаштиришига йўналтирилганлиги, бунда фикрий қобилиятларнинг қатъий мотивлари ва фаолият турларини билишини англатади.

Тўртинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган «Ўқиш китоби» дарслигида Анвар Обиджон қаламига мансуб «Бўрининг табиб бўлгани хақида эртак» тақдим этилган⁵⁵.

*Нелар бўлмас жаҳонда!
Ер гўё терс айланди
- Табибликка ўрмонда
Йиртқич Бўри сайланди.
Ана қаранг, Тиш қайраб
Ўтирар шум шифокор.
Йўлга боқар жсовдираб,
Тезроқ келса деб бемор.
Келди инграб Қуёнвой,
Шалвираб динг қулоғи.
Қадамлари пойма-пой,
(Балки, тортмас оёғи.)
Қани, ўтир. Хих-хих-хи...
-Дардинг нима
Айт, иним.
-Бўри ога,
Уч кунки –
Тинмай оғрир биқиним.
Бўри яқин ўтирди,
Доно билиб ўзини.
Биқин қолиб,
Текширди -
Қуённинг чап кўзини.
-Кечикамиз дингқулоқ,
Кўрмасак тез чора гар.*

⁵⁵ О'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sin uchun darslik. /S. Matchonov va bq. – T.: «Yangiyo'l poligraf servis», 2017. – 71–75-b.

Ошқозонинг сал чатоқ,
Буни... «тумов»
дейдилар.
Биз табиблар бу дардни
Жуда яхши биламиз.
Қорнинг ёриб,
Сен мардни - Муолажа
қиламиз.
Диккайтириб думини,
Қочиб қолди тез Қуён.
Бечоранинг биқини
Оғримас ишундан буён.
Кейин оғриб томоғи,
Келди йиғлаб ёш Тўнғиз.
Ушлаб кўриб оёгин,
Бўри деди:
-Воҳ, эссиз!..
Томоқ оғриқ бошланар
Ўнг оёқнинг пайидан.
Кесиб олсак соз бўлар,
Гўштликкина жойидан.
Бўри тайёр деб ўлжа,
Ютар экан сўлагин.
Фурсат пойлаб Тўнғизча
Ростлаб қолди жуфтагин.
Келди Тулки мингшлаб,
Тикан кириб қўлига.
(Бўри дер: «Бу бошқа гап!»
Учраб гўштнинг мўлига.)
-Табиб, узр,
Келдим кеч...
Жуда чатоқ ишларим...
-Дард кўрмайсан энди ҳеч,
Омон бўлса тишларим!
-Кеча тунда узоқдан
Тинглаб ширин овозин,
Тутиб келдим узоқдан
Тул кампирнинг хўрозин.

Йўлда аблаҳ бўзтикан
Яралади қўлимни.
Азоби жа зўр экан,
Букчайтирди белимни.
«Шошмай тургин,
муттаҳам!»
Дер Бўривой ичида.
-Кўз тегмасин,
Ўзинг ҳам - Етилибсан-да
жуда...
Дардингни билай тишлаб,
Бери кел-чи, жон ишим.
...Шундай қилиб,
Дил хушлаб,
Бўри еди Тулкини.
Сўнгра очиб беморни
- Қабул қилиш дафтарин,
Силаб-сийпаб қорнини
Ёзди ушбу гапларни:
«Кўлин тирнаб бўзтикан,
Тулки келди нотетик.
Аҳволи огир экан,
Чора топмадик...
Едик!»
Кечга яқин кеккайиб,
Кириб келди қари Шер.
Бўри етти букчайиб,
«Хуш келибсиз, шоҳим!» дер.
Шер ҳарсиллаб,
Ўзини
Ўриндиққа ташлади.
Чақчайтириб кўзини,
Даргазаб сўз бошлади:
-Юрай десанг соғ, қувноқ,
Яхишлаб кўр, акаси.
Бир ҳафтаки, Сал йўқроқ
Иштаҳамнинг мазаси.
Бўри айтар: -О, шоҳим,

Чекманг ташвиш озорин.
 Бунинг чораси осон,
 Зарурдир қувватдори.
 Табибдир етти пуштим,
 Шундай уқтирар улар:
 «Семиз ҳайвоннинг гўшти
 Қувватга кўп бой бўлар».
 Оғзидан сўлак оқиб
 У тугатгач гапини,
 Семиз табибга боқиб
 Шер ялади лабини:
 - Яхши эмас, ҳар ҳолда,
 Қувватдори изласам.
 Шоҳ бўлсам-у, Шоқолдай
 Ўрмонда гиз-гизласам.
 Кўлдан бериб имконни,
 Сўнг юрарман армонда –
 Сендан семиз ҳайвонни
 Топиш мушкул ўрмонда.
 Қадрлайман мен ҳар чоқ
 Табибларнинг сўзини,
 Тотмоқчиман ҳозироқ
 Қувватдори тузини.

Мазкур адабий эртак мазмунига диққат билан ёндашилса, унда бугунги чинакам ҳаётӣ ҳақиқатлар акс этганини кўриш мумкин. Эртак ўз мазмун-моҳияти билан нафақат болалар, балки катталарни ҳам ўйлантиради. Жамиятдаги иллатлар эртак шаклида, ҳайвонлар тимсолида ёритилган. Дарсликда тақдим этилган: «Матнни ифодали ўқинг ва бўрига хос хислатларни аниқланг. Қуён билан Тўнғизчанинг қочиб қолиши сабабини изоҳланг. Бўрининг шум тақдирини «қилмиш-қидирмиш», деб баҳолаш мумкинми? Эртакка яна қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?» тарзидаги савол ва топшириқлар билан асарда илгари сурилган ҳақиқатларнинг моҳиятига кириб бўлмайди.

Адабий эртакни «бхб» методидан фойдаланган ҳолда, ундаги етакчи фикрларни ўқувчилар олдиға мураккаб, мустақил мулоҳаза ва муносабат талаб қиладиган муаммоли савол-

топшириклар шаклида кўйиш, ўқувчиларни умумлашган ҳолда бу ҳақиқатларнинг моҳиятига ўзлари киришларига йўналтириш ишларини куйидагича амалга ошириш мумкин.

Аввал ўқувчилар олтита-олтитадан ёки тўртта-тўрттадан тенг гуруҳларга тақсимланади. Бир гуруҳга энг кучли, савияси нисбатан баланд, бадиий сўзга мойиллиги бор болалар, иккинчисига ўз мустақил фикрига эга бўлган, барча фанлардан аъло ва яхши ўқийдиган ўқувчилар, учинчи гуруҳга ўртача билимга эга бўлган ўғил-қизлар ва тўртинчисига ўйинқарок тарбияланувчилар жам бўлишади. Сўнгра ўқитувчи матнни ифодали қилиб ўқиб беради. Ўқитувчи дарсга тайёрланиш асносида ҳар бир образнинг гапириш оҳангини унинг табиати, адабий эртақдаги ҳолатидан келиб чиқиб белгилаб олгани маъкул. Ҳар бир тимсолни ўз овози билан ифодалаш асарнинг таъсир кучини оширишини ўқитувчи билиши керак.

Биринчи кучли гуруҳга *«Инсон характери ва тутумлари мутаносиблиги»* тарзидаги муаммо куйидаги мантиқли топширик замирига сингдирилади: «Ҳар бир образ – бўри, қуён, тўнғиз ва шерга хос бўлган характер-хусусиятларни одамларга кўчириш. Улар қандай одамлар тимсоли экани ва ҳар бирининг табиатини таҳлилга тортиш. Ўзингизни кузатиш. Табиатингиздаги етакчи сифатларни аниқланг».

Иккинчи гуруҳга *«Тез фикрлаш ва чаққонлик – фазилат. Кўрқоқликчи?»* сингари одамларга хос бўлган сифатлар таҳлили билан боғлиқ муаммоли масаланинг ечими: «Қуён билан тўнғизчанинг бўри чангалидан кутулиб қолишлари сабаби ҳақида ўйлаб кўриш. Уларни бўридан кутқариб қолган сифатини топишга уриниб кўриш. Ҳар иккала ҳайвонга хос бўлган бу сифатлар қандай номланади? Бу сифатларга таъриф беринг. Улар фазилатми ёки иллатми? Фикрингизни асосланг» тарзидаги мантиқли топшириклар зиммасига юкланади.

Учинчи гуруҳ аъзоларига: *«Одамларга хос бўлган интуиция ва унинг аҳамияти»*ни очиш билан боғлиқ муаммоли масала: «Шунча айёрлиги билан тулкининг бўрига эм бўлгани сабаблари ҳақида матнга таяниб мулоҳаза қилинг. У доктор бўрига ем бўлишдан кутулиб қолиши мумкинмиди? Қандай қилиб ва қайси ҳолатда?» каби саволларга жавоб бериш ва топширикларни бажариш асносида ҳал этилади.

Тўртинчи, ўйинқароқ болакайлар гуруҳига уларнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда: «Зўр ҳамиша зўр» шаклидаги муаммоли масала қўйилади ва зўрнинг зўрлиги нималардан иборатлиги, инсонга яратувчи қудрат томонгидан сингдирилган феъл-атвор ҳамиша ўзига муносиб бўлишини: «Шер билан Бўри суҳбатидаги бошқалардан фарқли жиҳатларни топинг. Бунинг сабабларини очиб беринг» сингари аввалдан тайёрлаб қўйилган савол ва топшириқлар кўмагида англанади.

Биринчи, кучли ўқувчилар гуруҳига берилган топшириқлар умумлашган ҳолда ўқувчилардан ҳам ақлий, ҳам рухий зўриқишни талаб қилади. Бу топшириқ устида иш бошлашдан аввал болалар ҳар бир образга хос бўлган характер-хусусиятларни аниқлаб, ёзиб олишлари керак бўлади. Бунинг учун улар матнга қайта мурожаат қиладилар: Бўри – *«Ер гўё терс айланди Табибликка ўрмонда Йиртқич Бўри сайланди. Ана қаранг тиш қайраб Ўтирар шум шифокор. Йўлга боқар жовдираб, Тезроқ келса деб бемор»* сатрлари, ҳамда ҳар бир бемор билан суҳбатдаги билимсизлиги билан боғлиқ хулосалари, айниқса, тулкининг касаллик варақасига: *«Кўлин тирнаб бўзтикан, Тулки келди нотетик. Аҳволи оғир экан, чора топмадик... Едик!»* деб ёзиб қўйганлари замирига касбий «саводхон»лиги сифатлари беркитилганини; Қуёнга хос бўлган сифатлар – *«Келди инграб Қуёнвой, Шалвираб динг қулоғи. Қадамлари пойма-пой, (Балки, тортмас оёғи)»*, *«Диккайтириб думини, Қочиб қолди тез Қуён»* сатрларида акс этганини; Тўнғизча табиатига сингдирилган сифатлар – *«Кейин оғриб томоғи, Келди йиглаб ёш Тўнғиз»* ва *«Фурсат пойлаб Тўнғизча Ростлаб қолди жуфтагин»* сатрларида ифодаланганини; ва ниҳоят Шерга хос бўлган сўзлашув оҳанги ҳамда бунинг замирида акс этган характер-сифатлар кашф этилади ва одамларга кўчирилади. Гуруҳ аъзолари мана шу масалалар атрофида ўз савиялари доирасида ўзаро мулоҳаза юритадилар, фикр-муносабатларини айтиб ўзларига топширилган лойиҳани ўқитувчиси ва ўртоқларига намоёиш қиладилар. Ўқитувчи гуруҳ аъзоларининг фаолиятини муҳим нуқталарга, яъни *«Инсон характери ва тутумлари муносабблиги»* билан боғлиқ муаммонинг ечилишига йўналтириш мақсадида:

1. Ўйлаб кўрингларчи, Бўри табиб бўлишига ер тескари айла-

нишининг нима алоқаси бўлиши мумкин?

1. Бўрининг бемор кутиб жавдираб ўтиришини, сизнингча, нималарга ўхшатиш мумкин?

2. Бўрининг билимсиз шифокор эканини унинг қайси гапларидан анлаш мумкин, сизнингча?

3. Куён, Тўнғиз, Тулки ва Шер характерига хос бўлган етакчи хусусиятларни аниқланг.

4. Ҳар бирингиз ўз табиатингизни тафтиш қилинг: кимга ўхшайсиз? Нимангиз билан?» ва ҳк. ёрдамчи савол ёки топшириқларни ўртага ташлаб туради.

Иккинчи гуруҳ аъзолари «*Тез фикрлаш ва чаққонлик – фазилат. Кўрқоқликчи?*» эканини ўзлари ва ўртоқлари учун исботлаш йўлида: «*Келди инграб Куёнвой, Шалвираб динг қулоғи. Қадамлари пойма-пой, (Балки, тортмас оёғи)*», «*Диккайтириб думини, Қочиб қолди тез Куён*» сатрларидан Куённинг характерига хос бўлган хусусиятларни аниқлайдилар. Унинг чопағонлигини устувор кўядилар. Сўнгра билимсиз Бўрининг: «*Биқин қолиб, текширди Куённинг чап кўзини. – Кечикамиз дингқулоқ, Кўрмасак тез чора гар. Ошқозонинг сал чатоқ, Буни... «тумов» дейдилар. Биз табиблар бу дардни Жуда яхши биламиз. Қорнинг ёриб, сен мардни – Муолажа қиламиз*» тарзидаги билимсиз тиббий хулосалари Куённи кўркитиб юборганини; ёки томоғи оғриб келган Тўнғизчанинг: «*Ушлаб кўриб оёғин, Бўри деди: – Воҳ, эссиз!.. Томоқ оғриқ бошланар Ўнг оёқнинг пайидан. Кесиб олсак соз бўлар, Гуштликкина жойидан*» тарзидаги «муолажа»лари асосида пайдо бўлган кўркув Куён ва Тўнғизчани Бўрининг чангалидан қутқариб қолганлигини айтадилар. Ўқитувчи гуруҳ аъзоларини мақсад сари йўналтириш учун уларга:

1. «Кўрқоқлик фазилатми ёки иллатми? Бу сифат қаерда фазилат, қай ҳолатда иллат ҳисобланади?

2. Куён ва Тўнғизчанинг ҳолатида ҳар иккаласига хос бўлган кўрқоқлик кимга фойдали бўлдию кимга зарар бўлди? Нима учун?

3. Сизнинг табиатингизда кўрқоқлик борми? Сиз ҳам докторлардан кўрқасизми?» сингари кўшимча савол ва топшириқларни ўртага ташлайди.

Учинчи гуруҳдаги шериклар «*Одамларга хос бўлган*

*интуиция ва унинг аҳамияти»*ни аниқлаш учун Тулкининг айёр бўлишига қарамай Бўрига ем бўлгани сабаблари ҳақида биргалашиб мулоҳаза юритадилар. Асарни қайта ўқиб Бўрининг: *«Шошмай тургин, муттаҳам!»* Дер Бўривой ичида. – *Кўз тегмасин, Ўзинг ҳам етилибсан-да жуда... Дардингни билай тишлаб, Бери кел-чи, жон иним»* тарзидаги фикрлари, *«...Шундай қилиб, дил хушлаб, Бўри еди Тулкини»* шаклидаги ахборот-хабар акс этган сатрлар мазмунидан келиб чиқиб ўз олдиларига қўйилган муаммоли масалани, яъни Тулкининг ўз табиатига хос бўлган айёрликдан оқилона фойдалана билмагани унинг бошини еганини ҳал этиш устида биргаликда изланадилар. Ўқитувчи:

1. «Ўйлаб кўрингчи, нега Бўри Тулкини «муттаҳам» деб атади? Унинг муттаҳамлигини нималарда кўриш мумкин?

2. Нима деб ўйлайсиз, нега Тулки Куён ёки Тўнғизчага ўхшаб қочиб қолмади? У ботирмиди ёки бунинг бошқа сабаблари бормиди?

3. Нима деб ўйлайсиз, нега тулки ҳар доимги айёрлигини ишга солиб ўзини қутқармади? Нима у Бўрининг билимсизлигини сезмадими? сингари ёрдамчи саволлар билан гуруҳ аъзоларини асосий масаладан чалғиб кетмасликка йўналтириб туради.

Тўртинчи гуруҳдаги ўйинқароқ болакайлар *«Зўр ҳамиша зўр»*лигини Шер тимсолида кўрадилар. Уларнинг мана шу сифатлари замирида Шерга хос характер-хусусиятнинг маълум белгилари яширинган бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, асардаги энг зўр ва кучли қахрамонни кашф этиш вазифасининг уларга топширилганлиги гуруҳ аъзоларининг гурурини уйғотади. Улар ўзларини бошқалардан ортиқроқ ҳис қиладилар. Мана шу туйғулар уларни масаланинг ечимини топишга ундайди. Улар барчаси биргаликда Бўри билан Шер ўртасидаги суҳбатни қайта ўқийдилар. Бўрининг лаганбардорлик билан қилган тутумлари ва муомаласи, Шернинг: *«– Яхши эмас, ҳар ҳолда, Қувватдорни изласам. Шоҳ бўлсам-у, Шоқолдай ўрмонда гиз-гизласам. Кўлдан бериб имконни, Сўнг юрарман армонда Сендан семиз ҳайвонни Топиш мушкул ўрмонда. Қадрлайман мен ҳар чоқ Табибларнинг сўзини, Тотмоқчиман ҳозироқ Қувватдори тузини»* шаклидаги иқрори асосида ҳар иккала қахрамоннинг фазилат ва иллатларини, Бўрининг асл башарасини кашф этадилар. Ўқитувчи:

1. «Ўйлаб кўрингчи, нега Бўри Куён, Тўнғизча ва Тулжига бошқача, Шерга бошқача муомала қилди?»

2. Шер Бўрини еб қўйгани ҳақида эртак матнида ҳеч нарса дейилмаган. Буни нимадан пайқаш мумкин, сизнингча?» сингари ёрдамчи саволлар билан болаларга йўналиш бериб юбориши мумкин.

Ҳар бир гуруҳ аъзолари ўз олдиларига қўйилган муаммоли масалаларни ўз савиялари даражасида очишга ҳаракат қиладилар, чиқарган хулосаларини, кашф этган ҳақиқатларини ўқитувчиси ва ўртоқлари олдида биргаликда намойиш этадилар. Ҳар бир гуруҳнинг асар матнидан топганлари ҳақиқатлар ўзларининг ютуқлари. Улар ўз топилдиқларига ўзаро ҳамкорликда, ўзларини ҳам ақлан, ҳам руҳан зўриқтириб эришдилар. Бу ҳар бир гуруҳ аъзоларининг ҳамкорликда топган ўз ҳақиқати, ўз кашфиёти. Ўқитувчидан тайёр ҳолда эшитгандан кўра ўзлари изланиб, меҳнат қилиб топган бадиий ҳақиқатлари, ҳаётий хулосалари самараси юқори бўлиши, ўзларига юқумли бўлиши аниқ.

Бундан ташқари, ўқувчиларнинг ҳар бири ўзларини эртакдаги қаҳрамонлар билан таққослаб кўрадилар, докторлардан, айниқса, тиш докторидан кўркишларини тан оладилар, руҳиятлари қаърида Шерга ўхшашга, докторлардан кўркмасликка ҳавас ҳисси шакланса ҳам ажабмас. Бу ҳавас уларни юқорига етаклаши аниқ.

Дарс сўнгида болаларга уй вазифаси сифатида ҳар бир гуруҳ аъзоси ўзлари таҳлил қилган адабий эртак қаҳрамони суратини чизишни, кўлларидан келса, эртакдаги эпизодларни тасвирлашни топшириш мумкин. Кейинги дарсда сурат чизиб келган болаларни ўз яратилдиқларини ўқиб беришга ундаш лозим.

Н. Норқобил. “Харита”

Муаммоли таълим жараёнининг мазмуни ўқувчиларнинг муаммоли масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ билимларга йўналтирилиши ва муаммо ечими билан боғлиқ тамойилларни ўзлаштиришларидан иборатдир.

4-синф «Ўқиш китоби» дарслигидан Нормурод Норқобиловнинг «Харита»⁵⁶ ҳикояси ўрин олган. Дарсликда ҳикоя матни иккига бўлиб берилган. Бундан англаш мумкинки, ҳар иккала қисм алоҳида-алоҳида соатларда ўрганилади ва таҳлилга тортилади. Мазкур ҳикоя мазмуни бўйича дарсликда тақдим этилган савол ва топшириқлар нисбатан диққатга сазовор. Лекин улар ўқувчиларнинг матн моҳиятига чуқур кириб боришларини тўлиқ таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳикоядаги ўқувчилар диққати қаратилиши керак бўлган барча ўринлар савол ёки топшириққа айлангирилиши, шу асосда руҳиятларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эпизодлар ҳақида ўқувчилар мулоҳаза юритишлари мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун, албатта, муаммоли таълимга мурожаат қилинади. Ҳикоя матни куйидагича:

1 қисм.

Математикани демаса, Расул бошиқа фанлардан хийла ночор ўқирди. Айниқса, расм дарсини жини суймасди. Қизлар кашта тиккандай, аллақандай гуллару жисмларнинг шаклини эринмай чизиб ўтиришга сира тоқати йўқ эди. Шунинг учун ҳам синф раҳбари уни энг аълочи ўқувчилардан Самадга бириктириб қўйганди.

Аммо у акаси уйда кезлардагина Самаднинг измига бўйсунар, яъни тинчгина дарсини қилар, қолган пайт Самадни курашга тортиб, торгина дарсхонанинг чангини чиқарарди. Шу боис, Самад ҳар гал истар-истамас остона ҳатларди. Аммо бу сафар у ҳовлиқиб кириб келди. Кўлидаги папкасинибир четга улоқтириб, қўйнидан тўрт букланган қоғоз чиқарди.

–Қара, нимани чиздим, – деди ҳаяжонланиб –Қишлоғимиз харитасини...

–Манави ерга чегарачиларни қўйдим. Қалай, зўрми?

Шунинг нимасига ҳовлиқасан, бунча? – деди Расул ҳайрон бўлиб. – Оддий расм-да.

–Ҳали бизда ҳеч ким қишлоғимиз харитасини чизмаган, – деди Самад қизишиб. – Буни биринчи бўлиб мен чиздим. Сен яхшилаб қарагин, жуда қизиқ бу. Манавиниси ўзимиз ёзда чўмиладиган кўл, буниси подаётоқ... Катта кўча сал қийшиқ

⁵⁶. O'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. /S. Matchonov va bq. – T.: «Yangiyo'l poligraf servis», 2017. – 9–13-b.

чиқибди. Буниси мактаб, шифохона... Лекин ўзимизнинг ҳовлини жуда ўхшатиб чиздим.

Расулга эгри-бугри чизиқлар бўйлаб бораётган чегарачилар, улардан ҳам кўра ити кўпроқ маъқул бўлди.

Расул остонага яқин жойда хумдай бошини оёқлари устига қўйиб ётган итига гамгин тикилди. Итининг ҳоли йўқлигига жуда ачинди. Лекин сир бой бермасликка уриниб, чегарачиларга имо қилди:

– Унда манавилар ким?

– Олдиндагиси мен, кейиндагиси сен. Қишлоғимизни қўриқлаяпмиз. Қизиқ бўлсин деб чиздим-да.

– Қишлоқни нимадан қўриқлаймиз? – Расул ҳайрон бўлди.

Нимадан бўларди... – Самад жавоб тополмай, бир муддат чайналиб қолди. – Нимадан бўларди, бўрилардан-да. – Ўтган қиш қўйларимизни қийратиб кетишгани эсингдан чиқдимми?

– Унда буни чегарачи эмас, қоровул дейдилар.

– Нима фарқи бор, – Самад тумшайиб, расмга қўл чўзаркан, бирдан юзи ёришиб кетди. – Айтганча, муаллимимизнинг гапи эсингдами? У киши қишлоғимизнинг ўзи бир ватан, кичик ватан, дегандилар. Ватанни қоровул эмас, чегарачи қўриқлайди.

Бу гап дастлаб ўзининг хаёлига келмаганидан Расул ичида ўзидан қаттиқ ранжиди. Шунда у бирдан иккинчи чегарачига нисбатан биринчиси хийла дуруст чизилганини пайқаб қолди.

– Иккинчиси эмас, биринчиси мен, – деди у.

– Йўқ, биринчиси мен.

– Мени букрига ўхшатиб қўйибсан-ку!

– Ҳечам-да, – Самад қозғони буклаб қўйнига солди. – Ўзинг чизолмайсан, чизганни кўролмайсан.

Бу гап Расулга айшдай ботди.

– Чизолмайманми?

– Чизолмайсан! – деди Самад тап тортмай.

– Бу сенга шунчаки расм эмас, харита. Харита чизиши учун калла керак. Ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди бу.

– Чизолмайманми?

– Йўқ чизолмайсан!

Уларнинг тортишуви Самаднинг аразлаб кетиши билан якунланди».

Ҳикоянинг биринчи қисми мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар тузишдан олдин унинг мазмуни бўйича муаммоли вазият яратишга арзигули болалар учун қизиқроқ бир муаммо яратиб олиш мақсадга мувофиқдир. **Муаммо: «Расул Самадга эмас, балки Самад Расулга бириктириб қўйилса, нима бўларди?»**

I қисм мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Расулнинг *«фасл дарсини жини суймас»*лиги билан харита чизиши ва, айниқса, буни жуда катта қизиқиш билан амалга ошириши ҳақида ўйлаб кўринг. Сизнингча, бунга туртки бўлган туйғу нима?

2. Расулнинг математик қобилиятидан ташқари яна қандай истеъдоди борлигини пайқадингиз? Буни қандай топганингизни тушунтириб беринг. Бу соҳада ишлайдиган мутахассислар қандай номланади? Билмасангиз луғатлардан қараб аниқланг.

3. Расулнинг: *«акаси уйда кезлардагина Самаднинг измига бўйсун»*иши сабабларини аниқлашга уриниб кўринг. Нега шундай? Бунга сабаб қилиб Расулдаги қандай сифатларни кўрсатган бўлардингиз?

4. Расулга Самад чизган харитадаги: *«эгри-бугри чизиқлар бўйлаб бораётган чегарачилар, улардан ҳам кўра ити кўпроқ маъқул бўл»*гани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Бу нимадан далолат беради, Сизнингча? Нега шундай деб ўйлайсиз, фикрингизни асосланг.

5. Самадни қишлоғининг харитасини чизишга ундаган туйғулар ҳақида ўйлаб кўринг. Фикрингизни асослаб беринг.

6. Расулнинг *«...остонага яқин жойда хумдай бошини оёқлари устига қўйиб ётган ит»*и билан харитадаги чегарачилар итини таққосланг. Нима деб ўйлайсиз, улар орасида қандай фарк бор, сизнингча? Итига қараб Расул нима учун ғамгин тортди деб ўйлайсиз? Қарашларингизни матнга таянган ҳолда асослаб беринг.

7. Муаллимнинг қишлоқни «кичик ватан» деганига қандай карайсиз? Сизнингча «Катта Ватан» нима? Буни қандай аниқладингиз?

8. Самаднинг: *«Ватанни қоровул эмас, чегарачи қўриқлайди»*, деган гапи моҳиятига кириг. Чегарачи билан қоровул ўртасида

қандай фарқ бор деб ўйлайсиз? Нима учун шундай хулосага келганингизни асослаб беринг.

9. Расулнинг «ичида ўзидан қаттиқ ранжи»гани сабабини матндан топиб ўқинг. Бу сабаб (бу гап дастлаб ўзининг хаёлига келмагани)нинг моҳиятига киришга уриниб кўринг.

10. Самаднинг Расулга қарата: «Ўзинг чизолмайсан, чизганни кўролмайсан» тарзидаги айбномаси моҳиятига киришга уриниб кўринг. «Кўролмаслик» деган тушунчани шарҳлаб беринг. Сиз уни қандай тушунасиз?

11. Диққат қилингни, Расулнинг табиатида шундай сифат борми? Буни сиз қандай аниқладингиз?

12. Нима деб ўйлайсиз, Самад ҳақми? Расул ростдан ҳам ўртоғини кўролмадими ёки бу ҳолатни бошқачароқ ифодалаш мумкинми?

13. Самаднинг: «*Харита чизиш учун калла керак*», деган гапига диққат қилингни. Жумладаги «калла» сўзи тўғри ишлатилганми? «Калла» билан «бош»нинг нима фарқи бор? Ўйлаб кўринг.

Шу савол ва топшириқлар кўмагида ҳикоянинг биринчи қисми моҳиятига кирилгач, Самад ва Расул характериға хос хусусиятлар фарқлаб олингач ўқитувчи ўқувчилар олдиға: «*Расул Самадға эмас, балки Самад Расулға бириктириб қўйилса, нима бўларди?*» тарзидаги муаммоли саволни кўяди. Болалар бу ҳақда ўйлашлари аниқ. Ўқитувчи ўқувчиларига кўмаклашиш мақсадида уларға қўйидаги йўналтирувчи-ёрдамчи саволлар билан мурожаат қилиши мумкин: «Нима деб ўйлайсиз, Расул ўз табиати билан бировнинг ёрдамиға муҳтож болага ўхшайдими? Буни нима билан исботлайсиз? Самад Расулға бирор нарса ўргата олишиға ишонасизми? Сиз буни нималардан аниқладингиз? Ўйлаб кўрингни, бошқара билиш хусусияти синфдошларнинг қайси бирида кучлироқ? Буни нима билан асослайсиз? Агар Самад Расулға бириктириб қўйилса, нима бўлиши мумкин эди? Нега шундай деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосланг» ва ҳк.

Шу йўналишдаги суҳбат асносида Самаднинг билимға чанқоқ бола экани, лекин у Расулға ижобий таъсир кўрсата олмаслиги, Расул ўз фикри, дунёқараши ва ўз нуқтаи назарига, шаъниға эға бола эканлиги маълум бўлади. Агар улар ўзаро бир-бирларига бириктириб қўйилганда, иккаласи бир-бирини

тўлдириши, бир-бирларига ижобий таъсир кўрсатишлари, хафагарчиликларга йўл қўйилмаслиги ҳам мумкин эди. Айни замонда, Расулда ҳам масъулият ҳисси ортган, ўртоғига ижобий таъсир кўрсатган бўларди. Муаммонинг ўзига хос ечими топилган бўларди.

Ўқитувчи истаса, ҳикоянинг иккинчи қисмини оддий дидактик таҳлил асносида ташкил этиши мумкин. Лекин уни ҳам муаммоли шаклда ўрганишни мақсадга мувофиқ деб топса, уни: *«Расул орчил бола ва шунинг учун ҳам истаса барча ишни ҳаммадан яхши қила олади»* тарзидаги муаммоли масаланинг исботига қаратилган ечими шаклида ташкил этиши мумкин.

II қисм

«Самаднинг гапи туриб-туриб Расулга жуда алам қилди. «Сен чизган нарсани мен чизолмайманми?» - деди ичида, – ҳали шундай бир зўр харита чизайки, ҳайратдан оғзинг очилиб қолсин».

У қишлоғи ва унинг атрофидаги дала-даштларни хаёлан кўз ўнгиди гавдалантириб, столга ўтирди. Аммо чизгани ўзига ёқмади, иккинчи, учинчиси ҳам маъқул келмади. Самаднинг расмида чегара нуқталари чизиқлар билан чизилган бўлиб, айни шу нуқталар суратни жуда безаб турарди. Боз устига, шунча ҳаракат қилса-да, нуқталар бир хил чиқмас – бири катта, бири кичик, Самадни эса худди қолипдан чиққан гиштдек бир текис эди...

Бу сирнинг тағига етолмай, Расулнинг жуда боши қотди. Бир хаёли, чизмани йиғиштириб отмоқчи ҳам бўлди-ю, Самаднинг гапини эслаб, тагин фикридан қайтди. У ерга мукка тушиб, қогоз юзига дастлабки чизиқни тортди. Тортди-ю, қувончидан қичқириб юборди. Чизиқ қогоз юзига нуқта-нуқта бўлиб тушганди.

– Бунга қара, бунга қара! – деди у ўрнидан сакраб тураркан, қогозни акасига кўрсатиб.

Акаси китобдан бошини кўтариб, қогоз юзига лоқайд тикилди.

– Нима эди? - деди сўнг қувончи сабабини тушунмай.

– Қарагин, нуқта-нуқта...

– Нима бўпти, гиламга қўйиб чизганидан кейин нуқта-нуқта бўлади-да.

Ўзи учун зўр кашфиёт бўлиб туюлган ишнинг акаси томонидан тез ва осонгина илганиши Расулни ҳам ҳайратга солди, ҳам уялтирди.

Дастлаб иш жуда енгил кўчди. Расул чўл ва дарёлар тасвирини осонгина туширди-ю, лекин шаҳарларга келганда бироз ўйланиб қолди. Негадир харитадаги тасвирни айнан кўчиргиси келмади. Кўҳна ёдгорликларнинг жимитдек тасвири уни қаноатлантирмади. Акасининг китобини титкилаб, ундан «Шоҳи Зинда»ни топди-да, иложи борича ўхшатишга ҳаракат қилди. Кейин ёнига «Самарқанд» сўзини битди. Бухорода иккита осмонўпар минора билан қаноатланди.

«Хива» деган жойга «Шоҳи Зинда»га ўхшаш ёдгорликларнинг расмини ишлади. Кейин умрида кўрмаган Тошкентни ўзича тасаввур қилиб, кўп қаватли бинонинг расмини чизди-да, ёнига автобусни тиркаб қўйди. Сўнг харитада фақат номи битилган бошқа шаҳарларга ҳам шунга ўхшаш суратлар ишлаб чиқди. Қогоз юзи тўлган сайин, баттар завқи ошиб чўл деган жойга қўйнинг суратини ишлади.

Жонивор қўйдан кўра кўпроқ итга ўхшаб қолганига ҳам эътибор бермади. Лекин пахта суратини жуда чиройли туширди. «Тогли зона» деган бўлимга тоғнинг суратини чизиб, оппоқ булутлар устига нур сочиб турган офтобни қўндирди...

Қилаётган иши уни ўзига қаттиқ маҳлиё қилиб қўйган эди. Харитани кўрган акаси ҳайратланди.

– Номини нима деб қўямиз, номини? – деди Расул мақтовга зигирча эътибор бермай.

Акаси ўйлаб ўйига етгунча номни ўзи топди ва қўлидаги қалами билан харита тагига «Ўзбекистон» сўзини битди.

Папкасини унутиб қолдирган Самад қайтиб кирганида Расул харитага маҳлиё бўлиб термулиб турарди».

Қўйида асар мазмуни асосида тузилган савол ва топшириқлар намунаси тақдим этилади.

II қисм мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Расулни, «расм дарсини жини суймайдиган» болани харита чизишига ундаган куч нима деб ўйлайсиз?

2. Самаднинг харитасидаги уни безаб турган, Расулни ҳайратга солиб, бошини котирган жиҳат нима эканини топинг.

Нима деб ўйлайсиз, нега Расулнинг харитаси Самадниқидек чиқмаяпти? Топганингиз сабабларни асослашга урининг: нега шундай деб ўйлаяпсиз?

3. Нима деб ўйлайсиз, нега Расулга «*зўр кашфиёт бўлиб туюлган иши акаси томонидан тез ва осонгина илга*»ниб қолди? Сизнингча буни қандай изоҳлаш мумкин? Фикрингизни исботланг.

4. Ўйлаб кўрингчи, Расул нега уялиб қолди? Ахир у ўзи учун кашфиёт қилди-ку! Бунинг учун уялиш керакми? Сиз нима дейсиз?

5. Ҳикоя матнида: «*Негадир харитадаги тасвири айнан кўчиргиси келмади*» деган фикр бор. Яхшилаб ўйлаб кўрингчи, бу жумла сизга нимани аңлатяпти?

6. Расулнинг харитада Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини кўхна ёдгорликлар мисолида тасвирлашининг сабабини айтинг. Фикрингизни асослашга уриниб кўринг.

7. Расулнинг «*пахта суратини жуда чиройли тушир*»гани сабабларини топишга уриниб кўринг.

8. Унинг «*... тоғнинг суратини чизиб, оппоқ булутлар устига нур сочиб турган офтобни қўндир*»ганини ҳам таҳлил қилинг. Сизнингча, бу нимадан далолат беради?

9. Дафтارينгизга Ўзбекистонга чегарадош давлатларнинг номларини ва уларнинг пойтахтларини ёзинг.

10. Самад унутиб қолдирган папкасини олгани қайтиб келганида Расулнинг харитага маҳлиё бўлиб термулиб ўтириши, Сизнингча, нимадан далолат беради?

11. Сиз ҳам ўз кишлогингиз, туманингиз, маҳаллангиз ёки шаҳрингизнинг харитасини чизишга уриниб кўринг. Тайёр харитага таяниб чизсангиз ҳам майли. Муҳими – уриниб кўринг. Чизганингиз харитангизни ўқитувчингиз билан биргаликда синф хонасига осиб қўйинг.

12. Самад билан Расул чизган иккита Ватан бир-биридан нимаси билан фаркланади?

«Харита» ҳикояси шу саволлар ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар томонидан таҳлилга тортилади. Ўқувчилар Расулга ва Самадга хос бўлган сифатларни очиш ва уларга муносабат билдириш асносида одамни кашф этадилар, туйғуларни фарқлайдилар, ўзларини тадқиқ қиладилар. Инсонга хос бўлган

характер-хусусиятларни баҳолашни ўрганадилар. Шундан сўнг, тарбияланувчиларига аввал режалаштириб кўйгани муаммони такдим этади: «*Расул орчил бола ва шунинг учун ҳам истаса барча ишни ҳаммадан яхши қила олади*». Ёрдамчи саволлар сифатида: «Орчиллик», деганда нимани тушунасиз? Ўйлаб кўринг-чи, Расул нима учун кишлоғининг харитасини чизмади? Бу нимадан далолат беради? Ўйлаб кўрингчи, унинг харитаси Самадникидан яхшироқ бўлиши мумкинмиди? Нега шундай деб ўйлайсиз? Расулни Ўзбекистон харитасини чизишга ундаган ички туйғу хақида ўйлаб кўринг. Унинг номини сиз нима деб атаган бўлардингиз?» ва ҳк. Ўқувчилар шу тариқа ориятли, ўз шаънини баланд тутадиган, истеъдодли, ўз ҳақиқатларига эга бўлган болалар кўп нарсаларга қодир бўлишини англаб етадилар. Уларни фарқлашни ўрганадилар. Айни замонда, табиий равишда ўзларини англаб, ҳисларини фарқлаб борадилар. Бу жараён уларнинг характери шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Дарсда фаол қатнашган ўқувчилар баҳоланади. Уй вазифаси сифатида иккинчи қисм мазмуни асосида такдим этилган 11-топширикни бериш мумкин.

4-БОБ. ЮҚОРИ СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ

§ 4.1. ЎРТА СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММО

«Уч оға-ини ботирлар» эртагини муаммоли ўрганиш

Муаммоли таълимда ўқув ва амалий муаммолар ўртасидаги қонуний алоқадорлик юзага келади.

Ҳаёт билан алоқадорлик ўзлаштирилган билимларни ҳар хил амалий фаолиятда қўллашга хизмат қилади.

Амалдаги 5-синф «Адабиёт» дарслигида «Уч оға-ини ботирлар» эртагини ўрганиш учун тавсия этилган⁵⁷. Кечагина бошланғич синфни тугатган ва ҳали эртақлар дунёсидан узулиб улгурмаган хаёлпараст болакайларнинг ўрта босқич адабий таълимида ҳам эртақлар билан танишиши, аввало, болалар руҳиятида иккала босқич узвийлиги учун замин тайёрлайди, қолаверса, уларнинг шахс сифатида шаклланишидаги узлуксизликка ҳам асос бўлади. «Уч оға-ини ботирлар» эртагини ўқишга киришишдан олдин ўқитувчи кейинги дарс «Эртақ дарси» бўлишини, ўқувчилар уй вазифаси сифатида ўзлари эртақ тўқишларини, дарсликдаги эртақни ўқиш, унинг матни устида ишлаш жараёнида бўлажак эртақ дарсига материал йиғиб бориш лозимлигини айтди. Бу ўқувчиларни ҳаяжонлантириши табиий. Чунки ижод – меҳнат, машаққат, дард. Бундан ташқари, ўқитувчининг огоҳлантириши уларни эртақ яратиш ҳақида ўйлаб юришдай фаолият атрофига бирлаштиради. Айни замонда, эртақ устида ишлаш жараёнида бошқача ички бир ҳаяжон ва зийраклик билан қатнашишларига ҳам замин тайёрлайди.

Ўқитувчи асар матнини эртақларни ўқиш оҳангига солиб, ўзи ўқиб бериши керак. Эртақни болаларга ўқитириш методик жиҳатидан тўғри тадбир эмас. Ҳатто ўқитувчининг ўзи ҳам эртақни ифодали ўқишга алоҳида тайёргарлик кўриши шарт.

⁵⁷С. Ахмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарқ, 2015. – 46–55-бетлар.

Чунки эртак ўқилиш йўсини билан тингловчиларни ром этиб олсагина, дарс муваффақиятли чиқиши аниқ.

Дарсликда эртак матни қисқартириб берилган. Бу қисқартириш асосида эртакнинг шундай номланишига сабаб бўлган, йигитлар ботирлигини намойиш этувчи асосий лавҳа тушириб қолдирилган. Шу боис ўқитувчи «Уч оға-ини ботирлар»нинг тўла нусхаси⁵⁸ аудиоёзувидан фойдаланган ҳолда ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ёки шу аудиоёзув матнини ўзи бошқа манбалардан топиб ўқиб бериши ҳам мумкин. Мазкур вариант ўқувчиларнинг бу эртак ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Эртакни ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган бўлиб, асарни ўқиш учун 28–30 дақиқа сарфланади. Қолган вақтда ўқитувчи тарбияланувчиларини матн мазмуни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида аввалдан белгилаб олгани муаммонинг ечими сари етаклайди. Эртак мазмуни асосида белгиланган муаммо ҳақида бешинчи синф ёшидаги болаларни ҳам хабардор қилиб ўтириш шарт эмас. Бу жараённи ўқитувчи ўзи белгилайди, бошқаради ва болаларни муаммо замирига сингдирилган баланд туйғуларни англаш, унинг ечимини топиш сари етаклайди. Ўқувчиларни кузатади ва иштирокига қараб баҳолайди.

Демак, муаммо: «Оға-иниларнинг подшоҳ саройида маза қилиб, давру даврон суриб яшайвермаганлари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Агар шундай қилишса, нима бўларди?»

Амалдаги дарсликда эртакнинг мазмуни юзасидан берилган дидактик ашёлар ўқувчиларни матн моҳиятига етарли даражада чуқурроқ кириб бориш имконини бермайди. Шу боис ўқитувчи ўқувчиларни муаммода илгари сурилган фазилатларни фарқлашга етаклаш учун эртак мазмуни юзасидан куйидаги савол-топшириқлардан фойдалангани мақсадга мувофиқ бўлади:

1. *«Эртакнинг «Уч оға-ини ботирлар» деб аталишининг сабаблари ҳақида фикрингизни айтинг».* Эртакнинг аудиоёзуви асосида ёки унинг тўлиқ матни билан танишган ўқувчилар бу топшириқни қийналмай бажарадилар. Ака-укаларнинг уч кечада қилган ботирликларни тўлиқ тасаввур қиладилар, ўз имконият-

⁵⁸ <http://audio.ziyoue1.uz/uzc/book/9>

лари доирасида фикр айтадилар. Бадиий матн устида ишлашнинг дастлабки босқичида матн мазмунини такрорлашга йўналтириш ўқувчиларни асарнинг дидактик таҳлиliga тайёрлайди. Лекин кейинги босқичда бунга йўл қўймаслик, ўқувчиларга асар матнини қайтариб айтиб беришларига имкон бермаслик керак бўлади.

2. Лекин *«Отанинг ўғилларига айтган: «Биринчидан, соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим – яроғ ишлатишга уста бўлдингиз. Учинчидан, қўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз»*, тарзидаги сўзларига эътибор қилинг. Бу сўзларнинг йигитлар табиатига хос хусусиятларни белгилашдаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритинг» тарзидаги иккинчи топшириқ ўртага ташланганда ўқувчилар ўйланиши, ўзларини бир оз зўриктириши керак бўлади. Бу топшириқ уларни йигитлар табиатига хос бўлган бақувватлик, яроғ ишлатишга усталлик, ботирлик, топқирлик, зукколик, синчковлик каби сифатлар уларнинг қайси ишларида кўринганини матндан кидиришга йўналтиради. Ўқувчилар ботирларнинг шер, аждар ва ўғрилар билан тўқнашувдаги қахрамонликлари тасвирланган лавҳаларга мурожаат қиладилар. Топшириқни бажариш мобайнида улар ботирларнинг шахси билан боғлиқ жиҳатларни кашф қиладилар.

Ўқитувчи мунгазам равишда ўқувчилардан фикрларини матнга таянган ҳолда баён этишни, айтганларини асардан мисоллар келтириб асослашни талаб қилиши болаларни ижодий фикрлашга йўналтиради.

3. *Тарбияланувчилар отанинг: «соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз» деган гапи замирида қандай ҳақиқат борлиги*, соғлом, бақувват бўлиб ўсишнинг гарови нимада эканлиги, бунда отанинг вазифаси нималардан иборат бўлгани ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари зарур. Бунинг учун ўқитувчи шу тасвирни саволга айлантириб, ота тарбиясидаги: *«Қўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз»* тарзидаги жиҳатда нималар назарда тутилганига, *«қўрқитмай ўстириш»*нинг маъносини чақишга ўқувчилар эътиборини қаратгани маъқул. Ўқувчилар бу ибора замиридаги маънони қандай тушунадилар? Булар – эртак моҳиятига сингдирилган миллий тарбиянинг

асослари. Ўқитувчи буни эътибордан четда қолдириши мумкин эмас. Қадимда яроғ ишлата билиш, от миниш ҳам йигит кишининг фазилатларидан ҳисобланган.

4. Асар таҳлилини давом эттириб, ўқувчилар отанинг: *«Тўғри бўлинг – бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолатга қолмайсиз. Дангасалик қилманг – бахтсиз бўлмайсиз»* тарзидаги насихатига ўз муносабатларини билдирадилар. Тарбияланувчилар отанинг ҳар бир гапини ўзларича таҳлил қиладилар. Тўғри, ўқувчиларнинг бу насихат мазмуни борасида фикрлари содда, ўз билганлари доирасида бўлади, албатта. Фикрлар ўқитувчи ёки бошқа катталарнинг карашларига нисбатан жўнроқ бўлиши табиий. Лекин муҳими – ўқувчида фикрнинг, ўз қараш ва муносабатининг шаклланиб боришидир. Унинг ўқитувчи томонидан тўлдирилиши, тузатилиши методик жиҳатдан ҳамisha ҳам тўғри бўлавермайди. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси фикр кишисини рағбатлантириш, янги кўшимча саволлар билан унинг ичидаги гапларини чиқариб олиш, бир-бирларининг фикрини такрорларсиз тўлдиришга ўргатиш, хато кетган ўринларини ўзларига топтириш, камчиликларини ўзлари англаб, ўзлари тузатишларига имкон яратишдан иборатдир. Ўқувчилар отанинг айтганлари моҳиятига киришлари, тўғрилиқ маҳсули бўлган хотиржамликнинг, мақтанчоқлик туфайли хижолатга қолишнинг, дангасалик оқибатида бахтсиз бўлишнинг нима экани ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун бу тушунчаларнинг мазмуни ҳақида: *«Тўғрилиқ деганда нимани тушунасиз?»*, *«Хижолатга қолиш»* дегани сизнингча нимани англатади?», *«Дангасалиқ нималарда кўринади?»*, *«Сиз бахтсизликни қандай тушунасиз?»* каби кўшимча саволлар билан ўйлаб кўришга йўналтирилади. Шу тариқа тушунчаларнинг, улар ёрдамида эртакнинг моҳиятига кира бориб ўқувчилар ўзларининг тарбияланиши жараёнида бевосита иштирок этадилар. Яъни ўқитувчисининг кўмаги, йўналтиришлари асносида ўзларини ўзлари тарбиялайдилар.

5. *Оға-иниларнинг ўз саргузаштларини бир-бирларига ҳам дарров айтиб бермаганликлари уларга хос яна қандай фазилатнинг белгиси эканини ўқувчилар ўзлари кашф этсинлар, мақтанчоқлик ёт бўлган ботирларнинг оғир-босиклиги, камтарлигига муносабат билдирсинлар. Ботирларга хос бўлган бу*

фазилатлар ўқувчиларнинг ҳавасини кўзгаши табиий. Айниқса, болалик пайтида улар яхшиларга, кучлиларга ҳавас қилишади. Бу – фазилат. Ўқувчиларда шундай фазилатларни шакллантириш адабиёт дарсларининг вазифасидир.

6. Лекин *ботирларнинг бир зўр ишни қойиллатиб қўйиб, бу ҳақда мақтанмасликка ўзларида куч топшишга* ҳам болалар диққати қаратилиши жоиз. Бу ҳам алоҳида топшириққа айлантирилгани дуруст. Бадиий матн юзасидан ўқувчилар эътиборини шундай туйғуларни кўзготадиган, руҳиятини мувозанатдан чиқарадиган савол-топшириқлар бериб борилса, уларда исталган фазилатларнинг шаклланишига йўл очилади. Кўришиб турибдики, ўқитувчидан ортиқча меҳнат, ортиқча ақлий зўриқиш талаб қилинаётгани йўқ. Педагог асар қахрамонларига хос бўлган ижобий сифатларга ҳавас уйғотиб, уларнинг фазилат экани ўқувчилар кўнглига жойлашга йўналтирса, улар бола маънавиятидан ўрин олади, у ерда, албатта, ўзига хос из қолдиради.

7. «*Кенжа ботир саргузаштларига эътибор беринг. Унинг ўғриларни ўз ҳолига қўйиб кетиб қолмаганига қандай қарайсиз?*» савол-топшириғи синфдаги ҳар бир ўқувчидан мустақил мулоҳазани талаб қилади. Сиртдан қараганда ўзгаларни муҳокама қилиш жуда осондай туюлади. Лекин ўша ўзгалар ўрнига ўзни қўйиб кўриш, ўзини уларнинг ўрнида тасаввур қилиш талаб қилинганда баъзан «тиллар бойланиб қолиши» ҳам бор гап. Ўқувчиларни вазиятга шундай ёндашишга ундаш ҳам уларни ижодий фикрлашга йўналтиради. Жавоб берган ўқувчиларнинг фикри диққат билан эшитилади, зарур бўлганда қўшимча саволлар билан қарашларга аниқлик киритилади. Жавоб бера олмаганларга эса ўқитувчиси ва ўртоқларини эшитиб ўтириш ҳам нимадир беради.

8. «*Кенжа ботирнинг тадбиркорлиги, топқирлиги, жасурлиги билан эртақ бошида ота томонидан айтилган гаплар ўртасида қандай боғлиқлик бор деб ўйлайсиз?*» саволи берилганда, унга аниқлик киритиш мақсадида «Кенжа ботирнинг тадбиркорлиги унинг қайси ишида кўринади?», «Унинг топқирлигини қайси ҳатта-ҳаракатларида кўриш мумкин?» «Кенжа ботир отасининг ўша насиҳатидан кейин бирданига жасур бўлиб қолдимиз?» сингари қўшимча саволлардан ҳам

фойдаланиш мумкин. Шу тариха ўқувчилар эътибори Кенжа ботирнинг қайси фазилати унинг қайси амалида кўринишига, жасурлигини намоёниш этган ишлари тасвирига қаратилади. Бу каби фаолияти билан улар адабий қаҳрамонларни ўзлари учун қайта кашф этадилар. Бу кашфиётлари маънавиятларининг камол топишига хизмат қилади.

9. *Ўрдага келган ботирларнинг зиёфат пайтида дастурхонга қўйилган ноз-неъматлар тўғрисидаги фикрларига ҳам ўқувчиларнинг диққати қаратилади: ака-укалар буларни қандай билишди экан?* Йигитлар табиатидаги билгичликнинг омиллари ҳақида ўйлаб кўришга ундалган ўқувчилар мулоҳаза юритиб, ўз фикрларини ўртага ташлайдилар. Эртанда ботирларнинг бундай билгичлиги сабаблари ҳақида ҳеч гап айтилмаган. Отаси уларга айнан шу нарсаларни ўргатмаган. Ўқувчилар уларнинг асл билимлилиги, зийраклиги ва мулоҳазакорлиги асносида мушоҳада юритиб англаган ҳақиқатлари эканини биргаликда кашф қиладилар.

10. *«Қизлар йўқотган тиллаларига гавҳар қўшиб олдилар,» деган иборани қандай тушундингиз?»* саволи ўқувчиларни асар матнида илгари сурилган ғоялар ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Ўқувчилар «қизлар йўқотган тиллалар», дейилганда нима назарда тутилган-у «қўшиб олинган гавҳар», дейилганда нима кўзлангани ҳақида мулоҳаза юритадилар? Ўз қарашларини асардан келиб чиқиб баён қиладилар. Бу каби савол ва топшириқлар 5-синф ўқувчиларига хос бўлган кўп ўйлаб ўтирмай, гапириб юборавериш ёки ўртоқларининг фикрини такрорлаш каби одатларини улар табиатидан чиқаришга кўмаклашади. Жавобларда ўқувчиларнинг ўз хулосаси, қарашлари ифодаланади. Берилган савол ва топшириқларга кимнингдир ақли етар, кимникидир етмас. Муҳими, синфдаги болаларнинг шундай ҳақиқатлар ҳақида ўйлашлари, изланишларидир.

11. *Асар мазмуни юзасидан тақдим этилган: «Кенжа ботир ҳикоясидаги тўтига эътибор қилинг. Ваъдага вафо қилиш учун ота-онаси, ака-укалари ва яқинлари, энг муҳими, ўз озодлигидан кечиб келган тўтининг олижаноблигига кўрсатилган оқибатга муносабат билдиринг»* топширигини бажаришга тутинган ўқувчилар тўти, подшоҳ ва вазир шахсини

таҳлилга тортадилар. Ўқитувчи уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини алоҳида саволга айлантириши лозим. Шунда ўқувчилар уларнинг хатти-ҳаракатига муносабат билдирадилар, баҳолайдилар. Тўти қайтиб келмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Лекин у мардлик қилиб садоқатини намойиш этди, бунинг устига ёшартирувчи мева ҳам олиб келди. Ўқувчилар бундай олижанобликнинг нима учун ўлимга маҳкум этилгани, подшоҳ нима сабабдан тўтининг эмас, вазирнинг гапига ишонгани ҳақида мулоҳаза юритадилар. Болалар подшоҳнинг ўз фикри йўқлиги, вазир меванинг биттасини подшоҳга едириб, иккинчисини ўзи еганда ҳам ҳаммаси яхшилик билан тугаши мумкинлигини, тўтининг ўлимини истагани вазирнинг ҳам бошини егани ҳақида фикрлашадилар. Бу билан ёмонлик, албатта, жазоланишини, ҳақиқат маълум вақт эгилсада, лекин синмаслигини ўқувчилар англаб етишларига имкон яратиш ўқитувчининг асосий юмуши бўлиши керак.

12. «*Эртакдаги ва ҳикоядаги шоҳларни бир-бирига солиштиринг*» топшириғи ўқувчиларни иккала подшоҳнинг табиатидаги хислатларни аниқлашга, эртак ва ҳикоя матнига қайта-қайта мурожаат қилишга ундайди. Чунки ўқувчилар учун Кенжа ботирнинг бу ҳикояни нима мақсадда айтгани ва унга сингдирган ҳақиқатини англаш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу ҳодиса устида ишланаётганда ўқитувчи қўшимча саволлар билан йўналиш бериб юбориши ҳам мақсадга мувофиқдир. Ҳикоядаги тўти ва подшоҳ тимсолларига хос сифатлар: ваъдага вафо ва шошқалоклик билан тадбир кўриш ҳақида ўқувчиларда болаларча содда хулосалар чиқарилади. Эртакдаги ва ҳикоядаги шоҳларни таққослаш асносида ўқувчилар уларнинг ҳар иккисига ўйламай иш кўриш, яқинларни аямаслик, шафқатсизлик, қаҳри каттиклик каби сифатлар хослигини аниқлайдилар.

13. «*Ога-уни ботирларнинг саройдан кетиш тўғрисидаги қарорига ўз муносабатингизни билдиринг*» топшириғи ўқувчиларни ўйлантиради. Уларнинг кўпчилигидан кутилган жавоб чиқмаслиги ҳам оддий ҳол. Лекин бу вазиятга ўқувчиларнинг муносабати аввало, муаммонинг ечимига, қолаверса, кейинги соатда бўладиган эртак дарсининг самарадорлигига асос бўлади. Кенжа ботирнинг ноҳақ жабрдан

дили оғригани, энди ака-укалар у ерда ортик қололмасликларини ҳис этгани учун кетишга, табиатларига сингдирилган тарбияга мувофик яшашга интилишларини ўқувчилар бола кўнгиллари билан ҳис қиладилар. Улар туйганларини сўз билан ифодалаб беролмасликлари ҳам мумкин. Лекин адабий таълим учун ўқувчида туйғу уйғотишнинг ўзи катта ютуқ.

14. Бу масала ҳақида фикрлашиб бўлишгач, ўқитувчи ўзи белгилаган муаммони: «**Оға-иниларнинг подшоҳ саройида маза қилиб, даври давра суриб яшайвермаганлари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг.** Агар шундай қилишса, нима бўларди?» ўқувчилари олдига муҳокама учун қўяди. Агар йигитлар ўз табиатларига, характерлари ва тарбияларига бўйсунмай саройда қолишни ихтиёр этганларида улар бир умр миннат, таъна-дашномлар остида яшашлари, текинтомоқ – дангасаларга айланишлари, аёлларининг ҳурмати ва муҳаббатидан мосуво бўлишлари, йигитлик шаъни ва ғуруридан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Чунки кишининг моли ҳамиша кирчил бўлади. Меҳнатсиз тотилган нон ҳамиша миннатли бўлади. Улар ҳеч қачон подшо саройида маза қилиб яшолмасдилар. Албатта, муаммонинг ечими сари бораётган ўқувчилар бундай аниқ фикрларни айта олмаслар, яна ким билади. Лекин ўқитувчи суҳбат йўсинини шу ҳақиқатларга йўналтириши, бунинг учун вазиятга мос ёрдамчи саволларни ўртага ташлаши мақсадга мувофикдир. Қўйилган муаммонинг ечими қандай бўлади, буни дарс жараёни кўрсатади, албатта. Лекин шу ҳақиқатлар ҳақида мулоҳаза юритишга йўналтирилган болалар ҳаётлари давомида бошқачароқ яшашга ундалиши аниқ. Насихат қилмай тўғри яшашга йўналтириш, ҳаётий ҳақиқатларни шу тариқа кашф этишга ундаш адабий таълимнинг мақсадига мувофикдир.

15. *Суҳбат сўнгида «Эртак таҳлилидан сўнг кўнглингизда қандай туйғулар пайдо бўлди? Уларни шарҳлашга уриниб кўринг»* топшириғи ўқувчиларнинг асарни ўқишдан олган дастлабки ва таҳлилдан кейинги таассуротларини фарқлаб, тасаввурларини тиниқлаштириб олишга кўмаклашади.

Эртак дарсида: «Кенжа ботир подшоҳга қараб бир ҳикоя айтди...» жумласидан кейинги ҳикояни ўқувчилар эртакдаги воқеалар ривожига мослаштириб янгидан яратишлари мумкин. Ёки ака-укаларнинг ўз ватанига қайтиб келганларидан кейинги

ҳаётларини тасаввур қилган ҳолда ўз асарларини битишлари мумкин. Ёхуд белгиланган муаммонинг иккинчи қисми: «...Агар йигитлар саройда қолишса, нималар бўлиши мумкин эди?» тарзидаги йўналтирувчи савол ўртага ташланиб бу ҳақда ўйлаганларини ёзишга ҳам йўналтириш мумкин. Бу – ўқувчиларнинг имконияти доирасида бажариладиган топшириклар.

«Уч оға-ини ботирлар» эртагини ўрганишга бағишланган сўнгги соатда ўқувчилар томонидан яратилган эртаклар эшитилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилга тортилади.

«СУСАМБИЛ» ЭРТАГИНИ МУАММОЛИ ЎРГАНИШ.

Муаммоли таълим ўқувчининг янги тушунчани муаммо йўли билан мустақил ўзлаштиришдаги хусусий интеллектуал фаолияти бўлиб, у билимнинг онгли, чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди.

Бешинчи синф «Адабиёт» дарслигидаги «Сусамбил» эртаги матни билан танишишга биринчи дарснинг 21–22 дақиқаси сарфланади.⁵⁹ Қолган вақт ва иккинчи соат тўлиғича асарнинг таҳлиliga бағишланади. Эртак матни устида ишлаганда ўқитувчи: «Эртакдаги жониворлар образининг моҳияти»ни, «Сусамбил адолат қарор топган ва ҳамма бахтли яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли» эканлигини, «асарнинг тили, ундаги рамзлар ва бадиий ифода хусусиятлари»ни очишга эътибор қаратиши лозим бўлади.⁶⁰

Асар билан таништиришда баъзи ўқитувчилар бадиий асар матнини навбат билан ўқувчиларга ўқитадилар. Бу билан, ўзларича, синфдаги ҳамма ўқувчиларни машғулотга жалб этгандек бўладилар. Асар матни билан биринчи марта танишаётган ўқувчи уни ифодали ўқишни, қайси ўрнига кўпроқ эътибор беришни билмайди, шу сабаб бир хил оҳангда, баъзан ўринсиз тўхтаб, баъзан тутилиб ўқийди. Қолаверса, ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги, савияси, ифода усули ҳам ҳар хил.

⁵⁹С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2017. – 58–70-б.

⁶⁰Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

Нотаниш матни синфдаги ўқувчиларга терма ҳолда ўқитиш ўрганилажак асарнинг бадиий тароватини, таъсир кучини йўққа чиқариб, ўқувчиларнинг асарни ўзлаштиришга бўлган кизиқишини сусайтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзлаштирилаётган бадиий матни, махсус тайёргарликдан сўнг, ўзи ўқиб бергани методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Ўқиш жараёнида ўқувчилардан ўз дарсликларидан матни ўқитувчи билан бирга кузатиб, ўқиб боришлари талаб қилиниши лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг кўзларини тез ўқишга, кулоқларини ўқиб олишга, ифодали ўқиш оҳангига мослашиб боришига ўргатади. Мутолаа давомида ўқувчилардан уларнинг руҳиятига ўрнашиб қолиши лозим деб топилган сўз ва иборалар, бадиий асарнинг тилига хос бўлган бетакрор жиҳатларни китобларида белгилаб қўйишни сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчи асар матни билан ишлаганда, мана шу белгиланган ўринларни осонгина топадилар ва эътибор қаратадилар. Белгиланган сўз ёки ибора диққат билан ўқиб ўтилса, ўқувчининг шуурида чизги қолдиради. Ўз вақтида назарга тушган бу чизги маънавий камолот учун аҳамиятли бўлиши табиий.

Матн ўқиб бўлингач, ушбу асарни ўрганишни таққослаш методидан фойдаланган ҳолда муаммоли шаклда ташкил этиш мумкин.

Муаммоли савол: «Ватанимиз Ўзбекистон қайси жиҳатлари билан Сусамбилга ўхшайди?»

Бадиий асар матни устида иш бошланганда, аввало, эртақдаги тимсоллар таққосланади. Дастлаб ўқувчиларнинг диққати эшакнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборган сабабни аниқлашга қаратилади: «Эслаб кўрингчи, эшакнинг тақдирини кескин ўзгартириб юборган нарса нима?» Ўқувчилар эшак тақдирининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлган омилларни матндан излай бошлайдилар. Эшакнинг ҳеч қизганмай, ўз емишидан ҳўқизга бериши тақдирининг кескин ўзгаришига сабаб бўлгани, шу иши учун эгаси томонидан жазоланишига ўқувчилар муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқувчилар уларнинг ҳар иккиси: инсон ва эшакка хос бўлган феъл-атворни таққослайдилар. Таққослаш асносида икки тимсол табиатига хос бўлган яхши ва ёмон сифатлар очилиб, уларга ўқувчилар томонидан муносабат билдирилади. «Эшакнинг шунча

кийинчиликларга карамай хўкиздан нолимаганини қандай тушунтириш мумкин? Бу унинг характеридаги фазилатми ёки камчилик?» деган савол ҳам ўқувчиларнинг тафаккурини чархлайди. Кимдир буни ютуқ деб ҳисоблар, кимдир камчилик деб билади. Муҳими, ҳар бир ўқувчи нега шундай деб ўйлаганини асослаши керак.

Фикрлар якунидан сўнг таққослаш объекти сафига хўроз ҳам кўшилади, хўкиз, эшак, хўрознинг ҳаёти қиёсланади, уларга одамларнинг муносабати ҳақида фикрлашилади. Сўнг ўқувчиларнинг диққати ҳайвонларнинг уйдан қочишига, одамлардан бешишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга қаратилади. Ўқувчиларнинг олдига «Одамларнинг ҳайвонларга шундай муносабатда бўлишига асос бўладиган сабабларни топинг. Нега одамлар шундай қилишади?» тарзида масала қўйилса ва болалар бунга муносабат билдирсалар дарс самарали бўлади.

«Эшак, хўроз, хўкиз-ку одамларнинг ўзларига адолатсиз муносабатидан бешиб, Сусамбилни излаб йўлга чиқишибди. Каламуш ва ариларни қочқинлар тўдасига кўшган омил ҳақида фикр юритинг» топшириғи ўқувчиларни матнга қайта мурожаат қилишга мажбур қилади. Бу жараёнда яна таққослаш ишлари амалга оширилади. Каламушлар билан ариларни Сусамбилга кетишга мажбур қилган асосларни жиддий излаган ўқувчи матндан топади. Чунки бу сабаблар эртақда алоҳида кўрсатилган. Фақат бу сабабни ўқувчи китобдан ўқиб бермай, ўз сўзлари билан ифодаб беришига эришиш керак бўлади. Шундан сўнг ўқувчилар ҳайвонларнинг бирлашишига яна қандай сабаблар борлигини ўйлаб кўрсинлар. Бу саволга матнда тайёр жавоб йўқ. Ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритиб, асар мазмунидан хулоса чиқариб ўз фикрларини айтишлари керак.

Ўқитувчи томонидан: «Сусамбил юрти аслида борми ёхуд аҳиллик, бир-бирини тушунишга, ўрни келса, кечиришга, зарур бўлса, ёрдам беришга тайёрлик туйғуси ҳар қандай жойни ўшандоқ бахтлар водийсига айлантирадимиз? Ундай бўлса, қочқинлар бориб қолган жой қандай ер?» деган мантиқли масалалар ўқувчиларнинг руҳиятини мувозанатдан чиқариши табиий. Эртақда кўтарилган аҳиллик, самимийлик, ўзаро оқибат, бир-бирини тушуниш, аяш, зарур бўлганда кўмаклашиш, кечиримли бўлиш каби инсоний фазилатлар ҳақида гап кетганда,

ўқитувчи насихатгўйлик қилмагани маъкул. Шундай сифатларга эга бўлган кишиларгина Сусамбилдай озод ва обод мамлакатни бунёдга келтира олишлари, ўзлари унда фаровон ҳаёт кечиришга муносиб эканликлари ҳақидаги хулосани саволга жавоб бериш асносида ўқувчиларнинг ўзлари чиқаришлари керак. Ўқитувчининг вазифаси тарбияланувчиларини шундай ҳақиқатларга йўналтиришдан иборатдир. Мана шу ҳақиқат ҳар қандай маърузаю насихатлардан кўра самаралироқ натижа беради.

Бундан ташқари, ўқитувчи вақтига қараб ўқувчиларини мустақил мулоҳаза юритишга ундайдиган:

1. «Эртақда айб қилгани кечириш, оғир кунда сабр-тоқатли бўлишга ундаш сингари фикрлар қайси ўринларда кўзга ташланади?

2. Мақтанчоқ бўриларга хос жиҳатларни кўрсатинг. «Уч оғани ботирлар» эртагидаги отанинг болаларига насихатида айтилган қайси иллат билан бўриларнинг керилишлари ўртасида боғлиқлик бор деб ўйлайсиз?

3. Аслида бўриларга қараганда анча ожиз бўлган жониворларнинг қудрати нимада эканлигини тушунтиринг.

4. «Азроил», «гўрков», «сўфи», «эшон» тимсолларини таққосланг. Ҳар бирининг тутган тутими уларнинг бўрилардан қутулиб қолишида қанчалик аҳамиятли экани ҳақида ўйлаб кўринг.

5. Ҳар бир жониворга тавсиф беринг ва уларни эртақда тасвирланган одамлар билан солиштиринг. Қай бири сизга маъқулроқ? Нима учун?» сингари савол-топшириқларни ўртага ташлаши ўқувчиларнинг асар моҳиятини чуқурроқ англашларига кўмаклашади.

Ўқитувчи ўқувчиларини инсонга хос фазилат ва иллатлар устида ўйлаб кўришга йўналтириши лозим.

Эртақ мазмун-моҳияти устида ишлаб бўлингач, ундаги етакчи ғоялар билан боғлиқ яратилган муаммоли савол ўртага ташланади: «**Ватанимиз Ўзбекистон қайси жиҳатлари билан Сусамбилга ўхшайди?**» Бу савол ростдан ҳам муаммоли. Гап шундаки, бешинчи синф болалари кунда-кунора уйда катталардан, кўча-кўйда атрофдагилардан, интернет, радио ва телевидение маълумотларидан мамлакатдаги ҳар хил сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий муаммолар билан бирга ижобий

ходисалар, айрим жабҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида эшитиб юришади. Ўқувчиларнинг мана шу ахборотлар орасидан Сусамбилдаги ҳаётга монанд яхшиликларни топа билиши, камчиликларни қандай бартараф этиш ҳақида мулоҳаза юритишлари уларни лоқайдликдан қутқариши, атрофларидаги воқеа-ходисаларга бефарқ бўлмаслигини уқтиради. Ўз ватанини Сусамбилдек тўкин-сочин, фаровон бўлишини истайди ва бу истак келажакда маълум меvasини бериши ҳам мумкин.

6. *«Инсон табиатидаги қайси феъл-атвор ва туйғуларни фазилат деб, яхши сифатлар деб атаймиз-у қайсиларини камчилик, иллат, ёмон сифатлар деб биламиз? Нега бу сифатларнинг бири яхши-ю иккинчиси ёмон? Буни бизга ким белгилаб берган? Бу сифатларнинг қайси бирини эгаллаганимиз маъқул ва буни ким баҳолайди? Бу борада катталарнинг жазолаши ёхуд мақташи кифоями ёки фазилатли ёинки иллатли бўлишининг бошқа оқибатлари ҳам борми?»* сингари саволларни алоҳида қоғозга ёзиб ҳаммага тарқатиш, кейинги дарсда шу ҳақда суҳбатлашишларини маълум қилиб, уйда катталар билан биргаликда ўйлашиб кўришни тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шулар ҳақида ўйлаб кўрган, бу ҳақда ота-онаси, бобо-бувиси билан маслаҳатлашган бола лоқайдлик иллатидан йироқ бўлади.

Иккинчи дарснинг охирида уй вазифаси сифатида ўқувчиларга эртакнинг «Сусамбилга келиб кўп роҳатланиб қолишибди...» деган жойидан бошлаб иккинчи, учинчи тугагини тўқиб келишни ҳам топшириш мумкин. Бу ўқувчилар учун ёқимли машғулот бўлибгина қолмай, уларнинг ҳаёлпарастлик, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятларининг ўсишига ҳам кўмаклашади.

Кейинги дарсда ҳар иккала топшириқнинг муҳокамаси амалга оширилади ёки бунинг учун дарсдан ташқари алоҳида вақт ажратилади. Бу қўшимча дарсга топшириқни бажариб келган болалар ҳеч малолланмай келадилар ва бу қўшимча дарс энг самарали дарслардан бири бўлиши аниқ. Чунки у – ижод дарси. Истеъдодларни намойиш этиш дарси. Бу ёқимли, қанча ёқимли бўлса, маънавий камолот учун шунча фойдали жараёндир.

«ОДИЛ БУРГУТШОҲ ВА «ЗАМБУРУҒ» ЛАҚАБЛИ ЖОСУС ҲАҚИДА ЭРТАК»НИ МУАММОЛИ ЎРГАНИШ.

Муаммоли таълим ўқитувчининг педагогик таъжрибасидан ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатадиган, уни интеллектуал фаол шахс сифатида шакллантирадиган самарали метод тарзида ўрин олиши керак.

Болаларни мустақил фикрлашга, муносабат билдиришга йўналтирувчи асарлари билан машҳур бўлган шоир Анвар Обиджоннинг 5-синф ўқувчиларига тақдим этилган «Одил Бургутшоҳ ва «Замбуруғ» лақабли жосус ҳақида эртак» асари ўта жиддий ва ҳатто фожеий йўналиши билан унинг ижодида ўзгача хусусиятга эга бўлган битикдир. Бу шеърий эртакни ўрганишга дастурда уч соат ажратилган⁶¹. Мазкур эртакни, гарчи у уч соатга мўлжалланган бўлса ҳам, уни бўлакларга бўлиб ўрганиш тавсия этилмайди. Асар бобларга ажратилган бўлса-да, яхлит ўрганилиши керак бўлган битик. У бўлиб ўрганилса, дидактик самараси кўнгилдагидай бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, ўқитувчи асарни ўрганишга ажратилган соатларнинг иккитасини бир кунга жамласа, мақсадга мувофиқроқ бўлади. Шунда биринчи соатнинг 21–22 дақиқаси асар мутолаасига кетса, қолган вақт тўлиғича асар таҳлиliga сарфланади. Учинчи дарс муаммоли саволларнинг ечимини топишга йўналтирилади.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, замонавий методика илмида адабиёт дарсларини ташкил этишнинг анъанавий беш босқичи: йўқлама, уй вазифасини сўраш ва уни мустаҳкамлаш, янги мавзу баёни, янги мавзунини мустаҳкамлаш ва уйга вазифа беришдан воз кечилган. Ҳар бир асарнинг дидактик таҳлиliga бағишланган дарс тўлиғича асар устида ишлашга ажратилади. Бутун дарс давомида асар ифодали ўқилади, унинг мазмуни асосида тузилган савол ва топшириқлар, муаммоли савол ва топшириқлар кўмагида асарнинг дидактик таҳлили амалга оширилади. Ўқувчилар таҳлилда иштирок этишига, берган жавоблари, жавобларнинг мантиклилиги, асослиги даражаси, қарашларнинг не чоғлиқ далилланганлигига қараб баҳолана-

⁶¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

дилар. Муҳокама сўнгида танлаш имкониятлари билан уйга вазифалар берилади.

Ўқитувчи мазкур асарни ўрганишга бағишланган дарсга тайёрланиш жараёнида эртакни тўлиқ ўқиб чиқиши, куйида эртак мазмуни юзасидан тавсия этилган савол-топшириқларни аввал ўзи ишлаб чиқиши зарур. Мутолаа жараёнида Чакмоқ ва Қуёшга хос бўлган гўзал инсоний сифатлар, Шабнам табиатига, хуснига тароват бағишловчи фазилатлар, Бургутшоҳга хос бўлган вазминлик ва донолик, Шунқорнинг сифатларига болалар диққати тортилади. Попишакнинг сотқинлиги, устомонлиги, айёрлиги, жосуслигининг оқибатлари ифодаланган ўринлар ўқувчи эътиборидан четда қолмаслиги чоралари белгилаб олиниши лозим. Эртак уйда махсус тайёргарликдан сўнг дарсда салмоқли, эртакчиларга хос босиқ овоз билан ифодали ўқилади.

Қаҳрамонлари табиатининг оригиналлиги, Чакмоқ, Қуёш, Шабнам тимсолларининг руҳан баландлиги, воқеалар ривожининг фавқулоддалиги, эртак тилининг содда ва раволиги унинг бадий жиҳатдан юксаклигини таъминлаган. Асардаги Чакмоқ ва Қуёш, Чакмоқ ва Шабнам, Қуёш ва Шабнам ўртасидаги чигал муносабатлар, уларнинг олижаноб, тоза феъл-атвори китобхоннинг руҳини кўтаради. Баланд асар устида ишланганда унинг учун тузилган савол-топшириқлар ҳам шунга яраша бўлиши, асарнинг эстетик даражасига мос келиши керак. Шунинг учун ҳам тақдим этилаётган савол ва топшириқлар – ҳажман кўп, мазмунан чуқур. Уларнинг зиммасига ортилган дидактик юк – анча салмоқли. Шу боис ҳам ўқитувчига асар матни ва савол-топшириқлари билан алоҳида ишлаб чиқиш, уларнинг ҳар бирига ўз жавоби бўлишига эришиш тавсия этилади:

1. Бургутшоҳ ҳукмронлик қилган ерлар географиясига эътибор қилинг: *«Тобе эди унга қиру тоғ, Яйлов, дала, Қисман барханлар, Тош қалъалар, Шинам қўргонлар»*. Бу қандай ўлка? Фикрингизни айтинг.

2. Энди Қарчигайшоҳ кўл остидаги жойларга диққат қаратинг: *«Қарчигайшоҳ бор эди яна, Ўрмон эди унга бошпана. Далалари нотекис, яйдоқ, Ярми ботқоқ, Ярми қатқалоқ»*. Ҳар иккала юртни таққосланг.

3. Эртакнинг бошланишидаги *«Бунда»*, *«Унда»* тарзида карама-қарши қўйилиб тасвирланган ўринларни топиб қайта

ўқинг. Ҳар икки ўлканинг бошқарувчиларини ажратиб олинг, ўзаро солиштиринг ва муносабатингизни билдиринг.

4. Бургутшоҳнинг ўз тахтини: *«Иродали, Жасур ва танги»* тўнғичига эмас, *«Зеҳни ўтқир, Софдил Қуёшга»* – қолдириш борасидаги тўхтаи сабабини матнга таяниб изоҳлаб беринг.

5. Асарда Чакмоқнинг фазилатлари жуда чиройли тасвирланган: *«Тўнғич фарзанди Ўхшар худди тугма аскарга. Чақмоқ бошлиқ бўлса лашкарга, Ёв бузолмас бу юртнинг тинччи...»*. Нима деб ўйлайсиз, шоҳ ўғиллари борасида адолатсизлик қилмадими? Сизнингча, у нимага таяниб бундай қарор чиқарди? Сиз ҳам шоҳнинг қарорига қўшиласизми? Нега?

6. Эртақда Шабнамнинг ўқиши ҳақида: *«У хориждан келган муаллим – Попишакдан оларди таълим»*, – дея таъкидланишида бирор маъно бор деб ўйлайсизми?

7. Асарда Шабнамнинг ака-укаларга муносабати жуда нозик ифодаланган ўринларга эътибор қилинг: *«Қилар эди Чақмоқни ҳурмат, У ҳам барча қизлардек албат. Ботирларга қоларди қойил, Аммо кўнгли эди жа мойил Ёқимтой ва дилкаш Қуёшга»* мисралари замиридаги азобни илғаш ва тушунтиришга урининг.

8. Асардан Қуёшнинг қизга бўлган муносабати акс этган ўринларни топинг ва изоҳлаб беринг.

9. Қуёш табиатига хос жиҳатларни ифодалашга урининг: *«Шайдо эди унга Қуёш ҳам, Бироқ қизга йўлиққани дам, Айтолмасди юрак сўзларин»*. Нега шундай эканини тушунтиришга урининг.

10. Чақмоқнинг қизга севгиси ва дарҳол кўнглидагисини айтганлиги сабабини тушунтиришга урининг. Ака-уканинг табиатини таққослаб тутумига баҳо беринг.

11. Айтинг-чи, қизнинг: *«Эслатиб дарз кетмаган музни, Қуёш эса юраверди жим... Шабнамни у севмагай балким»*, – деб ўйлашга асоси бормиди? Шабнам ҳақмиди? Йўқми?

12. Сиз Бургутшоҳ қасрида *«Замбуруғ»* лақаби билан юрган қуш қайси бири деб ўйлаган эдингиз? Фикрингизни матндан мисоллар келтириб асосланг.

13. Эртақда Попишак туфайли кўнглига ғулғула тушган Шабнам ҳолати тасвирига эътибор қилинг: *«Дилбар келин хаёлга толди, Узоқ-узоқ ўйланиб қолди...»*. Сизнингча, бу нимадан далолат беради?

14. Попишакнинг: «*Қанча оқил бўлмасин аёл, Унга сира келмайди малол Бирон юртга малика бўлмоқ*», – деган мўлжали ҳақида матнга таяниб, мулоҳаза юритинг. Бу гапларнинг тагида қандай мақсад бор экан? Буни Сиз қачон англадингиз?

15. Асардан янга ва маъшуқа Шабнам билан қайни ва ошиқ Қуёш учрашгандаги ғоят нозик ва қалтис ҳолат тасвири берилган ўринларни топиб қайта ўқинг. Ҳар иккаласига хос бўлган сифатларни шарҳланг.

16. Попишак Шабнамда куёвининг тахтни эгаллашига иштиёқ уйғотиш учун қилган ҳаракатлари қизга қандай таъсир қилганлиги, келинчак юрагидаги безовта туйғулар тасвирини матндан топинг. Шабнам тушган ҳолатни изоҳланг.

17. Шабнамнинг тахтни эгаллаш ҳақидаги безовта саволларига Чакмоқнинг муносабатига эътибор қилинг. Унинг феъли ҳақида шу тасвирларга таяниб фикр билдиринг.

18. Айни шу ўринда: «*Фахрланди юртпарвар эрдан Ва кўнгли ҳам ёришиди бирдан*» тарзидаги ифода берилади. У ким ҳақда?

19. Эртақда Булдурукнинг ўлими тасвирлангач: «*О, малайнинг қисмати огир!*» - дея қилинган нидо сабабини топинг.

20. Қуйидаги сатрларни синчиклаб ўқинг ва уларнинг ким томонидан айтилганини топишга уриниб кўринг: «*Чиқиб кетгач Шунқор хонадан, Гап ташлади кимдир панадан: Тунда фақат мириаб... Бора олгай соқчига яқин*». Фикрингизни асосланг.

21. Эртақдаги: «*Улар – ошиқ! – деди Попишак, - Гар янглишсам, Демак, мен эшак*» тасвири кимлар ҳақидалиги ва «муаллим»да бу фикрнинг пайдо бўлиш сабаби борасида асар матнига таяниб мулоҳаза юритинг.

22. Шабнамга тухмат қилган Чумчукни айбдор дейиш мумкинми? Унинг бунга қандай асоси бор эди?

23. Келинчагини ўлдиришга бориб етган Чакмоқнинг хатти-ҳаракатини изоҳланг. Йигитни шундай ҳаракат содир этишга мажбур қилган куч нима, Сизнингча?

24. Қизиштирон Сассикпопишакнинг узугини дастлаб нимага олганди деб ўйлайсиз? Фикрингизни асосланг. Сўнг у қайси сабабларга кўра бу ҳақда шохга айтишни маъкул кўрди деб ўйлайсиз? Қарашларингизни эртақ матнига таяниб исботланг.

25. Чакмоқ ўзини баланд қасрдан ташлаганда буни кўриб турган икки кишидаги икки хил ҳолат асарда жуда нозик

берилган: «Ўғлим!!!» дея қилди шоҳ нидо, Пичирлади табиб: – Алвидо!» Бу ҳолатлар сабабини англатинг.

26. Асардаги: «Менга маълум зиндонбон ҳоли, Итникидан ёмон аҳволи... – Сеникидан лекин дурустроқ! – Деб гудранди соқчи Қарқуноқ» диалогдаги суҳбатдошларни аниқланг ва ҳар бирини тавсифланг.

27. Ушбу тасвир ким ҳақида: «Қолиб кетди уйида ёлғиз Хотини – тул, Боласи – сагир... О, сотқиннинг қисмати оғир!»? Шундай бўлмаслиги мумкинмиди? Фикрингизни асосланг.

28. Попишак умрининг эртақдагидай ниҳояланиши Сизни ишонтирдими? «О, жосуснинг қисмати оғир!» – нидоси кимга қаратилган?

29. Қуёшнинг қабри устидаги лола тимсолига эътибор қилинг. Унда нимага ишора қилинаётганлиги ҳақида ўйлаб кўриб, фикрингизни айтинг.

30. Асарнинг: «... Эртақ тамом. Хайр, болалар?»- шаклида тугалланганлиги ҳақида жиддийроқ ўйланг ва қарашларингизни айтинг.

Асарнинг таҳлилига киришишдан олдин эртақ ҳақида болаларнинг фикрини сўраш маъқулроқ бўлар. Уларнинг орасидан битта-иккитаси фикр айтса, муносабат билдирса – кифоя. Сўнг навбати билан саволлар ўртага ташланиб, биргаликда асарнинг моҳиятига кириб борилаверади. Такдим этилган дастлабки икки саволда иккала шоҳнинг – Бургутшоҳ ва Қарчиғайшоҳнинг мамлакатлари таққослашга ундалади. Ўқувчилар ақллари етгунча, матнга асосланиб, икки юртни таққослайдилар. Бу борада турлича фикрлар баён қилинади. Учинчи саволга жавоб беришдан олдин асарнинг унга дахлдор бўлган қисми (буни ўқитувчи мутолаа жараёнида болаларга ўз китобларидан қалам билан белгилатиб қўйган бўлади)га ўқувчиларнинг алоҳида эътибори қаратилади. Ўқувчилар билан биргаликда «Унда» дейилганда қайси юрт ва «Бунда» дейилганда қайси мамлакат ҳақида гап кетаётганига аниқлик киритилиб олинади. Сўнг уларнинг раҳбарлари солиштирилади, мулоҳаза юритилади, муносабат билдирилади.

Бўлиб яхши ишларга ҳозир,

Бунда Тўти Бургутга вазир.

Қарга унда кирдил ишбоши –

*Қарчигайнинг ўнг қўл сирдоши.
Бунда Лочин қўшинга раҳбар,
Шўх Қирғийлар – энг сара лашкар.
Қўмондондир унда сурбет Сор,
Оч Кузгунлар ҳамлага тайёр.
Қизилиштон бунда ясовул,
Унда эса, Қораялоқ – қул.
Бунда Булбул қилганда хониш,
Унда қаҳқаҳ урарди Бойқуш.
Бунда Товус этганда хиром,
Какликларда жушарди илҳом.
Эшилган чоқ унда Тустовуқ,
Термуларди Саъвалар совуқ.
Сўфитўрғай тўқ эди бунда,
Какку сарқит изларди унда.*

Бургутшоҳ атрофига жамланганлар: Тўти, Лочин, Булбул, Қизилиштон, Товус, Сўфитўрғай, Шунқор, Лочин ҳам шохнинг ўзи сингари ҳақгўй, жасур, оқил кишилар тимсоли. Қарчигайшоҳ хизматчилари: Қарға, Сор, Кузгун, Қораялоқ, Бойқуш, Тустовуқ, Саъва ва Каккулар тимсоли ҳам ўз шохларининг феъл-атвориغا яраша танланган. Бу қушларнинг вазифалари ҳам номларига яраша. Ўқувчилар номлари саналган қушлар: Бургут, Лочин, Булбул, Товус, Қарға, Кузгун, Бойқуш кабиларга уларнинг табиий паррандалик сифат-хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзлари билганларича тасниф берсалар, яхши педагогик натижага эришилиши мумкин.

Адабий эртак матни юзасидан тақдим этилган: «*Тўнғич фарзанди Ўхшар худди тугма аскарга. Чақмоқ бошлиқ бўлса лашкарга, Ёв бузолмас бу юртнинг тинчин...*», – деган тавсиф болаларни анча ўйлантиради. Бу тасвир асосида тақдим этилган саволга жавоб топиш учун ўқувчи Чақмоқнинг характерини хаёлан таҳлил қилиши ва ундаги лашкарбошиликка хос бўлган хусусиятлар тасвирланган ўринларни асар матнидан топиб қайта ўқиши, шуларга таяниб фикрини асослаши керак бўлади. Чақмоқнинг чинакам сиймоси Шабнам билан суҳбатида ўз аксииви топган. Болалар мана шу суҳбатни ўз фикрларининг исботи сифатида тақдим эта билсалар, буни ўқитувчининг адабий таълим жараёнида эришаётган ютуқлари белгиси дейиш мумкин.

Навбатдаги савол-топшириқлар кўмагида ўқувчилар Шабнамнинг характери, унинг ака-укаларга муносабатини, Чакмоқ ва Қуёшнинг Шабнамга муносабатини таҳлил қиладилар, фикрлашадилар. Шабнамнинг Чакмоққа турмушга чиқиши сабабларини кидириб топишга, мантиқан асослашга ҳаракат қилсалар, фойдали бўлади. Хориждан келган муаллим – Попишакнинг Чакмоқ тахтга ворис бўлиши лозимлиги ҳақидаги куткули гапларига жавоби Шабнамнинг оқида келинчаклигидан далолат беради. Лекин ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам кизнинг донолиги ва босиклиги акс этган ўринларни дарров топа олмасликлари мумкин. Лекин бундан ўқитувчи умидсизликка тушмаслиги керак. Зеро, билмаслик – билолмаслик ёки билишни истамаслик дегани эмас. Яхши бошқарилган шахс, албатта, кўзлаган маррасига етмай қолмайди. Болаларнинг бадиий диди ва эстетик нигоҳи ҳам асардан-асарга ўсиб бораверади. Агар ўқувчилар тўғри йўналтирилсалар, улар асардаги энг нозик ўринларгача пайқай оладилар.

Болаларнинг эътибори атай қуйидаги сатрларга тортилгани маъкул:

Шоҳга изҳор қилса-да ихлос,

Ёш келинчак гезарди бир оз.

Унда Шабнамнинг тирик одамлиги, бунинг устига, аёл, аёл бўлганда ҳам, маликаликка арзийдиган келинчак эканлиги жуда нозик тасвирланган. Ўқувчилар бу мисралар замиридаги ҳақиқатни англашга уринишлари жоиз. Улар аёлни «гезариш»га мажбур қилган нарса нималигини тушунишга уриниб кўришсин.

Айни вақтда, тахтга меросхўр бўлмаганлигига Чакмоқнинг «*мийиғида жилмайиши*» йигитнинг қандай одамлигини кўрса-тадиган белги эканлиги ҳам болалар назаридан четда қолмагани маъкул иш бўлади. Ўқувчилар шахзоданинг қуйидаги сўзлари замирида унинг табиатидаги қандай яширин сифатлар ифодаланганлигини англашга йўналтирилиши керак:

«Нега керак ўзи бизга тож?»

Тополсайдим агар мен илож,

Турмас эдим саройда бир кун...

... Қўмондон – энг керакли нозир,

Лашикар турар менга мунтазир.

Юртни ёвдан сақласам омон,

*Айт-чи,
Бунинг нимаси ёмон?
Бу – шарафли,
Фахрли беҳад...»*

Асарда Шабнамнинг «гезариш»и тагида маликаликка интилишдан ҳам кўра ака-укалар ўртасида келишмовчилик бўлишидан хавотир яширинганига ишора бор. Чунки эртақда тасвирланишича умр йўлдошининг тож-тахт машмашаларидан баландлигини, жасурлигини пайқаган келинчак ҳолати шундай тасвирланади:

*«Шабнам мамнун боқди ёрига,
Суюнчиги,
Ифтихорига.
Фахрланди юртпарвар эрдан
Ва кўнгли ҳам ёришди бирдан».*

Шеърӣ эртақда биттагина ғийбатчи, тухматкаш, ёлғизгина жосус, бутун бир элни пароканда қилиши, бутун бошли мамлакат ҳаётини издан чиқариб, чегарасиз фалокатларга сабаб бўлиши мумкинлиги маҳорат билан тасвирланганини ўқувчилар ҳис этишлари лозим. Бунинг учун улар матнни тўлиқ ва пухта идрок қилишлари, асарнинг энг нозик, ишораларга бой жиҳатларини илғашга йўналтирилишлари зарур бўлади. Лекин ўқувчиларнинг эътибори дарҳол қиссадан ҳисса чиқаришга қаратилмаслиги, балки тасвир йўсинига, одамларнинг – айбдорнинг ҳам, жабрдийдаларнинг ҳам туйғуларини ҳис этишга, кечинмаларини англашга йўналтирилиши керак.

Қуёшнинг фожеали ўлими, Шабнамнинг қотил деб гумон қилиниши ва эри томонидан бўғиб ташланиши, Чакмоқнинг ўзини қасрдан отиб ҳалок бўлишга уриниши, Булдуруқ ҳамда сокчининг сирли ўлими каби кўнгилсизликларнинг ҳалқа сингари уланиб кетиши ўқувчилар диққати бир нуқтага йиғилишини, фақат воқеаларни идрок этибгина қолмай, уларнинг сабаблари ҳақида ўйлашни тақозо этади. Ўқитувчи болаларни асардан завқ оладиган, қахрамонларга туйғудош бўладиган ҳолатга келтирган-дагина тўғри педагогик йўлни танлаган бўлади.

Ўқитувчи тарбияланувчиларини адибнинг тасвирлаш маҳорати билан таништирамоқчи бўлганда, ифодадаги назокатни, айтмасдан ишора қилиш орқали кўп нарсани англата олиш

қобилиятини илғашга эътибор қаратиши керак бўлади. Чунончи, эртакда Попишак Бургутшоҳнинг садоқатли, ҳалол ва жонкуяр Шунқордан гумонсирашини хоҳлаб, ўлдирилган сокчи олдига фақат угина бора олишини гўё, шунчаки, айтади. Ўқувчилар ана шу «шунчаки»га эътибор қаратишлари зарур. Бошқа бир ўринда Попишак Чакмоқ эмас Куёшнинг тахт вориси этиб тайинланганлигини ҳам Шабнамга «шунчаки» гапиради. Ана шу «шунчаки»ларга эътибор бериб, уларнинг сабаби тўғрисида ўйлаган одамгина мохиятга етиб бора олади. Кўриб ўрганмаган одам очик кўз билан ҳам кўр бўлиб юравериши мумкин. Ўқувчиларнинг қалби сўқир бўлиб қолмаслиги учун уларни сўздан таъсирланадиган, унинг яширин маъноларини пайқай оладиган тарзда тарбиялаш лозим. Адабиёт бу борада тенгсиз имкониятларга эга бўлган ўқув фани ва адабиёт ўқитувчиси бунинг учун масъул шахсдир.

Рухиятида ёвузлик устувор бўлган одам қанчалик маккор, устомон, ақли ва айёр бўлмасин, Аллоҳнинг адолатидан қочиб қутула олмайди. Асар муаллифи эртакда инсон қисматининг ана шу посангисини усталик билан ҳисобга ола билган. «Замбуруғ» қанчалар тадбиркор бўлмасин: *«О, жосуснинг қисмати оғир!»* нидосига муносиб тақдир эгаси бўлди. Уни ўз ёмонлиги, инсофсизлиги ҳалок этди. У адолат, имону ҳақиқатга эмас, балки алдову зўравонликка суяниб иш кўргани учун ҳам айни хизмат қилгани кимсалар томонидан йўқ қилинди. Гарчи Попишакка жазо берилиши асарда бир қадар жўнроқ, сунъийроқ асосланган бўлса-да, болалар диққатини адолатли жазонинг муқаррарлигига қаратиш лозим бўлади.

Ўқувчилар асл бадий асарда бирорта детал бекорга тасвирланмаслиги ҳақида фикрга эга бўлишса, уларга матндаги тағмаъноларни кашф этиш, ишораларни пайқаш осонроқ кечади. Эртакдаги:

*«Бор дегандек ҳаётда ҳаққим,
Гўё кўкка қиларди нола
Гўр устидан чиққан ёш лола...»*

сатрлари ўқилганда ўқувчи гап шунчаки битта лоланинг гўрдан кўкариб чиққани ҳақида кетаётган экан-да деб қўйиши ҳам, уни эзгулик ўлмаслиги, Куёшнинг руҳи тириклар билан ёнма-ён юрганлиги рамзи деб ҳам хулоса чиқариши мумкин. Бу адабиёт дарсларида ўқитувчи томонидан бадий тарбиянинг

қанчалик яхши берилишига боғлиқ. Юксак савияда ташкил этилган эстетик тарбия баланд маънавий-ахлокий натижаларга ҳам олиб келади. Шундай болаларгина ҳаётга тўймаган, қисқагина умрида меҳр-муҳаббат қуршовида бўлган, ўзи ҳам атрофидагиларга фақат эзгулик, меҳр ва муҳаббат улашган оқил йигит Қуёшнинг руҳи бир лола тимсолида тирикларга умидвор боқиб тебранмокда, деб ўйлай оладилар. Маълумки, шундай ҳаёл қиладиган ўқувчини шакллантириш ҳар қандай педагогика ва методика учун олий мақсаддир.

Ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчининг ҳам эътибори асарнинг якунидаги каттагина таъкидловчи қисмни тўлиқ англаб олишга қаратилса, тарбиявий мақсадга мувофиқ бўлади. Асарда илгари сурилган бу саволларни муаммоли саволларга айлантириш мумкин. Чунки уларнинг ҳар бири Бургутшоҳни ҳам, муаллифни ҳам, ўқитувчини ҳам, ва айниқса, ўқувчиларни ҳам ўйлантиради. Уларга ҳар кимнинг ўз жавоби, жавобига, чиқарган хулосасига ўз асоси бўлади. Асар матни юзасидан тузиладиган муаммо унинг ўз матнидан чиқарилади: «**Чакмоқ юртга бўлар бир кун шох, Қандай кунлар келгай ўшанда? Ўт кетмасми ушбу гулшанга? Сақланарми тахтда одиллик? Авж олмасми қирғин, қотиллик? Мўл бўлгайми сандикларда дон? Ўйлолгайми тунлар ёш хоқон Элдошларин тақдирин бедор? Боқолгайми ёвларга хушёр? Юрт тарихин супурмасми ел? Ўзлигини сақлолгайми эл? Бузилмасми кўхна қасрлар? Топталмасми қутлуғ қабрлар Ва ундаги ўйчан лолалар?**»

Муаллиф томонидан қўйилган бу саволларнинг ҳар бири ўзига хос алоҳида муаммо ва уларга алоҳида-алоҳида тўхталинадди. Улар ким учун муҳим? Бургутшоҳ учунми? Муаллиф учунми? Ёки ҳар бир ўқувчи учунми? Ёхуд ҳамма учун муҳимми? Улар нима учун муҳим? Ўқувчилар бундай саволлар билан ҳаётда қачон, қандай ҳолатда тўқнашишлари мумкин? Ўқувчилар шу масалалар ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари адабий таълим учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг ҳар бири уларга нафақат Чакмоқнинг характери, унинг интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб, балки ўз руҳиятлари қаъридан, ҳаётий ҳақиқатларга таяниб ўйлаб кўрганлари, ходисага ҳар томонлама ёндашиб жавоб берганлари маъкул. Ҳар ҳолда, адабиёт ўқитувчиси тарбияланувчиларини шунга йўналтирмоғи жоиз. Бу муаммоли саволларга жавоб топиш учун тарбияланувчилар ўзларини ҳам ақлан, ҳам руҳан анчагина

зўриктирадилар, ўйланадилар, изланадилар, мушоҳада қиладилар, муносабат билдирадилар. Адабий таълимнинг вазифаси ҳам шу-да!

Ўқувчилар сўнгги муаммоли савол: «Топталмасми кутлуғ қабрлар Ва ундаги ўйчан лолалар?» ҳақида ўйга толишаркан, бу ерда гап Кўёшнинг қабри ва унда униб чиккан лола ҳақидагина кетмаётганини ҳам илғашлари мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар кенг камровда фикр юритишга йўналтирилгани тузук.

«...Эртак тамом. Хайр, болалар?»га ҳам ўқувчилар эътиборини алоҳида қаратиши керак бўлади. Бу қўша-қўша саволлар берила бошлагандаёқ эртак тугаб, ҳаёт бошланган эди. Ҳаёт эса эртак эмас. Унда ҳамиша ҳам муроду мақсадга етилаверилмайди. Ҳар битта ўқувчи кенг масштабда фикр юритиб юқоридаги саволларга ўзининг жавобини топганда, ёки энг камида ҳар битта тарбияланувчи мана шу ҳаётӣ ҳақиқатлар ҳақида ўйга толгандагина адабиёт дарсини самарали ўтган дейиш мумкин бўлади.

Эртакдан ёдлаш учун парча танлаш ҳуқуқи болаларнинг ўзларига берилгани маъқул. Асарнинг қайси бўлагини ёд олишни ҳар бир бола ўзи белгиласин. Ихтиёрий равишда ёдласин. Бу нарса болаларни эркинликка, мустақилликка, масъулиятлилиқка ўргатади. Мустақил одамсиз эса мустақил мамлакат бўлмайди. Бўлганда ҳам таракқий топиши, ривожланиши маҳол.

«HELLADOS» ҳикоясини муаммоли ўрганиш

Аста-секинлик билан ўқувчи мустақил равишда муаммони ўзи шакллантира олишига эришиш муаммоли таълимнинг мақсадларидан биридир.

Муаммо: «Ватан ва Жон! Қим учун қай бири азиз?»

Умумий ўрта таълим мактабларининг «Адабиёт» дастурида таниқли грузин адиби Нодар Думбадзенинг «Hellados» ҳикоясини бешинчи синфда уч соат мобайнида ўрганиш тавсия этилган⁶². Ўқитувчи ушбу ҳикоя устида ишлаш дарсига тайёргарлик кўраётганда матндаги болалар ҳаёти ва улар орасидаги мураккаб муносабатларга, ватанга муҳаббат туйғусининг ўзига хос

⁶²Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

тасвирига, Янгули ва Жамол тимсолларидаги айрича хусусиятлар ҳамда табиатларидаги умумий ва фарқли жиҳатларга, Янгули характерида хос бўлган жангарилик, олижаноблик ва ватанпарварлик туйғулари тасвирига эътибор қаратиб, шулар акс этган ўринларни белгилаб олади. Ҳикояда ватанга бўлган муҳаббат ҳисси инсондаги қатор туйғуларнинг энг улуги экани тасвирланган. Асар қаҳрамонлари ҳам синфдаги ўқувчилар қатори болалар. Улар каби урушқоқ, шу болалар сингари тўполончи. Ҳикояда қаламга олинган ҳар бир боланинг руҳияти, кўнгли, ички олами турфа.

Ўқитувчи «Hellados»ни ўрганишга ажратилган уч соатнинг иккитасини бир кунга бирлаштиришга эришолса, дарснинг ютуғига илк шароитни яратган бўлади. Чунки ҳикоянинг ҳажми каттагина. Ўрни келганда шунини ҳам айтиш керакки, амалдаги 5-синф «Адабиёт» дарслигида, гарчи у икки қисмдан иборат бўлсада, ҳикоянинг матни тўлиқ берилмаган. Муаллифлар дарсликда асардан парчалар бериб, (афсуски, бу парчалар ҳам узук-юлук, ўқувчи уни ўқиб барака тополмайди) унинг тўлиқ матнини ўқувчилар ўзлари топиб ўқийдилар, деган фикрни назарда тутишгандир. Лекин барча ўқувчилар бу ҳикоянинг тўлиқ матнини қаердан топади?⁶³

Бу ҳикоя мазмун-моҳияти билан ушбу ёшдаги болаларга жуда яқин бўлгани, уларнинг табиатида асар қаҳрамонлари билан муштарак жиҳатлар кўплиги ва унинг айни шу ёшдаги тарбияланувчиларга маънавий таъсири кучли бўлиши назарда тутилиб, дастурга киритилган. Шунинг учун ўқитувчи ҳикоянинг тўлиқ матнини топиб, ўқиб бергани маъқул. Ҳикояни тўлиқ ўқиш учун 40–41 дақиқа керак бўлади. Айтиш керакки, ўқувчилар дарсда шунчаки тингловчи бўлиб ўтирсалар, бунча вақт ичида фикрлари чалғиши мумкин. Демак, ўқитувчи болаларни жимгина тинглашдан асарнинг қайсидир ўринларини қайд этиш, ниманидир белгилаб қўйиш йўли билан ишлаб, тинглашга ўргатиши керак бўлади. Яъни ўқувчилар асарни ўқитувчи билан биргаликда ўз китобларидан ичда ўқишлари ва у белги қўйишни тайинлаган жойларини ўша саҳифада қалам билан қайд этиб боршлари керак бўлади.

⁶³ Dumbadze N. Abadiyat qonuni. – Т.: «Sharq», 2004.

Ҳикоя мутолааси, Жамол билан Янгули орасидаги дастлабки тўқнашувлар ва кейинги муносабатлар тасвири ҳамда ҳикоянинг фожеали якуни ўқувчиларни руҳий мувозанатдан чиқаради. Аввал бошда Янгулини хушламаган ўқувчилар кейинроқ уни яхши кўриб қолишлари, ғурурли Жамолга эса ҳавас билан карашлари тайин. Яхшиларга ёндашишга мойиллик ўқувчиларнинг болалик тийнатида табиий равишда мавжуд. Болалар ўзларидаги табиий туйғуларга хиёнат қилишни билмайдилар ҳали. Ўқувчи кўнглидаги мана шу ҳавас ва мухаббат туйғуси жўш уриб турганда, туйғулари совимасдан туриб, асарнинг таҳлилига киришилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунинг учун ҳам икки соатни бирлаштириш керак деган фикр ўртага ташланган.

Ўқув йили давомида анчагина тажриба орттирган ўқувчилар кейинги дарс асар таҳлиliga ажратилишини яхши биладилар ва руҳан шунга тайёрланадилар. Улар асар ўқилганидан сўнг унинг мазмуни ва тимсолларга муносабатларини аниқлаштириб, фикрларини тиниқлаштириб олишга тайёрлана бошлайдилар. Бу – ўқувчиларда ўқитувчи томонидан йил давомида шакллантирилган кўникма. Уларнинг асар таҳлиlinи нечоғлик усталик билан амалга оширишлари эса эгаллаган кўникмаларининг даражасини кўрсатади. Бундай кўникмани эгаллаган ўқувчилар ҳар бир ўқиган, эшитган, билган нарсаларини шунчаки эшитиб, шунчаки билиб қўя қолмайдилар. Ҳар холда, энди бундай қила олмайдилар. Улар ҳаммасини таҳлил қилиб кўрадилар, муносабат билдирадилар, хулоса чиқарадилар. Ўқув йили охирида ўқувчилар билан «Hellados»нинг гўзал таҳлиlinи амалга ошириш мумкин⁶⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарсликда мазкур ҳикояни ўрганиш учун тақдим этилган савол ва топшириқлар бир изчилликда берилмаган. Улар билан ишлаганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хаёли ва фаолияти «бир бокка, бир тоққа» қараб кетиб қолади. Бу билан асарнинг моҳиятига кириб бўлмайди. Ундаги етакчи гоёлар ҳам, асар қаҳрамонлари шахси ҳам, уларнинг туйғулари, дардлари, мухаббати ва масъулияти англашилмай қолиб кетади. Шу боис ўқитувчиларга асарнинг

⁶⁴Аҳмедов С. ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. 2-қисм. – Т.: Шарқ, 2015. – 160–172-б.

дидактик таҳлилини маълум бир изчилликда амалга ошириш учун қуйидаги савол ва топшириқлар такдим этилади:

1. Янгулининг портрети тасвирига эътибор беринг. Унинг ташқи кўриниши билан ички дунёси ўртасида боғлиқлик бор-йўқлиги ҳақида ўйлаб кўринг.

2. Асарда Янгулининг қилмишлари акс этган ўринларни қайта ўқинг. Ўсмирнинг безориликлари тагида қандай мақсад ётибди деб ўйлайсиз?

3. Ҳикоядаги: *«Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиларди»* жумлаларига таяниб, янги бола – Жамолнинг ҳолатини тасаввур қилинг.

4. Қуйидаги тасвирга эътибор беринг: *«Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташиланиб қолар – гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди»* Янгулининг нега шундай қилганлигини тушунтиринг.

5. Жамолнинг: *«Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб турар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим»* тарзидаги иқрорини изоҳланг.

6. Асардаги: *«Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди»* жумлаларига эътибор беринг. Жамол нима учун шундай деётганлигини изоҳланг.

7. Мусиқачи Елена Михайловнанинг балиқчалари ўлиб қолгандаги ҳолати тасвирини қайта ўқинг: *«У менга таажсжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғди-ю... фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса юз берди. ...Қути ўчган, ияги титрар, кўзларидан дув-дув ёш қуйшлар эди. Кўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборган эди, ағдарилиб тушишимга сал қолди»* Унинг туйғуларини изоҳлашга уриниб кўринг.

8. Ёзувчининг воқеаларни бир-бирига боғлаш маҳоратига эътибор қилинг. Жамолни Янгули билан тўқнашувга олиб келган воқеа ва боланинг руҳий ҳолати тасвири ҳақида ўйлаб кўринг. Эҳтимол, Жамол балиқчаларни ўлдириб қўйиб, ўқитувчисидан

шапалоқ емаганида шу ходиса бўлмасмиди деган нуқтаи назар ҳақида ўйланг.

9. «Унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган қўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди» тасвири нима ҳақда? Матнга таяниб аниқланг ва изоҳланг.

10. Тенгдошларининг скрипка синдирилгани, Жамолнинг калтакланганига муносабати тасвири асарда: «Болалар хахолаб, ерга думалашди» тарзида берилган. Сиз ўша болалар ҳақида қандай фикрдасиз? Ўзингиз ҳам шунақамисиз?

11. Асарда Янгулининг зўравонлиги Жамолга қандай таъсир қилгани: «Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим» тарзида берилган. Шу ҳолатни изоҳланг.

12. Янгулининг муштлашувдаги ҳалоллиги тасвирини қайта ўқинг. Шунга таяниб, унинг табиати ҳақида мулоҳаза юритинг.

13. Болаларнинг чўнтагини қоклашдан тоймайдиган, қиморбозлик қиладиган, айни вақтда, муштлашувда фақат ҳалол йўл тутадиган Янгули табиати борасида ўйлаб кўринг.

14. Жамолнинг ҳоласининг табиати ҳақида қуйидаги тасвирга асосланиб фикр юритинг: «Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб ҳўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатиқ тўла хурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдирди, баайни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай». Бу холадаги қандай сифатдан далолат беради?

15. Жамол билан муштлашишдан олдин Янгули тўдасига сўзлаган нутқни қайта ўқинг. Унинг гапларига эътибор қилинг. Шундан келиб чиқиб, Янгули характерида назарингиздан четда қолган сифатни аниқланг.

16. Жамолнинг Янгули томонидан: «...рангпар келгинди», - деб ҳақоратланиши сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳар иккала сўзни изоҳланг.

17. Янгулининг Жамол билан бир қўлда муштлашмоқчилиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Нега шундай қилганлигини изоҳлашга урининг.

18. Бир қўлли рақиб билан олишишни истамаган боланинг: «Мен шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк этдим. Болалар индамай йўл бўшатди», - деганига

эйтибор қилинг. Болаларнинг индамай йўл бўшатишлари сабаби нимада деб ўйлайсиз?

19. Янгули нега Петянинг юзига тарсаки тортди деб ўйлайсиз? Бу билан у нимани тан олди, Сизнингча?

20. Ҳикоячи боланинг: «...мен йиғлардим, болалар кўз ёшларимни кўришларини истамасдим. Йиғлардим-у, лекин бугунги олишувда голиб чиққанамни ич-ичимдан ҳис этардим», - деган гапларини қандай изоҳлайсиз? Бу, Сизнингча, нимадан далолат беради?

21. Кока билан Жамолнинг: «Онасига ўт! -Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!» тарзидаги суҳбатларига муносабат билдиринг. Ўзингизга ҳам бир қаранг.

22. Жамол билан ҳар куни онадан сўкишадиган Янгулининг бирданига сўкинмай қўйганлигини қандай изоҳлайсиз? Шу ҳолатдан келиб чиқиб, Янгулининг феъли-хўйи тўғрисида тўхталинг.

23. Янгулининг: «Ватан — ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида!»- деган сўзларини изоҳланг. Ватан қандай қилиб юракда бўлади? Буни сиз қандай тушундингиз?

24. Ҳикоячининг: ««...унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўғирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим» сўзларида Жамолнинг ҳолати қандай тасвирланганлигига муносабат билдиринг. Бу Жамолга хос бўлган қандай туйғунинг маҳсули деб ўйлайсиз?

25. Янгулининг ҳалокатини Сиз қандай изоҳлайсиз? Бу фожеа Сизда қандай туйғулар уйғотди?

Ҳикоя таҳлилига киришиллар экан, дастлаб Янгулининг портрети тасвирига ўқувчиларнинг эйтибори қаратилади. Ўқитувчи ҳикоянинг шу ўринларини қайта ўқиб беради. Шундан сўнг, ўқувчилардан Янгулининг ташқи кўриниши билан ички дунёси ўртасида боғлиқлик бор-йўқлиги, ўсмирнинг безориликлари тагида қандай мақсад ётганлиги тўғрисида сўралади. Шундоқ безори бола қалбида самимийлик, инсонга меҳр, Ватанга шунчалар катта муҳаббат борлигини, бошда тасаввур қилиш қийин. Инсоннинг ташқи кўриниши, қилмишлари ҳамини ҳам унинг ички «Мен»ини тўлиқ кўрсатавермаслигини, одамнинг нечоғли мураккаб яратилган эканини ўқувчилар Янгули тимсолида кўрадилар.

Ҳикояда Жамолнинг Янгулига берган баҳоси: «*Ўн тўрт ёшли бу зolim Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо ҳукмронлик қиларди*»га таяниб, унинг руҳияти, шахсига хос жиҳатларни ўқувчилар тасавурида қайта тиклашга уриниш керак. Жамолнинг табиатидаги барча сифатлар – мард, ўзига ишонган, мағрур ўсмирларга хос. Табиатан мағрур йигитларнинг барчасининг қиладиган иши ҳам, гапирадиган гапи ҳам ўхшаш бўлади. Бундайлар феълидаги мағрурликни илғаб олган киши уларнинг ҳамиша шундай йўл тутишини билади. Ҳаётдаги Янгулилар мураккаб шахслар. Уларнинг қачон нима қилишларини, қачон ўзларини қандай тутишларини билмайсан, киши. Ўқувчилар ҳам Жамолни бошдан яхши кўриб қолишади. Унинг яхши сифатларини санашлари ҳам табиий.

Сухбатни давом эттириб ўқитувчи: «*Аmmo ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини кўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди*» тасвирига эътибор беринг. Янгулининг нега шундай қилганлигини тушунтиринг», дея ўқувчиларини мулоҳаза юритишга ундайди. Бунинг учун тарбияланувчилар ўзларини Янгулининг ўрнига чинакамига қўйиб кўришлари керак бўлади. Ўз олдиларига: «Янгули нега шундай қиляпти? Мен шундай қилармидим? Нима учун шундай қилган бўлар эдим? Жамолнинг эътиборини тортиш учунми? Унга ўзимнинг зўрлигимни кўрсатиб қўйиш учунми?» каби саволларни қўйса, Янгули ўзи истаган нарсага эришганини, Жамолга ўзини кўрсата олганини англайдилар. Жамол унинг бу қилиқларига эътибор қилгани аниқ. Бопқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки улар бир-бирларини ўрганаётган эдилар.

Устози томонидан қўйилган: «Жамолнинг: «*Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб турар – уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим*», деган икрорини сиз қандай тушундингиз?» саволи асносида ўқувчилар Жамолнинг Сухумида янгилигини, болалар билан унинг орасида Янгули турганини, табиатидаги мағрурлик туфайли бола бўлиб яйрай олмаётганини ўзлари англаган даражада ифодаляйдилар. Лекин Жамолнинг: «Аmmo

ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб турарди» – дегани унинг зийраклигидан, вазиятни тўғри баҳолай билишидан эканини ўқувчилар сезадилар. Бундай чиройли ифода вазият ҳақида хабар берибгина қўймай, ўқувчида муайян кайфият ҳам уйғотишига кўра диққатга моликдир.

Муסיқа муаллимининг балиқчалари ўлиб қолиб: «... фақат балиқшуносларгина тасаввур қила оладиган ҳодиса» юз берганда Жамолнинг ҳолатини, туйғуларини изоҳлашга ўқувчиларни ундаш ўринли бўлади. Аёлнинг вазияти, унинг бошига фақат балиқ боқиш билан шуғулланадиган кишиларгина тўлиқ тасвур қила оладиган даражадаги бахтсизлик тушганини ўқувчилар ҳам ҳис этишга уриниб кўришсин. Балки уларнинг орасида балиқ боқадиганлари ҳам бордир. Шундай болаларнинг бу борадаги фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ. Улар гуноҳсизу аммо айбдор, яхшилик қиламан деб балога дучор бўлган Жамолнинг изтиробларига ҳам диққат қилишлари зарур. Ўқувчилар муסיқа муаллимини ҳам, Жамолни ҳам тушинишга, уларга ўз муносабатларини тайин этишга уриниб кўрсинлар.

«Жамолнинг Янгули билан тўқнашуви балиқлар ҳалокати туфайли унда юз берган руҳий ҳолатми ёки бошқа бирор сабаб борми? Нима деб ўйлайсиз, Жамол ўқитувчисидан шапалок емаганида шу муштлашув бўлмаслиги мумкинмиди?» саволлари ўқувчилардан вазиятни ўзича таҳлил қилиб, муносабат билдиришни талаб қилади. Ҳар кимнинг назари ҳар хил ва муносабати ҳам шунга яраша бўлади. Ўқитувчи турфа фикрларни эшитишдан, ўқувчилар эса бир-бирининг фикрини тинглаб, уларни тўғри-нотўғрилигидан қатъи назар, ҳурматлашдан зерикмасликлари керак. Ўқитувчи ҳикоянинг дидактик таҳлил мобайнида мана шуларни ҳам назорат қилиб бориши керак бўлади.

Скрипка синдирилганида Жамолнинг атрофдагилар ҳақидаги: «Болалар хохолаб, ерга думалашди» тарзидаги хабари бор. Ўқувчилари эътиборини шу лавҳага қаратган устознинг: «Сиз ўша болалар ҳақида қандай фикрдасиз? Уларнинг ёнига ўзингизни қўйиб кўринг. Сиз нима қилган бўлардингиз?» каби саволлари тарбияланувчиларни жиддий ўйлантиради. Уларни ўзига, ўз хатти-ҳаракатларига ташқаридан қарашга, тафтиш

қилишга ундайди. Ўқувчилар томонидан чиқарилган хулосалар ижобий бўлиб «Мен бундай қилмасдим...» дегувчилар кўп бўлади, албатта. Жавобларнинг орасида самимийси, рости ҳам бўлса ажабмас. Лекин муҳими бу эмас. Муҳими, ўқувчиларда танлаш ва яхшини ёмондан фарқлаш масъулияти пайдо бўлади. Бундай нарсалар ҳақида ўйлай бошлаган ўқувчи вазиятга қул бўлмайди. Унда ҳар бир ходисага нисбатан ўз ёндашуви қарор топади. Дунёда фақат томошабин бўлиб, яккаш зўрларга чапак чалиб яшаб бўлмаслиги ҳақида ўйлаб кўришга одатланади.

Ўқувчилар диққати Жамолнинг скрипкаси Янгули томонидан синдирилгандаги: *«Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон уршди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим»*, – деган иқрорига тортилади. Уни шу ҳолатга тушишига сабаб бўлган нарса нима? Муסיқага муҳаббатми ёки Янгулига нисбатан нафратми? Ёки бунинг бошқа сабаблари борми? Каби кўшимча саволлар билан мазкур ифодага ўқувчиларнинг муносабатлари аниқланади, вазият таҳлилга тортилади.

Жамолда Янгулининг кимлигини билгани ҳолда унга қўл кўтаришга куч қаердан пайдо бўлди? Жамол муסיқа ўқитувчиси томонидан юзига тортилган шапалокнинг зарби, алаmidан шундай ҳолатга тушдимми ёки Янгулининг қилиғиданми? Ёки *«ўша кун муסיқа оламидаги саргузаштларига нуқта қўйил»*ганиданми? Ахир унинг муסיқага муҳаббати ҳам унча баланд эмас эди-ку! Ёхуд адолатсизликнинг миқёсиданми? Шулар ҳақида ўйлаб кўриш, ўз ҳақиқатларини топиб олишга уриниш, ўз хулосаларини асослашга интилиш ўқувчиларнинг маънавий камолотига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Тарбияланувчиларнинг эътибори ўзидан кичикларнинг чўнтагини қоклашдан тоймайдиган, қимор ўйнайдиган, айни вақтда, муштлашувда фақат ҳалол йўл тутадиган Янгули табиатига қаратилади. Улар Янгулига хос бўлган сифатларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, муносабат билдирсинлар. Қайтмаслик, ҳалоллик, айни вақтда зўравонлик сингари қарама-қарши сифатларнинг бир кишида мужассамлашгани ҳақида ўйлаб кўриш маънавий дунёси шаклланаётган ўқувчига сабоқ бўлади.

Жамол билан муштлашишдан олдин Янгулининг *«амирона ишиора билан...»* айтганларига асосланиб ўқувчилар асли грек

бўлган бу боладаги Грузияда ўзини юрт эгаси деб ҳис қилиш туйғуси ва ўша ерлик болалар ҳам уни ўз сардори деб тан олишлари ҳақида ўйлаб кўришсин. Ўқитувчи томонидан такдим этилган: «Янгули асли қаерлик бола? Унда Грузияга нисбатан бундай эгаллик ҳисси қаердан пайдо бўлган?» сингари кўшимча саволлар ўқувчиларга ўз фикрлари йўналишини белгилаб олишларига имкон беради. Бундан ташқари, ўқувчилар бу сифатларнинг Янгули ҳаётининг охирига қандай алоқаси борлиги тўғрисида ҳам мулоҳаза юритишсин. Ватанпарвар бўлиш учун ватанда туғилиш етарлими ёки уни севиш муҳимроқми? Одамда бундай муҳаббатнинг пайдо бўлиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг. Бу савол-топшириқлар ўқувчиларни ўйлантириши шубҳасиз.

Янгулининг Жамол билан бир кўлда муштлашмоқчи бўлгани сабаби ҳақида, унинг нега шундай қилганлиги тўғрисида ўқувчиларнинг фикрини сўраш ўринлидир. Бир кўлли рақиб билан олишишни истамаган: «...шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк эт»ган Жамолни, ҳар сафар уни масхаралайдиган болаларнинг бу сафар унга индамай йўл бўшатишлари, Янгулининг Петяга тарсаки туширгани сабабларини ҳам ўқувчилар муҳокама қилсинлар, муносабат билдирсинлар. Ўқувчилар Жамолнинг: «...мен йиғлардим, болалар кўз ёшларимни кўришларини истамасдим. Йиғлардим-у, лекин бугунги олишувда голиб чиққанимни ич-ичимдан ҳис этардим», – деган гапларига асосланиб унинг шахсига хос сифатлар: «Жамолнинг ҳолатини сиз қандай баҳолайсиз? Сиз ҳам Жамолни голиб деб биласизми? Нега шундай деб ўйлайсиз?» сингари ёрдамчи саволлар кўмагида муҳокамага кўйилади. Муносабатлар сўралади.

Кока билан Жамолнинг: «Онасига ўт! Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!» тарзидаги суҳбатига ҳам ўқувчилар муносабат билдирганлари маъкул. Ғоят қалтис вазиятда ҳам Жамол имкон қадар ўзлигига хиёнат қилмасликка тиришади. У Янгулининг онасини сўкишни истамайди. Азбаройи енгилиб қолмаслик учун, ўшанда ҳам Коканинг зўри билан ўзи унчалар ҳам тушунмайдиган сўкишларни кўллайди. Лекин Жамолнинг: «Сездимки, Янгули ҳам онамга тил теккизди, аммо бу сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эшитилдики, гўё у гўзал бир қўшиқни бошлагандай бўлди назаримда» тарзидаги эътирофи бор.

Нега Янгулининг онадан сўкиниши Жамолга бундай хуш ёкди? Ҳатто шундай тарзда бўлса ҳам онаси ҳақида нималардир эшитганиданмикин? Ёки ўзи онадан сўкинмаслиги билан Янгулидан баланд келгани учунмикин? Савол ўртага ташлангандан кейин ҳар бир ўқувчи у ҳақда ўйлашга мажбур бўлади, албатта. Ҳаммаси ўзича, ўзининг ички «мен»и хусусиятларидан келиб чиқиб жавоб беришга уриниб кўради, изланади. Кишидаги мана шундай нозик ва яширин ҳолатларни илғаган, улар устида ўйлаган ўсмирларда шахсликнинг гўзал сифатлари шаклланади, деган умид бўлади.

Янгулининг онага эҳтироми ҳам ҳавас қилгулик. Ўқувчиларнинг эътибори Жамол билан ҳар куни онадан сўкишадиган боланинг тўсатдан сўкинмай кўйганлигига, кемада хайрлашаётганда нима учун «*Жамол, ойингни яхши кўраман!*» деганига қаратилади. Шу ҳолатдан келиб чиқиб улар Янгулининг феъли-хўйи, шахсиятидаги янги бир сифатни кашф этадилар.

Янгулининг: «*Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташивишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг ҳелладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора денгиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб давом этди. – Бу – Мида... қолаверса, сен...*» – деган сўзларини ўқитувчи (дардли оҳангда, айнан Янгулининг ҳолатида) қайта ўқиб бериб, бу гаплар уларда қандай туйғулар кўзгаганини сўраши мумкин. Бу саволга туйғуларини фарқлай оладиган ўқувчилар жавоб беришади. Ҳамма фикр айтмаса ҳам, ўйлаб кўриши аниқ.

Ўқитувчи Жамолнинг «*Нега бирга кетмоқчимассан?*» деган саволига Янгулининг юқоридаги жавобидан сўнг Жамолнинг аъзойи бадани нима учун жимирлаб кетганини сўрагани маъқул. Янгулининг сўзларига ўқувчиларнинг ҳам муносабати аниқланади. Хўш, бу сўзлар ўқувчиларда қандай туйғуларни кўзга-дийкин? Бундай саволларга жавоб бериш асносида тарбияланувчиларда туйғуларини тафтиш қилиш кўникмаси шаклланади.

Янгулининг: «*Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида!*» – деган сўзларига ҳам ўқувчиларнинг диққати тортилиши керак. Бу шунчаки гап эмас, Янгулининг бу гапи оддий гаплардан эмас, у ҳикоянинг ҳам, ҳар бир одамман деган мавжудотнинг ҳам бош гапи саналади. Янгули кўкрагига «*Hellados*» (Греция) деб ёзиб

олган бўлсада, айна кўкракнинг ичига Грузияни, Венециан кўчасини жойлаб олганини ўқувчилар ҳис этишлари керак. «Нима деб ўйлайсиз, ҳикоя болалар ҳақидами ёки уларнинг ичидаги ватанга муҳаббат туйғуси тўғрисидами?» деган савол ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини маълум манзилга йўналтириб юборади.

Жамолнинг: «... унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўгирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим», - деган сўзларида унинг ҳолати қандай акс этганлигига ўқувчиларнинг диққати тортилади. Унинг шу ҳолатидан шахсиятига ўтилади. Асар бошида бир-бирлари билан келишолмай юрган болаларнинг хайрлашув олдидаги суҳбати ва ҳолати таҳлил қилиниб, улар бир-бирларига ғоят ўхшаш ўсмирлар экани кашф этилади. Бу ўхшашликнинг белгиларини сўраш, албатта, ўқитувчининг вазифаси.

«Янгулининг ҳалокати Сизда қандай туйғулар уйғотди?» деган савол ҳам ўқувчиларни ўз фикрини айтишга ундайди. Уларнинг кўнгилларида ўсмирга ачиниш, унинг ватанга садоқатига ҳайрат ва ҳавас ҳисси пайдо бўлиши табиий. Асарни ўрганишдан келиб чиқадиган маъно ҳам шунда.

Мазкур дидактик таҳлил асносида ўқувчиларнинг туйғу ва тасаввурлари тиниклашиб, фикр-муносабати аниқлашиб бўлгандан кейин ўқитувчи уларнинг олдида юқоридаги муаммоли саволни қўяди: «**Ватан ва Жон! Ким учун қай бири азиз?**»

Ҳали Янгулининг қилган иши таъсиридан чиқиб улгурмаган ўқувчиларнинг олдида бундай мураккаб муаммоли масаланинг қўйилиши уларга қандай таъсир қилади, буни вазият кўрсатади, албатта. Савол жуда оғир ва қийноқли. Унга ҳеч ким дарров жавоб бера олмайди. Ҳар ҳолда, юқоридаги муҳокамадан кейин эси бор бола оғзига келганини айтавермайди. Масалан, Грузияга, «ичкаридаги ватан»га, Венециан кўчасига, ҳатто Қора денгизга ҳам Янгулининг жони керак эмас эди. Унда Янгули жонини нима учун қурбон қилди? Унинг бу қурбонлигидан ким манфаатдор эди? Нима учун? У бошқача иш тутиши мумкинмиди? «Ҳа» бўлса, қандай? Ва ҳоказо қўшимча саволлар болаларни муаммонинг моҳиятига чуқурроқ киришга кўмаклашади.

Балки қўйилган муаммо ечимсиз қолар... Аслида, гап унинг ечимида ҳам эмас. Балки ҳозир ечимсиз қолгани ҳам дурустдир.

Муҳими – шундай муаммонинг мавжудлиги. Ўқувчилар олдига шундай муаммонинг кўндаланг кўйилиши. Қолганини дарс жараёни кўрсатади.

«БЕМОР»ни муаммоли ўрганиш

Муаммоли таълимда ўқувчиларнинг ҳар хил мустақил ишларини тизимли равишда ва самарали қўллаш имконияти яратилади.

Ночорлик, камбағаллик олдида инсоннинг қанчалар ожизлигини англашиш, болалар кўнглида ўзгани туйиш, ачиниш ҳиссини тарбиялашни Абдулла Қаҳҳор қаламига мансуб «Бемор» ҳикояси⁶⁵ устида ишлашга режалаштирилган дарснинг тарбиявий мақсади сифатида белгилаш мумкин. Асар матни билан таништириш, унинг моҳиятига киришга, ифода йўсинидаги ёзувчи маҳоратини англашга, асарда илгари сурилган етакчи қарашларни илғашга ўргатиш дарснинг таълимий мақсадини ташкил қилади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, эркин фаолиятга йўналтиришни, фикр айтиш, муносабат билдириш ва қарашларини асослашга ўргатишни мазкур машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади сифатида белгилаш мумкин.

Дастурда ушбу ҳикояни ўрганиш учун икки соат вақт берилган⁶⁶. Дарсликда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида йиллар ҳисобидан иборат матн мавжуд. Ўқитувчи адиб ҳақидаги бу маълумотнома билан ишлашининг, унга вақт ажратишининг ҳеч ҳожати йўқ. Бу ахборотнинг ўқувчига ҳеч ҳам кераги йўқ. Лозим деб топилса, уни ўтган дарснинг охирида уй вазифаси сифатида топшириш мумкин.

Ўқитувчи ўқувчи билан Абдулла Қаҳҳор орасидаги масофани қисқартириш, методика илмида илгари сурилган «миллатнинг улуғлари ўз шахсияти ва фаолияти билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий тарбиясига ўз ҳиссасини қўшади» тарзидаги ғояга асосланган ҳолда, уларни бир-бирига яқинлаштириш учун адибнинг ўқувчи ёшига яқин болалик давридан айрим хотираларини айтиб бериши тарбияланувчилар учун бу биографик маълумотномадан кўра фойдалироқ ва кизикроқдир.

⁶⁵ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot Q. 1. – T.: «Ma'naviyat», 2017. – 111-117-b.

⁶⁶ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: ФТМ, 2017.

Масалан:

«Намозгарга яқин кўчада болалар чугурлашиб қолишди. Чиқдим... ...ҳаммадан кўра кўпроқ шовқин солиб, елиб-югурган бола менинг олдимга келди, менга бошдан-оёқ разм солди-ю, бирдан:

– Келгинди! – деб ургани қўл кўтарди.

– Ўзинг келгиндисан! – дедим эҳтиётдан орқага чекиниб.

Бола бир ирғиб менинг калламга қўйиб юборди. Мен жавоб қилолмадим – қарасам, бошқа болалар ҳам урмоқчи бўлиб, илонни кўрган чумчуқдай атрофимда чугурлашиб туришибди. Шу пайт бизни кузатиб турган кичкина салла, узун малла тўнли бир чол:

– Қўйинглар, болалар, тегманглар, келгинди бўлса, ўзи бўлибдими, худо қилган, – деди.

Болалар дарров тарқалишди. «Келгинди, келгинди ит» деган гапларни Олим бувадан эшитганимда бунинг ҳақоратдан ташқари яна одам ҳазар қиладиган маъноси ҳам борлигини билмаган эканман, чолнинг бу гапи бошимдан кириб, товонимдан чиқиб кетди. ...Шундан кейин кўчадан, болалардан ҳам, одамлардан ҳам кўнглим қолди...

Мен энди «индамас» деган таънадан қутулиш учун одамдан, ҳатто, аямдан ҳам мумкин қадар қочадиган бўлиб қолдим. Аям кўп йиглаб безор қилганидан кейин дадам мени Учармахсумга элтиб ўқитди. Махсум менга хўп дам солгандан кейин тупугидан ялатди. Шундан кейин мен яна ҳам индамас бўлиб қолдим, бир сўз айтмоқчи бўлсам, ундан кейин нима дейишимни ўйлаб, бор сўзни ҳам унутар эдим...».

Муаллифнинг болалик хотиралари ёзувчи билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиради. Асари ўрганилаётган улуг бир адибнинг қачонлардир ўзларига ўхшаган бола бўлганини ҳис қилиш икки орада илиқлик пайдо қилади.

Бундан ташқари, замондошларининг адиб шахси ва ўрганилаётган асари билан боғлиқ хотираларидан фойдаланиш ҳам ҳикояни ўрганиш, ўзлаштириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади:

«Ёзувчи сўзга шунчалик хасиски, агар бу митти дурдоналарнинг ҳар бирини қайта ҳикоя қилингудек бўлса, ҳикоянинг ўзидан кўра анча кўп жойни эгаллаган бўлар эди...»

Одил ЁҚУБОВ.

«Мен тажриба учун устознинг «Ўғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устуни олиб ташланган айвонга ўхшаб лапанглаб қолди».

Саид АҲМАД.

«Суҳбатлардан бирида у «Бемор» ҳикоясининг биринчи жумласи қандай ёзилганини, ўттизга яқин варақни қора қилиб (Абдулла Қаҳҳор ёзилган сўзининг устидан чизиқ тортмас эди, жумла бузилса, сўз ёки ҳарф хато бўлса, янги вараққа ёзиб чиқар эди), ниҳоят энг қисқа, энг аниқ ифода топганини айтиб берган эди: «Сотиболдининг хотини оғриб қолди».

- Бу жумланинг фазилати битта, - деган эди у, - фикр тўртта сўзда баён қилинган. Қолган ҳамма вариантларда шу фикр беш, олти сўз билан айтилади. Масалан: «Сотиболдининг хотини касал бўлиб қолди», «Сотиболдининг хотинининг тоби қочиб қолди», «Сотиболдининг хотинининг мазаси кетиб қолди...»

Эркин ВОҲИДОВ.

«...Биз Кўқонга яқин Яйпан қишлоғида турардик. Онам гирашира қоронғи уйда тўлғоқ тутиб ётар, ичкарида инграган, додлаган товуши эшитилар эди. ...Дадам кўшни бир кампирни чақириб чиқди. Кампир аям ётган уйга кириб кетди. Дадам икковимиз ҳовлида ўтирдик. Қоронғи тушди. Мени уйқу боса бошлади. ...Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги кўшни кампир турар эди.

– Қалай? – деди дадам ховлиқиб.

– Қийналяпти бечора, – деди кампир ва бир оз жим тургандан кейин менга ишора қилди, – болага айтинг, аясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулогимга шивирлади:

– Худоё аямга нажот бергин, дегин! Айт!

Дадам кўрқув ва жаҳл аралаш мени қистар эди. Дуо қила бошладим.

Бу орада бир-икки йиглаб ҳам олдим. Кейин ухлаб қолдим. Эрталаб уйгонсам аямнинг кўзи ёрибди...»

Абдулла ҚАҲҲОР хотираларидан.

Ҳикояни ўқитувчи узоғи бидан 4–5 дақиқада ўқиб беради.

Дарсликда барча ўқувчиларнинг фикрини қолипга соладиган, уларнинг ҳаммасини бир хил мулоҳаза юритишга ундайдиган талқин ва ҳикоя матнининг қайта баёни берилган. Ўқитувчи бу талқинга ҳам тўхталмагани, ҳатто, уни болаларга ўқишга бермагани маъқул. Асарни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилиб бўлингандан сўнг улар ўз хулоса ва қарашларини дарслик муаллифлариники билан таққослаб кўришлари мумкин, холос. Ўқитувчи бу ҳам уларга ўхшаган бир китобхоннинг фикри экани, бу талқин болалар қарашлари ва хулосаларини йўққа чиқариш учун асос бўлолмаслиги, ҳамма ўз фикрида қолиши мумкинлигини таъкидлашни унутмагани мақул.

Ҳикоя анъанавий – асар матнига таянган ҳолда дидактик таҳлилга тортилиши ҳам мумкин. Лекин адабий таълимда бир хилликдан қочиш, ўқувчиларни зерикишдан қўрғаш мақсадида асарни «Аёли ўлмаслиги ва қизи етим бўлмаслиги учун Сотиболди нима қилиши керак?» шаклидаги муаммоли савол билан ўқувчиларни изланишга, мустақил фаолиятга йўналтириш ҳам мумкин. Барибир, ўқувчилар бу саволга имкон қадар ҳар жиҳатдан ўйланган, ўзи ва ёшига хос мантиқий асосларга эга бўлган жавобни топишлари учун ҳам асар мазмуни, қаҳрамонлар ҳаёти, давр тасвири ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

Мазкур асарни махсус ихтисослаштирилган мактабларда ўрганиш унинг бадиий таҳлили асосида амалга оширилиши мумкин. Лекин умумтаълим мактабларида унинг дидактик таҳлилинини уюштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки умумтаълим мактаблари тарбияланувчилари бўлажак филолог, шоир ёки ёзувчи эмас, маънавий комиллик йўлини қидираётган авлод. Умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитиш ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ҳикоянинг дидактик таҳлилинини бошлашдан олдин асардаги тушунилиши қийинроқ бўлган сўзлар дарстахтага ёзилиб, изоҳланади: Сим – Фарғона шахрининг эски номи; девонаи Баҳоуддин – Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (халқ орасида хўжа Баҳоуддин балогардон номи билан машҳур) – машҳур авлиё. У Муҳаммад с.а.в. авлодларига мансуб саййидзодалардан; Ғавсулаъзам – эл орасида машҳур бўлган диндор шахс, пир; извош – от қўшилган арава; оқ подшо –

ўша даврдаги Россиянинг подшоши ва ҳк.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини, энг аввало, бадий асарнинг номига қаратади: «Сарлавҳа ҳикоянинг мазмунига қанчалик мос келади? Унда бемор ҳақида эмас, асосан Сотиболдининг ҳаёти ҳақида гап кетяпти-ку!», мулоҳазалар эшитилади. Асар мазмунидан келиб чиқиб, ўқувчилардан ҳикояга ўзларича ном беришни сўраш ҳам мумкин. Улар фақат сарлавҳа таклиф қилиб қолмай, асарга нима учун шундай номни бераётганини асослаши керак бўлади. Улар топган сарлавҳаларга ўртоклари томонидан муносабат билдирилса, янада яхши бўлади. Шундан кейин эпиграф устида ишлашга ўтилади.

Инсон ҳаётида қувончли ва кайғули кунлар мавжуд. Баъзан одам шодликдан дунёга сиғмай кетса, баъзан кайғу-ғамнинг зўридан унга дунё тор бўлади. Иссиқ жон истимасиз бўлмаганидан, одам турли даражадаги касалликларга йўлиқиши мумкин. Яна шундай ҳолатлар бўладики, моддий танглик, қўли калталик ҳам инсонни ночор ахволга солиб қўяди. Бундай ҳолатдан чиқиш учун баъзан инсон йўл тополмай қолади. «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли халқ томонидан шундай вазиятга тушиб қолган кишиларнинг ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Ўқувчилар шуни англаган ҳолда ўз фикрларини айтишлари мумкин. Асар матнидаги «Йўгон чўзилади, ингичга узилади» мақоли эса унинг мазмунига сезилмайдиган даражада едириб юборилган. Бу тўрттагина сўздан иборат мақол нимани аңлатиши ўқувчилардан сўралса, шу тўртта сўз саҳифа-саҳифа талқиннинг вазифасини уддалаб, бир дунё жумлалар ишини умумлаштириб бажарганини ўқувчилар ўзларининг жавоблари мисолида аңлайдилар.

Таҳлил жараёнида тарбияланувчиларнинг диққати асар матнидаги ихчам жумлаларга қаратилади. Бу жумлалар ташиган ботиний маънолар хусусида фикр юритишга ҳаракат қилинади. Ёзувчи қисқа жумлаларда ғоят лўнда ва ихчам тарзда ифодалаган фикрни саволларга жавоб бераётган ёки фикр билдираётган ўқувчилар нечта гап билан баён этишларига ўқитувчи диққат қилиши, бунга синфдаги бошқа болаларнинг ҳам эътиборини тортиши ва адибнинг сўз қўллаш маҳоратини биргаликда тадқиқ этишлари зарур. Шу ўринда Саид Аҳмаднинг юқоридаги фикрини ўқиб, унга ўқувчиларнинг диққатини тортиш мақсадга

мувофиқ бўлади.

Асар таҳлили давом эттирилиб ўқувчилар эътибори хотини оғриб қолганда Сотиболди кўрган биринчи тадбирга қаратилади. Мазкур ҳолат ҳикояда шундай ифодаланган: «Сотиболди касални ўқитди – бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди...» Сотиболди нега шундай тадбирни қўллади? Камбағаллигиданми ёки билимсизлигиданми? Гап шундаки, ҳар қандай одам ўз савияси даражасида иш тутади – унинг хаёлига келган дастлабки амаллар – шулар. Бундан ташқари, қилинган амал билан эришилган натижага ҳам эътибор қаратилиши керак. Беморнинг табиб қон олгандан кейинги ҳолатига ўқувчилар диққати тортилиши керак. Нега шундай бўлди? Болалар бу ҳақда ўйлаб кўрганлари маъқул. Эътибор қилинса, юқорида келтирилган парчада кўрилган тадбир бир неча сўз ёрдамида баён этилади, натижа бермаганлиги эса бир оғиз «бўлмади» сўзи билан ифодаланади. Кўрилган тадбир: «Табиб қон олди» шаклида уч сўз билан билдирилади-да, унинг ёмон оқибати: «Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди» тарзида етти сўз ёрдамида ифода этилади. Бу шунчаки тасодифий ҳолатми ёки муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратими?

Абдулла Қаҳҳор тасвирлаш маҳоратини юксак даражада эгаллаган, ҳаракат ва руҳият мутаносиблигини чуқур англаган ижодкор сифатида атай шу ифода йўсинини танлаган. Булар ҳаммаси савол-топширикқа айлантирилиб, ўқувчиларнинг ўзлари томонидан очилиши керак.

Бугунги ўқувчида: «Бахшига ўқитиб, хипчин билан савалатиб, товук сўйиб қонлатиб юргунча касалхонага олиб бора қолса бўлмасмиди?», деган табиий савол туғилиши мумкин. Ўқитувчи бу «табиий» саволнинг унчалар ҳам табиий эмаслигини англатиш учун «докторхона» ҳақидаги Сотиболдининг тасаввурига тарбияланувчилар диққатини қаратади. Улар Сотиболдининг иқтисодий аҳволи оғир эканлигини пайқашлари, айни вақтда, бу ҳақда ёзувчи бир оғиз ҳам гапирмаганлигини ҳам савол шаклида ўртага ташлайди: «Сотиболдининг иқтисодий аҳволи ночор эканлигини қаердан пайқадингиз?»

Шундан сўнг ўқитувчи айтмасдан англатиш, маълумот бермай хабардор этиш учун ёзувчи қанчалар маҳоратли бўлиши

лозимлиги ҳақида, бу фазилат фақат Қаҳҳоргагина хослиги тўғрисида ўқувчиларга тушунча беради. «Йўғон чўзилади, ингичга узилади» мақолининг матн мазмунига сезилмайдиган даражада едириб юборилганлиги ҳам Сотиболди иқтисодий аҳволини бир қадар намоёниши этганини ўқувчилар ўз таҳлиллари жараёнида англаганлари тузук.

Ҳар қандай ҳақиқат қиёсда ойдинлашади. Шу жиҳатдан Сотиболдининг аҳволи қанчалик ночорлиги хўжайини Абдуғанибой имкониятларини ахборот тарзида билдирилганлигига диққат қаратилади. Хўжайиннинг Сотиболди орзу ҳам қилолмайдиган «докторхона»га бормай, Симга кетганлиги ҳақидаги ахборот, аслида «шунчаки» бўлмай одамларнинг моддий имкониятлари ўртасидаги ўтиб бўлмас фарқларни англатадиган ва шу жиҳати билан бахтсизнинг бахтсизлигини янада бўрттириб кўрсатадиган воситадир. Муаллиф ўта «совуққонлик» билан Абдуғанибойнинг қоплар тагида қолиб «ўладиган» бўлганда Симдаги докторхонага борганлиги ҳақида хабар бергандай бўлади. Ҳолбуки, Сотиболдининг хотини тўғрисида бирон жойда ҳам «ўладиган» сўзини қўлламайди. Катта имконият «ўладиган» касални оёққа турғизиши мумкин бўлганидек, имкониятсизлик, чорасизлик «оғриб қолиш»дай оддийгина касалликни ҳам ўлим билан яқунланадиган хасталикка айлантириши мумкин экан. Бундай топилдиққа ўқувчилар ўқитувчи йўналтириши билан ўзлари эришишлари керак. Ўқитувчининг вазифаси савол-топшириқлар билан уларнинг эътиборини мана шу каби ҳақиқатларга қаратишдан иборатдир.

Сотиболдининг хўжайини олдига борганлиги тасвирига ўқувчилар эътиборини қаратиш, шу йўл билан ҳар бир персонаж руҳияти қирралари нечоғлик ёрқин тасвир этилганлигини аниқлаш зарур. Шундай қилинганда инсон деб аталмиш мураккаб мавжудотнинг руҳий тўлғонишларини пайқаш мумкин бўлади. Хўжайини олдига нега борганини Сотиболдининг ўзи ҳам билмайди, лекин борди. Ҳар қандай рисоладаги одам сингари Сотиболди ҳам хотинининг тузалиши учун нимадир қилиши кераклигини билади, лекин нима? Бошига мусибат тушганда инсон ўзидан кўра каттароқ, кучлироқ, ақллироқ кишининг кўмагига, маслаҳатига муҳтожлик сезади. Бирор жонкуяри йўқ Сотиболди учун эса Абдуғанибой шундай киши бўлиб туюлади.

Бой Сотиболдининг дардини ҳис қилди, унга рухий мадад беришга, кўнглини кўтаришга уринди. Унинг нияти – яхши. Сотиболдига ачинади. Лекин эзгулиги шу ачиниш билан тугайди. Демак, Абдуганибойнинг яхшилиги даражаси, олижаноблигининг миқёси қилган амалига яраша. Чинакам яхшилик амалда, фаолиятда намоён бўлади. Ўқувчилар бойнинг қандай одамлигига унинг қилган ишига қараб баҳо берадилар.

Сотиболдининг кейинги хатти-ҳаракатларига ҳам ўқувчиларнинг эътибори тортилиши ўринлидир. Ўқувчиларни яқин кишисининг азобларини енгиллатишни астойдил истаган, аммо кўли калталиги туфайли бунинг уддасидан чиқолмаган йигитнинг руҳиятини англашга йўналтириш зарур. Шундай вазиятда бўлган одамнинг кўнглига иш сиғадими? Бу савол уларни бундай вақтларда одам нималарни ҳис этиши мумкинлигини ўйлаб кўришга, Сотиболдини туйишга йўналтиради. Унинг кундан-кун оғирлашиб бораётган хотини ёнида чивиклар ичида кўмилиб, сават тўқиши тасвири шунчаки ахборот эмас, балки иложсиз одам руҳиятининг жовли ва шафқатсиз тасвиридир. Ҳаёт шафқат нелигини билмайди, уни кийноқларга гирифтор этмоқда, у – кўз олдида ётган яқин кишисига ёрдам беришдан ожиз. Аммо у – тирик ва ҳаёт ҳақида, эртанги кун тўғрисида ўйлашга мажбур.

Қизчанинг ҳолати тасвирланган сатрларни ўқувчиларга қайта ўқитиш керак. Улар шу жараёни, имкон қадар, аниқ тасаввур қилсинлар. Пашшанинг ғинғиллаши билан беморнинг инқиллаши ўртасидаги мутаносиблик билан гадоё ва унинг товушидаги монандлик асар оҳангини вужудга келтиришда қандай ўрин тутганлиги савол-топшириклар кўмагида ўқувчилар томонидан илганса, ғоят фойдали бўларди.

Ҳикоянинг умумий оҳанги, руҳини англамай туриб, қахрамонлар руҳиятини пайқаш мумкин эмас. Чунки асл бадиий асар – бузилмас яхлитлик. Ўқувчилар эътибори гадоёнинг айтганларига ҳам қаратилади: шу жумла зиммасида қандай юк бор? Одил Ёкубов айтмоқчи «сўзга хасис» адиб бу лавҳани асарга киритмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Ҳикоя бусиз ҳам киши руҳиятини изтиробга солади-ку!

Ўқувчилар бемор ҳар инграганда «Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай» азоб тортиб, талвасага тушиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Нега шундай бўлаётир? Шунда улар Сотиболдининг ҳолатини бир даражада ҳис

қилишлари мумкин. Сотиболдининг кўшни кампирни чақиритдан мақсади нима эди? Кампирнинг кўлидан жўялироқ бир иш келмаслигини Сотиболди билмасмиди? Болалар кампирнинг хатти-ҳаракатлари тасвирини кузатишлари лозим. Унинг беморга, Сотиболдига берган маслаҳатларига муносабат билдирилиши зарур. Кампирнинг бошқача маслаҳат бера олмаслиги, айтилганда, маслаҳат бермай чиқиб кетиши ҳам мумкин эмаслигини ўқувчилар англашлари керак. Чунки кўшни кампир яхши одам, ачинганидан йиғлайди, кўлидан шундан бошқа ҳеч нарса келмайди. Ҳаётдаги одамларни тушуниш бадий асар қахрамонларини англашдан келиб чиқади.

Ўқувчилар норасида гўдакнинг чучук тили билан айтилган «*Худое, аямди дайдига даво бейгин...*» жумласи асарда қандай вазифани ўтаётганлиги хусусида фикр юритишлари лозим. Улар сўзлар не боисдан бола тилидан берилаётганини, бунинг воситасида нима ифодаланаётганини ўйлаб кўришлари зарур. Бунинг учун шу ҳолат саволга айлантирилади. Ҳикоядаги кўшни кампир тимсоли ва қизчанинг дуоси муаллифнинг ўз ҳаётидан олинганини, муаллифнинг ҳаётини сабоқлари асарига маҳорат билан жойлаштирилганини ўқувчилар англашларига унинг юқорида келтирилган хотираларини ўқиб бериш билан кўмаклашиш мумкин.

Ҳикояда: «*Кўнгилга армон бўлмасин деб чилёсин ҳам қилдиришига тўғри келди*» тарзда ахборот кўринишидаги ифода бор. Ўқувчилар кўнгилдаги армон ҳақида гапирганда ким назарда тутилаётганлиги, бу гап беморгами, Сотиболдигами, қизчасигами тегишли эканлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари, шу ўринда ўзбек руҳияти намоён бўлган жиҳатлар ҳақида мулоҳаза қилишлари керак бўлади.

Беморнинг тетиклангани қай даражада ишончли, ҳаётини чиққанини ўқувчилар илғай олишига эришмоқ зарур. Ҳақиқатдан чилёсиндан сўнг шундай бўлдимми ёки бунинг бошқа сабаби борми? Касал онанинг эридан қизчасини сахарлари уйғотмаслигини сўрашга ундаган сабаб нима эканлигини аниқлаш ҳам ўқувчиларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Беморнинг ўлими тасвирланган сўнгги хатбоши ва ўлимдан беҳабар қизчанинг дуоси болалар кўнглида қандай туйғулар уйғотганлиги ҳақида фикрлашиш, ҳикоядаги ҳар бир тасвирий ифодага муносабат билдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳикоя қахрамонларининг хатти-ҳаракатлари тасвиридан келиб

чиқиб: «Сотиболди табиатан қандай одам? Абдуғанибой ёмон одамми? Кампирнинг муштдай гўдакни сахарлари уйғотишни маслаҳат берганига қандай қарайсиз?» сингари ҳар бир персонажнинг шахсиятига хос сифатлар, характериға мос хусусиятлар ва уларнинг асарда қай йўсин ифода этилганлиги ҳақида ўқувчиларни ўйлатадиган, муносабат билдиришга мажбур этадиган саволлар қўйиш лозим.

Асарда кампир нутқининг Сотиболдиникидан, қизча нутқининг Абдуғанибойникидан, бой тилининг гадоё нутқидан тамомила фарқ қилиши натижасида ҳикоянинг ўқишлилиги ортганлиги хусусида ўқувчилар билан фикрлашиш зарур бўлади. Тил руҳият кўзгуси эканлиги, одамга хос жуда кўп яширин жиҳатлар айнан тилда ёрқин намоён бўлиши мисоллар асосида исботлаб берилса, фойдали бўлади.

Шу тариқа «Бемор»нинг дидактик таҳлили яқунлангач, ўқитувчи ўқувчилари олдиға юқоридаги муаммоли саволни қўяди: «Ўйлаб кўрингчи, аёли ўлмаслиги ва қизи етим бўлмаслиги учун Сотиболди нима қилиши керак эди, Сизнингча?» Бу саволға жавоб бериш асносида болалар Сотиболдининг ҳолатини маълум даражада қайта ҳис қиладилар, ўзларича унга ёрдам бериш йўллариини излайдилар. Ким қандай фикр айтади, ўқувчилар бу муаммонинг ечимини топадиларми, йўқми, қандай тутумларни тавсия этадилар, буни ҳар бир синфдаги вазият ва ўқувчиларнинг билимлилик, мустақил фикрлаш даражаси белгилаб беради, албатта. Сотиболди яшаган давр, унинг иқтисодий ҳолатини аниқ тасаввур қилган болалар балки фикр айтишга олмас ҳам. Лекин энг муҳими, уларнинг бу ҳақда ўйлашлари, изланишлари, Сотиболдини ҳис қилишгани, унга ёрдам бергилари келгани. Бу туйғулар шахс шаклланиши жараёнида ўз маҳсулини беради.

Дарс сўнгида уй вазифаси сифатида асарни давом эттириш вазифасини топшириш мумкин. Яъни асар қаҳрамонлари кейинги ҳаётини ўқувчилар ўзларича тасаввур қилишлари, қарашларини қоғозға туширишлари уларнинг фикр кишиси бўлиб шаклланишларига кўмаклашади. Ёки ҳикояни ўз сўзлари билан қайтадан ёзишни топшириш мумкин. Ким топшириқларнинг қайси турини бажариши ўзига ҳавола. Лекин бундай уй вазифаларини ҳаммадан бирдай талаб қилиш шарт эмас.

«МУЗҚАЙМОҚ»ни муаммоли ўрганиш

Муаммоли таълимнинг индивидуаллиги ўқув фанини ўзлаштириш учун ўқувчида билим, кўникма ва малакаларнинг маълум даражаси олдиндан мавжуд бўлишини талаб этади.

Дарсликда О. Ёкубовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ихчам материал берилган. Олтинчи синф адабиёт дарсида ўрганилиши лозим бўлган «Музқаймоқ» ҳикояси қайсидир даражада автобиографик асар саналади. Шунинг учун ҳам бу мақолани ўқиб келиш олдинги дарс охирида уй вазифаси сифатида топширилиши мумкин. Биринчи дарсда биографик матн мазмуни юзасидан тузилган савол ва топшириқлар орқали адиб шахсини очишга, унинг оғир болалик йиллари ҳақида тасаввур пайдо қилишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари, тарбияланувчилар эътиборини «Музқаймоқ»ни ўқиганда дуч келиши мумкин бўлган тарихий шароит, қатагон йиллари адолатсизликлари, ёвузлик ва камситишларининг адиб шахси шаклланишига, ёзувчилик тақдирига таъсирини кўсатиш ўринли бўлади. Сўнг ҳикоя билан танишишга ўтилади.

Дастурда Одил Ёкубовнинг «Музқаймоқ» ҳикоясини ўрганишга уч соат⁶⁷ вақт ажратилган. Ҳикоя⁶⁸ ҳажми каттароқ бўлиб, уни бир соатда ўқиб чиқиш мушкул. Биринчи дарс адибнинг ўқувчилар томонидан мустақил равишда ўқиб келинган таржимаи ҳоли ёрдамида унинг шахсини кашф қилиш билан бошланиб, ҳикоянинг «...тенгдошларим ёнидан катта кўчага отилдим...» жумласигача бўлган қисмини ўқиб эшиттириш билан якунланади. Ҳикоянинг шу қисми билан танишишга 25–28 дақиқа керак бўлади. Қолган қисми, агар болаларга ишонилса, уйда ўқиб келиш учун топширилади. Агар кўпчилик матннинг қолган қисмини ўқимаган бўлса, албатта ўқитувчи синфда уни ўқиб беришга мажбур бўлади. Чунки асар матни билан тўлиқ танишилмаган шароитда унинг дидактик таҳлилини амалга ошириш ва бу борада кутилган самарага эришиш мумкин эмас. Шундан кейингина матнга доир савол-топшириқлар кўмагида асар устида иш бошланади.

⁶⁷ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

⁶⁸ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizaev Sh. Adabiyot Q. 1. – Т.: «Ma'naviyat», 2017. – 111–117-b.

Таҳлил жараёнида, зарурат бўлганда, ўқитувчи ҳикоянинг диққатга сазовор ўринларини қайта ўқиб бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу ўринда ўқитувчи бугунги машғулот муаммоли дарс бўлишини, улар биргаликда «Эгамберди Ёқубов даврининг эмас, ўз ўжарлигининг қурбони» ва «Ҳикоя қаҳрамони бола – соткин» шаклидаги ўқувчиларни ҳар иккала қаҳрамон ҳимоясига отилиб чиқишга, уларни оқлашга сабаблар топишга ундовчи муаммоли масалаларнинг ечимини топишлари кераклиги хабарини беради. Бунга эришиш учун ҳам асар матни таҳлилга тортилади.

Дастлаб ўқувчиларнинг эътибори ҳикоянинг иккинчи хатбошисида қопга солиб бекитиб ташлаган китобларга тортилади. Болалар ҳикояни ўқиганларида ўша даврдаги тарихий шароит ҳақида қисман тасаввурга эга бўлганлар. Уларни шу билганлари асосида мазкур ҳолатга муносабат билдиришга ундаш лозим. Ҳикоя қаҳрамонининг дадаси китобларни нима учун яшириб қўйганлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришсин. Бу уларнинг китоб ўқиш борасидаги тасаввурига қанчалик мувофиқ келиши ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Китоблардаги суратларнинг аянчли ҳолати ва бунинг сабаблари матнга таянган ҳолда очиб беришга уринилса, болалар изланадилар, мушоҳада юритадилар. Шу тариқа, беихтиёр матн мазмунига кириб борадилар.

Тарбияланувчилар асар қаҳрамони бўлган тенгдошлари боланинг меҳмон келишидан олдинги кўнгил нотинчлигига диққат қилишса, ҳикоя тасвиридаги табиийлик намоён бўлади. Инсон кўнгли баъзан содир бўладиган хурсандчилик ёки нохушликни олдиндан сезади, безовталанади. Бундай ҳолат билан болалар ҳам ўзларининг қисқагина ҳаётий тажрибаларида, агар ўзларини кузатган бўлсалар, тўкнашган бўлишлари мумкин. Фақат бунга ҳамиша ҳам эътибор берилаверилмайди.

Матнда: «Юр, болам! Сенга битта музқаймоқ олиб берай!», - деган жумла бор. Ўқувчилар нима учун отанинг чеҳраси ёришиб, боласи бошини силаб шундай деётганини англашга, бунинг сабабини очишга уриниб кўрганлари мақсадга мувофиқ. Ҳикоянинг «Музқаймоқ» деб номланишига мана шу таклиф ёки бошқа ҳолат сабаб бўлганлиги борасида ўқувчилар жиддий

мулоҳаза юритиши ҳам уларнинг маънавияти шаклланиши учун фойдалидир.

Ўқувчилар ҳикоянинг бошқача номланиши ҳам мақсадга мувофиқ эмаслигини муаллимларига асослаб беришга уринишлари, шундай асосни матндан қидириб топишлари, асарнинг бундан номланиши кутилган маънавий-руҳий таъсирни бермаслигини исботлашга ҳаракат қилишлари жуда муҳим. Адабиёт дарсида бу саволга дарҳол ҳаммани қониқтирадиган жавоб топилмаслиги мумкин, лекин болаларни шу ҳақда кейин ҳам ўйлаб юришга ундаш зарур. Бу билан бола мантикий мушоҳада юритишга йўналтирилади. Бу ўринда ўқитувчининг ўз қатъий, ҳал қилувчи фикрини айтиши адабий таълимнинг бугунги мақсадига асло мувофиқ келмайди. Асарни ўқувчи ўзи учун ўзи кашф қилмоғи лозим.

Ўрнига қараб боланинг «*дийдаси қаттиқ*» дадасига муносабатини мушоҳада қилишга ундовчи: «Дадасининг ўта баджаҳллиги борасидаги боланинг тасавури тўғри деб ўйлайсизми?» - деган савол ўртага ташланади. Шу саволга имкон қадар кўпроқ болаларнинг фикрларини эшитиш керак. Чунки бу савол мазмунан қўйилган муаммоли масалага маълум джаражада дахлдор. Болалар ўз тенгдоши тасаввурининг сабабларини топишга уришиб кўрсинлар. Бунинг учун улар мавҳум мулоҳазаларга эмас, балки ҳикоя матнига асосланишларига эришиш лозим бўлади. Болаларнинг ўз фикрини лўнда, аниқ ифодалашларига, такрорларга йўл қўймасликларига эътибор қаратиш адабиёт дарсларида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикоя таҳлилини давом эттириб: «Графинни синдириб қўйган ўғлига берган жазо отанинг асл қиёфасини билдирадими? Йўқми? Буни сиз қандай аниқладингиз?» тарзида қўйилган саволга ўқувчиларнинг жавоб топишлари муҳим аҳамият касб этади. Болалар матндан отанинг асл қиёфасини намойиш этувчи ўринларни, унинг асабий ҳолати сабабларини очиб берувчи тасвирларни қидириб топишлари керак. Ота не сабабдан бунчалар асабий эканлиги ҳақида ўйлаб кўрсинлар. Саволнинг биринчи қисмига жавоб қидириш асносида ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда унинг иккинчи қисмига ҳам жавоб топишга киришадилар. Болалар отанинг бу жараёндаги фаолиятини тафтиш қиладилар, унинг хатти-ҳаракатларини ўз нуқтаи

назарлари билан баҳолайдилар. Ўз ўглига қилган каттиққўл-лигидан отанинг пушаймони, унинг баджаҳдлигига онанинг муносабати, қаҳрамоннинг хулосалари ҳам болаларнинг назаридан ўтказилиши керак. Буларнинг ҳаммаси болаларни қўйилган муаммонинг биринчи қисми ечими сари етаклайди.

Ўқувчилар оила учун шундай тахликали шароитда уйда тинтув ўтказаётган ҳарбийлардан бирига *«малла сочларининг учлари қошларига нафис эгилиб тушган хушсурат ўрис капитан...»*, - деб баҳо берган ҳикоя қаҳрамони шахсига хос ахлоқий-маънафий сифатлар ва руҳий хусусиятларга муносабат бидирганлари маъқул. Уйларига бостириб кириб, яқинларини қақшатиб, додлатиб, тинтув ўтказаётган ўрис капитани боланинг кўзига бунчалар хушсурат бўлиб кўриниши унинг гўзалликка, эзгуликка ташналиги туфайлими ёки бўлажак ёзувчига хос синчковликнинг ибтидоий куртакларими эканлиги борасида ўқувчилар жиддий мулоҳаза юритганлари фойдали. Болалар дарҳол жўяли фикр айтолмасалар саволларни очик қолдириш, уларга кейинчалик бўлса ҳам жавоб излаш ҳақида топширик бериш мумкин.

Олтинчи синф ўқувчилари уйларини тинтиётган ҳарбийларга ёрдам берган ва улардан бирининг мақтовидан яйраб кетган ҳикоя қаҳрамони табиати ҳақида ўйлаб кўришлари ва буни баҳолашлари билан боғлиқ топшириқни ўринлатиш жараёнида бола табиатига теранроқ назар ташлайдилар. Болакай руҳиятига хос алоҳида жиҳатлар хусусида ўз фикрларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Топширик берилгандан кейин болаларга йўналиш бериш учун матннинг шу ўрнини қайта ўқиб бериш ҳам мумкин. Таҳлил жараёнида ўқитувчининг кўмагига муҳтожлик сезилганда муаллим фикр айтишга жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Ўқитувчининг фикри синфда ҳоким бўлиб қолмаслиги, ҳамма учун умумий хулосага айланмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат йўналиш бериши ёки ўз фикрини бир мулоҳаза сифатида ўртага ташлаши мақсадга мувофиқдир. Бу жараён ўқувчилар олдида қўйилган иккинчи муаммоли масаланинг ечими сари олиб боради.

Ҳикояда: *«Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсин-ким, унинг сўзларидан гурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!»* - деган иқроор бор. Ўқувчилар диққати боланинг

кейинчалик ўзидан ижирганишига сабаб бўлган бу ҳолатнинг таҳлилига жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар болакайни тушунишга уриниб кўришлари керак. Не сабабдан унинг руҳиятида шундай ҳодиса юз берди? У тийнатида юз берган бу ҳолатдан нима учун бир умр афсусланиб яшади? Бу афсус нимадан далолат беради? Бу саволларга ўқувчилар томонидан қандай фикр айтилса ҳам, улар қай даражада мантикли ёки мантиксиз, асосли ёки асоссиз бўлишига қарамай, ўқувчиларнинг фикрига эътироз билдириш мумкин эмас. Фақат мантиқан асосли фикр билдирганларга енгилгина рағбат ишораси қилинса, кифоя. Болалар бундан ўзлари учун тегишли хулосани чиқариб олаверадилар, бир-бирларининг фикрлари ҳақида дарсдан кейин ҳам ўйлаб кўрадилар, ўзиники билан таққослайдилар, хулоса чиқарадиларки, бу – адабиёт ўқитиш учун олий натижа.

Таҳлил жараёнида, навбатдаги саволлар устида ишлаётганда ўқитувчи «шахсга сиғиниш», «Сталин шахси», «қатағон қилинганлар» сингари тушунчалар ҳақида муайян маълумотлар бериши керак бўлади.

Асар қаҳрамони табиатини англашда, унинг ўзига хос болакай эканлигини ҳис этишда унинг: *«...гумбур-гумбур садолару оташин қўшиқлар қулогимга чалиниши билан худди ногорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим хаприқиб кетаверарди»*, - деган иқрорини тафтиш қилиш яхши самара бериши мумкин. Ўқувчилар ўзларини ўша боланинг ўрнига қўйиб кўрсалар, ҳам қаҳрамонни англаш, ҳам ўзларини билиш нуқтаи назаридан бир поғона юксалишга эришишлари мумкин. Бу ҳолатни тафтиш этишга уриниш болаларни ўйга толдириши табиий. Улар боланинг характери намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари тасвирланган бир қанча ўринларни қайта ўқишга, уларни бир-бирига таққослашга, матнда боланинг руҳият чизгилари акс этган ўринларни қайтадан кўришга мажбур бўлишади. Ўқитувчи уларга кўмаклашиш мақсадида боланинг ҳар қандай шароитда ҳам, аввало, бола эканлигини, уни тушунмоқ учун болаларга хос мезонлар билан ёндашиш лозимлигини айтиб ўтиши мумкин.

Бунинг учун ҳикоянинг энг сўнгги жумласини ўқиш боланинг ўшандаги хатти-ҳаракати билан ҳарбийнинг мактовидан яйраб кетгандаги ҳолатларини ўзаро қиёслаш қаҳрамоннинг

табиатини тўлиқроқ очиш имконини беради. Айни бир боланинг айни бир одамларга икки хил вазиятдаги тамомила қарама-қарши муносабати ўқувчиларда ҳам одам деган яратикнинг жуда мураккаб ва англаш мушкул мавжудот эканлиги ҳақида каноат уйғотади.

Асар ниҳоясида тасвирланган боланинг аламли чинқириги сабабини аниқлашга уриниш ҳикоя таҳлили борасида илгари силжиш имконини беради. Боланинг кўнглидан аламли чинқирик чиқишига туртки бўлган, *«НКВД ходимларининг мақтовви ҳам, аксилинқилобчилар кирдикорларини фош этган хушёр пионер эканлигим ҳам – бари ёдимдан чиқиб «Дадажон», - деганча отамнинг тиззасини қучоқлаб олдим»* тарзидаги иқдорини юзага келтирган ҳаётий-руҳий сабаб нималиги ҳақида ўқувчилар жиддий ўйлаб кўрганлари маъқул. Болалар бунга дийдаси қаттиқ отанинг кўз ёши ёки унинг афсус-надоматлари ёхуд отанинг болага, боланинг отага бўлган меҳри сабаб бўлганлигини топиш учун изланишлари, матнни шу мақсадда қайта идрок этишга уринишлари гоят муҳимдир.

Ўқувчилар «комсомол» кўмитасининг котиби табиатига муносабат билдираётганда уларнинг фикрларига диққат қилиш, қарашларини асослашга ундаш ўринли бўлади. Тарбияланувчилар ўз айтганларини асар матнига таяниб исботласалар, фикрлари қатъийлашади, эҳтимол, инсонларга хос иллатларга руҳиятларида ўзига хос муносабат шаклланади. Айни замонда, ўқувчилар диққатини ҳикоя қаҳрамонининг шу ўриндаги ҳолатини тасаввур қилишга йўналтириш керак бўлади.

«Музкаймоқ»нинг ўзига хос жиҳати шундаки, у қаҳрамонлар табиатини очиб берадиган турли лавҳалар тасвиридан ташкил топган. У аксарият ҳикоялар сингари бир воқеа натижасида туғилган ҳолатлар тасвирига бағишланган эмас. Шу боис ўқитувчи асарнинг ҳар бир алоҳида лавҳаси чуқур таҳлил этилишига аҳамият бериши жоиз. Масалан, Пушкиннинг дафтарга чизилган суратидан гўё мамлакатдаги тузумга қарши яширин ёзилган чақирикни топишга доир тасвирни таҳлил қилиш учун ўқитувчи матннинг шу қисмини қайта ўқиб бериши ўринли бўлади. Шунда ҳикоячи боланинг ҳолатига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш осонлашади. Отаси камалгани туфайли ўксик боланинг тийиқсиз ҳаяжони, ўзини ўртоқлари сингари

бехижолат, хотиржам кўриш истаги, шу ватаннинг фарзанди бўлиш шарафига эришиш хоҳиши пок қалбли ўсмирнинг чексиз хаёлотини ўзи истаган йўналишларда парвоз этишга ундаганлигини ўқувчилар англасалар, қаҳрамонни тушунадилар. Қаҳрамонни қанча тушунсалар, у билан боғлиқ олдиларига кўйилган муаммонинг ижобий ечимини топиш ҳам шунча асосли ва мустаҳкам бўлади.

Боланинг биринчи бўлиш истаги сабабларини ўқувчилар тушунишга уринишлари керак. Асар қаҳрамони йўқ нарсани биринчи бўлиб топишни жуда қаттиқ истаганлигини матнга таянган ва қаҳрамоннинг ҳаракатларини баҳолаган ҳолда изоҳлаш ўқувчилар учун маънавий ўсишнинг воситаси бўлади. Боланинг ҳовлиқишлари билан онанинг кўзларига ёш олиб ёзғириши сабабларини тарбияланувчилар ҳис этишлари керак. Ўқувчилар сурати ҳурмат тахтасига осилмаганлигини кўрган ҳикоячи келган хулосага муносабат билдиришлари лозим.

Асарнинг таҳлилида давом этиб: «Одамларнинг ўзаро ишончини йўқотишга интилган, уларни бир-бирига ёв қилишни мўлжаллаган тартиб ҳақида қандай фикрдасиз? Одамлар бир-бирларига ишонганлари яхшими ёки шубҳаланганлари?» қабалидаги саволларга жавоб топиш муҳим аҳамият касб этади. Бу саволга ўқитувчининг кўнглидагидай жавоб қайтарадиган ўқувчи синфда кўп бўлмаслиги мумкин. Лекин исталганидай бўлмаган жавобнинг ҳам жавоб ва у ҳам фикрий изланиш маҳсули эканлигига ўқитувчи кўникиши лозим.

Ҳикоядаги бошқа бир тасвирга: отанинг хайрлашув пайтида Сталин номини бирон марта тилга олмаганига, унинг аёли ва фарзандларидан, айниқса, музқаймоқ олиб беролмагани боис ўғлидан кечирим сўраши манзарасига ўқувчиларнинг диққати тортилади. Ўқувчилар отанинг кўнглида Сталинга, жамиятга бўлган эътиқоду ишончнинг сўниб қолгани сабабларини тушунтиришга уриниб кўришлари лозим. Бир сўзли, дийдаси қаттиқ отанинг видолашув чоғида аёлидан пулни қийналиб олишига диққат қаратиш, учинчи синф ўқувчиси зиммасига «оиланинг энг катта эркаги» деган масъулиятнинг юкланиши, чинакам айрилиқни руҳан ҳис қилган боланинг ҳолатини англашга уриниш ўқувчилар маънавияти шаклланишида муҳим ўрин тутди.

«Эгамберди Ёкубов даврнинг эмас, ўз ўжарлигининг қурбони» шаклида кўйилган муаммо ечими сари бораётган ҳамкорлар отанинг пушаймони, афсуслари, боласидан кечирим сўраши борасидаги тутумларига муносабат билдирар эканлар, ўзлари англаб-англамай Эгамберди Ёкубовга ачинадилар, унинг замонага, Сталинга бўлган садоқати, уларнинг ўзини кутқаришларига бўлган ишончи сароб экани ҳақидаги мулоҳазалари ўз якунига етади. Отанинг оила аъзолари, айниқса ўғлига муносабати асносида унинг пушаймонини ҳис этадилар.

Ўғилнинг ҳолатидан эса («Ҳикоя қахрамони бола – сотқин») у сотқин эмаслигини, ҳали бола экани, болалик туйғулари босим келгани, руҳиятидан чуқур ўрин олган совет мафкурасининг таъсири остида иш тутганини англаб этадилар. Асарнинг бутун таҳлили давомида кўнгилларида болага нисбатан салбий муносабат бўлмаганини ҳис этадилар.

Асар таҳлили сўнгида уйга вазифа сифатида ҳар иккала қахрамонни оқлашга асос бўладиган тутумларини ёзиб келишни топшириш мумкин. Бунда ҳам қайси тимсолни оқлаш ихтиёри болаларнинг ўзларида қолгани тузук.

«УРУШНИНГ СЎНГГИ ҚУРБОНИ»ни муаммоли ўрганиш.

Муаммонинг ҳар хил шаклда бўлиши фаразлар хилма-хиллигини тизимга солади ва натижаларга ҳар хил йўллар билан эришилишини таъминлайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шахси ва «Дунёнинг ишлари» асаридан олинган парчалар билан ўқувчилар 5-синфда танишишган. Қиссанинг ширали тили, жозибали ифода йўсини ва она тимсолининг самимий тасвири тарбияланувчилар руҳиятида из қолдирмаган бўлиши мумкин эмас. Дарснинг бошида ўқитувчи ўқувчиларга бунинг бир эслатса, адиб ва унинг асари ҳақда билганларини хотирлашга йўналтирса, ўқувчилар ўз фикрларини ўртага ташлашлари, руҳан бугунги ҳикоядан ҳам ўшандай лаззатни туйишга ташналикни ҳис қилишлари табиий. Ўқитувчининг ўз «ҳамкор»ларини дарс олдида шундай руҳий ҳолатга сола билиши педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

Диққат муаммо: «Ўғрилик – ким томонидан, нима мақсадда қилинишидан қатъи назар ёмон»

Муаллим олтинчи синфда Ў. Ҳошимов қаламига мансуб «Урушнинг сўнгги қурбони» номли ҳикоя устида иш бошлашдан олдин уни бир ўқиб олиши лозимлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳикояда муаллиф қийинчилик, кашшоқлик инсон маънавиятини синовдан ўтказувчи бир восита эканини оддий ўзбек оиласи мисолида, ўта самимий тарзда намоёиш эта билган. Асарни ўрганишга киришишдан олдин ўқитувчи унинг дастурдаги талқини билан танишиши, асарга қандай ёндашиши лозимлигини қатъийлаштириб олиши зарур. Бу талқин: *«Асарда қийинчилик инсон маънавиятини синовдан ўтказиш воситаси эканининг кўрсатилганлиги. Ҳикояда уруш йилларининг ҳаққоний тасвирланганлиги. Йўқчилик онани боладан, огани инидан совутганлигининг таъсирчан ифодаланганлиги. Асл одам ҳар қандай шароитда ҳам маънавий поклигича қолишининг тасвирланганлиги. Ҳикоядаги Шоикром, Шонеъмат, Хадича ва Умри хола образларига хос хусусиятларнинг ёрқин акс этганлиги»* тарзида ифодаланган⁶⁹.

Ҳикоянинг дарсликдаги тўлиқ матнини ўқиб чиқиш учун 25–26 дақиқа керак бўлади⁷⁰. Мазкур ҳикояни ўрганиш учун дастурда белгиланган икки соатнинг биринчиси ҳикоя матни билан ўқувчиларни таништиришга бағишланади. Ўткир Ҳошимов шахси ҳақида дарсликда берилган биографик материал 5-синфдаги ҳасби ҳолнинг бир оз ўзгартирилган варианты. Бу каби такрорлардан қочиб, ўқитувчи муаллифнинг ўз хотираларидан фойдаланса, дарс самараси ортиши аниқ:

«Мен 1941 йил 5 августда Тошкент биқинидаги Дўмбиробод қишлоғида тугилган эканман. Қишлоқда, тагин, пойтахт биқинидаги қишлоқда тугилганим тақдирнинг ҳадяси бўлса ажаб эмас. Негаки, ижодкорда қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли бўлиши керак.

Оиламизда бир қиз, тўрт ўғил бор эдик. Мен учинчи ўғил эдим...

⁶⁹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

⁷⁰ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot. Q. 1. – Т.: «Ma'naviyat», 2017. – 148–157-b.

Отамдан қаттиқ ҳайиқар эдик. Отам бирон марта ҳам биронтамизни бир тарсаки урган эмаслар. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатганлар: «Ҳозир аданг келадила, уйни сунуриб қўй», «Адангни жаҳллари ёмон, тинч ўтиринглар», «Адангни кетмонига тегма», «Адангни соатига қўл тегизма...» Билмадим, балки ҳозирги – замонавий оилаларга бизнинг ҳолат «феодаллик» бўлиб туюлар. Аммо бизнинг ошамизда ота шахсига сизиниши фарзандларга зиён келтирганини эслай олмайман...

Етти ёшга тўлар-тўлмас, акаларимга эргашиб, Думбиро-боддаги мактабга бордим. Бу – етти йиллик мактаб эди. Уни битириб, анча наридаги «катта» мактабда ўқишни давом эттирдим. «Икки эшик ораси» романида Музаффарнинг «катта мактаб»га бориши, «Алвасти кўприк», Бўрижар манзаралари ўша палладаги кузатувлар ҳосили бўлса ажабмас. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Ўқитувчиларда ҳам, ўқувчиларда ҳам аллақандай фидойилик бор эди... Ўқитувчиларимиз биз учун намуна эди. Кийинилиши ҳам, юриши-туриши ҳам... Айни пайтда домларимиз дарс ўта туриб, темир печкага ўтин ташилаб қўйишдан ҳам эринмасди. «Алифбе»ни ўргатган Маъсуда опани, фақат директор эмас, ҳақиқий ташикилотчи бўлган Одил акани, Зухриддин ака, Абдуусмон ака, Қўчқор ака, Марям опа, Абдували ака деган ўқитувчиларимни унутма олмайман.

Биринчи «шеърим»ни 5-синфда ўқиётганимда ёзганман. Эрта баҳор эди. Мактабдан келаётсам деворнинг кунгай этагида қоқигул очилиб ётибди. Ҳаяжонланиб кетиб «Олтин тугмача» деган «шеър» ёздим. Чамамда бу ўлгудек бемаъни шеър бўлса керак. Эсимда қолмаган. Фақат қоқигулни олтин тугмачага ўхшатганимни унутолмайман.

Урушдан кейинги авлоднинг болалиги қанақа ўтган бўлса меники ҳам шундай ўтган. Мен ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган ошлада вояга етганман. Ота-онам ҳаромдан ва ёлгондан ҳазар қилишни ўргатишган. Ҳалиям шу шиор билан яшайман. Фарзандларимга ҳам шуни уқтираман.

Болалигимдаги бир воқеани айтиб берай. Уйимиз ёнида жийдазор бўларди. У ерда мен тенгдош ўртоқларим билан сизир боқардим. Ўша пайтда сизирни ёғоч қозиқ билан арқонлаб қўярдик. Ёғоч қозиқнинг ёмон томони шундаки, қоқаверсангиз, синиб кетади. Бир кун жийдазордан темир қозиқ топиб олдим,

озгина арқони билан. Қозикни сизиримизнинг арқонига боғлаб, уйга келдим. Ярим кечаси адам уйготди. Кўлида темир қозик. «Қозикни қаердан олдинг?» деди. «Топиб олдим», деб жавоб қайтардим. «Қаердан?» «Қийшиқ жийданинг тагидан!» «Жийданинг тўғриси бўлмайди. Ҳаммаси қийшиқ бўлади», деди адам жаҳл билан ва «Қаердан олган бўлсанг, худди ўша жойга олиб бориб ташла, ҳозироқ!» деди. Ёш боламан, ярим тун бўлса, чакалакзор. Яна Дарҳон анҳорининг лопиллаб турган кўпригидан ўтиши керак... Албатта кўрқдим! Энди чиқиб кетаётгандим, менга раҳми келиб, акам эргашимоқчи бўлди. «Ўзи ташлаб келади!» деди адам қатъият билан. Амаллаб кўприқдан ўтиб, чакалакзор томонга қозикни улоқтириб, қайтиб келдим. Лабимга учуқ тошганини ҳисобга олмаганда ҳеч нарса бўлмади. Лекин уч-тўрт кундан кейин адам яна ёнига чақириб олдида, бундай деди: «Сен топиб олган қозикқа биров молни бойлагани аниқ. Агар ўша молни кимдир ўғирлаган ёки мол адашиб кетиб қолган бўлса-ю, қозик бизнинг уйдан чиқиб, ўша одам сени ўғри гумон қилса нима бўлади? Биз нима деган одам бўламиз?» Мана шу воқеа менга бир умрлик сабоқ бўлган.

Болалигимда осмонга, юлдузларга тикилишни яхши кўрардим. Назаримда ҳар битта юлдуз мени ўзига чақираётгандек бўларди...»

Муаллиф хотираларининг кейинги қисми болалардан ҳам кўра ўқитувчининг ўзи учун муҳим. Ўқитувчининг ўзи ҳам муаллиф ҳақида қанча кўп билса, унга бўлган муносабати шунча тиниклашади ва бу дарс жараёнида ўқитувчининг гап-сўзи, муносабати асносида ўз самарасини беради:

«Менинг боболарим ўз даврининг машҳур кишилари бўлишган экан. Жумладан, бобокалоним – отамнинг боболари Абулқосимхон эшон Туркистон тарихида чуқур из қолдирган улуғ шахслардан бўлган эканлар.

Тошкентда, Халқлар дўстлиги саройи билан Олий Мажлиснинг муҳташам биноси ўртасида қадимий обидида – мадраса бор. Мана шу обидани 1832 йили Абулқосимхон эшон бунёд этган эканлар. Бу зукко инсон ўзбек тилидан ташқари араб, форс, рус ва бошқа тилларни мукаммал билган, Туркистоннинг Чор Россияси томонидан босиб олинishiга қарши курашининг голавий раҳнамоларидан бири бўлган эканлар. 1899 йили Санкт-

Петербургда нашр этилган «Мусулмонликка оид материаллар тўплами» китобида бундай деб ёзилган: «1892 йили вафот этган Абулқосимхон эшоннинг Тошкент ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб муридлари бўлиб, улардан келган маблағлар ва вақф ерларидан тушган даромадлар ҳисобидан эшон 30 минг олтин сўмга мадраса қурдирган. Бу мадрасада 100 – 150 талаба таҳсил олган... Унинг аҳоли орасидаги нуфузи ниҳоятда баланд бўлган...» Мадрасада фақат диний эмас, дунёвий илмлар ҳам ўргатилган.

...1892 йили Тошкентда вабо касали тарқалади. Устига-устак келгиндилар зулмидан тинкаси қуриган халқ қўзғолон кўтаради. Тарихга «Вабо қўзғолони» номи билан кирган миллий-озодлик ҳаракати бошланади. Чор ҳукумати аскарлари эски шаҳарга бостириб кирган қиргин чоғида Абулқосимхон эшон муқаррар ўлимни бўйнига олиб, ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревский номига рус тилида ариза ёзиб, унинг олдига боради. Босқинчи аскарлар Тошкентнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмидан (эски шаҳардан) олиб чиқилмаса, оқибати иккала томон учун ҳам фожияли бўлишини тушунтиради. Губернатор буйруғи билан «саллотлар» шаҳардан олиб чиқилади.

Кейин эса ундан ҳам гаройиб ҳодиса рўй беради... 1892 йил 30 июнь кuni Абулқосимхон эшон Хўжа Аҳрор жоме масжидида минг-минг одамлар орасида ваъз айтиб, Тошкент аҳли бир балодан қутилгани – босқинчи аскарлар шаҳардан олиб чиқилгани билан халойиқни қутлайди ва тагин бир офатни – вабони ўзи билан олиб кетиш ниятида эканини айтиб, Аллоҳга илтижо қилади. «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумов «Фон Кауфман – Туркистон ўлкасининг ташиқлот-чиси» номли мақоласида бу ҳайротомуз ҳодиса ҳақида шундай деб ёзади: «Шундан сўнг мункиллаган ёшида сўнгги кунлардаги воқеалардан («вабо қўзғолони»дан, демоқчи) қаттиқ ларзага тушган муҳтарам Абулқосимхон тезда – 4 июлда вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, вабо барҳам топди, тошкентлик сартлар буни унинг вафотига нисбат бердилар...»

Аждодларим тўғрисида бу қадар батафсил тўхталганимнинг сабаби шундаки, эллик ёшга чиққинумча боболаримнинг ким бўлганини билмаганман. 1991 йил таниқли олим ва журналист Сирожиддин Аҳмедов шажарамиз тўғрисидаги маълумотни

қўлимга топширди. Кекса ёшдаги қариндошларимдан бу далилларни нега менга айтишмаганини сўраганимда жуда асосли жавоб эшитдим. Гап шундаки, агар бу гапларни билганимда қаердадир айтишим ёки ёзишим муқаррар эди. Шўро сиёсати эса «халқ душманлари»га алоқадор бўлган одамни кўкартирмаслиги аниқ эди...».

Ўқитувчи «Урушнинг сўнгги қурбони»ни ўрганишга ажратилган икки соатни яхлитлаши, яъни иккала академик соатдан бир кунда қаторасига фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда ўқувчиларнинг матн ўқиши давомида олган таассуротлари, кўнгилларида пайдо бўлган изтироб, ачиниш сингари ҳиссиётлар асар устида ишлаш жараёнида «иссиғида» тилга чиқа бошлайди. Улар таҳлил мобайнида тугилган фикрларига руҳиятида пайдо бўлган туйғуларни ҳам кўшиб ифодалайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ўз-ўзини тафтиш қилиш демакдир. Бу ёшдаги ўқувчиларнинг руҳий кечинмаларини бир-бирларидан яширмай, тортинмай, уялмай ифодалаши уларда шахслик сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир этади.

Муаллим ҳикоя матнини ўзи ўқиб бериши шарт ва ўқиш жараёнида Шоикромнинг ҳолати ифодаланган ўринларни, унинг фикрларини толиққан овоз билан, онанинг сўзларини юмшоқ, Хадичанинг овозини қалбакироқ оҳангда, муаллифнинг сўзларини катъийроқ, Шонёъматнинг овозини дардли, синик тарзда ифодалай олишга эришиши асарнинг таъсир кучини ошириши тайин. Шоикромнинг пушталар орасида мукка тушиб ётган онасини кўргандаги ҳолати ва қичқирғини ўқиш жараёнида табиий ифодалай олиш учун ўқитувчи шу ҳолатни тўлиқ ҳис қилиши, ўзини бунга тайёрлаши лозим.

Овоз чиқариб ўзгалар учун ўқиладиган асарнинг таъсир кучини бошқалар ҳам тўлалигича туйиши учун муаллифнинг, ўқиётган кишининг туйғулари овозида ифодаланиши керак. Бу ҳолатни сунъий равишда ясаб бўлмайди. Ясалган нарса кўнгилники эмас ва у ўзгаларга ҳам исталганидек таъсир кўрсата олмайди. Кўнгилда нотабиий, носамимий туйғуга жой йўқ.

Ҳикоя ўқиб бўлингач, ўқитувчи бир оз тин олиши, тингловчиларини кузатиши лозим. Улар қандай ҳолатдалигини, ҳикоя қаҳрамонлари руҳияти, кечмиши, дард-изтироблари ўқувчиларга қандай таъсир этганлигини аниқлаб олгани маъқул.

Шундан сўнг асар ўқилиши жараёнида ўқувчилар кўнглида пайдо бўлган турли ҳисларни уларнинг тилига олиб чиқиш учун бир катор саволларни ўртага ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

*«Асарнинг асосий мазмунини сўзлаб бериш»*⁷¹ олтинчи синф ёшидаги ўқувчи қиладиган иш эмас. Бунинг ўрнига ўқувчилар диққати Шоикромлар рўзгорининг файзсизлигини ифодаловчи лавҳага тортилгани маъқул. Ўқувчиларни кўпдан бери дам олмаган, боши ташвишлардан чикмайдиган, етишмовчиликлар исканжасида қолган киши кўзига аслида ғариб ва файзсиз бўлган тирикчилиги ниҳоятда хунук кўриниши табиий эканлигини англашга ундаш керак: «Рўзгор жихозларининг Шоикром кўзига бу қадар совуқ кўриниши сабаблари нимада деб ўйлайсиз? Ҳамма рўзгорда бўладиган уй анжомлари нима учун Шоикромнинг кўзига бу қадар хунук кўриняпти? Гап рўзгор буюмларидами ёки Шоикромнинг кайфиятидами?» Ҳикоя матнида бунинг сабаблари тасвирланмаган. Лекин матн замиридан, асардаги ҳар бир деталь тасвирида файзсизлик сабаблари кўришиб турибди. Ўқувчилар рўзгорнинг бундай тароватсизлигига Шоикромнинг хотини ёки унинг ўзини айбдор деб қарашлари ёки бошқа бир сабаб билан изоҳлашлари мумкин. Муҳими, улар ҳикоя персонажларига бефарқ бўлмасалар, ўзгалар ташвишини чекишга, бировларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришга уринсалар бас.

Таҳлил иштирокчилари ҳикоя қаҳрамонининг безовта ўйларга ботганлиги, унинг руҳий дунёсидаги нотинчлик билан табиатдаги ҳолатнинг: *«Ярим кеча бўлиб қолган, атроф жим-жит. Фақат олисларда ит улийди. Айвон тўсинидаги узун миҳга илиглиқ лампочка хира нур таратади. Чироқ атрофида ўралашган чивинлар бир зум тинмайди... Қаёқдандир шамол келди. Ҳовли этагидаги ёнғоқ шохлари бир гувиллаб қўйди»* сингари ички безовталиكنинг сабабларини топишга уринишлари зарур. Шоикромнинг руҳий дунёсидаги нотинчлик билан итнинг улиши, шамолнинг келиши ва ёнғоқ шохларининг гувиллаши орасида қандай алоқадорлик бўлиши мумкин? Бу тўрт безовталик тонгда юз бериши мумкин бўлган фалокатнинг хабарчисимикин? «Танқидчи»лар кийналиб қолишганда ўқитувчининг шу каби

⁷¹ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot Q. 1. – T.: «Ma'naviyat», 2017. – 157-b.

кўшимча саволлари ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини маълум ўзганга солиб юбориши мумкин.

Қаҳрамонлар ҳақида ўйлаш, мулоҳаза юритиш, уларнинг кундалик ҳаёти, кечинмалари, хатти-ҳаракатларини тафтиш қилиш, баҳолаш жараёнида ўқувчилар ҳам аклан, ҳам руҳан фаоллашиб, улғая борадилар. Ўқувчилар таҳлил ўрнига асар воқеаларини қайта ҳикоялашга киришиб кетмасликлари керак. Устоз асарнинг таҳлили матндан эстетик таъсирланиш, таҳлил асносида инсонни, унинг руҳий оламини теран ҳис қилиш – ўзликни ўрганишга олиб боровчи илмий-педагогик жараён эканини унутмаслиги ва буни ўқувчиларига ҳам билдириб кўйиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Эътибор қилинса, ҳикоя бошдан-оёқ маҳзун оҳангда битилган. Чунки асарда тасвирланган тақдирлар, шу тақдирлар намоён бўлган воқеалар, ушбу воқеалар рўй берган даврнинг ўзи қайғуга уйқаш, уруш даврининг оҳанги эса ўқ ва йиғи овозига эш эди. Маълумки, ўқ овози ҳам, йиғи товуши ҳам шодликни эслатмайди, қайғуни, ғамни ёдга солади, шуларни келтириб чиқаради. Ана шу ҳаётий оҳанг ҳикояга кўчган. Айни шу сифат унинг таъсир даражасини янада оширган. Ҳикоянинг жиддий таҳлили ўқувчиларни ҳаётнинг нечоғлик мураккаб эканлигига, одам ва унинг амаллари ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бўлавермаслиги, у ҳақда фикр айтиш, муносабат билдириш ҳамиша ҳам осон кечавермаслигига имон келтиришга мажбур қилади.

Асардаги Хадича образининг табиатини баҳолаш учун ўқувчилар унинг бешикда ётган боласига, эрига, қайнонасига муносабати, рўзғор тутуми ҳақида фикр билдиришлари лозим бўлади. Ўшанда ҳам жиззаки, айни вақтда, эри ва фарзандларига меҳрибон, тиниб-тинчимас, аммо бахти қаро бу аёлнинг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида қатъий хулоса айтиш мушкул. Оғир турмуш, йўқчилик ҳар бир одам учун синов, баъзилар учун эса, тўқчилик ва фаровонлик ҳам ўзига хос бир синов. Ҳамма ҳам бу синовлардан бирдай ўта олмайди. Одамга хос асл фазилатлар ана шундай мушкул вазиятларда ўзини кўрсатади. Хадичанинг шахсини очувчи жиҳатларнинг ҳар бири савол-топширикқа айлантирилса, унинг феъл-атвори ўқувчилар томонидан очилиб, хатти-ҳаракатлари, муомаласидаги яхшилик ва ёмонлик сабаблари англашилади.

Шоикром тимсолини Хадичаданда мураккаб дейиш мумкин. У – табиатан фикр кишиси, мулоҳазали одам. Адиб бунинг ҳикоянинг бирор ўрнида айтмаган бўлсада, тасвир мароми у ҳақда шу таҳлит хулоса чиқариш имконини беради. Ўқувчилар олдига рўзгорнинг файзсизлиги, кунлар исиб кетган бўлсада олиб қўйилмаган сандал нима учун айнан бугун унинг гашини келтираётгани ҳам мулоҳаза қилиб кўрилиши керак. Унинг ўн кундан бери укасининг ҳолидан хабар ололмай (У ишдан қайтгандан кейин, гарчи укаси ухлаб қолган бўлса ҳам, унинг олдига бирров кириб чиқиши ўзининг рухий хотиржамлиги учун хизмат қилган бўлардими?), унинг оғзига бир коса сут тутолмаганидан эзилиши, ўзидан нафратланишига эътибор қилиниши керак. Ҳикояда ўқувчилар диққат қаратишлари лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат бор: Шоикром овқат борлигини била туриб нега аёлини онасига овқат беришга мажбур қилмади? Бунинг ўрнига, онасидан овқатни қизганган хотинини тушинишга ҳаракат қилди. Она уйдаги аҳволни билади, ўша овқатни емаслиги ҳам мумкин эди. Онасига овқат обкелтириш Шоикромнинг фарзандлик бурчи эмасмиди? Агар шундай қилолганда, унинг кўнглидаги изтироблар ҳам бир оз камайган бўлармиди? Шу жиҳатларнинг ҳар бирига алоҳида муносабат билдириш таҳлилни чуқурлаштиради.

Шоикром – қаҳри қаттиқ ҳам, меҳрсиз ҳам, ёвуз ҳам эмас. Хўш, бунинг учун урушни, кашшокликни айблаш керакми? Ёки у табиатан иродасиз-у вазият қийинлашганда синовлардан ўтолмаяптими? Балки у вазиятнинг қулидир? Вазиятдан қандай чиқишни билмагани учун хаёлига ўғридан қасос олиш фикри келганида вужуди титраб кетсада, аҳдидан қайтмагандир? Разолатга қарши қабоҳат йўли билан курашмаслик кераклигига ақли етмагандир? Шунинг учун ҳам ўзи билмаган, истамаган, хаёлига ҳам келтирмаган ҳолда қотилга айлангандир. Яна, ўз онасининг қотилига... Ўқувчилар бу қадар мураккаблик қаршисида қанчалар кўп ўйга толсалар, шунча яхши. Чунки уларда шу тарика ҳаётини қараш, нуқтаи назар шаклланади.

Асардаги она тимсоли таҳлил қилинаётганда ўқувчилар Умри хола катта ўғлинининг олдига чиқиши ва: *«Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй сути ичса дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди»*, - дея «ўзига

гапиргандай секин кўшиб кўйиши» сабабини ўйлаб кўришлари лозим. Улар камгир нега кулупнайни ўғлидан сўраб кўя қолмаганининг боисини аниқлашга уриниб кўришлари керак. Бор овқатни ўз онасига бердира олмаган катта ўғилдан она кичик ўғли учун кулупнай сўраши мумкинмиди ёки йўқми? Ўқувчилар онанинг хатти-ҳаракатларини шу жиҳатдан баҳолашга уриниб кўришлари зарур. Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг иккинчи томони эса: **«Ўғрилик – ким томонидан, нима мақсадда қилинишидан катъи назар ёмон»**

Халқимизда ҳар қандай шароитда ҳам ўғрилик ёмон деган ахлоқий қараш мавжуд. Умри хола эса ўғрилик қилди. Бемор ўғли учун бўлса ҳам. Бегонаникига эмас, ўз ўғлиникига бўлса ҳам ўғриликка кирди. Ўқувчилар, гарчи бундай ҳуқуқ ҳеч кимга берилмаган бўлсада, онанинг хатти-ҳаракатларига маънавий қозилик қилишга уриниб кўришсин. Умри хола бошқачароқ иш тутиши мумкинмиди? Асарнинг дастурий талқинида айтилган «Асл одам ҳар қандай шароитда ҳам маънавий покликка қолиши» ҳақидаги фикрга ўқувчилар нима дейишаркин?

Маълумки, Аллоҳнинг бандалари олдида кўйган маълум талаблари бор. У бандаларини қайсидир фазилатлари учун рағбатлантиради, қандайдир сифатлари учун жазолайди. Ўғрилик – иллат. Яратувчи қудрат буни иллат деб белгилаб кўйган ва минг йиллар давомида исломий фалсафа асносида бу қараш бизнинг маънавиятимизга жуда чуқур сингиб кетган. Шу маънода, чинакам инсон ҳар қандай вазиятда ҳам Аллоҳнинг ҳақиқатларига хиёнат қилмайди. Ўқувчилар мана шу ҳақиқатларни англаб етсалар, одамнинг фаолиятини баҳолаш нечоғлик қийин эканини теранроқ тушунишлари мумкин бўлади. Эҳтимол, ўқувчилар асардаги фожиа ва бахтсизликлар сабабчиси сифатида урушни кўрсатишар?! Балки кимлардир Шоикромни хасислигу, қасоскорликда айблар, баъзилар бетгачопар Хадичани ҳам фожиа сабабчиси санар. Гап котилни аниқлашда, айбдорни топишда эмас. Асосий мақсад ҳикояда тасвирланган инсоний тақдирларга ўқувчиларнинг бепарво бўлмасликлари ва уларга астойдил муносабат билдиришларидан иборат. Тўғри ва нотўғрини, ҳалол билан ҳаромни фарқлашга йўналтиришдан иборат.

Муаллиф онанинг қурбон бўлишига уруш айбдор деган фикрни ўтказишга мойил. Асарнинг номланиши ҳам шунга

ишора. Аммо бугунги кун ахлоқи, бадий матнга янгича ёндашиш, таҳлилда ижтимоий йўналишга эмас, балки эстетик асосларга таяниш туфайли асарнинг кейинги умри бошланиши, ундан адиб ўйламаган маъноларни кашф этиш имконини беради. Ўқувчилар айна шу жараённинг фаол иштирокчиларига айланишлари лозим.

Дарс охирида ҳикоянинг давомини яратишни ихтиёрий уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Хохловчи ўқувчилар ҳикоя қахрамонларининг кейинги ҳаётини қандай тасаввур қилишларини қоғозга тушириб келсинлар. Бу топширик қобилиятли ўқувчиларнинг тасаввурини бойитиш ва кенгайтириш, ижодий фикрлаш кўникмасини ўстириш, ҳаётга, инсонга муносабатини тиниклаштиришга замин тайёрлайди.

«ЮЛДУЗЛАР МАНГУ ЁНАДИ» ва муаммоли таълим.

Муаммоли таълим билимларни сермахсул ва ижодий ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчининг ижодий фаолиятини кучайтиради.

Тоғай Мурод адабиётга ўз тили, ўзигагина хос бўлган услуби билан кириб келди. Унинг миллий гурур, эркаклик шаън улуғланган, инсон «мен»ини жамики ингичка туйғулари билан очиб бера билган асарлари, гарчи насрда бўлса ҳам, Саид Аҳмад айтмоқчи «қўшиқлар»дир.⁷² Битикларининг ўзига хос ўқилиш оҳанги худди халқ дostonлари сингари қуйилиб келаверади. Одатда, ҳар қандай такрор китобхоннинг ғашига тегади. Лекин Тоғай Муроднинг такрорлари кўнгилга хуш ёқади. Адибнинг асарларини ўқиган ҳар бир ўзбек қалбида гурур, фахр ҳисси пайдо бўлади. Қиссалар ўқилган сари Сурхон воҳаси йигитлари қонида мавжуд бўлган эркакча гурурнинг илдизларини англагандай бўлади киши. Тоғай Муроднинг ҳар бир сўзи кўнгил қаъридан дард бўлиб ситилиб, изтироб бўлиб сизиб чиққан. Ўзи суймаган, ўзи қуймаган, ўзи ёнмаган қалб ўзга қалбларни суйдириб, қуйдириб, ёндиролмагани сингари муаллиф қуйиқлари билан ўқувчисини қуйдиради, унга ўз оғриқларини «доқтиради».

⁷² Тоғай Мурод. От кишнаган оқлом. Сўзбоши. – Т.: «Шарқ», 1994. – 464 б.

Ёзувчи қисса ва романларининг китобхонлар калбида чуқур ўрнашиб қолиши сабаби ҳам шунда.

Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасини ўрта мактабнинг олтинчи синфида ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган⁷³.

Одатда, ёзувчи ва шоир ҳақидаги дарсликларда берилган йиллар ҳисобидан иборат биографик маълумотга ўқитувчилар дарснинг бир соатини сарфлайдилар. Бу ўқувчиларнинг вақтини ўғирлашдай гап, аслида. Лекин ўқувчилар Тоғай Муроднинг услубини тушунишлари, ёзганларини ҳис қилишлари учун унинг таржимаи ҳолига алоҳида тўхталиш керак бўлади. Алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, Тоғай Мурод ҳақида дарсликда тақдим этилган материал⁷⁴ анчагина бой ва у шу мақсадга маълум даражада ҳисса қўшади. Ўқувчилар муаллифни шахс сифатида қанча яхши билсалар, унинг услубини, асарлари тилини шунча осон қабул қиладилар. Ўзини яхши кўриб қолсалар, ёзганларини ҳам севиб ўқийдилар. Тоғай Мурод таржимаи ҳолини ўрганишга ажратилган дарсда ўқитувчи дарсликдаги маълумотномага қўшимча равишда «Отамдан қолган далалар» китоби охирида берилган «Мен» автобиографик мақоласи ва «Мен қайтиб келаман» номли адиб ҳақидаги хотиралар китобидан фойдаланиши мумкин.

«Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман.

Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шуҳрат қозонмадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим...

Бир чақасиз кунларим бўлди. Ижара ҳақини тўлай олмай ижарадан ҳайдалмиш кунларим бўлди. Бошпанасиз кунларим бўлди. Мен қишлоғимга қайтдим.

⁷³ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

⁷⁴ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot Q. 2. – Т.: «Ma'naviyat», 2017. – 123–127-b.

Онам сандиқ ковлади. Латталар остидан бир туғунча олди. Туғунчадан беш-олти сўм пул чиқди... Бу пул... онамни... ўлимлик пули бўлди.

Мен деворни ушлаб қолдим.

-Олмайман... - дедим.

-Ол, сен шоир бўлсанг бўлди, ол, - деди онам.

-Йўқ... - дея бош чайқадим.

-Ол, сен шоир бўлмагунингча мен ўлмайман, - деди онам. - Мен сенинг шоирлигингни кўрмагунимча ўлмайман.

Мен тагин Тошкентга қайтиб келдим. Мен энди онамнинг ўлимлик пули билан тирикчилик кечира бошладим...

Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор...

Ниҳоятда... ниҳоятда саноқли кунларда «Юлдузлар мангу ёнади» номли биринчи қиссамни яратдим...

Қисса элга манзур бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Кеч кузда юртимга йўл олдим. Узун қиш кўпқарихона – иш жойим бўлди, чавандозлар – ҳамхонам бўлди, отлар – биродарим бўлди.

Ниҳоят кўкламда «От кишнаган оқиом» номли иккинчи қиссамни журналга кўтариб келдим...

Қисса адабиёт осмонида бир момақалди роқ бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди.

Мен бир қишни юртим чорбоғида қишладим. Сўфи Оллаёр бобо билан қабатма-қабат ётиб, «Ойдинда юрган одамлар» номли қисса битиб келдим.

Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси қиссаларимга Ойбек мукофотини берди...

Мен бу мукофот пулини зиндонлардан ахборот олиш учун сарфладим... Дала шийпонини макон этдим. Деҳқонлар ўтирса – ўтирдим, деҳқонлар турса – турдим. Мен деҳқон бўлиб чигит экдим!

Мен деҳқон билан пахта тердим... Сурхон далаларида олти ой кездим...

– Мен ўзбек халқига ҳайкал қўяман!

Ниҳоят, орзуларим оқибати – ушбу («Отамдан қолган далалар») роман бўлди...»⁷⁵

Мана шу лавҳа Тоғай Муроднинг кимлигини, қандай инсонлигини, қай йўсин элга манзур ёзувчи бўлганини ўз сўзлари орқали кўрсатиб беради. Хотиралар китобидан олинган тубандаги парчалар ҳам ўқувчиларнинг адиб ва унинг асари ҳақидаги тасаввурларини тиниқлаштириши табиий:

«Бир суҳбатимизда Тоғай: «Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Ҳар қандай зўравон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан қўрқаман. Ўлай агар, жуда қўрқаман», деганди...

«Юлдузлар мангу ёнади» деган биринчи қиссасини... Тоғай танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору кузларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб, бир дарвеш қиёфасига кириб, далли девона бўлиб ёзди».

Саид Аҳмад.

«У бир қарашда ҳаддан зиёд гурури голиб йигитга ўхшарди. Бир қарашда кўпол, манман, ҳеч кимни назарига илмайдиган одамдай туюларди. Кейинроқ маълум бўлдики, Тоғай Мурод манман эмас, аксинча кўнгли нозик, камчиликлари ҳам, фазилятлари ҳам ўзига хос, гаплашиши усуллари ҳам алоҳида бир дунё экан».

О. Ёкубов.

«Агар ёзувчининг ўзи шахс бўлмаса, у яратган асарлар ҳам бирор қийматга эга бўлмайди. Тоғай Мурод асарлари унинг шахсини кўрсатиб туради...

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси... фақатгина кураш ҳақида эмас, инсоннинг ори ҳақидаги китоб. Инсоннинг гурури, унинг нималарга қодирлиги ҳақида ёзилган мардона китобдир».

Маҳмуд Саъдий.

*«Тоғай Мурод дегани – тоғдай мурод дегани,
Кетганлигин хабари – фигон, фарёд дегани,
Келганида одамдай қувонган, кетганида –*

⁷⁵Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. –Т.: «Шарк» НМАК, 1994.

Одамдан баланд уввос кўтарган от дегани.

...Одамлар-ов, кетар чогида юракларни ларзага солиб, бор дунёни йиғлатиб кетиш ҳам ҳамманинг қўлидан келадиган иш эмас. Демак, Тоғайда бизнинг кўпчилигимизда йўқ нимадир бор, бор эдида...».

Ҳ. Худойбердиева.

«Тоғай Мурод адиб бўламан, деб Тошкентга келган эди, арбоб, раҳбар, сиёсатчи, вазир, сарой мирзоси бўлиб кўтарилмади. Нафсга сотилмади, амалга қул бўлмади, замонга, тузумга ялтоқланмади. Мен бундай метин иродали, қатъий сўзли, қатъий амалли адиб, фақат ёзувчилигини қилган, қилганда ҳам ёниб-куйиб, бошқа ҳеч нарсани ўйламай, энди дурдона бўлиб қолган асарларни яратган ўзбек ёзувчисини кейинги чорак асрда бошқа кўрмадим...»

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссасининг бош ҳикмати – ким дўстга хиёнат қилса, инсонларни алдаса, унинг алдови охир-оқибат ўзининг қисматига кўчади, ҳақиқатга айланади, адиб асари орқали сен нимани сўзда ўзинга раво кўрсанг, Ҳақ сенга шуни қисмат қилиб беради, деб ҳайқиради».

В. Файзуллоҳ⁷⁶.

Ўқитувчи биринчи дарсни мана шу материаллар устида ишлаш билан якунлайди. Уй вазифаси сифатида «Тоғай Мурод шахсига муносабатим» мавзусида ихтиёрий уй иншоси ёзишни топшириши мумкин. Бундай иншони кўнглида адабиётга, бадиий сўзга мойиллиги бор ўқувчилар ёзадилар. Улар диққат билан ўқилиши, улар ҳақида ўқитувчи томонидан мантиқли фикрлар айтилиши ижодкор ўқувчини руҳлантиради. Аллоҳ бадиий сўз битиш қобилиятини бериб қўйган ўқувчилар иқтидорини шу тариқа ривожлантириб бориш ўқитувчи олдидаги энг катта вазифадир.

Тоғай Мурод ижодини ўрганишга ажратилган иккинчи ва учинчи соатлар она тили дарси ҳисобидан бир кунга бирлаштирилиб, ўқувчиларнинг асардан олган хайрат ва ҳаяжонлари тарқамай, туйғулари совумай туриб матн таҳлилига

⁷⁶ Мен кайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. – Т.: "Янги аср авлоди", 2007.

киришилса, уларнинг безовта рухий ҳолатларидан маънавий камолот йўлида унумли фойдаланилган бўлади. «Юлдузлар мангу ёнади» қиссасининг «Адабиёт» дарслигида⁷⁷ берилган бобларини ифодали ўқиш учун тахминан 45 дақиқа керак бўлади. Синфдаги барча ўқувчиларнинг асардан тўлиқ баҳраманд бўлишини таъминлаш учун уни бошидан охир ўқитувчининг ўзи ўқиб бериши керак бўлади.

Дарсликдаги матн ўз оҳангида ўқилиши, тўғрироғи, куйланиши керак. Ўқитувчи асарни ўқиш жараёнида болаларни сеҳрлай билиши, муаллифни ўқувчиларига севдириши шарт. Агар ўзи Тоғай Мурод услубини яхши тушунган, муаллифни англаган ва уни «яхши кўриб қолган» бўлса, бунга зўриқишларсиз, ортиқча куч сарфламай, табиийлик билан эришади. Чунки қисса ўз қироат оҳанги билан туғилган. Фақат ўқитувчи адиб туйғусларини ўз овозига кўчира билса бас. Бунинг учун муаллим уйда пухта тайёргарлик кўриши, ажратилган вақт ичида асар матнининг қаерини қай алфозда ўқишини аниқлаб олиши керак бўлади.

Йиллар давомида ўқувчилар ўқиб таҳлил қилган бадиий асарларнинг ёзилиш услуби бир-бирига анча яқин. Ўқувчилар шу услубга ўрганиб қолишган. Лекин Тоғай Муроднинг услуби тамомила янгича бўлгани учун унинг ўзига хос тили болаларга эриш туюлиши, улар ўрганмаган такрорлар сал ғашларини келтириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи эҳтиёт бўлиши, ўқиш жараёнида такрорлар талаб қилаётган оҳангни топа олиши зарур. Асарни ўқий бошлашдан олдин, ёзувчининг ўзига хос услубига қисқача изоҳ бериши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсликда асардан берилган боблар ўқиб бўлингач, ўқитувчи «Бўри полвон яхши одам, зўр курашчи, лекин ёмон ота!» шаклида ёхуд шунга ўхшаш йўсинда ўқувчиларни рухий мувозанатдан чиқариб, фикрлашга йўналтирадиган, болаларнинг эътирозларини кўзгаб, полвон бобо ҳимоясига отилиб чиқишга мажбур қиладиган муаммоли масалани ўртага ташлаши мумкин.

Бўри полвоннинг кўнгил дардлари, мағрур инсоннинг мағлубият аламлари қуршовида чеккан изтироблари ўз туйғуларига айланган, ҳар бир курашчининг орини ўз ори билиб

⁷⁷ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot Q. 2. – T.: «Ma'naviyat», 2017. – 128–144-b.

ёндашаётган баковул бобонинг ҳалоллигини, орчиллигини туйиб турган, даврага тушаётган полвонларнинг ҳар бирига хос кечинмалар юракларини тебратган ўқувчилар Бўри полвоннинг ёмон ота эмаслигини исботлашга уринишлари табиий. Бўри полвон – кимнингдир ҳимоясига муҳтож қаҳрамон эмас. Лекин ўқувчилар ўзлари шундай одамларнинг фазилатларини кўра билишга, уларни кадрлашга, ҳимоя қилишга, зарурат туғилганда ўз фикрлари учун курашишга, таъбир жоиз бўлса, уларга ўхшашга эҳтиёжманд шахслар бўлиб шаклланишлари учун уни туйишлари зарур бўлади. Бу уларнинг маънавий камолотлари белгиси, адабиёт дарсларининг вазифасидир.

Шу муаммо атрофида мулоҳаза юритиб асарнинг таҳлилин тўлиқ амалга ошириш мумкин. Муҳокама «боши берк кўча»га кириб қолса ёки масаланинг моҳияти очилмай фикрлар тугаб қолса, таҳлил якунига етиши учун ўқитувчи вазиятдан келиб чиқиб ҳар хил қўшимча саволларни ўртага ташлаб, баҳсни давом эттириши керак бўлади. Токи, ўқувчи Бўри полвондек баланд инсонлар ҳар қандай вазиятда, ҳатто, ўз жигаргўшаси, жонидан азиз фарзанди тақдири билан боғлиқ бўлганда ҳам ҳалолликдан юз ўгиролмаслигини, манфаатни оридан юқори кўя олмаслигини англаб етсин. Ўқитувчи савол-топшириқлар ёрдамида ўқувчиларини полвон бобони англаб етишга йўналтириши керак. Болаларнинг ўзлари ҳукм-хулоса чиқариб, маълум тўхтамга келгани уларда шахслик сифатларининг шакллана бошлаганидан далолатдир.

Ўқувчилар асарнинг моҳиятига тўлиқ киришлари учун ўқитувчи дарсликдагига қўшимча савол-топшириқлар тайёрлаши, уларни кетма-кет ўртага ташлаб, ўқувчилар билан ҳамкорликда жавоб излаб, уларни муносабат билдиришга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, ушбу жараёнда тарбияланувчиларнинг фикри қай даражада асосланганига, нимага таяниб шундай дейишаётганига диққат қилиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асар таҳлиliga киришиб, Садир полвон спорт устаси Максим полвон билан даврага чиқмаганда шўрчиликларнинг «илкис пичинги» Бўри полвонга нима учун бунча қаттиқ теккани, Амир полвоннинг жавобидан «меҳмонлар олдида изза бўлгани»нинг сабаблари ҳақида ўқувчиларнинг фикри сўралади. Бу Бўри полвон табиатидаги қандай хислатдан далолат беради?

Ўқувчилар бу саволларга жавобни матндан излаб топишлари, муносабат билдиришлари керак бўлади.

Кекса Нормурод полвонни даврага етаклаб чиққан туйғу ҳақида фикр айтиш учун шу лавҳани қайта ўқиб чиқишга тўғри келади. Бу – бир даражада вақтни олсада, асарни тўлик «ҳазм» қилишнинг энг самарали йўли. «Нормурод полвонни даврага тушишга ундаган куч нима? Ҳар иккала полвон бобо ўртасида қандай тафовут борлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Полвонларнинг қай бири орчилроқ?» савол-топшириқлари ўқувчиларни иккала полвонни қиёслаб ўрганишга йўналтиради. Боболарнинг табиатини англашга туртки бўлади.

XIX бобда Бўри полвоннинг: *«Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ!.. ...Авлодлар алмашган сайин... юрак йўқолиб боряпти. Жасад бор! Ақл бор! Юрак йўқ! Тўрт муча бор! Куч-қувват бор! Юрак йўқ! Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига бормади...»*⁷⁸ деган фикри бор. Ўқувчилар полвон бобонинг бу қарашлари устида мулоҳаза юритишлари керак: «Ҳозирда йўқолиб бораётган урф-одатларимиз қайсилар? Бунинг сабабчилари кимлар? «Юрак» деганда Бўри полвон нимани назарда тутаётган бўлиши мумкин? У ҳақми ёки ноҳақми? Бугунги авлод, яъни синфдаги ўқувчилар мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига боролмаслиги ростми? Агар шундай бўлса бунинг сабаби нимада?» сингари савол-топшириқлар кўмагида ўқувчилар бу қарашларнинг моҳиятини англашга уринадилар. Бўри полвон тилидан айтилган бу ҳикматона сўзларга ким кўшилади, кимдир кўшилмайди, лекин ҳар бир ўқувчи нега шундай хулосага келганини асослаб беришга уринади.

Бўри полвон ҳам идеал шахс эмас, хом сут эмган банда сифатида хатоларга йўл қўйган. Унинг бу камчилиги ёш Исмоил полвонга муносабати тасвирланган қалтис ва таҳликали лавҳалар таҳлили асносида кўзга ташланади. Шу ўринда ўқувчилар диққатини Тоғай Муроднинг ёзувчилик маҳоратига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда, бадий асарларда ижобий образлар гўзал, ҳеч қандай камчиликларсиз тасвирланади. Аслида

⁷⁸ Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot Q. 2. – T.: «Ma'naviyat», 2017. – 133-b.

идеал даражада яхши одам бўлмагани сингари том маънода ёмон одам ҳам йўқ. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша фазилат ва ишлатлари мавжуд. Мукамаллик фақат Аллоҳга хос. Бўри полвоннинг Исмоил полвонни менсимай қилган хатти-ҳаракатларига асосланган ҳолда одамнинг бир зумлик манманлиги бир умрлик даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин экани тадқиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи томонидан: «Хўш, нима деб ўйлайсиз, Исмоил полвон ҳақиқатдан ҳам зўр полвонмиди ёки бу мағлубиятнинг бошқа сабаблари борми?» тарзида даврага ташланган саволга жавоб излаш жараёнида ўқувчилар юқоридаги ҳақиқатни англайдилар. Бўри полвондай мағрур, орчил эр йигитнинг «*ҳўнг-ҳўнг йиғлашига*», «*сел-себор йиғлашига*» диққат қиладилар. Полвонни ҳис қилганлари, тушуна борганлари сари унинг учун диллари оғриб, у билан бирга Исмоил полвонни таъқиб қилишади. Бадий асарнинг, адабиёт дарсларининг қудрати ҳам ана шунда.

Бўри полвоннинг Исмоил полвонни тинимсиз таъқиб қилиши, унинг эса рақиби келган давралардан қочиб юриши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиш ҳам ўқувчиларга полвонларнинг қай бири ким эканлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Бўри полвоннинг Исмоилни даврада тутган пайтидаги полвонлик ва зафар ҳақидаги мулоҳазаларига ўқувчиларнинг диққатини қаратиш ўринлидир. Бу гаплар фақат полвонликка эмас, балки инсоннинг барча ишларига, жамики турмушига қай даражада тааллуқли эканлигини ўйлаб кўриш ҳам маънавий камолот учун фойдали бўлади.

Тоғай Муроднинг: «*Полвон хоҳиш-ирода билан олишса, ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этса, санъатини намойиш этса, зафар ўз-ўзидан келади!.. Полвон ўз курашидан ўзи завқланса, зафар ўз-ўзидан ёр бўлади!*» тарзидаги ҳикматнамо хулосаларини шарҳлашга уриниб кўриш, уларни нафақат Бўри полвон, балки муаллиф шахси билан ҳам боғлаш ўқувчиларнинг тафаккурини теранлаштиради.

Бўри полвоннинг сўнгги кураши жараёнидаги эътирофлари ҳам ўқувчилар назаридан четда қолиб кетишига асло йўл қўйиб бўлмайди: «*Боиси зўрга ҳамма ҳавас билан қарайди. Зўрнинг санъатини, ўнгу чапини миридан сиригача синчиклаб ўрганади.*

Зўрга тақлид қилиб, ўшандай зўр бўлгилари келади. Зўр-чи? Зўр ўзгаларни билмайди. Айниқса, ўзидан кучсизларни билмайди! Билгисида келмайди! Боиси, кўзга илмайди. Зўрнинг тагин бир фожияси – зўр маглубият аламини кам тотади. Зўр – зафар огушида яшайди. Йўқ, зўр маглубиятлар аламинида тотиб туриши лозим! Зўр учун маглубият зафар қатори баб-баравар зарур! Айниқса, ўзига ишонган зўрга! Мағрур зўрга!» Қахрамоннинг зўр ҳақидаги қарашлари, унинг ҳар бир гапи алоҳида муҳокама объекти бўлиши керак. Ўқувчилар бу фикрларнинг ҳар бири моҳиятига имкон қадар чуқурроқ киришлари уларнинг «Мен»и шаклланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Ўқувчилар диққати Исмоилнинг даврадаги хатти-ҳаракатлари, Бўри полвоннинг отаси руҳидан ўтинчига, унинг инсон ҳамиша хушёр яшаши лозим деган хулосасига тортилади. Бўри полвоннинг туйғулари – у ёки бу даражада ҳар бир инсонга, шу жумладан ҳар бир ўқувчига, шаклланиб келаётган ҳар бир йигит шахсига хос. Ўқитувчи шу ҳолатни савол-топшириқлар кўмагида ўқувчиларга илғатиб қўйиши фойдадан холи бўлмайди.

«Исмоил полвон юлдуз санади!.. Ҳай-ҳай-ҳай! Ёшлик – ёшлигини, кўпни кўрганлик – кўпни кўрганлигини қилди! Тажриба! Тажриба зафар қозонди!» деган фикр ҳам диққатга сазовор. «Бўри полвоннинг ғалабасида тажрибалилиги курашнинг қайси лавҳасида назарга ташланади? Нима деб ўйлайсиз, полвоннинг ғалабасида тажрибадан бошқа яна нима бор?» Ўқувчилар шу ҳақда ҳам батафсил ўйлаб кўрсалар, зарар қилмайди.

Бўри полвоннинг уйланиш борасидаги мезонлари ҳам бўлакча. У Сулунинг қайси фазилатларига таяниб уни ўзига аёлликка танлагани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам ичдан баланд одамларнинг шахсиятини очишга кўмаклашади: «Бўри полвон ана шу қизни кўз остига олди. Сулун Бўри полвон кўнглига ўтириб қолди. Кўнглига ўтиргани – Сулун эркак зоти кўзига тик қарамади». Бугунги олтинчи синф ўқувчилари Бўри полвоннинг бу қарашларини тушунишлари бир қадар қийиндир?! Яна ким билади, балки бугуннинг олтинчи синф ёшидаги болалари буни фарқлашар... Лекин бу тасвир моҳиятида нима ётганини аниқлаб қўйиш уларнинг камолоти учун жуда зарур ва бу ўқитувчининг педагоглик бурчи. Шу каби муҳокамалар асносида Бўри полвоннинг қанчалар яхши одамлиги ва не чоғлик ҳалол

полвонлиги намоён бўлди. Энди бутун эътибор унинг «ёмон ота»ми эканлигига қаратилади.

Бўри полвон ёлғиз ўғли – Тиловбердини қандай тарбия қилганига диққат қилиниши, айти вақтда, асарнинг кейинги бобларидаги ота-ўғил полвонларнинг мураккаб ва ўзига хос муносабатлари тасвири муҳокама қилиниши лозим. Буларни ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида белгилаб қўйиши керак. Савол-топширик асносидаги таҳлил мобайнида Тиловбердининг шахсияти ва хатти-ҳаракатларига ҳам диққат қилиниб, унинг тутумларидаги отасиникига ўхшаш ва фарқли жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритилиши даркор. Тиловбердининг ғалабасидан «тотли-тотли» кулимсираган полвон отанинг керилиб-керилиб теваракка қараши, фахрланиши ва кўнглидан ўтган ўйлари ҳам савол ёки топшириққа айлантирилиши, ўқувчиларнинг назаридан қолиб кетмаслиги ва таҳлилга тортилиши жоиз.

Абрай полвоннинг кимлигини билган полвон бобо туйган ҳислар назардан яширин қолмай таҳлилга тортилиши ўқувчиларнинг Бўри полвон шахсияти ҳақидаги қарашларини янада тўлдиради. Бўри полвонда ўғлини Абрай полвон билан олиштириш истаги туғилганлигининг сабаби борасида ҳам ўйлаб кўриш лозим: «Нима деб ўйлайсиз, нега полвон бобода шундай истак пайдо бўлди?»

Бошқа ҳамма учун шунчаки кураш бўлиб туюлган бу олишув полвон бобо учун ҳаёт-мамот масаласи эканини ўқувчилар англаб етишларига эришиш ўқитувчи учун жуда муҳим. Гарчи, полвон ўғлонлар ҳаёлларига ҳам келтирмаган бўлсаларда, оталар учун бу олишув яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва ғирромлик ўртасидаги омонсиз жанг эди. Ўқитувчи шу мавзу атрофида баҳслашаётган болаларини кузатаркан, «Тиловбердининг мағлубияти эзгуликнинг енгилиши бўлиб кўринмаяптимикин?» деган масалага диққат қилиши керак бўлади. Ҳақ йўли шу қадар поёнсиз ва тошлики, унда манзилга осонлик билан етишиб бўлмайди. Азоблар билан, машаққатлар торта-торта борилгани учун ҳам эзуликнинг манзили муқаддас, ғалаба нашидаси тотлидир.

Бўри полвон йигитлик армони Момоқизнинг хушсуврат ўғлига меҳр билан муносабатда бўлади ва айти вақтда, Абрай полвоннинг Тиловбердидан ҳайикқандай туриши полвон бобони шодлантиради. Ўқувчилар Бўри полвоннинг зийраклигига ҳам

диққат қаратишлари жоиз: «Абрай полвоннинг Тиловберди полвондан хайиқаётганини ота нималардан пайқади?» Ўқувчилар инсон табиатидаги шундай чигал жиҳатларни кўришга, бунинг сабаблари ҳақида ўйлашга, муносабат билдиришга савол-топшириқлар кўмагида йўналтирилиши керак. Ўқувчилар Тиловбердининг бутун давра тан олган ғалабасини отаси Бўри полвон бекор қилишининг сабаблари ҳақида ўйлаб кўришлари, бунинг ҳаётий-маънавий асосларини излашлари зарур. Мазкур кураш тасвирланган: *«Тиловберди полвон Абрай полвоннинг кўзларига тикилди: Абрай полвон кўзлари ҳайиқди! Ана энди ҳамлага ўтса бўлади!»* ифодаларига таяниб, Бўри полвоннинг ўғлида ота тарбияси изларини илғаш ўқувчиларга ғоят зарур. Буни ўқитувчи саволга айлантириб ўқувчиларнинг жавобини олиши керак.

Таҳлил жараёнида Абрайнинг йиқилиши лавҳаси қайта ўқилади: *«Тиловберди полвон ўнг кўли билан Абрайнинг ёқасидан ушлади. Ичидан чил берди. Шиддат билан кетига сурди. Абрай полвон кетига силтанглаб-силтанглаб борди. Кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Одамлар устига чалқанча тушди»*. Мана шу тасвирга ўқувчиларнинг муносабати аниқланади. Сухбатдошлардан кимдир халқ томон, кимдир Бўри полвон тарафида бўлиши табиий. Шу боис ҳар бир ўқувчидан ўз хулосаларини асослаш талаб қилинади. Бўри полвон нима учун бошқалар сингари Тиловбердининг ғалабасини тан олиб кўя қолмагани ҳақида ўйлаб кўриш зарур. Ахир Тиловберди унинг жонидан ҳам азиз фарзанди, унинг ғалабаси Бўри полвон учун ҳаёт-мамот масаласи экани маълум. Тиловберди Абрай полвонни йиқитди, ўзи ҳам ғалабасига ишонди, халойиқ тан олиб «Ҳал-о-о-ол!» деб кичкиряпти. Полвоннинг ҳақи берилишини талаб қилаётган шароитда Бўри полвонга: *«...Тиловберди полвон Абрай полвонни йиқитолмади! ...Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор!»* дейиш осон бўлдимикин? У нега фарзандининг ғалабасини тан ололмади?» Болалар шу саволлар устида мулоҳаза юритсалар, Полвон бобонинг эътиқоди шубҳали ғалабани, чала ҳақиқатни қабул қила олмаслигини тушунадилар. У шубҳа қолдирмайдиган тарзда қозонилган ғалабанигина чинакам ғалаба дея тан олиши, ғолибни ғолиб деб билиши ўқувчилар томонидан ҳис этилади.

Бўри полвоннинг: *«Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсаям бекор! Полвонмисан – ернинг устига йиқит!»* деган талаби унинг қанчалар ҳалол, ҳақиқатпеша эканидан далолат беради. Сал шубҳа туғилгани сабабли, бу ғалаба унинг ўзи учун ҳаммага қараганда заруррок бўлсада, виждонига хиёнат қилмаслиги, бундай ғалабадан завқланолмаслиги сингари жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритиш ўқувчиларга ўзгалар хатти-ҳаракатини таҳлил қилиш орқали ўз руҳий комиллиги сари интилиш имконини беради. Шундай шахслар руҳиятини таъсирчан ва юқумли акс эттирган адибнинг маҳоратига тан бериш лозим. Бундай юксак маънавий сифатларни ўзгаларга таъсир қиладиган, уларнида мувозанатдан чиқара оладиган тарзда тасвирлаш, юктириш улкан талант эгасининггина кўлидан келади.

Бўри полвоннинг ҳалол ҳакамлиги аввалги лавҳаларда ҳам кўринганига, ўқувчилар Тиловбердининг *«Тавба, тагин ота эмиш бу одам!»*- дея отасидан норози бўлиши ўринли эмаслигига, унга ўқрайиб, қобоғини уйиб қараши ноўрин эканига асардан асос топишлари уларнинг тафаккури мантиқли ва теран бўлишини таъминлайди. Ўқувчилар Тиловбердининг ўрнига ўзларини кўйиб кўришсин. Уни ҳам тушунишга ҳаракат қилишсин.

Бўри полвоннинг ўғлига йўл-йўриқ кўрсатишга уриниб: *«Нимага иддао қиласан? Нима, ҳаромни ҳалол деб имонимдан кечайинми? Полвон бўлсанг, ҳалол йиқит! Кўп терсайма! Сездингми, Абрай кўкрагини бериб олишяпти! Ёқасидан жуфт қилиб ушлаб, тиккасига яғринга ол-чи. Магарам ошиб кетса! Олаётганигда ё, отамнинг пири, де! Тайин айт, бор...»* каби берган маслаҳати ўғилни хийла тетиклантирди. Ўқувчилар отанинг одиллиги, бу адолати унинг учун ҳамма нарсадан устувлиги, унинг учун бу имон-этикод даражасида баландлиги, айни замонда, полвон сифатида зийракназарлигини ҳам кўрсатади. Ўқитувчи шуларни ҳам савол ёки топшириққа айлантириши жоиз.

Лекин: *«Отаси ўнги яғрини бўлди, боласи ўнги уччоси бўлди. Қийин, оталар санъатини ишлатиш қийин!»* Бу тасвирлар Тоғай Муроднинг кураш ҳадисини қанчалар яхши билишини кўрсатиб турибди. Бунини ҳам ўқувчилар ўзлари тадқиқ қилишлари керак.

Даврадаги таҳликали олишув жараёни, бутун хўжасоатликларнинг Тиловберди хатосини пайқаб туриши, полвон отанинг

Ўғил хатосини кўриб туриб унга кўмак беролмай, тасбеҳини «шиқ, шиқ» этиб ташлаши, шу жараёнда кўнглидан кечирган изтироблари ўқувчиларнинг шууридан бирма-бир ўтиши учун шу лавҳани ўқитувчи қайта ўқиб бериши керак бўлади. «Тиловбердининг хатоси нимадан иборат бўлди? У қаерда хатога йўл қўйди?» саволи суҳбат иштирокчилари диққатини яна асар матнига йўналтиради. Ўттиз еттинчи бобда ушбу саволнинг жавоби берилган. Асар моҳиятига доир савол-топшириқлар ечимини топиш болаларни матн ичига олиб кириб, фикрлашга ўргатади, хулосалар чиқаришга йўналтиради. Айни замонда, уларда зийрак назарни ҳам тарбиялаб боради.

Ўқувчилар томонидан Тиловберди полвоннинг мағлубиятига отасидан аразлаганими ёки Абрай полвоннинг чинакам зўрлигимини сабаб бўлгани ҳақида ўйлаб кўрилиши уларнинг маънавий камолоти учун катта аҳамият касб этади. Тиловбердининг мағлубияти Бўри полвонга қандай таъсир қилгани тасвирланган ўринлар ўқитувчи томонидан қайта ўқиб берилгани маъқул. Ўғилнинг отаси ҳақида: *«Отамиз ниятига етди! Отамиз бор экан, бизга ганимнинг кераги йўқ!»* сингари хулосасига ўқувчилар муносабати сўралади: «Отанинг нияти шумиди? Ўғилнинг бундай ўйларига сабаб нимада деб ўйлайсиз? Унинг фикрига қўшиласизми, йўқми? Нима учун?»

Ўқитувчининг эътибори Бўри полвондай мағрур, мард бобонинг *«ёноқларидан маржон-маржон ёшлар»* оқиши ўқувчилар руҳиятида қандай туйғулар кўзгаганини аниқлашга қаратилади. Шундай савол билан уларга мурожат қилиниши мумкин.

Шу ерда дарс бошида қўйилган муаммонинг ечими топилиши керак: ўқувчилар бу борада нима дейишади? Улар Бўри полвонни ота сифатида ҳам кўрдилар. Хулосалари қандай бўлади? Ким нима дейди? Ким нима дейишидан катъи назар, ҳар ким ўз фикрини асардан мисоллар келтириб асослаши, хулосасининг қанчалар тўғри эканини исботлаши жоиз. Муаммонинг ечимидан ҳамм кўра фикрлар, чиқарилган катъий хулосалар, мантиқан асосланган қарашлар муҳим аҳамият касб этади. Агар ўқувчилар фикр сўрашса, ўқитувчи ҳам ўз фикрини айтиши, фақат бу фикрнинг ҳоким бўлиб қолишига йўл қўймасликка интилиши аҳамиятга молик. Акс ҳолда ўқувчилар кейинги

машгулотларда фикр айтмай кўяди. Масалан, мен бўлсам, фикримни айтмаган бўлардим. Ҳар ким ўз фикрида қолиши адабий таълим учун муҳим эканини устувор кўйган бўлардим.

Қиссада Бўри полвонинг бутун умри тасвирланган. У ҳаёти давомида икки марта йиғлади: бири: ўзи Исмоил полвон устидан ғалаба қозонган кунда; иккинчиси ўғлининг мағлубияти кунда. Бири – ғалаба, иккинчиси – мағлубият кўз ёшлари. Ҳар иккиси ҳам Бўри полвондай руҳан қудратли одамга ярашиқли йиғи. Шу каби ҳақиқатлар саволга жавоб бериш асносида ўқувчиларнинг ҳам кўнгилдан ўтса, адабиёт дарслари ўз самарасини бераётган бўлади.

Сухбат иштирокчиларининг диққати Бўри полвон шундай оғир вазиятда нима учун болалик дўсти Насимни ёдга олганига қаратилиши ҳам (албатта, савол кўмагида) инсон шахсини, табиатини чуқурроқ англанишига кўмаклашади. Демак, инсон энг оғир дамларда кўнгилдош дўст, дарддош, «болалик ошна»га эҳтиёж сезади.

Одамзод ҳаёт экан, юлдузлар мангу ёнгани сингари эзгуликнинг ёвузлик, инсофсизлик, хиёнатга қарши кураши ҳам мангу давом этади. Полвон бобо кўнгилдан кечган покиза, баланд, ёруғ ўйлар ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Уй вазифаси сифатида «Бўри полвон ва Мен» ёки «Тиловберди менинг тасаввуримда» мазуларига тақриз-иншо ёзишни топшири мумкин. Бундай иншолар бевосита болалардаги креативлик сифати маҳсули бўлади. Бундай иншони ўқиш ва баҳолашда ўқитувчининг ўзи ҳам маза қилса керак. Яна ким билади, бунини ўқитувчининг шахси ҳал қилса керак...

«РАВШАН» достонини муаммоли ўрганиш.

Тадқиқот шаклида бўлган ҳар қандай фикрлаш ўқув муаммосининг индивидуал қабул қилинишини, шахсий туйғуларни, эмоционал фаоллигини таъминлайди.

Умумтаълим мактаблари 7-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Адабиёт» дарслигининг «Халқ оғзаки ижодидан» рукни остида

«Равшан» достонидан парча такдим этилган⁷⁹. Достондан олинган парчани ўрганиш учун дастурда тўрт соат ажратилган бўлиб, бунинг дастурий талқини куйидагича: «Ишқий-саргузашт достонларнинг ўзбек халқ достончилигида катта ўрин тутishi. Бу хшл достонларда ишқий можароларнинг асосий мавзу эканлиги. «Гўрўгли» туркумидаги ишқий-саргузашт достонлар ва мазкур туркумда «Равшан» асарининг тутган ўрни. Достон воқеаларининг туркий халқлар достончилигида кенг тарқалган мотив эканлиги. Достоннинг бизгача етиб келишида Эргаш Жуманбулбулнинг хизмати. Достондаги Гўрўгли, Юнус пари, Авазхон, Равшан, Зулхумор, ака-укалар образларининг таҳлили»⁸⁰.

Дарсликда достоннинг дастурий талқинида илгари сурилган барча қарашлар қамраб олинган. Назарий билимлар ҳам достон ҳақидаги мақолада ўз аксини топган. Дарсликдаги достон матни билан боғлиқ ўттиздан ортиқ савол ва топшириқлар кўмагида унинг тўлиқ дидактик таҳлилини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, шу савол ва топшириқларга жавоб бериш асносида дастурий талқинга тўлиқ эришилади. Агар ўқитувчи мазкур достонни дарсларни ташкил этишдаги турфаликка асосланган ҳолда ўрганишни ихтиёр этса, бу дарсни асар таҳлили сўнгида назарда тутгани муаммоли савол ва топшириқларни ўртага ташлаб ҳам, ўқувчиларни асар қаҳрамони ҳақида бошқачароқ фикрлашга йўналтирувчи, бу билан белгиланган мақсадга эришишнинг иккинчи ёки учинчи йўлини муаммоли савол ва топшириқдан фойдаланган ҳолда ташкил этиши ҳам мумкин.

Дарсликдаги достон матни билан илк танишувдан кейин ўқирманда «Равшан ўқувсиз, отасининг ёрдамисиз ҳеч нарсага эриша олмайдиган йигит. Равшандан кўра отаси Ҳасан мардрок ва жасурроқ» деган дастлабки тасаввур пайдо бўлади. Бу таассурот қанчалик тўғри экани ўқувчилар олдида қўйилган: «Отаси бўлмаса Равшан мақсадига эриша олармиди?» тарзидаги муаммонинг ечими асносида маълум бўлади. Дастлаб ўқувчиларни олдиларига қўйилган бу муаммоли саволнинг ечими сари йўналтирилиб: «Равшанбек Гуланорга қиз бола сифатида

⁷⁹ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot, Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: «Sharq», 2017. – 132–162-b.

⁸⁰ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

караганмиди ёки уни шунчаки сингил деб билармиди? Буни қандай англадингиз?» саволлари ўртага ташланади. Бу саволга жавоб излаш асносида ўқувчиларнинг диққати матндаги: *Гуланор кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, узун бўйли, кенг кўкракли, хуш хаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. Равшанбек унинг билан мактабда бирга ўқиганда, кўзининг остига босиб қўярди. Гўрўглибекнинг бу сўзи Равшанбекка ҳам ёқиб қолди*» тарзидаги тавсифга қаратилади. Бундан еттинчи синф ўқувчилари қандай хулоса чиқарадилар, бу дарс жараёнида маълум бўлади, албатта. Лекин ўқувчилар албатта ўз фикрларини асослашлари мақсадга мувофиқдир. Ҳар ҳолда, маълум бўладики, бобосининг гапи ёқиб тушган Равшанбек қизларга бепарво қарайдиган ёшдан ўтган. Шу ўринда ўқувчиларнинг диққати «сулув» сўзи қамраб олган маъноларга, Гуланорнинг Равшанбек «*кўз остига босиб қўйган*» фазилатларига қаратилиши, мақсадга мувофиқ бўлади: «*Қуралай кўз*», сизнингча, қандай бўлади? «*Хуш хаёл*» иборасини қандай тушундингиз? «*Зеҳни тез*» иборасига қандай талқин бериш мумкин? Гуланорнинг «*серфаҳм*»лигини қандай изоҳлайсиз? Ўқувчилар шулар ҳақида ўйлашаркан, Равшанбекнинг ҳам анойи эмаслигини англайдилар.

Шундан кейин ўқувчилар совчилар нима учун рад жавоби олганлиги ҳақида ўйлашга йўналтирилади. Ўқувчилар назарида бунинг сабаблари нимада бўлиши мумкин экан? Шу ўринда уларнинг диққати яна матнга қаратилади:

*...Равшанга бермайман Гуланоржонни,
Қизим туғул, кучугимдан садага.*

*...Ҳар кимни тенгига қўш-да, валламат,
Менга мундай тузсиз сўзни демагин!*

*...Бермайман Равшанга Гулнор қизимни!
Мен Ҳасанга тенг қилмайман ўзимни!*

Ўқувчилар бу сатрларга таяниб жўнгина ҳақиқатни англайдилар, албатта. Лекин, муҳими, бу рад жавобига Равшанбекнинг муносабати: Равшанхон муҳаббати рад этилгани учун «*товушининг борича «во» деб бақриб, йиглаб қайтаверди*»ми ёки бунинг бошқа сабаблари бормиди? Ўқитувчи ўқувчиларини

кузатиши жоиз. Агар кимдир матндаги: «Ичида: «қизини берса яхши, бу қизини бермас, бобомнинг сўзини сундирар», – деб қўйди»га диққатини қарата билса, албатта, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Ўқитувчи ўқувчилари эътиборини она-бола ўртасидаги суҳбатга, хусусан, Равшаннинг онасига айтганларига йўналтириши ҳам ўқувчиларнинг тўғри хулоса чиқаришига асос бўлиши мумкин: «Э эна! Авазинг: «қизимни бермайман, менинг тенгим эмас», деб бизни қузгун, ўзини лочин тутди. Баччагар Аваз биздан ортиқ бўлиб кетибди. Шу Аваздан кам бўлсам, чўлларга бошимни олиб кетаман. Қўявер, эна, қўявер, энди Чамбилда турмайман, шу Чамбилни Авазга бердим, деб бола дим ўпкасини босолмайди». Саволга шуларга таянган ҳолда жавоб беришга ундалган, мулоҳаза юритган ўқувчиларнинг Равшан шахси ҳақидаги тасаввурлари янада тиниқлаша боради. Ўқитувчининг вазифаси шу: ўқувчиларга йўналиш бериш. Хулосани эса уларнинг ўзлари чиқарганлари дуруст.

Равшаннинг Юнус пари берган сеҳрли узукда тасвирланган гўзални бир кўришда ошиқ бўлиб: «Зулхуморга гойибона кўнгиш қўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: «Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиглаб юрганим қандай» деб йўлга чиқишига ўқувчилар муносабат билдирсинлар. Бу Равшаннинг табиатига хос бўлган қандай сифатлардан далолат беради? Йигитчиликда бу қандай баҳоланади?

Бу масалада ўқувчиларнинг фикри эшитилгач, уларнинг диққати қуйидаги масалага қаратилади. Ўқувчилар: «Равшан не сабабдан ҳеч кимга билдирмай йўлга отланган эди?» деган савол устида ўйлаб кўришсин. У нимадан уялди? Авазхон унга қизини бермаганиданми ёки отасини ўзига тенг кўрмаганиданми ёхуд Равшаннинг бошқа бир уятлик ишлари бормиди? Бу саволар устида ишлаб, ўқувчилар қуйидаги сатрларга мурожаат қилиши: «Равшанхонни отасининг савлати босиб, ҳаёси голиб келиб, нима дерини билмай ўйланиб туриб эди, ахири бўлмади. Отасига гапирмай ўтса, у ҳам бўлмайди, гапирай деса, уялади» мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўнгра: «Равшаннинг фақат суратини бир марта кўрган қизни излаб юрти, ота-онасини ташлаб йўлга чиқишига муносабат билдиринг. Уни сафарга етаклаган куч нима: муҳаббатми, уятми,

орми? Ёки Равшаннинг бошқа бир қарори ҳам бормиди? Унинг бу тутуми табиатидаги қандай сифатлардан далолат беради?

Саволларнинг асосини ўқувчилар қуйидаги:

*Майдон-майдон Жийронимни елмасам,
Душман бўлса, бўлак-бўлак қилмасам,
Авазнинг қизидан яхшини олмасам,
Жоним отам, Чамбилбелда турмасман.*

*Чамбил дейди униб-ўсган элингни,
Жавоб бер, отажсон, кўтар қўлингни⁸¹!
Талаб қилдим, Ширвон элга отажсон!
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман!*

*Жавоб бер отажсон, ёрга бораман,
Ёр дейман-ку, номус-орга бораман.
Ота сендан оқ фотиҳа тилайман,
Ширвон элда Зулхуморга бораман.*

Сатрлардан қидирганлари ўринли бўлади. Бу саволларга жавоб бериш асносида ўқувчилар Равшаннинг яна бир қатор сифатларини кашф этадилар: жасурлик, орчил, уятчан, мағрур, қайсар. Бу сифатлар унинг қайси гаплари замирида яширинганини ўқувчилар ўйлаб кўрсинлар, матнга таяниб жавоб берсинлар.

Мазкур суҳбат якунлангач ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги сатрларни қайта ўқиб эшиттиради:

*Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.*

*...Шундай асов тойдай ёрни
Кўлга келтирсам деб келдим.
Ошиқлигим шу барнога
Энди билдирсам деб келдим.*

⁸¹ Дуо қил маъносида

*Элдан ўзган чин сулувни
Ишқиб⁸² шдирсам деб келдим.
Айтганима кўнмаса-чи,
Алдаб кўндирсам деб келдим.
Бизнинг ёрдан кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?*

ва ўқувчиларига шундай савол билан мурожаат қилади: «Равшанхон тилидан айтилган бу сатрларда унга хос бўлган қандай сифатларни пайқаш мумкин, сизнингча?» Ўқувчилар бу сатрлардан Равшаннинг нияти қатъийлигини, қандай йўл билан бўлса ҳам Зулхуморни қўлга киритмоқчи, керак бўлса ёлғон ишлатишга ҳам тайёр эканини, чунки бу унинг учун ор-номус масаласи, ор-номус эса йигит киши учун ҳаёт-мамот асоси эканини англашар.

Парчада Равшаннинг дор тагида йиғлагани тасвири бор: «Отасини кўриб, асло далага чиқмаган бола эмасми, йиглаб юборди». Ўқувчилар нима деб ўйлашаркин, Равшаннинг йиглаб юборгани сабаби фақат шуми? Бу ўринда ўқувчилар қуйидаги сатрларга ҳам бир назар ташласалар, мақсадга мувофиқ бўлади:

*Уйқуда бойлади нозик қўлимни,
Согиндим, отажсон, Чамбил элимни.
Тор зиндонда «во ота» деб йиғладим,
Кўрдингми, отажсон, менинг ҳолимни?*

*Йўлингга интизор бўлдим, отажсон,
Балога гирифтор бўлдим, отажсон,
Душманга хор-у зор бўлдим, отажсон,
Бир кўрмоққа хумор бўлдим, отажсон.*

*Меҳрибоним келган экан, минг шукур,
Тулпорини елган экан, минг шукур,
Мени ўлдирмоққа келган Қорахон —
Энди золим ўлган экан, минг шукур.*

Шунда ўқувчиларнинг фикрлари асосли, хулосалари далилли бўлади.

⁸² Ишқиб – ишқилиб

Равшаннинг шахси, унга хос бўлган фазилатларни аниқлаб унинг отаси бўлмаса кун кўролмаслиги ҳақидаги муаммоли вазиятнинг ечимини қидираётган ўқувчиларнинг диққати Қорахоннинг талабига берган жавоби акс этган қуйидаги сатрларга қаратилади:

Сен айтган одамнинг, золим, мен эмасман,

Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас⁸³

Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!

Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...

Бу сатрлар Равшаннинг асл табиатини кўрсатади. Ўзи қандай вазиятда турганидан қатъи назар, отасини кўриб йиғлаб юборар ҳолатда бўлган «бола»нинг бу гаплари ичкаридаги «МЕН»нинг гаплари.

Тўртликдаги: «*Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас*» ва «*Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...*» жумлалари кимга тегишли? Бу сатрдан Равшанга хос бўлган қандай сифатни англадингиз?» саволлари ўқувчиларни бир оз зўриқтириши мумкин. Бир юртнинг подшосига қарата бундай катта гапни айта олиш учун одамнинг ичи «катта» бўлиши керак. Бу катталик одам туғилганидан бошланиб катта бўлган мухити, томирларида оқаётган қон, оила аъзоларининг тутумлари, турмуш тарзи асносида йиллар давомида мисқоллаб руҳиятига сингиб боради. Уни ақл билан бошқариб бўлмайди. Таълим жараёнида ҳам сингдириб бўлмайди. Равшан, гарчи отасини кўриб йиғлаб юборган бўлсада, унинг тийнатида катта ғурур, катта ор, катта шаън мавжуд. Йиғи ҳали болалик таъсиридан чиқиб улгурмаган ёлғиз, эрка ўғилнинг лаҳзалик заифлиги, холос. Унинг асли баланд.

Шундай фазилатларни ўзида жамлаб шаклланиб келаётган йигит ҳали бир оз ёшлиги, орият ҳаққи ўз имкониятидан баланд дорларга «осилиб» қўйгани маълум бўлади. У бу туйғулари билан отасиданда жасур, отасиданда мард, орчил йигит бўлиб шаклланаётганини муҳокама жараёнида англайдилар. Сухбат тугагач, ўқитувчи ўқувчилар олдида қўйилган муаммоли саволга хулоса шаклидаги муносабатини сўраши мумкин: «Хўш, қани энди айтингчи, «Отаси бўлмаса Равшан мақсадига эриша

⁸³ Ченгнамок – аниқламок, билмок. Бу ерда «ўз ҳолини билмас» маъносида

олармиди?» асар таҳлилидан сўнг ўз хулосангизни айтингчи». Еттинчи синф ёшидаги ўқувчилар бу муҳокамалардан сўнг қандай ечимга келишади, буни вазият кўрсатади, албатта. Лекин, ҳар ҳолда, муаммога ижобий муносабат билдиришмас, яъни муаммода кўтарилган масалани тўғри деб топишмас, деган умид бор.

Шу тариқа ўқувчиларда кузатувчанлик ва зийрак назар шаклланишига шароит яратилади. Ўқувчилар одамлар ҳақида ҳукм-хулоса чиқариш осонмаслигини англайдилар. Бадиий асардан юқоридаги каби характерли деталларни ажрата билиш, туйғуларни ифодалай олишга йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, мустақил тафаккурни ҳам ривожлантиради.

Уйга вазифа сифатида ўқувчиларга дарсликдаги савол ва топшириқлар устида ишлашни топшириш мумкин. Бу ҳам ўзига хос вазифа ҳисобланади. Бу топшириқни бажариш асносида ўқувчилар бир қатор майда муаммолар билан юзма-юз қоладилар, мустақил фикрлашга ва фаолиятга йўналтириладилар, дostonдаги бошқа қаҳрамонларнинг характер-хусусиятларини мустақил равишда кашф этадилар. Фикрлари, ўзларича чиқарган ҳукм-хулосаларининг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги кейинги дарсда, муҳокамалар жараёнида маълум бўлади.

Бундай шароитда ўқувчиларни баҳолаш масаласи ўқитувчини анчагина ўйлантириши табиий. Гап шундаки, адабиёт дарсларида фикр айтаётган, ўз карашларини асардан мисоллар келтириб исботлаётган ўқувчига, албатта, аъло баҳо қўйилади. Чунки адабий таълимнинг мақсади – шу. Яхши баҳолар билан уларни боридан бир поғона юқорилатиш ҳам бу мақсаднинг амалга ошувига кўмаклашади.

«ЁВВОЙИ ЙЎРҒА» ҳикоясини муаммоли ўрганиш.

Муаммоли вазият яратишда ўқитувчи ўқувчиларни тафаккур жараёнининг таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, тизимга солиш сингари жиҳатларидан бири ёки бир нечтасидан фойдаланишга йўналтириши лозим бўлади.

Тоғай Мурод айтмоқчи, Сетон-Томпсон ҳайвонларни рассом, олим, адиб назари билан суйди, туйди, тасвирлади. Шунинг учун

хам у дунё адабиётида алоҳида ўринга эга бўлди. Ёзувчининг ўзбек ўқувчиларига ҳам яхши таниш бўлган «Ёввойи йўрға» ҳикояси умумтаълим мактабларининг 7-синф адабиёт дарсларида уч соат мобайнида ўрганилиши кўзда тутилган⁸⁴. «Ёввойи йўрға»ни: ёзувчининг ҳайвонот дунёсига муносабати; Эрнест Сетон-Томпсон ва Тоғай Мурод; Томпсоннинг ҳайвонлар ҳаётидан олиб ёзилган асарлари; «Ёввойи йўрға» ҳикоясидаги от тимсоли ва унинг айрича хусусиятлари; ҳикоядаги Жо ва Курка Из тимсоллари; Айғир ва овчилар тимсолини қиёслаш; Муаллифнинг отлар ва одамлар табиатини тасвирлаш маҳорати тарзидаги талқин асосида ўрганиш мумкин.

Дарсликда Эрнест Сетон-Томпсонни яхши билган, унинг асарларини ўзбек тилига усталик билан таржима қилган таниқли ўзбек ёзувчиси Тоғай Муроднинг у ҳақдаги фикрлари келтирилган. Бу билимлар ўқувчини Сетон-Томпсон шахси билан таништириш учун етарли. Маълумки, бирор бадиий матнни ўрганишда ўқувчи муаллифнинг шахси, табиати, қизиқишлари, ҳаёти ҳақида қанча кўп маълумотга эга бўлса, унинг асарини ўрганиш шунча мукамал бўлади. Айниқса, асар муаллифи билан ўқувчи шахсиятида, характерида ўхшашлик жиҳатлар кашф этилса, тарбияланувчи шахсида ёзувчи шахсига муҳаббат пайдо бўлади. Бу муҳаббат китобхонни ушбу ёзувчининг асарларини қизиқиб, кидириб топиб ўқишга мажбур қилади. Шу маънода, ёзувчи ҳақида дарсликда тақдим этилган биографик материални дарслик муаллифларининг билгичлиги маҳсули, дейиш мумкин.

Ушбу мавзунини ўрганишга режалаштирилган биринчи соатни ўқитувчи ўқувчиларнинг Эрнест Сетон-Томпсон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ билимларини текширувчи савол-топшириқлар билан бошлаши мумкин (аввалги дарсда ушбу мавзунини ўқиб келиш уй вазифаси сифатида топширилган бўлади). Дарсликдаги 1–2-саволлар ёзувчи шахсини очишга йўналтирилган. Бундан ташқари, Тоғай Муроднинг адиб ҳақидаги маълумотларига таяниб ёзувчи табиатини очишга уриниб кўринг. «*Жониворлардан ўзининг қингир, фалсафий фикрларини айтиш учун фойдаланмади*» жумласини қандай тушундингиз? Эрнест билан суҳбатдан сўнг Берроус нима учун изтиробга тушди? Кўзларида

⁸⁴ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: «Sharq», 2017. – 345–364-b.

ёш калқишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Сетон-Томпсоннинг Берроусни лол қолдирган шахсий музейи ҳақидаги тасвирларни қайта ўқиб, ёзувчининг ҳайвонот оламига бўлган муҳаббатига баҳо беринг. Сетон-Томпсоннинг васиятига эътибор қилинг. Ундан адиб шахсига хос қандай фазилатни кўриш мумкин? Сетон-Томпсон билан Тоғай Мурод ўртасидаги ўхшашликни аниқлашга уриниб кўринг. Тоғай Мурод Сетон-Томпсоннинг асарлари таржимасига нима сабабдан қўл урган деб ўйлайсиз?» каби савол-топшириқлар ўқувчининг Сетон-Томпсон ҳақидаги тасаввурларини тиниклаштиради.

Ўқувчилар шу тариқа муаллиф шахси билан танишиб олишгач, ҳикояни ўқишга киришилади. Асарни ўқиш ўқитувчи томонидан амалга оширилгани мақбул. Бунда муаллимнинг асар матни билан уйда алоҳида танишиб чиққанлиги катта аҳамият касб этади. Ҳикоя билан танишиш асносида ўқитувчи матндаги эътибор қаратиш лозим бўлган ўринлар белгилаб кетилишини айтса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда муносабат билдириш талаб қилинганда, ўқувчиларнинг вақти кидирувга сарфланмайди, вақтдан унумли фойдаланилади.

Ҳикоя матнини ўқиш учун 40–42 дақиқа керак бўлади. Агар бу машғулот учун биринчи соат камлик қилса, матннинг қолган қисмини уйда ўқишга беришга тўғри келади. Ёки ўқитувчи ҳикоя матнини аввалдан икки қисмга тақсимлаб, бир қисмини биринчи дарсда ўқиб таҳлил қилиши, қолган қисмини кейинги дарсда ўқиб муҳокама қилишга режалаштириши ҳам мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам асар матни устида ишлашда дарсликда тақдим этилган савол-топшириқларга таяниш мумкин. Асар таҳлиliga киришишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларига отларнинг тури ҳақида маълумот бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар матн моҳиятига чуқур қира олишлари учун улар ҳақида билимга эга бўлишлари керак:

Йўрға – майда кадам ташлаб, тез ва текис юрадиган йилки⁸⁵.

Байтал – урғочи йилки⁸⁶.

Тўриқ – қора қизил (қизғиш малла) рангли йилки.

Тўриқ байтал – қора қизил рангли урғочи йилки⁸⁷.

⁸⁵ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. 2-ж. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. 282-б.

⁸⁶ Ўша асар. 1-ж. 144-б.

Айғир – эркак от⁸⁸.

Бўз от – бўз рангли эркак от.

Уч ёшга тўлган эркак йилки айғир, от дейилади. Уларнинг турли ёш ва жинсдагилари умумий тарзда йилқи дейилади.

Ўқувчилар ҳикоя матни билан танишиб, айрим сўзлар изоҳидан боғабар бўлганларидан кейин охириги хулосани келтириб чиқарувчи муаммоли масалани хаттахтага ёзиб кўяди: **«Айғир ҳалокати – унинг ўз эркини сақлаб қолиш учун босиб ўтган кураш йўлига хиёнат»**. Бу ҳукм шаклидаги фикрга кўзлари тушиши билан ўқувчилар ўз фикрларини айта бошлашлари ҳам мумкин. Ҳикоядаги охириги жумла уларни шундай эътироз билдиришларига асос бўлади. Ўқитувчи ўзгаларнинг фикрига асосланиб хулоса чиқариш унчалар ҳам тўғри тутум эмаслигини, асарнинг дидактик таҳлили якунида бу борада алоҳида суҳбатлашишларини, унғача билдирилаётган ҳар бир фикр, муносабат ва мулоҳазани кузатиб боришлари мақсадга мувофиқлигини айтиб ўқувчиларини тинчлантириши лозим бўлади. Сўнгра муаммонинг иккинчи қисмини савол шаклида тақдим этади: **«Овчилар бошқа қандайдир йўллар билан қора йўргани хонакилаштиришлари мумкинми?»** Ўқувчиларни бутун дарс давомида ҳаёлининг бир четида мана шу масалаларни ушлаб туришини таъкидлаб асар таҳлиliga киришади.

Ўқувчиларнинг эътибори дастлаб Жонинг сўзларига таяниб, ёввойи отларнинг хусусиятларини очишга қаратилади. Уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўқувчилар ҳикоя матнидан келиб чиқиб айтадилар, албатта. Ўқитувчи: **«Ҳамон ёввойи отлардан ҳеч қандай фойда йўқ экан, Жо нима учун бу отни тутишга ишқибоз бўлиб қолди?»** деган саволни ўртага ташлаши мумкин. Бу саволга жавоб беришда ўқувчилар Жонинг оддийгина камбағал галачи экани, осонгина бойиб кетиш ҳақидаги хом ҳаёллари борлиги ва Қора йўрга унга бахт келтириши мумкинлиги борасидаги аҳмоқона фикрларга ишонганини маълум қиладилар.

Шу ўринда ўқитувчи ўқувчиларини кенгрок мулоҳаза юритишга йўналтириб Жонинг қуйидаги фикри: *«Лекин айғирнинг турган турмуши хазина, у асл зотли зурриёт яратиши мумкин»*ни ўртага ташлайди ва **«Жонинг бу фикри ёмонлик эмас**

⁸⁷ Ўша асар, 4-ж. 245-б.

⁸⁸ Ўша асар, 1-ж. 60-б.

шекилли?» тарзидаги мужмал, лекин рухий мувозанатни бузадиган савол билан мурожаат қилади. Маълумки, ҳаётда кимгадир ёмонлик қилиш эвазига бирор яхши нарсага эришиб бўлмайди. Ҳар кимнинг яратувчиси уни асрагувчиси ҳамдир. Жонинг нияти тоза бўлмагани учун ҳам у истагига эриша олмагандир... Бу фикрни ўқувчилар яқунлайдилар.

«Ёввойи йўрганинг фермерлар қўлга ўргатган байталларини эргаштириб кетиши сабаби нимада деб ўйлайсиз?» саволи ўқувчиларни фикран анчагина ўйлантириши мумкин. Чунки ҳикояда унга тайёр жавоб айтилмаган. Ўқувчиларнинг диққати ҳикоядаги: *«Той байталларни гир айланиб, уларга ҳомийлик қилар, айна вақтда ҳеч қаяққа кетгани қўймасди», «Шунда, бирдан қора тойчоқнинг қаҳри келди», «Ёввойи йўрга галани шундай иштиёқ ҳамда рашк билан қўриқладики, галага қўшилган ҳар қандай байтал умрбод кетолмайдиган бўлиб қолди»* сингари фикрларга қаратилса, улар ёввойи йўрғада ҳокимлик туйғуси борлигини, бу туйғу эгаси ҳамisha атрофига ўзига бўйсунадиганларни тўплашни ёқтиришини англайдилар. Бундайлар ёлғизликни хушламайди. Қолаверса, хонакилаштирилган байталлар ювош, етовга юрадиган жониворлар бўлгани учун ҳам йўрганинг иродасига осонгина бўйсунган бўлсалар керак. Ёввойи йилқилар гала бўлиб яшашган ва битта кучли айғир ўзига бўйсунадиган бир қанча байталларни бир уюрга бирлаштириб, уларни бошқарган ва бошқа айғирларни яқинлатмаган.

Ҳикояда Ёввойи йўрға хақида: *«У ёввойи феълени байталларга ҳам юқтирди шекилли, байталлар фермадан келган бесўнақай отларни хийла кейинда қолдириб, қора тойнинг кетидан чошиб кетди»* деган маълумот бор. Ўқитувчи шу жумлани қайта ўқиб бериб: «Нима деб ўйлайсиз, айғирнинг ёввойилиги ростдан ҳам хонаки йилқиларга юқдими, байталлар нима учун осонгина қора айғирга эргашиб кетишди?» деган саволни ўртага ташлаши мумкин. Жавоблар турфа бўлиши табиий. Ўқувчилар хонаки отлар ҳам қачонлардир ёввойи бўлганликларини, имкон бўлиши билан руҳиятларидаги мана шу ёввойилик, уларга хос бўлган табиий хусусият қайта уйғонган бўлиши мумкинлигини илғасалар, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Бунини вазият кўрсатади. Ҳозирча, фикрларни умумлаштиришга ҳожат йўқ.

Ўқувчиларнинг диққати ҳикоя матнидаги: «Кўзимга йўрға отларнинг оти, даштларда чошиб юрган жамикки отларнинг сараси бўлиб кўринди, шундай ноёб жониворни нобуд қилиб, бир тўда масаллиққа айлантиришга кўнглим бормади», «... мен унинг гапларидан завқ олдим, зўр қувонч билан қора йўрганинг чиройи ва қудрати ҳақида хаёл суриб қолдим. Йўқ, қандайдир бир байтални деб шундай йўрганинг ялтироқ терисига доғ туширгим келмади!» тарзидаги тасвирларга қаратилади ва бу фикрларга ўқувчиларининг муносабатини сўрайди. Ушбу фикрлар эгасининг бошқаларга ўхшамайдиган одамлиги кўриниб турибди. Бу йигит, гарчи ов ишқибози бўлсада, моддий манфаатдан кўра маънавий завқни, йўрганинг хатти-ҳаракатларидан, унинг ўзини тутиши, байталларни билгичлик билан бошқаришидан олинадиган рухий лаззатни устун қўйяпти. Ўқувчилар ҳикоя матни устида ишлаш мобайнида овчи йигитга хос бўлган бу фазилатларни илғай билсалар, ўқитувчи шунга эриша олса, адабий таълим мақсадига яқинлашилган, яъни ўқувчилар инсонни англашга ўрганиб бораётган бўладилар.

Айғирни овлаш жараёни тасвирларига асосланган ҳолда Жо билан йўргани такқослаш топшириғи ўқувчиларнинг фикрлашини давом эттиришга қаратилган. Ўқувчилар аввал айғирга хос сифатларни матндан топадилар. Улар ҳикоядан, тахминан: «Қоп-қора ёлли, кўк кўз улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал ҳайдаб келиб, ...галасини кам деганда йигирма бошига етказди... Ёввойи йўрға галани шундай иштиёқ ҳамда рашк билан кўриқлади... Йўргалаганда оёғи умуман адашмайди... Унинг эпчиллиги, йўргаси, чайир табиати...

Йўрға ... нима гаплигини билди, яна толмас, равон, йўрға қадамлар отиб олға талпинди, галани йўлчи юлдуз мисол олға чорлади... Қора йўрға ҳамон темирдай мустаҳкам эди. Унинг равон йўргаси айнимаган.... У ҳамишадагидек галасини матонат билан бошқарар, килинар, чопишда намуна кўрсатиб, уларни олға чорларди. Айғир тер билан чангдан ола-була бўлиб кетди, аммо йўргасидан адашмади... ...гаройиб ёввойи йўрға эса ҳамон ўз эркида юрибди... Даргазаб йўрға сўнгги дармони қолгунича типирчилади, ўпкаси тўлиб келди, ўксик зарбидан аъзойи бадани зир-зир қалтиради, юзларидан маржон-маржон ёшлар оқди...

... аммо қайсар, баджаҳл айғир, оппоқ тер кўпикларга ботган айғир бўйин эгмади. Айғир ёввойиларча кишади, қаҳр билан пишиқирди, озодлик йўлида телбаларча тўлганди... Ёввойи йўрганинг ярқироқ сағирлари қон аралаш тердан қорайиб кетди.

Беҳисоб йиқилиб-туришлар, бесамар олишувлар йўрганинг шундай тинка-мадорини қуритдики, у узун кун давом этган қувғинда ҳам бунчалик ҳориб толмаган эди... Айғир гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига тинимсиз талпинди, шиддатли сапчишлари борган сайин заифлашиб борди, бурнидан отилаётган кўпиклар қонга беланди... Ёввойи йўрга қолган бор кучини йиғиб озодлик йўлида жон-жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Яна, яна юқорилади, баданига ботаётган арқонга ҳам, уни тўхтатиб, изига қайтариши учун узилган ўқ овозига ҳам парво қилмади, у озодликка талпинди... Ёввойи йўрга яна, яна юқорилади, ана, тик қояга кўтарилди. Қоядан настга – ҳавога сакради...» сингари тасвирларни белгилаб, ажратиб оладилар, сўнгра уларни шарҳлашга ўтадилар. Бу жараёнда ёввойи йўрганинг характерини аниқлаб оладилар. Шу аснода унинг бекиёслигини ифодаловчи характер-хусусиятлар кашф этилади. Бу кашфиёт дарс бошида қўйилган биринчи муаммонинг ечимига тўртки бериши мумкин.

Шундан сўнг ўқувчилар матндан Жо шахсига хос бўлган сифатларни топишга йўналтирилади. Улар матндан Жонинг табиатига хос фазилатлар акс этган ўринларни ажратиб, белгилаб оладилар, уларни таҳлилга тортадилар.

Ўқувчилар Жонинг ўзига хослигини ифодаловчи куйидаги фикрларга эътибор қаратадилар: «Жо унинг бирон мартаям йўргасидан адашиб, оддий қадамлар босиб юрганини кўрмади. Барча яхши чавандозлар каби бу гўзал отга боқиб, ундан завқ-шавқ олди. Завқи янада зўрайиб, шундай ноёб ҳайвонни отгандан кўра, ўзимнинг манави отимни отган маъқул» деган хулосага келди. Унинг кўнглидан: «Айғирга қўйилган мукофотни олиш керакмикан? ...Қўйилган пул чакана эмас. Лекин айғирнинг турган турмуши хазина, у асл зотли зурриёт яратиши мумкин», - деган фикр ҳам ўтди. Ёввойи Жо шуниси билан бошқаларга ўхшамаслигини, гарчи у бошида моддий манфаат учун йўргани овлашга киришган бўлсада, бошқа фермерларга ўхшамайдиган шахс эканини кўриш мумкин.

Ҳикояда айтилишича, ёввойи отларни «от устидан ўқ бўшатиш», «галани кўрага ҳайдаб ушлаш», «галани қувиб етиш», «галани ҳолдан тойгунча қувиб бориш» ва «галма-гал овлаш» каби йўллар билан овлаш мумкин экан. «Кўп қочиш-қувишлар, юзма-юз келишлар» натижасида, гарчи Жо ўзининг яхшигина отидан айрилган бўлсада, нималаргадир эришди – байталларни йўрғадан ажратиб олишга муваффақ бўлди ҳам. *«Жо йўрғага бераҳм бўлди, ўзи билан отига эса ундан бешибаттар бешиафқат бўлди. Кун аёвсиз куйдирди, қизиган ёйилма узра офтоб тафти жимирлади. Жонинг кўзлари ёнди, лаблари ишур, бетамиз чангдан чирсиллади».* Шунча азобларни бошдан кечирган Жо *«..лагерга ниёда келди. Унинг саргузашти лўнда бўлди: саккиз от побуд бўлди, беш одам бутунлай ҳолдан тойди...»* ва у отни овлашдан воз кечди. Ўқувчиларга: Сизнингча отнинг Жо қўйган тузокларга тушмагани сабаби нимада?» саволини бериш уларни вазият тасвирини муҳокама қилиб, хулоса чиқаришга йўналтиради. Албатта, фикрлар, хулосалар бир-биридан кўп фарқ қилмаслиги мумкин, лекин уларнинг мустақиллиги катта аҳамиятга молик.

Шу тариқа ўқувчилар ҳикоянинг иккала қаҳрамонини таққослайдилар. Уларга хос ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ажратадилар. Кўринадики, иккаласи ҳам бир-бирига мос рақиблар. Лекин шунчалик қайсар, чайир, толмас, ишбилармон ва ақлли бўлишига карамай, Жо нима учун йўрғани қўлга киритолмади? Ўқувчилар бу ҳақда ҳам фикрлаб кўрганлари маъқул. Бу жараёнда ҳар бир ўқувчининг ўз ҳақиқати бўлади. Мана шу ҳақиқат адабий таълим учун олимникидан ортиқроқ, ўқитувчиникидан муҳимроқдир.

Курка Изнинг йўрғани қўлга киритишда унинг шумлиги, ақлли ва тадбиркорлигидан ҳам кўра тўриқнинг байтал йўқлаб кишнаши қўл келгани тасвирига ўқувчилар эътибори тортилгани маъқул. *«Байталнинг айгир йўқлаб кишнаши йўрғанинг кўнглида акс-садо берди».* Жонинг ҳужумларидан кейин барча байталлардан айрилиб, бутун кишни ёлғиз қишлаган йўрғанинг мувозанатдан чиқиб, унга жавоб бериши: *«Байталнинг жавобан кишнаши йўрғанинг кўнглидаги бор ҳадикларни йўқ қилиб юборди. Йўрғанинг юраги ёниб кетди»* тарзида тасвирланади. Йўрға – лидер. У бошқарилишга эмас, бошқаришга, ҳокимликка мойил. У ёлғиз яшай олмайди. Курка Изнинг шумлиги, мана шу вазиятдан

усталик билан фойдаланиши йўрғанинг бошини еди. Йўрға аклли, жасур, мағрур эди. Унда одамларга хос бўлган шумлик йўқ. Агар йўрғада шумлик бўлганда, у Куркадан шумрок бўларди ва тузогига тушмасди.

Шу ўринда ўқувчиларга: «Нима деб ўйлайсиз, Курка Из йўрғани жиловлаб уйига олиб келиши мумкинмиди? Шу ҳолатни тасаввур қила оласизми?» деган саволларни бериш ҳам ўринли бўлади. Ўқувчилар Курка Из билан йўрғанинг тўқнашуви манзарасини тасаввур қилиб, ўз имкониятлари даражасида саволларга жавоб берадилар. Эрки, озодлиги ва ҳур турмуш тарзини ҳаётдан афзал билган ёввойи йўрға тимсолига муносабат билдирадилар.

Ҳикоя таҳлили якунида ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини дарс бошида хаттахтага ёзиб қўйгани, ўқувчилар бутун дарс давомида ҳаёлларининг бир четида ушлаб турганлари муаммоларга қаратади: «**Айғир ҳалокати – унинг ўз эркини сақлаб қолиш учун босиб ўтган кураш йўлига хиёнат**». Ўқувчилар асарнинг бутун таҳлили давомида кўнгилларига ўрнашиб қолган ҳақиқатларини умумлаштириб айғир умрининг охириги қисмини фақат ўз эркини сақлаб қолиш учун курашларга бағишлаган бўлса, унинг ҳалокати ҳам шу курашнинг, шу исённинг бир тури эканини англасалар ва шу атрофда мулоҳаза юритсалар, биринчи муаммонинг ечимини топган бўладилар. У эркисиз ҳаётни тасаввур ҳам қилолмайди. Унинг ёввойилиги, эрки ҳаётдан афзал. Унинг бошқа йўли қолмагани. Одамга бўйсуниб яшаш бундай отлар учун эмас.

Шундай қатъий ҳукм-хулоса устида турган ўқувчилар олдида: «**Овчилар бошқа қандайдир йўллар билан қора йўрғани хонакилаштиришлари мумкинмиди?**» тарзидаги муаммонинг кўндаланг қўйилиши уларни мувозанатдан чиқишга мажбур қилади. Энди улар бутунлай тескари шаклда мулоҳаза юритишлари, бу масаланинг ечими устида ўйлашлари керак бўлади. Албатта, бу масала юзасидан ҳам ҳар хил фикрлар айтилар, далиллар билан асосланар. Кимдир бу мумкин эмаслигини исботлар, яна кимдир меҳр меҳр чақиришини, муҳаббат муҳаббат уйғотишини айтиб, агар овчилар айғирга меҳр-муҳаббат кўрсатишганда уни юмшатиш мумкин эди, деб ҳисоблар. Балки, ўқувчилар орасида бу иккаласидан бошқа яна

қандайдир ҳақиқат пайдо бўлар ва далилланар. Албатта, бунинг вазият ва ўқувчиларнинг фикрчиллик даражаси белгилайди. Ўқитувчи муаммонинг барча ечимини ҳам ҳурмат қилмоғи, уларнинг мустақиллиги ва асосларига дахл қилмагани дуруст. Нима бўлганда ҳам ҳар ким ўз хулосасида қолгани, ҳар кимнинг ечими ўзича ҳақ эканини англантиб қўйгани тузук. Гап шундаки, адабий таълимда бадий асарлар юзасидан ҳар кимнинг ўз хулосаси, ўз ҳақиқати бўлади. Бугунги адабий таълим мана шуниси билан аввалгиларидан фарқланади. Ўқувчиларнинг шу ҳақиқати адабий таълим учун ҳар нарсадан кадрлироқдир. Бундай ҳақиқат эгалари Шахс бўлиб шаклланадилар. Адабий таълим шунга хизмат қилади.

«ЎЗБЕКЛАР»ни муаммоли ўрганиш.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига асосланади.

Бугун миллий тарбияшуносликнинг мазмуни ҳам, мақсад ва вазифалари ҳам ўзгарган. Баркамол авлодни шакллантириш йўлида изланаётган янгиланган миллий педагогиканинг долзарб масалалардан бири шахснинг камол топишида унинг ўзининг иштирокини таъминлашдир. Боланинг шахс сифатида шаклланишида унинг ўзи бевосита иштирок этиши, бу жараёнга ихтиёрий равишда киришиши учун унда онгли эҳтиёжни уйғотиш керак. Бунинг самарали йўлларида бири унинг олдида муаммо қўйишдир.

Адабий таълимда муаммоли вазият ҳосил қила билиш, бу вазиятдан ўқувчиларнинг мустақил равишда чиқиб кетишларига эришиш ўқитувчидан ҳам жиддий меҳнатни талаб қилади. Ушбу мақолада Шукур Холмирзаевнинг (баъзан 7, баъзан 8-синф) «Адабиёт» дарслик-мажмуасидаги «Ўзбеклар» ҳикояси устида ишлаш мисолида адабиёт дарсларида муаммоли таълимни амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳақида фикр юритилади.

Мазкур ҳикоя ўз мазмун-моҳияти билан кишида хилма-хил туйғуларни кўзгайди, қалб қаърида оғриқ пайдо қилади, алам,

изтироб, ифтихор, гурур уйғотади. Уни дарслик⁸⁹да матн юзасидан такдим этилган киркдан ортиқ савол-топшириқлар ёрдамида ўрганиш асносида ҳам дастурий талкинга тўлиқ эришиш мумкин. Берилган савол-топшириқлар билан ишлаганда ҳам ўқувчиларга асарнинг бадиий қудратини сездириб, таъсир кучини ошириш мумкин.

Ўрганишга такдим этилган ҳикоянинг ҳажми каттагина. Бир дарснинг ўзида уни тўлиқ ўқиб чиқишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ўқитувчи дарсда матнни жумбоқли, болаларни ҳикоянинг давомини мустақил ўқишга мажбур қиладиган жойигача ўқигани, қолганини уйга топшириқ тарзида бергани маъқул бўлади. Масалан, матннинг бошидан 2–3 саҳифа ўқиб (буни вақт имкониятига қараб ўқитувчи ўзи белгилагани маъқул), сўнг «*Шунда сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди...*» деган жумла билан биринчи қисмни яқунлагани, сўнг «*Биз энди яккамахов бўлиб қолдик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кираман! Бу ёғига қулоқ солинг...*» жумласигача ўқиб, орадаги ва кейинга асосий лавҳаларни қолдириб кетгани маъқул. Ўқитувчи матнни ўқиганда ҳикоячининг ҳолатига кириб, суҳбатдошига «*қадрдон*», «*меҳрибоним*» дея юзланиши, «*..сиз нима қилардингиз?*» деган мурожаатларини алоҳида оҳанг билан ўқиши, сўнг бир оз узилиш қилиб, ўқувчиларга ўйлаш имконини бериши лозим бўлади. Мақсад – болалар кўнглида ҳикоя қаҳрамонига муҳаббат, ҳеч бўлмаса илиқлик уйғотиш.

Ҳикоянинг тўлиқ матнини ўқишни уйга топшириш билан бирга кейинги икки дарсда асар матнини ўрганиш муаммоли шаклда бўлишини айтиб: «*Эргашвойни асл ўзбек деса бўладими? Ҳикоянинг барча қаҳрамонларида ўзбекка хос нимадир бор. Сиз қай бирини чинакам ўзбек деб ҳисоблайсиз?*» шаклидаги ўқувчи руҳиятини, шуурини қитиклайдиган муаммоли саволларни ўртага ташлаб, уларни хатахтага ва ўқувчиларнинг адабиёт дафтарига ёздириб қўйиш мумкин.

Ҳикоя таҳлилига бундай ёндашган ўқувчи асарни ўқиш давомида ҳар бир жумлага эътибор билан қараб, эртанги дарсга иштиёқ ва тайёргарлик билан келиши табиий. Кейинги дарсда

⁸⁹ Yo'ldoshev Q., Qosimov B. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. – T.: «O'qituvchi», 2000. – 192–210-b.

Ўқитувчи муаммоли саволларни кайта эслатиб, бутун дарс давомида, яъни ҳикоянинг ўқув таҳлил асносида, саволларга жавоб бериш, топшириқларни бажариш жараёнида шу муаммолар ҳар бир ўқувчи фикри, диққат марказида туриши лозимлигини тайинлайди. Маълумки, ўқувчилар дарсда, асосан, ўқитувчи учун гапиради. Балки баъзиларининг айтганлари маънавий-ҳаётий ўлчамларга мос келмас, лекин бунинг учун дарҳол дакки бериб боланинг руҳини чўктириб кўйишдан эҳтиёт бўлгани яхши ўқитувчининг. Ўқувчи ўз қарашлари нотўғрилигини муҳокамалар жараёнида ўртоқларининг фикри, хулосалари билан таққослаб кўриб, ўзи билиб олгани дуруст.

Муаммоли вазиятларда баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, болалар суҳбат жараёнида боши берк кўчага кириб қоладилар, ёки тортишиб қоладилар, ёхуд масала ҳал бўлмай мунозара тўхтаб қолади. Шундай вазиятларга ўқитувчи тайёр туриши, ҳар бир қаҳрамон характерини очишга йўналтирувчи савол ва топшириқлардан фойдаланишига тўғри келади. Дастлаб Эргашвой табиатини очишга, уни «асл ўзбек деса бўладими?» деган муаммонинг ечимига хизмат қиладиган савол ва топшириқларга жавоб бериш асносида бош қаҳрамоннинг характер-хусусияти очила боради. Мазкур муаммонинг кўйилиши ўқувчиларни ўзбекларнинг миллий характерини, яъни ўзбекларга хос бўлган миллий тавсифномада ярқ этиб кўзга ташланадиган умумий хусусиятлар, шу билан бирга алоҳида шахсларга хос бўлган характер-хусусиятларни муҳокама қилишга йўналтирувчи объект бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун бош қаҳрамонга хос бўлган ҳар бир эпизод, ҳар бир деталь савол ёки топшириққа айлантирилади ва муҳокамага тортилади:

1. Асар қаҳрамони Эргашнинг ёши, табиати, ақлий камолоти ва ҳиссий дунёси ҳақида матнга асосланиб фикр юритинг. 2. Эргашнинг «...уддалик» бобида ҳам анча жўн эдик» тарзидаги эътирофи қаҳрамон табиатининг қай жиҳатини намоён этади? «Уддасизлик» Эргашнинг камчилигимни ёки фазилати? 3. Эргашга эшик тагидан жой тегиши унинг шахсияти ҳақида қандай хулоса чиқаришга асос беради деб ўйлайсиз? 4. Эргашнинг ўрмак тўқиётган аёлни кўриб қолган пайтидаги қувончининг сабабини тушунтиринг. 5. Матндан асар қаҳрамонининг: «Ана шундай қилиб, буларга бирдан кўнглим

шиди» деган иқрори сабабини топинг. 6. Эргашнинг чўпоннигида бир ошам ҳам ош емагани сабабини изоҳланг. Сиз унинг ўрнида нима қилган бўлардингиз? 7. Эргаш ўртоқларини чўпонга айтиб бериши мумкинми? Нега айтиб бермаганлиги сабабини изоҳлашга урининг. 8. Қаҳрамоннинг: «...ич-ичимдан қувониб йиғлардим» шаклидаги дардчил иқрорини изоҳланг. Қувониб ҳам шундай йиғлаш мумкинми? 9. Ҳикоя сўнгида Эргашнинг: «...менинг бу жўнгина, оддийгина ҳикоям — кўнглимдан ўтган нарса эди» деган таъкидига эътибор қаратинг. Унинг маъносини чақишга, шарҳлашга уриниб кўринг».

Шу савол ва топшириқларга жавоб бериш асносида ҳикоя қаҳрамонига хос бўлган жиҳатлар очилади. Шунда ўқитувчи муаммоли саволни ўқувчиларига эслатади: **Эргашвойни асл ўзбек деса бўладими?** Ўқувчилар унинг ўзбеклиги, қайси тутумларида намоён бўлганини ўзларича асослашга уриниб кўрадилар. Ким буни унинг уддабурон эмаслигида, кимдир эшик тагида қолиб кетганида, яна биров унинг қашшоқдан-қашшоқ оилага меҳр кўйиб қолганида кўриши, қай бир ўқувчи унинг чўпоннигида бир ошам ҳам ош ея олмаганида, бировлар унинг ўртоқларини чўпонга айтиб бермаганида, аллаким кўнглидан ўтган ростни боридай ҳикоя қилганида кўриши мумкиндир... Балки шуларнинг ҳаммаси ўзбекликдир. Ўқитувчи-ўқувчилар балки биргаликда бир тўхтама келиша олмас ҳам. Аслини олганда, гап муаммонинг ечимида ҳам эмас. Мухими – ўқувчилар шундай баланд, мавҳум ва кадрли масалалар устида ўйланишлари, изланишлари. Инсоний фазилат ва иллатларни фарқлай билишлари. Ҳар бир тутум, хатти-ҳаракатнинг ҳисобини сўрайдиган Виждон деб аталмиш бир ҳакамнинг мавжудлиги ва унинг олдида ҳисоб бериш осон эмаслигини англашади. Яратувчи бир кудрат томонидан фазилатлари рағбатлантирилиши, иллатлари эса жазоланишини ҳис қилишади. Адабий таълим учун шуниси муҳим.

Кейинги дарсда ҳамкорлар ҳикоянинг бошқа қаҳрамонлари тимсолидан ўзбекликни қидирадилар ва ўқитувчи иккинчи муаммони ўртага ташлайди: «**Ҳикоянинг барча қаҳрамонларида ўзбекка хос нимадир бор. Сиз қай бирини чинакам ўзбек деб ҳисоблайсиз?**» Ўқувчиларининг диққатини Ботир чўпон ва унинг аёли тимсолида ўзбекликка хос бўлган

сифатларни кашф этишга йўналтиради. Бу ўринда ҳам ўқитувчининг асосий таянчи савол ва топшириқлар бўлади: 1. Сиз нима деб ўйлайсиз, ўзбеклар халқ, миллат сифатида қандай яшашади? Бойми, камбағалми, ўртачами? Буни қандай аниқладингиз? Фикрингизни асосланг. 2. Ҳижоядаги ўзбекларнинг ўз камбағалликларини яширишига сиз қандай қарайсиз? Сизнингча бунинг сабаблари нимада? 3. Эргашнинг одамларимиз ҳақида: «Худди жуда бой эди-ю, бирдан камбағал бўлиб қолгандай тутади ўзини» тарзидаги мулоҳазасига муносабат билдиринг. 4. Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини шинганликлари, ўта камбағал бўлсаларда, барча ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганликлари сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг. Чўпон ва аёлининг руҳиятини тушунишга уриниб кўринг. 5. Ёрдамчи йигитларнинг: «Лекин бизни алдашяпти, чўпон ака! Кунлик меҳнатимиз овқатимизни қопламайди. Бир килога ўн тийин тўлайди. Ҳозир ўн кило терши ўлимдан қийин» тарзидаги эътирозига чўпоннинг: «Ҳа, энди чидаймиз-да, огажон. Ўзимизни пахта, ўзимизни ҳукумат» тарзидаги жавобига асосланиб фикр билдиринг. Чўпоннинг ноҳақликка бундай муносабати нимадан далолат беради? 6. Чўпоннинг довул кечаси ёрдам берган йигитларга қарата миннатдорлик рамзи сифатида: «Топсам, ўзимнинг икки кўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман сизларга» тарзидаги ваъдасига диққат қилинг. Бу нимани аниқлатади, сизнингча? 7. Матнга асосланиб, чўпон ва аёлининг Эргаш билан хайрлашмаганига муносабат билдиринг. Одам учун дўстдан душманни, яхшидан ёмонни фарқлаш қанчалар қийин экани ҳақида ўйлаб кўринг, фикрингизни айтинг.

Мазкур савол ва топшириқлар устида ишлаб Ботир чўпон ва унинг аёлига хос бўлган кашшоклик ва назари тўқлик, камбағаллик ва бағрикенглик, ўзининг тайинли емиши йўғу меҳмондўст, камқонлик туфайли боласидан айрилгану лекин ўзгаларга ўзининг (кўзиси топилмаса ҳам) иккитагина кўйидан биттасини сўйиб едирадиган, ҳаммани ўзидек тўғри билиб йигитлардан гумон ҳам қилмаган, яна уларни иззат-икром билан кузатиб кўйган ўзбекларга кўнгилларида қандай муносабат пайдо бўлганини кузатадилар. Ҳар кимда ҳар хил муносабат пайдо бўлади: кимдир ачинади, кимгадир алам қилади, кимдир фахр

ҳиссини туяр, кимнингдир раҳми келар... Ким билади, буни вазият кўрсатади, албатта. Бу сифатларнинг қай бирини ўзбекларнинг миллий тавсифномасига киритиш мумкин? Бу сифатларнинг илдизи нимага бориб такалади? Умумлашма хулоса чиқариш учун ўқувчилар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари керак бўлади.

Кўйилган иккинчи муаммонинг иккинчи қисми, ўзбекларнинг ёрдамчи талабалар шаклидаги тимсоли ҳам ўқувчиларнинг назаридан четда қолиши мумкин эмас. Ўқувчилар бу борада ҳам батафсил ва тизимли мулоҳаза юритишлари учун ўқитувчи қўйидаги савол ва топшириқлар билан уларга муурожаат қилади:

1. *Кўзи воқеасидан кейин ҳам Ўрмон, Азимжон, Мирзаголибларнинг чўпонникига қираверишларига муносабат билдиринг. Уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб, фикрингизни асослашга урининг.*
2. *Азимжоннинг: «Биз аблаҳмиз! Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади» шаклидаги фикрига муносабат билдиринг. Азимжонни Ўрмон ва Мирзаголиб билан солиштиришга уриниб кўринг.*
3. *Ҳикоя матнида айтилган: «Сиз ёзувчилар инжик одамсизлар. Яхши одам деганда, албатта сутдек оқ, мусичадек беозор одамни тушунасизлар. Ҳолбуки, унақалар ҳаётда йўқ: ундайлар, менимча, гоё... холос» тарзидаги фикрни ўйлаб кўринг. Унга муносабат билдиринг. Қарашларингизни асосланг.*
5. *Курсдошларидан бирининг: «Шу Эргашвойнинг ичига тепсангда! — деди. — Кўзимга итдан баттар кўриняпти... Энди бир умр кулиб юради биздан, ярамас. Ёввойи...» тарзидаги муносабати сабабини тушунтиришга уриниб кўринг. Бу гапни айтган йиғитда қандай туйғу устуворлик қляпти, Сизнингча: нафратми ёки хижсолатликми?*

Маъкур савол ва топшириқлар асосида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг ўқувчилар руҳиятида яна бир бошқача ҳислар пайдо бўлади. Ўқувчилар бу туйғуларга ҳам ном топишга уриниб кўрсинлар: бу нима? Нафратми? Ачинишми? Ҳазар қилишми? Ёки раҳмдилликмикин? Суҳбат кимда қандай туйғу уйғотган бўлса ҳам, фикр айтган ўқувчилар нима учун шундай деб ўйлаганларини ички бир ҳақиқат билан асослаб беришлари керак бўлади. Фикрлар тўқнашуви жараёнида ҳақиқатлар юзага чиқади. Еттинчи синф

ёшидаги тарбияланувчилар бу ҳақиқатларни ўзлари фарқлаб, англаб олаверадилар.

Ўқитувчининг: «Сиз Эргашвойни қандай одам деб биласиз? Чўпон ва унинг аёлидан фахрланасизми, хижолат бўласизми, ачинасизми? Ҳашарчи талабалардан-чи? Нафратланасизми? Сизнингча, уларнинг қайси бири ўзбекроқ?» тарзидаги умумлаштирувчи саволлари асар матни юзасидан тузилган муаммонинг ечимини таъминлайди ва фикрларни умумлаштиради.

Муаммоли вазиятнинг ечими синфдаги яхши ўқийдиган бир неча ўқувчи иштироки билан чекланмай, унда ўқувчиларнинг барчаси иштирок этишларига эришиш керак. Ушбу дарс баҳс-мунозара, эркин суҳбат, ҳар хил фикрлар тўқнашуви шаклида ўтади. Муаммоли вазиятни ташкил қилган ўқитувчи ҳам унинг ҳокими эмас, иштирокчиси бўлиши, бошқарувчисидан кўра кўпроқ кузатувчи бўлгани маъқул.

Ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини ҳурмат қилган ҳолда суҳбатни, мунозарани ўзлари юритганлари фойдалироқ. Мунозарадан ҳар бир ўқувчи миллий маънавий ўлчовларга мос келадиган ўз ҳақиқати, фикри, хулосасига эга бўлса, уларнинг шахсияти шаклланиши сари тўғри қадам босилган бўларди.

Уйга вазифа сифатида ҳикоя қаҳрамонлари Эргашвой, талабалар ва чўпон оиласининг кейинги ҳаёти ҳақида янги бир асар яратишни топшириш мумкин. Ёки «Ўзбеклар» деган янги бир эссе ёзишни топшириш ҳам мумкин. Бу ихтиёрий уй вазифалари саналади ва ёзиб келган ўқувчиларнинг асарлари эшитилади, таҳрир қилинади. Баҳоланади.

«ОҚ КЕМА» асарини муаммоли ўрганиш.

Қизиқишнинг мавжудлиги шахс фаолиятига ижобий таъсир этади, уни юқори поғонага кўтаради. Тафаккур, хотира, диққат, тасаввур фаоллашганда инсонда кўпроқ ва чуқурроқ билим олиш имконияти пайдо бўлади. Бу муаммоли таълим асосида ўз ечимини топади.

Еттинчи синф дарслигида асримизнинг таниқли адиби Чингиз Айтматов ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги матн ҳажман унча катта бўлмасада, унда адибнинг машаққатли болалиги, уни камолот сари етаклаган инсоний фазилатлар, унга буюклик бахш этган улкан иқтидор ҳақида ўз хотиралари асосида қисқа, лўнда ва шу ёшдаги ўқувчиларга етарли маълумот берилган. Ўқитувчи болалар ўрганилажак асарни мукамал ўзлаштиришлари учун муаллиф шахсини билиш ҳам аҳамиятга молик эканини эсда тутиб, бўлажак адибнинг отаси масъул лавозимларда ишлагани ва катагон қурбони бўлгани, ёш Чингизнинг 14 ёшида қишлоқ кенгашида котиб бўлиб ишлагани, шу сабаб одамларни, ҳаётни яхши ўрганганини алоҳида эътибор билан ўқиб, англайдилар.

Адибнинг ўқувчилар диққат қаратишлари лозим бўлган жиҳатларидан бири унинг рус тилида ижод қилишидир. Адиб хотираларида шундай эътироф бор: *«Бувим ҳар ёзда мени тоққа олиб кетарди. У мен учун эртак, дoston, қадимий кўшиқларнинг битмас-туганмас хазинаси эди. Эҳтимол, ўшанда бувим ўзи сезмаган ҳолда ўз тилимни севишга, ҳурмат қилишга ўргатгандир. Бунга ҳеч қандай шубҳам йўқ»*. Инсон ўз она тилини севгани ҳолда бошқа чет тилларни билиши унга дунё бағрини кенг очиши, унинг олам ва одам сирларини билиш имконияти кенгайиши табиийлиги Ч. Айтматов мисолида намоён бўлади.

Ўқувчиларни бадий асар ўқишга руҳан тайёрлаган ўқитувчи «Оқ кема»ни ўқишга катта қизиқиш билан киришиши шак-шубҳасиз. Қиссада қаламга олинган инсоний фазилатлар шаклланаётган шахс маънавиятида қатъий ўрнашиб қолиши адабий таълимнинг бош мақсадига хизмат қилишини ҳисобга олиб, ўқитувчи бу асар болалар томонидан тўла англанишига интилади. Кимnidир ёки ниманидир яхши кўра олиш инсонга берилган бебаҳо неъматдир. Ўқувчининг ҳаёлчан ва покиза

болакайни яхши кўриб қолишида бадиий матннинг ифодали ўқилиши ҳам катта аҳамият касб этади.

«Оқ кема»ни⁹⁰ ўқишга киришишдан аввал ўқитувчи асар матнини соатларга тақсимлаб, қайси бир қисми қайси дарсда ўқилишини режалаштириб олгани дуруст. Дарсни муаммоли таълим асосида ташкил этишни мўлжаллаган ўқитувчи уни асарнинг иккинчи қисмини ўқишдан бошлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўқувчилар олдига қўйилажак муаммонинг асоси иккинчи эртақда ва у биринчи эртақ қаҳрамонларининг ҳаётига ҳам бевосита дахлдордир: **«Инсонлар қандай яшаши керак?»** Дарс жараёнида шу муаммоли масала ечими билан шуғулланишлари маълум қилинади.

Кейин асарнинг шохдор Она буғу ҳақидаги иккинчи қисмини ўқишни бошлайди. Ҳар бир дарснинг ўз «дарди» бор ва ўқитувчи уни ўқувчиларга юктира билиш керак. Бунинг учун кичкина кириш қилиниб, ушбу асарда гарчи эртақ шаклида берилган бўлсада, унинг замирида ҳаётий ҳақиқат борлиги, тарихий манбаларда кўрсатилишича, Энасой дарёси бўйларида туркий халқлар яшаб, улар чорвачилик билан шуғулланганликлари, Сибирдаги кўп жой номларининг туркийда экани ҳам ушбу ҳолатдан далолатлиги таъкидланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Энасой ҳақида берилган қадимий туркий кўшиқ матни:

Сендан улкан дарё борми, Энасой,
Сендай азиз тупрок борми, Энасой,
Сендан чуқур дард ҳам борми, Энасой,
Сендан озод кучок борми, Энасой?!

Сендан улкан дарё йўқдир, Энасой,
Сендан азиз тупрок йўқдир, Энасой
Сендан чуқур дард ҳам йўқдир, Энасой,
Сендан озод кучок йўқдир, Энасой.

таҳлилга тортилиши лозим. Кўшиқ моҳиятига кирилар экан, бу жараёнда кишининг кўнглидан ғалати туйғулар кечади.

⁹⁰ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. – T.: «Sharq», 2017. – 95–129-b.

Ўқувчиларга ҳозирги Енисей дарёси харитадан кўрсатилса, уларнинг тасаввури янада тиниклашади. Дарёнинг маҳобати бир тараф, лекин унинг «озод қучоқ»лиги, «борми?» деган саволга қатъий ишонч билан «йўқдир» дейилиши ва бунинг ҳар сатрда такрорланишидан туркий халқларнинг ўз ватанини, эна дарёсини қанчалар буюк меҳр билан суйганини ҳис қилиш мумкин. Кўнгилда озгина алам, оғриқ ҳам пайдо бўлади. Ўқувчиларни бунинг боиси нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўришга ҳам ундаш лозим бўлади. Энасойнинг бугун бизники эмаслиги ёки биз эна дарё бўйларида эмаслигимиздан ҳасрат ҳам пайдо бўладигандай... Дарёнинг Энасой деб аталиши замирида ҳам катта маъно бор. Ватан онадек азиз ва унинг ҳар бир қаричи, ундаги ҳар чўп, айниқса, бундай буюк дарё онага менгзалмаслиги мумкинми? Бу борада болаларнинг матнга таянган ҳолда чиқарган фикрлари аҳамиятлидир.

Асарда ўқувчилар олдида кўйилган муаммога маълум даражада дахлдор бўлган маълумот бор: *«Шу даражага борилдики, ҳеч кимнинг деҳқончилик қилгиси, мол боққиси, ов қилгиси келмай қолди. Қароқчилик билан кун кечирши осон туюларди: қўққисдан босасан, ўлдирасан, оласан-кетасан. Бир қотилликка қасдма-қасд ўн қотиллик билан жавоб беришга ҳаракат қилишарди. Шу заўлда кун ўтган сайин кўпроқ қон тўкиларди. Душманга қирон келтириб, ўзга қабиланинг сўнги одамигача, қонини оқизган, мол-у мулкани қўлга киритган одам энг ақлли ва уддабурон саналарди»*. Одамларнинг инсондек яшаш мезонининг бузулиши мана шу даврдан бошланган. Ўқувчилар одамларнинг бузулиши сабаби нимада экани ҳақида ўйлаб кўрсинлар. Аввало, ҳалол меҳнат билан ризқ топиш, фарзандларга ҳалол луқма едириш талаби бузилган жойдан одамзоднинг бошига фожиалар соя ташлай бошлайди. Ўқувчиларнинг фикрлаш тарзи шу йўналишга мойил бўлса, демак уларнинг ўзлари ҳеч қандай насихатларсиз, талабларсиз, ихтиёрий равишда адабий таълимнинг мақсади сари юз бурган бўладилар.

Матннинг *«Одам одамга ичи ачимасди»* жумла билан бошланган хатбошисида ўқувчиларнинг эътибори инсон — Тангрининг энг олий яратиги эканлигига, у қанча олижаноб, қанчалик яратувчан бўлса, шунчалик даражадаги ваҳшийликларга ҳам қодир эканига қаратилади. Бунинг атрофимиздаги

одамларда ҳам ҳар хил кўринишларда учратиш мумкин. Ўз сифатларини қайси томонга йўналтириб, қандай маънавий сифатларга эга бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ. У шундай даҳшатларни содир этмаслиги, инсон номига чинакам муносиб бўлиши учун унинг кўнглини чиройли қилишга эришиш керак. Инсоннинг кўнгли чирой, гўзалликдан қувониб, баҳра оладиган қилиб шакллантирилса, ўзгаларни аяйдиган бўлиб, разилликлардан ҳазар қилиб яшайди. Бунинг учун у бадиий адабиёт билан, гўзаллик билан, кўркем сўз билан ошно бўлмоғи керак.

Ўқитувчи матннинг давоми бўйича иш олиб борар экан, ўқувчилар кўнглида ваҳшийликларга нафрат ҳиссини тугдира олиши керак. Бу ўқитувчининг ижрочилик маҳоратига боғлиқ.

Ўрмонда пайдо бўлган қушнинг огоҳлантиришида ҳам қандайдир илоҳийлик бордай. Ҳаётда ҳам шундай. Инсон олдинда бўладиган ишлардан ҳар хил йўллар билан огоҳлантирилади. Фақат биз унга ҳамиша ҳам эътибор беравермаймиз. Мазкур ҳодисанинг киритилиши ҳам муаллиф томонидан шунга ишора бўлса ажабмас. Бу масалага ўқувчилар эътиборини қаратиш, фикрини сўраш уларни зийракликка одатлантириши мумкин.

Дафн маросимидаги урф-одатларнинг қайси жиҳатлари бугунги кунда ҳам сақланиб қолинган? Қайсилари йўқолиб кетган? Ўқувчилар тарихдан ўқиганлари ва асар матнига таянган ҳолда буларни аниқласинлар. Шу ўринда миллат улуғига бўлган эътиборга ҳам диққат қаратиш, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўрмон этагига ҳозирлаб қўйилган бия, ҳўкиз, қўйларнинг тўққизтаданлиги нимани англатади? Умуман, эртақдаги воқеа-ҳодисалар қайси даврга мос келади? Ўрмонга кетган болаларнинг шўхлиги ва ўзбошимчалигида илоҳийлик бўлиши мумкинми? Ўқувчилар бунга нима дейди? Эртақда болаларнинг ҳолати қай даражада ишонарли тасвирлангани, яъни ёзувчининг шу ўриндаги маҳоратига эътибор тортилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларни қаҳрамонлар ҳолатига олиб кириш керак. Токи, улар эртақда тасвирланган болаларнинг бошларига тушган кулфат қай даражада оғир эканини ҳис этсинлар. Болалар келганда ўз ғалабаларини нишонлаётган қабиладагилар нега бунча чўчиб кетганликларига ўқувчилар муносабат билдирсинлар. Бу қандай кўркем? Нега уларнинг кўнглида шундай туйғу

пайдо бўлди? Инсондек яшаш мезонларига хиёнат қилганларини ўзлари ҳам сезганлари учунмикин? Ўқувчиларнинг муҳокамасида мана шу саволларга жавоб бўлиши керак.

Қабила аъзолари билан хон ўртасида қандай фарқ бор? Нега хон болаларни шу ернинг ўзида ўлдиртириб юбормади? Бу масалаларга ҳам ўқувчилар диққати тортилиши керак, улар буни ҳам муҳокама қилиб, муносабатларини билдиришсин. Ўқувчилар одамлар билан она буғи муносабатини солиштирганлари маъқул. Шунингдек, улар олдига: «Она буғунинг одам болаларига меҳрибонлиги ва содиқлиги нимадан далолат беради? Баймоқ кампир она буғуга: «..одам болалари сенинг яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаришса, ўзингдан кўр», - деганда нимага асосланган бўлиши мумкин, Сизнингча? У ҳақми ёки ноҳақми?» деган саволлар қўйилиб, ўқувчилар шу ҳақда ўйлаб кўришга, жавоб беришга ундалади.

Она буғунинг болаларга айтган: *«Сизлар келтирган тилни авлодлар унутмайди. Уларга ўз она тилларида сўзлаш ва кўйлаш ёқимли бўлади. Инсонлар қандай яшаши керак бўлса, шундай яшанглар»* тарзидаги талаб-насихатида илоҳийлик бўлиши мумкинми? Ўқувчилар шу фикрларни шарҳласинлар, таҳлил қилиб, муносабат билдирсинлар. Бу Аллоҳнинг бандаларига қўйган талаби сифатида Она буғи тилидан айтилаётган бўлиши мумкинми?

Ўқитувчи ўқувчилар олдида турган муаммони уларга яна бир бор эслатиб қўяди: **«Болаларнинг авлодлари қаерда инсонлардек яшаш мезонларига хиёнат қилишди? Бунинг сабабчиси нима?»**

Адабиёт муаллими тарбияланувчиларга: «Она буғу шохларида бешик олиб келишида қандай рамзий маъно бор? Буғубой авлодларидаги она буғуга бўлган эътиқод нималарда кўринади?» деган саволларни бериб, уларни бу ҳақда ўйлаб кўришга ундайди. Ўқувчилар матндан шу ўринларни топиб, муносабат билдиришлари ва айтган гапларини асослашга уринишлари керак. Улар бутун бошли улуснинг маънавий бузилиб кетиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўрсинлар. Одамларнинг бузилиши асарнинг қайси ўринларида кўринишини топсинлар. Мўмин чол ҳақида қавс ичида берилган (*Мўмин буғу авлодидан бўлиб, бу билан зоятда фахрланар ва ўз*

қабилдошларидан биронтасининг маъракасидан қолмасди) сўзларга алоҳида муносабат бидирсалар, жуда ўринли бўлади.

Матнда «Бутун умр бўйи бузу нима эканлигини кўрмаган янги инсонлар тузилди» жумласининг ўқувчиларга қай даражада дахли борлигини ўйлаб кўришга ундаш лозим.

Кейинги икки соат мобайнида ўқувчилар билан асарнинг биринчи қисми ўқилади ва савол-топшириқлар устида иш олиб борилади. Матн таҳлили жараёнида ўқувчилар бола яшаётган шароитни яққол тасаввур қилишларига эришиш керак. Улар адабий қаҳрамон яшаётган шароитни, унинг туйғуларини тасаввур қила олсагина асар ҳақида ҳам, унинг қаҳрамони тўғрисида ҳам ҳаққоний мулоҳаза юритиб, тўғри хулосалар чиқаришлари мумкин. Бунинг учун ўқувчилар қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракатини таҳлил қилишлари керак бўлади.

Асар ўқилганидан кейин эътибор боланинг эртакларига қаратилади: «Улар қандай эртаклар эди?» Асар матни билан танишган ўқувчилар уларнинг бири – боланинг балиққа айланиб оқ кеманинг ортидан сузиб бориши ва ота-онасини топиши билан боғлиқ бўлса, иккинчиси бобосининг она буғи ҳақидаги эртаги эканини айтадилар. Бу еттинчи синф боласи учун қийин эмас, албатта. Шундан кейин уларнинг эътибори боланинг кўчма дўкон келгандаги ҳолатига қаратилади. Нега бола унинг келишидан бунча қувониб кетди? Ёки у бобоси унга портфель олиб беришини билармиди? Ўқувчилар бола портфель олганидан нега бунчалар қувонгани устида ҳам фикр юритишлари лозим. Шу тариқа улар боланинг ички дунёси, унинг ҳаётидаги бўшлиқлар ва уларнинг табиатан хаёлпараст боланинг ўз ҳаётини нималар биландир безашга бўлган эҳтиёжи маҳсули эканини англаб борадилар. Бунинг учун ўқувчилар олдига: «Сиз адабий қаҳрамоннинг ҳолатига қандай қарайсиз? Бу Сизга ғалати туюлмаётими? Сиз ҳам бирор нарсадан шу даражада хурсанд бўлармидингиз?» каби саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларни ўзгани ҳис қилишга, бу йўлда ўйлаш, мушоҳада юритиш, муносабат билдиришга одатлантиради.

Шулар ҳақида мулоҳаза юритган ўқувчилар диққати бола учун буталар, «туя», «бўри», «танк» каби харсанг тошлар «... шунчаки нарсалар эмаслиги...»га, «улар ранжиб қолиши, ҳатто

чалиб йиқитиши ҳам мумкин»лигига, уларнинг «ожонли» эканига қаратилар экан, ёзувчи бунга ўқувчисини ҳам ишонтиришни истагандай иш тутганини англашлари учун бу ҳолатни савол ёки топшириққа айлантириш керак бўлади. Ўқувчилар диққатини боланинг тошлар билан дўстлашиб, суҳбатлашиб юриши боиси нима эканига, чақиртиканакни не сабабдан душман деб билишига қаратилиб, булар ҳақида мулоҳаза юритишга ундалиши лозим. Бунга сабаб кишлокда боланинг тенгдоши йўклигиданми ёки у табиатан хаёлпараст бўлганиданми эканини ўқувчилар ўзларича муҳокама қилсалар, қандай хулосага келган тақдирда ҳам буни асосласалар мақсадга яқинлашилади.

«Бола нега печакгулларни яхши кўради, уларга хос қайси сифатлар кўнглига хуш ёқади? Бу боланинг қандай фазилатга эга эканига ишора?» деган саволлар ўқувчиларни мулоҳаза юритишга, матнга таянган ҳолда фикр билдиришга жалб этади. Ўқувчилар бу ҳақда тўғри хулосага келишлари учун печакгулларнинг сифати ҳақидаги тасвирларни яна бир бор ўқитиш керак. Бу жараёнда ҳикоя қаҳрамонининг фантазияси кучлилигидан ташқари, қанчалар зийраклиги ҳам ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак.

Ўқувчилар широлжинларнинг бола кўнгли, табиати билан боғлиқликлари борлиги, уларнинг панасида пинҳона йиғлагиси келишининг сабабларини тушуниши учун уларга «Ўзингизни кузатганмисиз, сизда ҳам шунақа ҳолат бўладими? Бундай пайтларда сиз нима қиласиз?» саволлари берилиб, мантиқли жавоблар олинса, дарсдан кутилган самарага эришилади.

Ўқувчилар эътибори боланинг булутлар кўринишидан завқланишига, уларнинг турли шаклларга киришини кўра олишига муносабат билдириш, адибнинг буларни тасвирлашдаги маҳоратини сезишга қаратиш ўқувчини яратувчилик ва гўзалликдан завқланишга ўргатади.

Боланинг портфель ва дурбини билан худди одам билан гаплашгандек гаплашишига ҳам эътибор тортилиши керак. «Нега шундай? Бу яхшими, ёмонми? Бола дурбинни нима учун яхши кўради? Бу муҳаббатнинг тагида қандай асос бор? Портфелничи?» Ўқувчиларга ана шу саволлар берилса, улар ушбу ҳолатлар ҳақида ўйлай бошлайдилар. Айни замонда, бир инсоннинг табиатини ўрганиб борадилар. Боланинг характери ўқувчиларга

ёқяптимикин? Ёққан бўлса, унинг, ёқмаган бўлса бунинг сабабларини тушунтириб бера олармикинлар? Бу ҳам ўқувчиларнинг ўсишига хизмат қилади.

Бобосининг болага кўлоб ясаб бериши, боланинг орзулари билан кўлоб ўртасидаги алоқага ўқувчилар диққати қаратилиб, улар бунга муносабат билдирсалар, дарс янада самарали бўлади. Ўқувчилар боланинг оқ кемага шунчалар боғланиб қолганлиги сабабини тушунтиришга уринишлари керак. Улар боланинг оқ кемани кўрганда юраги гупиллаб кетишининг сабаби ҳақида ўйласалар, қахрамоннинг кўнглидан кечаётган ҳаяжон сабабини ҳис қилишлари мумкин.

Болада балиққа айланиш ва оқ кемага сузиб бориш истаги пайдо бўлишининг асл сабабларини ўқувчилар асардан қидириб топишлари лозим. Унинг хаёллари, отаси билан кўришиш орзуси, тушкун ҳолати ўқувчиларда қандай туйғулар силсиласини уйғотгани аниқланиши гоаят муҳимдир.

Шу ерда ўқитувчи юқоридаги муаммони яна бир бор эслатади ва уни бола шахси ҳамда ҳаёти билан боғлаб: «**Шундай нозик қалб соҳиби бўлган бола инсонлардек яшайптими йўқми? Унинг турмуш тарзи нимаси билан инсонларникига ўхшамайди? Бунга сабаб нима?**» шаклда ўртага ташлайди. Ўқувчилар бу муаммоли саволларга жавоб бериш асносида шундай тоза кўнгил соҳиби бўлган, руҳиятининг баландлиги кўзлари, ҳатто кичрикларидан акс этиб турган, жамиятнинг кирликлари, одамларнинг тубанликларини ҳазм қила олмаётган болакайнинг ўз имконияти даражасида инсонлардек яшашга интилаётганини, лекин у кимларнингдир меҳрсизлиги, масъулиятсизлигининг жабрини тортаётгани атрофдагиларнинг турмуш тарзи ва тутумлари таҳлили мисолидан муҳокама қиладилар, инсон ўзига буюрилганидек яшашга интилиши лозимлигини англашга уринадилар. Тарбияланувчилар агар инсон яшашда Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган мезонларга амал қилмаса, нафақат ўзи, балки бегуноҳ авлодлари ҳам бунинг қиясига қолишлари мумкинлиги билан боғлиқ ҳақиқатларни кашф этадилар. Бу кашфиёт уларнинг ўз ҳаётларида жуда-жуда эҳтиёт бўлиб яшашга ундаши табиий. Чунки одамнинг кўнглидан ўтган бундай ўйлар у ерда ўзидан из қолдирмаслиги мумкин эмас.

Боланинг бобосидаги «...очиқ кўнгил, ҳатто, сал-пал биладиган одамига ҳам бирон яхшилик қилишга тайёрлиги, ҳар кимнинг хизматига ҳозир нозирлиги, ҳаммага садоқатли ва хушмуомалалиги» каби фазилатларнинг баъзан иллатга айланиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўқувчилар фикрини сўраш лозим. Мўмин чол мисолида бунинг кўринишларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Нега шундайлиги ҳақида мулоҳаза юритиш, Мўмин чолга атрофдагиларнинг муносабати тўғри ё нотўғри эканини таҳлил қилиш ўқувчиларни одамларга муносабатни ўргатади, уни баҳолашга кўмаклашади. Ўқувчиларни ҳаётда дуч келинаётган лоқайдлик ва оқибатсизликлар сабабларини билишга ундайди. Шулар устида мулоҳаза юритиш асносида ўқувчилар одамлараро муносабатлар қанчалар мураккаб эканини ҳис қилсалар. Бундай туйғулар, табиий равишда, инсонни иллатлардан нари бўлишга ундайди.

Нима учун адиб Мўмин чолни «камдан-кам учрайдиган бахтли одам» деб баҳолаган? Ўқувчиларни бу ҳақда ўйлаш, фикр айтишга ундаш, фикрини асослашга йўналтириш лозим. Сухбатдошларнинг Мўмин чол ҳаёти таҳлиliga бағишланган фикрлари ниҳоясига етгач ўқитувчи муаммони Мўмин чол шахси ва ҳаёти билан боғлаб сал ўзгарган шаклда яна ўртага кўяди: **Мўмин чолнинг ҳаёти нимаси билан инсонларникига ўхшамайди? Унинг ўз муқаддас қадриятлари бор-ку!»**

Мазкур муаммоли масалалар ҳақида мулоҳаза юритаётган ўқувчиларнинг одамларни кемириб ташлайдиган «бало»га муносабат билдиришга чорланиши уларга бунинг ёмонлигини ўз кўнгилларига сингдириш имконини беради. Мўмин чол тимсолида ўзини боридай кўрсатиш, кўрингандай бўлишга интилиш, самимийлик, дил, фикр, тил, ҳаракат эзгулиги, гўзаллиги ва бирлиги комилликнинг дастлабки сифатлари экани ўқувчилар руҳиятидан жой олиши мумкин.

Ўқувчилар билан биргаликда Мўмин чолга одамларнинг довдирга муомала қилгандай муомала қилиши сабабларини аниқлаш, уларнинг ҳаммаси Мўмин чолдай эмаслигига сабаб нималиги тўғрисида мулоҳаза юритиш зарур. Мўмин чолнинг табиати ҳақида фикр юритиш асносида «Бобо ҳурматга лойиқми ёки ачинишга?» саволи ташланиб, болаларни чолни ҳурмат қилмаган одамларга муносабат билдиришга ундаш керак бўлади.

Мўмин чолнинг кенгашга чақиришмаганда каттиқ ранжиб, бунини унутолмаслиги сабаби уни менсимаганларидан эмас, балки «қадимий урф-одатларнинг поймол» қилинаётганидан эканини ўқувчилар туйишлари лозим. Шундай таҳлил асносида уларнинг рухиятига миллий кадриятларни асраб-авайлаб кейинги авлодларга ўтказиш хисси ўрнашади.

Ўқитувчи ўқувчилари даврасига юқоридаги муаммони навбатдаги қахрамон билан боғлаб қайта шакллантирган ҳолда кўяди: «Ўрозул инсонлардек яшамагани учун шундай жазолангани ёки жазолангани учун ҳам инсонлардек яшамасликка маҳкум этилганими?» ва уларнинг диққатини Ўрозулнинг шахсига қаратади.

Ўқувчилар Ўрозул ва Бекей холанинг муносабатларига эътибор қилишлари зарур. Бу ҳаётнинг шундай азоблари ҳам борлигини билиш, бунинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиш, ўз ота-оналари учун қанчалар азиз эканликларини ҳис қилиш имконини беради. Ўқувчилар Ўрозул ва Бекей холанинг дардини ҳис қилиб, уларга ачина олсалар, кўнгилларининг бир чеккасида Аллоҳдан уларга фарзанд тиласалар, бу уларнинг жамиятга керакли инсонга айланаётганлигидан нишонадир. Ўқувчилар ўзгаларнинг муаммоларини таҳлил қилиш асносида ўз ҳаётидаги тўқисликнинг қанчалар буюк неъмат эканини ҳис қилиб, уни кадрлаш ва шукроналар айтишга ўрганадилар. Улар саволлар кўмагида Ўрозулнинг турмуш тарзи, тутумлари, фъел ва тақдирнинг мутаносиблиги, у шу феъли туфайли жазоланяптими ёки жазолангани учун шундай тутумларга қўл уряптими сингари масалалар ҳақида ўйлашга йўналтирилади. «Бу Ўрозулнинг ўзига белгилаб қўйилган тақдирга исёнимми? У бу исёнлари билан нимага эришяпти? Бунинг сабаби нима бўлиши мумкин, сизнингча? У бошқача яшаши мумкинми? Масалан қандай? Хўш, бошқача яшаса ҳаёти бошқача бўлиши мумкинми? Фикрингизни асосланг.» Шу каби савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар муаммонинг ечимини топгандек бўладилар.

Иккала эртак ҳам тугади. Ҳар икки эртак ўқувчиларнинг кўнглида ўзига хос из қолдиргани аниқ.

Охирги дарсда асарнинг сўнгги боби, ўқувчиларга уй вазифаси сифатида ўқишга берилган қисми устида ишланиб,

ўқувчиларнинг эътибори Мўмин чолнинг безовталиги сабабини тушунтириб беришга қаратилади: «У нимадан бунча безовта? Нега ичиб олган?» Боланинг шохдор она буғу калласини кўргандаги ҳолати тасвирланган ўринларни қайта ўқитиш ва ўқувчилардан бу ҳақдаги фикрларини сўраш зарур: «Мазкур вазият тасвири уларнинг кўнгилларида қандай ҳисларни кўзгаган бўлиши мумкин?» Болалар ўз фикрларини айтар экан, асар қаҳрамони ҳолатини қайта ҳис қиладилар. Қисса қаҳрамони руҳияти, кечинмалари, ҳолати билан боғлиқ бўлган бирорта деталь ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Ана шунда ўқувчилар адабий қаҳрамон тимсолида ўзгани, иккинчи бир инсонни кўришга ўрганадилар. Ўқитувчининг ўқувчиларга берган: «Ўрозкулнинг шохни олишдаги хатти-ҳаракати сизнинг кўнглингизда қандай туйғуларни пайдо қилди? Сиз боланинг характери билан матнни ўқиш жараёнида танишиб бордингиз. Унинг охирги хатти-ҳаракатларини қандай баҳолайсиз?» тарзидаги саволларига жавоб бериш асносида болалар асар ҳақидаги умумий хулосаларини чиқарадилар.

«Боланинг бу дунёга сиғмай қолишини, исёнини қандай шарҳлайсиз? Сиз болага ачиндингизми? Мўмин чолга-чи? Ўрозкулга-чи? Ўрозкулдан нафратланиш керакми ёки унга ачиниш керакми? Нима деб ўйлайсиз, ҳаётда Ўрозкуллар кўпми ёки бола ва унинг бобосига ўхшаганлар бисёрми? Нега шундай деб ўйлайсиз?» каби саволлар болаларни ўқиганларини ҳаёт билан таққослашга, ўзига хос хулосалар чиқаришга ундайди. Саволлар жуда кўп бўлиши керак. Акс ҳолда, ўқувчиларни бадиий матн ичига олиб кириш, мустақил мушоҳада юритишга ўргатиш қийин бўлади.

Охирги дарсда матннинг қолган қисми ва унинг аввалги бўлимлари юзасидан дарсликда тақдим этилган умумий савол-топшириқлар билан асар таҳлилинини мустаҳкамлаш, фикрларни қатъийлаштириб олиш мумкин. Ҳар бир савол юзасидан имкон қадар кўпроқ ўқувчилардан жавоб олишга ҳаракат қилган маъкул. Ўқувчилар бир-бирларининг фикрини эшитишга ўрганишлари керак. Айни вақтда, жавобларнинг лўнда ва мазмунли бўлишига эътибор бериш лозим. Болаларга бировнинг фикрини қайтариш, матн мазмунини ҳикоя қилиш имкони берилмай, улардан ўз фикрини билдириш талаб этилса, ўқувчилар мустақил фикрлай-

диган ва ўз хулосасини ҳимоя қила оладиган кишилар бўлиб шаклланадилар.

Уйга вазифа сифатида эркин мавзуда, масалан, «Менга ёкқан саҳифа» мавзусида иншо ёзишни топшириш мумкин. Бундай иншо ёзишда ўқувчи асар матнидан ўзига маъқул бўлган саҳифани ажратиб олиб, унда ифодаланган воқеа-ҳодисани таҳлилга тортади, муносабат билдиради ва айти шу саҳифа унга нимаси билан ёкқанини асослаб беради.

Тўра Сулаймон шеърларини муаммоли ўрганиш.

Бадиий асарлар дидактик таҳлили жараёнидаги муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил фаолият ва тафаккур кўлами (билдирилган муносабатнинг батафсиллиги) ва сифати (хулосаларнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги)ни – кичик ёшдаги ўқувчининг муаммоли вазиятлардаги ақлий фаолияти даражасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мактаб даврининг ҳар бир босқичи сифат жиҳатидан ўзига хос тизимга эга ва уларнинг биридан иккинчисига ўтиш натижасида янги бир сифат ўзгариши юз беради. Лекин миллий тарбияшунослик амалиётида таълим ва тарбия жараёнини ўқувчилар табиий тараққиёти хусусиятлари ҳамда уларда юз берадиган шундай сифат ўзгаришларига ҳамоҳанг мувофиқлаштириш кўнгилдагидек кечмаяпти. Масалан, 8–9-синф ўқувчиларида ушбу ёшдагиларга хос бўлган келажакка интилиш, одамлар билан қизиқиш, атроф-муҳитга танқидий назар билан қараш, насиҳатларни хушламаслик, катталарнинг меҳрибонлигидан ғашланиш, уларнинг эҳтиёткорлигидан малолланиш сингари сифатлар устуворлик қилади. Мактаб таълим жараёнида бундай ўзгачаликларнинг ҳисобга олинмаётганлиги, табиий тараққиёт билан таълимий-тарбиявий жараён орасида мутаносибликнинг етишмаслиги боланинг ақлий-рухий тараққиётида, билимларни ўзлаштириш кечимида сустликка сабаб бўлмоқда.

Ўн тўрт-ўн беш ёшли ўсмирда эмоционал таъсирчанлик кучли бўлади. У ўзида эътибору эътирофга, ҳаётдан завқланишга мойиллик сезади. Бу ёшдагиларга атрофдагиларни таҳлил қилиб,

уларнинг ютуқ ва камчиликларига баҳо бериш ёқади. Шу билан у ўз шахсини англашга юз тутлади. Ушбу ёшда ҳар томонлама ақлий ўсиш учун катта имконият мавжуд бўлади. Инсон тараққиётидаги ҳар бир босқичнинг ўз тарбия йўналиши мавжуд. Мактаб амалиёти ёш авлодни маънавий камолот сари етаклашда шу имкониятни кўлдан бериб қўйяптики, бундай имконият бола умрида бошқа такрорланмайди.

Мустақиллик даври мактаб адабий таълимида бола шахсининг ҳар босқичдаги рухий-жисмоний ва интеллектуал хусусиятлари инобатга олинган ҳолда уни мустақил фикрлашга йўналтириш, таълим-тарбия кечимида унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, шаклланиб келаётган шахс маънавиятини соғломлаштиришга устувор эътибор қаратиш, шаклланиш жараёнида боланинг ўзи иштирок қилишига эришиш, унга бадиий лаззат, эстетик кашф этиш лаззатини туйдириш, таълим-тарбия кечимида педагогик ҳамкорлик бўлишини таъминлаш сингари тамойилларга амал қилиш талаб этилмоқда. Бу ҳол адабиёт ўқитишда асар қаҳрамонларига ижобий ёки салбий образ деб эмас, тирик инсон деб қараш, адиб шахсига хос жиҳатларнинг у ёзган асарларида акс этишини ҳисобга олиш, адабий тимсолларнинг кечинма ва хатти-ҳаракатлари таҳлили орқали уларнинг шахсини баҳолашга ўргатиш, яъни ўқувчиларда шахсга аксиологик ёндашувни шакллантириш вазифалари бажарилиши тақозо этиляпти.

Ўқитувчига адабиёт дарсларидаги тарбиячилик фаолиятида самарадорликка эришишга методик кўмак бериш мақсадида 8-синфда⁹¹ Тўра Сулаймон ижоди намуналарини ўрганиш йўллари тадқиқ этилади. Дарсликка шоирнинг тўртта шеъри киритилган бўлиб, уларни ўрганиш учун икки соат ажратилган. Шеърларни икки соатга иккитадан тақсимлаш мумкин. Шеърларнинг ҳар бирини муаммоли шаклда ўрганиш ҳам мумкин. Гап шундаки, дарсликда тақдим этилган савол ва топшириқлар билан шеърнинг дидактик таҳлилинини тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Қолаверса, дарсликда ўқувчиларнинг асар таҳлили борасидаги фикрий фаолиятини қолишга соладиган, бутун мамлакат ўқувчиларини бир хил хулоса чиқаришга ундайдиган кичик филолого-дидактик

⁹¹ Olimov S. va boshhq. Adabiyot. – T.: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2019. – 259–268-b.

тахлили тақдим этилган. Шу бир хилликдан қочиш учун ўқитувчи шеърнинг дидактик таҳлилини муаммоли шаклда амалга ошириши адабий таълимнинг бугунги мақсадига мувофиқ келади.

Шоирнинг биринчи дарсга режалаштирилган «Илтижо» шеъри таникли кўшиқчи Шерали Жўраев томонидан жуда таъсирли қилиб куйга солиб, ижро этилган⁹². Агар ўқитувчи шеърни дарсга кўшиқ шаклида олиб киролса, адабий таълимнинг мақсадига эришиш йўли янада равланлашади. Агар бунинг иложи топилмаса, шеърни ўқитувчининг ўзи таъсирли қилиб ёддан ўқиб бериши лозим. Шеърнинг мутолааси жараёнида муаллим томоғига йиғи тикилиши мумкин. Бу ўқитувчининг таъсирчанлиги билан боғлиқ, албатта. Шундай ҳолат юз берса, шеърхон бундан истиҳола қилмаслиги, туйғулар жумбушини беркитмагани маъқул. Чунки унинг бу ҳиссиёти ўқувчиларга ҳам «юқади», яъни уларнинг ҳам руҳий мувозанати бузилишига ёқимли сабаб бўлади. Ўқитувчи Т. Сулаймоннинг тўрттала шеърини ҳам ёд билиши шарт.

Асар мутолаасидан сўнг унинг дидактик таҳлилига ўтишдан олдин ўқитувчи ўқувчилар олдида матн мазмуни асосида яратилган куйидаги муаммони қўяди: «Баҳорнинг боғдан кетиши шунча фожиага асос бўлиши мумкинми?» ва шеър устида ишлаш жараёнида мана шу масала ҳақида ўйлаб боришларини, муҳокама охирида шу фикрнинг ечими устида фикрлашишларини ўқувчиларга маълум қилиб қўяди.

Аёнки, ҳар бир асарнинг эмоционал таъсир қудрати уни бадий ёки дидактик таҳлилга тортилганда юзага чиқади. Шеър ўқилганидан сўнг, таҳлилга киришишдан олдин асар сарлавҳасига болалар диққати қаратилиши лозим. 1. «Илтижо» сўзининг луғавий маъносини биласизми? Шу маъно шеърнинг қайси мисраларида яққол акс этган? Шоир илтижосининг таъсир кучи нимада?» сингари саволлар ўқувчиларнинг диққатини шеър матнига қаратади. Ўқувчилар бу саволларга осонгина жавоб топадилар. Уларнинг жавобларида туйғулари сезилмас ҳам. Сўнг шеър матни юзасидан тақдим этилган бир қатор савол-топшириқлар кўмагида унинг бандма-банд таҳлилига ўтилади: 2.

⁹² <https://www.youtube.com/watch?v=BTzCIDFfRdo>

Шеърнинг биринчи банди юзасидан такдим этилган «Қирларда лола сайли, қишловларда йилбоши» сатрининг мазмунини изохланг. «Йилбоши нима?» саволига қишлоқда истиқомат қиладиган ўқувчилар бемалол жавоб бера олишлари, бунга мисоллар ҳам келтиришлари табиий. Шаҳарда туғилиб-ўсганлар бироз қийналишлари мумкин. Бундай вазиятда, одатда, жавобни ўқитувчининг ўзи айтиб қўя қолади ва бу методик жиҳатдан нотўғри тутум. Бундай ёндашув ўқувчининг шеър моҳиятини англашига ёрдам бермайди. Негаки, изланиш ва меҳнат натижаси бўлмаган билим тез унутилади.

Агар ўқитувчи жавобни айтиб қўя қолмай, жавоб топиб келишни вазифа қилиб топширса, лозим бўлса катталар билан маслаҳатлашиш кераклигини айтса, ўқувчиларни безовта қилган, изланишга ундаган бўлади. Шунингдек, қизиқиб, излаб топилган жавоб ўқувчининг ёдида қолади. «Йилбоши» – «Наврўз» сўзининг туркийда айтилиши. «Йилбоши» атамаси ва унинг «қишловлар»га боғлиқ жиҳатларини китоб титиб, интернет «ковлаб», қомус варақлаб, катталардан сўраб билиб олган ўқувчи шахси ўсиш босқичига кирган бўлади.

Сўнг ўқитувчи кўклам келганда табиатда содир бўладиган ўзгаришларнинг шеърдаги ифодасига ўқувчилар диққатини тортади. Улар баҳор ҳақида кўп шеърлар эшитишган, ўқишган. Кўклам ҳақидаги ҳар бир шеърнинг, табиийки, ўз ифода услуби, ўзига хос оҳанги бор. 2. «Т. Сулаймоннинг услубидаги таъсир қудрати нимада? Шеърдаги биринчи банднинг ўзиёқ одам руҳиятида қандайдир кўзғолиш, тебраниш пайдо қилади. Бу нимадан? Нега шундай бўляпти?» Ўқитувчи ўқувчиларга шеърнинг иккинчи бандини қайта ўқиб бериб, юқоридаги саволларни ўртага ташлаб, болалардан фикр олиши лозим.

3. Шеърнинг иккинчи банди қайта ўқиб берилади:

Қилмиши қингир зотга давр қайда, даврон қайда?

Ватангадо кимсага беминнат макон қайда?

Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда?

Баҳор, сенсиз саҳрою тоғу-тошга жон қайда?

Кетма, баҳор, менинг боғимдан...

Бу банднинг дастлабки уч сатрида илгари сурилган фикрлар саккизинчи синф ёшидаги ўқувчиларга тушунарли, албатта. Қандайдир кишилар давру даврондан мосуволлиги, кимлар-

нингдир каерлардадир беватан сарсон-саргардонлиги, ёлгиз кимсалардан ном-нишон қолмаслиги борасидаги ҳаётӣ ҳақиқатларни ўқувчилар тезгина очиб берадилар. Ўқувчилар шеър бандлари охирида такрорланиб келаётган нақоратнинг бу бандда ўзгаргани: «*Кетма, баҳор, менинг боғимдан*» сабаби ҳақида мулоҳаза юритишлари уларни ўйлантиради, албатта: «Бу тасодифми ёки шоирнинг ихтиросими? Ёки бошқа бир сабаб борми?» Бу ҳақда ўйлаган ўқувчилар ўз ўрнида ишлатилган сўзнинг таъсир кучини туядилар. Ижодкорларнинг «Сўз устаси» деб аталиши сабабини ҳис қиладилар. Навоӣ бобонинг қуйи синфларда ўрганганлари сўз хусусида айтганларини кўнгилларидан ўтказиб, бу ҳақиқатларга имон келтирадилар.

Кузатилса, шеърнинг 1-, 3-, 5- ва 6-бандлари охириги мисрасидаги илтижоларда баҳор биринчи планга кўтарилган, мурожаат унга бўлган. Чунки бу бандларда ифодааланган табиатдаги жами гўзалликлар баҳорга тегишли. Бу бандларда Баҳорнинг кетмаслиги етакчи ўринни эгаллаган. Илтижонинг қудрат кучи орттирилган. Иккинчи ва тўртинчи бандларда унинг Кетмаслиги устувор тутилган. Сабаби, бу икки бандда инсонлар билан боғлиқ ҳақиқатлар устуворлик қилади. Демак у кетмаса, шу ёмонликлар пардаланади. Орқа планга тушади. Мана шу кичиккина ўрин алмашув замирида бу каби инжалик, билгичлик мавжуд. Шу тариқа, табиӣ гўзалликдан олинган баҳралар, туйилган лаззатлар инсон учун қанчалар аҳамиятли экани ҳақида мулоҳаза юритадилар.

Синфдаги ҳамма ўқувчилар шундай ҳолатга тушади, деб бўлмас, албатта. Лекин бундай ўқувчиларнинг борлиги адабий таълим самарадорлиги белгиси ва уларнинг сонини кўпайтириш ўқитувчининг профессионал бурчидир.

4. «*Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим*» тарзидаги хулосани тушунтириб беринг. «Аввало, айтингчи, «ўлан»ни қандай тушундингиз? Ўланга ошиқлик билан ўлмаслик ўртасида қандайдир боғлиқлик бор деб ўйлайсизми?» саволларига ўқувчилар жавоб беришганда, ўқитувчи мисрадаги «ошиқлик» ва «ишора» сўзларининг моҳиятини англаш ва улар орасидаги мантикий боғланишга ўқувчилар диққатини тортиши лозим бўлади. Саволлар ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни мустақил фикр юритишга, мулоҳаза қилишга ундайди. Ўқувчилар ўз

қарашларини, албатта, шеърдан мисоллар келтириб ифодалашади. Маълумки, ўланга – куй, қўшиқ ва сўзга ошно – яқин бўлиш кишининг кўнглига кўтаринкилик кайфиятини бағишлайди. Қўшиққа мойил кўнгил яхши қўшиқ янграганда мувозанатдан чиқади, бори ғам-ташвишларни орқага ташлайди, завқ олади, руҳиятида ёқимли ҳислар пайдо бўлади. Ёқимли ҳислар юқимли, юқимли туйғулар эса одамга фойдалидир. Кўнгли мувозанатдан чиққан вазиятларда туйилган завқ ва хуш кайфият инсон умрининг узайишига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшади. Инсоннинг табиати шундай: кўнглига хуш ёққан, унга хузур бағишлаган нарсани қайта-қайта туйгиси, ўша завқдан яна ва яна баҳраманд бўлгиси келаверади. Шу ёқимли лаҳзалардагина у чинакамига яшайди. Бу сатр шу ҳақиқатларнинг шоир тилидан чиққан бадиий ифодасидир.

5. Шеърдаги:

*« Буқун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик»*

мисралари фақат табиат ҳолатларига дахлдорми? – саволи ўқувчиларнинг фикрини ҳаётга, унинг шодликларию ташвишларини бир лаҳза ҳаёлидан ўтказишга ундайди. Ҳаётнинг «жондан безгилик» даражадаги оғриқли нуқталари борасдаги билганларини ёдга туширади. Ёқимли лаҳзаларда, табиат гўзалликларига ошно бўлган дамларда уларнинг бир қадар нари сурилишини ҳис қиладилар. Дунёнинг турфалиги, табиатнинг мунтазам алмашинуви борасидаги билимлар асосида фикр айтилади.

6. Шу банддаги *«Кўкламнинг ҳар нафаси умрга арзигулик»* ифодасини тушунтиришга уриниб кўринг. Нега шундай?» саволи болаларни жиддий ўйга толдириши мумкин. Саволга берилган жавобларда ўқувчиларнинг билим даражаси, мулоҳазаларининг мантиқ кучи намоён бўлади. Ўқувчилар, айниқса, ўзини кузатиб юрадиган, ўсмир ёшига етган болалар, кўклам кезларида, табиат гўзаллиги туфайли одам руҳиятида кечган туйғулар гўзал бўлиши шоир истеъдоди эса, унинг ифодасини янада сўлимрок ва ёқимлироқ шаклда беришини аңлатадилар.

7. Бешинчи банд мазмуни таҳлилига бағишланган қуйидаги: *«Шеърнинг бешинчи бандини қайта ўқинг. Ундаги андух ва шикасталик сабабларини изохланг»*, *«Майсадаги шудринглар*

кимларнинг кўз ёшлари?» ифодаси эканига муносабат билдиринг. Шудринг билан кўз ёши ўртасида қандай алоқа бор деб ўйлайсиз?», «Бу ерда ётар отам, ҳам узангидошлари, Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари» мисраларининг ҳаётий мазмунини тушунтиринг. Шоирнинг отаси ва дўстлари қаерда ётибди деб ўйлайсиз? «Узангидош» сўзини қандай тушундингиз?» каби ўқувчилар руҳиятида бир оз тушкунлик кайфиятини пайдо қиладиган саволлар ўқувчилар тафаккур даражаларини юксалтириб, туйғулар кўламини кенгайтиришга хизмат қилади. Чунки уларда шодлик ва қайғу, топиш ва йўқотиш туйғулари ёнма-ён экани акс этган. Шу ўринда тўрт мисрага шунча катта фикрларни, ҳаётий ҳақиқатларни жойлай билган шоир маҳоратига ҳам ўқувчиларнинг диққати қаратилиши керак.

8. Шеър таҳлили юзасидан берилган: «Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман» мисраси сизга нимани аңлатади? Одам-зот табиатининг ўзгарувчан ва беқарорлиги ҳақида ўйлаб кўринг» топшириғи ўқувчиларни инсон характери ҳақида мустақил мулоҳаза юритишга ундайди, ўзлигини тафтиш қилишга йўналтиради. Ўзгалар орқали ўзни аңлаш, ўзни аңлаш билан Аллоҳни таниш бошланади. Шу тариқа камолот сари юз тутилади.

Шеър матни устида шу тариқа ишланиб, суҳбат яқунлангач ўқитувчи юқорида кўйгани муаммони ўқувчиларга эслатади: «Баҳорнинг боғдан кетиши шунча фожиага асос бўлиши мумкинми?» Бу муаммоли саволни ҳал этиш вазиятига тушган ўқувчилар аввал боғ ниманинг тимсоли экани ҳақида ўйлаб кўришлари керак. Агар улар боғ – бу инсон кўнгли эканини аңлай билсалар муаммонинг ечимини топишга тўғри тутунган бўладилар. Шеърнинг ҳар бир сатрида ифодаланган ҳаётий ва бадий ходисаларнинг инсон кўнглидаги, онг-шууридаги ифодаси сифатида қарасалар, такқосласалар муаммонинг ечимини топадилар.

Биринчи дарсда ўрганилиши керак бўлган шоир Т. Сулаймон қаламига мансуб «Армон» номли шеърда ҳам шоир кўнглида армонлар пайдо қиладиган ҳаётий ҳақиқатлар ифодаланган. Мазкур шеърнинг дидактик таҳлили кечимида ундаги бирорта ҳам детал ўқувчилар назаридан четда қолмаслиги керак. Ўқитувчининг вазифаси шундай тасвирлар юзасидан тузилган

савол-топшириқларни навбати билан ўртага ташлаб, ўқувчиларни уларга жавоб беришга йўналтиришдан иборат. Савол-топшириқларга жавоб бериш жараёнида ўқувчи шеърнинг моҳиятига кириб боради. Шеърда ифода этилган фикр, ҳиссиёт ва туйғуни ҳис қилади. Ўқитувчи болалар ҳис қилиши керак бўлган туйғулар, таҳлил жараёнида ўзлаштиришлари керак бўлган билимларни тайёр ҳолда бермай, унинг ўзини ишлатиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи шуурига сингдирилиши зарур бўлган туйғуларни таҳлил асносида меҳнат қилиб, мустақил равишда изланиб, ўзи учун ўзи кашф қилади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни шундай вазиятга сола билиш ўқитувчининг педагогик бурчидир. Бу ўринда ҳам ўқитувчи муаммоли таълимдан фойдаланиши мумкин. Чунки муаммоли савол ёки топшириқнинг ечими ўқувчилар тафаккурини чархлайди, фикрлари, қарашлари ва ўз ҳақиқатларини мустаҳкамлайди. Қатъийлаштиради. Юқоридаги шеър таҳлилдан маълум бўлдики, муаммоли ўқитиш иши унчалар мурраккаб ҳам, ортиқча меҳнат талаб қиладиган ҳам иш эмас. Тайёр муаммони ўртага ташлаш билан синфда муаммоли вазиятни юзага келтириш ва ўқувчиларни унинг ечими сари йўналтира билиш талаб қилинади холос.

Савол-топшириқлар кўмагида асар дидактик таҳлилга тортилар экан, ўқувчилар шеърда ифодаланаётган ҳаётий ҳақиқат, уларнинг шоир кўнглида армон, ўкинч ҳиссини пайдо қилган сабаблари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Бу ўқувчиларга ўз кўнгиллари ва руҳиятига ташқаридан назар ташлаш имконини беради. Шоир кўнглида армон ҳиссини уйғотган ҳаётий ҳақиқатларга нисбатан уларнинг кўнгилларида муносабат пайдо бўлади.

1. «Бобомнинг орзулари амалга ошмас бўлса» мисрасида гап нима ҳақда бораяпти деб ўйлайсиз? Бу савол устида мулоҳаза юритаркан, ўқувчилар боболар орзуси нималардан иборат экани ҳақида ўз билимлари доирасида мулоҳаза юритадилар. Кимдир буни мустақилликда кўрар, бу йўлда берилган қурбонлар ҳақида фикр айтар, кимлардир буни инсоний муносабатлар билан боғлар, аллакимлар бошқа ҳаётий ҳақиқатларни кўрсатар. Албатта, ҳар ким ўз билими, дунёқараши ва савиясидан келиб чиқади. Ҳаммасида маълум даражада ҳақиқат бор. Муҳими, шу

хақиқатни тўғри ифодалай билиш ва қарашларини асослаш: нега шундай деб ўйлайди? Шунга эришолган ўқитувчи муҳокамани давом эттириши мумкин.

2. Шоир учун фожиали бўлган, армонга айланадиган тушунчалардан навбатдагиси унинг «*Кўшиқлари боғлардан, тоғлардан ошмас*»лиги ва «*Эл-юрт бахтини куйлаш*»нинг унга ярашмаслиги масаласи. Бу сатрларда армонга, қайгуга асос бўладиган қандай маъно бор? Бунинг нимаси бунчалар муҳим деб ўйлайсиз? Ўқувчилар бу саволга жавоб бериш асносида муаллифнинг шоир эканлигига диққат қаратишлари керак бўлади. Ижод аҳли учун ёза олмай қолишдан, яратикларининг эътиборсиз қолишидан ортиқроқ фожа йўқ. Шоир ҳаётида шундай ҳодисанинг юз бериши унинг кўнглида тенгсиз армонни пайдо қилиши мумкин. Банд сўнгидаги: «*Кўнглимда армон ётар, чўкиб қолган нор мисол*» мисрасида баён этилган армон кўламига ҳам ўқувчиларнинг диққати қаратилади. Нор ва унинг чўкиб қолган ҳолати ҳақида ўқувчиларнинг фикри сўралади. Ушбу сатрдаги «*чўкиб қолган нор*» тасвири билан муаллиф қалбидаги армон таққосланади. Ўхшаш жиҳатлари ҳақида фикр сўралади.

3. Лирик қахрамонда армон пайдо қилаётган сабаблар орасидаги «*Бир мард билан нопокнинг тақдирин туташ кўрсам*» ҳолати тасвирланган ўринга эътибор қилинг, уни изоҳланг.

4. Шеърнинг навбатдаги банди қайта ўқиб берилади:

Бемаврид хешларимнинг кўзларида ёш кўрсам,

Бир мард билан нопокнинг тақдирин туташ кўрсам,

Қайси бир бегуноҳни кенг йўлда адаш кўрсам,

Бир бетайин кимсанинг оёғида бош кўрсам,

Ўқувчилар банднинг ҳар сатрида ифодаланган ҳаётий ва маъжозий маъноларни тушунтиришга ундалади. Хешлар, мардлар, нопоклар, бегуноҳлар ва бетайин кимсаларнинг кимлиги ҳамда улар билан боғлиқ ҳаётий ҳодисалар нимаси билан ёқимсизлиги нега шоир кўнглини хижил қилгани, буларнинг унга алоқадорлик жиҳатлари борасида суҳбатлашилади. Яъни ҳаётда, одамлараро муносабатларда илоҳий мезонларнинг бузилгани ҳар қандай виждонли кишининг таъбиани хира қилади. Бу хиралиқдан шоир кўнглида пайдо бўлган армоннинг «*терскайдаги қор*»га қиёсланишига ўқувчилар диққати қаратилади. Терскайдаги қор қанақа бўлади? Унинг

хусусиятлари билан шоир калбидаги армонларнинг қандай ўхшашлик жиҳатлари бўлиши мумкин? Ўқитувчига кўмак сифатида шуни айтиш мумкинки, қор ёғиб ўтгандан кейин кунга қараб турган ерлардаги қор бир паста эриб кетади. Қуёш нури тушмаган, яъни терскайдаги қор орадан анча вақт ўтса ҳам эримайди ва атрофдаги чанг-тўзон туфайли кирланиб кетади. Шоир мана шу табиий ҳодиса билан рухий ҳолати мутаносиблигини билгичлик билан ифодалаган.

5. Булар ҳақида фикрлар яқунлангач ўқитувчи кейинги бандни қайта ўқиб эшиттиради ва унинг ҳар бир сатрида ифодаланган ҳаётий ҳодисаларга ўқувчиларнинг диққатини қаратади:

*Аро йўлда қолгудай бўлса бирор йўлдошим,
Манзилга етмай туриб, қоқилса қайғудошим,
Муҳтож бўлса кимгадир, жон аямас қурдошим,
Бадкор деган ном олса, бирор бир ватандошим,*

Биринчи мисрада ғамга сабаб бўладиган жиҳат, иккинчи мисрадаги «қайғудош»нинг ҳолати, жондек азиз бир «қурдош» (тенгдош)нинг бирор нарсага муҳтожлиги ва шоир таниган-танимаган бир юртдошининг бесабадан-бесабаб «бадкор» номини олиши билан муаллиф кўнглида пайдо бўлган оғриқли армоннинг «улаб бўлмас тор» билан қандай боғлиқлиги бўлиши ҳақида суҳбатлашилади. Ҳар бир сатрдаги етакчи ҳодисанинг изоҳи сўралади. Уларнинг ёмонлиги сабаби аниқланади. Шоирнинг шундай ҳаётий ҳодисаларга бефарқ бўлмагани сабалари борасида мулоҳаза юритилади.

*Гулзорни алаф босса, зог босса, богбон туриб,
Муаллақ қолса кимдир, ер туриб, осмон туриб,
Бир газанда топтаса, тупроқни посбон туриб,
Бир йўртоқ йўл бошласа, қудратли карвон туриб...*

6. Шеърнинг юқоридаги бандини ўқиб бергач, ўқитувчи ўқувчиларидан ҳар бир мисра мазмунини изохлашни сўрайди. Ташбеҳларнинг аниқлиги билан ифодадаги шартлилик орасидаги мантикий боғланишга эътибор қилинг. Аввал «алаф», «зоғ», «муаллақ қолиш», «газанда», «йўртоқ» каби сўзларнинг изоҳи сўралади. Бу тушунчаларнинг сатрда ифодаланаётган ҳодисага, масалан, йўртоқнинг йўлбошловчилигида шоир норозилигига сабаб бўладиган нима борлиги ҳақида ўқувчиларнинг фикри сўралади.

7. Шеър бандларида тасвирланган барча салбий ҳодисаларнинг муаллиф андуҳли ҳолати тасвирланган калта мисралар билан тугалланганлигига диққат қилинг. Қайси бандда қайғу, армон кучлироқ берилган? Буни сиз қандай аниқладингиз? Бу саволларга жавоб бериш асносида ўқувчилар асарнинг дидактик таҳлилига яқун ясайдилар.

Муҳокама сўнгида ўқитувчи томонидан қўйилган: «Шоирнинг армонлари қачондир барҳам топиши мумкинми?» тарзидаги умумлаштирувчи-муаммоли саволнинг ечими фикрлар ва хулосаларни умумлаштиради, ўқувчиларнинг қарашларини қатъийлаштиради. Маълумки, ҳаёт давом этаркан, инсоният мавжуд экан, яхшиликлар билан бир қаторда шундай: кишининг, кўнгил кишисининг руҳиятида оғриқлар, изтироблар пайдо қиладиган салбий ҳодисалар ҳам бўлаверади. Чунки одамзод бир умр ўзининг савобу гуноҳлари билан яшайди. Хато қилиш одамзодга Одам Ато ва Момо Ҳавво қони билан кирган. Хатолар, гуноҳлар борлиги учун Аллоҳ тавбани яратган. Одамлар ҳаётидаги бундай яхши-ёмон тутумлар тугамас экан, демак шоирнинг армонлари ҳам ҳеч қачон аримайди. Бу армонлар ҳам авлоддан авлодга кўчиб яшайверади.

Ўқитувчи Тўра Сулаймон ижодидан берилган барча шеърларнинг дидактик таҳлилинини муаммоли шаклда амалга ошириши шарт эмас. Ўқитувчи синфнинг умумий интеллектуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қўйилган муаммоли савол ёки топширик қийинлик даражасига қараб танлаши мумкин.

Тўра Сулаймон ижодидан намуналарни ўрганишга режалаштирилган иккинчи дарсда олдин шоирнинг «Тавалло» шеъри ўқиб эшиттирилади. Ўқитувчи бу шеърни ўқишга тайёргарлик жараёнида унинг руҳини аниқлаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шеърий сўз ўқувчи унинг руҳига кира олгандагина ўз таъсирини кўрсатади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, шеърнинг ҳар бир банди охиридаги икки мисра ўзига ҳос ўта нозик, сезилар-сезилмас инжа оҳангда ўқилишни талаб қилади. Балки шеър таъсир кучининг тўқсон фоизи шу мисраларга беркитилгандир!? Балки бу мисралар таъсир кучи ҳам уларнинг нечоғли ҳақлиги билан боғлиқдир!? «Тавалло» руҳига кира олган ўқитувчининг кироати жараёнида баъзи ўринларда овозига титроқ кириши, айрим жойларида томоғига

йиғи тикилиб қолиши ҳам табиий ҳол. Мана шу табиий ва чин туйғулар ифодасини ўқитувчи бекитиб, сунъийлаштирмаслиги лозим. Мана шу чинлик ўқувчилар кўнглини ром этади.

Маълумки, адабиёт дарслари – кўнгил дарслари. Адабиёт сабоклари – рост туйғу ва кечинмалар дарси. Шеърнинг ўқилиш оҳанги ва мазмунидаги таъсир кучидан ўқувчилар маълум муддат сукутга чўмадилар. Ҳеч ким қудратли сўз таъсиридан бирданига чиқиб кета олмайди. Ўқитувчи бундай вазиятда ўқувчиларга тегмай, қандайдир сониялар давомида уларни ўз-ўзи билан қолишларига имкон бергани маъқул. Ўқувчилар шеър таъсиридан қутулиб, синфда безовталик пайдо бўлгандагина таҳлилга ўтилгани маъқул бўлади.

Ўқитувчи шеърнинг биринчи бандини қайта ўқиб эшиттиради:

*Нелардандир кўнгил бўлиб гап,
Ҳам эгилиб, бу эгилмас бош,
Кўзларимда қалқиб турса ёш,
Бу ҳолимга беролмай бардош,
Бир муштираб Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлгон йиғлайдир.*

Ўқувчилар, аввало, ҳар банднинг ҳар мисрасида фарзанд билан юз бериши мумкин бўлган ҳаётий ҳақиқатларнинг тавсифини қилишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Қолаверса, ҳар бир банддаги «озода мисра»ни, яъни фарзандга хос бўлган алоҳида хусусиятни ажратиб олишга уриниб кўрганлари ҳам дуруст бўлади. Масалан, биринчи банддаги озода мисра: «Ҳам эгилиб, бу эгилмас бош»да қандай ҳолат ифодаланаётганлигини сўраш мумкин. Ўқувчилар шу ҳолат ҳақида мулоҳаза юритарканлар билиб-билмай шоирнинг ёрқин шахсиятига ҳам дахл қиладилар. Негаки, миллатнинг улуғ вакиллари ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолотига нафақат ижоди, балки ўша ижод намуналарида акс этган шахсиятига хос бўлган эзгу сифатлари билан хисса қўшадилар. Бу шеърнинг ҳар битта бандидан биттадан муаммо яшаш мумкин: «Эр йиғитнинг эгилмас боши эгилишига нима сабаб бўлиши мумкин ҳаётда? Хўш, шундай вазиятда у эгилса нима бўлади-ю, шахсиятига

хиёнат қилмай эгилмаса, нима бўлади? Бу ҳолатда муштишар она нимага куйиб йиғлайди?

«Шеърнинг иккинчи банди:

Қайтар бўлсам қуруқ қўл овдан,

Қора қозон қолса қайновдан,

Ҳам айрилиб ўлжа, уловдан,

Қарзга ботар бўлсам бировдан

Таскин бериб Онам йиғлайдир,

Қолганлари ёлгон йиғлайдир.

«Қайтар бўлсам қуруқ қўл овдан» мисраси орқали шоир нимани назарда тутаётганини тушунтиринг. «Қора қозоннинг қайновдан қолиши»ни қандай изоҳлайсиз? Ўлжа, уловдан нима назарда тугилипти-ю улардан айрилишнинг қарзга ботиш билан қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бу саволлар устида мулоҳаза юритиб, фикрларини айтиб бўлгач, ўқувчиларга: «Бу ҳолатлар барчасининг фарзандга қандай алоқаси бор? Нега она маслаҳат бериб эмас, йўл-йўриқ кўрсатиб эмас, айнан таскин бериб йиғлаяпти?» тарзидаги масалани кўндаланг кўяди. Бу муаммонинг ечимини ҳам ҳар бир ўқувчи ҳар хил тушуниши мумкин. Ечимга эришиш учун ўқувчилар банднинг умумий мазмуни асосида мантиқли мулоҳаза юритишлари тақозо этилади. Она: биледи, ўғли масъулиятли; оиласи ва фарзандлари тўқислиги учун кўлидан келган ҳамма ишни қилади; ноиложликдан қарз кўтарди; бу ўғлига маънан қанчалар оғир эканини ҳам тушунади; ёрдам беролмайди; бирор маслаҳат беришга, йўл-йўриқ кўрсатишга ожиз; кўлидан фақат ўғлини юпатиш, унга таскин бериш келади холос. Айни замонда, боласининг тушиб қолган вазиятига ич-ичидан оғриб, унга билдирмай йиғлайди.

Кўйилган муаммоли саволларнинг ечими мана шу ҳақиқатларга бориб тақалади. Ўқувчилар шу атрофда мулоҳаза юритсалар, ечимга ўзлари биргаликда етиб борадилар.

Навбатдаги банд ўқиб эшиттирилади:

Бирда ҳақдин, бирда ноҳақдин,

Жабр кўрсам бир бетавфиқдин,

Ортда турсам қалби қуроқдин,

Қадрим хароб бўлса тупроқдин,

*Оҳлар уриб Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлгон йиғлайдир.*

Бу сатрлардаги: «*Орtdа турсам қалби қуроқдин, Қадрим хароб бўлса тупроқдин*» мисраларида ифодаланган ҳолат аввалги бандлардаги тушкун вазиятлардан оғирроқми ёки енгилроқми? Нега шундай деб ўйлайсиз? «Қалби курок» ташбеҳининг маъносини тушунтиринг. «Бетавфиқ» деганда нимани тушинасиз (бетавфиқ – дин йўл-йўриқларига ишонмайдиган, диний эътиқодсиз, имони йўқ, уятсиз)? Бу ҳолатларнинг ўғлига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Бу саволлар асосидаги суҳбат якунига етгач: «**Нега Она оҳлар уриб йиғлайди? Бу «ох»нинг сабаби нима?**» тарзидаги мантиқли-муаммоли саволни ўртага ташлаш мумкин. Она билади, боласининг эътиқоди бутун. Қалби тоза. Савияси баланд. Лекин ҳаёт шафқатсиз, муҳит жирканч. Кўриб турибди, ўғлининг қадри ерга уриляпти. Яна кимлар томонидан? Она боласининг қорнига эмас, қадрига куйиб йиғлайди. Ички оғриқдан, изтиробдан «ох» тортади.

*Оға-ини ўртасида гап...
Алҳол, келиб чиқса ихтилоф,
Бири иззат, бири мулк талаб,
– Бу оқ суним, меҳримга хилоф. –
Дея шўрлик Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлгон йиғлайдир*

Бандни ўқиб бергач, ўқитувчи ўқувчиларига куйидаги савол ва топшириқлар билан муурожаат қилади: муаллифнинг сўз қўллаш маҳоратига диққат қилинг. Нималарни фарклаганингизни ўртоқлашинг. «Оға-инилар ўртасидаги келишмовчиликлардан она туйғулари чеккан озор шеърда қандай тасвирланган? Сиз шоир ифодалаган ҳолатларга нима қўша оласиз?» Шулар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар, албатта, асар матнига таянадилар. Ака-укалари, опа-сингиллари билан муносабатини, бунинг оналарига таъсирини кўнгилларидан ўтказадилар. Оналарига бўлган муҳаббатлари ҳаққи нималардандир воз кечиш, нелардандир баландроқ туриш кераклигини англайдилар. Кўнгилларида аяш, ачиниш ҳиссини туядилар. Бу туйғулар маънавий камолот сари интилаётган инсон кўнгли шаклланишида катта аҳамиятга эга. Банднинг муҳокамаси якунлангач: «**Нега она**

«шўрлик» дея тавсифланяпти? Бу шўрлиликнинг илдизлари, сизнингча, қаерга бориб такалади? Нималардан далолат беради?» тарзидаги турфа фикрларни келтириб чиқарадиган муаммоли саволлар ўқувчиларнинг ихтиёрига ҳавола қилинади. Мазкур муаммонинг ечими жараёнида ўқувчиларнинг айримлари онани тарбия беролмаганликда айблар, баъзилари жигарларнинг оқибатсизлиги сабабини бошқа нарсада кўрар, буни вазият кўрсатади. Лекин фарзандлар орасидаги келишмовчиликлар ота-онанинг шўри. Бундай ваиятнинг гувоҳи бўлиш ота-она учун ўлимдан баттар. Ўқувчилар шу ҳақиқатни англаб етсалар, муаммонинг ечими топилган бўлар, эҳтимол. Бугунги болалар эртанги можароларнинг олдини оладиган бўлар... шунга эришиш ҳар қандай адабий таълимнинг асосидир.

Шеърнинг навбатдаги банди биринчи: *«Синалмоқнинг гали келганда»* мисрасида қахрамон ҳолати ва онаизор муҳаббати орасидаги боғлиқ жиҳатни топинг» топшириғи ўртага ташланганда ўқувчилар «синалмоқ» деганда нималар назарда тутилиши ҳақида фикр билдиришларига эришиш керак. Улар кишининг ҳаётида синовлар кўплиги, булардан инсоннинг қандай ўтиши унинг шахси, маънавиятига боғлиқ эканини эсга олишлари лозим.

*Синалмоқнинг гали келганда,
Ногоҳ мағлуб бўлсам майдонда,
Номим қолмас бўлса жаҳонда,
Ким дўст-душман билинар онда
Аҳволимга Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлгон йиғлайдир*

Банддаги ҳар бир мисра: *«Синалмоқнинг гали келганда, Ногоҳ мағлуб бўлсам майдонда, Номим қолмас бўлса жаҳонда, Ким дўст-душман билинар онда»* замирида қайси инсон ҳаётининг қайси они, қайси босқичи назарда тутилаётир деб ўйлайсиз? Бу синов онда фарзанднинг ҳоли қандай бўлиши мумкинки, бу аҳволга она куйиб йиғлайди? Навбатдаги муаммоли савол: *«Синов они» она-бола учун қаерда бўлади? Бу синов дамларида дўст-душманни нимадан билиш мумкин?»* ўқувчилардан чуқурроқ мулоҳаза юритишни тақозо этади. Аллохнинг ҳузуридаги синов дамлари, савоб ва гуноҳлар ҳисоби, фарзандга онадан бошқа бирорта жонзод дўстлик қила олмай-

диган вазиятлар, бунинг учун хаётий дунёда буюрилганидек яшаш борасида фикрлашилади.

Ғаним бир ён, мен бир ён бўлсам,

У устувор, мен урён бўлсам,

Бу ҳам камдай ногирон бўлсам,

Ёғоч отга ёнма-ён бўлсам,

Ой тутилиб, Онам йиглайдир,

Қолганлари ёлгон йиглайдир.

Мазкур банд юзасидан: «*Ёғоч отга ёнма-ён бўлсам*» мисрасини қандай тушундингиз? Гап нима ҳақда кетаётганини айтинг». «Шеърда онанинг чексиз муҳаббати ва фарзандларни онага озор бермасликка чақириш тўғри бадий ифодасини топган деб ўйлайсизми?», «Онанинг фарзандга муҳаббати «*Қолганлари ёлгон йиглайдир*» мисралари билан бошқаларнинг садоқатига қарши қўйилмоқдами ёки таққосланмоқда? Фикрингизни шеърдан олинган мисоллар асосида исботланг» каби савол-топшириқларга ўқувчилар матнга таянган ҳолда жавоб берадилар. Агар ўқувчилар айрим саволларга жавоб беришга қийналсалар, ўқитувчи саволларни бир оз соддалаштириши ёки бир саволни бир неча қисмга бўлиб, енгиллатиши мумкин. Муаммоли савол: «**Ой тутилиши билан боғлиқ ҳолатни изоҳланг. Ой тутилиши билан онанинг йиғлашида қандай мутаносиблик бўлиши мумкин?**» Ўқувчилар тезгина қўлларидаги телефонлари орқали интернетга кириб Ойнинг тутилиши билан боғлиқ билимларни ўрганадилар. Ҳозир бу оддий ҳолга айланган. Қоронғулик, айрилиқ изтироби иккала ҳолат учун умумий. Илмий асослар билан ўқувчилар муаммонинг ечимига келадилар.

Бўлсам гумроҳ, бўлса гуноҳим,

Вужудимга солмасдан ваҳм,

Қабул айлаб тавалло – оҳим,

Дариг тутмай меҳринг, Илоҳим,

Йиглатмагин мушфиқ Онамни,

Волидаи муҳтарамани.

«Шеърнинг сўнги бандида шоир нима учун илоҳга мурожаат қилди деб ўйлайсиз? Сиз бу тилакка қўшиласизми?» саволлари ўқувчиларни жиддий ўйлантиради. Ҳар бир инсон ҳаётида ўзининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар кўп

учрайди. Одам баъзи ишларга виждон амри билан кўл урса, баъзи ишларни истамаган ҳолда кимнингдир олдидаги бурч ёхуд эҳтиёж туфайли қилади. Улар ҳамيشа ҳам маънавий ўлчамларга мос келавермайди. Бу ишларнинг натижаси ижобий бўлса ҳамма қувонади, шодлигига шерик бўлади. Салбий бўлса – жигарлар, қондош-қариндошлар, дилдош дўстлар ҳам қуюнади, ачинади, изтироб чекади. Лекин ҳеч бири Оначалик қуёлмайди. Фақат Онагина, ҳар қандай вазиятда ҳам, боласи учун чин дилдан изтироб чекади. Фақат Онагина жонларидан кечиб бўзлайди. Фақат Онагина бутун вужуди билан эзилиб йиғлайди.

«Қолганлари ёлғон йиғлайдир» мисрасида қўлланган «ёлғон» сўзини ўқувчилар тўғри маънода тушуниб қолишларидан ҳазир бўлиш керак. Улар оналик туйғуси фақат оналардагина бўлишини, бунга жигарлик-туғишганлик туйғуси ҳам, ёрлик ҳисси ҳам, дўстлик муҳаббати ҳам, фарзандлик бурчи ҳам тенглаша олмаслигини англашлари керак. Оналардай бўла олмаслик, онадай йиғлай олмаслик жигар, ёр, дўст ёки фарзанднинг айби эмас, ҳолатидир.

Шеърнинг умумий мазмуни юзасидан чиқариладиган муаммо: «*Йиғлатмагин мушфиқ Онамни, Волидаи муҳтарамамни*», тарзидаги тавалло замирида нималар беркинган?» Бу масаланинг ечими устида мулоҳаза юритган ҳар бир ўқувчи, бу ҳақиқатни чин дилдан ҳис қилганда «*Йиғлатмагин*» сўзи зиммасига шоир ортган юкнинг салмоғини, бу тилакнинг амалга ошиши учун ҳар бир инсон ўзи ўзига буюрилганидек яшаши лозимлигини англайди. Ўқувчилар бу савол устида ўйларкан, шу биргина ўтинч мазмунида шеърда тасвирланган барча ҳодисаларнинг юз бермаслигини ва шундай ҳолатлар бўлмаса она ҳеч қачон йиғламаслиги мумкинлигини англайдилар.

Иккинчи дарсда ўрганиладиган кейинги шеър «Гул бир ён, чаман бир ён»дир. Тўра Сулаймоннинг ушбу битиги юқоридаги учта шеърдан ўқирманга кўтаринки кайфият бахш этиши билан ажралиб туради. Бу шеър ҳам тожикистонлик таниқли кўшиқчи Абдурауф Олимов томонидан жуда гўзал ижро этилган⁹³. Агар ўқитувчи ушбу шеърни кўшиқ ҳолида ўқувчиларга эшиттириш имконини топа олса, дарс юқори самара билан ўтиши тайин. Акс

⁹³ <https://www.youtube.com/watch?v=tOSDIKG3g3E>

холда, яна ўзи доимий южрочи бўлади. Фақат бу ишга аввалдан тайёргарлик кўрилиши шарт.

Шеър таҳлили юзасидан берилган савол-топшириклар устида ишлаш ўқувчиларни асар моҳиятига олиб киради. Улар ўзини Гўрўгли султон билан тенглаётган ошиқнинг шахсини таниш, туйиш ва тушинишга уринадилар. Шоирнинг шеъриятига хос бўлган, киши кўнглига тез ўрнашиб оладиган халқона тутумларни туядилар: «Шеърдаги: *«Чаман ичида бир гул, гул бир ён, чаман бирён»* мисраси мазмунини изоҳлашга урининг. Гап нима ҳақда кетяпти деб ўйлайсиз? *«Ўсган боғига олқов, ўстирган боғбонига, Хавфу хатардан сақлаб келган соябонига»* сатрларида олқиш кимнинг шаънига айтилаётганини изоҳланг. Шоирнинг: *«Мақтовига мен бир ён, борлиқ сухандон бир ён»* тарзидаги фахриясига муносабат билдиринг, бу холнинг сабабини кўрсатинг. Шеърнинг учинчи банди нима учун айнан шу тарзда қофияланди деб ўйлайсиз? Фикрингизни аввалги ва кейинги бандлар билан солиштириб асосланг. Маъшуқа тасвиридаги миллий ва анъанавий жиҳатларга эътибор қилинг. Шеърдаги: *«Бу оламда ой танҳо, муборак қуёш танҳо, Буй қизларнинг ичида бир шу эгма қош танҳо»* мисраларига ўхшаб кетадиган бадиий ифодаларни бошқа асарларда учратганмисиз? *«Буй қизлар»* ифодасининг маъносини тушунтиринг. Шеърдаги *«Гўрўгли султон бир ён, Тўра Сулаймон бир ён»* мисрасини қандай тушундингиз? Шоир қай соҳада дostonларнинг машҳур қаҳрамони билан беллашаётир деб ўйлайсиз? Шеърда қониқиш ҳисси устуворми ёки шикоят?» ва ҳк.

«Тўра Сулаймон ижодидаги менга маъқул бўлган чизгилар» мавзусида ихтиёрий иншо ёзиш вазифасини уйга топшириш сўзга меҳри бор ўқувчиларнинг фикрларини умумлаштириш, ўта нозик туйғуларни сўз билан ифодалашга ўргатиш жиҳатидан жуда муҳимдир. Ўсмирлар ёшидаги одам табиатан шундай: талаб қилинсагина ишлайди. Ўқитувчи талаб қилса, ўқувчилар ўта оғирдай кўринган дидактик юмушларни ҳам бажара оладилар.

«КИЧКИНА ШАҲЗОДА»ни муаммоли ўрганиш.

Муаммоли ўқитиш ривожлантирувчи таълимнинг мустақил изланувчи фаолият етакчилик қиладиган тури ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларининг 8-синфи дастурида Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шахзода» асарини ўрганиш учун вақт ажратилган.⁹⁴ Асарни ўрганишга йўналтирувчи талқин: эртак-қиссада болалар оламининг маҳорат билан тасвир этилиши. Унда абадият ва фанийлик, ҳаёт, муҳаббат ва ўлим муаммосининг ўзига хос тарзда тасвир этилиши. Кичкина шахзода образи. Эртакдаги бошқа образлар ва улар ўртасидаги муносабат. Эртакда болалар руҳиятига хос хусусиятларнинг ёрқин ифодаланганлиги. Эртакнинг тарбиявий аҳамияти, тарзида бўлиши мумкин.

Методика илмида бадиий асарларни бўлакларга бўлиб ўрганишда исталган жойда тўхтаб, кейинги дарсда давом этиш усули маъқул эмаслиги айтилади. Бунинг ўзига хос педагогик, психологик ва методик асослари бор. Ўқитувчи «Кичкина шахзода»ни унинг бобларига таяниб тақсимлаб, режалаштириб олиши ва ҳар дарсда ўқилган бўлакнинг таҳлилинини амалга ошириши ҳам мумкин. Ёки 40–45 дақиқа давомида дарсликда берилган парча тўлиқ ўқиб чиқилиб, қолган дарсларда ўқувчилар билан бирга унинг таҳлиliga ўтилса ҳам бўлади.

Адабиётчи ўқитувчиларнинг «Кичкина шахзода»ни ўрганиш қийин деган эътирозларида жон бор. Ўқувчиларнинг уни англаши қийин кечаётганини ҳам тушуниш мумкин. Чунки асар бизнинг миллий руҳиятимизга унча яқин эмас. Аввало, бизнинг болалар ҳамisha катталарни ҳақ деб биладилар. Ўзбекнинг миллий-ахлоқий хусусиятида катталарни танқид қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларига таҳрир киритиш ҳисси йўқ. Бу ўзбекча ахлоқий меъёр болаларнинг генида, тийнатида мавжуд. Айрим ўқувчиларнинг асардан маънавий завқ ола билмаётганлиги ва қисса қаҳрамони қарашлари, муносабати ҳамда тутумларини ҳис қилмаётганликларининг сабаби ҳам шунда.

⁹⁴ Umumiy o'rta ta'limning Milliy o'quv dasturi. Adabiyot. Loyiha. – T.: RTM, 2020. – 61 b.

Ишни қийинлаштирадиган яна бир ҳолат шундан иборатки, асардан дарсликда (аввал бу асар 5-синфда ўрганилган. Бу гаплар унга тегишли) берилган парчада қиссининг аслидаги суратлар йўқ. Ҳолбуки, парчада «Расмларни муаллифнинг ўзи чизган», «Мана ўша сурат», «Мана, мен чизган нарса», «Шу расмни чизиб бердим» деган жумлалар бору, расмлар йўқ. Бу сезгир ўқувчида эътироз уйғотади. Тасвирларни тасаввур қилиш қийинлашади. Ўқувчининг хафсаласи пир бўлиб қолмаслиги учун кейинги нашрда бу номувофиклик бартараф этилиши лозим.

Аслида, бу асарнинг саккизинчи синфга олингани педагогик-психологик жиҳатидан унчалар ҳам тўғри эмас. Чунки унинг қаҳрамони ёш бола. Унинг туйғулари, мулоҳазалари, хайратлари ва эътирозлари саккизинчи синф ўқувчиларининг кўпчилигига қизиқ бўлмаслиги мумкин. Чунки улар бу босқичдан ўтиб кетишганига анча бўлган, бу туйғулардан улар йироқлаб кетишган. Таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида, ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши билан боғлиқ интилишлари, қизиқишлари, ҳислари ўзига хос бўлади. Ёшлари катта бўлгани сари бу сифатлар ҳам йилдан-йилга ўзгариб, юқорилаб бораверади. Шунинг учун қайсидир синфда ўқувчига сингдирилиши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар, туйғулар, бадиий ва ҳаётий ҳақиқатлар ўткизиб юборилса, бир йилдан кейин уларнинг болага қизиғи ҳам бўлмайди, ёқмайди ҳам, юкмайди ҳам. Чунки энди унинг онги ва руҳиятида ёшига хос ва мос бўлган бошқача карашлар, ўзгача фикрлар ва янгича туйғуларга эҳтиёж пайдо бўлган бўлади. Хоҳиш-истаклари бошқа бўлади.

Ҳамон шундай қилинган экан, биз ҳам бу асарни ўрганишни имкон қадар ўсмирларга яқинлаштиришга, мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Ўсмирларга катта китобхон назари билан ёндашиб, уларни бу асарга катталар сифатида ёндашишга йўналтирамиз.

Асар матни ўқитувчи томонидан ўқиб берилади. Лекин, саккизинчи синф ёшидаги ўқувчилар орасида бадиий асарга, китоб ўқишга қизиқадиганлари ва бу борада анча тажрибага эгалари ҳам бўлиши мумкин. Синфда шундай ўқувчи бўлса, ўқитувчи асарни ўқишни ундан илтимос қилиши ҳам мумкин. Фақат бу ўқувчини матн мутолаасига олдиндан тайёрлаши керак бўлади. У ҳам худди ўқитувчи сингари бу дарсга алоҳида тадбир

кўриши лозим бўлади. Мутолаа жараёнида ўқувчилар у билан бирга ўз дарсликларидан асарни ичдан ўқиб борадилар. Асар тўлиқ ўқиб бўлингандан сўнг, иккинчи дарсда унинг таҳлилига киришилади.

Агар ўқитувчи мазкур битикни муаммоли шаклда ўрганишни ихтиёр этса, саккизинчи синф ўқувчиларини бу мақсаддан хабардор қилиши, муаммони олдиндан уларга эълон қилиши шарт.

Муаммо: 1. «Катталардаги Кичкина шахзодага ёқмаган сифатлар нималар ва улар катталарда қачон, қандай қилиб шаклланган?» 2. Кичкина шахзода катта бўлгунча шу беғуборлиги билан қолса, ҳаётда унга қийин бўладими ёки осон бўладими?»

Бу муаммолар ўқитувчига бир вариант сифатида такдим этилади. Истаса, ўзи асар матни асосида ўқувчиларда ҳар хил муносабатни уйғотадиган, фикрлар тўқнашувига сабаб бўладиган бошқа муаммоли савол ва топшириқлар тузиши ҳам мумкин. Дарс жараёнини ўзи тузган муаммонинг ечими сари олиб боради.

Маълумки, «Кичкина шахзода» қиссаси дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган асар. Унда Антуан де Сент-Экзюпери ниҳоятда нозик қалбли, ҳаёлот олами бой, соғлом мантиқ асосида яшайдиган ўзга сайёралик болакай тимсолини яратган. Кичкина шахзода яхшини ёмондан, гўзални хунукдан фарқлай олмайдиган, фантазияси қотиб қолган катталар руҳиятини тушунмайди. Ҳодисаларга тор манфаат юзасидан қараганлиги, бағри кенг бўлолмагани учун бир-бирини англамай, бир марта бериладиган ҳаётда маза қилиб яшаш ўрнига урушларни, қирғинларни ўйлаб топадиган катталар шахзоданинг киноявий назари билан тасвир этилади. Ўқувчиларга асардаги мана шу ҳақиқатларни кашф этишда кўмаклашиш керак. Бунинг учун ўқитувчига асар матни юзасидан тайёрланган савол-топшириқлар ёрдам беради. Ўқитувчи матндаги диққатга сазовор ўринларни савол ёки топшириққа айлантириб, уларга ўқувчиларнинг эътиборини қаратиши керак бўлади.

Асар таҳлили нишаби муаммолар ечими сари бориши назарда тутилган ҳолда дидактик фаолиятнинг асосий курали бўлмиш савол-топшириқларнинг дастлабкиси:

1. Қисса қаҳрамони чизган расмга катталарнинг муносабати, уларнинг жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни ўрганиш борасида берган маслаҳатлари ҳамда боланинг шу сабабли «*рассомликнинг порлоқ истиқболдан воз кечишга мажбур бўлгани*»га ўз муносабатингизни билдиринг!» тарзида бўлади. Топшириққа жавоб бериш учун ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритишлари керак бўлади. Аввало, жунгли ҳақида хаёл суриш учун у ҳақда бирор нарса билиш керак. Унга хос жиҳатларни тасаввур қилиш керак. Боланинг хаёлот олами чегара билмайди. Хаёлда ақлга сиғмайдиган ишлар ҳам оппа-осон содир бўлаверади, ҳар қандай муаммо осонгина ечимини топаверади. Ҳикоячининг расм чизишга ундаган нарса ҳам ундаги хаёл уфқининг кенглиги бўлса ажабмас. Лекин барибир, бизнинг ўқувчилар катталар ҳақ эканини ичдан туйиб турадилар. Маслаҳат берган, узокни кўра биладиган катталарнинг ҳақ эканига ичдан хиёнат қилолмайдилар. Шу билан бирга, бу ўсмирликка хос бўлган мустақилликка интилиш ҳиссининг таъсирида ўқувчиларга ҳам ёқмаслиги мумкин. Катталарнинг маслаҳатида болалар илғамайдиган бирор мантиқ борми? Шу вазиятда ҳуснихатнинг аҳамияти нимадан иборат бўлиши мумкин? Маслаҳат мазмунига ҳуснихатнинг киритилишида нима назарда тутилган бўлиши мумкин, Сизнингча? Шу каби саволлар ўқувчиларнинг фикр ифодалашда конкретликка эришиш имкониятини беради. Ўқитувчи ўқувчиларининг жавобларидан буни илғаши мумкин. Лекин катталарнинг «ақллилиги» билан шаклланиб келаётган истеъдод йўққа чиқарилмадими? Катталар бу билан ҳисоблашишлари мумкинмиди, керакмиди? Ўсмирлар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсинлар.

2. Навбатдаги топшириқ: «Муаллифнинг болаликда чизган дастлабки сурати ҳақида катталарнинг: «*Шляпанинг нимаси кўрқинчли экан?*» шаклида муносабат билдиришлари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Катталарнинг ташқи ўхшашликка эътиборлари, хаёли узокларга парвоз қилмаслиги сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг. Ўзингизнинг болаликдаги «сураткаш»-лигингизни ҳам ёдга олинг» топшириқлари ўқувчиларни ўз атрофидаги катталарга асар қаҳрамони назари билан қарашга ундайди. Масалага чуқурроқ ёндашишга кодир ўқувчилар ўз ҳаётидаги ҳар хил вазиятларга катталарнинг муносабатини эслаб,

уни ўз назари билан қайта баҳолашади. Балки бу ҳақда сўзлаб ҳам берар. Ўқитувчи бу имкониятни кўлдан бермаслиги керак.

3. «Ҳикоячининг: «Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бориш керак-да» деган таъкидига қандай муносабат билдирасиз?» – саволи ўқувчиларни бир оз ўйлантириши табиий. Ўзбек болалари назарида катталар ҳамма нарсани билишади ва улар кўпинча ҳақ бўладилар. Экзюперининг қаҳрамони эса катталарнинг ҳақлигига шубҳа қиляпти. Энди ўқувчиларда икки хил назар пайдо бўлди. Улар асар қаҳрамонини ўзлари билан солиштиришлари мумкин. Айримлар қай бири тўғри эканини ажратолмай, мавҳум бир ҳолатда таҳлилда иштирок этавериши ҳам мумкин. Лекин бу иккиланиш ҳам унинг шахсияти шаклланишида қандайдир аҳамиятга эгаллиги тайин. Шундай вазиятни илғаган ўқитувчи: «Йигитчада катталар ҳақида шундай тасаввур пайдо бўлишининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Бунда катталарнинг хатоси нимадан иборат бўлиши мумкин, Сизнингча?» тарзидаги саволлар билан уларнинг фикрлаш фаолиятига йўналиш бериб юбориши ҳам мумкин.

4. Асардаги: «Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжасалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади» тасвирига муносабат билдиринг, – тарзидаги ҳазиломуз фикрда ҳам, балки асар қаҳрамони ҳақдир. Ўсмирлар ўзларининг ҳар бир қилган ножўя (ўзларининг назарида жўяли, албатта) ишлари учун катталарга ҳисоб бераверишдан қийналганларини эслаб, қаҳрамонни яхши кўриб қолишлари ҳам мумкин. Ва бу, эҳтимол, яхши ҳамдир. Чунки ўқувчилар ва адабий қаҳрамон бир-бирларини тушуниб боришяпти, ҳар ҳолда, дарснинг мақсади мана шу.

5. Ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга ундайдиган навбатдаги топширик, яъни ҳикоячининг: «Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади», – деган хулосасига эътибор қилинг. Асарда катталар ва болаларнинг бу тарзда қарама-қарши қўйилаётганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг» топшириғи ўсмирларни мустақил фикрлашга мажбур қилади. Аввало, «кичкина рассом»нинг

катталар ҳақидаги фикри канака эканини улар матнга қайта мурожаат қилиб, бир эсга олишади. Сўнг улар ўртасидаги муносабатларга, карама-қаршиликларнинг сабабларига эътибор қаратилади. Қисса қаҳрамони назарида, катталар болаларни тушунмайдилар. Уларнинг ўз белгилаб олган йўллари бор, ҳар нарсада ўз мезонлари мавжуд ва фарзандлар хоҳлайдиларми йўқми, бундан қатъи назар, уларнинг шу йўлдан, ўзлари белгилаб қўйган йўлдан боришларини талаб қиладилар. Катталар ҳаётий тажрибалари, билим ва ақллари етовида фарзандларга нисбатан узокрокка қарайдилар, албатта. Лекин кичикларнинг феъл-атвори, қизиқишлари, интеллектуал имкониятларини ҳамisha ҳам ҳисобга олавермайдилар, ўз мантиқларидан келиб чиқиб, талаб қўядилар. Ҳолбуки, ўсмирлар энди бола эмас, ўз орзу-ўйлари, режалари бор кишилар. Катталар билан фарзандлар орадаги карама-қаршиликларнинг сабаби ҳам шунда.

6. Матндаги: *«Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди...»*, – шаклидаги андуҳли хулосага муносабат билдиринг. Ҳикоячининг ёлғизлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг» топшириғини бажариш учун ҳам ўқувчилар мустақил фикрлашга мажбур бўлишади. Катталардек мулоҳаза юритадиган «кичкина шахзода» қарашларини ўзидай қабул қиладиган ҳамдард йўқлиги туфайли ўзини ёлғиз деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам, кишининг атрофида ҳамфикр, дилдош одам бўлмаса, атрофи тўла одам бўлишига карамай, у ўзини ёлғиз сезади. Унинг бу ҳолатини, вазиятидан келиб чиқиб, катталар ҳам, кичиклар ҳам тушуниши, унинг андуҳли хулосасига қўшилиш мумкин. Бундай вазиятдан одам қандай чиқиши мумкин? Ўсмирлар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўришсин.

7. «Кичик шахзоданинг ҳикоячидан айнан кўзичок чизиб беришни сўраганлиги сабаби ҳақида мулоҳаза юритинг. Сизнингча, кўзичокда қандай рамзий маъно бор?» саволига жавоб бериш учун болалар матнга мурожаат қиладилар. Кичик шахзода илтимосининг сабаби ва кўзичокдаги рамзий маъно улар ўртасидаги суҳбатдан англашилади. Ўқувчилар шу суҳбатни қайта ўқишлари керак. Кичкина шахзоданинг асослари нимадан келиб чиққани ҳақида мулоҳазаларини сўраш керак бўлади. Улар ўйлашда давом этсинлар. Бу уларнинг шахсиятида фикр кишисининг шаклланишига асос бўлади.

8. «Шаҳзоданинг бўғма илон ва фил суратини кўриб: «Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта», – дея муносабат билдиргани ҳақида ўйланг» топшириғи устида фикрлаш, ўқувчиларни кичик шаҳзодага янада яқинлаштиради. Лекин ўсмирлар қандай муносабат билдирадилар, буни вазият кўрсатади. Шаҳзоданинг расмда ифодаланган тасвирни ўзича англаб, унга муносабат билдиргани унинг зийраклигини намойиш этади. Мазкур топширик ўсмирларни укалари тимсолида мулоҳаза юритишга йўналтирар, балки.

9. Шу ўринда шаҳзоданинг чизилган суратларга билдирган эътирозларига ҳам ўқувчиларнинг диққати тортилиши керак: «У расми синчиклаб кўздан кечиргач:

— Йўқ, бу кўзичоқ жудаям ориқ-ку, – деди. – Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа кўзичоқ расмини чиздим.

Янги дўстим хушфеъллик билан мулойим жилмайиб кўйди.

— Бу кўзичоқ эмас-ку, – деди у. – Ўзинг ҳам кўриб турибсан-а, кўчқор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен кўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ, бу расм ҳам унга маъқул бўлмади.

— Э, бунинг ўлгудай қари-ку. Менга узоқ яшайдиган кўзичоқ керак». Ўқувчилар чизилган расми бунчалик осон тушуниб, тез таҳлил қила оладиган кичик шаҳзода билан филни ютиб юборган илон суратини шляпа деб ўйлаган катталарни таққослашлари керак. Улар қарашлар хилма-хиллигининг сабаблари ҳақида ўйласинлар: балки катталар катта бўлгани учун суратни болалардек тушуна олмагандирлар? Балки орадаги ёш билан боғлиқ масофа жуда узоклигидандир? Балки катталар ҳаёт ташвишлари ва муаммолари билан бўлиб болалардек тасаввур ҳиссидан жуда ҳам узокқа кетиб қолишгандир? Ёки катталар ҳаёлпарастликни унутиб юборишгандир?! Шу саволлар устида мулоҳаза юритиш асносида ўсмирлар ўзларига ҳам ташқаридан бир қарасалар, мақсадга мувофиқ бўларди: улар ҳам катталашиб қолишмадимикин?!

10. Кўзичоқни кундузлари боғлаб кўйиш учун арқон бермоқчи эканини эшитиб: «Кичкина шаҳзоданинг қошлари чимирил»ганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Унинг: «Боғлаб

қўясан? Нима кераги бор бунинг?», – деган саволларига таяниб, унинг қандай бола экани ҳақида фикр билдиринг» топшириғи ҳам ўқувчиларни анчагина ўйлантиради. Ерликларнинг назари билан ўзга сайёралик йигитча кўзқараши орасидаги тафовутга, уларнинг ҳар бири ўз шароитидан келиб чиқиб иш тутаётганига ўқувчилар эътиборини тортиш керак бўлади. Эҳтимол, кичкина шахзода сайёраси жуда кичик бўлгани учун шундай деяётгандир? Балки кўзичокнинг озодлигига даҳл қилмаслик учундир? У кўзичокни бойлаб қўйиш мумкинлиги ёки кераклигини нима учун ақлига сиғдиролмапти? Буни ўқувчилар ўзлари аниқлаганлари ва фикрларини асослаганлари маъқул.

11. 1909 йилда янги сайёрани кашф қилган олим ҳақидаги: «*Ўшанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди*» тарзидаги изохга муносабат билдиринг. Гап тил ҳақида эмас, кийим тўғрисида эканига эътибор қилинг». Гап яна катталарга бориб такалади: катталар учун нима муҳим? Нега шундай? Бу нимадан далолат беради? Нега катталар ҳамма ходисага самимий муносабатда бўлаверишмайди? Нега ҳар хил мезонлар ўйлаб топишади? Ўсмирларнинг шулар ҳақида мулоҳаза юритишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

12. «*Ўша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тагин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнгги модада кийинган эди – ҳамма унинг гапини маъқуллади*» тасвирни изохланг. Катталар қароридаги мантиқ ҳақида ўйлаб кўринг» – топшириқларини бажариш асносида боланинг катталар ҳақидаги тасаввури янада тиниқлашади. Бу масалага ўқувчилар ўзларининг ҳаётий тажрибаларига асосланиб жавоб беришга ундалсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

13. Асардаги: «*Ана шунақа галати халқ бу катталар. Улар хафа бўлиб ўтиришига арзирмайди. Болалар катталарга нисбатан кенгфёъл ва кечиримли бўлишлари лозим*», – деган хулосага муносабат билдиринг» топшириғидаги талабни ўқувчилар ўзларича қабул қилишлари тайин. Болалиқдан кенгфёълликни, кечиримлиликни ўз табиатларига сингдиришни эплай олсалар, биздан кейинги катталар биздан яхшироқ бўлишига кафолат яратилади.

14. Асардаги: «... дунёда дўстларни унутиб юборишдан ҳам қайгулироқ нарса йўқ» тарзидаги хулосага муносабатингизни билдиринг. Сиз қандай ўйлайсиз? Дўст одамга нима учун керак? Ўқувчилар бу масалада ҳам кўнгилларига қулоқ тутишлари, у ерда пайдо бўлган самимий ҳисга таянганлари тузук.

15. Ҳикоячининг: «... афсуски, мен қутича деворлари аро кўзичокни кўришга қодир эмасман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман» тарзидаги андуҳи сабаби тўғрисида ўйлаб кўринг» топшириғи устида изланаркан, ўқувчилар асар матнига қайта мурожаат қилишлари керак бўлади. Кичкина шахзоданинг қутича ичидаги кўзичокни кўра олмаётгани, унинг фантазияси сўниб бораётганиданмикин? Унинг: «Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман» тарзидаги фикри қанчалик тўғри? Болада бунга қандай асос бор? Болалар қачон катталашадилар? Ким қандай катталашади? Ўртадаги ўсмирликнинг бирор таъсири бўлиши мумкинми бу катталашишда? Шу каби саволлар ўқувчиларни ўйлантириши табиий. Ўқувчилар ўйлаб кўриб фикр айтсалар, нима учун шундай хулосага келганларини ҳам албатта айтиб ўтишлари керак.

Қиссанинг дидактик таҳлили якунига етгач, ўқитувчи юқоридаги муаммо: «Катталардаги Кичкина шахзодага ёқмаган сифатлар нималар ва улар катталарда қачон, қандай қилиб шаклланган?»ни эслатади ва унинг ечимини топишга йўналтиради ўқувчиларни. Асарнинг таҳлили жараёнида ўқувчилар кичкина шахзодани ҳам, катталарни ҳам маълум даражада англадилар. Ўзлари ҳам катта бўлиб бормокдалар. Катта бўлишнинг биринчи босқичида турган одамлар сифатида ўзларидан келиб чиқиб муаммоли масала ҳақида биргалашиб фикрлашсинлар, қарашларини асосласинлар. Бир-бирларининг фикрларига муносабат билдирсинлар. Эътирозларини далилласинлар. Шу тариқа муаммоли саволга умумий ечим топсинлар. Ечим қандай бўлади, ўқувчилар умумлаштирувчи ечимни ҳаммалари қабул қиладиларми ёки ҳаммалари ўз фикрларида қоладими, буни ҳар бир синфдаги вазият кўрсатади. Бу жараёнга ўқитувчи ҳокимлик қилмаслиги, фикрлар «жанги»га ҳалакит бермаслиги, уларни умумлаштиришга зўр бермаслиги керак. Зарурат сезилганда худди ўқувчилар сингари фикрини

айтиб мунозарага аралашиси мумкин бўлади. Қолганини ҳар бир синфдаги муҳит ўзича ҳал қилади.

Кейинги муаммоли саволда кўтарилган масала: «Кичкина шахзода катта бўлгунча шу беғуборлиги билан қолса, ҳаётда унга қийин бўладими ёки осон бўладими?» ҳам анчагина мунозарали. Ўқувчилар балки уни ҳам жамият ва муҳит, қолаверса, ҳаётнинг ўзи ўзгартириб юборади деб ҳисоблашар, балким шундай катта бўлса юқоридагидек катталарнинг орасида яшаш унга осон бўлмаслигини айтишар, балки бошқа-бошқа жавоб вариантлари бўлар. Қандай фикр айтилишидан қатъи назар у ҳурматга лойиқ ва бу хулоса асосланиши шарт. Адабий таълимда айтилган қарашларнинг асосланиши ва далиллар мустақил фикрдан қолишмайдиган даражада кадрлидир.

Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаси сифатида ўз тасаввурларидаги шахзодани, хикоячи ва унинг чизган суратларини қайта чизишни топшириш мумкин. Ёки уларни қиссада тақдим этилган суратларни ўзларича «ўқиш»га ундаш, ва шу асосда уларга шарҳ ёзишларини талаб қилиш ҳам мумкин. Ҳар иккала топширикнинг натижаси ҳам ижод маҳсули ҳисобланади. Ижод эса мустақил фикр натижаси бўлиб, ўқувчини креатив мулоҳаза юритишга ундайдиган омилдир.

Ғафур Ғулом шеърларини муаммоли таълим асосида ўрганиш.

Ечимнинг битта ёки бир хил бўлмаслиги муаммоли таълимнинг асоси. Муҳими – ечимни ақс эттирган жавобларнинг асосланганлиги, яъни асоснинг қай даражада мантиқлилиги ва кучлилигидир.

8-синф ўқувчилари носир Ғафур Ғулом билан 5-, 6-синфларда танишишган. Унинг «Менинг ўғригина болам» ҳикояси, «Шум бола» қиссаси ўзига ҳос мазмуни, самимий ифода тарзи билан ўқувчиларнинг кўнглида ўрнашиб қолган бўлса ажабмас. 8-синфда Ғафур Ғулом билан шоир сифатида танишиш уларга адибнинг серқирра ижодкор эканлигини намойиш этади. Ўқитувчи Ғ. Ғулом ижодини ўрганишга режалаштирилган икки соатни, истаса бир кунга жамлаши, яъни она тили дарсининг ҳисобидан олиши мумкин бўлади. Саккизинчи синф «Адабиёт» дарслигида шоирнинг иккита шеъри ўрганиш учун тақдим этилган. Улар ҳажман каттагина бўлиб, иккитаси бир соатга сиғмай қолиши ёки ҳар бирига биттадан соат режалаштирилса, вақт ортиб қолиши мумкин. Бу синфдаги ўқувчиларнинг қобилияти ва ишлаш маҳоратига боғлиқ, албатта. Соатлар бирлаштирилганда бир шеърга вақт етмай қолса иккинчи соатдан фойдаланиш, агар бирлаштирилган икки соатда иккала шеърдан вақт ортиб қолса, қолган вақтда шоирнинг яна бошқа бирорта асарини қўшимча ўрганишга сарфлаш мумкин бўлади. Шунда ўқитувчи ўқувчиларнинг зерикашига, ёки аксинча, вақтларининг бесари сарфланишига йўл қўймайди. Агар ҳар бир асарга бир соатдан ажратса, дарснинг маълум қисмини шеърнинг дидактик таҳлилига, бир қисмини эса унинг мазмуни асосида яратилган муаммонинг ечимига сарфлаши мумкин. Лекин зинҳор-базинҳор адабиёт дарсларини анъанавий беш босқичли тизимда уюштириши мумкин эмас.

8-синф дарслигида тақдим этилган «Вақт» шеърининг дастурий талқини қуйидагича: *Вақт» шеъри – умр фалсафаси, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб ва из қолдириб яшашига даъватнинг юксак поэтик ифодаси».*

Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврларда ёзилган «Вақт»⁹⁵ шеърининг ифодали мутолааси учун тўрт-беш дақиқа керак бўлади. Ўқитувчи бу шеърни ўзи ўқигани маъқул. Чунки шеър мазмуни унинг мутолааси зиммасига кескинлик, қатъийлик оҳангини юклайди. Ўқувчи ёш хусусиятига кўра бу талабларни англай олмаслиги, илғаб етмаслиги ва мутолла жараёнида буни ифодалаб бера олмаслиги мумкин. Мутолаадан сўнг асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида унинг дидактик таҳлилига киришилади. Мазкур шеър вақт аталмиш тушунча ва инсон ҳаётининг ҳар лаҳзаси у билан боғлиқлиги ҳақида фалсафий мушоҳада юритишга йўналтирилганлиги билан ўқитувчи ва ўқувчиларни ҳам ақлан, ҳам руҳан анчагина зўриқтиради. Шу ўринда, айтиш мумкинки, дарсликда тақдим этилган мақола ўқувчиларнинг асар ҳақидаги тасаввурларини тиниқлаштиришга кўмак беради. Лекин унга қатъий асос сифатида таяниш унчалар ҳам тўғри бўлмайди: бу мақолага бир мулоҳаза, бир одамнинг шеър ҳақидаги фикри сифатида қараш керак, холос. Сўнгра, ўқитувчи ва ўқувчилар шеър матни юзасидан ўзларининг дидактик таҳлилинини амалга оширишади.

Қуйидаги биринчи саволга жавоб бериш учун ўқувчилар капалак умри ҳақида билимга эга бўлишлари керак. Ўқитувчи томонидан ўртага ташланган: «Капалакнинг ҳаёти ҳақида бирор нарса биласизми? Шоирнинг: *«Ғунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик»*, - дейишига қандай асос бор деб ўйлайсиз?» деган саволга жавоб бериш асносида ўқувчилар шеърятда, умуман, бадиий адабиётда, чинакам санъат асарларида бирорта сўз шунчаки айтилмаслигини, ҳар бир сўз, мисра замирида қандайдир ҳақиқатлар, ҳаётий ва илмий асослар ётишини бир қарра ҳис қиладилар. Ботаника дарсларидан олган билимларига асосланиб капалаклар вояга етган даврларида бир неча соат, бир неча кун, айримлари ҳатто бир неча ойгача яшашлари мумкинлигини маълум қиладилар. Бу ўринда капалакнинг энг қисқа умри – бир неча соат назарда тутилаётган бўлиши мумкин. Лекин ғунчанинг очилишига қанча муддат керак? Ўқувчилар буни кузатишмаган, албатта (лекин интернет

⁹⁵ Olimov S. va boshhq. Adabiyot. – T.: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2019. – 113–115-b.

орқали бу ҳақда маълумот олишлари мумкин⁹⁶). Иккала ҳодисани киёслаш учун ҳар биридан алоҳида хабардор бўлиш, буни билиш керак. Ҳар иккаласи орасида қандай алоқадорлик бўлиши мумкин? Шулар атрофида мулоҳаза юритганларида ўқувчилар ўзларига ташқаридан қарайдилар. Ўзларининг фалсафий мушоҳада юритиш имкониятлари даражасига баҳо берадилар.

Коинотнинг сир-синоатларини мутахассислар билишади, албатта. Бу ёруғ оламнинг бандаси акли етмайдиган сир-синоатлари кўп ва қандайдир секундлар орасида унда нималар содир бўлиши мумкинлигини оддий одам тасаввур қилолмайди. Шу маънода, шоирнинг «баъзида» дейиши бежиз эмас.

Бир нафас олгулик муддат, бир киприк қокқунча ўтган дам. Ҳаётини дунёда одам буларга эътибор ҳам бермайди, бу ҳақда ўйламайди ҳам. Лекин шу бир нафасни ололмай қолиш, бир киприк қоқишга улгурмаслик ҳам мумкин. Шу нуқтаи назардан қаралса, бу кимлар учундир жуда катта, муҳим ва қимматли вақт бўлиши мумкин.

Ёки қуйидаги сатрлар қайта ўқиб эшиттирилади:

Яшаш соатининг олтин қапғири

Ҳар бориб келиши бир олам замон.

Одам девор соатга қараганда ўша «қапғир»нинг бориб келишига, бунга қанча вақт кетишига эътибор ҳам қилолмайди. Лекин шу вақт оралиғида Аллоҳ дунёни остин-устун қилиши ҳам мумкин. Шундан келиб чиқиб ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини бир нафас олгулик муддат, бир киприк қокқунча ўтган дам ва «олтин қапғир»нинг бир бориб келиши учун кетадиган вақтга қаратади. Инсон ҳаёти учун шу вақтнинг қиммати ҳақида уларнинг фикрини сўрайди. Бу йўналишда мулоҳаза юритиш ўқувчиларни юқорида қўйилган муаммоли саволлар ечимига тайёрлаб боради.

Ўқитувчи ўқувчиларни вақт аталмиш неъматнинг қадрини чуқурроқ англаш учун шеърнинг:

«Ярим соат ичида тугилиб, ўсиб

Яшаб, умр кўриб, ўтгучилар бор»

мисралари устида ўйлаб кўришга ҳам ундагани маъқул: «Ярим соат яшаш нимани англатиши мумкин, Сизнингча? Бу

⁹⁶ <https://www.youtube.com/watch?v=ftSqFpVOevQ>:
<https://www.youtube.com/watch?v=BhMEu2QPEAg>. ва ҳк.

ярим соатлик умр кимга ёхуд нимага тегишли бўлиши мумкин? Ярим соат яшаш мумкинми?» каби саволлар бир томондан ўқувчиларнинг билимдонлигини намоёниш қилишга имкон берса, иккинчи томондан умр, вақт аталмиш тушунчаларнинг моҳиятини англашга кўмаклашади. Фалсафий мулоҳазага йўналтиради. Ўқувчилар балки бу мисраларнинг моҳиятига киролмас. Агар болалар томонидан фикр айтилмаса ҳам, бундан фожиа ясамаслик керак. Муҳими, шу ҳолатга ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш ва бу ҳақда ўйлаб кўришга ундаш. Сухбатни жонлантириш мақсадида ўқитувчи бу борада ўз фикрларини, бир мулоҳаза сифатида айтиши мумкин. У ҳам орадан маълум муддат ўтгач, ўқувчилар ўйлай-ўйлай бу саволга жавоб топа билмаганларида айтилади. Инсон саксон-тўқсон йил чувалчанг-дай судралиб яшаб юравериши ҳам мумкин, қандайдир санокли вақт оралиғида мана шу тўқсон йиллик умрнинг ҳиссасини чиқариши ҳам мумкин. Баъзан шундай сониялар инсон умрини абадийлаштириши ҳам ҳаётий ҳақиқат. Инсон ҳаётида яшалган тўқсон йиллик умр бир тарафу, қандайдир алоҳида ҳодиса содир бўлган ярим соат бир тараф бўлиши мумкин. Ўша ярим соат чинакам ҳаёт ҳисобланади. Инсон умрининг мазмуни бўлади.

Фалсафий сухбатни давом эттириб ўқитувчи ўқувчилар диққати: *«Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун»* сатрига қаратади. Бу қандай он бўлсаки, унинг баҳоси бунча қиммат? Биз, ахир, умримиз давомида йилларни бесамар ўтказиб юборамиз. Бу ерда шоир бизнинг ҳаёлимизга ҳам кириб чикмайдиган қандайдир бир он ҳақида гапиряпти. Бу «бир он» инсон ҳаётида қанча вақт бўлиши мумкин? Бизнинг ҳаётимизда ҳам шундай бебаҳо онлар бўлганми? Ўқувчилар шу ҳақда мулоҳаза юритиб кўришсин. Бу ерда шеър дидактик таҳлилга тортиляпти.

*«Ҳаётда икки лаб қовушган бир зум»*нинг кўша қаримокка муҳр бўлишини қандай тушуниш мумкин? Демак, мана шу «бир зум»нинг зиммасида катта масъулият, жавобгарлик бор. Шу «бир зум»ни қадрламаган, у билан ўйнаган одамни бу «бир зум»нинг уволи тутиши мумкин. Ўқувчилар бу мисрага ҳазил-мазах билан эмас, масъулият билан ёндашишлари кераклигини, ҳаётда ҳеч нарса билан ўйнаб бўлмаслигини ўқитувчи уларнинг руҳиятига жойлаб қўйиши керак. Ўқувчилар инсон умрининг ҳар лаҳзаси назорат остида эканини, ҳар бир хатти-ҳаракатининг баҳола-

нишини, яхши ишлар учун рағбат, хатолар ва гуноҳлар учун жазо мустаҳиқ эканини шу ёшдан англаб боришлари келажак камолининг асосидир.

Ўқувчилар диққати нур тезлиги билан овоз тезлигига қаратилади: «Такқослаб кўрингчи, бунга, ҳар иккаласининг уларга белгиланган манзилга етиб бориши учун қанча вақт кетади? Нурнинг ҳаракати тезми, овознинг тезлигимми?» шулар ҳақида мулоҳаза юритган ўқувчилар вақт аталмиш неъматнинг қадрини тасаввур қиладилар. Инсон бесамар кеткизган вақтларнинг ҳисоб-китоби борми? Буни ким ва нима учун қилади?

Ўқувчилар одамни азиз ва мукаррам қилгувчи фурсат ҳақида ҳам ўйлаб кўрсинлар: «Уларнинг ҳаётида шундай фурсат бўлганми? Бўлиши мумкинми? У фурсат қанча бўлиши мумкин?»

Сухбат асносида: «Ўқнинг ялт этган умрини тасаввур қилинг. У барқарор қилган олий ҳуқуқ ҳақида нима дея оласиз?» сингари саволни қўллаш мумкин. Ўша ялт этиш – ўқнинг умри. У шунинг учун яратилди, шунинг учун яшади. У шу «ялт» этиш билан ўзининг бир умрлик вазифасини, ўзига буюрилганини бажарди. Бунга қанча вақт кетди? Ҳаётда шу ўқчалик ўрни бўлмаган умрлар мавжудлиги ҳақида мулоҳаза юритишга ундаш ҳам ўқувчиларнинг маънавий дунёси соғломлашувида фойдадан холи бўлмас.

Шеърдаги ушбу тўртлик:

Азиз асримизнинг азиз онлари

Азиз одамлардан сўрайди қадрин.

Фурсат ғаниматдир, шох сатрлар-ла

Безамок чоғидир умр дафтارين.

алоҳида таҳрирга муҳтож. «Азиз одам» ким? Унинг азизлиги нимада? Азиз саналаётган «он»нинг қадри қанча? Бу он қанча вақт? «Умр дафтари»ни қандай тушундингиз? Уни «безаш»ни қандай тасаввур қиласиз? Саққизинчи синф ўқувчиларидан бу саволларга фалсафий асосларга эга бўлган жавобни кутиш унчалар ҳам тўғри эмасдир. Яна, ким билади... Лекин ўқувчиларни бу ҳақда ўйлаб кўришга ундаш ўқитувчининг бурчи.

Кўпларнинг бахтига ўзникин жамлаб

Шу улуғ бинога бир гишт қўйсак бас.

Дарсликдаги асар матни устида ишлаш жараёнида тарбияланувчиларнинг диққати юқоридаги икки мисрага ҳам

қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчилар бу мисраларни ўзлари англаганларича таҳлил қилишга ундалади. Бу ҳаётда ҳамма ҳам қахрамон бўлавермайди, ҳамма ҳам «қудратли қўл билан ҳайкал» қўявермайди, лекин ҳамма Одам бўлиб туғилдими, шу номга муносиб яшашга қўлидан келганча интилиши лозим. Дунё деб аталмиш бу улуг бинонинг бир кемтигини топиб, уни беркитишга қодир бўлиш, яъни ўзидан кейин ҳаётда қандайдир из қолдиришга юз тутиш одамликка қўйилган мантиқий талабдир. Бутун олам яратилишига сабаб бўлган ҳазрати инсон мана шу ҳақиқатни англаса, адабий таълим ўз мақсади сари бир қадам босган бўлади. Шеърнинг замирига ҳам мана шу ҳақиқатни англашга даъват сингдирилган.

Шу тариқа шеърнинг моҳиятига кириб борган, сўз қудратини ҳис қилган, вақт ҳақида маълум тасаввурга эга бўлган ўқувчилар олдида: «**Вақт нима? У қандай мезонларга асосланиб бошқарилади? Вақт нимани суяди ва қадрлайди? Вақт ва Инсон**» муаммосининг қўйилиши ўқувчиларни зўриқтириб қўйиши мумкин. Ўсмир мияси фаолиятининг ҳам имкониятлари чекланган. Бу масалани эшитиб баъзи ўқувчиларнинг фикрлаш қобилияти тормозланиб қолиши мумкин ёки аксинча – айримларда янги, жумбушга келган куч пайдо бўлиши мумкин. Бунинг устига, «Вақт» шеърининг дидактик таҳлили уларни ақлан ҳам, руҳан ҳам анча зўриқтирди. Шунинг учун ўқитувчи вазиятга, ўқувчиларнинг ҳолатига қараб иш тутиши, вазият тақозо қилса бу муаммонинг ечимини уйга вазифа қилиб бериши ҳам мумкин. Ва унинг ечими сари бориш йўлларини тавсия этиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўқувчилар ҳар хил энциклопедик луғатлар, интернет материаллари, фалсафий луғатларга мурожаат қиладилар. Вақт билан боғлиқ жамики фалсафий, исломий ва физик маълумотлар билан танишадилар. Кейинги дарсда шу масаланинг ечими устида суҳбатлашилади. «Вақт» аталмиш тушунчанинг илмда ҳам, динда ҳам ўзига хос талқинлари бор. Лекин уларнинг ҳеч бири бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бера олган эмас. У мавхум тушунча. Уни англашга ҳали бандасининг тафаккур имкониятлари қодир эмас. Ҳамкорлар ҳам бу масаланинг ечимини топишлари маҳолдир. Гап бу муаммоларнинг ечимида ҳам эмас. Ўқувчиларнинг шундай мавхум тушунчалар ҳақида мулоҳаза

юритишлари, бор имкониятларини ишга солиб буни англашга интилишлари, кандайдир ҳақиқатларни излашлари, ўзларича асослар топишларида. Ўзларига атаб берилган умрнинг ҳар бир дақиқаси вақт мезонлари асосида назорат қилинишини, умр ҳисоб-китобли эканини ҳис қилишларида...

Ғ. Ғулом ижодидан тақдим этилган иккинчи шеър – «Соғиниш»⁹⁷ ўқувчиларга уруш йилларининг изтироблари ҳақида хабар беради. Унинг дастурий талқин асосидаги таҳлилида: *«Соғиниш» шеърда отага хос соғинч туйғусининг тиниқ ва жозибали ифодаланиши. Асар қаҳрамони табиатида миллий ўзига хосликнинг барқ уриб туриши. Шеърда яхшиликка, эзгуликка, эртанги кунга ишонч туйғулари тасвирининг халқ руҳи ўлмаслиги ҳақидаги фалсафий хулосага ўсиб чиқиши»*ни кўрсатиш лозим. Бу шеърни ҳам ўқитувчининг ўзи ўқигани тузук. Чунки шеърдаги соғинч руҳини ўқувчи унинг ўқилиш оҳангида беролмайди. Шеърнинг мутолааси жараёнида шундай ўринлар борки, ота соғинчини руҳан ҳис қилган ҳолда ўқиётган кишининг томоғига йиғи тикилиб, овозида титроқ пайдо бўлади. Шеърни ўқувчи ўқиса, мана шу ҳолатни илғамай қолиши ёки уялиб туйғуларини бошқариши ва овози титрамаслиги мумкин. Ёхуд у ҳали соғинч туйғусини, фарзандни соғиниш ҳиссини билмагани ёки уни тўлиқ тасаввур қилолмагани учун пайкамай ўтиб кетиши ҳам оддий ҳол. Бундай сунъийлик натижасида шеърнинг таъсир кучи камайиб қолади. Бу адабий таълимда катта йўқотиш ҳисобланади. Таҳлил кўнгилдагидай чиқмайди. Таъсир кутилгандай бўлмайди.

Шеър мутолаасидан сўнг қуйидаги савол-топшириқлар навбати билан ўртага ташланиб, ўқувчилардан жавоблар олинади. Муаллиф бу мисраларни қоғозга тўкаётганда чинакам отага айланган.

*«Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид»*

мисралари мазмунини изоҳланг. Уларнинг таъсирчанлигини таъминлаган бадий воситаларни кўрсатинг» топшириғи устида ишлаганда ўқувчилар узилган бир дона киприк ҳам изсиз

⁹⁷ Olimov S. va boshq. Adabiyot. – T.: Gʻafur Gʻulom nomidagi NMIU, 2019. – 108–110-b.

йўқолмаслиги ва бунинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритишлари керак бўлади. Нега шунақа? Бунинг моҳияти нимада? Ўқувчилар шоир сўзни шунчаки қўлламаслигини билдилар-ку! Бу мисралар замирига жойланган ҳақиқат юқоридаги биринчи тўртликка сингдирилган. Бу ёруғ оламда ҳамма нарса яратганнинг назоратида. «Энг кичик заррадан Юпитергача» барча-барчасига Аллоҳнинг ўзи эгалик қилади, ўзи бошқаради, ўзи назорат қилади. «Хонаи хуришод» – бу ёруғ олам «шунчалар мустаҳкам» яралганки, унда тасодифий ҳеч нарса йўқ, ҳеч бир иш шунчаки содир бўлмайди. кўринадики, биз узилганлигини баъзан илғаб, баъзан пайқамаган биргина киприкнинг ҳам назорат остида экани бу дунёнинг шунчалар мунтазам экани, ўқувчини хайратга солади.

Навбатдаги саволлар: «...гулшанга қадам қўй»ган «бир малъун» деганда ким назарда тутилаётир деб ўйлайсиз? Сизнингча, гулшан нима? «Жони бир жондош»лар ибораси нимани англатади? Маълумки, шеър уруш даврида яратилган. Гулдай яшнаб турган ватанга, гарча бу уруш ўзбеклар тупроғидан анча узокда бўлсада, ўша даврда ягона ватан аталмиш советлар юртига «бир малъун» – Адольф Гитлер бошчилигида немис фашистлари ҳужум бошлади. Ватанга ёв бостириб келганда барча ватандошлар сингари жим туrolмаган ота ўғлини фронтга юборган. Уни соғинч ҳисси, фарзандининг ҳаёти билан боғлиқ хавотир, кўрқув қийнайди.

Жонидан азиз фарзандини урушга кузатган ота ўғли билан фахрланади. Чунки:

Унда етук эди мерос мард гурур,

Остонани ўпиб, қасамёд қилди.

Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,

Яна обод уйимни у дилшод қилди.

Бу мисраларни ўқувчилар дидактик таҳлилга тортишлари учун уларга: «Мардлик ва мағрурликни катта ўғил кимдан мерос қилиб олган? Ўғилнинг қасамёди нимани англатади? Уйнинг дилшодлигини қандай англайсиз? Шод бўлган кимларнинг дили, деб ўйлайсиз?» сингари саволлар билан йўналиш бериб юбориш керак бўлади. Бу саволларга жавоб бериш асносида ўсмир шерхонлар катта ўғилнинг характерини очадилар. Мард, отасидан мағрурликни мерос қилиб олган ўғил жондошининг ғамига бефарқ қараб туролмайди. Ўғилнинг шундайлиги отанинг

кўнглини обод, дилини ҳам шод қилади. Ахир фарзандларининг мард, мағрур, ўзганинг дардини ҳис қиладиган бўлиб шаклланиши нафақат отанинг, балки бутун миллатнинг тилаги ва фахри. Шоир бу мисраларга мана шу ҳақиқатларни жойлаган.

Айни пишиқчилик палласида урушга кетган ўғлини соғинган ота ўз боғида етилган ҳар бир неъматни унга илинади. Боғда етилган шафтолида фарзандининг, у орқали суйганининг белгиларини кўради. Бу – оталик меҳридан. Соғинчдан. Соғинч туйғуси туйғайли, баъзан инсон руҳиятига шайтон мўралаб қолади: одамни ҳар хил ваҳималар босади. Шеърдаги ота ҳам ҳамма катори. *«Кечқурун ош суз»*илганда, дастурхон устида *«аллакими»*ни кумсаб қолган отанинг кечалари уйқуси ўчиб, ўйлагани сари *«дилини васвасалар бос»*ади: *«Балки бир галат ўқ, ё хавф-у хатар, Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...»* Бу сатрларнинг моҳиятига кириш учун ўқитувчи ўқувчиларга: *«Доимо умидим бардам»*ликни қандай тушунасиз? Гарчи умиди бардам бўлса, отани нега яна ваҳима босади? Бу, сизнингча, нимадан далолат беради?» сингари саволлар билан мурожаат қилади ва уларни мазкур банддаги ҳақиқатларни англашга йўналтиради. Шукурки, ҳамма нарсанинг охири бор: ваҳимали тун тугаб тонг отади. Ёруғлик бошланади. Бу ёруғлик ота қалбига ҳам ўз нурини олиб киради: *«Лойқа хаёлотлар чаилмадай тин»*иб, *«Пок-покиза юрак бир қатра симоб»*га айланади. У ишонади:

*Дур бўлиб тақилур ёрқин бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бир ёш,
Икковинг, икки ёш, лабинг лабига
Кўяр. Васвасамдан кулади қуёш.*

Бу мисралар устида ишлашаётганда ўқувчилар ота руҳи, унинг фарзандига қанчалар яқинлиги, меҳрибонлигини туйишади. *«Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла...»* мисрасидаги маъжозий маънони топиш, *«Умид данагини бирга экингиз»* сатрига жой бўлган ўзбекона ниятни илғаш ва изоҳлаш жараёнида ўқувчилар ота кўнглидаги ниятлар самимийлигини кашф этиб боришади. Оталик муҳаббати, соғинчи, уруш аталмиш баловинг офатларини туядилар. Бу туйғулар уларнинг камолоти йўлида ўз таъсирини кўрсатади. *«Соғиниш»* шеърининг дидактик таҳлили ниҳоясига етгач, ўқитувчи: *«Соғинч ҳисси: унинг*

лаззати ва оғриқлари» шаклидаги муаммони ўртага қўяди ва ўқувчиларни бу туйғунинг моҳиятини очишга йўналтиради. Муаммонинг ечими сари йўналтираркан, ўқувчиларига куйидаги савол ва топшириқлар билан мурожаат қилади: 1. Соғинч қандай туйғу? Сиз бунни туйганмисиз? Уни сўз билан ифодалашга уриниб кўринг. 2. Соғинч ҳисси кўнгилда хуруж қилганда одам руҳиятида қандай ўзгаришлар юз беради? Улар дилни оғритадими ёки ҳузур бағишлайдими? 3. Соғинч туйғусининг оғриқларини қандай ифодалайсиз? Унинг лаззатлари нималар билан асосланади? 4. Соғинч ҳисси нима билан яқунланади? Бу яқуннинг номи нима эканини айта оласизми? Шу каби савол ва топшириқлар устида ишлаш асносида ўқувчилар Соғинч ҳиссини, инсонга хос бўлган бу туйғунини сўз билан ифодалашга уринадилар. Руҳиятларини тафтиш қиладилар. Соғинч туйғуси билан боғлиқ Оғриқ ва Лаззатни тасаввур қиладилар. Висол лаззатини, соғинч эҳтиёжининг қондирилиши лаззатини англайдилар. Отанинг кутгани висол онлари етиб келганда унинг ҳолати қандай бўлишини тушунадилар. Одам кўнгилда пайдо бўладиган барча туйғулар қайсидир жиҳатлари билан уларнинг ўсмирлик ёшида туйилганини, қай бирларидир келажакда ҳис этилиши мумкинлигини англайдилар. Кўзга кўринмайдиган, қўл билан ушлаб бўлмайдиган, ўрни одам танасининг қаерида эканини ҳам англаб бўлмайдиган кўнгилдагина содир бўладиган бу каби бир қатор туйғуларнинг ўзига хос оғриқлари, лаззатлари борлигини фарқлаб борадилар. Шу тариқа руҳиятларида юз берадиган безовталиқлар, изтироблар ва ҳузурларнинг сабабларини фарқлашга ўрганиб борадилар...

«ТЕМИР ХОТИН»ни муаммоли ўрганиш.

Муаммоли вазиятларни ташкил этиши муаммонинг шаклланиши, бу жараёнда ўқувчиларга кўрсатиладиган ёрдам, муаммо ечимининг текширилиши, бу жараёнда ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш сингари фаолиятлар йиғиндисидир.

Адабиётга XX асрнинг 70-йилларида кириб келган Шароф Бошбеков бадиий адабиётнинг мураккаб турларидан бўлган

драматургияда ижод қилади. Шу пайтгача адибнинг «Такдир эшиги», «Тикансиз типратиканлар», «Эски шаҳар гаврошлари», «Эшик қоққан ким бўлди?», «Темир хотин», «Тушов узган тулпорлар», «Чароғбонлар» каби драмалари чоп этилган ва сахналаштирилган. Драматургнинг «Темир хотин» комедияси ҳозирги кунгача томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Ш. Бошбеков ўз ижодидаги хусусиятлар хақида гапириб: *«Менинг энг яхши кўрган қуролим — юмор. Асар қандай жанрда ёзилмасин, воқеалар қанчалик жиддий, қаҳрамонларимнинг тақдири қай даражада фожиали бўлмасин, юмор, ҳазил-мутойиба, аския унсурлари, сўз ўйинларидан унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилама. Бу, биринчидан, асарни ўқишли қилади, томошавийлигини оширади, иккинчидан, бошиқа нуқсонларни «ёпиб» кетади. Масалан, «Темир хотин» асаримда айтшладиган «гап» жиддий, лекин вазият, қаҳрамонларнинг сўзи қулғили бўлиши мумкин», - деб ёзади.*

Таълим амалиётида ҳар қандай битикни, хусусан, драматик асарларни ўрганишда аввал уларнинг матни билан танишиш амалга оширилади, албатта. Агар имкони бўлса спектаклини кўрсатиш, ёки киносини намойиш этиш жуда самарали иш тури ҳисобланади⁹⁸. Саҳна асарини саҳнада жонли ижрода кўриш эса кутилган натижанинг максимал даражадаги самарасини таъминлайди. Аввало, Шароф Бошбеков қаламига мансуб «Темир хотин» комедияси хақида юмор билан айтган жиддий «гап» хақида мулоҳаза юритиш керак бўлади. Ўқувчиларни бу ҳақиқтни кашф этишга йўналтирувчи муаммоли савол: **«Бошдан охир енгил юморга йўғрилган, бир оз фантазия ҳам акс этган бу асарда қандай жиддий гап бўлиши мумкин?»** тарзида ўртага ташланади. Асар мутолааси асносида ҳали ўз таассуротлари таъсиридан чиқиб улгармаган «ёш синчи»лар эътибори аввал: биринчи саҳна тасвиридаги Кўчқорнинг рўзғорига тааллуқли ҳар бир жихозда ниманингдир етишмаслигига; Қумри образининг одам, аёл, хотин ва она сифатидаги жамики хусусиятларига; Кўчқорнинг: *«Бир қарасанг, қўйларга қараб «кўп туг» дейди, бир қарасанг, ўзбекка қараб*

⁹⁸ <https://www.youtube.com/watch?v=qvCuNbLSCAI>;
<https://www.youtube.com/watch?v=y21BKp5o0OE>.

«кам туг» дейди...» иборасига; унинг Олимтойга карата: «Хотинларнинг қорнига осилгунча пахта терадиган машинани тўғриша» тарзидаги лукмасига; «Мана, биз ҳам «пахта теримизга» деган гапни эшитишимиз билан ҳамма ишимизни йиғиштириб қўйиб, далага чиқиб кетамиз. Болаларимиз ўқишини таъсирлайди, хотинларимиз эмизикли боласини...» деган эътирофига; «Бутун ўзбекнинг дардини дастурхон қилиб ўтирибман. Доим шу, бизга ўхшаган одам гапирса, ё ҳеч ким эшитмайди, ё эштадигани темир чиқади...» тарзидаги норозилигига; Қўчқорнинг Аломатга карата: «Йўғ-э, энди йиғлашни ҳам қозоғга қараб йиғласак, уят бўлар?» каби сўзларига; Аломатнинг Қўчқорга карата айтган: «Шу даражага етгансизки, бора-бора ундайларга ҳавас ҳам қилмай қўйгансиз! Ҳавас қилавериб, орзу қилавериб, чарчагансиз, ҳолдан тойгансиз!», «Ғурур, қадр-қимматингиз-чи? Мундоқ ўйлаб кўринг, бирон тирик жон сиз билан ҳисоблашадими? Йўқ, ахир! Туй-маъракаларда пойгада ўтирасиз» сингари аччиқ ҳақиқатларига; Қўчқорнинг оғир ҳаётдан нолимаслиги сабаби ҳақида Аломатнинг: «Ҳамма гап иғунда-да, нолимайсиз! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган — оғриқ сезмайди. Дод солиб бақирши-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч қурса инграб қўйишга ҳам қодир эмасмисиз, Қўчқор ака! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган бурчакларида милтиллаётган ушоққина норозиликдан кўрқасиз, уни сезмасликка оласиз!» тарзидаги изоҳларига; Қўчқорнинг ҳайрон бўлиб: «Хўш, нима иш қилипти! Ҳали қаторлаштириб бола туққани йўқ, кечалари уйқудан қолиб, бешик қучоқлаб чиққани йўқ, ҳар бир фарзанди билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани ҳам йўқ. Битта ўзбек аёли нима иш қилса, шунинг ярмини қилди, холос...» сингари мулоҳазалар мазкур асарда айтилган жиддий гаплар. Советлар даврида ўзбек оиласи билан боғлиқ бу ҳақиқатларнинг барчасини ўқувчилар ўқитувчи савол ва топшириқлари кўмагида ўзлари аниқлашлари, сабабларини топишлари керак бўлади. Дарс бошида қўйилган бу саволни том маънода муаммо деб ҳам бўлмайди. Унинг ечимидан ҳам кўра асоси муҳим.

Замондош авлод кечаги жамиятда устувор бўлган қишлоқ ҳаётининг бу каби турмуш тарзини тасаввур қила олмаслиги мумкин дир, лекин қишлоқларнинг бутуни ҳам авло эмаслиги ҳеч

кимга сир эмас. Умуман, совет давридаги турмуш тарзини тасаввур қилиш учун тарбияланувчилар ҳар бир деталь, жумла, ибора, лукма ва тасвирни таҳлилга тортишлари керак бўлади. Ўқитувчи юқорида саналган жиҳатларни савол ва топшириққа айлантириши талаб этилади. Мана шу таҳлил асносида комедияда илгари сурилган «жиддий гап»нинг моҳиятига кирилади.

Масалан: «Саҳнадаги ҳар жиҳоз, ҳар бир буюмда нимадир етишмайди: эшик-дераза ромларининг ярми бўялган, қолганининг ранги ўчиб кетган, ёғоч каравотнинг битта оёғи йўқ, кўрна-ёстиқларга ямоқ тушган, пиёлаларнинг лаби учган ёки чегаланган, чойнакнинг жўмрагига тунука кийгизилган» тарзидаги тасвирга диққат қилинади ва қишлоқдаги оддий оиланинг турмуши тасаввур қилинади. Кейин Қумрининг ҳеч қачон, ҳеч нарсадан нолимаганига, аразлаб онасиникига кетаётган ҳолатида ҳам эрига ачинишига, қўлларининг қаваргани, кийимларидан тапши ва керосин ҳиди анқиб туриши каби бир қанча хусусиятларига таяниб қишлоқ аёлларининг турмуш тарзи тасаввур қилинади. Муаллиф айтмоқчи бўлган «жиддий гап»ларнинг моҳиятига кирилади. Ёки ўқувчилар Қўчқорнинг: «Бир қарасанг, қўйларга қараб «кўп туг» дейди, бир қарасанг, ўзбекча қараб «кам туг» дейди...» иборасига диққат қаратсалар, ўша давр ҳукуматининг одамлар турмуш тарзини кўтариш, ҳаётини яхшилаш ўрнига муҳим деб билган нарсаларга, одам аталмиш ҳилқат кадр-қимматининг пахта, ҳатто қўйдан ҳам паст баҳоланганига, жуда тасаввур қилолмасалар ҳам, ақллари етади. Бундан ташқари, Олимжоннинг Аломат ҳалокати муносабати билан айтилган қуйидаги изтиробли эътирофга ҳам ўқувчилар диққати қаратилади: «Эксплуатация! Эрталабдан кечгача тиндирмадингиз-а! Бир минут дам олгани йўқ, бечора! Юв, тозала, тик, яма, сутур! Бир чақирим наридан сув олиб келиб, кир ювади! Манави тезак ёқиладиган лаънати ўчогингизда овқат қилади! Еб тўймайдиган очофат молларингиз бор: эрталабдан кечгача ўт бер, сув бер, ем бер! Хамир қоради, сизир соғади, куви пишади! Э, бу уйингизнинг иши тугайдими, ўзи! Бундан ташқари, далага чиқади! Минг чаноққа минг эгилиб, пахта теради! Қирқ-эллик кило нарсани кўтариб, хирмонга олиб боради! Шунақаям қийнайдими, Қўчқор ака?! Бу дўзах азобларига қандай дош берсин, қандай чидасин?! (Меҳр билан.) Ахир у темир-ку, Қўчқор

ака, темир. Уни эҳтиёт қилиш керак, авайлаш керак. У ўзини ўйламайди, «қийналиб кетдим» дейдиган тили йўқ. Индамас экан, деб эшакдай ишлатаверадими ахир! «Пақ» этиб жони чиқиб кетгунча эзавериш керакми?! Йўқ, юраги тош одамсиз, Кўчқор ака!»дан улар қишлоқ аёлининг турмуш тарзини маълум даражада тасаввур қиладилар. Муаллиф кўтарган масаланинг моҳиятига кирадилар. Айниқса, қишлоқ болалари кундалик ҳаётида кўриб юргани ва шундай бўлиши керакдек қабул қилгани бу ишларнинг юқини маълум даражада ҳис этадилар.

«Жиддий гап» масаласи ҳал бўлгандан кейин таҳлил йўсини хатти-ҳаракати ва гап-сўзларидан ўта содда, топқир, гапга чечан, ҳазилкаш, мақтанчоқ ва бошқа жиҳатлари билан қишлоқ аҳлининг вакили сифатида тасвирланган Кўчқор тимсолига қаратилади. Кўчқорнинг нима учун ичиб келгани ўқувчиларга асар матни билан танишиш асносида маълум даражада аён бўлган. Дастлаб биргаликда мана шу ҳолат муҳокамага тортилгани тузук. Спиртли ичимлик ичиб маст бўлиш Кўчқорга нима беради? Кўчқорнинг ўз ҳаётидан норозилигини қайси сахналарда кўриш мумкин? Бу каби саволлар ҳар қандай ўқирманни матн моҳиятига қайта-қайта мурожаат қилишга ундайди. Кўринадики, Кўчқор эртаю кеч тиним билмай ишлайди, лекин бири икки бўлмайди. Чунки у энг кам ҳақ тўланадиган ишчи кучи. Қанча ишлагани билан бири икки бўлмайди. Эркак киши бўла туриб оиласининг, ҳеч бўлмаса, моддий эҳтиёжларини қондиролмайди, ўзининг оталиқ, эркаклик бурчларини бажаролмайди. Сиртдан қараганда буларга эътибор бермагандек кўрингани билан руҳан изтиробда яшайди, шунинг алаmidан бир оз бўлсада қутулиш учун ичади. Бу унга ҳеч қандай ёрдам беролмайди, фақат бир-икки соатга шу изтиробларини унутади, озгина чалғийди, холос. Аслида, унинг бошқа йўли ҳам йўқ, қўлидан ҳеч нарса келмайди. У жамият томонидан шундай яшашга маҳкум қилиб қўйилган шахс тимсоли.

Ўқувчилар Кўчқорнинг нутқи ва сўзлаш тарзи асосида унинг ички дунёсини очишга уриниб кўрганлари маъқул. Унинг нутқидан маълум даражада юморга мойиллигини, анчагина билимсизлигини, айти замонда, ўзининг даражасида нималардандир хабардорлигини ва неларнидир билишга озгина мойиллиги борлигини ҳам пайқаш мумкин. Унинг Олимжонга ўз

уйидан жой бергани мана шу билишга бўлган эҳтиёжининг ўзига яраша бир кўриниши. Бўлмаса, жўжабирдай жон, болаларининг қорнини зўрга тўйдириб, устини баҳоли кудрат бутлаб яшяпти. Лекин бағрикенг.

Кўчқор «кўп ўқиши» билан мактанганда, эрининг аҳволини жуда яхши билгани ҳолда аёлининг нега ростини айтмай сўз ўйини қилганлари лавҳасига ҳам ўқувчиларнинг эътибори тортилади. Ўзбек аёли, эри қандай бўлишидан қатъи назар, уни «пир» деб билиши, ўзи қанчалар оғир меҳнат остида эзилганига қарамай эрини аяши, унга ачиниши ўта самимий акс эттирилган. Мазкур вазиятларда қишлоқ ўқувчилари ўз оналари тимсолини кўрадилар.

Олимжон билан суҳбатда Кўчқорнинг: «*Бир қарасанг, кўйларга қараб «кўп туг» дейди, бир қарасанг, ўзбекка қараб «кам туг» дейди...*», - деган гапи замиридаги тағмаънога ўқувчиларнинг диққати қаратилади. Бу гап, асли, юқорида «жиддийлик»нинг бир кўриниши сифатида келтирилган. Энди унинг моҳиятига кирилади. Нега кўй билан ўзбек аёли тимсоллари ёнма-ён келтириляётганлигини тушунтиришга уринилади. Гап шундаки, советлар замонида мамлакатимиз пахта, ипак, қоракўл ва ҳк. қимматбаҳо хом ашёларни етиштириб берадиган республика деб қаралган. Бу маҳсулотлар учун жуда-жуда кам ҳақ тўланган. Шунинг учун на дехқон, на чорвадор ва на пиллақорнинг қосаси оқармаган. Лекин ҳеч ким худди Кўчқорга ўхшаб ҳеч қачон ҳаётдан нолимаган, бориға шуқур қилиб яшайверган. Чунки, халқ қишлоғидан чиқмаса, бошқалар қандай яшяётганини билмаса, атрофидаги ҳамқишлоқларининг бир-биридан деярли фарқи бўлмаса одамзоднинг нима деб эътироз билдиришга ҳам ақли етмайди-да. Шу ўринда ўқувчилар «Ўзбеклар»даги Ботир чўпон оиласини эсласинлар. Ҳар иккала тимсолни такқосласинлар. Шундай яшагач кўйдан фарқи бўладими, одамнинг. Масалан, ҳозир Африкада ёки жунглида яшяётган одамлар ҳам худди шундай...

Олимжоннинг роботни мақтаб: «*У фақат ишлайди! Ишлайверади, ишлайверади, ишлайверади!*» дегани билан Кўчқорнинг: «*Биз ҳам ишлайверамиз...*», дегани замиридаги ҳақиқатни англашга уриниб кўринг» топшириғи берилганда ўқувчилар ўйлаши мумкин: тўғри, ҳамма жамиятда, ҳамма

замонда, ҳамма одам ҳам ишлайди. Одам меҳнат қилмаса, турмуш тарзи яхшиланмайди. Ҳаётда меҳнат қилмай ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Барча муваффақиятларнинг гарови ҳалол меҳнатдир. Лекин гап шундаки, роботнинг ишлайвериши билан одамнинг ишлайвериши орасида фарк бор. Одам Аллоҳнинг энг азиз яратиги сифатида меҳнатига яраша яшаши, маданий дам олиши, ўқиб ўрганиши, дунё кўриши керак. Фарзандлар тарбиялаши керак. Бунинг учун унга билим, кенг дунёқараш, баланд савия керак бўлади. Одамда маънавий камолот сари интилиш эҳтиёжи бўлмоғи муҳимдир. У жамиятни тебратадиган куч. Меҳнат инсонни эзиши мумкин эмас. Яна муҳим бир жиҳат шундаки, одам меҳнатидан завқ ола билиши зарур. Шундай асосларга қурилган меҳнатгина одамни мукаммаллаштиради. Акс ҳолдаги меҳнат одамни қулликка маҳкум этади. Ўқувчиларнинг тафаккур йўналиши мана шуларга қаратилса, таълим жараёнидан кутилган самарага эришиш мумкин.

Кўчқор тилидан айтилган: «... Доим иш, бизга ўхшаган одам гапирса, ё ҳеч ким эшитмайди, ё эшитадигани темир чиқади...» тарзидаги норозилиги қандай ижтимоий маънога эга деб биласиз? тарзидаги савол устида ўйлаш билан ўқувчилар драматург нималарни назарда тутгани ҳақида изланадилар. Мазкур асарда советлар замонидаги оддий меҳнаткаш халқнинг ҳолати акс эттирилган ва Кўчқорнинг гапида жон бор. Жамиятнинг энг қуйи поғонаси бўлган пахтакор ёки чорвадор халқнинг турмуш тарзи, хоҳиш-интилишлари билан ҳеч ким қизиқмаган. Уларга хом ашё етказиб берадиган ишчи кучи деб қаралган холос. Драматург Кўчқорнинг тилидан мана шу ҳақиқатни англантишга ҳаракат қилган.

Ўқувчилар комедиядаги Аломат образига ҳам муносабат билдиришлари зарур. Драматург қишлоқдаги ҳақиқий ҳолатни, қишлоқ аёлларининг турмуш тарзини акс эттиришда «темир хотин» образидан қандай фойдалангани ҳақида мулоҳаза юритсинлар. Шу аснода Аломат билан Қумри ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларга ўқувчиларнинг диққати қаратилади. Кўчқорнинг «Қумри билан десангиз, жим ўтириб ҳам гаплашаверардик. Ичимизда», деган гаплари бу ҳолни изохлашга асос бўлади. Инсон инсонни, айникса ўн олти йил бирга яшаган ёстикдошини туйиши табиий ҳол. Чунки қандай яшашидан катъи

назар, инсонда кўнгил бор, меҳр, муҳаббат сингари туйғулари бор. Уларни бир-бирлари билан боғлаб турадиган бир олам исмли-исмсиз ҳислар бор. Кўчқорнинг Аломат билан «чиқишиб» кетолмаётганининг боиси ҳам шундан. Аломатда юрак йўқ, кўнгил йўқ. У одамни ҳис қилмайди. Суймайди, туймайди. Ўқувчилар уларнинг чиқишиб кетолмаслиги сабаблари ҳақида ўйлаб кўришса, шу ҳақиқатларни англайдилар, фикрлари билан ўртоқлашадилар.

Кўчқорнинг: *«Кумрининг қўллари қадоқ босиб, ёрилиб кетган бўлсаям, бир нимаси бор эди-да... Ўша нима экан-а? Бўлмасам, бармоқларини кўсак тилиб, гадир-будур қилиб ташилаган. Қўлидан доим кир совун аралаш таппи ҳиди келиб туради. Лекин нимасидир бор эди...»* тарзидаги надомати ўқувчиларнинг назаридан четда қолмаслиги керак. Улар ўша «нимадир» ҳақида ўйлаб кўришсин. Шу нимадир юкорида айтилган фикрлар билан боғлиқ. Буни ўқувчиларнинг ўзлари кашф этганлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар асардаги: *«Ғурур, қадр-қимматингиз-чи? Мундоқ ўйлаб кўринг, бирон тирик жон сиз билан ҳисоблашадими? Йўқ, ахир! Тўй-маъракаларда пойгакда ўтирасиз»* сингари аччиқ гапларга Кўчқорнинг вазиятидан келиб чиқиб муносабат билдиришсин. Бу гапларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлиги ҳақида ўйлаб кўришсин. Нима деб ўйлашаркин, Кўчқорда ростдан ҳам ҳеч қандай ғурур, қадр-қиммат йўқми? Агар бор бўлса, улар нималарда кўринишини асардан мисоллар келтириб кўрсатишга ҳаракат қилишсин. Ўз руҳиятларини тафтиш қилишсин, ичларида Кўчқорга нисбатан қандай ҳислар пайдо бўлдийкин? Бу туйғуларни номлашга уриниб кўришсин. Буларнинг барчаси уларда шахслик сифатларининг шаклланишига кўмаклашади.

Ўқувчилар Кўчқорнинг ҳаётидан ҳеч нолимаслиги сабаблари ҳақида ўйлаб кўришсин. Аломатнинг: *«Ҳамма гап шунда-да, нолмайсиз! Кўникиб кетгансиз. Яралар тошга айланган — оғриқ сезмайди. Дод солиб бақириниш-ку, қўлингиздан келмас, ҳеч қурса инграб қўйишига ҳам қодир эмасмисиз, Кўчқор ака! Қалбингизнинг унутилиб кетган, ўзингиз ҳам билмайдиган бурчакларида милтиллаётган ушоққина норозиликдан кўрқасиз, уни сезмасликка оласиз!»* деган гапларини асослашга уриниб

кўришсин. Бунинг учун матнга мурожаат қилиш шарт эмас. Бу борада ҳар бир ўқувчининг матн мазмунидан келиб чиққан ўз хулосаси бўлади. Шунда улар мазкур асарнинг комедиядан кўра муҳимроқ бир жиҳатлари борлигини англаб етадилар.

«Бундай вазиятдан чиқиш учун Кўчқор нима қилиши мумкин, сизнингча?» саволи ҳам, гарчи жўнроқ бўлсада, маълум даражада муаммоли. Ўқувчилар бу муаммонинг ечимини топишга ҳам уриниб кўришсин. Балки бу борада бирор жўяли фикр чиқмас, лекин асарга муносабатлари ўзгариши аниқ. Энди асарни қайта томоша қилганда ёки ўқиганда аввалгидек кула олмасликлари тайин. Яна буларнинг устига «Даврон сурайлик» ашуласининг берилиши ўқувчиларнинг руҳиятига бир мубҳамлик, оғриқ солади. Бу ҳам асар муаллифининг топқирлиги, одамларни ўйлашга ундаш йўлидаги бир изланишидир.

Олимжоннинг: *«Ахир у темир-ку, Кўчқор ака, темир. Уни эҳтиёт қилиш керак, авайлаш керак. У ўзини ўйламайди, «қийналиб кетдим» дейдиган тили йўқ. Индамас экан, деб эшакдай ишлатаверадими ахир!»* тарзидаги норозилиги ҳам ўқувчиларнинг диққатидан четда қолмаслиги керак. Олим ўзининг яратилган бўлмиш роботни аяпти. Лекин жамият ўз аъзоларини аяш кераклиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмапти. Ўқувчилар мана шулар ҳақида мулоҳаза юритишлари керак, муаллиф томошабин ва ўқувчиларнинг эътиборини шуларга қаратмоқчи бўлган. Тарбияланувчилар темир хотин Аломат билан ўзбек аёллари ҳаётини солиштириб кўришга ундалиши керак. Аломатнинг ҳалокати сабаблари борасида ўйлаётган Кўчқорнинг қуйидаги мулоҳазаларига уларнинг эътибори қаратилади: *«Хўш, нима иш қилипти! Ҳали қаторлаштириб бола туққани йўқ, кечалари уйқудан қолиб, бешик қучоқлаб чиққани йўқ, ҳар бир фарзанди билан минг бор касал бўлиб, минг бор соғайгани ҳам йўқ. (Ҳайрон.) Битта ўзбек аёли нима иш қилса, шунинг ярмини қилди, холос...»*. Кўчқорнинг ҳайрон бўлиши, ўзининг аёли қилаётган меҳнатнинг ярмисинигина бажариб тутаб кетган темирга ажабланиши ўқувчиларни ўйлашга ундаши керак. Демак, инсон темирдан кудратли. Лекин бу кудрат назокат рамзи бўлган аёлни майдалаб йўқ қилиб бораётгани муаллифни изтиробга солган.

Комедиянинг: «Яна ўйнайлик, яна куйлайлик, иқболимиз порлоқ экан, даврон сурайли» кўшиғи билан яқунланиши ўз аҳволини, турмушини тафтиш ва таҳлил қила олмаслик, ўзининг аслида қандай ҳаёт кечираётганлигини билмаслик, жамият аҳлида мустақил фикр ва муносабатнинг йўқлигидан далолат беради. Бу инсонга хос бўлган энг кечириб бўлмайдиган нуқсон эканини ўқувчилар ўйлаб кўришлари адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ келади.

Ҳақиқатдан ҳам, кечаги жамиятда, ўтган асрнинг 60–70-йилларида шундай кўшиқ бор эди. Унинг сўзини ҳам кимдир ёзган, яна кимдир куй басталаган, кимлардир ижро этган. Кўринадики, миллатнинг зиёлилари ҳам шундай фикрлашган ёки бори ҳақиқатни била туриб шундай ёзишга ва куйлашга мажбур бўлишган. Хуллас, «Темир хотин» комедияси кулгидан кўра ўйлашга, комедиядан кўра фожиага, яъни ҳаётий фожеани кулги орқали ифодалашга йўналтирилган асардир.

Уйга вазифа сифатида ўқувчиларга «Мустақиллик даври аёллари» мавзусида эссе ёки мақола ёзишни топшириш мумкин. Кейинги дарсда ўқувчиларнинг яратиклари эшитилади, муҳокама қилинади, муносабат билдирилади. «Асар»даги ҳақиқатларнинг қанчалар асослилиги борасида биргаликда фикрлашилади.

ФОИДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. Т.: Шарк, 2015.
2. Бердалиева Г. А. Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш машғулотларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштириш. Пед. фан. фалс. докт. (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2019.
3. Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1985.
4. Йўлдошев Қ. ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик-мажмуа. –Т.: «Шарк», 2017.
5. Кудрявцев В. Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. –Москва: Знание, 1991.
6. Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: Высшая школа, 1968.
7. Лернер И. Я. Проблемное обучение. – Москва: Просвещение, 1974.
8. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. (Олий ўқув ютрларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик). – Т.: Ўқитувчи, 2001. – 282-б.
9. Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – Москва: Педагогика, 1972.
10. Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1992. – С. 55.
11. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. –Т.: Sano-standart, 2015. – 6–7-б.
12. Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998.
13. Олимов С. ва бошққ. Адабиёт. – Т.: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2019. – 108–110-б.
14. Рахимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD)дисс. – Т., 2020.
15. Рыбак Л. А. Проблема индивидуального подхода в процессе формирования самостоятельного мышления учащихся. //Проблемы формирования личности и индивидуальный подход к учащимся. – М.: Просвещение, 1964. – С. 279.
16. Узоқова Л. П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013.
17. Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.
18. О'qish kitobi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 4-sinfi uchun darslik. /S. Matchonov va bq. – Т.: «Yangiyo'l poligraf servis», 2017.

МУНДАРИЖА

Кириш 3

1-БОБ. МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ НАЗАРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

§1.1. Муаммоли ўқитиш кечимининг миллий тарбияшунослик илмидаги ўрни ва роли7

§1.2. Адабиёт дарсларида муаммоли вазият яратишнинг ўзига хос хусусиятлари36

§1.3. Муаммоли адабий таълимда ўқитувчи компетентлиги73

2-БОБ. АДАБИЙ ТАЪЛИМДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА

§ 2.1. Болалар боғчалари адабий таълимида муаммо.....87

3-БОБ. БОШЛАНГИЧ СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ

§3.1. Бошланғич синфлар адабий таълимида муаммо144

4-БОБ. ЮҚОРИ СИНФЛАР АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ НАМУНАЛАРИ

§4.1. Ўрта синфлар адабий таълимида муаммо204

Фойдаланган адабиётлар361

**Кундузхон Хусанбоева,
Шахло Джамалдинова, Интизор Рахимова**

МУАММОЛИ ТАЪЛИМДА АДАБИЁТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Монография

*Тошкент – «Иновацион ривожланиш
нашриёт-матбаа уйи» – 2021*

*Муҳаррир: Ф.Ҳикматов
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: А.Шушунов
Мусахҳиҳа: Ш.Мирқосимова
Компьютерда
саҳифаловчи: М.Зойирова*

*E-mail: nashr2019@inbox.ru Тел: +998999209035
Нашр.лиц. № 3226-275f-3128-7d30-5c28-4094-7907, 10.08.2020.
Босишга рухсат этилди 16.06.2021.
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси.
Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 23,5. Нашр босма табоғи 22,75.
Тиражи 100. Буюртма № 33*

TO'LIQ HATF KAYD QILINIBDUR
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar
Ushbu kitobning muhuratidagi ma'lumotlar

«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмахонасида чоп этилди.
100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 7-уй.



ISBN 978-9943-7393-9-0

